

ТҮХТА БОБОЕВ

# АДАБИЁТШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус  
таълим вазирлиги университетлар ва педагогика олий  
ўқув юртлариңинг филология (ўзбек тили ва адабиёти)  
факультетлари талабалари (бакалавриат босқичи)  
учун дарслик сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ – “ЎЗБЕКИСТОН” –2002

Масъул мұхаррир:  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология  
фанлари доктори, профессор *С.Мамажонов*.

Тақризчилар:  
филология фанлари докторлари, профессорлар: *Ҳ.Ҳомидов*,  
*Н.Раҳмонов* ва филология фанлари номзоди, доцент  
*М.Олимовлар*.

Мұхаррир: *Зиёда Каримова*

Мазкур китоб муаллифнинг “Ўқитувчи” нашриёти томонидан 1979  
йилда чоп этилган “Адабиётшуносликка кириш курси бўйича ўкув-ме-  
тодик кўлланма”сининг қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи наш-  
ридир.

Дарсликда бадиий адабиётнинг умумий қонуниятлари, адабий асар  
тузилиши ва адабий жараён ҳақида назарий тушунчалар берилган.

Б 4603010400-125 2001  
351(04)2001

SBN 5-640-02969-2

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 2002 йил.

## МУАЛЛИФДАН

Сўнгги йилларда адабиёт назарияси соҳасида бир қатор тадқиқотлар яратилди. Булар орасида, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари томонидан яратилган икки томлик “Адабиёт назарияси” (1978, 1979) ва уч томлик “Адабий турлар ва жанрлар” (1991, 1992) китоблари алоҳида эътиборга лойиқ. Шунингдек, ўзбек шеъриятида бармоқ ва аруз тизимлари, қоғия илми, роман поэтикаси, сюжет, конфликт, композиция, бадиий тил, миллийлик ва умуминсонийлик, анъана ва янгилик каби назарий масалаларга бағишланган тадқиқотлар ҳам пайдо бўлди. Бу, ҳеч шубҳасиз, адабиёт назарияси соҳасида эришилган ютуқdir. Айни чоқда, адабиётшунос-методист олимларимиз ҳам ўрта ва олий мактабларда адабиёт назариясини ўрганишга оид дарслик-қўлланмалар яратдилар. Чунончи, проф. Н.Шукров, Н.Хотамов, Ш.Холматов, М.Маҳмудовнинг “Адабиётшуносликка кириш” (1979, 1984), мазкур сатрлар муаллифининг “Адабиётшуносликка кириш курси бўйича ўқув-методик қўлланма”си (1979), академик И.О.Султоновнинг “Адабиёт назарияси” (1980, 1986), проф. А.Зуннунов ва Н.Хотамовнинг “Адабиёт назарияси” (1978, 1982), проф. Б.Валихўжаевнинг “Ўзбек адабиётшунослиги тарихи” (Х—XIX асрлар, 1993), проф. А.Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” (1926, 1995), “Аруз ҳақида” (1936, 1997), Э.Худойбердиевнинг “Адабиётшуносликка кириш” (1995), проф. А.Хожиаҳмедовнинг “Мактабда аруз вазнини ўрганиш” (1978, 1995), “Ўзбек арузи лугати” (1998), “Мумтоз бадиият малоҳати” (1999), “Шеърий санъатлар ва мумтоз қоғия” (1998), мазкур сатрлар муаллифининг “Шеър илми таълими” (1996), Ҳ.Хомидий,

Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимованинг “Адабиётшунослик терминлари лугати” (1967, 1970), Н.Хотамов ва Б.Саримсоқовнинг “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати” (1979) каби китоблари ана шулар жумласидандир.

Адабиёт назарияси ва уни ўрганиш борасида қилинган ишларни эътироф этганимиз ҳолда шу нарсани таъкидлагмоқчимизки, XX асрнинг 90-йилларигача яратилган бундай китобларнинг аксарияти замона зайлар билан бир қадар “эскириб” қолди — уларга жиддий тузатишлар киритиш ва, ҳатто, анча-мунча бобларини бутунлай қайта ёзиш, қисқартириш-тўлдириш зарурати туғилди. Зоро ўқув-методик адабиётлар қандайдир консерватив-догматик нарса эмас, улар замон талаблари ва илм-фан равнақи тақозоси билан ўзгартирилиб-янгиланиб борилаверадиган ижодий ҳодисадир. Бу — табиий. Бу гап каминанинг 1979 йилда чоп қилинган “Адабиётшуносликка кириш курси бўйича ўқув-методик қўлланма”сига ҳам тааллуқлидир. Негаки, бу китоб нашр қилингандан бери орадан йигирма бир йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Шу даврда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан адабий-назарий қаращларимизда ҳам, ўрта ва олий адабий таълим тизимида ҳам кескин ўзгаришлар юз бердики, булар дарслекни қайта ишлаб чиқиши тақозо этди. Китобнинг бу нашрида бир қатор ўзгаришлар мавжуд. Шулардан бири — мазкур ўқув предмети номига ижодий муносабатдаёқ сезилади. Ҳа, бу нашрда дарслекни илгаригидек “Адабиётшуносликка кириш” деб эмас, балки “Адабиётшунослик асослари” деб номлаш лозим топилди. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, “Адабиётшуносликка кириш” деган фаннинг ўзи илмда йўқ, бу олий адабий таълимда, шартли равищда, қабул қилинган атама эди. Иккинчидан, Адабиётшунослик “Адабий танқид”, “Адабиёт тарихи” ва “Адабиёт назарияси” каби маҳсус фанлардан таркиб топади. Башарти, агар дарслек “Адабиётшуносликка кириш” деб номланадиган бўлса, ана шу фанларнинг ҳаммаси ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш лозим бўларди. Илмий мантиқ мана шуни тақозо қиласи. Ваҳоланки, мазкур ўқув предметида (“Муқаддима”ни мустасно қилганда) асосан адабиёт назариясининг биринчи курс талабалари (бакалавриат) ўрганиш-

лари зарур бўлган масалаларигина таҳлил қилинади, холос. Шунга кўра, мазкур ўқув предметининг номи ўзгартирилди.

Мазкур нашрда дарсликнинг деярли барча боблари қайта кўздан кечирилган, янги боблар (“Қоғия сабоқлари” каби) ҳисобига бойитилган, баъзи боблар (чунончи, “Адабий асар сюжети ва композицияси” боби икки мустақил боб сифатида) кенгайтирилган, мунозарали масалаларга баҳоли қудрат аниқлик киритишга ҳаракат қилинган.

Дарсликда хусусан, адабий асар тузилиши масалаларини тизимлироқ ва чукурроқ ўрганишга эътибор берилган — бу борада тарихий поэтика таълимига ҳам таянилган.

Мазкур дарслик, асосан, олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси (ўзбек тили ва адабиёти) факультетлари (бакалавриат босқичи) талабаларига мўлжалланган бўлса-да, ундан, бизнингча, мазкур ўқув предмети ўрганиладиган бошқа факультетлар талабалари, адабиёт муаллимлари, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, тайёрлов курслари тингловчилари ҳам истифода этишлари мумкин.

---

## МУҚАДДИМА

### АДАБИЁТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ

**Адабиётшунослик —  
бадий адабиёт  
ҳақидаги фан**

Адабиётшунослик бадий адабиёт ҳақида баҳс юритувчи фан экан, у ҳақдаги умумий назарий маълумотларни күйидаги тартибда изчиллик билан ўрганиш зарур.

1. “Адабиёт” атамасининг мазмуни ва қўлланилиши тарихи. “Адабиёт” (ар. أدب — *адаб-обод* сўзининг кўплик шакли бўлиб, луғавий жиҳатдан яхши хулқ демакдир) атамаси амалда кенг ва тор маъноларда қўлланилди. Кенг маънода қўлланилганда “адабиёт” (*عدیيات*) тушунчаси доирасига китоблар, рисолалар, мақолалар ва, умуман, кўпчиликнинг ўқишига мўлжаллаб ёзилган ва нашр қилинган (босмахона кашф этилишидан аввалги даврда қўллэзма ҳолда тарқалган) асарлар киради. Адабиёт, айни чоқда, турли соҳаларга бўлинади ва турли номлар билан аталади. Чунончи, қишлоқ хўжалигига оид асарлар — “қишлоқ хўжалиги адабиёти”, техникага доир асарлар — “техника адабиёти”, тиббиётга оид асарлар — “тиббиёт адабиёти”, сиёсатта доир асарлар — “сиёсий адабиёт”, сўз санъатига оид асарлар — “бадий адабиёт” деб юритилади ва ҳоказо. “Адабиёт” атамаси тор, яъни маҳсус маънода қўлланилганда фақат бадий асарлар (романлар, повестлар, ҳикоялар, очерклар, шеърлар, балладалар, поэмалар, қасидалар, драмалар, комедиялар, трагедиялар ва бошқалар) гина назарда тутилади. “Адабиётшунослик асослари” курсимизда “адабиёт” атамаси, асосан, мана шу маҳсус маънода қўлланилди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Иzzат Султон. Адабиёт назарияси: Т. “Ўқитувчи”, 1980, 5-бет.

Маълумки, ҳозирги пайтда жаҳоннинг бир неча халқлари тилиларида, шу жумладан рус тилида “литература”, ўзбек тилида эса “адабиёт” атамаси ишлатилади. Ҳар иккакала атама ҳозирги даврда бир хил маънони англатади. Бироқ бу икки атама этимологик жиҳатдан ҳам, кўлланилиш тарихи жиҳатидан ҳам бир-биридан ажралиб туради.

“Литература” (франц. literature — ёзма адабиёт) атамаси жаҳон фанида XVIII—XIX асрларда пайдо бўлган. Бу атама аслида ҳарф ва logos сўзларининг кўшилишидан пайдо бўлган; litterature — босма сўз демакдир ва у, асосан, “ёзма адабиёт” маъносида кўлланилган. Бу атамани Россияядада биринчи бўлиб илмий асослаган танқидчи В.Г.Белинскийдир. Россияядада XIX аср ўрталаригача “литература” ўрнида “поэзия” атамаси ишлатилган. Махсус ва тор маънодаги “адабиёт” атамаси ўзбек тилида XX аср бошларида кўлланнила бошланган.

Ўзбек тилида “адабиёт” атамаси кишиларга яхши хулқ ва умуман ҳаётни тўғри тушуниш ва тўғри яшашини ўргатиш мақсадида ёзилган асарлар маъносида кўлланилган. Шунга кўра, ўтмишда бадиий адабиёт билан бирга умуман илмий, тарихий, ахлоқий китоблар ҳам “адабиёт” атамаси тушунчаси доирасига киритилган. Ўрта асрларда шундай асарлар ҳам яратилганки, уларда сўз санъати илм-фан, ахлоқ-одоб масалалари билан чатишиб кетган (“Қобуснома”, “Кутадгу билиг”, “Бобурнома” ва б.). Шу хил асарлар ҳам “адабиёт” деб юритилган. Бундан ташқари, ўтмишда яратилган соф бадиий асарлар (“Шоҳнома”, “Ҳамса” ва б.) ҳам ёзилганки, булар ҳам “адабиёт” атамаси тушунчаси доирасига киритилган. Бироқ, ўтмишда “адабиёт” тушунчаси бўлса-да, уни ифодаловчи атаманинг номи йўқ эди. Бу атама ўрнида турли сўз ва иборалар ишлатилган. Чунончи, шеърий асарлар “назм”, “манзума”, “абёт”, “шеър” деб ва прозаик асарлар “наср” (тизилмаган, тарқоқ сўз) деб юритилган. Ўтмишда шеърий тўпламлар учун махсус атамалар (“баёз”, “девон” каби) ишлатилган-у, аммо шеърий ва насррий асарлар учун махсус атама (“адабиёт”) бўлмаган ёки бўлса ҳам одат тусига кирмаган. XX аср бошларида ўзбек маърифатпарварлари — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ўзларининг баъзи бадиий асарларини “адабиёт” деб аташган (“Енгил адабиёт” каби).

Асримизнинг 20-йилларида “адабиёт” атамасини бадий асарларга нисбатан ишлатиш одат тусига кирган. Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Абдурауф Фитрат, Абдураҳмон Сальдий ва бошқаларнинг асарларида “адабиёт” атамаси маҳсус маънода қўлланила бошланган. Бироқ, “адабиёт” атамасининг қарор топиши жиддий изланишлар, баҳслашувлар заминида юз берган. Баъзилар уни ўша даврларда қўлланила бошланган “ёзувчи” (“ёзғувчи”) тушунчасига мослаб “ёзгич” деб аташни тавсия қилганлар. Бироқ адабий жамоатчилик бу атамани қабул қиласади. Шу тариқа, адабиётшунослик илмида “адабиёт” атамаси тўла қарор топган.

**2. Бадий адабиёт ва уни ўрганишнинг маърифий ва эстетик аҳамияти.** Адабиёт санъатнинг бир тури, сўз санъатидир. Бадий адабиёт ҳаётни сўз орқали тасвир этади. Адабиётда ҳаётнинг муҳим воқеа-ҳодисалари, кишиларнинг ўзига хос хислатлари, руҳияти, орзу-умидлари, дарди, сирасорлари акс этади. Шу тариқа, адабиёт турмушни ўрганиш куроли бўлиб хизмат қиласади. Ёзувчи турмушни, факт ва ҳодисаларни ўрганади, улардан зарур хуносалар чиқаради. Ана шу хуносаларни жонли образлар воситасида ифодалайди. Демак, бадий адабиёт дунёни бадий ўзлаштиришдан иборатдир<sup>1</sup>.

Бадий адабиёт, айни пайтда, дунёни ўзгартириш куроли ҳамдир. Буюк ёзувчилар жамиятнинг олға интилишига ҳамиша ёрдам берганлар.

Бадий адабиёт ўқувчининг ҳиссиёти ва шуурига кучли таъсир этади. Умуман, бадий адабиётнинг маърифий ва эстетик аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу ҳодисани чукур ҳис қилиш учун академик Иzzат Султоннинг “Класик адабиётнинг маърифий ва тарбиявий аҳамияти” номли мақоласини синчилаб ўрганиб чиқиши керак<sup>2</sup>.

Бадий асарларнинг моҳиятини тўғри англаш ва адабиёт ҳодисаларига баҳо бериш учун, даставвал, бадий адабиёт ҳақидаги фанни, яъни адабиётшунослик фанларини билиш лозим. Акс ҳолда, киши адабий ҳодисаларни тўғри баҳолай олмаслиги эҳтимолдан узоқ эмас.

<sup>1</sup> О.Шарафиддинов. Адабиёт — ҳаёт дарслиги. Т., 1981, 7-бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тили ва адабиёти. 1973, 6-сон.

**3. Адабиётшуносликнинг объекти (предмети) ва вазифалари.** “Адабиётшунослик” атамаси этимологик жиҳатдан “адабиёт” атамасига форс-тожикча — “шинос” (яхши билиш, тайин этиш) феъли ва ўзбекча - “лик” аффиксининг кўшилишидан ҳосил бўлган. “Шинос” феъли ўзбек тили талафзузи тақозосига кўра “шунос” шаклига кириб қолган. Шу тариқа, ўзбекча “адабиётшунослик” атамасига Қисқача адабиёт энциклопедиясида қўйидагича таъриф берилган: “Адабиётшунослик — бадиий адабиётни, унинг моҳиятини, келиб чиқишини ва ижтимоий алоқаларини ҳар тарафлама ўрганувчи фандир; сўз орқали бадиий фикрлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги, бадиий иходнинг генезиси (негизи, замини), тузилиши, тарихий-адабий жараённинг локал (маълум жой ва даврга оид) ва умумий қонунлари ҳақидаги билимлар жамидир; бу сўзнинг торроқ маъноси ни олганда, адабиётшунослик — бадиий адабиётни ва ижодий жараённи ўрганиш тамоиллари ва усуслари ҳақидаги фандир”<sup>1</sup>.

Адабиётшунослик обьекти (предмети) тарихий шароит билан узвий бирликда олинган адабий маҳсулот ва унинг яратилиш жараёнидир. Атоқли адабиётшунос Иззат Султон “Адабиёт назарияси” дарслигига адабиётшуносликка берилган таърифнинг мағзини чақар экан, қўйидагиларни таъкидлайди: а) адабиётшуносликнинг диққат марказида, даставвал, адабиётнинг энг яхши намуналари, яъни мумтоз асарлар ва улуф сўз усталарининг ижодиёти туради. Ана шундай мумтоз асарлар ва улуф ёзувчилар ижоди таҳлили жараёнида бадиий адабиётнинг қонуниятлари, хусусиятлари кашф этилади; б) адабиётшунослик тарихий-адабий жараён — маълум бир даврда адабиётнинг ривожланиш шароити ва йўлларини ўрганади, қонуниятларини очади; в) адабиётшунослик адабиётни яратувчиларнинг бадиий адабиёт ва тарихий-адабий жараён ҳақида айтган фикрларини ҳисобга олади, унга таянади<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> КЛЭ, т. 4, М. 1967, 331-бет.

<sup>2</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т., “Ўқитувчи”, 1980, 5-33-бетлар.

Демак, мумтоз бадиий асарлар, улуф ёзувчиларнинг адабиёт ҳақидаги фикрлари, тарихий-адабий жараён ва унинг ҳамма намояндалари ижодий маҳсулоти адабиётшуносликнинг обьектини ташкил қиласди.

Адабиётшуносликнинг асосий вазифаси: а) адабий жараённи, адабиётнинг тараққиёт тамойилларини, қонуниятларини чуқур ўрганишдан, улардан адабий ҳаракатни янада ривожлантириш учун зарур бўлган хulosалар чиқаришдан иборат. Адабиётшунослик бадиий адабиётни замон талаблари асосида тинимсиз ривожлантиришга, ҳалқ-қа хизмат қилдиришга ҳаракат қиласди; б) адабиётшунослик китобхоннинг эстетик дидини шакллантиришга, уни назарий жиҳатдан қуроллантиришга хизмат қилиши лозим. Адабиётшунослик адабиёт билан ҳаёт, ёзувчи билан китобхон ўртасидаги алоқада воситачи, уларни бир-бира билан боғловчи кўприкдир.

#### **Адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари**

Адабий жараён ва бадиий адабиёт ҳақида фикр юритувчи “Адабиётшунослик” шундай бир умумлаштирувчи-жамловчи истилоҳдир-

ки, унинг таркибига бир неча соҳалар — маҳсус фанлар киради. Адабиётшунослик таркибига “Адабий танқид”, “Адабиёт тарихи”, “Адабиётшунослик методологияси”, “Адабиёт назарияси”, “Адабий манбашунослик”, “Адабий матншунослик”, “Библиография” каби фанлар мансубдир. Шулардан: “Адабий танқид” адабий жараён ҳақида, “Адабиёт тарихи” бадиий адабиётнинг тарихий тараққиёт йўли ҳақида, “Адабиётшунослик методологияси” ўтмиш ва ҳозирги замон адабиётини ўрганиш тамойиллари ва усуллари ҳақида, “Адабиёт назарияси” бадиий адабиёт ва ижодий жараён қонуниятлари ҳақида баҳс юритиш билан шугулланади. Агар, таъбир жоиз бўлса, адабиётшуносликнинг куий босқичи — “Адабий танқид”, ўрта босқичи — “Методология” ва “Адабиёт тарихи” ва, ниҳоят, юқори босқичи — “Адабиёт назарияси” дейиш мумкин. Албатта, бу — шартли тасниф. Аслида бу предметлар бир-бирига гоятда жипс боғлиқдир: бирини иккинчисидан, иккинчисини биринчисидан устун қўйиб бўлмайди.

Адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари ҳақида фикр юритилар экан, даставвал, уларни шартли равища икки гурӯҳга ажратиб ўрганиш мумкин:

### 1. Адабиётшуносликнинг асосий соҳалари (фанлари).

Ўтмишда адабиётшунослик фанлари асосан бир бутун ҳолда мавжуд бўлган. Кейинги асрларда адабиётшуносликнинг тарихий ривожланиши жараёнида ундан маҳсус фанлар — адабий танқид, методология, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ажралиб чиқсан. Сирасини айтганда, адабиётшуносликнинг ўзи ҳам ўтмишда фалсафа, мантиқ, ахлоқ, бадиий адабиёт билан қоришиқ ҳолда “яшаган”.

Маълумки, тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичи адабий жараёнида пайдо бўладиган кўплаб асарлардан абадий танқид томонидан танлаб — саралаб олингандар (миллионлаб китобхонлар қалбига йўл топа олганлари) гина — давр синовидан муваффақиятли ўтганларигина адабиёт тарихи мулкига айлана боради. Тарихий-абадий ҳодисалар (адабиёт тарихи) эса “Адабиёт тарихи” фани томонидан тадқиқ қилинади. Адабиёт тарихи адабий жараёнлардан ўсиб чиққанидек, “Адабиёт тарихи” фани ҳам “Адабий танқид”-дан етишиб чиқади. “Адабий танқид” ва “Адабиёт тарихи”дан “Адабиётшунослик методологияси” пайдо бўлганидек, “Адабий танқид”, “Адабиёт тарихи” ва “Методология”дан “Адабиёт назарияси” фани вужудга келади ва аксинчча: “Адабиёт назарияси” “Адабий танқид” ва “Адабиёт тарихи” фанлари учун замин бўлиб хизмат қиласди. Абадий жараён билан бадиий адабиёт, адабиётшунослик фанлари — абадий танқид, адабиёт тарихи, методология, назария орасида ҳамиша диалектик муносабат бўлади. Бир-бiri билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган адабиётшунослик фанларининг ҳар бири олдида ўзига хос илмий-амалий вазифалар туради. Шу фанлардан баъзилари хусусида қисқа-қисқа тўхталиб ўтайлик.

**Абадий танқид** — адабиётшуносликнинг адабий жараёнга дарҳол аралашадиган соҳаси, адабиётшуносликнинг бадиий ижод жараёнига илк дафъа кириб боришидир. Адабий танқид, биринчидан, муайян давр адабий жараёнининг долзарб масалаларини кўтариб чиқиши ва уларни замонанинг foявий-эстетик талаблари нуқтаи назаридан ёритиш асосида адабиёт олдида турган муҳим вазифаларни

белгилашга; иккинчидан, адабий жараёнда иштирок этган барча ёзувчиларнинг ижодий — фаолиятини таҳлил қилиш (ютуқ ва камчиликларини аниқлаш, илгор тажрибаларини умумлаштириш, оммалаштириш) орқали улар ижодини ривожлантириш; учинчидан, энг янги асарларни ўз вақтида зудлик билан таҳлил қилиб, муаллифларнинг ютуқларини кенг ёйиш ва камчиликларига хотима беришга ва, ниҳоят, тўртингидан, миллион-миллион китобхонларнинг эстетик дидини ўстиришга, адабий-бадиий ҳодисаларни нозик ҳис қилишга кўмак беришга бурчлидир.

Хуллас, давр билан ҳамнафас бўлиш, адабий жараёнга фаол муносабатда бўлиш орқали илгор ижтимоий тамоийл ва ғояларнинг адабиётта киришига мадад бериш адабий танқиднинг вазифасидир. Адабий танқиднинг асосий тамойили шуки, у ёзувчининг ижодий меҳнатига хурмат, манфаатдорлик ва эҳтиёткорлик билан ёндашиши ва уни талабчанлик билан баҳолаши лозим. Ҳаққоний абадий танқид ҳамиша жамиятнинг ўй ва андишаларини ифодалайди. Адабий танқид бадиий адабиёт билан ҳаёт воқеа-ҳодисалари моҳиятини чукур англашга ҳисса қўшади.

Ўзбек адабий танқидчилиги — ўзбек адабиёти тарихининг доимий йўлдоши. Мутахассисларнинг аниқлашларича, ўзбек адабий танқидчилиги ўн бир асрлик бой тарихга эга. Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи методологик жиҳатдан икки типга ажратиб ўрганилади: а) IX асрдан тортиб XIX аср охирларигача бўлган ўзбек адабий танқидчилиги тарихи. Бу давр адабий танқидчилиги соф Шарқона танқидчилик руҳида бўлганлиги билан ажralиб туради ва у “ўзбек мумтоз адабиёти тарихи танқидчилиги” деб юритилади; б) XX аср ўзбек адабий танқидчилиги тарихи. Бу давр адабий танқидчилиги Оврупа типидаги танқидчилик сифатида тавсифланади ва у “реалистик ўзбек адабиёти тарихи танқидчилиги” деб юритилади.

Адабиёт ривожи ҳамиша танқид ривожи билан узвий боғлиқ бўлган. Адабий танқид адабий жараён ҳодисалари (чунончи, адабий асар) хусусида фикр-мулоҳаза юритиб, улар устидан ҳукм чиқариш билан машғул бўлар экан, адабий танқиднинг мазмунни ҳукм қилинувчи адабиёт мазмунининг худди ўзгинасидир, фақат фарқи шаклидадир. Ёзувчи ҳаёт ҳакидаги ўз таассуротларини бадиий образлар ор-

қали ифода этса, танқидчи ўзининг адабиёт ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини мантиқий (қисман бадиийлик унсуридан фойдаланган ҳолда) фикр воситаси билан ифода этади. Бу борада адабиёт танқид билан бевосита боғлиқ бўлиб бир-бирига ўзаро таъсир этади. Шу маънода адабий танқид тарихи бадиий адабиёт тарихининг худди ўзгинасиdir. Шу важдан, адабий танқид тарихини ўрганмасдан туриб бадиий адабиёт тарихини пухта ўрганиш амримаҳолдир. Бу ҳол адабий танқид тарихини ўрганишни бадиий адабиёт тарихини ўрганишнинг ажралмас бир қисми қилиб қўяди.

Шу маънода, ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш бўйича анча-мунча ишлар қилинганини таъкидлаб ўзбек адабий танқиди тарихи етарли даражада пухта ўрганилмаганлиги-ни қайд қилиб ўтамиз. Тўгри, ўзбек адабий танқиди тарихини ўрганишда (ишлаб чиқишида) Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Абдураҳмон Саъдий, Олим Шарафиддинов, Отажон Ҳошим, Мақсуд Шайхзода, Воҳид Зоҳидов, Иzzат Султон, Воҳид Абдуллаев, Гулом Каримов, Азиз Қаюмов, Натан Маллаев ва бошқаларнинг хизматлари бор. Ўзбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти олимлари икки томлик “Ўзбек совет адабий танқиди тарихи” (1987), Б. Валихўжаевнинг “Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X—XIX асрлар” (1993), А. Ҳайитметовнинг “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” (1959), Ҳ. Кудратуллаевнинг “Бобурнинг адабий-танқидий қарашлари” (1983), Б. Назаровнинг “Ўзбек адабий танқидчилиги: гоявийлик, метод, қаҳрамон” (1979) каби китоблари нашр қилинди, докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинмоқда. Олий ўқув юртлари талабалари учун Н.Худойберганов ва А. Расуловнинг “Ўзбек совет адабий танқидчилиги” дарслиги нашр қилинган (1990).

**Адабиёт тарихи** сўз санъатининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихини тадқиқ этади, кишилик жамияти-нинг тарихий тараққиётида бадиий адабиётнинг роли ва аҳамиятини белгилайди.

Адабиёт тарихи инсониятнинг илк маданияти билан бирга туғилган. Ўзбек адабиёти тарихи, дастлаб, тазкиралар тарзида келиб чиқиб (Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкира туш-шуаро”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ул-

нафоис" асарлари), кейинчалик у маҳсус фан сифатида шаклланган.

Маълумки, ўзбек адабиёти тарихи деганда унинг пайдо бўлишидан тортиб ҳозирги босқичигача бўлган тараққиёт йўли тушунилади. Кўп асрлик бой ўзбек адабиёти тарихи методик жиҳатдан икки катта даврга бўлиб ўрганилади: а) энг қадимги даврлардан тортиб XIX аср охирларигача бўлган адабиёт тарихи; б) XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихини тадқиқ этиш борасида Абдурауф Фитрат, Абдураҳмон Саъдий, Отажон Ҳошим, Олим Шарафиддинов, Воҳид Зоҳидов, Ҳамид Сулаймонов, Азиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов, Порсо Шамсиев, Воҳид Абдуллаев, Ботир Валихўжаев, Эргаш Рустамов, Абдурашид Абдуғафуров, Содир Эркинов, Раҳмонкул Орзивеков, Эргашали Шодиев, Ҳаким Ҳомидий, Ҳамид Ҳомидов, Иброҳим Ҳаққул, Суйима Фаниева ва бошқалар самарали меҳнат қилганлар. Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти олимлари ўзбек мумтоз адабиётининг беш томлик илмий тарихини яратганлар. Натан Маллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" (1-том, 1962), Воҳид Абдуллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" (2-том, 1964) ва Гулом Каримовнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" (3-том, 1966) дарслклари олий адабий таълим тизимиidan мустаҳкам жой олган. XX аср ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар ҳам эътиборли. "Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки" (1-том, 1961, 2-том, 1962) — ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихининг биринчи илмий умумлашмаси эди. Жаҳон адабиёти ва ЎзФА Адабиёт институти олимлари ҳамкорликда 1987 йилда "История узбекской советской литературы" китобини чоп этишган. Кейинги йилларда олимларимиз ҳозирги ўзбек адабиёти тарихи кўп томлигини яратганлар. Бир гуруҳ етакчи мутахассислар томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун ҳозирги ўзбек адабиёти тарихидан дарслик яратилди (1990—1999). Умуман айтганда, ҳозирги ўзбек адабиёти тарихини тадқиқ қилишда Иzzат Султон, Ҳомил Ёқубов, Салоҳиддин Мамажонов, Маҳмудали Юнусов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Умарали Норматов, Бегали Қосимов, Наим Каримов, Норбой Худойберганов, Акрам Каттабеков, Нуриддин Шукуров, Собир Мирвалиев,Faффор

Мўминов, Иброҳим Faфуров, Бахтиёр Назаров, Саъдулла Мирзаев, Сайд Алиев, Раҳим Азимов, Раҳим Муқомов ва бошқа олимларимиз самарали меҳнат қилдилар.

Адабиёт тарихи адабиёт назарияси хулосаларига суюнниб иш кўради ва, айни чоқда, уни янги илмий хулосалар, фактик материаллар билан бойитади.

**Адабиёт назарияси** сўз санъатининг моҳияти, табиати, ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт қонуниятларини, кишилик жамияти ривожидаги ролини тадқиқ қиласиди, бадиий асарларни таҳлил қилиш тамойиллари ва унга баҳо берриш меъёрларини белгилаб беради. Адабиёт назарияси ҳаёт фалсафасига асосланиб, бутун бир давр ва замонларнинг сўз маҳсулоти, муайян асарларнинг таҳлили ҳамда тарихий-адабий жараёнларни ўрганиш орқали назарий хулосалар чиқаради. Адабиёт назарияси, биринчи галда, реалистик адабиёт, романтик адабиётнинг тараққиёт йўллари, моҳияти ва тажрибалари ҳақида баҳс юритади. Адабиёт назарияси бадиий адабиётнинг образлилиги, халқчиллиги, типиклиги, пафоси ва бошқа масалаларини текширади, адабий асар унсурлари (шакл ва мазмун мутаносиблиги, мавзу ва фоъя, сюжет, конфликт, композиция, бадиий тил хусусиятлари, шеър илми) ҳақида фикр юритади, адабий турлар ва жанрлар, адабий оқим, ижодий метод ва услугуб, анъана ва янгилик каби масалаларни тадқиқ этади.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ҳам адабиёт назарияси оид бир қатор рисолалар бор. Бироқ бу рисолаларнинг аксарияти шеър илми (“Аруз илми”, “Қоғия илми”, “Бадиийлик илми”, “Муаммо илми”) талқинига бағишланган. Аждодларимиз назарида шеър деганда асосан адабиёт, шеър илми деганда адабиёт назариясини тушуниш устувор мавқега эга бўлган. Кейинги асрларда, хусусан XX асрда адабиёт деганда шеър ҳам, наср ҳам, драматик асар ҳам тушуниладиган бўлган. Шу важдан адабиёт назарияси деганда фақатгина шеър илми эмас, наср ва драматик асарлар қонуниятлари ҳам тушуниладиган бўлган. Демоқчимизки, даврлар ўтиши билан адабий-назарий қарашларимиз доираси кенгая борган, моҳияти чуқурлашаверган. Айтиш лозимки, Алишер Навоийнинг “Мезон ул авзон”, “Муҳокаматул лугатайн”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Рисолаи аруз” (Мухтасар” каби) илмий асарлари

туркий шеър ўлчовлари — вазилари ва бадиий тил хусусиятлари тадқиқига бағишиланган бўлиб, улар ўз даврининг ўзига хос адабиёт назарияси вазифасини ўтаган. XX асрда ўзбек адабиётининг назарий масалалари билан шуғулланиш кенг қулоч ёди. Проф. А.Саъдий, проф. А.Фитрат, О.Хошим, В.Маҳмуд ва бошқаларнинг асарларида адабиёт назариясининг бир қатор масалалари ишланган. Проф. А.Саъдий биринчилар қаторида Оврупа типидаги адабиёт назариясидан дарслик яратишга кўл урган. 1924 йилда “Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари” дарслиги нашр этилган. Проф. А.Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” қўлланмаси эса 1926 йилда чоп қилинган. Ниҳоят, 1939 йилда адабиётшунос Иззат Султоннинг “Адабиёт назарияси” дарслиги мактаб ўқувчиларига тақдим этилган.

Шу тариқа мамлакатимизда адабиёт назарияси маҳсус фан сифатида шаклланди. Ҳ.Ёкубов, М.Қўшжонов, Ҳ.Абдусаматов, С.Мирвалиев, Б.Имомов, С.Мамажонов, Л.Қаюмов, М.Юнусов, Н.Шукurov, У.Тўйчиев, Р.Орзивеков, А.Рустамов, Э.Каримов, Б.Саримсоқов, Ф.Саломов, А.Рахимов, Н.Рахимжонов, Б.Назаров, С.Алиев, Д.Тўраев, Ш.Холматов каби олимларимиз адабиёт назариясига оид илмий тадқиқот ишлари олиб боришиган. Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти олимлари икки томлик “Адабиёт назарияси” (1978, 1979) ва уч томлик “Адабий турлар ва жанрлар” (1991, 1992) номли китобларини нашр эттирилдилар. Проф. А.Зуннунов ва Н.Хотамов ўрта мактабларнинг юқори синфлари учун “Адабиёт назарияси” дарслигини 1982 йилда чоп эттирган бўлсалар, Н.Шукurov, Н.Хотамов, Ш.Холматов, М.Маҳмудовнинг “Адабиётшуносликка кириш” дарслиги (1979, 1984), каминанинг “Адабиётшуносликка кириш курси бўйича ўқув-методик қўлланма”си (1979) ва, ниҳоят, академик Иззат Султоннинг “Адабиёт назарияси” дарслиги (1980, 1984) олий ўқув юрглари талабаларига тақдим этилди. Шунингдек, адабиётшунос Э.Худойбердиев “Адабиётшуносликка кириш” дарслигини 1995 йилда санъат ва маданият институти талабаларига бағишилади. Проф. А.Хожиаҳмедовнинг “Мактабда аруз вазинин ўрганиш” (1978, 1995) “Ўзбек арузи лугати” (1998), “Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия”, каминанинг “Шеър илми таълими” (1996) ўқув қўлланмалири ҳам дунё юзини кўрди.

## **2. Адабиётшуносликнинг қўшимча соҳалари (фанлари).**

Адабий манбашунослик (адабиётшунослик историографияси), адабий матншунослик (текстология) ва библиография (адабиёт библиографияси) каби маҳсус фанлар ҳам борки, буларни, шартли равища, адабиётшуносликнинг қўшимча соҳалари ёхуд адабиётшуносликка туташ фанлар деб юритиш мумкин. Талабалар бу фанлардан ҳам хабардор бўлишлари лозим.

**Адабий манбашунослик** — адабиёт тарихи, адабий танқид ва адабиёт назарияси каби маҳсус фанларнинг турли даврлардаги тарихий тараққиётига оид манбалар (материаллар) мажмуй, уларнинг илмий умумлашмасидир. Демак, адабий манбашунослик асосий адабиётшунослик фанларининг тарихий тараққиётини, босиб ўтган йўлини, яъни адабиётшунослик манбаларини, уларнинг ўзига хос тарихини ўрганиш билан шугулланади. Манбашунослик адабиётшунослик фанлари эришган ютуқларни, ижобий тажрибаларни умумлаштириш йўли билан уларнинг галдаги тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Адабиётшунослик яқиндагина пайдо бўлган фан эмас. Унинг тараққиёти жуда қадим замонларга бориб тақалади. Адабиётшунослик босиб ўтган кўп асрлик ғоятда мураккаб, зиддиятли йўлдир. Инсоният тарихида адабий-танқидий қарашлар қулдорлик жамиятидаёқ пайдо бўла бошланган ва асрлар давомида босқичма-босқич ривожланиб борган. Қадимги замонларнинг адабий-танқидий қарашлари тарихининг бошланиши, асосан, буюк юонон файласуфи Арасту (Аристотель, мил. ав. 384—322) ижодига бориб тақалади. Бу буюк алломанинг “Поэтика” ва “Риторика” номли илмий асарлари борки, мана шу асарлар жаҳон адабиётшунослигининг ilk ижобий намуналари ҳисобланади. Аристотель бу асарларида поэзия (адабиёт) ҳаётни акс эттиради, унинг бош предмети — инсон, вазифаси — кишиларга тарбия беришдан иборатdir, деган илгор фикрларни олга сурган. Улуғ олимнинг уқтиришича, поэзия инсон ҳаётидаги энг муҳим томонларни умумлаштиради. У поэзия (адабиёт)нинг санъат сифатидаги баъзи хусусиятларини кўрсатиб берган, унинг фандан фарқини аниқлаган, поэзиянинг эпос, лирика ва драма каби турларини тавсифлаган, трагедия жанрини, характер ва коллизия каби

унсурларни тадқиқ этган. Бироқ у, адабиёт ҳаётга тақлидан яратилади деб ҳисоблаган. Шунга қарамай, олимнинг ҳар иккала китоби жаҳон эстетика ва адабиёт назарияси тарихида чуқур из қолдирган. Эллинизм даври (милоддан аввалги IV—II асрлар)да яшаган шоир ва олим Каллимакнинг “Жадваллар” асарида адабиёт ва санъат ҳақида жиддий назарий фикрлар баён қилинган. Эрамизгача биринчи асрда яшаган юонон олими Гораций “Назм илми” асарида бадиий ижодга оид қатор илмий қарашларни олга сурган.

Үйғониш даврининг корифейларидан Леонардо да Винчи санъатнинг манбай табиат, яъни воқеликдир деб эълон қилган. Шунга кўра, у санъаткордан ҳаётни атрофлича ва чуқур билишни талаб қилган. Леонардо да Винчи санъаткорни “муаллим”, ҳаётни “муаллимнинг муаллими” деб атаган. Испан драматурги Лопе де Вега, француз Рабле, итальян Боккаччо, хусусан, шу даврининг улуғ санъаткорлари Сервантес ва В.Шекспир ўз адабий қарашлари билан санъат ва адабиёт назариясини кескин ривожлантиргандар.

XVII асрнинг иккинчи ярмида француз классицизмининг назариячиси Н.Буало “Шеърий санъат” асарида “Аристотелнинг “Поэтика” ва Горацийнинг “Назм илми” асарларидаги назарий қарашларни ривожлантириб, бадиийлик нормаларини ишлаб чиқсан. XVIII асрда Маърифатпарварлик даврининг йирик арбоблари Дидро ва Лес-синглар эстетикага оид асарларида поэзиянинг ижтимоий аҳамияти, унинг ўзига хос хусусиятлари, адабиётнинг санъат турлари орасидаги ўрни ҳақидаги таълимотни чуқурлаштиридилар. Буюк немис файласуфи Гегелнинг эстетикага оид асарлари адабий-назарий қарашлар тарихида ўзига хос бир босқични ташкил этади.

XVIII асрда Россияда Ломоносов ва Радишчев адабий-назарий фикрларни ривожлантиридилар. Пушкин ва Гоголларнинг эстетик қарашлари бу даврда муҳим аҳамият касб этган. А.Д.Контемир, А.С.Сумароков, В.К.Тредиаковскийлар Н.Буалонинг эстетик тамойилларини рус адабиётига тадбиқ қилдилар. Инглиз шоири Александр Поп “Инсон ҳақида тажриба” асарида маърифатпарварлик адабиётининг назарий асосларини ишлаб чиқди. Бу давр адабий қараш-

лари тизимида, хусусан, Дени Диңденинг “Драматик поэзия ҳақида” ва Готхольд Лессингнинг “Лаокоон ёки тасвирий санъат билан поэзиянинг чегаралари ҳақида”, “Гамбург драматургияси” каби асарлари адабиётда реалистик тамойилларнинг қарор топишида алоҳида аҳамият касб этган. Чунончи, Лессинг фикрича, адабиёт табиат ва жамият ҳодисаларига тақлидан яратилмаслиги, балки ҳаёт воқеа-ҳодисаларининг моҳиятини очиши — реалистик тасвир йўлидан бориши керак.

Адабий-назарий қарашлар тарихида рус танқидчилари — В.Г.Белинский, А.И.Герцен, Н.Г.Чернишевский, Н.А.-Добролюбов, М.Е.Салтиков-Шчедрин алоҳида бир босқични ташкил этдилар. Улар санъатнинг халқчиллик, миллий ўзига хослик, оригиналлик, гоявий-бадиий бир бутунлик, образлилик каби хусусиятларини чукур очиб бердилар.

Ўзбек адабий манбашунослиги ҳам фоятда бой, ўзига хос, ўн бир асрлик тарихий тараққиёт йўлини бошидан кечирган. Утмишда Шарқ ва ўзбек адабий манбашунослигида муштарак жиҳатлар кўп эди. Бу муштараклик, биринчи навбатда, адабий-назарий қарашларнинг синкетик (фалсафа, мантиқ, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия масалалари билан қоришиқ) ҳолда мавжудлиги билан тавсифланади (Кайковуснинг “Қобуснома”, Бобурнинг “Бобурнома” асарларидаги каби). Адабий манбашунослигимизнинг яна бир хислати шундаки, ўлкамизда адабий-назарий қарашлар ранг-баранг шакллар — усулларда юз берган. Чунончи, адабий-назарий фикрлар (турли анжуманлар, мушоиралар, сұхбатлар, учрашувларда) оғзаки шаклда баён қилинган (Хондамирнинг “Макорим ул ахлоқ”, Мирхондинг “Равзат ус сафо”, Васифийнинг “Бадоеъ ул вақоеъ”, Заҳирiddин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Огаҳийнинг “Фирдавс ул иқбол” каби асарларида бу усулга кўплаб мисоллар келтирилган). Бундан ташқари, йирик бадиий асарлар матнида йўл-йўлакай сўз санъатининг жамият ҳаётида тутган ўрни, ўзига хослиги, шоир масъулияти, назмда маъни ва сурат мутаносиблиги ҳақида баён қилинган фикрлар ҳам катта аҳамият касб этган. Абу Али ибн Синонинг “Саломон ва Ибсол”, Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадгу билиг”, Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳиббат ул ҳақойиқ”, Сайфи Саройининг “Жаҳон шоирлари, эл гулшани боғ”, Ҳайдар

Хоразмийнинг “Маҳзанул асрор”, Алишер Навоийнинг “Хамса” сингари асарларида сўз санъати хусусида ғоятда қимматли фикрлар билдирилган.

Ўтмиш адабий манбашунослигимизда кўп қўлланилган жанрлар — тазкира, дебоча, маноқиб-ҳолат, фахрия, риссола, бадиий парчалар, мемуарлар, насиҳатномалардир. Хусусан, Шарқда тазкира ёзиш анъанаси ғоятда кенг тарқалган. Араб, форс тилларида ёзилган тазкираларда, кейинчалик туркий тилларда пайдо бўлган тазкираларда шеърият хусусида ғоятда эътиборли фикр-мулоҳазалар билдирилган. Муҳаммад Авфий Бухорийнинг “Лубобул албоб” (“Билимлар мағзи”), Низомий Арузий Самарқандийнинг “Чаҳор мақола”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш шуаро”, Алишер Навоийнинг “Мажалус ун нафоис”, Малеҳои Самарқандийнинг “Музаккир ул асҳоб”, Раҳматулла Возеҳнинг “Туҳфат ул аҳбоб”, Аҳмад Табиийнинг “Мажмуаи шоирон...” каби тазкираларида адабиёт ҳақида эътиборли фикр-мулоҳазалар кўп. Шунингдек, ўтмишда шеърият поэтикаси борасида баҳс юритувчи кўплаб маҳсус рисолалар ҳам яратилганки, улар адабиётимиз назариясини атрофлича ва чуқур ишлашда муҳим аҳамият касб этади. Абу Наср Муҳаммад ал Фаробийнинг “Эҳсо ул-улум”, “Китоб ул фусул ул-маданий”, “Шоирлар санъати қонунлари ҳақида рисола”; Абу Райхон Берунийнинг “Ал-осор ул-боқия ан ал-қонун ул ҳолия” (“Ўтмиш даврлардан қолган ёдгорликлар”), “Китобу мо лил ҳинд мин маъқуллатин фил аҳли ав марзулатин” (“Ҳиндларнинг ақлга сигадиган ва сифмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби”), Абу Али ибн Синонинг “Шифо”, “Мұйтасамуш шуаро”, “Поэтика”; Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддиматул адаб”, Юсуф Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум”, Абдуқодир Журжонийнинг “Асрор ул-балоға фи илми баён”, Абулқасан Сарахсийнинг “Фоят ул арузайн”, “Канз ул қофия”, Муҳаммад Родуёнийнинг “Таржимон ул балоға”, Аҳмад Маншури Самарқандийнинг “Канз ул-ғаройиб”, Рашидий Самарқандийнинг “Зийнатнома”, Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус сеҳр фи да қойиқ ушшеър”, Қайс Розийнинг “Китоб ул-мӯъжам фи маойири ашъор ал-ажам”, Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар”, Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнининг “Бадойиъ ус-саноъе”, Шайх Аҳмад бинни Ҳудойдод Тарозийнинг “Фунун ул ба-

лога”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” каби кўплаб илмий рисолалири яратилганки, буларни пухта ўрганиб чиқмай туриб ўзбек мумтоз адабиёти тарихи назариясини яратиб бўлмайди. Шунингдек, ўтмишда ёзилган дебочалар, фахриялар, маноқиб-ҳолатлар ҳам борки, бу асарларда ҳам бадиий адабиёт ҳақида, ижодкор шахсияти-ҳолати хусусида фикр юритилган.

Ўтмиш мадрасаларимизда “Аруз илми”, “Қофия илми”, “Бадиий санъатлар илми”, “Муаммо илми” каби маҳсус илмлар ўрганилган эканки, бу ўқув предметлари ҳам адабиёт назарияси ҳисобланган<sup>1</sup>.

Хуллас ўтмиш манбашунослигимиз шу қадар бой ва ранг-барангки, уларни қидириб топиш, таржима қилиш ва атрофлича таҳдил этиш, умумлаштириш йўли билан мумтоз адабиётимиз тарихи назариясини яратиш — шу кунимизнинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

XX аср ўзбек адабий-назарий қарашлари тарихида ҳам кўплаб асарлар яратилган. Бу давр илмий-адабий манбалари монографиялар, рисолалар, мақолалар, тақризлар, обзорлар, портретлар, эссе-бадиалар, очерклар, илмий тарих, дарслик-қўлланмалар тарзида вужудга келганлиги билан тавсифланади. Асримиз илмий-адабий манбаларини яратишида дастлаб Абдурауф Фитрат, Абдураҳмон Сайдий, Отажон Ҳошим, Олим Шарафиддинов, Ҳоди Зариф, Воҳид Заҳидов, Иззат Султон, Ҳомил Ёкубов, F. Каримов самарали хизмат қилган бўлсалар, кейинги даврда М.Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, С.Мамажонов, Б.Назаров, А.Қаюмов, Л.Қаюмов, А.Рустамов, Н.Каримов, У.Норматов, Н.Худойберганов, С.Мирвалиев ва бошқа олимларимиз катта меҳнат қилдилар. Ўзбек адабий манбашунослиги тарихида, хусусан, Порсо Шамсиев, Ҳ.Сулаймон, С.Муталибов, У.Каримов, А.Қаюмовнинг хизматлари алоҳида эътиборга лойик.

**Адабий матншунослик (текстология: лот. textus — асос, боғланиш; юнон. logos — сўз) — тадқиқ этиш, шарҳлаш, оммабоп ёки академик нашрга тайёрлаш мақсадида ада-**

---

1 Қаранг: *Б. Валихўжаев. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи (Х—ХІХ асрлар)*. Т., “Ўзбекистон”, 1993, 17-бет.

бий асарларни ўрганиш, уларнинг яратилиш тарихини аниқлаш, асл (дастхат) ёки унга яқинроқ матнни тиклаш, нашр этиш билан шуғулланади. Матншунослик бадиий асарнинг у ёки бу нусхасининг ёки нашрининг нечоғли мукаммал ёки номукаммаллигини аниқлади. Бадиий асарнинг, хусусан, ўтмишдан мерос бўлиб қолган асарнинг асл (дастхат) матнини тиклаш — ниҳоятда мураккаб иш. Бунинг учун муайян асарнинг турли даврларда тайёрланган нусхалари бир-бирига синчковлик билан қиёсланади, шу жараёнда котиблар ёки ноширлар томонидан асар матнига киритилган “тузатишлар”, қўшимчалар чиқариб ташлана-ди ва шу тариқа асарнинг илмий-танқидий матни тайёрланади. Масалан, матншунос олим Порсо Шамсиев Алишер Навоийнинг “Хамса”сини тўлалигича ва яхлит бир китоб ҳолида нашрга тайёрлаш борасида мураккаб текстологик тадқиқот ишлари олиб борган. Олим “Хамса”га кирган достонларнинг турли қўлёзмалари ва нашрларини қиёсий планда ўрганиб чиқсан, бу асарни унинг қадимий нодир қўлёзма нусхалари — Алишер Навоий ҳайётлик чоғидаёқ Абдужамил котиб, Султонали Машҳадий ва бошқа машҳур котиблар томонидан кўчирилган нусхалар билан қиёслаган. Шундай қилиб “Хамса”нинг асл матнига яқин нодир илмий-танқидий матнини тайёрлаб, 1960 йилда нашр эттирган. “Хамса”нинг илмий-танқидий матнини яраттани учун Порсо Шамсиевга филология фанлари доктори деган илмий даражаси берилган.

Алишер Навоий асарларининг илмий-танқидий матнларини тайёрлаш ва нашр эттиришда Садриддин Айний, (“Хамса”нинг қисқартирилган нашри, 1940, 1947), Олим Шарафиддинов, Иззат Султон (“Мезон ул авзон”), А.Н. Кононов (“Маҳбуул қулуб”), Ҳ.Сулаймонов, А.Ҳайитметов, С.Фаниева ва бошқа олимларнинг хизматлари ниҳоятда каттадир. Матншунос олимларимизнинг илмий жасорати натижасида Алишер Навоий асарларининг ўн беш томлиги чоп этилиб, шоир ижодини чуқур ва атрофлича ўрганиш имконияти яратилган. Эндиликда Алишер Навоий тўла асарлар тўплами нашр этилди. Шунингдек, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, Ф.Каримов, С.Муталибов, А.Рустамов, С.Долимов, Р.Мажидий, Ҳ.Расулов, Анисий, М.Қодирова ва бошқа олимларимизнинг матншунослик соҳасидаги та-

дәқиқотлари натижасида бир қатор ўзбек классикларининг асарлари нашр этилган. XX аср ўзбек ёзувчилари асарларининг текстологик тадқиқотлари соҳасида ҳам бир қатор ишлар қилинганд. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий тўла асарлари кўп томлиги, Ойбек мукаммал асарлари ўн тўққиз томлиги, Ҳамид Олимжон асарларининг ўн томлигининг нашр этилиши мана шу жумладандир.

Матншунослик фанининг муҳим шохобчаларидан бири — атрибуция (лат. *attributio* — нисбат бермоқ) бўлиб, у муаллифи номаълум (аноним) ёки фақат тахаллус қўйилган асарнинг муаллифини, асар ёзилган жой ва йилини аниқлаш билан шугулланади. Атрибуция — матншуносликнинг қадимий муаммоларидан. Чунончи, антик дунё даврида “Илиада” ва “Одиссея” эпосларининг Гомер қаламига мансублигига шубҳа билан қаровчилар бўлган. XVIII асрга келиб яна “Гомер масаласи” кўтарилиган. XIX аср ўрталарида айрим олимлар буюк инглиз драматурги В.Шекспирнинг улуғ асарлар муаллифлигига шубҳа билдиришган. Уларнинг даъволарига кўра, В.Шекспир оддий актёр бўлган ва, шу сабабли, у шоҳона трагедияларни ёзишга қодир бўлмас эмиш. Атрибуция фани бундай қарашларнинг асоссиз эканлигини кўрсатган — Гомер ва В.Шекспирларнинг муборак номлари сақлаб қолинган.

Шунингдек, кейинги йилларда “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали саҳифаларида “Гул ва Наврӯз” достони муаллифи ҳақида мунозара очилган эди. Бу масалага, бизнингча, адабиётшунос ва матншунос А.Ҳайитметов сўнгги нуқта қўйди: олим XV аср ёдгорлиги — Шайх Аҳмад бинни Худойдод Тарозийнинг “Фунун ул балоға” ва XVI аср ёдгорлиги — Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида қайд этилган фактларга таяниб, “Гул ва Наврӯз” достонининг муаллифи Лутфий эмаслиги, балки Ҳайдар Хоразмий эканлигини исботлади. Бир вақтлар Фарбий Оврупа ва рус ориенталистлари орасида Алишер Науойининг “Лисонут тайр” номли фалсафий асари Фаридиддин Атторнинг “Мантқут тайр” достонининг таржимасидир деган қараш бор эди. Ўзбек матншунослиги бундай қараш мутлақо асоссиз эканлигини исботлаб берган. Кейинги йилларда “Юсуф ва Зулайҳо” достони муаллифи бо-

расида ҳам баҳс очилган. Бу муаммога ҳозиргача узул-ке-  
сил нукта кўйилганича йўқ.

Демак, бадий матннинг дастхатини ёхуд илмий-тан-  
қидий матнини, асарнинг ёзилиш тарихини, муаллифи но-  
маълум бўлган асар муаллифини аниқлаш — матншунос-  
лик фанининг вазифаси экан.

**Библиография** (юн. *biblion* — китоб — *grapho* — ёзаман) — бадий адабиёт ва адабиётшуносликка оид китоблар-  
нинг ёзилган, кўчирилган ёки босилиб чиқсан йили ва  
жойи, муаллифига оид маълумотларнинг йигиндисидир.  
Библиографиянинг вазифаси: а) ўрганиш зарур бўлган ада-  
бий-илмий матнлар, материаллар ва манбаларни аниқлай-  
ди; б) тадқиқ этилаётган мавзунинг ишланиши, шунинг-  
дек, у ёки бу ёзувчи ҳаёти ва исходининг ўрганилиш тари-  
хини кузатиб боришга, қачонлардир нашр этилган-у, турли  
сабабларга кўра кейинчалик унутилган ёки йўқолган матн-  
ларни адабиётшунослик илмига олиб киришга ёрдам бе-  
ради.

Библиографиянинг икки тури мавжуд: а) илмий тадқи-  
қот ишларига ёрдам берадиган илмий-ахборот, ҳисоб-ки-  
тоб учун тузилган рўйхат; б) ўқиш учун тавсия қилинади-  
ган асарлар библиографияси. Бундан ташқари, библиогра-  
фик кўрсаткичларнинг кўйидаги турлари ҳам бўлади:

а) умумий библиография (масалан, В.И.Бойбекова,  
М.Султонова таҳрири остида нашр қилинган “Ўзбек ада-  
биёти” (1940—1958).—Т.; 1963; б) маҳсус библиография (ма-  
салан, Алишер Навоий, Ҳ.Ҳ. Ниёзий, Садриддин Айний,  
Faфур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон ижодлари бўйича  
маҳсус тузилган библиографиялар ёки “Ўзбек адабиётшу-  
нослиги ва адабий танқидчилиги библиографияси”; в) те-  
матик библиография (масалан, уруш мавзуидаги бадий  
асарлар библиографияси кабилар).

Мамлакатимизда библиографик ишларни тартибга со-  
лиш мақсадида маҳсус библиографик солномалар нашр  
қилинмоқда. Чунончи, китоблар, журнал мақолалари, га-  
зета мақолалари, тақризлар солномалари — журналлар  
шулар жумласидандир. Ўзбекистон Китоб палатаси ранг-  
баранг библиографик журнал — бюллетенлар нашр қил-  
моқда.

## **Адабиётшуносликнинг бошқа фанлар билин алоқаси**

Адабиётшуносликнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у бир неча ижтимоий ва гуманитар фанлар билан алоқада ривожлана-ди. Адабиётшунослик фалсафа, тилшунослик, педагогика, психология, эстетика, санъатшунослик, тарих, археология, этнография фанлари аро шундай диалектик муносабат бор-ки, шу алоқа туфайли бу фанлар бир-бирининг тараққиётига кўмак беради. Адабиётшуносликнинг ўзи ҳам ўтмишда шу фанлар бағрида, улар билан қоришиқ ҳолда мавжуд бўлган. Адабиётшунослик билан бошқа ижтимоий фанлар-аро муносабат ғоятда мураккабдир. Айниқса, адабиётшуносликнинг тарих, эстетика, тилшунослик, фалсафа билан алоқаси. бир-бирига таъсири кучли бўлган. Бундай диалектик алоқани, аввало, уларнинг обьекти бўлган ижтимоий ҳаётнинг ўзи тақозо қиласи. Иззат Султон “Адабиёт назарияси” дарслигида адабиётшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлар билан муносабатини қуидагича асослайди: биринчидан, адабиёт — жамият тарихини ва унинг онгини акс эттирап экан, шу тарихнинг умумий қонуниятларига бўйсуниши табиийдир. Тарихнинг умумий қонуниятлари адабиёт ривожининг ҳам умумий қонуниятларидир. Шунга кўра, адабиётшунослик тарих фани билан узвий алоқада камол топади. Иккинчидан, жамият онгини ва унинг тарихини адабиёт фақат тил воситасида акс эттиради. Тилнинг кишилар орасидаги воситачилик ролини ўрганадиган тилшунослик фанларининг ютуқлари адабиётшуносликда албатта эътиборга олинади. Учинчидан, эстетика гўзаллик қонунлари ва санъат асарлари ҳақида баҳс юритар экан, адабиёт ҳам санъатнинг бир тури сифатида унинг хulosаларига таянади — эстетика ва адабиётшунослик бир-бирини бойитади. Тўртингчидан, адабиёт-ижтимоий онг шаклларидан бири. Ижтимоий онг ва унинг қонуниятларини эса фалсафа фани ўрганади. Шу важдан, фалсафа фани хulosалари бадиий адабиётга бевосита тегишли бўлади. Адабиётшунослик бадиий адабиёт ҳақида фикр юритар экан, у, албатта, фалсафа фани ютуқларига таянади.

**“Адабиётшунослик асослари”  
курсининг қисқача мазмуни, тузилиши ва вазифалари**

адабиётда типиклаштириш” “Бадий адабиётда дунёқарааш, ижод эркинлиги, миллийлик халқчиллик ва умуминсонийлик” мавзуларини ўрганиш кўзда тутилади. Иккинчи бўлим “Бадий асар тузилиши” деб аталиб, бунда “Бадий асарда мазмун ва шакл мутаносиблиги”, “Бадий асар мавзуи ва фояси”, “Бадий сюжет”, “Бадий асар композицияси”, “Адабий асар тили” “Шеър тузилиши” мавзулари ёритилади. Ниҳоят, учинчи бўлим “Адабий жараён” деб номланиб, унда “Адабий турлар ва жанрлар”, “Адабий оқим, ижодий метод ва индивидуал услуб” масалалари кўздан кечирилади.

“Адабиётшунослик асослари” курсида адабиёт назариясининг асосий тушунчалари ҳақида маълумот берилади ва бундан сўнг ўрганиладиган адабиётшунослик фанлари (адабиёт тарихи, адабий танқид, адабий жараён, ўзбек болалар адабиёти, адабиёт назарияси)ни ўрганиш учун шартшароит яратилади. Бу курсда, асосан, бадий адабиётнинг умумий қонуниятлари, бадий асар табиати, шеър илми ва адабий жараён масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Таъбир жоиз бўлса, “Адабиётшунослик асослари” бадий адабиётнинг шундай алифбосидирки, уни дуруст ўрганмай туриб бошқа адабиётшунослик фанларини билиш амримаҳолдир.

**“Адабиётшунослик асослари”**  
курси “Муқаддима” ва тўрт бўлимдан иборат. Биринчи бўлим “Бадий адабиётнинг умумий қоидалари” деб номланиб, бунда “Ҳаёт ва адабиёт”, “Бадий образ”, “Бадий

майди. Образ умумлашма натижаси бўлади. Асарда тасвирланган биргина образ заминида юзлаб-минглаб кишиларга хос хислат ва белгилар умумлаштирилиб, жамлаб берилади. Ойбекнинг “Кутлуғ қон” романидаги Мирзакаримбой образи — XX аср бошларида туғилиб келаётган ўзбек миллий буржуазиясининг умумлашма образи — типи эканлигини пайқаш қийин эмас. Мана шунга кўра, бадиий асарни ўқиганда сезиб турамизки, асарда тасвирланган кишилар ҳаётдаги жонли одамларнинг айнан ўзи эмас, аксинча жонли одамларнинг энг муҳим, типик хислатларини ўзида жамлаган, бадиий бир бутунликка йиққан, синтезланган шаклидир Н.В.Гоголнинг “Ревизор” комедиясидаги Хлестаковнинг муҳим хислати — алдоқчилик, ёлғончилик, фирибгарлик; Садриддин Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими” повестидаги Қори Ишкамба образининг бош хусусияти — хасислик, очкўзлик, судхўрлик; Faфур Гуломнинг “Тирилган мурда” қиссасидаги Мамажоннинг етакчи хислати — ялқовлик: Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг “Майсарапнинг иши” комедиясидаги Майсарапнинг хислати — тадбиркорлик, Б.Раҳмоновнинг “Юрак сирлари” комедиясидаги Сурмахоннинг асосий хусусияти — таннозлик, сатанглик, мешчанлик ва ҳоказо. Биз ҳаётда учрайдиган алдоқчиларни — хлестаковлар; ўта хасис ва судхўр кишиларни — қори ишкамбалар; ялқовларни — мулла мамажонлар; тадбиркор ва уддабурон аёлларни — майсараплар; мешчан, танноз ва сатангларни — сурмахонлар деб атамиз. Чунки, етук реалистик бадиий асарлардаги образларда ҳаётдаги жонли одамларнинг типик хусусиятлари умумлаштирилиб кўрсатилади. А.М.Горькийнинг қуйидаги фикри алоҳида эътиборга лойик: “Бадиий адабиёт айрим фактларга бўйсунмайди, чунки у ундан юқоридир. Унинг фактлари ҳақиқатдан ажралмагандир...”.

Демак, умумлаштириш — бадиий образнинг муҳим хусусияти экан. Шусиз образ яратиш мумкин эмас.

**2. Бадиий образнинг конкретлиги ва индивидуаллиги.** Адабий асарда тасвирланган бадиий образ умумлашма натижасигина бўлмай, айни чоқда, конкретлаштириш, индивидуаллаштириш маҳсули ҳамдир. Зотан, адабий қаҳрамон том маънода индивидуаллаштирилган бўлиши зарур. Чунки ёзувчи бадиий образни индивидуал хусусиятлари

билан кўрсатиш орқали конкретлаштиради, образга жонлилик, ҳаётйлик, табийлик бахш этади, эмоционалликка эришади — ўкувчи ҳиссиётига таъсир қиласди, уни ишонтиради. М.Горький ёзади: “Ёзувчи ўз қаҳрамонларига айнан жонли кишиларга қарагандек қараши керак, уларнинг жонли бўлишлари учун эса ёзувчи ҳар бир қаҳрамоннинг нутқида, ҳаракатида, жуссасида, юзида, жилмайишида, кўз ўйинида ва ҳоказоларда характерли, ўзига хос оригинал хусусиятларни қидириб топиб, таъкидлаб кўрсатиши, қайд қилиши зарур. Буларнинг ҳаммасини қайд этиш билан ёзувчи тасвирлаган нарсаларни китобхоннинг тузукроқ кўриши ва эшитишига ёрдам беради. Мутлақо бир хил одамлар бўлмайди, ҳар бир кишининг ички қиёфасида ҳам, ташки кўринишида ҳам қандайдир ўзига хослик бўлади”<sup>1</sup>.

(Индивидуаллаштиришнинг асоси — реал ҳаёт. Ҳаётда эса, М.Горький айтганидек, одамлар ҳар хил бўлади. Ана шу ҳар хил характерли одамлар адабиётда индивидуаллаштириш орқали ўз ифодасини топади. Индивидуаллаштириш бир хил маслак ва фоядаги кишиларнинг ранг-баранг образларини яратиш имконини беради) Чунончи, Аскад Мухторнинг “Туғилиш” романидаги Нафиса, Луқмонча, Жуман, Поччаев, Самадий, Бек, Адолат образлари маслак ва фоя жиҳатидан асосан бир гуруҳга мансуб бўлса-да, бир-биридан кескин ажралиб турадиган ранг-баранг қиёфадаги қаҳрамонлар сифатида намоён бўлган. Ойбекнинг “Қизлар” достонида Назмихон, Олтиной, Дилбар, Ойжамол ва Гулшан образларини яратганки, буларнинг ҳар бирининг ўз қиёфаси — ўз ёши, завқи, қилиғи, биографияси, портрети бор. Масалан:

Беш қиз тикар, — ҳар бирининг ҳам  
Ўз ёши бор, завқ, қилиғи бор.  
Энг етуғи **Назмихон** кўркам —  
Ингичка қош, бўта кўз, бўйдор...  
Маслаҳаттўй, ғамхўр ва туйғун  
Мудом хафа: кузда никоҳ-тўй  
Чала қолган! **Олтиной** сўлғун,  
Нотобдай у, яна соддагўй.

---

<sup>1</sup> М.Горький. Адабиёт ҳақида. Т., Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1962, 108-бет.

Тумор тақар, туш ҳам таъбирлар  
“Қадим қизи” дерди кампирлар.  
Шұх, ҳазилкаш баридан **Ділбар**,  
Үн саккизга тұлар баҳорда.  
Қызда хүсн ва күч тирсиллар.  
У қүшиқчи, чалар дуторда.  
Лекин дилга түе ҳеч бири  
Сигмагандек: унда ҳам ҳижрон!  
Сирин билар бир Назми биби.  
Дилбар-чевар, сұзамол, чаққон...  
“Артист” — дейди уни Олтиной,  
Қиз дили ҳам шу умидга бой...  
**Ойжамол**-чи, Дилбардан сал ёш,  
Япасқироқ, йүғон гавдали,  
Ишда олов, уятчанг, ювош.  
“Полвон қиз”дир унинг лақаби.  
Энг кичиги жажжи қиз **Гулшан**.  
Ажаб ўйчан үн түрт ёшида,  
Опа қызлар севар күнгилдан.  
Ҳам пахтада, ҳам сув бошида,  
Ҳамда хирмонда жиддий, чайир у.  
Болаларча самимий шұх, қув...

Машхур рус классик ёзувчиси М.Е.Салтыков-Шчедрин реалистик адабиётнинг муҳим хусусиятларидан бири — инсонни ҳаётда бўлганидек мураккаб, кўп қиррали, ранг-бараңг хислатлар эгаси қилиб кўрсатишдан иборатdir, деб таъкидлайди. Унинг уқтиришича, “инсон мураккаб организм”dir. Шунга кўра, адаб инсоннинг ички дунёсини “олдиндан ўйлаб қўйилган” деталлар орқали ифодаламоқчи бўлган, аслида эса “тамомила бир қолипдаги” образлар яратा�ётган ёзувчиларга қарши кураш олиб борган: образларнинг ранг-бараңглиги ҳақидаги талабни ҳалқ ҳаётини жўнлаштириб кўрсатишга қарши кураш билан боғлаган<sup>1</sup>.

Образларнинг ранг-бараңглиги, эстетик бойлиги, кўп қирралиги — ҳаётнинг мураккаблиги тақозосидир. Образларнинг ранг-бараңглиги — конкрет тарихий вазиятдаги инсон ҳаракатларини ҳаққоний тасвирлаш натижаси. Бу — типик шароитни қаҳрамоннинг бевосита интеллектуал ола-

<sup>1</sup> Қаранг: *Н.Шедрин* (М.Е.Салтыков). Полн. собр. соч., т. 5. М. Гослитиздат, 1937, 164-бет.

ми, хатги-ҳаракатлари, қилиқ-одатлари, муомала-муносабатлари орқали бадиий ифодалаш демакдир. Ёзувчи ранг-бараң образлар яратишида, ҳар бир образни күп қиррали, такрорланмас хислатлар соҳиби сифатида кўрсатишида, албатта, ҳаёт ҳақиқатига асосланади. Акс ҳолда, турмуш диалектикасини, ҳаёт эволюциясини бузиб кўрсатувчи схематик образлар яратиладики, бундай образлар китобхон қалбига йўл топа олмайди. Бадиий етук образлар яратилган асарлар эса ҳақиқатан ҳам ҳаёт ва ҳаракатларни ўз ичитга олади. Шундай асарлар ва уларнинг қаҳрамонлари китобхоннинг қалб кўзгусида нақшланиб қолади, уни эстетик жиҳатдан бойитади. Чунончи, “Синчалак” повестида Абдулла Қаҳҳор қалами билан яратилган ранг-бараң қаҳрамонларнинг ҳар бири характер жиҳатидан мураккаб, кўп қиррали, аммо яхлит, қўйма, индивидуал образлар. Саида, Қаландаров, Эшон, Козимбек, Умида, Тожихон, Исмоилжон, Ойниса, Зулфиқоров, Мехрихон, Кифоятхон ва бошқа образлар, биринчидан, бир-бираига сира ўҳшамайдиган фоятда оригинал образлар бўлса, иккинчидан, уларнинг ҳар бири кўп қиррали, ранг-бараң хислатли одамлар типи сифатида кўз ўнгимизда жонланади — жонлилик, ҳаётийлик, табиийлик бу образларнинг “қон-жони”га чукур сингиб кетган. Хусусан, Арслонбек Қаландаров образини яратиш (умумлаштириш ва индивидуаллаштириш)да адид ўзининг улкан истеъод ва санъат соҳиби эканлигини тўла намойиш қила олган.

Арслонбек Қаландаров — бениҳоя мураккаб образ. Унинг сиймосида инсоний хислатлар ва қусурлар пайвандлашиб кетган. Қаландаров колективлаштириш даврида фаоллик кўрсатган, қолоқ хўжаликларни илгорлар даражасига кўтаришида катта хизмат қилган, деҳқончилик иммини сув қилиб ичиб юборган, одамлар қалбига йўл топа оладиган тажрибали ва тадбиркор раҳбар. У колхоз мулкини кўз қорачигидай асрайдиган одам. Шунинг учун ҳам уни колхозчилар ҳурмат қилишади. Аммо Қаландаров сиймосида катта қусурлар ҳам бор — у шахсга сифиниш авж олган бир даврда ўз ютуқларидан мағурланиб кетади — шуҳратпарастликка, бекликка берилади: иззат-обрў келтирадиган план ва даромаддан бошқа ҳамма нарсага панжга орасидан қарайдиган бўлиб қолади. Шу туфайли у ўз

фаолиятида кўзбўямачиликка, сохталикка йўл қўяди. Арслонбек Қаландаров образининг конкретлиги ва индивидуаллиги ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, ёзувчи А. Қаҳҳор Қаландаров образининг ташки портретидан тортиб ички кечинмаларигача, хатти-ҳаракатларию қилиқ-одатларигача, нутқидан тортиб юриш-туришларигача индивидуаллаштирган. Бу ўринда Қаландаровнинг баъзи қилиқ-одатларини эслайдиган бўлсак, бу одатлар ҳам бошқаларда сира-сира учрамайдиган, фақат унинг ўзигагина хос одатлар эканлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Масалан, унинг меҳмон кутиш одати ҳам ўзгача: “Қаландаров мундайроқ меҳмон келса югурдагига “Эшон!” дер экан. Бу “иккита нон билан бир чойнак чой олиб кел” дегани, “Хой, Эшон!” деса — ош буюргани, “Эшон ҳой” дегани эса “ҳовлига бориб хотинимга айт, нозик меҳмон олиб бораман” дегани бўлар экан”. Раис ўз кабинетини ё меҳмон кетганда, ё жаҳли чиққандা очтиради. У овқатлардан фақат паловни, раҳбарлардан фақат ўртоқ Қодиров (район партия комитетининг собиқ биринчи секретари)-ни, дорилардан фақат пенициллинни тан олади! Ёки у шаҳарга тушса, албатта, циркка киради ва бошқалар. Шу каби хислат ва белгилар жам бўлиб Қаландаров образини конкретлаштирган, индивидуаллаштирган. Натижада, Қаландаров — эстетик жиҳатдан бой, турли-туман хислатли, кўп қиррали ва тўлақонли характер — давр типи — шиддаткор инсон образи даражасига кўтарилган. Мана шундай етук бадиий образларгина китобхон хотирасида жонли кишидек (ҳаётда унинг ўзи айнан бордек) абадий муҳрланиб қолади.

Иход жараёнида санъаткорнинг диққат марказида турдиган нарсалардан бири — инсоннинг шахс сифатидаги конкрет хусусиятларини, индивидуал белгиларини кўрсатишидир. Томчида күёш акс этганидек, бадиий асарда инсон ҳаётининг конкрет манзаралари, индивидуал белгилари орқали ҳаётдан олинган умумлашмалар ифодаланади. Шунга кўра, санъат асаридаги ҳар бир шахс — тип ва, шу билан бирга, тамомила аниқ шахсдир. Таъкидлаш лозимки, агар образ конкретлаштирилса, индивидуаллаштирилса-ю, етарли даражада умумлаштирилмаса, у типик бўлмайди — китобхон учун зерикарли бир натура бўлиб қолади.

Шунингдек, образ умумлаштирилса-ю, конкретлаштирилмаса, индивидуаллаштирилмаса, мавхум, жонсиз, бир зумда эсдан чиқиб кетадиган схемага айланыб қолади.

3. **Бадий образ тузилишида тұқима.** Образ ҳәёттій умумлашмаларни индивидуал шахс белгилари, инсон ҳәётининг конкрет манзараалари орқали ифодалашни тақозо қиласар экан, бундай мураккаб ижодий жараённи бадий тұқимасиз, ижодий фантазиясиз тасаввур қилиш мүмкін эмас. Умумлаштириш санъатнинг умумий қонунияті — умумлашмасиз ҳеч қандай бадий образ яратылмайды. Бадий адабиёт, ҳодиса ва характерларни, типиклашни, “үйлаб топиш”ни, тұқимани талаб этади. Адабиётта “...бадий тұқима қанча күп бўлса, шунча яхши, — деган Алексей Толстой. — Лекин бадий тұқимани шундай амалга ошириш керакки, ундан ўқувчидә чинакам турмуш ҳақиқати деган таассурот қолсин. Ёзувчи бадий тұқимасиз яшай олмайды. Зотан, бутун адабиёт бадий тұқималардан иборат, чунки турмуш ҳодисалари замон ва макон ичида сочилиб ётади. Масалан, бир одамни олайлик: у ўзининг моҳиятини, табиатини очиб берадиган бир сўзни бугун айтса, иккинчисини бир ҳафтадан, учинчисини бир йилдан кейин айтиши ва балки ҳеч бир айтмай ўтиб кетиши ҳам мүмкін. Ёзувчи ана шундай одамни кетма-кет сўзларатади. Унинг моҳияти ва табиати учун характерли сўзларнинг ҳаммасини айттиради. Бу эса турмушни бадий тұқималар воситасида акс эттириш бўлади. Аммо бадий тұқимадаги ҳәёт оддий турмушдан кўра реалроқ ва тўлиқроқдир”<sup>1</sup>.

Бу ўринда машхур ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг “Үтган кунлар” ва “Мехробдан чәён” романлари бош қаҳрамонларининг яратилиш жараёнлари ҳақида айтган гаплари фоятда эътиборли: “Халқ орасида бундай типлар (Отабек, Кумуш биби, Анвар, Раъно — Т.Б.) кўп... Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам асаддаги каби айнан деб бўлмайды. Шахс асаддаги қаҳрамонга қанчалик ўхшаб кетмасин бари бир унда қандайдир бирон камчилик, нуқсон бўлади... Ёзувчи кўплаб шахсларда кўрган-кузаттан типлардан ўзи-

<sup>1</sup> Русские писатели о литературном труде, т. 4. М., 1956, 489-бет.

га керагини танлаб олади, умумлаштиради, бирон қаҳрамонда мужассамлаштиради. Бироқ бунинг шарти бор: типпилар ясама, сунъий бўлмаслиги, ҳалқ орасида бирор бўлмаса бирорда кўрилган, табиий, мантиққа тўғри келадиган, китобхонни ишонтирадиган бўлиши шарт”<sup>1</sup>.

Бадиий тўқима ҳаётий факт билан қўшилган, уйғунашган пайтдагина чинакам умумлашма — бадиий образ вужудга келади. Бадиий тўқима ёзувчининг ҳаётга фаол муносабати натижасида юзага келади. Ёзувчи бадиий тўқима ёрдамида конкрет одамларда мавжуд бўлган ижобий ва салбий хислатлар ва имкониятларнинг ҳали рёёбга чиқмаганларини ҳам хаёлан рёёбга чиқариб тасвирлайди, ҳаётий фактни ўз ижодий мақсадига мувофиқ равишда ривожлантириб, ўзгартириб кўрсатади.

Бадиий тўқимани уйдирмадан, ёлғондан фарқлаш кепрак. Уйдирма китобхонни ишонтиrmайди, унга ҳаёт ҳақиқати тўғрисида сохта маълумотлар беради. Бадиий тўқима эса ёзувчининг ҳаётдан олган ҳаққоний таассуротларига асосланади, унинг самимий ҳис-туйғулари ва теран фикрлари билан йўғрилади, санъаткорнинг ўзига хос искеъоди ва маҳорати туфайли китобхоннинг маънавий дунёсини бойитади.

Конкрет тарихий шахсларга бағишлиланган адабий асарларда бадиий тўқима бир қадар камроқ ишлатилади. Масалан, Алишер Навоий ҳақидаги асарларда, кўпинча, Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ўргасидаги нозик муносабат қаламга олинади. Бу тарихий фактни ўзгартириб (бошқача қилиб) кўрсатиш мумкин эмас. Аммо шу ҳаёт фактининг “Навоий” романида, “Алишер Навоий” драмасида “Навоийнома” шеърий романида ва “Алишер Навоий” бадиий фильмида қандай тасвирлангани қиёсан таҳтил қилинса, уларни яраттан ижодкорларнинг ҳар бири тарихий ҳақиқатта содиқ қолгани ҳолда масалага ўзига хос тарзда ёндашганини кўрамиз. Бундай ўзига хослик бадиий тўқимадан асарларнинг жанр тақозосига кўра фойдаланиш демакдир.

Бадиий тўқима ҳаётни типиклаштириб тасвирлаш усули сифатида кўлланилади. Ёзувчи ижодий фантазияга, ха-

<sup>1</sup> Шарқ юлдузи, 1965, 11-сон, 223-бет.

ёлга, бадий түқимага қанча бой бўлса, у яратган образлар шу қадар ҳаққоний, ҳаётий, мукаммал бўлади. Демак, бадий түқима қаҳрамон образини яратишда муҳим аҳамият касб этар экан.

**4. Бадий образнинг эстетик таъсирчанлиги.** Бадий образ китобхонда, албатта, қандайдир эстетик ҳиссиёт (эмоция) уйғотиши керак. Чунончи, ҳаётдаги хунуқликни акс эттирган бадий образ китобхонда нафрат уйғотса, гўзаликни ифодалаган образ эстетик завқ-шавқ беради. Ёзувчи бадий образ орқали эстетик идеалини тасвирлайди: идеал ижобий образда бевосита, салбий образда билвосита ифодаланади. Ёзувчи ҳар бир образга эҳтирос билан ёндашиши, унга фаол муносабатда бўлиши лозим. Шунга кўра, у ёки бу асарни ўқиганимизда биз ҳам бадий образ фаолиятига бефарқ қарай олмаймиз: улардан ё завқланамиз ёки нафратланамиз. Чунончи, Садриддин Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими” қиссасидаги Қори Ишқамбанинг хатти-ҳаракати бизда нафрат уйғотса, Ойбекнинг “Кутлуг қон” романидаги Йўлчининг хатти-ҳаракатларини маъқуллаймиз.

Француз санъатшуноси Ипполит Тэн (1828—1893)нинг ҳимоя қилишича, американлик оддий бир аскар театрга тушиб, “Отелло” спектаклини томоша қиласди. Саҳнада Отелло рашк ўтида ёниб, севикли хотини, пок Дездемонани бўғиб ўлдирад экан, томошабин аскар ундан фоятда нафратланиб кетади ва Отелло — актёрни отиб ташлайди.

XVII аср поляк солномачиларининг ёзишларича, поляклар билан австрияликлар ўртасида жанг кетаётган бир пайтда бир гурӯҳ поляк аскарлари театрга тушишади: саҳнада полякларнинг австрияликлар устидан қозонган ғалабасини акс эттирувчи спектакль намойиш қилинади. Воқеа давомида саҳнага асирлар — австрияликлар олиб кирилади. Шунда аскарлар асирларни (актёрларни) қатл этишни талаб қилишади, бу талаб бажарилмагач, аскарларнинг ўзлари асирлар-актёрларни ота боштайдилар. Худди шунингдек, “Ўтган кунлар”даги “Тўй, қизлар мажлиси” эпизодини қанчалик қувонч, завқ-шавқ билан ўқисак, Кумушнинг заҳарланиши ва ўлими манзараларини чукур қайгу — кўзда ёш билан мутолаа қиласми. Булар — образларнинг таъсирчанлиги самараси, албатта.

Демак, китобхонга эстетик таъсир кўрсатиш — бадиий образнинг фоятда муҳим хусусияти экан. Шусиз образни тасаввур қилиб бўлмайди. Образнинг эстетик-тарбиявий қўймати ҳам ана шунда.

Шу ўринда яна бир хислатни таъкидлаш жоиз. Бу шундан иборатки, асардаги ҳар бир образда муайян бир фойникр ифодаланган бўлиши лозим. Бу фоя ҳам ўткир ва таъсирчан бўлиши шарт. Фоясиз образ — жонсиз тана. Шу важдан, ёзувчи образ яратишнинг бу қиррасига ҳам жиддий эътибор бериши шарт.

Хуллас, минг хил жараёнлар натижасида конвейердан чиқадиган машина каби образ ҳам аниқ ва ёрқин, тугалланган фикрлашнинг натижаси сифатида мураккаб жараёнлар асосида юзага келади.

**Образ-персонаж —** Маълумки, адабиётшунослиги-  
**характер-тип.** мизда қўлланилаётган “образ”,  
“персонаж”, “характер” ва “тип” атамалари англатадиган тушунчалар бир-бири билан уз- вий боғлиқ — улар адабий асарда иштирок этувчи одамлар тасвирини англатади, лекин, айни чоқда, уларни айнан бир нарса деб тушунмаслик керак. Чунки уларни бир-биридан ажратиб турадиган баъзи фарқлар ҳам бор. “Образ” деганда асарда қатнашувчи барча одамлар ҳаёти тасвири (асар сюжетида ҳар хил “юк” ташувчи шахслар — бош қаҳрамон, асосий образ, эпизодик образ англашилади). Асарда ирода йўналиши ва индивидуал руҳий хусусиятлари билан бир-биридан ажralиб турувчи, асар сюжетида “катта юк” ташувчи шахсларгина характер бўлса, ижтимоий гуруҳ ёхуд синфнинг муҳим хусусиятларини ифодаловчи — даврнинг катта умумлашмаси бўла оладиган характер адабий тип деб юритилади. Оғзаки ва ёзма нутқда “персонаж” ва “образ” атамалари бир-бирнинг синоними сифатида ҳам қўлланилаверади. Масалага шу жиҳатдан қараганда, “Зайнаб ва Омон” поэмасидаги Зайнабнинг дугоналари — Адол, Асал, Сора, Сурма, Рухсора, Гулнор, Кундуз, Суқсур, Нури — эпизодик образ (персонаж)лар; Зайнаб, Омон, Анор хола, Собир, Ҳури — характерлар; Зайнаб ва Анор хола — адабий типдир. Айни чоқда, поэмада берилган кишилар тасвири (Адол, Асал, Сора, Сурма, Рухсора, Сарви, Гулнор, Кундуз, Суқсур, Нури, Зайнаб) —

наб, Омон, Ҳури, Собир, Анор хола) образлар ёхуд персонажлар деб юритилаверади. Бадий адабиётда образга нисбатан характер муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчи характерлар тасвири орқали воқеаликни акс эттиради. Бу — ҳаётни эстетик ўзлаштиришнинг асосий усулидир.

**Характер** (*юн. charakter* — хусусият, белги) — маълум ижтимоий фаолият типи. Характер, Л.И.Тимофеев айттанидек, образнинг ядроси. Характер, биринчи навбатда, конкрет ҳаётий шароитда ўз индивидуал хатти-харакатлари ва руҳий кечинмалари билан намоён бўладиган инсоннинг аниқ тасвири. Умуман айтганда, қаҳрамоннинг муҳим хусусиятларини аниқлайдиган асосий белгилар мажмуи характер деб юритилади (Г.А.Абрамович).

Назарий адабиётларда **характернинг моҳиятини аниқлайдиган икки асосий хусусият** кўрсатилади: а) “шахс иродай ўналишини кўрсатувчи нарса характерни белгилайди”<sup>1</sup>.

Н.Погодиннинг уқтиришича, “агар одам бурнини қашиса ё қашимаса, секин ёки тез юрса шу билан характер бўла бермайди, характер — шахс иродасининг юзага чиқиши, характерда ифодаланиши”<sup>2</sup>. Демак, характер, энг аввало, шахс иродаси, ўша ироданинг ўналиши, унинг юзага чиқиши ва ифодаланиши билан белгиланади (М.Қўшжонов). Шахснинг ирода ўналиши муҳитнинг шахсга фаол муносабати ва, аксинча, шахснинг муҳитга муносабатидан пайдо бўлади; б) хулқ-атворни белгилайдиган индивидуал руҳий белгилар: мардлик, қўрқоқлик, инсофилик, инсофизлик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, ишёқмаслик, дангасалик кабилар. Бундай индивидуал руҳий хусусиятларсиз характерни тасаввур қилиб бўлмайди.

Бадий асарда характерни белгиловчи руҳий хусусиятлар шахснинг индивидуал жиҳатларини аниқлашга хизмат қилса, шахснинг ирода ўналиши унинг умумлашмалигини аниқлашга кўмак беради. Характер шу даражада мукаммалик касб этадики, натижада у “худди ҳеч қандай улоқсиз ва қўшимчасиз яхлит бир” маъдандан ясалгандай туюлади кишига. “Унинг бутун ҳаёти шундай бир яхлит-

<sup>1</sup> Аристотель. Поэтика. М., Гослитиздат, 1957, 60-бет.

<sup>2</sup> Журнал “Вопросы литературы”, 1960, № 7, 185-бет.

ликдан, бирлиқдан иборатки, бу яхлитлик ва бирлик санъат оламида бадиий ижоднинг юксак фазилатидир”<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам характерни белгиловчи бу иккала хусусият баайни бир медалнинг икки томонига ўхшаб кетади. Адабиётшунос М.Кўшжонов ўз тадқиқотларида характерни белгиловчи бу икки хусусиятни “Қутлуг қон” романидаги Йўлчи образи таҳлили мисолида ибратли қилиб исботлаб берган: ҳақиқатан ҳам, Йўлчидан меҳнаткаш халқ вакилларига хос бўлган умумий хислатлар ҳам, унинг шахсий хислатлари ни аниқлайдиган конкрет белгилар ҳам мавжуд. Масалан, у — содда, ювощ, уятчан, хушёр, софдил, меҳнатсевар, бақувват, ҳалол, жасур йигит. Булар унинг хулқ-атворини белгилайдиган руҳий алломатлар. Шунинг ўзи билангида характер пайдо бўла қолмайди. Ёзувчи Йўлчининг ирода йўналишини очишга ҳам алоҳида аҳамият берган: конкрет ижтимоий муҳит таъсирида вужудга келган ўз-ўзини англаш хусусияти ва шу хусусият натижасида унинг онгига юз берган олға интилишлар, исёнкорлик Йўлчи характерини белгилайди.

Асарда мукаммал тасвирланган образларгина характер даражасига кўтарила олади. Характер — бу аниқ ирода йўналиши ва ўзининг индивидуал хусусиятлари билан бошқалардан кескин ажralиб турадиган образ<sup>2</sup>. Шунингдек, ҳар қандай характер ҳам адабий тип бўла олмаслиги мумкин. Характернинг энг мукаммал шаклигина адабий тип даражасига кўтарилган бўлади.

Тип (юн. *typos* — из, нусха, тамға; намуна, образ) — аниқ ирода йўналиши, индивидуал руҳий хусусиятлари билан маълум бир синф ёхуд гуруҳнинг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттирган шахслар образи (М. Кўшжонов). Адабий тип — муайян тарихий шароитдаги жамиятнинг бутун бир синфи ёхуд бутун бир тоифасига мансуб бўлган кишиларнинг типик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган мукаммал бадиий образдир. Санъат асаридаги мукаммал образларгина характер бўлса, чукур ва ҳар тараф-

<sup>1</sup> В. Г. Белинский. Танланган асарлар. Т., Ўздавнашр, 1955, 441-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: М.Кўшжонов. Ҳаёт ва маҳорат. Т., Ўззадабийнашр, 1962, 12-16-бетлар.

лама пухта ишланган характерларгина адабий тип бўла олади. Отабек ва Кумуш (“Ўтган кунлар”), Анвар ва Раъно (“Мехробдан чайён”), Абулфайзхон (“Абулфайзхон”), Зеби, Акбарали, Мирёкуб (“Кеча ва кундуз”), Алишер Навоий (“Навоий”), Муқанна (“Муқанна”), Мирзо Улугбек ва Феруз (“Мирзо Улугбек”), Жалолиддин (“Жалолиддин Мангуберди”), Отақўзи (“Диёнат”), Йўлдош Комилов (“Имон”), Улугбек ва Алиқушчи (“Улугбек хазинаси”), Беруний ва Ибн Сино (“Кўҳна дунё”), Бобур (“Юлдузли тунлар”), Акбаршоҳ (“Авлодлар довони”), Очил бобо (“Чинор”), Аҳмаджон (“Давр менинг тақдиримда”), Назрул Ҳақ (“Рұхлар исёни”), Жўра, Саодат, Искандар (“Истамбул фожеаси”), Ибн Сино (“Ҳаким ва ажал”), Темур (“Соҳибқирон”) каби кўплаб мукаммал реалистик образлар адабий типлардир. Адабий тип — давр ҳодисаси. А.С.Грибоедовнинг “Ақдлилик балоси” комедиясидаги “Фамусов, Скалозуб, Молчалин, Репетилев сингари образларда... бутун бир давр тарихий жиҳатдан аниқ акс эттирилган, уларнинг ҳар бирида даврнинг синфий ва “профессионал” белгилари кўрсатилган. Улар давр чегарасидан чиқиб, бизнинг кунларимизгача яшаб келиб, энди характер эмас, балки, масалан, Шекспирнинг Фальстафи, Мольернинг Мизантроп ҳамда Тартюфи сингари тип бўлиб қолганлар”<sup>1</sup>. Адабий типда у мансуб бўлган синфнинг, ижтимоий гурӯҳнинг, халқнинг, миллатнинг муайян даврдаги характерли хусусиятлари — “синфий белгилар” ифодаланади. Бироқ, фақат “синфий белгилар”нинг ўзигина жонли, мукаммал образни, конкрет характерни яратишга етарли имкон бермайди. Адабий тип аниқ характерга, тақдирга, шахсий ҳис-туйгуларга, одат, қилиқ, портрет, дид ва бошқа индивидуал белгиларга эга бўлган жонли шахсадир. Масалан, Ойбекнинг “Навоий” романидаги Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Мажидиддин ва бошқа образларнинг ҳар бирида “синфий белгилар” ҳам, ижтимоий ахлоқини белгилайдиган фазилатлар — индивидуал белгилар ҳам мужассамлашган.

---

<sup>1</sup> М.Горький. Адабиёт ҳақида. Т., Ўззадабийнашр, 1962, 197-бет.

Ҳар бир адабий тип, айни чоқда, характер ҳамдир. Ҳаётни бадиий тадқиқ этиш ва акс эттириш адабиётда характер ва типлар яратиш орқали амалга ошиди.

### **Образ яратиш йўллари**

Ёзувчи образ яратишда типиклаштиришнинг ранг-баранг усулларидан фойдаланади. Бу ўринда реализм адабиётида кенг қўлланаётган бадиий образ яратишнинг қўйидаги икки усули билан қисқагина танишиб чиқиши мақсадга мувофиқдир:

**1. Жамлаш йўли билан образ яратиш.** Санъаткор ҳаётдаги кўплаб одамлар турмушини, ички дунёсини, урф-одатини, руҳиятини, меҳнат фаолиятини пухта ўрганиш асосида уларнинг энг муҳим белгиларини, типик хусусиятларини саралаб, танлаб олади, умумлаштиради, синтезлаштиради, бадиий бир бутунликка йигиб, конкрет шахс образи орқали ифодалайди.

Олимларнинг аниқлашича, болари бир килограмм асал йигунча бир миллион етти юз минг гулдан нектар сўриши керак экан. Ёзувчи ҳам образ яратиш жараёнида худди боларидек машаққатли меҳнат қиласиди. Бу — жамлаш йўли билан образ яратиш усули.

Санъаткор тўқима образларни шу даражада ҳаётий, ҳаққоний, табиий қилиб яратадики, натижада китобхон шу образнинг айнан ўзи ҳаётда бор деб ўйлайди ва унга ишонч кўзи билан қарайди. Масалан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги Зеби, Акбарали мингбоши, Рассоқ сўфи, Мирёқуб, Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар” романидаги Ўктам ва Комила, А. Қаҳдорнинг “Синчалак” повестидаги Саида каби бадиий образлар ана шу усулда яратилган.

**2. Прототип асосида бадиий образ яратиш.** Прототип (юн. *prototypon*: *protos* — илк, дастлабки, бошланғич; *turos* — нуқта, нишона, образ) адабиётшуносликда бадиий образни юзага келтиришда негиз, асос, ўзак, бош йўналиш нуқта, пойдевор сифатида хизмат қилувчи реал шахс (ҳаётда бўлган тарихий шахс) маъносида қўлланилади. Бу усулда бадиий образ яратишнинг характерли жиҳати шундаки, бунда ҳаётда мавжуд бўлган тарихий шахс бадиий образнинг асосида туради. Ёзувчи ҳаётдаги фавқулодда шахслар — прототипларга таяниб бадиий образ яратади. Прототипли

образ яратиш жараёнида ҳам, худди жамлаш йўли билан образ яратилаётганидагидек, ҳаёт ҳодисалари типиклаштирилиб кўрсатилади, бадий тўқимадан маълум меъёрда фойдаланилади. Таъкидлаш керакки, бадий образ ҳаётй материал — прототип, ёзувчининг ижодий фантазияси — бадий тўқима ва олға суриладиган foя — эстетик идеалнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Прототип билан образ орасида ёзувчининг ўзи туради. Агар бадий образни жонли организм деб фараз қиласиган бўлсак — прототип шу организмнинг скелети, бадий тўқима унинг эти, эстетик идеал эса қони-жони. Тирик организмнинг этини скелетидан, скелетини қони-жонидан ажратиб бўлмаганидек, бадий образ “организми”даги прототипни бадий тўқимадан, бадий тўқимани эстетик идеалдан узib олиб бўлмайди. Улар бир-бирларига пайвандлашиб, қўшилиб-чалишиб кетади. Ойбекнинг “Навоий” романидаги Алишер Навоий, О.Ёқубовнинг “Улугбек хазинаси” романидаги Улугбек, “Кўхна дунё” романидаги Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Фазнавий, П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” романларидағи Бобур, Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Б.Бойқобиловнинг “Навоийнома” шеърий романларидағи Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро каби бир қатор образлар мана шу усулда яратилган.

Бадий образ яратишдаги бу икки усулнинг<sup>1</sup> бир-бираидан асосий фарқи шундаки, жамлаш йўли билан яратилган образларнинг заминида конкрет тарихий шахслар эмас, балки умуман, инсон фаолияти турса, прототипли образларнинг пойдеворини аниқ тарихий шахслар эгаллайди. Бу иккала усул ўртасидаги муштараклик шундаки, ёзувчи (образ яратишда, умуман қандай усулдан фойдаланишидан қатъи назар) ҳаётни образли ифодалайди. Ҳақиқий санъаткор қаламига мансуб бўлган ҳар бир образ ўзининг хатти-ҳаракати, қилиқ ва одати, ўй-фикри, орзуинтилиши, бажарган иши билан тамомила типик ва шу билан бирга конкрет, аниқ шахс сифатида китобхоннинг ишончини қозонади. Шунга кўра, бундай образлар мутлақо ҳаётий бўлиб чиқади.

<sup>1</sup> Бу ҳақда яна қаранг: *Лазиз Қаюмов*. Типиклик — бош мезон. Аср ва наср. Т. F. Үулом номидаги алабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

**Образлар таснифи** Адабиётшуносликда бадий образлар күйидаги илмий тамойиллар асосида тасниф қилиб ўрганилади.

**1. Ижодий метод тақозосига кўра** образлар күйидаги турларга бўлинади: мифологик, афсонавий, хаёлий-фантастик, символик, романтик, реалистик образлар.

**Реалистик образ** — ҳаёт ҳақиқатига монанд образлар бўлиб, улар жонли одамларга хос бўлган хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. (Юқорида бадий образ ва унинг хусусиятлари ҳақида фикр юритилганки, улар бевосита реалистик образлар учун характерлидир.) Ўзбек мумтоз адабиётида яратилган образларнинг аксарияти романтик образлар бўлса, XX аср ўзбек адабиётининг асосий қаҳрамонлари реалистик образлардир. “Ўтган кунлар” романидаги Отабек, Кумуш; “Мехробдан чаён”даги Анвар ва Раъно; “Имон”даги Йўлдош Комилов, Ойша Азиза, Ориф; “Улуғбек хазинаси”даги Мирзо Улуғбек, Темур Сармандий, Қаландар Қарноқий, Али Кушчи, Абдуллатиф; “Меъмор”даги Нажмиддин Бухорий, Бадиа ва бошқа образлар реалистик образлардир.

**Романтик образлар** — ҳаётда айнан бўлмаган, аммо бўлиши орзу қилинган — мўъжизакор куч-кувват эгаси бўлган, кўтаринки руҳ билан яратилган образлар. Масалан, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг “Хамса”сида яратилган қатор образлар — Фарҳод, Ширин, Мехинбону, Шопур, Баҳром, Дилором, Лайли, Мажнун, Навфал, Искандар Зулқарнайн ва бошқалар ана шундай мўъжизакор романтик образлардир.

**Хаёлий-фантастик образлар** — ҳаддан ташқари бўрттирилган, илоҳийлаштирилган, мўъжизавий характерга эга бўлган образлар. Бундай образлар, хусусан, халқ оғзаки ижодида кўп учрайди. Чунончи, “Алномиш” достонидаги Жин, “Минг бир кечा”даги Дев, халқ эртакларидағи Жин, Ажина, Дев каби образлар шулар жумласидан. Хаёлий-фантастик образлар ёзма адабиётда ҳам учрайди. Масалан, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони ва Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидаги Девлар образини эслаш кифоя.

**Афсонавий образлар** — бутунлай хаёлий образлар бўлиб, улар битмас-тутамас куч-кудратта, юксак фазилатларга эга

бўлади. Халқ оғзаки ижодидаги паҳлавонлар мана шундай характерда. “Алпомиш” достонидаги Алпомиш, “Гўрўғли” туркумидаги достонларда Гўрўғли образлари ҳам афсона-вий қаҳрамонлардир.

**Символик образлар** — предметлар, ўсимликлар, нарсалар, жониворлар, ранглар орқали ижтимоий ҳодисаларни умумлаштириш демакдир. Чунончи, кабутар — тинчлик рамзи, гул ва булбул — маъшуқа ва ошиқ рамзи, қизил ранг — озодлик рамзи ва ҳоказо. Бадиий асарларда ана шундай символик образлар ҳам учраб туради. Масалан, Асқад Мухтор “Чинор” романида Чинор символик образи орқали ўзбек халқига ишора қиласди. Уйғун ўзининг “Тинчлик кабутари” шеърида кабутарни тинчлик рамзи, миллионларнинг қанотланган орзуси сифатида талқин этади.

Символик образларнинг яна бир гуруҳи *аллегорик образлар* деб юритилади. Аллегорик образлар шу билан характерланадики, бунда қуш, ҳайвон, ҳашарот кабилар инсонларга хос бўлган хусусиятга эга қилиб кўрсатилади, бошқача қилиб айтганда, улар инсонийлаштириллади ва шу орқали ҳаётдаги айрим одамларнинг нуқсонлари устидан кулинади. Чунончи, масалларнинг қаҳрамонлари, асосан, аллегорик образлар бўлади. Мұхаммадшариф Гулханий “Зарбулмасал” асарида кўрқуш, бойўғли, ҳудхуд, тuya, бўталок, тошбақа, чаён каби аллегорик образлар яратган. Сами Абдуқаҳдор “Раҳбар хўроз” масалида Хўроз образи орқали ўз мансабини су-иистеъмол қилувчи, ошна-оғайнигарчиликка берилиб кетган айрим раҳбарлар устидан киноявий кулади.

**Мифологик образлар** — мифология (афсона) асосида яратилган асотирий образлар. Мифологик образлар инсон табиатга қарши курашда ожиз бўлиб, ундаги ҳодисаларни қандайдир табиатдан ташқари, кишиларга нисбатан эзгу ёки ёвуз ниятда бўлган руҳлар бошқаради деб ўйлаган аждодларимиз томонидан яратилган. Мифологик образларда ҳам реалистик элементлар бўлади: улар воқеаликнинг фантастик тасвири ва орзу-умидларнинг бадиий ифодасидир. Масалан, қадимги юон мифлари — Антей, Икар, Дедал ва Прометей тўғрисидаги мифларда яратилган образларда халқ орзу-умидлари афсонавий қобиқча ўраб берилган. Қадимги Ўрта Осиё, Эрон ва Арабистонда яратилган Каюмарс, Жамшид, Митра ва бошқа мифологик образлар жуда

машхурдир. “Шоҳнома”, “Хамса” ҳамда ўзбек халқ анъанавий достонларида яратилган худолар, девлар, яъжуҷ-маъжуҷлар, алвости ва парилар ҳам асотирий образларга мисол бўла олади.

2. Адабий турлар ва жанрлар тақозосига кўра бадиий образларнинг қуидаги хиллари мавжуд: лирик, эпик ва драматик образлар. Лирик шеърларнинг қаҳрамонлари лирик образ ёки лирик қаҳрамон деб юритилади. Ҳамид Олимжоннинг “Ўлка”, “Ўрик гуллаганд”, “Ўзбекистон” шеърларининг бош қаҳрамони — шоирнинг ўзи — лирик образдир. Эпик асарлар — романлар, повестлар ва эпопеяларнинг қаҳрамонлари эпик образлар деб юритилади. Ойбекнинг “Қуёш қораймас” романидаги Бектемир, Али тажанг, Сафар чўтири, Асқар полвон каби образлар ҳаётни кенг — эпик планда ифодалаганликлари учун ҳам эпик образлардир. Драматик саҳна асарларининг қаҳрамонлари драматик образлар дейилади. К.Яшиннинг “Инқилоб тонги” драмасидаги Фозилхўжа кескин вазиятларда ҳаракат қиласиди, унинг қалбида драматик коллизиялар туғён қиласиди. Демак, Фозилхўжа — драматик образдир. Бундан ташқари, фожиавий қисматга эга бўлган образлар ҳам борки, булар (М.Шолоховнинг “Тинч Дон” эпопеясидаги Григорий Мелехов, М.Шайхзоданинг “Мирзо Улугбек” трагедиясидаги Улугбек, В.Шекспирнинг “Отелло” трагедиясидаги Отелло образлари) трагик-фожиавий образлар ҳам деб юритилади.

3. Асар тўқимасида тутган ўрнига кўра образларнинг хиллари. Йирик ҳажмли асарларда (эпик, драматик) бош ва ёрдамчи образлар бўлади. Асар воқеаларининг марказида туриб, сюжетни ҳаракатга келтирадиган, ёзувчи ифодаламоқчи бўлган асосий тоғани ўзида ташийдиган шахслар бош образ ёки бош қаҳрамон деб аталади. А.Қаҳҳорнинг “Сароб” романида бош қаҳрамон — Сайдий. Ёзувчи у орқали 20-йилларда ҳаётда ўз йўлини топа олмаган, адашган шахслар фожиасини ифодалаган.

Шуниси ҳам борки, баъзан асар марказида қарийб барабар аҳамиятга эга бўлган икки ёки ундан ортиқ образлар туради. Чунончи, “Синчалак”да етакчи ўринда Саида ва Қаландаров образлари туради. Булар — асосий образлар ёки ёндош образлар деб аталади.

Бадий асарда маълум бир гояни ифодаловчи, жуда кам иштирок этган образлар — эпизодик персонажлар ёки ёрдамчи образлар дейилади. “Синчалак” повестидаги Козимбек, Мехри, Зулфиқоров, Ойниса, Умида каби образлар ана шундай образлар сирасига киради.

4. Адабиёт ҳаётни икки хил йўл билан тадқиқ қиласди: бири — тасдиқлаш, иккинчиси — инкор этиш. Шунга кўра, образлар ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Ҳаётнинг ёзувчи идеалига мувофиқ томонларини тасдиқлаш учун асарга киритилган образлар — ижобий образлар деб юритилади. Ҳаётнинг бирор томонини инкор қилиш учун хизмат қиласдиган образлар — салбий образлардир. Масалан, Ойбекнинг “Кутлуг қон” романидаги ёзувчи идеали Йўлчи образи орқали ифодаланса, ҳаётнинг инкор қилинадиган томони Мирзакаримбой тимсолида акс этган. Шунга кўра, Йўлчи — ижобий образ, Мирзакаримбой — салбий образдир. Реалистик асарларда баъзан ўта мураккаб, ўта зиддиятли образлар ҳам учрайди. Масалан, М. Шолоховнинг “Тинч Дон” эпопеясидаги Григорий Мелехов, А. Қаҳҳорнинг “Синчалак” повестидаги Арслонбек Қаландаров каби образлар мана шундай характердадир. Бу ўринда Л.Н. Толстойнинг муҳим бир фикри ёдга тушади: ёзувчи “Тирилиш” романидаги ҳаётдаги одамларнинг турли-туманлиги ҳақида тўхталиб, уларни дарёларга қиёслайди: “Одамлар дарёдек гап: ҳаммасининг суви бир хил, ҳамма жойда ўша сув, лекин дарё гоҳ кенг бўлади, гоҳ тор, гоҳ тез оқади, гоҳ секин, суви гоҳ тиниқ бўлади, гоҳ лойқа, гоҳ совуқ, гоҳ илиқ бўлади. Одамлар ҳам шундай”. Сиртдан қаралганда, бир одам бошқа бир одамга ўхшаб кетиши ҳам мумкин, аммо зеҳн солиб қаралса, сира-сира ўхшамайди — ҳар бир одам ўзига хос бир дунёдир. Адабиётимиз қаҳрамонлари ҳақида ҳам худди шу гапларни такрорлаш мумкин: бадий образлар шу қадар ранг-барангки, уларни фақат шартли равишдагина шу хилда тасниф қилиб ўрганамиз, холос. Образ — бадий кашфиёт — у бир мартагина кашф этилади. Шу сабабли, адабий қаҳрамонларни тўғри келса-келмаса салбий ва ижобийга зўрма-зўраки ажратавериш заарлидир — бундай ҳаракат бадий образларни бир амдозага солиб қўйиш хавфини туғдиради. Адабиёт эса ҳаёт каби ҳеч қандай схема — қолипни тан олмайди.

**5. Ҳажвий асарларда, асосан, сатирик ва комик-юмористик образлар етакчилик қиласы.** Сатирик образ қисман салбий образга ўхшаб кетса-да (ҳар иккала типдаги образлар воситасида ҳаётдаги салбий кишилар ёхуд ҳаётдаги қусурлар танқид қилинади), улар ўргасида принципиал фарқлар ҳам бор: салбий образда ҳаётдаги қусурлар инкор қилинса-да ҳажв этилмайди — ёзувчи улар устидан очиқдан-очиқ кулмайди. Сатирик образларда эса, аксинча, ҳаётдаги қусурлар устидан заҳарханда кулиш, сарказм, киноя, масхара-лаш усули етакчилик қиласы. Сатирик образнинг хатти-ҳаракатлари ва қилиқ-одатларидан киши беҳад нафратла-нахи, улардан жирканади. Калвак Маҳзум (“Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан”), Қози, Ҳидоятхон, Мулларўзи (“Бурунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши”), Қори Ишкамба (“Судхўрнинг ўлими”), Мулла Дилкаш (“Ҳийлаи шаърий”), Сурмахон (“Юрак сирлари”), Марасул, Заргаров (“Оғриқ тишлар”), Сухсурев, Нетайхон, қори (“Сўнгги нұхсалар”) каби образлар мукаммал сатирик ха-рактерлардир. Комик-юмористик образ — бутун фаолияти қувноқ кулги билан йўғрилган характер. Бу хил образлар воситасида ёзувчи ҳаётдаги айрим нуқсонлар устидан кулади, уларни тузатишга даъват этади. Холмат (“Бой ила хизматчи”), Мулладўст (“Бурунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши”), Ҳамробуви, Холнисо (“Шоҳи сўзана”), Бўстон (“Аяжонларим”), Тошболта (“Тошболта ошиқ”) каби об-разларда ана шундай хусусиятлар яққол кўзга ташланиб туради.

**6. Адабий асарда иштирок этувчи ҳар бир шахс ва (баль-зан) воқеа ривожида у қадар муҳим роль ўйнамайдиган эпи-зодик образ персонаж деб юритилади.** Бадий асарда бир-бири билан узвий боғлиқ образлар мажмуи образлар тизими деб аталади. Асардаги маълум бир гуруҳга мансуб образлар эса образлар галереяси дейилади. Масалан, ижо-бий образлар галереяси, салбий образлар галереяси каби.

## БАДИЙ АДАБИЁТДА ТИПИКЛАШТИРИШ

### Хаёт-типиклик манбаси

Санъат асарида ҳаёт бадий акс эттирилади. Аммо ёзувчи ҳаётда дуч келган ҳар бир нарса-ҳодисани, ки-

шини асарга айнан олиб киравермайди. Ҳаётдаги қонунный, муқаррар, муҳим, табиий нарса-ҳодисалар, ижтимоий аҳамиятта молик бўлган ҳодисалар адабий асардан ўрин олишга ҳақли. Тасодифий, ўткинчи нарсалар эса адабий асарга кириб қолмаслиги лозим. Адабиётшуносликда санъат асарида тасвиirlаниши мумкин бўлган ҳаётдаги муҳим нарсалар “типик нарсалар” ва тасвиirlанмаслиги лозим бўлган нарсалар эса “нотипик нарсалар” деб юритилади. Ҳаёт бениҳоя мураккаб: унда қонуний нарсалар билан ўткинчи нарсалар аралаш-қуралаш ҳолда мавжуд бўлади. Ижодкор яратилажак асари учун зарур бўлган нарса-ҳодисаларни ҳаётдан танлаб-саралаб ола билиши зарур. Бунинг учун эса ёзувчи ҳаётни қалб кўзи билан кўриши лозим. Ёзувчининг ҳаётда нималарни дир типик деб билиши, ўз асарларида қандай хусусиятларни типик хусусият сифатида тасвиirlashi унинг дунёқарашига, ҳалқ ҳаёти билан нечоғлик яқинлигига боғлиқ. Умуман, ижодкор воқеликнинг муҳим жиҳатларини ҳам, муҳим бўлмаган томонларини ҳам тасвиirlashi мумкин. Бу ўринда ҳамма гап ижодкор шахсиятига, унинг эътиқоди ва маданий савиясига, ёзувчилик маданиятiga боғлиқ. Агар ёзувчи ўз даврининг кўзи-кулоги, аксадоси, ўз ҳалқининг илғор фарзанди бўлса, у, албатта, ҳаётдаги етакчи тенденцияларни топа олади, муҳим ҳаётий ҳодисаларни типик деб билади ва шуларни акс эттиради. Ёзувчининг қалби қайноқ бўлиши — ҳаётдаги янги, истиқболи порлоқ кучларни фаҳм-фаросат ва нозик дид билан тез сеза оладиган, уларга мадад бера оладиган бўлиши керак. Ёзувчи қанчалик истеъдодли ва илғор дунёқарашибилан қуролланган бўлса, адабиётнинг қонун-қоидаларини, ўзига хос табиатини билса, маҳорат сирларини, ижодий метод имкониятларини қанчалик чуқур эгаллаган бўлса, услуги қанчалик равон бўлса, сўз бойлиги ва сўз қўллашсанъатини қанчалик ўзлаштирган бўлса — у яратган асар

ҳам шунчалик мукаммал бўлади. Бу ўринда, лоақал ижод жараёнининг кудратли омилларидан бири — ёзувчи истеъдоди ва унинг ҳаётни типиклаштиришдаги ролини эслаш жоиздир.

### Хўш, ёзувчи истеъдоди деганда нимани тушунамиз?

Истеъдод — мураккаб ижтимоий-рухий ҳодиса. Истеъдод — ёзувчининг ижодий кучлари комплекси ва унинг ижод қилиш иштиёқи, шунга, лаёқати, қобилияти. Истеъдод ижод жараённида фоятда муҳим роль йўнайди — фақат истеъдод соҳиби бўлган шахсларгина чинакам санъат асари яратадилар.

Айрим манбаларда қайд этилганидек, инсонда истеъдод гунчалари тугма бўлади. Шу истеъдод гунчаларининг кела-жакда гуллаб-яшнаши ёхуд рўёбга чиқмай қолиши, кўпинча, муайян шахсни тарбиялаб етиштирган ижтимоий ва табиий шарт-шароитларга, тарбияга, вазиятга, шу шахснинг меҳнатсеварлигига боғлиқdir. Жамиятимизда истеъдоднинг камол топиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ёзувчи ўз истеъдоди ва профессионал маҳорати билан халққа, тараққиётга хизмат қиласди. Чинакам истеъдод кам учрайдиган ноёб ҳодиса. Истеъдод — миллий ифтихор, халқ бойлиги. Уни кўз қорачигидай сақламоқ зарур.

Бадиий истеъдод<sup>1</sup>, одатда, бир неча хислатлар билан характерланади. Чунончи: а) Истеъдод, даставвал, ҳаётни ўткир кўз ва нозик дид билан кузата олиш ҳамда улардан таъсиrlаниш қобилияти билан тавсифланади.

М.Горькийнинг фикрича, “ёзувчи ҳаётни бутун оқими ва унинг кичик ирмоқларини, ҳаётнинг барча қарама-қаршиликларини, унинг драма ва комедиясини, қаҳрамонлиги ва тубанлигини, ёлгони ва чинини билиши шарт”<sup>2</sup>. “Во-кеаликни ёзувчи худди ўзи ясагандай билиши лозим”<sup>3</sup>. Ёзувчи ҳаётни юзаки, сиртдангина билмаслиги, балки унинг

<sup>1</sup> Қаранг: *Т. Маҳмудов. Талант художника и общество. Литературы и искусства им. Г. Гуляма, Т. 1971, П. Шермуҳамедов. Иход дарди. F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти Т. 1973, М. Маҳмудов. Талант ва ижод фалсафаси. F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1976.*

<sup>2</sup> *M. Горький. О литературе. М. Гослитиздат, 1937, 289-бет.*

<sup>3</sup> *M. Горький. Адабиёт ҳақида. Т. Ўззадабийнашр, 1962, 147-бет.*

иç-ичига чуқур кириб бориши, унинг оддий кишилар кўзи-га тезда ташланмайдиган “яширин” томонларини, “сирлари”ни билиб олиб, ундан беҳад таъсиrlаниши, шу ҳодисаларни чуқур идрок қила олиши, фалсафий хулосалар чиқара билиши зарур.

Санъаткор ҳаётта қанчалик чуқур кириб борса, уни қанчалик пухта билса, ҳаёт воқеа-ҳодисаларидан қанчалик ҳаяжонланса — у яратган бадиий асар ҳам шунчалик ҳаётий ва таъсиrчан бўлади. Чинакам реалистик асар ҳалқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлади, ҳалқнинг кайфияти, идеаллари, руҳи ва дардини акс эттиради.

Аммо шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳаётни кўра билиш, кузатиш, чуқур индивидуал ҳодиса — ҳар бир ёзувчи турмушни ўзига хос кўз билан кўради. Ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари ва ақидалари, унинг шахсий руҳий сифатлари, кайфияти, эстетик идеали, ижод жараёнидаги ижтимоий позицияси, ҳаётий ва ижодий тажрибалари, борлиқни кўра билиши, тушуниши ва ундан ўз асарлари учун материал танлашда ўз индивидуал хислатларини на-мойн этиши муҳимdir.

Ҳаёт ҳодисаларини синчковлик билан кузатишнинг ўзигина ижод учун етарли бўлмайди — ижод этиш учун ёзувчи ҳаётда кўзи билан кўрган ёхуд хужжатлардан ўрган-ган ҳодисалардан кучли таъсиrlана олиши, уларни чуқур ҳис этиши ҳам зарур. “Ёзувчи бирон ҳодисага ўкувчida муҳаббат ёки нафрат ҳисси қўзғотиши учун аввало ўша ҳис ўзида бўлиши керак, — дейди Абдулла Қаҳдор. — Ёзувчи ўзи ҳис қилмаган нарса тўғрисида ёсса, буни ўқиган ўкувчи ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди. Демак, куйдириш учун куйиш, ардоқлаш учун ардоқланиш шарт. Ҳис қилинмасдан ёзилган нарса қофоздан қилинган гулга ўхшайди.

Ҳис, ички дард кишининг қалбини емириб юборади. Бундай вақтда киши ўзини қаерга қўйишни билмайди, ўзининг дардига бошқаларни шерик қилиш, юрагини бўша-тиш хоҳиши кишига азоб бериш даражасига етади. Шу вақтда қўл қаламга боради”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳдор. Ёшлар билан суҳбат. Т., “Ёш гвардия”, 1968, 50-бет.

А. Қодирий “Үтган күнлар” романида Кумуш бибининг ўлимини ёзиш жараёнида роса хуноб бўлиб йиғлаган экан. Лев Толстой “Анна қалбимнинг бир парчаси” деган экан. Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонини йиғлай-йиғлай тутатганини айтади. Бу фактлар ҳам асар қалб қўри билан йўғрилишини — ижод дард билан туғилишини кўрсатади:

б) Бадиий истеъдоднинг яна бир муҳим қирраси-ёзувчининг хаёлта, хотира кучига, ижодий фантазияга бениҳоя бойлтиги, ижодий тасаввур, ижод жараёнида бадиий тўкималардан моҳирона фойдалана олиш қобилияти. Негаки санъат асарини бадиий тўқимасиз, ижодий фантазиясиз тасаввур қўлиб бўлмайди.

в) Санъат ижодкордан фидойиликни талаб қиласди: ёзувчи бутун истеъдодини, куч-куватини, маънавий қобилиятини, уқувини ижодга сарф қиласди. Ёзувчи ўз асари устидаги тёр тўкиб меҳнат қиласди, унга қайта-қайта сайқал беради.

г) Ижод жараёнида воқе бўладиган яна бир ёрқин машъала бор. Бу — илҳомдир. Илҳом ижодий жараённинг шундай бир пайтидирки, унда ёзувчининг истеъоди ва санъаткорлиги тўла намоён бўлади, ёзувчи катта қизиқиш ва гоётда кутаринки рух билан жўшиб, ижод этади — санъат асарининг нурли сахифалари ана шундай дамдагина ёзилади. Жаҳоннинг барча шоҳ асаллари жўшқин илҳом, улкан истеъод, заҳматли ижодий меҳнат самарасидир. Илҳомли ёзувчи — канотли ёзувчи — у истаганча бадиий ижод чўққилари сари парвоз қиласверади. Аммо ҳамма вақт ҳам ижод жараёнида илҳом жўш уриб туравермайди — чинакам санъаткор ёзувчи илҳом келишини кутиб-пойлаб қўл қовуштириб туравермайди — у доимо изланишда, тинимсиз ижодий меҳнат оғушида бўлади. Илҳом билан меҳнат-севарлик кўшилган жойдагина чинакам санъат асари туғилади.

**Кисқаси, истеъод — ижод қилиш қобилияти демакдир.** “Ижод қилиш қобилияти табиатнинг буюк эҳсонидир, санъаткор руҳидаги ижодий жараён буюк сиру асрордир, ижодлаҳзалири буюк маросимдир, — деб уқтиради Белинский, — мана унинг қонунлари...

Санъаткор ижод қилишга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж — истак унга бирдан, кутылмаганда, бесүрөк, мутлақо ва унинг иродасидан ташқари келади, зеро унинг ўзи ижодий фаолият куни, соати, минутини тайинлай олмайди: ижод эркинлиги мана шу, мана унинг ижодкор шахсига дахлизилиги! Ижод қилиш эҳтиёжи ўз ортидан гояни олиб келади, бу гоя санъаткор руҳига қатланиб, уни эгаллаб олади, унинг дардига айланади. Бу гоя азалдан маълум бўлган умуминсоний гоялардан бири бўлиши мумкин; аммо санъаткор уни ўзи танлаб олмайди, балки беихтиёр ҳис этади, у гояни мушоҳадакор ақд меваси сифатида эмас, балки ўзининг ҳистайғулари меваси сифатида қабул этади, у юксак ҳаяжон оғушида ҳис-туйғулари билан гоянинг теран, сирли маъносини англай бошлайди... Санъаткор қалбига ўзи идрок этган (гоя) меҳмон бўлганини сезади, бироқ, айтиш мумкинки, бу гояни равshan кўрмайди ҳамда уни ўзига ва бошқаларга аник кўринадиган даражага етказиш истаги билан ёнади: мана, ижоднинг биринчи кўриниши. Фараз қилайлик, бу гоя рашк гояси бўлсин, энди унинг шоир қалбida қандай камолга етишини кузатиб кўрайлик. Худди она ҳомилясини авайлаб-асрагандай, шоир кўнглининг энг пинҳоний бурчакларида бу гояни авайлаб вояга етказади; астасекин унинг кўзи олдида бу гоя равшанлашиб, жонли образлар қиёфасига кириб, идеалларга айланади, унга худди туман орасида кўрингандай африкалик оташин Отелло, унинг ажин босган қоп-қора манглайи пайдо бўлади, қулоғида унинг муҳаббатга, нафратга, афсус-надомат ва қасосга лиммо-лим оху-фарёдлари эшитилади, итоаткор маъшукда Дездемонанинг мафтункор, малоҳатли чехраси кўринади, унинг беаёв тун ярмида чеккан оху нолалари чалинади. Бу образлар, бу идеаллар ҳам шоир кўнглида ўсиб вояга етади, астасекин равшанлашади; ниҳоят шоир уларни аник кўради, улар билан сұхбатлашади, уларнинг нутқини, ҳаракатларини, ўзларини қандай тутишини, юриш-туришини, афтангорини билади, уларни бор бўйи билан ҳар тарафдан кўради... шоир... ўз қаҳрамонларини ҳали қалами уларга шакл бермай турраб, аник, равshan ўнгидагидай, чиндан ҳам кўради. Мана, ижоднинг иккинчи босқичи. Кейин эса шоир ўз асарига кўринарли, ҳаммага тушунарли шакллар беради: бу ижоднинг учинчи ва сўнгги босқичи...

Демак, ижоднинг асосий, фарқланиб турувчи аломати сирли башоратдан, поэтик сомнабулизмдан иборат.

Санъаткорнинг асари ҳали барча учун сир, у ҳали кўлига қалам олгани ҳам йўқ, аммо у ҳозирданоқ қаҳрамонлари ни равшан кўради... шоир уларнинг нима дейишларини, нима қилишларини ҳам билади, уларни ўраб олувчи ва бирбири билан боғловчи воқеаларнинг ришталарини кўра олади. Шоир бу одамларни қаерда кўрган, бу воқеаларни қаерда эшигтан ва унинг ижоди нима ўзи?.. У ўзи яратган одамларни ҳеч қаерда кўрмаган, у воқеликдан нусха кўчирмаган, ёки тўғрироғи, у буларнинг ҳаммасини валиёна, пайғамбарона тушида, порлоқ поэтик кашфиёт лаҳзаларида... ўз ҳиссиётининг борлиқни сезувчи ўткир кўзлари билан кўрган. Шоир яратган характерларнинг ҳаққонийлиги, тўғрилиги, тиниклиги сабаби мана шунда; унинг романни ёки драмаси тугуни, ечими, чигиллари ривожининг ниҳоятда табиийлиги, ҳаққонийлиги, эркинлиги сабаби мана шунда; сиз унинг асарини ўқиб, гёё тангри таоло оламидай гўзал ва баркамол қандайдир бир оламга кириб қолгандай ҳис қилишингиз сабаби мана шунда; уни чуқур тушунишингиз ва хотирангизда қаттиқ сақлашингиз сабаби мана шунда... Бу ерда зиддият йўқ, қаллоблик ва тантлик йўқ; ... чунки бу асар ясалмаган, тўқилмаган, балки санъаткор қалбida унинг ўзида ва ундан ташқарида мавжуд бўлган қандайдир олий, сирли бир куч ваҳийлигига яратилган... Бундай асар қай хилда бўлмасин, — идеалми, реалми, — бари бир у ҳамиша ҳақиқий асар, шоирона ҳақиқий асар бўлади”<sup>1</sup>.

Ёзувчи ўзига, ижодига фоятда талабчан бўлиши керак: бу ҳолни санъаткорнинг замон олдидағи, эл-юрт олдидағи ижтимоий бурчи тақозо қиласи. Ёзувчининг истеъоди унинг ахлоқий ва ижтимоий позицияси билан ҳам узвий боғлиқдир. Ёзувчи эстетик диди тинимсиз ўсиб бораётган замон китобхонларига завқ-шавқ багишлайдиган, уларни маънавий жиҳатдан бойитадиган, уларга ҳаёт жумбоқларидан сабоқ бера оладиган санъат асарлари яратиши зарурлигини сира-сира унутмаслиги лозим.

---

<sup>1</sup> В.Г.Белинский. Адабий орзулар. Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 237—240-бетлар

Шундай қилиб, истеъод — ҳаётни синчковлик билан кузатиш, ҳаёт воқеа-ҳодисаларининг ички оқимини чукур англаш, улардан таъсирланиш, воқеаликдан ўз асари учун зарур бўлған типик нарсаларни ажратиб олиб, бадий ифодалаш, ижод жараёнида ҳаёлга, ижодий фантазияга, тасаввурга кенг йўл очиш, бадий тўқимадан санъаткорона фойдалана билиш; жўшқин илҳом билан ижод қилиш, асар устида тинимсиз меҳнат қилиш — буюк меҳнатсеварлик демакдир. Қисқа қилиб айтганда, истеъод ҳаётни қалб кўзи билан кўра билиш, улардан таъсирланиш ва ҳаёт материаллари заминидаги чинҳакам санъат асари яратиш демакдир. Истеъоддининг воқеаликка айланishiши деганда биз ана шу жараённи назарда тутамиз.

Типикликни тушуниш ва талқин этиш ҳақида гап кетганда шуни ҳам эслаш жоизки, ўтган аср 50-йилларининг бошларида типикликни талқин этишда ҳатоликларга йўл кўйилган. Чунончи, баъзи адабиётчилар типиклик кўпчиликка тегишли, ҳаётда кенг тарқалган нарсаларгина типик бўла олади, деб даъво қилганлар. Ҳолбуки, бу қоидани типикликнинг абсолют қонуни деб қабул қилиб бўлмайди. Тўғри, шундай санъат асарлари ҳам борки, уларнинг бош қаҳрамонлари — ҳаётда кенг тарқалган типлардир. Реалистик адабиётнинг қаҳрамонлари — Зайнаб, Бектемир, Ўқтам, Комила, Деҳқонбой, Ҳафиза, Саида, Аҳмаджон, Луқмонча, Ориф, Лукаш ботир каби образлар замондошларимизнинг мұхим хусусиятларини ўзларида мұжассамлаштирганки, бу хусусиятлар ҳаётда кенг тарқалган. Лекин, шу билан бирга, адабиётда ҳали ҳаётда унчалик кенг тарқалмаган нарса-ҳодисалар ҳам типик бўлиши мумкин. Масалан, Н.Г. Чернишевский “Нима килмоқ қерак?” романининг қаҳрамони Рахметовга ўхшашиб кишилардан факат саккизтасини ҳаётда учратган экан. И.С. Тургенев “Оталар ва болалар” романининг бош қаҳрамони Базаровга ўхшашиб биргина кишини — вилоят врачини ҳаётда учратган. Шунга қарамай, Рахметов ҳам, Базаров ҳам типик образлардир. Чунки бу хил образлар орқали авторлар ўз даври ижтимоий гурухларининг қиёфаларини ёрқин кўрсатиб берган. Демак, ҳаётда кенг, ўрта даражада тарқалган ва, ҳатто, эндиғина пайдо бўлган ҳодисалар ҳам давр тақозосига кўра типик бўла олиши мумкин.

Типикликни талқин этишда яна бошқа хатоликлар ҳам юз берган: реалистик санъатда типиклик муаммоси — сиёсий муаммо, онгли равиша бадиий образни бүрттириш унинг типиклигини тўлароқ очишга хизмат қиласи деган қараш (сохта-схолостик) адабиёт қоидаси сифатида талқин этилган. Бундай даъво ҳам ўринсиз эканлиги фош қилинган.

Ҳаётдаги у ёхуд бу нарсанинг типик ёки нотипиклиги ни конкрет тарихий шароит белгилаб беради. Шу сабабли жамият тараққиёти тарихининг бир даврида типик бўлган ҳодиса унинг бошқа бир даврида нотипик бўлиб қолиши ҳам мумкин. Чунончи, XV асрда маърифатпарвар ва адолатли шоҳ foясини тарғиб қилиш — даврининг долзарб масаласи эди. Шунинг учун ҳам бу foя Алишер Навоий асарларида кенг ёритилган. Жамият тараққиётининг кейинги босқичларида — XX аср бошларига келиб “адолатли-маърифатпарвар шоҳ foаси” ўз аҳамиятини йўқотди — нотипик ҳодиса бўлиб қолди... Ҳозирги кунда миллий истиқлол, мустақил Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш учун кураш, миллий қадриятларни тиклаш, хусусий мулкчиликни, бозор иқтисодини тарғиб қилиш, янги инсонкомил инсонни тарбиялаш, ахлоқ-одоб, дўстлик, чин севги, ватанпарварлик, меҳнатсеваълик... — foятда типик ҳодисаларки, бу масалалар ёзувчиларимиз дикқат марказида турибди. Ҳаётдаги мана шундай долзарб масалалар, турмушнинг муҳим муаммолари тирикдир. Ёзувчи ижод жараёнда типик нарсаларга асосланар экан, у турмуш қозонида қайнаши — ҳаётнинг олдинги сафларида юриши зарур. Ҳаёт эса узлуксиз ҳаракатда, тинимсиз ўзгаришда, ўсишда. Бинобарин, ижодкор ҳам тинимсиз изланишда, ижодий ўсишда бўлиши табиийдир.

**Типиклаштириш** қонуниятларини тушуниш учун дастлаб тип қонуниятлари ҳақидаги тушунчани эслаш керак.

Одатда тип икки хил бўлади — ижтимоий тип ва адабий тип. Ижтимоий тип-ҳаётда, адабий тип-адабий асарда бўлади. Маълум ижтимоий-сиёсий табақанинг моҳиятини ўзида ифодалаган шахсларгина ижтимоий типлардир. Демак, ҳаётда ижтимоий қийматга эга бўлган хислатларгина типик бўлар экан. Одатда ижтимоий тиіда жамият тараққи-

ёти тенденциялари ўз ифодасини топади. Шу маънода ҳаётдаги етакчи кучлар типик бўлади. Аммо тараққиётта халал бердаётган, демакки, ижтимоий қийматга эга бўлган кучлар ҳам типик бўла олади. Умуман айтганда, ижтимоий-сиёсий куч моҳиятини умумлаштириб бериш — ижтимоий тип учун ҳам, адабий тип учун ҳам муштарак хислатдир. Лекин бундай муштаракликдан ташқари, ижтимоий тип билан бадиий типнинг жиддий фарқлари бор. Масалан, ижтимоий типда фақат ижтимоий кучнинг моҳияти ифодаланади. Бадиий типда эса шу моҳият ифодаланувчи индивидуал ҳолатларга ҳам катта эътибор қилинади.

Бадиий образ орқали ҳаётдаги муҳим, муқаррар, қонуний, табиий ҳодисаларни умумлаштириб ифодалаш — типиклаштиришдир. Демак, ҳаётдаги умумий, қонуний, табиий ижтимоий нарсалар — ижтимоий типлар санъатда тўла индивидуаллаштирилган ва конкретлаштирилган характеристерлар орқали акс эттирилар экан.

Типиклаштириш қонунияти, асосан, уч жараёндан иборат: ҳаёт, биринчидан, умумлаштирилади иккинчидан, синтезлаштирилади, ва, учинчидан, индивидуаллаштирилади<sup>1</sup>.

Умумлаштириш нима? “Бадиий образ” мавзуида бу ҳақда тўхталиб ўтганмиз. Қуйида ана шу фикрларни бироз давом эттирайлик.

М.Гор'кийнинг айтишича, барча катта асарлар умумлашма натижасидир. Чунончи, жаҳон адабиётининг “Дон-Кихот”, “Фауст”, “Ҳамлет” каби шоҳ асарлари бадиий умумлашманинг ёрқин намуналаридир. М.Гор'кий умумлашма деганда адабиётда мазмунни қуюқлаштириш, чукурлаштириш ва қийматини ошириш, асрлар давомида қийматини йўқотмайдиган қудратга эга қилиш усулларини ҳам назарда тутади. Мана шу маънода типикликни бадиий ҳақиқат билан боғлайди: бадиий ҳақиқат типиклаштириш маҳсулидир. Бадиий ҳақиқат, гарчи ҳаёт ҳақиқати асосида яратилса-да, унинг айнан ўзи эмас — ҳаёт ҳақиқатининг қайта ишланган, қуюлтирилган, гўзаллаштирилган

<sup>1</sup> Қаранг: *Лазиз Қаюмов*. Аср ва наср. Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1975, 74-103-бетлар.

шакли. Демак, бу ўринда типиклаштиришнинг яна бир муҳим хусусияти аниқланади: бу хусусият шундан иборатки, бадий ҳақиқат реал ҳаёт ҳодисасидан юқорироқ турди. Бундан М.Горъкий санъатнинг асосий вазифаси воқеелик устидан юқори кўтарилишидир, деган холосага келади. Санъатнинг воқеелиқдан юқори кўтарилиши типиклик қонуниятидан келиб чиқиши зарур. Шундагина типиклаштириш — воқееликни билиш ва акс эттириш воситаси сифатида намоён бўлади: “воқеелиқдан юқори кўтарилиш” усули воқееликка зарар етказмаслиги, санъатни воқееликдан ажратиб кўймаслиги, аксинча воқееликни бадий ўзлаштиришнинг зарурий усулларидан бири бўлиши керак. Санъат олдига воқеелиқдан юқори кўтарилиш вазифаси кўйилар экан, бу ҳолда адабий тиғда бадий тўқима, ижодий фантазиянинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиши мутлақо табиидир.

Типиклаштириш, М.Горъкийнинг уқтиришича, фақат умумлаштиришдангина иборат эмас, айни чоқда, воқеелик заминида пайдо бўлувчи бадий синтез ҳамдир.

Типиклаштириш қонуниятининг яна бир жараёни индивидуаллаштиришдирки, биз бу ҳақда “Бадий образ” мавзууда тўхталиб ўтганмиз. Бу ўринда юқоридаги фикрларга кўшимча тарзида қўйидагиларни таъкидлаш мумкин.

Типиклаштириш — ҳаётдаги муҳим ҳодисаларни умумлаштириш ва синтезлаштиришдан ташқари, уларни тўла индивидуаллаштиришни, конкретлаштиришни ҳам тақо佐 қиласи. Индивидуаллаштириш — типиклаштиришнинг муҳим шарти. Демак, индивидуалликсиз бадий образни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Зоро, жаҳон адабиётидаги Ҳамлет, Отелло, Фауст, Дон-Кихот, Қори Ишқаба, Ҳуррият, Нурхон, Зеби, Отабек, Анвар, Азизхон, Низомжон, Сулаймон ота, Қаландаров каби образлар ўзлари мансуб бўлган ижтимоий куч — ижтимоий гуруҳларнинг моҳиятини чуқур ифодалаганликлари учунгина эмас, балки индивидуал хислатлари билан ҳам ёрқин адабий типлардир.

Шундай қилиб, **типиклаштириш — муайян ижтимоий кучнинг энг муҳим белгиларини умумлаштириб, синтезлаштириб ва индивидуаллаштириб тасвиrlаш санъати**. Такрорланмас ва индивидуал хислатлардан маҳрум бўлган образ — оддий схема ва, аксинча, умумлашмасиз образ — оддий

фотографик суратдир. Ҳар иккала ҳолда ҳам “образ” санъат доирасидан чиқиб кетади. Зеро, “образ — ҳаётий ҳодисаларни индивидуал шаклда умумлаштириб бериш демак-дир”<sup>1</sup>. Типиклаштириш, асосан, бадий образлар яратиш жараёнида воқе бўлар экан, бу борада ҳам образ яратиш қонуниятлари ўз кучини намойиш этади.

### Типик характер ва типик шароит

Санъат асарида ҳаёт фақат образлар, характерлар, типлар воситасидагина типиклаштирилиб қолмасдан, айни чоқда, муайян адабий қаҳрамонлар ҳарактерлари намоён бўладиган шароит орқали ҳам типиклаштирилиб кўрсатилади.

Маълумки, реалистик адабиётда типик характерлар типик шароитда ҳақоний тасвирланади:

Биз юқорида “бадий образ” муносабати билан типик характер масаласини кўздан кечирган эдик. Энди типик шароит ҳақида тўхталиб ўтайлик.

“Типик шароит” деганда ҳар қандай шароитни эмас, аксинча ижтимоий турмуш тенденциялари намоён бўладиган шароитни, ўша шароитнинг типик бўлишини назарда тутамиз.

Реалистик адабиётда “типик характер”, “типик шароит” ва “деталлар” ҳаётни бадий акс эттириш, уни типиклаштириб кўрсатиш усулидир.

Характерларнинг моҳияти фақат муайян шароитдагина очилади. Чинакам санъаткор ўз қаҳрамонини конкрет вазиятларда ранг-баранг синовлардан ўтказади: бу эса қаҳрамоннинг ижтимоий моҳияти ва индивидуал ҳусусиятларини очишга имкон беради. Шароит — инсон ҳаракат қилалигиган мухит, социал шарт-шароит, конкрет ҳаётий муносабатлардир. Санъат асарида шароит тўлалигича типиклаштирилади: тасвир жараёнида кўпинча шароит кескинлаштирилиб, кучайтирилиб берилади. Мухим бўлмаган воқеа-ҳодисалар чиқариб ташланади, характерлilари ажратиб олинади. Ёзувчи ҳаётдаги кўплаб воқеа-ҳодисалардан қаҳрамонларнинг ҳис-туйғуларини ёрқин очишга

<sup>1</sup> Головенченко Ф. М. Введение в литературоведение. М.: Высшая школа, 1964, 28-бет.

имкон берадиган вазиятларни таңлаб олади. Бироқ, шароит суный, уйдирма бўлмаслиги керак. У автор ниятигагина эмас, реал ҳайтнинг объектив қонуниятига ҳам тўла мос бўлганда гина бадиий жиҳатдан ўзини оқлади.

Реалистик асарда типик шароит ва типик характер ўртасида диалектик муносабат бўлиши табиий: характер шароитга ва, айни чоқда, шароит характерга узлуксиз таъсир этиб туради, ҳатто улар кўпинча бир-бирининг ичига кириб, сингишиб кетади. Шунга кўра, реалистик адабиётда типик шароит ҳам, типик характер ҳам ҳаққоний бўлиши лозим. Бу — реализмнинг асосий шартларидан бири. Ёзувчи характер орқали ҳайтни тасвирларкан, у доимо ҳайт диалектикасини, табиат ва жамиятдаги ҳамма нарсаларнинг узлуксиз ҳаракатдалигини, уларнинг бир-бирларига боғлиқлиги ва алоқадорлигини, бири иккинчисига, иккинчиси биринчисига таъсир этиб туришини ҳисобга олади, албатта. Бошқача қилиб айтганда, реалистик адабий асарда ҳайтнинг мана шу объектив қонунияти ўз бадиий ифодасини топади. Бунга ҳам ёзувчи, асосан, типик характерлар билан типик шароит ўртасидаги диалектик муносабатни кўрсатиш орқали эришади. Типик характер ва типик шароит ўртасидаги муносабат бадиий асарларда ранг-барант кўринишларда (худди ҳайтнинг ўзида гидек) ифодаланади. Масалан, А. Қаҳдорнинг “Синчалак” повестида бош қаҳрамон Саида характери типик шароит (“Бўстон” колхозида мавжуд бўлган соғлом муҳит ва “қаландаровчилик”) да кўрсатилар экан, ёзувчи характер ва шароит орасидаги мурракаб муносабатни ифодалайди: қиссада, биринчидан, шароит характерга ва характер шароитта узлуксиз таъсир этиб туради — колхоздаги мавжуд “қаландаровчилик муҳити” ва соғлом кучлар Саиданинг ички дунёсига кучли реакция беради. Шу реакция заряди билан Саида ўзидағи ожизликларни енгуб, тинимсиз олға интилади. Ўз навбатида, Саида “Бўстон”даги биққиқ муҳитни емириб ташлаш учун тинимсиз кураш олиб боради.

А. Қаҳдор “Синчалак” повестида типик шароитнинг типик характерга таъсирига нисбатан типик характер (Саида)нинг типик шароит (“қаландаровчилик муҳити”) га таъсирини биринчи ўринга чиқариб тасвирлаган. Бироқ, бундан ҳамма асарларда ҳам шароит билан характер ўртасидаги

муносабатни худди шу кўринишида, яъни характернинг шароитта таъсири биринчи ўринда берилиши зарур экан-да, деган холосага келиш ярамайди. Чунки, ёзувчи шароит-характер муносабатига ҳамма вақт ижодий ёндашади, шу важдан баъзи асарларда ҳудди “Синчалак”дагидек характернинг шароитта таъсири биринчи ўринда бўлса, бошқа бирларида шароитнинг характерга таъсири устуворлик қиласди, яна бошқаларида эса шароит билан характернинг бир-бираига таъсири параллел ҳолда ифодаланади ... Масалан, Ойбекнинг “Кутлуг қон”, “Навоий”, “Олтин водийдан шабадалар”, “Куёш қораймас”, “Нур қидириб” каби асарларida шароит билан характерларнинг ўзаро таъсири параллел қўйиб тасвирланганлигини пайқасак, унинг “Дилбар — давр қизи” достонида характернинг шароитта ва “Болалик” повестида эса шароитнинг характерга таъсирини кўрсатиш биринчи ўринга чиқсанлиги сезилади. А. Қаҳҳор “Шоҳи сўзана” комедиясида Дехқонбой ва Ҳофизалар-(типик характерлар)нинг ўз муҳити(типик шароит — Ҳамробуви, Ҳолнисо ва Мавлон акалар муҳити)га таъсирини биринчи ўринга чиқариб кўрсатган бўлса, “Қўшчинор чироқлари” романида шароитнинг характерга таъсирини биринчи ўринга чиқарган. Демак, бу масала, асосан, муаллиф ниятига, асар мавзуига, материалига, бош қаҳрамон характери мантиқига ... боғлиқ бўлган ижодий иш экан.

**Бадиий-деталь** Ҳаётни типиклаштиришда, уни бадиий ифодалашда, қаҳрамон характери қирраларини очишда, асар гоясини ифодалашда, унинг эмоционал таъсир кучини оширишда бадиий деталлар катта роль ўйнайди.

Аввало, шуни айтиш керакки, деталь деганда муайян асар тўқимасидаги предмет, белги, чизги кабиларни тушумнамиз<sup>1</sup>. Бироқ асардаги ҳар қандай предмет, белги, чизгилар ҳам бадиий деталь бўла олмайди. Деталь, одатда, лўнда, аниқ, ёрқин ва образли бўлиб, асосан, тасвир объектини

<sup>1</sup> Қаранг: У.Норматов. Ҳикояда деталь ва тафсилот. Ўзбек адабиёти масалалари. Т., Ўззадабийншр, 1962, 446-458-бетлар; С.Умиров. Деталь ва тафсилот. Совет мактаби, 1966, №1, 22-25-бетлар; Е.Добин. Сюжет и действительность. Искусство детали. Л., 1981, 300-430-бетлар.

синтезлаштириб кўрсатишга хизмат қилади. Деталь бадий асар композициясида ўз ўрнини топгандагина вазифасини ўтай олади. У ёзувчини кўп сўзлиқдан, “адабий лақмалик”дан сақлайди. Қисқа-ю сермазмунлиликка эришиш — бадий деталнинг характерли хусусиятидир.

Бадий асарда, одатда, ранг-баранг деталлар кўлланилади: предмет деталь, руҳият деталлари, портретик деталь, нутқий деталь... В.Шекспирнинг “Отелло” трагедиясидағи **рўмолча**, А.Қаҳдорнинг “Анор” ҳикоясидаги **анор** каби бадий деталлар — предмет деталлари бўлиб, улар қаҳрамонлар тақдирида фоятда муҳим роль ўйнаган. Баъзан ёзувчилар ўз қаҳрамонлари нутқини индивидуаллаштиришда нутқий деталлардан фойдаланадилар. Масалан, М.Шолохов “Очилган қўриқ” романида Семён Давидов нутқида “факт” сўзини ўрни-ўрни билан такрорлаш орқали ҳам қаҳрамон нутқини ўзига хос қилиб кўрсатишга интилган. Руҳият деталларига мисол сифатида Ойбекнинг “Болалик” қиссаси қаҳрамони Тошмуҳаммад аканинг бор бисотидан айрилиб Хумсондан Тошкентта — ўз оиласига қайтиб келган пайтдаги эпизодни эслайлик: “**Бобомнинг фифони палакка чиқиб кетди**”, бувимнинг “**фифони тўғони бузилган дарёдай кўпирди**”, “**онам аста, товушсиз йиглайди**” деб ҳикоя қилади Мусавой.

Бу ўриндаги руҳият деталлари бениҳоя табиийлиги ва ҳаётни жуда аниқ ифодалаганлиги билан китобхон қалбини ларзага келтиради. Оилага ризқ-рўз ўрнига хунук хабар олиб келиш кишини не-не кўйларга солмайди, дейсиз?! Китобхон Дадақўзи бобо “**фифонининг палакка чиқиб кетиши**”дан ҳам, бувиси “**фифонининг тўғони бузилган дарёдай кўпирishi**”дан ҳам, онаси — Шаҳодат опанинг “**аста, товушсиз йиглаши**”дан ҳам фоятда таъсиранади. Гўё ота-оналар кўзларидан оқаётган қонли ёшлар гўдак Мусавойлар “юрагидан сирқиб” чиқаётгандай киши қалбини тирнаб юборади. Бундай баҳтсизликдан чуқур ғамга ботган Дадақўзи бобо “**елкасига ғам юки чўккандай, гавдасини базур кўтариб ва ҳар кунгидан буҷчайганроқ ҳолда юриб**” уйдан чиқиб кетади. Ёзувчининг санъаткорлиги шундаки, у Дадақўзи бобонинг ғам чекишини кенг шарҳлаб ўтиrmайди, балки уйидан чиқиши пайтидаги руҳиятига диққатимизни тортади — бир-икки портретик деталларни чизиш била-

ноқ фоятда чуқур мазмунни (қаҳрамоннинг руҳий изтироб чекаётганлигини) лўнда ва ёрқин қилиб чизиб берган. Қуруқ баён ва узундан узун шарҳлар эмас, балки худди шундай усталик билан топилган аниқ деталлар, лўнда ва ёрқин образли чизгилар тасвиригина китобхонда чуқур таас-сурот қолдиради. Бу деталлар, юқорида айтганимиздек, қаҳрамонларнинг ички дунёси — руҳий оламини очищдан ташқари давр руҳини ифодалашда ҳам муҳим роль йўнайди.

Ёзувчи Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романидаги ишлатилган деталлардан бирини эслайлик: Турсунбойнинг қочоқлиги ҳақидағи шум хабарни эшитар экан, “**бир пастда Икромжоннинг қадди букилди-қолди**”, гёё “**бир кечадаёқ қариб қолганга ўхшарди**”. Мана шундай руҳий изтироб чекаётган Икромжоннинг ўз ҳовлисидағи хатти-ҳаракатларини муаллиф фоятда табиий қилиб чизган: “Унинг кўзлари ҳовли юзини маъносиз кезарди. Бирдан ошхона деворига тикилганича тўхтаб қолди.

Унда Турсунбойнинг лой чаплагандаги **беш панжаси-нинг изи қолган эди**. Жаннат хола кунига неча марта бу **бармоқ изларини табаррук нарсадек қўллари билан сийпаб кўзларига, юзларига суртарди**.

Икромжон шаҳд ўрнидан туриб ўша ерга борди. **Бармоқ изларига узоқ тикилиб турди**. Кейин бурилиб **тандир тагида ётган кетмонни олди-ю, деворни турсиллатиб чопа бошлиди**. Жаннат хола ўқдек отилиб келиб унинг қўллари-га ёпишиди:

- Нима қиляпсиз, нима қиляпсиз?..
- Тегма менга, тегма менга! Бу уйда унинг изига ҳам ўрин йўқ. Изларини қириб таштайман!..”

Бу кўринишдаги бадиий деталь — Турсунбойнинг ошхона деворидаги **беш панжасининг изи**. Бу деталь худди шу вазиятда қаҳрамонларнинг маънавиятларини ўлчовчи мезонга айланган: Жаннат холанинг ўқдек отилиб келиб, Турсунбойнинг панжа излари босилган деворни чопаётган эри Икромжоннинг қўлларига ёпишишидан биз унинг қалбида чексиз оналик меҳри жўш уриб турганлигини сезамиз. Турсунбойнинг девордаги панжа изларига ота Икромжоннинг муносабати орқали эса муаллиф ўз қаҳрамони қалбида икки қудратли куч курашаётганлигини ифодалаган: унинг девордаги “бармоқ изларига узоқ тики-

либ туриши” — шахсий туйғу — бебаҳо оталик меҳрини күрсатса, “деворни гурсиллатиб чопа бошлаши” — ижтимоий туйғу — ўз ўғлининг қочоқлигидан беҳад ғазабланганини билдиради. Муаллиф худди шу ўриндаёқ Икромжон қалбидаги ижтимоий бурчни чукур ҳис қилиш туйғуси унинг шахсий ҳислари устидан ғолиб чиққанлигини табиий, ишонарли қилиб талқин этган. Ана шунга кўра ҳам уни замон қаҳрамони, муайян даврнинг етакчи тенденцияларини ўзида ифодаловчи типик характер десак бўлади. Кўринадики, ёзувчи оддийгина бир деталь орқали ўз қаҳрамонларининг ички дунёсига кириб борган ва уларнинг интеллектуал оламини китобхон кўз ўнгидага гавдалантиришга муваффақ бўлган.

Мана шундай топқирлик — бадиий деталлар асарнинг эмоционал қийматини оширади, китобхоннинг эстетик дидини ўстиришга ва умуман ҳаётни типиклаштириб кўрсашибашга ёрдам беради.

Англашиларлики, санъат асари ва умуман адабий жараён ҳаётни типиклаштириб кўрсатишни тақозо этади. Адабий асарнинг ҳар бир унсури (характер, сюжет, пейзаж, буюмлар ва бошқалар) ёки адабий жараён унсурлари (оқим, метод, адабий тур ва жанрлар...) типиклаштириш маҳсулидир. Шунга кўра, типиклик ва типиклаштиришни санъат асарининг мазмунидан тортиб шаклигача ўз ичига қамраб оладиган масала деб қарап керак. Демак, типиклаштириш бадиий ижоднинг универсал қонунияти, асосий шарти — ҳаётни тасвирлашнинг ўзига хос усули экан.

## Тўртинчи боб

### ДУНЁҚАРАШ, ИЖОД ЭРКИНЛИГИ, МИЛЛИЙЛИК, ХАЛҚИЛЛИК ВА УМУМИСОНИЙЛИК

#### **Дунёқараш ва ғоявийлик**

Бадиий ижод жараёнида истеъодод қанчалик ҳал қилувчи роль ўйнаса, дунёқараш ҳам шу қадар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Истеъододни ижод денгизизда сузиб юрувчи қудратли кема деб фараз қилсак, дунёқараш шу кемани аниқ мўлжалга бехато олиб борувчи маёқ — ком-

пасдир. Бепоён денгиз узра жавлон урадиган кемани маёқсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, бадиий ижод жараёнида истеъдодни дунёқараашсиз ёхуд дунёқараашни истеъдодсиз тасаввур этиб бўлмайди. Прогрессив дунёқарааш ва буюк истеъдод — бадиий ижоднинг қўш қанотидир. Типиклаштириш масалаларига бағишланган бобда бадиий истеъдод ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Бу ўринда ёзувчи дунёқараashi ва унинг ижод жараёнидаги роли ҳақида фикр юритамиз.

Ёзувчи дунёқараashi ижодий жараённинг барча поғоналарида, адабий асарнинг деярли ҳамма унсурларида чукур из қолдиради.

Умуман айтганда, илмий, фалсафий, сиёсий, хукуқий, ахлоқий, эстетик, диний қараашлар жамулжами дунёқарааш деб юритилади. Дунёқарааш — ижтимоий борлиқнинг инъикоси. Академик М.Б.Храпченко “Адабиёт тараққиёти ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги” монографиясида ёзувчининг дунёқараashi масаласини санъатнинг гоявийлиги масалалари билан узвий боғлиқ ҳолда текширган: дунёқарааш ва гоявийлик, дунёқарааш ва истеъдод, дунёқарааш ва ижодий метод, дунёқарааш ва воқелик ҳақида муфассал фикр юритган.

Ҳаёт ўзининг қудратли оқими билан ёзувчининг ижодий фикрлари ҳаракатини жадаллаштирибина қолмайди, балки унинг гоявий, эстетик қараашлари тараққиётига ҳам кучли таъсир кўрсатади. Санъаткорнинг дунёқараashi аллақандай қотиб қолган, ўзгармас бир нарса эмас, у доимо ўсиш-ўзгариш жараёнини бошидан кечириб туради. Ҳатто, айrim санъаткорлар дунёқараashiда кескин бурилишлар юз бериб туради. Масалан, Салтиков-Шчедрин, Гоголь, А. Толстой каби рус ёзувчилари босиб ўтган ижодий йўлга назар ташланадиган бўлса, улар дунёқараашларидағи кескин ўзгаришларни пайқаш унчалик қийин эмас. Ёзувчининг дунёқараashi ҳаёт оқими билан бирга ўсиб, ўзгариб, шаклланиб борар экан, айни чоқда, у ёзувчининг ижодий эволюциясини ҳам белгилаб беради — ёзувчи дунёқараashi қанчалик шаклланган бўлса, унинг бадиий асарлари ҳам гоявий жиҳатдан шу қадар тиниқ ва равshan бўлади. Агар ёзувчининг гоявий фикр доираси тор ёхуд заиф бўлса, у қанчалик истеъдодли бўлмасин, бу ҳол унинг ижодига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли гоявий-бадиий

жиҳатдан пишиқ асарлар билан бир қаторда хом-хатала, ҳатто, бутунлай заиф асарлар ҳам учраб туради.

Истебдод ва дунёқарааш, гоявий-фикрий доира ва истебдод бир-бири билан узвий боғлиқдир, аммо улар ҳеч қачон бир-бирининг ўрнини боса олмайдиган ўзига хос ҳодисалардир. Уларнинг жамулжамисиз санъат асарининг пайдо бўлишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

М.Б.Храпченко айтганидек, ёзувчи дунёқараши ва ижодий методи муносабатларини тўғри тушунмай туриб бадиий ижод “сиrlари”ни тўла англаб бўлмайди. Олим бу масалани ёритишини метод ва дунёқараашни бир-бирига зид кўювчи сохта назарияни танқид қилишдан бошлайди. Бу назария тарафдорлари бадиий ижод жараёнида илгор дунёқараашнинг ролини инкор қилишга жон-жаҳдлари билан интилганлар. Уларнинг фикрича, Бальзак, Гоголь, Лев Толстой каби йирик сўз санъаткорларининг дунёқараашлари реакцион характерда бўлса-да, ўз қараашларига зид ҳолда улкан санъат асарлари яратганмиш. Ҳатто, улар Бальзак, Гоголь, Л.Толстой каби адиллар ижодларинигина эмас, балки ўтмишнинг деярли барча улуғ санъаткорлари (Вальтер Скотт, Флобер, Мопассан, А.Франц, Р.Роллан, Тургенев, Гончаров, Короленко, Чехов каби)нинг ижодларини ҳам ана шу сохта назариялари нуқтаи назаридан тавсифлашга беҳуда уринганлар. Бу назариянинг йирик вакилларидан бири Г.Лукачнинг очиқдан-очиқ эътироф этишича, реакцион дунёқарааш ёзувчининг санъат асари яратишига сира ҳалақит бермасмиш, аксинча, ижодга кенг йўл очармиш. Сохта назария тарафдорлари ўтмиш классиклари эришган жиддий ютуқларни фақат уларнинг ижодий методларигагина боғлаб изоҳлаганлар.

Метод ва дунёқараашни бир-бирига зид кўювчи назариячиларнинг катта ҳатоларидан бири шундаки, улар дунёқараашни ёзувчининг сиёсий қараашларига тенглаштирганлар. Аслида эса ёзувчининг дунёқараши унинг сиёсий қараашлари билангина чекланмайди. Юқорида айтганимиздек, дунёқарааш фалсафий, илмий, ижтимоий, тарихий, эстетик қараашларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Булардан ташқари, дунёқарааш синфий муносабатларни, табиат ҳодисаларини тушунишни, жамият ва шахс муносабатлари кабиларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Шу жараёнда баль-

зан ёзувчининг сиёсий қарашлари унинг ҳаёт жараёнларини, ижтимоий муносабатлар, тарихий воқеа-ҳодисаларни тушуниши ва бадиий ифодалашига зид келиб қолиши мумкин. Бальзак, Л.Толстой, Ф.Достоевский каби дунёқараши зиддиятли ва мураккаб бўлган ёзувчиларнинг реалистик методга асосланиб, санъат асарлари яратса олганликларини ана шу билан изоҳлаш керак. Айни чоқда, “Дўстлар билан сайланма ёзишмалар” асарида Н.В.Гоголнинг ижодий муваффақиятсизликка учраши сабабларини ёзувчининг ижодий методи (бу асарида ҳам ёзувчи реализм принципларига содик қолган)дан эмас, аксинча, фоявий позициясидан қидирмоқ лозим<sup>1</sup>.

Демак, юқорида қайд этилган назариячиларнинг ёзувчининг дунёқараши реакцион характерда бўлса-да, у илғор методга амал қилса, ижодда улкан ютуқларга эриша беради, деган хулосалари асоссиз эканлиги ўз-ўзидан тушунарлидир.

Айни чоқда, дунёқараш билан методни тенглаштириш, уларни айнан бир нарса деб қараш ҳам мутлақо нотўғридир. Ўз даврида РАПП назариячилари метод билан дунёқарашни айнан бир нарса сифатида талқин қилишган. Шунингдек, ҳозирги даврда ҳам баъзан адабиётчилар бадиий метод ва услуб — дунёқарашнинг “реаллашувидир” деган фикрни олға сурадиларки, бу фикр ҳам нотўғридир. Чунки бу ўринда ҳам дунёқараш билан метод ўртасидаги тафовутлар инкор қилинади. Аслида дунёқараш ва метод бутунлай ўзига хос бошқа-бошқа нарсалардир: биз дунёқараш деганда турли-туман қарашлар мажмунини, олам, табиат, жамият ҳақидаги тасаввурларни тушунсак, бадиий метод деганда воқеликни образли умумлаштириш йўли, у ёхуд бу ёзувчи ижодига хос бўлган эстетик тамойилларни назарда тутамиз. Шунга кўра, дунёқараш билан метод айнан бир нарса эмас, балки бир-бирига узвий боғлиқ, аммо бутунлай ўзига хос хусусиятларга эга бўлган нарсалар деб қараш зарур<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> М.Б.Храпченко. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. М., Сов. писатель, 1970, 37-38-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: М.Б.Храпченко. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. М.: Сов. писатель, 1970. 45-бет.

Дунёқарааш ижод жараёнида санъат асарининг фоявий йўналишини, унинг ижтимоий-эстетик аҳамиятини белгилаб бериши маълум.

“Фоявийлик” деганда биз адабий асарда ифодаланган (асар тўқимасига чуқур сингдирилган) ижодкорнинг китобхонга айтмоқчи бўлган(яна ҳам тўғрироғи — айта олган) фикрини тушунамиз. Аммо адабий асарда ифодаланган фикр ижодкорнинг соғ субъектив фикри эмас, балки умумлашма қийматига эга бўлган ва ижтимоий аҳамият касб қўлган бадиий фоядир. Адабий асар фояси — образли ва эмоционал фикр. Мана шунинг учун ҳам фоявийлик маърифий ва эстетик-тарбиявий кучга эга бўлади.

Фоявийлик — бадиий асар мазмунининг қатор сифат белгиларини ўз ичига қамраб оладиган умумий меъёр. Фоявийлик тушунчасига: биринчидан, бадиий асар мавзуининг ижтимоий, сиёсий, фалсафий ёхуд ахлоқий қиймати; иккинчидан, бадиий асарнинг ижтимоий йўналиши; учинчидан, бадиий фоянинг ҳаққонийлиги киради. Бундан ташқари, фоявийлик деганда биз санъаткорнинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг аниқлиги, зътиқоди, ихлосини ҳам тушунамиз. Баъзан фоявийлик деганда асар фоясининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, фуқаролик руҳи, бошқача қилиб айтганда, асарнинг сермазмунлиги тушунилади.

Ёзувчининг фояси қанчалик илфор ва прогрессив бўлса, у яратган асарда ҳаёт шунчалик кенг, чуқур ва ҳаққоний ифодаланади, бадиий асарнинг қіммати бениҳоя ошади. Фоявий хатолар санъат асарининг бадиий қімматини туширади, унинг аҳамиятини йўққа чиқаради. Фоясизлик санъат ва адабиётда суюқ мазмунли асарларни вужудга келтиради. Бундай асарлар китобхонда юксак фикр ва туйгуларни тарбиялашга хизмат қилмайди, ҳаёт ҳақиқатини, кишиларни тўғри била олиш ва баҳолашга ўргатмайди, аксинча, баҳт, эрк ҳамда гўзаллик учун курашдан четта тортади. Шунга кўра, ҳар доим фоявий тутуриқсиз асарларга қарши кескин кураш олиб бориш муҳим вазифадир. Демак, фоявийлик санъат ва адабиётнинг муҳим сифат белгиси экан. Шунга кўра, фоявийлик ижод жараёнида ёзувчининг дикқат марказида туриши лозим. Ўткир ва таъсирчан фоявийлик билан юксак бадиийлик омухта бўлгандагина санъат асари пайдо бўлади.

## **Халқчиллик**

Халқчиллик — санъат ва адабиётнинг бадиийлигини белгиловчи муҳим фазилатлардан бири. Адабиётнинг халқчиллик характеристери меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-умидларини, ҳаёти ва курашини, юксак идеалларини бадиий образлар орқали акс эттиришни тақозо қиласди. Адабиёт ва санъатнинг халқчиллиги, биринчидан, халқ учун аҳамиятли бўлган ҳаётий масалаларни ўргага кўйиш, халқ ҳаётининг энг муҳим томонларини акс эттириш, меҳнаткашларнинг порлоқ орзу-умидларини ва идеалларини ифодалаш; иккинчидан, тасвир объектига халқ манфаатлари, орзу-умидлари ва идеаллари нуқтаи назаридан ёндашиб, илфор дунёқараш ва юксак фоявийлик асосида акс эттириш, тил ва услубдан, ранг-баранг шакл ва жанрлардан фойдаланиш каби муҳим тамоиллар билан белгиланади.

Рус адиблари В. Г. Белинский, А. И. Герцен, Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов, М. Е. Салтиков-Шchedринлар эстетикасида халқчиллик масаласи салмоқли ўрин тулади. Чунончи, В. Г. Белинский халқчиллик тушунчасини реализм ва фоявийлик масалалари билан боғлаб текширган. Улуғ танқидчи халқчиллик, адабиётнинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳақидаги қарашларини И. А. Кривцов, А. С. Пушкин, А. С. Грибоедов, М. Ю. Лермонтов, Н. В. Гоголь, А. В. Кольцов асарлари таҳлили асосида исботлайди: бундай ёзувчиларнинг асарларида “рус рухи” уфуриб тургани учун улуғлайди. Белинский кўпингча “халқчиллик” ва “миллийлик” атамаларини синоним сифатида ишлатади. (Маълумки, халқчиллик тушунчаси торроқ — баъзан жуда жўн халқчиллик — бир халққагина мансублилк, миллийлик — умумхалқ аҳамиятига молик). У халқчиллик масаласини адабиётда прогрессив фояларнинг ифодаланиши билан боғлаб текширади. Жамиятнинг илфор кишиларини фоятда қизиқтираётган замонанинг энг муҳим воқеа ва ҳодисаларини ҳаққоний ва чукур акс эттирган асарларнигина халқчил асарлар деб атайди. “Агар халқчиллик деганда бирор халқ, бирор мамлакат одамларининг хулқ-авторини, урф-одатларини тушунадиган бўлсак, — деб таъкидлайди Белинский. — Халқчиллик чинакам бадиий асарнинг зарур шартидир. Ҳар қандай халқнинг ҳаёти факат унинг ўзига хос шаклларда намоён бўлади,

бинобарин, ҳаёт тасвири ҳаққоний бўлса, у халқчил ҳамдир<sup>1</sup>. Грибоедовнинг “Ақлилил балоси”, Пушкиннинг “Евгений Онегин”, Лермонтовнинг “Замонамиз қаҳрамони” асарларини ана шу жиҳатдан юксак халқчил асарлар деб баҳолаган. В.Г.Белинскийнинг Н. В. Гоголга ёзган хати халқчиллик ҳақидаги танқидчининг юксак талаблари натижасидир. Шунингдек, Чернишевскийнинг “Санъатнинг воқеликка эстетик муносабатлари”, “Рус адабиёти тараққиётининг Гоголь даври очерки”, “Журналлар ҳақида қайдлар”, Н. А. Добролюбовнинг “Рус адабиёти тараққиётида халқчилликнинг иштирок этиши даражаси”, “Зулмат ичиди нур” каби асарларида санъат ва адабиётда халқчиллик масаласи назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, халқчиллик тушунчасининг доираси кенгайиб борди. Рус революцион демократлари халқчиллик меъёрларини воқеликнинг муҳим ҳодисаларини тасвирлаш ва уларга халқ нуқтаи назаридан баҳо бериш масаласи билан чамбарчас боғладилар.

Ўзбек адабиёти — юксак халқчил адабиёт. Адабиётшунослигимизда 30-йиллардан бошлаб “халқчиллик” атамиси қўлланила бошланган. Улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўзининг бир шеърида:

Одами эрсанг демагил одами,  
Они-ки йўқ халқ ғамидан ғами.

деб ёзганки, бу байт қуруқ шиор эмас, балки шоирнинг қалб сўзи, ижодий қредоси. Бу фикр ижодкорга, бадиий адабиётта тўла таалтуқли. Агар биз шоир яратган қаҳрамонлар сиймосида мужассамлашган халқчиллик хислатларига шунчаки бир назар ташласак, юқоридаги фикрнинг тўла тасдиқини кўра оламиз. Чунончи, “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод сиймосида акс эттирилган инсоний фазилатларни эслаб кўринг-а: Фарҳод — Хитой ҳоқони фарзанди, ёлғиз шаҳзода. У ҳар қанча талтайиб юрса курби етади. Аммо у шу замондаги шаҳзодалардек айш-

---

<sup>1</sup> В. Г. Белинский. Адабий орзуладар. Т., Ф. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. 250-бет.

ишрат қилиб юрмайды. Фарҳод болалик чоғларидан оқ илм-фанни зүр иштиёқ билан ўрганади: шоир муболағаси ила айтганда, жаҳонда у билмаган илм қолмайды, тош йўниш, расм солиши хунарларини пухта ўзлаштиради, ҳарб илмида маҳорат касб этади, у мислсиз куч-куваттага эга бўлади... Билимдонлик, мислсиз куч-куват, хунар қаҳрамон фаолиятида жуда-жуда асқатади — Юнонистон сафарида қаттол дев устидан галаба қозонади, Сукротдан сабоқ олади, денгиз жангидаги қароқчи-босқинчиларга зарба бериб, савдогарларнинг жонига аро киради, Армания диёрида канал қазувчиларга мадад беради.

Хунарни асрарон нетгумдур охир,  
Олиб туфраққаму кетгумдир охир?!

Фарҳоднинг шиори мана шу! У ўз хунарини, билимини, куч-куватини халқ ишига сарф қиласди — Фарҳоднинг мислсиз жасорати ила Армания чўллари боғ-роғларга айланади. У ўз меҳнати, жасорати ва маҳорати ила Шириннинг муҳаббатига сазовор бўлади — Ширин ўлкасини ҳам ўз ўлкасидек севади — уни қаттол ёв — Хусравнинг босқинчилик юришларидан қаттиқ туриб ҳимоя қиласди. Хуллас, Фарҳод сиймосида мужассамлашган барча фазилатлар халқ оммасининг қанотланган орзузи — комил инсон ҳақидаги шоир идеали. Қисқаси, Фарҳод — тўлақонли халқчил образ. Эътибор қилинг-а: “Сабъай сайёр” достони қаҳрамони Баҳром маърифатпарвар шоҳ сифатига давлат ишларини адолат билан бошқарганда мамлакат ҳам, эл-юрт ҳам, ўзи ҳам гуллаб яшнайди, аммо, у айшишратта берилиб, мамлакат ишини ҳам, эл-юртни ҳам унуганида уни ҳамроҳлари билан бирга ер ютади. Мана халқ истаги! Бу халқчилликнинг юксак намунаси! Қисқаси, “Хамса” — буюк халқчил асар.

Халқчиллик — адабиётнинг доимий йўлдоши, бош фазилати! Адабиётнинг халқчиллиги унинг инсоншунослик хислатидан келиб чиқади. Адабиёт халқ руҳиятидан ўсиб чиқади ва унинг ўзини тарбиялаш билан шуғулланади. Ҳа, халқнинг орзу-умидларини, дард-ҳасратини, ўй-фикрларини, ташвиши-ю қувончларини ифодаламайдиган адабий асарни тасаввур қилиб бўлмайди. Адабиёт — халқ маъна-

вияти, руҳияти күзгуси. Адабиёт — халқ тарихининг бади-ий ифодаси! Зеро, дунёни тебратадиган энг қудратли куч — халқ, дунёдаги энг биринчи файласуф ҳам, энг биринчи шоир ҳам — халқ. Шоир Чўлпон ҳақ гапни айтган:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўқдир...  
Бутун кучни халқ ичидан олайлик,  
Кучоқ очиб халқ ичига борайлик!

### **Миллийлик ва умуминсонийлик**

Адабиёт халқ ҳаётини акс этти-  
пар экан, у, албатта, ижтимоий тур-  
мушдаги миллий, умуминсоний жи-  
ҳатларни бадиий ифодалаши табиий бир ҳолдир.<sup>1</sup> Миллий-  
лик ва умуминсонийлик адабиётнинг руҳида чукур из қол-  
диради. Шу сабабли, миллийлик ва умуминсонийлик иж-  
тимоий ҳодисаларгина эмас, айни чоқда, эстетик ҳодиса  
ҳамдир. Миллийлик ва умуминсонийликнинг эстетик кате-  
гория сифатидаги моҳиятини тўғри англамай туриб, бади-  
ий адабиётнинг умумий қонуниятларини, ўзига хослигини,  
ижтимоий-эстетик вазифасини — ҳаёт билан адабиёт ўрта-  
сидаги диалектик муносабатни тушуниш мушкул.

Хўш, миллийлик деганда нимани тушунамиз? Умумин-  
сонийлик-чи? Миллийлик билан интернационаллик бир-  
бирига зид эмасми? Адабиёт — инсоншунослик экан, унда  
миллийлик ва интернационаллик қандай роль ўйнайди?

Немис мумтоз шоири И.Р.Бехер айтганидек, “адабиёт-  
нинг миллий мазмуни деганда, шубҳасиз, адабиётнинг мил-  
лат олдида турган тарихий вазифалар билан, халқнинг мил-  
лий манфаатлари билан боғлиқлиги... тушунилади”<sup>1</sup>.

Умуман айтганда, адабиёт халқнинг ҳаёти, касб-кори,  
ижтимоий онгини акс эттириш йўли билан унинг миллий  
характерини ифодалайди. Адабиётнинг миллий хусусият-  
лари: миллатлар ҳамда халқларнинг ўзига хос аломатлари;  
ижтимоий-сиёсий, табиий-географик, руҳий хусусиятла-  
ри; қаҳрамонларнинг тили, ташки кўриниши, кийим-ке-  
чаги, урф-одати; халқнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёти, унинг

<sup>1</sup> Қаранг: Модернизм враждебен искусству. М., Прогресс, 1964, 351-бет.

ижтимоий-иқтисодий тажрибаси, миллий манфаатларини нечоғли акс эттирганлиги билан аниқланади.

Миллат ёки халқнинг миллий хусусиятлари абстракт ҳолдаги ҳодиса эмас, балки конкрет тарихий даврнинг, ижтимоий-иқтисодий тузумнинг маҳсули Бинобарин, (санъат асаридағи миллий характер конкрет ижтимоий-иқтисодий давр кишилари характерининг бадиий инъикоси бўлади ва, шунга кўра, конкрет ижтимоий-бадиий ҳодисадир) У ёки бу бадиий асар қайси халқ ёки миллат ҳаёти ҳақида ҳикоя қўлса, шу халқ ёки миллатнинг руҳини, ань-аналарини, миллий белгиларини ифодалаши табиийдир. Аммо санъат асари объектив дунёнинг бадиий инъикоси сифатида у ёки бу халқнинг факат соф миллий хусусиятларинигина эмас, балки шу халқ турмушига, руҳиятига кириб келган бошқа халқларнинг прогрессив миллий хусусиятларини ҳам акс эттиради. Акс ҳолда бадиий асар миллий жиҳатдан тор доирага кириб қолади. Чунки ҳаётда муайян халқнинг миллий хусусиятлари ижтимоий тараққиёт жараённан тинимсиз ривожланиб, янги хусусиятлар ҳисобига бойиб боради.

Миллийлик интернационалликка зид эмас, умуминсонийлик эса миллийликни инкор қилмайди. Фоявий-бадиий етук асарларни ўқиганимизда уларда ифодаланган миллийликни умуминсонийликдан, шунингдек, интернационалликни миллийликдан ажralган ҳолда ҳис эта олмаймиз. Бунинг боиси шундаки, уларда миллийлик ва интернационаллик, хусусийлик ва умумийлик бир-биридан ажralган ҳолда эмас, балки аксинча, кўшилиб-чатишиб кетган ҳолда — яхлит жараён шаклида ифодаланади. Аммо тор маҳаллийчилик қобигига бурканган миллийлик миллий турмушнинг чинакам бадиий ифодаси бўла олмайди: у умумбашийлик аҳамияти кассб эта олмайди<sup>1</sup>.

Машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов ўзининг бир мақоласида бадиий адабиётдаги миллийлик ва интернационаллик тушунчалари ҳақида тўхталиб, шундай дейди: “Бу

---

<sup>1</sup> Каранг: Г.И. Ломидзе. Гуманизм и интернациональное единство литературы. Известия Академии Наук СССР, Отделения литературы и языка, том XXI, выпуск 5. М. 1962.

ўринда икки тушунча (миллийлик ва интернационаллик — Т. Б.) бир-бирини рад этмайди, аксинча тўлдиради. Шохлар томирлар билан, жилғалар булоқлар билан боғлиқ бўлганидек, бу икки тушунча ҳам бир-биридан ажралмасдир. Негаки, бизнинг foявий позициямиз миллий маданиятини рад этмайди, аксинча, уни тасдиқлайди ва гуллаб-яшинаши учун шароит яратиб беради.<sup>1</sup>

Ёзувчи ўзи мансуб бўлган халқнинг миллий мавқеида мустаҳкам турса, тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга ўз халқининг илғор фарзанди нуқтаи назаридан қараса ва келажакка назар сола билса, унинг асарида ифодаланган миллий туйғулар умумбашарийлик тусини олади. Адабиёттинг бундай хислатларини эса китобхон, биринчи галда, қаҳрамон сиймосида, унинг фаолиятида, хатти-ҳаракатларида, қилиқ-одатларида, ахлоқ ва одобида кўради. Бадиий адабиётдаги миллийлик фақат шакл ҳодисасигина эмас, айни чоқда, мазмун масаласи ҳамдир. Чунки бадиий асарда миллатнинг иқтисодий-сиёсий турмуши, халқ дунёкарашининг ички мураккаб мазмуни ҳам акс этади<sup>2</sup>.

В. Г. Белинский ўз мақолаларида бадиий асарда ифодаланадиган миллий хусусиятларнинг объектив характер касб этишини алоҳида таъкидлайди. Унинг уқтиришича, санъаткор ўз асарида инсонни акс эттирап экан, ўша инсон кўланка эмас, балки жонли одамнинг ўзи бўлиши керак; у жисмоний тузилишга, характерга, ахлоқга, ўз одатига, хуллас уни ҳаётдаги бошқа одамлардан ажратиб турувчи барча индивидуал хоссаларга эга бўлиши лозим. Шунингдек, у муайян миллатта ва маълум тарихий даврга мансуб бўлмоғи даркор. Негаки, бирор миллат ёки халқقا тобе бўлмаган инсон ҳақиқий инсон эмас. Демак, бадиий асарда акс этган миллийлик санъаткорнинг хизматигина бўлиб қолмасдан санъатнинг бевосита зарур шарти ҳамдир. Щу сабабли, миллийлик қанчалик аниқ ва чукур акс эттирилган бўлса, санъат асари бадиий жиҳатдан шу қадар етуқ бўлади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> “Ўзбекистон маданияти” газетаси, 1972 йил 17 ноябрь.

<sup>2</sup> Қаранг: *H. Гойибов*. Санъат тараққиётининг баъзи масалалари. Т., Ф. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1970. 108-131 бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: *В. Г. Белинский*. Полн. собр. соч., т. 5. М., АН СССР, 1954. 317-бет.

Агар адабиёт тарихига назар ташласак, ундаги барча тўлақонли бадиий образлар миллий характерлар эканлигини осонликча пайқай оламиз.

М. Аvezов асарларидағи ижобий қаҳрамонлар сиймосида қозоқ ҳалқининг миллий белгиларини кўрсак, Б.Кербобоев асарларидағи қаҳрамонлар орқали туркман миллий характерини, Ч. Айтматов қиссаларида қирғизларга хос хислатларни ва Ойбек романларида ўзбек миллий характерини кўрамиз. Аммо М. Аvezов ҳам, Б. Кербобоев ҳам, Ч. Айтматов ҳам, Ойбек ҳам ўзлари мансуб бўлган ҳалқнинг миллий характерини маҳорат билан бадиий ифодалаш орқали умуминсоний ғояларни кўтариб чиққанлар. Миллий хусусият ҳалқнинг уфр-одатлари, тарихий анъаналари, ўзига хос тафаккур тарзлари, тил хусусиятлари, айни ҳалқ яшаётган жойнинг рельеф-топонимик белгилари кабиларда ҳам яққол кўринади. Чинакам санъаткор қаламига мансуб бўлган асарларнинг қаҳрамонлари шунчаки расмият учун эмас, балки қони-жони, бутун борлиги билан миллий бўлади: уларнинг сўзлаш манералари, хатти-ҳаракати, қилиқ-одати, юриш-туриши... ҳам миллийликдан дарак бериб туради. Қирғиз ёзувчиси Ч. Айтматовнинг “Сомон йўли” повестидан бир мисол келтирайлик: қайнисининг суратини кўриб, Алиман: “Бизнинг муаллим йигитта ўхшаган сулув йигит бормикан, эна? Чимилидикнинг ортидан яхши пайқамаган эканман, тикилавергани уялгандим. Энди омон-эсон қайтиб келиб ўзидаи билимли, ўзидаи сулув қиз олса, ярашиб тушарди-да, эна!”, — дейди.

Повестнинг қаҳрамонларидан бири — Алиман нутқидан келтирилган мазкур парчанинг ўзиданоқ биз қаҳрамоннинг миллий қиёфасини ва характерига хос хусусиятларни пайқай оламиз: унинг чимилидик ортидан қайниси Майсалбекка дурустроқ қарай олмаганилиги — Шарқ келинларига хос миллий анъана — назокат, иффат, одоб, ибодан нишонадир; Алиманнинг қайниси Майсалбек шаънига айтган меҳр-муҳаббатга тўла илиқ сўзлари эса унинг фронтдаги эри Қосимга бўлган чин инсоний севгиси, ёр ҳажридан қалбида тугён урган ситам ва изтироб, соғинч ва ўқинч, порлоқ орзулар билан пайвандалашиб кетгандай. Дар-

ҳақиқат, шарқча аńьана — ёш келин Алиманиң турмуш ўртоғи Қосимга бўлган қайноқ ва эҳтиросли муҳаббатини мана шундай воситалар орқали ифодаланишини тақозо этади. Шу билан бирга, ёзувчи бу ўринда миллий заминда соф инсоний севги, меҳр-муҳаббат, самимият, поклик, гўзал ахлоқ ва одоб каби умумбашарий foяларни ҳам шарафла-япти.

Миллий характер яратишда, хусусан, улар мансуб бўлган ҳалқ ёки миллатнинг урф-одатларини, миллий белгилари-ни ифодалашда тарихийлик тамойилининг нақадар катта аҳамиятта эга эканлигини қуидаги мисоллар асосида ту-шуниб олиш мумкин.

Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” ро-манининг биринчи китоби ва Пиримқул Қодировнинг “Қора кўзлар” романи ўзбек ҳалқининг икки хил даврдаги ҳаётини акс эттиради — “Фарғона тонг отгунча”да Ок-тябрь тўнтарилиши арафасидаги турмуш кўрсатилса, “Қора кўзлар”да замондошларимиз — чорвадорларимиз ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳар иккала асарда ҳам ўзбек ҳалқининг миллий хусусиятлари бош қаҳрамонларнинг фаoliятлари орқали очилади. “Фарғона тонг отгунча” даги Гуломжон ва Ҳаётхон инқилоб арафасининг фарзандлари бўлсалар, “Қора кўзлар”даги Аваz ва Ҳулкарлар бизга ҳамнафасдир. Ана шу иккала асарда ҳам муҳаббат ва оила масалалари ҳалқимизнинг миллий урф-одатларига боғдаб ҳал этилади.

Гуломжон билан Ҳаётхонлар бир-бирини қалбдан се-вадилар ва шу йўлда курашадилар. Бироқ Гуломжон “қорача”, Ҳаётхон эса “хўжа” бўлғанлиги учун улар баҳ-ти турмуш куришга муюссар бўла одмайдилар — қаҳра-монларнинг соф севгилари ва орзу-ниятлари ўти даврда ҳуқмроňлик мавқеига эга бўлган қолоқ урф-одатларнинг ўткир тифига дуч келиб, чил-чил бўлади. Бу муайян давр учун типик ҳодиса. Шу урф-одат, биринчидан, Гулом-жон ва Ҳаётхонларнинг ўзбек ҳалқининг фарзандлари эканлигини билдируса, иккинчидан, қаҳрамонларнинг инсоний ҳақ-хукуқлар бўғилган, соф муҳаббат каби ин-соний ҳис-туйғулар поймол этилган бир даврда, бўғиқ шароитда яшаганликларини кўрсатишга хизмат қилди-рилган.

Хұлкар билан Авазлар бошига ҳам аслида худди шунга үхшаш “савдо” тушади. Романда тасвирланишича, Хұлкар Холбекка фотиха қилинганды. Бироқ у Холбекни севмайды. Шунға қарамай, Хұлкар, албатта, Ҳолбекка турмушға чи-қиши керак. Миллий аңьана шуни тақозо этади. Аммо эс-хүшини таниған, янги замон қизи Хұлкар шарқда асрлар оша ҳукм суриб келған, тоғ бағрида жойлашған Ойкүл қишлоғида ҳамон катта мавқега эга бўлған бундай тор миллий аңьана кишанларини парчалаб (Холбекка қилинганды фоти-хани бузиб), севгилиси Аваз билан турмуш қуради. Тўғри, Аваз ва Ҳұлкар осонликча баҳтга мушарраф бўлмайдилар — эскилиқка муккасидан кетган кишилар Холбекни уларга қарши ишга солади. Холбек улардан ўч олишга аҳд қила-ди: ҳатто у ов мильтигидан ўқ узиб, Авазни ярадор ҳам қила-ди. Авазнинг онаси ҳам ўз келинини дастлаб хушламайды, акаси Ортиқ бўлса очиқдан-очиқ ёмон кўради. Севишганлар турли-туман тазийкларга бардош бериб, ўз баҳтларини ҳимоя қиласидилар. Аммо уларнинг қолоқ миллий удумларга қарши олиб борган кураши бу билангина чекланмайды. Ҳұлкар Ойкүл аёллари орасида биринчи бўлиб яйловга кўчиб боради — Аваз билан бирга қўй боқади. Бу эса Ҳулкарнинг чинакам эскирган миллий урф-одатларга қарши кўтарған иккинчи исёни эди. Бу ўша муҳитда катта жасо-рат ва қаҳрамонлик эди. Аваз билан Ҳұлкарнинг кураш-чан ва ҳужумкор характер эгаси, замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамони эканликлари ҳам ана шундай ўринларда кўзга яққол ташланиб туради. Бироқ яйловда ҳам улар қолоқ чўпонларнинг хуружларига, эскилиқка муккасидан кетган одамларнинг таъна-дашномларига дуч келадилар. Биқиқ муҳит қаҳрамонларимиз ички дунёсига кучли реакция бе-ради, уларни рашик ва иккиланишлар гирдобига ташлайди. Аммо қаҳрамонлар ҳаёт жумбокъларидан сабоқ олиб, ўз рақибларига қарши фаол кураш олиб борадилар, шу кураш ўтида тобланадилар. Шундай қилиб, асар қаҳрамонлари ўз қўллари билан тақдирларини яратишга мусассар бўладилар — Гуломжон ва Ҳаётхонларга кулиб боқмаган баҳт Аваз ва Ҳұлкарларнинг доимий йўлдоши бўлиб қолади. Ёзувчи буни ҳаёт оқими ва характерлар мантиқидан келтириб чиқаради. Шунинг учун у табиий ва ишонарли бўлиб чиққан.

Чинакам санъат асарида миллийлик ва умуминсоний-лик шу таҳлит диалектик бирлиқда акс эттирилади. Асарда миллий турмушнинг прогрессив жиҳатлари қанчалик истеъдод билан кўрсатилса, миллий колорит қанчалик ёрқин ифодаланса, унда умуминсоний туйгулар, интернационал хислатлар шунчалик барадла янграб туради. Шундай асарларгина миллион-миллион китобхонларни гуманизм, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, гўзалик руҳида тарбиялаш ишига хизмат қила олади.

**БАДИЙ АСАР****Биринчи боб****МАЗМУН ВА ШАКЛ, МАВЗУ ВА ФОЯ  
МУТАНОСИЕЛИГИ**

Бадий адабиёт ранг-баранг адабий асарлар мажмудан таркиб топады. Шунга күра, бадий адабиёт ҳақидаги таълимот адабий асар ҳақидаги таълимотни ҳам ўз ичига қамраб олади. Адабий асар тузилишини пухта билмай туриб бадий адабиёт ҳақидаги назарий қараашларни чукур ўрганиб бўлмайди.

Адабий асар ўз тузилишига кўра мураккаб механизмни эслатади. Негаки, адабий асар “организми”да ўнлаб гоявий-бадий унсурлар мавжуд. Чунончи, асар тўқимасида мавзуз, масала, фоя, образ, сюжет, конфликт, композиция, тил, маҳсус лексик қатламлар, кўчимлар, бадий санъатлар, поэтик фигуранлар, шеър тузилиши, адабий тур ва жанр, метод ва услуб аломатлари бўлади. Яна ҳам тўғрироғи, адабий асар мана шу унсурларнинг бирикиб (бир бутун бўлиб) келишидан пайдо бўлади. Адабий асар тўқимасида ҳамма унсурлар ўз жойида бўлиши шарт: унда бирорта ортиқ ёки кам нарса бўлмаслиги лозим. Асар яхлит, қўйма-ёмбига айланиши керак. Асар тузилишини ўрганиш жараёнидагина биз уларни (ўта шартли равишда) икки гуруҳ — (мазмунга оид унсурлар ва шаклга оид унсурлар)га ажратиб кўздан кечирамиз, холос. Аслида эса улар бир бутун, яхлит “организм”.

**Мазмун ҳақида  
тушунча**

Бадий асарда мазмун ва шакл диалектик алоқада бўлади: бири иккинчисига ва иккинчиси биринчисига ўтиб туради. Ҳатто шундай ҳам бўладики, асарнинг маълум бир унсури ҳам мазмун, ҳам шакл вазифасини ўтаси мумкин. Шунга кўра, мазмун ва шакл орасига хитой деворини кўйиб, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Бадий ижоддаги мазмун ва шаклнинг ўзаро диалектик муносабати фалсафадаги сабаб ва натижага ўхшаб кетади.

Бадий асарда мазмун ва шакл диалектик бирликда ва бир-бирига ўтувчи ҳодиса сифатида ўрганилади. Дарҳақиқат мазмун ва шакл бир-бири билан шу қадар узвий боғлиқки, уларнинг бири иккинчисиз яшай олмайди: шакл мазмуннинг ташқи кўриниши бўлиб, унга гўзаллик бағишлайди, айни чоқда, мазмун ҳам бирор шаклда намоён бўлади. Шакл ва мазмун муносабатида мазмун етакчилик қиласи — у ўзи ўзгариши билан шаклнинг ўзгаришига сабабчи бўлади. Бадий ижодда янги мазмун билан эски шакл (консервативроқ бўлади) ўртасида зиддият келиб чиқиши мумкинки, у албатта, шаклни ўзгартиришга олиб келади. Бу ўринда улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг шеъриятда мазмун (маъни) ва шакл (сурат) ҳақидаги назарий фикрларини эслаш зарур:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,  
Бўлсун анинг сурати ҳарне дурур.

Назмки маъни анга марғуб эмас,  
Аҳли маоний қошида хўб эмас.

Назмки ҳам сурат эрур хўш анга,  
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.

Алишер Навоий шакл билан мазмунни диалектик бирликда олади ва шу бирликда мазмунни сўзнинг етакчи асоси деб билади. Шеирнинг фикріча, шеър мазмунни билан ҳам, шакли билан ҳам бениҳоя гўзал мукаммал бўлиши керак. Бу ўринда таъкидлаш жойэки, улуғ шоирнинг бу фикри назмгагина ёмас, насрга ҳам, драматургияга ҳам, қисқаси, барча адабий асарларга тегишлидир. Мазмун ва шакл мутаносиблиги — адабиёт қонуниятидир.

Алишер Навоий мазмуннинг етакчилигини ишкорлэтиб, куруқ шаклбозликка берилиб кетган, сўзни сунистеъмол қилгай формалист шеирларга қарши чиққан. Афсуски формализм кўринишлари адабиёт тараққиётининг бошқа боекичларида ҳам учраб турган. Масалан, XIX асрда Қўқон хони Амир Умархон саройидаги шабаб ижод этган шоирларидан бальзилари шоир Амирий (амир Умархон) шеърия-

рига тақлид қилғанлар — шаклбозликка берилғанлар. Шунингдек, асrimизнинг 20—30 йилларида ҳам шаклбозлик күринишлари пайдо бўлган. Чунончи, шоир Эминжон Аббоснинг “Трактор марши” шеърини формалистик шеър намунаси десак, муболага бўлмас:

Тез...з з з з з  
Тез —  
Пир... р р р р  
Поқ.  
Турррр..., поқ-поқ  
Турррр... поқ  
Урпоқ  
Ер.  
Без.  
Тез.  
Куз.

Эътибор қилинг-а: юқоридаги шеър бандида каттагина шакл бор, аммо мазмун йўқ — шоирнинг нима демоқчи эканлиги маълум эмас. Тўғри, шеърда трактор товушига тақлид бор, аммо тракторчи, яъни одам нафаси сезилмайди. Ваҳоланки, адабиёт — инсоншунослиkdir. Шоир асосий тасвир обьектини унутган. Шу важдан бу асар чиндан ҳам формализм намунаси.

Таъкидлаш керакки, ҳикоябоп фикрни ҳикояда, қиссанбоп фикрни қиссада, романбоп фикрни романда ифодалаш керак. Агар ёзувчи ҳикояга лойиқ фикрни қиссада, қиссабоп фикрни романда ифодалашга интилса ёки аксинча, романбоп фикрни қиссада, қиссабоп фикрни ҳикояда беришга уринса, санъат асарида мазмун ва шакл мутаносиблиги бузилади — у, албатта, муваффақиятсизликка учрайди. Масалан, С. Анорбоевнинг чорвадорлар ҳаётидан олиб ёзилган “Оқсой шалолалари” қиссаси foявийбадиий жиҳатдан пухта асар бўлса, унинг романга айлантирилган нусхаси саёз чиқиб қолди. Худди шундай ҳолат Раҳмат Файзийнинг “Чўлга баҳор келди” асарида ҳам юз берган — асарнинг қисса нусхаси пухта, аммо роман нусхаси бўшроқ — мазмунан камбағалроқ... Демак, ёзувчи тўтплаган ҳаётий материал фақат қиссагагина етарли бўлган экан.

Яна шу нарсани ҳам қайд этиш лозимки, санъаткорона ўйлаб топилган шакл ҳам поэтик мазмунга бефарқ қарай олмайди: у мазмунга муайян тус-суврат беради, уни бойитади, безайди, күолтиради, туталлайди — эстетик таъсир-чанлик бахш этади. Биргина мисолни олиб кўрайлик:

Сенга бахтдан тахт тиларман,  
Толедан бошингга тож,  
Ҳусни мулкингга омонлик,  
Тожу тахтингга ривож.

ёки:

Дўст билан обод уйинг,  
Гар бўлса у вайрона ҳам,  
Дўст қадам қўймас эса,  
Вайронадир кошона ҳам.

Шоир Эркин Воҳидов ғазалларидан олинган юқоридағи байтлар мазмуни билан ҳам, шакли билан ҳам бағоят гўзал — у китобхонга эстетик тарбия ва завқ-шавқ беради. Агар шу байтларда ифодаланган маъно-мазмунни санъат (ғазал) шаклига солмасдан жўнгина баён қилинса (“Сенга бахт ва толе ёр бўлсин, ҳуснинг ва бахтинг барқарор бўлсин” ёки “Хонадонингдан дўст аrimасин: дўст келса уйинг обод, келмаса хароб бўлади”), бу фикрлар ўқувчида муайян таассурот қолдиради-ю, аммо унга завқ-шавқ бағишиламайди, фикрнинг таъсир кучи ҳам кутилгандай кучли бўлмайди. Шаклнинг мазмунга таъсири мана шундай ўринларда аниқ сезилади.

Умуман мазмун деганда биз санъат асарида акс эттирилган ҳаёт парчасини тушунамиз. Бошқача қилиб айтганда, воқелик, ижтимоий турмуш муаммолари санъат асарининг мазмунини, моҳиятини ташкил қиласи. Чунончи, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясининг мазмуни деганда биз асарда тасвирланган ўтмишдаги ўзбек деҳқонининг образи — Қобил бобонинг аччик қисматини кўз ўнгимизга келтирамиз: Қобил бобонинг яккаю ягона ола ҳўқизини ўғирлаб кетишади, бобо кўмак сўраб элликбоши, амин ва приставга мурожаат қиласи, бор-йўғини уларга тортиқ этади, кампири эса азайимхонга обдастагардон қидираман

деб топган-тутганини беради. Оқибатда, Қобил бобо пахтафуруш Эгамберди бойга қарам бўлиб қолади.

Санъат асарида воқелик ижодкорнинг нуқтаи назари, яъни дунёқарashi тақозосига кўра тасвиirlанади. Шу сабабли, ижодкор дунёқарashi, санъат асарининг мазмунида ўз ифодасини топади, унда чукур из қолдиради. Бинобарин, “Ўгри” ҳикоясида Абдулла Қаҳҳорнинг Қобил бобони бутунлай хароб қилган элликбоши, амин ва приставларга, яъни ҳақиқий ўғриларга нафрати, фазаби қанчалик кучли ифодаланган бўлса, Қобил бобо тақдирига ачиниши ҳам шу қадар аниқ сезилиб туради.

Санъатда ижодкор томонидан англашилган воқелик тасвиirlанади. Шунга кўра, санъат асарининг мазмуни деганда биз муайян асарда ифодаланган гоявий мазмунни тушунамиз. Адабий-бадиий асарнинг гоявий мазмунини таҳлил қилас эканмиз, биз шу жараёнда муаллифнинг ҳаётни қандай тушунганини ва унга қандай баҳо берганини аниқлаймиз. Муаллифнинг ҳаётга муносабати — унга берган баҳоси эса асардаги образлар тизимида ўз ифодасини топади: образ — бадиий асарнинг гоявий мазмунини ифодаловчи шакл. Ўз навбатида, образ сўзлар воситаси билан яратилар экан, ўз воситасига нисбатан маъзмундир. Л. И. Тимофеевнинг таъкидлашича, тил (сўз) образга нисбатан шакл, образ эса асарнинг гоявий мазмунига кўра шаклдир. Асардаги нутқий ифодалар, композиция, ритмик-интонацион воситалар, образнинг мөҳиятини очища хизмат қиласи; асар мазмунини ифодалайди.

Мазмунни воқеликни бадиий ифодаси деганда, образни, яъни инсон ҳаётининг конкрет бадиий манзарааларини назарда тутамиз. Ёзувчи ҳаётни образлар воеситасида акс этирир экан, шу образнинг фаолиятига ўз қарашларини, яъни тенденциясини сингдириб юборади. X. X. Ниёзийнинг “Бой ила хизматчи” драмасида Гофур, Ойбекнинг “Күелуг қон” романида Йўлчи халқни мавжуд ижти ойи тузумга карши курашга даъват қилас экан, судар инсоний баҳтни кураш орқали кўлга киритиш мумкин деб қатый ишонацилар. Эрк ва баҳт учун курашга даъват этиш — бу асарларнинг гоявий йўналиши — мазмунини ташкил қиласи.

Мазмуннинг шаклга ўтиши биринчى навбатда, образлар орқали юз беради. Ёзувчининг гоявий шияти инсон

ҳаётининг конкрет манзаралари — образлар орқали гавдаланади.

Мазмуннинг образлар орқали шаклга ўтиши диалектик алоқа бўлиб ҳисобланади. Бу алоқа — мураккаб ижодий жараёндан иборат. Чунончи, мазмун образлар орқали шаклга ўтар экан, шу жараёнда образ мазмунга ҳам таъсир қилиши мумкин. Адабиёт тарихида шундай далиллар ҳам борқи, ёзувчи қаҳрамонлари характерларини чукурлаштириш устида ишлаши жараёнида ўзининг дастлабки foявий ниятини, яъни мазмунни ҳам ўзгартириши мумкин. Шундай қилиб, асарнинг foявий мазмунни кенгайиб, чукурлашиб кетади. Шунга ўхшашиб ҳолат Сайд Аҳмад ижодида юз берган: у дастлаб “Уфқ” романида Икромжон, Азизхон, Низомжонларнинг уруш давридаги ҳаётини акс эттиromoқчи бўлган. Ижод жараёнида қаҳрамонларнинг урушдан аввалги ва кейинги ҳаётини кўрсағиши нияти туғилган. Шу тариқа, уч романдан иборат бўлган “Уфқ” трилогияси пайдо бўлган.

Мазмуннинг шаклга ўтиши сюжет ва композиция орқали ҳам юз бериши мумкин. Бундай пайтда, сюжет ва композиция шаклнинг атрибути (характерли белгиси) бўлиб хизмат қиласи, мазмунга ҳам билвосита таъсир кўрсатади. Чунки улар образларнинг жойлашиши, гурӯҳлашиши, ўзаро алоқадорлиги билан боғлиқ. Бундан шаклнинг мазмундориги ҳақидаги таълимотнинг тасдиғи келиб чиқади. Шунингдек, поэзияда мазмуннинг шаклга ўтиши ритмик-интонацион воситалар орқали ҳам юз беради.

**Шакл ҳақида тушунча** Дастлаб шуни айтиш керакки, шакл мазмун билан узвий боғлиқ — мазмунли шакл. Образ эса, мазмунни ифодаловчи шакл. Айни чоқда, образ — ҳам мазмун, ҳам шакл ҳодисаси. Чунки foявий мазмун образлар орқали очилади, образлар эса бадиий тасвир воситалари орқами яратилади.

Тил, бадиий тасвир воситалари, конфликт, композиция, адабий тур, жанр, шеър тузилиши кабилар, биринчи навбатда, шакл ҳодисаларидир. Чунончи, “Ўгри” ҳикоясининг шакли деганда биз шу ҳикоя поэтикасини, хусусан, унинг сюjetи, композицияси, конфликти, бадиий тил воситалари ва ҳоказоларни тушунамиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, ёзувчи муносиб шакл то-пиш бўйича тинимсиз изланишлар олиб боради (чунки, гўзал шаклсиз санъат асари яратиб бўлмайди). Ижодкор-нинг шакл соҳасидаги топқирликлари оқибат-натижада мазмунни қуюқлаштиришга олиб келиши лозим. Зоро, мазмунгага хизмат қилмайдиган шакл санъат доирасидан чиқиб кетади.

Шу тариқа, шакл соҳасидаги изланишлар мазмунни қуюқлаштиришга, чукурлаштиришга олиб келган тақдир-дагина чинакам санъат асари — бадий жиҳатдан пишиқ асаргина китобхонга манзур бўлади. Зоро,

Ҳақиқий санъат асарида шакл мазмунга, мазмун шаклга тўла монанд бўлади. Мазмун — ғоявийлик, шакл — бадийлик ҳодисаси. Ғоявий-бадий жиҳатдан пишиқ асаргина китобхонга манзур бўлади, холос.

### **Мазмун ва шакл бирлиги**

Санъат асарида мукаммал шакл ҳаёт ҳақиқатини ўзида ифодалайдиган конкрет чукур мазмун билан узвий боғланиб кетиши — органик бирликда бўлиши ке-рак. Бу — бадийликнинг зарур шарти. Ҳақиқий бадий асарда мазмун ва шакл бир-бирига киришиб бирикиб кетади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. “Мазмунни ифодаловчи шакл, — деб таъкидлайди В.Г.Белинский, — бир-бири билан шундай боғлиқки, шаклни мазмундан ажралиш — мазмунни йўқ қилиш, мазмунни шаклдан ажралиш — шаклни барбод қилиш демакдир”<sup>1</sup>.

Илгор санъаткорлар доимо ғоявий мазмун жиҳатидан тўлақонли асар яратиш учун курашар экан, шаклга ҳам катта эътибор берганлар. Бадий ижоддаги новаторлик — мазмун соҳасидаги изланиш шаклни янгилашга, мукаммаллашга олиб келган тақдирдагина чинакам новаторлик бўлади. Чунончи, В.В.Маяковскийнинг мазмун соҳасидаги изланишлари шаклни янгилаш (эркин вазн)га олиб келди. Ҳамза воқеликни ифодалашда поэзияда бармоқ вазнига мурожаат қилди, айрим ҳолларда аruz вазнини ислоҳ этди. Бу ўринда шоир Ҳамид Олимжоннинг қўйидаги фикрини эслаш жоиз: “Нафис адабиётда шакл ва мазмун ай-

<sup>1</sup> В. Г. Белинский. Собр. соч. в трех томах, т. 3. М., ГИХЛ, 1948, 138-бет.

рим-айрим олиб текширилиши мумкин эмасдир, — деб уқтиради Ҳамид Олимжон. — Асарнинг қиймати, энг аввал, унинг мазмун жиҳати билан ўлчангани ҳолда унинг бадиий асар эканлиги мазмунидан эмас, балки шакл ва услубидан маълум бўлади”.

Адабий асарнинг мазмуни билан шакли ўртасидаги диалектик бирлик муаммосини тушуниш ва талқин этишда адабиётчилар ҳамиша яқдил қарап шаҳарга эга бўлаверишмаган. Масалан, 30-йилларда айрим адабиётчилар адабий асарнинг шаклинингина эътироф этдилар, мазмунни аҳамиятсиз санадилар. Уларнинг фикрича, адабий асар шакл унсурларидан — поэтик усуслар, тил, бадиий тасвир воситаларидангина иборат эмиш. Бу хил адабиётчилар кейинчалик адабиётшунослигимиизда “формалистлар” деган ном олдилар. Яна бошқа гуруҳ адабиётчилар эса аксинча йўл тутдилар. Улар адабий асарнинг фақат мазмунинигина эътиборга олдилар-у, аммо шаклининг аҳамиятини менсимадилар. Бу адабий оқим кейинчалик “вульгар социализм” номи билан аталди. Ҳар иккала оқим ҳам маълум даврларда адабий ҳаракатчилигимиизда, адабиётшунослигимиизда салбий роль ўйнади. Шу сабабли, бу оқимлар ўз даврида адабий жамоатчиликнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Адабиётимиз тараққиёти учун мусаффо атмосфера вужудга келтирилди. Бироқ, ҳозирги даврда ҳам адабиётда формалистик ва вульгар-социологик оқимларнинг турли-туман кўришилари аҳён-аҳёнда учраб турадики, булардан эҳтиёт бўлмоқ керак.

Демак, санъат асарида мазмун билан шакл диалектик бирликни ташкил қиласди — асарга жонли бир бутунлиллик, яхлитлик бағишлилди. Бадиий асар ўз тузилишига қўра гўё жонли бир организмдирки, унинг ҳеч бир аъзоси — звеносига тегиб бўлмайди. Адабий асарда ҳамма нарса ўз ўрнида ва ўз меъёрида бўлиши шарт.

\* \* \*

### **Мавзу ва ғоя**

Мавзу (*юн. theme* — асосида турвчи) — бадиий асарда фалсафий, ижтимоий, ахлоқий ва бошқа муаммоларни қўйиш ҳамда ёритишга хизмат қилган, шу асарнинг ҳаётий асосини таш-

кил этган воқеа-ҳодисалар доираси. Умуман, мавзу биринчидан, ёзувчи томонидан ҳаётдан танлаб олинган ва тасвиirlанган воқеа-ҳодисалар доирасини, иккинчидан, асарда қўйилган ва ёритилган ҳаётий масалаларни ташкил қилади.

Мавзу икки маънода қўлланилади:

1. Мавзу атамаси — асарда акс эттириш учун санъаткор томонидан ҳаётдан саралаб олинган воқеа-ҳодисалар (воқеаликнинг асарда тасвиirlанган бўлаги). Ўзбек меҳнаткашларининг чоризм ва маҳаллий буржуазия зулмига қарши 1916 йилда исён кўтариши — миллий озодлик ҳаракатини ифодаловчи воқеа ҳодисалар — “Кутлуғ қон” романининг асосий мавзуидир. “Зайнаб ва Омон” поэмасининг асосий мавзуси эса XX асрнинг 30-йилларида камол топган зайнаблар ва омонларнинг янгича севги-муҳаббати билан боғлиқ бўлган воқеалар доираси.

Мавзу — бадиий асар билан ҳаётни бир-бирига боғловчи восита. Шунга кўра, бадиий асарнинг тематик таҳдили жараёнида санъатнинг воқеаликка эстетик муносабати ҳақида фикр юритилади.

2. Мавзу — санъат асарида қўйилган ва ёритилган асосий ижтимоий масалалар. Чунончи, “Кутлуғ қон” романнинг ўзбек меҳнаткашларининг конкрет мухим таъсирида ўз-ўзини англаши ва ҳақ-хуқуқи, эрки учун зулмга қарши бош кўтариши масаласи ёритилган. Шу масала — романнинг мавзунини ташкил қиласи. Садриддин Айний “Судхўрнинг ўлеми” повестида Бухоро амирлиги шароитида пайдо бўлган иллатлардан бири — ўта хасислик, судхўрлик масаласини кўтариб чиқади ва фош этади. Хасислик ва судхўрлик — қиссанинг мавзунини ташкил этади.

“Мавзу” атамасининг иккинчи маъноси жуда муҳимдир. Чунки бу атаманинг биринчи маъносида мавзуни ҳаётий материал сифатида тушуниш натижасида шу тушунчани тасвиirl объекти билан тенглаштириб қўйиш ҳоллари ҳам учраб туради. Мавзуни асарнинг асосий муаммоли маъносида тушунилганда, табиий равищда, мавзу билан гоянинг органик боғлиқлиги масаласи келиб чиқади.

Айrim асарларнинг номларида мавзунинг муаммолик характеристи таъкидланади. Чунончи, “Ақдлилик балоси”, “Замонамиз қаҳрамони”, “Ким айбдор?”, “Нима қилмоқ

керак?”, “Жиноят ва жазо”, “Кеча ва кундуз”, “Икки эшик ораси”, “Диёнат”, “Лолазор”, “Тушда кечган умрлар”, “Тұхматчилар жазоси”, “Қутлуғ қон”, “Сароб”, “Түғилиш”, “Давр менинг тақдиримда”, “Иймон” каби асарларнинг номлари фикримизни тасдиқлайды. Аммо күпгина асарларнинг номлари (“Зайнаб ва Омон”, “Навоий”, “Навоийнома”, “Амир Темур”, “Умид”, “Мирзо Улугбек” каби)да мавзунинг муаммолик характеристикасынан да, барибир уларда ҳам у ёки бу ҳәеттегі муаммолик қўйилиши ва ёритилиши мутлақа табиийдир. Ҳар бир санъат асарини ҳәеттегі масаласиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Мавзу сюжет орқали очилади, сюжет мавзуни чукур ва конкрет очишга хизмат қиласи. Мавзунинг яна бир аҳамиyти шундаки, у асар қисмларини яхлит бир бутунликка бирлаштиради.

Мавзу, баъзан, жанрлар характеристикини белгилашга ҳам хизмат қиласи. Чунончи, “Зайнаб ва Омон” поэмасида янгича севги — асосий мавзу. Аммо асарда эскилиқ билан янгилик ўтасидаги кураш, гуманизм, юксак онглилиқ каби масалалар (ёрдамчи мавзулар) ҳам борки, булар ҳам ўз навбатида бош мавзу — янгича севги мавзусини ёритишга хизмат қилган. Шу сабабли, асар композиция жиҳатидан бир бутунлик касб этган.

Адабиётда “абадий” деб ном олган мавзулар ҳам бўлади. М. Горькийнинг уқтиришича, ўлим ва муҳаббат — абадий мавзу, бундан ташқари, мавзу рашқ, қасос, хасислик, дўстлик, ватанпарварлик кабилар ҳам абадий мавзулардан бўлиб келган.

Адабий асарнинг мавзуси муҳим бўлиши шарт. Шунга кўра, ёзувчи мавзу танлашга бефарқ қарай олмайди. Мавзу танлашда ёзувчининг дунёқарashi, онглилиги муҳим роль ўйнайди. Замонанинг илғор фарзанди бўлган ёзувчи доимо ҳәётнинг долзарб масалаларига эътибор беради, шу ҳақда асар ёзади. Адабиётимиз мавзу жиҳатдан бениҳоя бой адабиёт.

## **Фоя ҳақида тушунча**

Н. Г. Чернишевскийнинг таъ-  
кидлашича, санъат ҳаётнинг у ёки  
бу жиҳатини бадиий тарзда ифода этади. Бундан ҳаётнинг  
моҳиятини, аҳамиятини яхшилаб тушунтириб бериш ва шу  
орқали тасвир обьекти устидан ўз “хўкми”ни чиқариш  
мақсадини кўзда тугади. Санъатнинг бу уч вазифаси бир-  
бири билан узвий боғлиқдир. Санъатнинг тасвир обьекти<sup>1</sup>  
устидан чиқарган “хўкми” — унинг гоясидир. Фоя — асар-  
да қўйилган ва ёритилган масалаларнинг моҳиятидан, ха-  
рактерлар талқинидан мантиқий равишда келиб чиқади-  
ган хулоса. Шунга кўра, мавзу асар гояси билан узвий боғ-  
лиқ бўлди. Бошқача қилиб айтганда, ёзувчи ҳаётнинг у ёки  
бу жиҳати ҳақидағи фикрини ўқувчига етказмоқчи бўлади.  
Шу фикрни асардаги образлар фаолиятига, қўйилган ма-  
салалар замирига сингдириб юборади. Китобхон асарни  
ўқиб чиққач, воқеа-ҳодисалар талқинидан, характерлар  
мантиқидан гояни топиб олади. Фоя асар тўқимасига қан-  
чалик чукур сингдириб юборилган бўлса, унинг бадиий  
таъсирчанлиги, эмоционаллиги шунчалик кучли бўлади.

Адабий асарнинг гояси, худди мавзудек, асар мазмуни-  
да ифодаланади. Чинакам бадиий асардаги ҳар бир эпи-  
зод, ҳар бир образ ва, ҳатто, алоҳида деталлар ҳам асосий  
гояни очишга хизмат қилдирилади. Асар гоясини тўла ту-  
шуниш учун унда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, образ-  
лар, деталлар ҳақида чукур муроҳада қилиб кўриш, ат-  
рофлича таҳлилдан ўтказиш керак. Санъат асарининг гояси  
бадиий гоядир. Бадиий фоя — санъат асарининг мазмуни-  
да ётган умумлашма, эмоционал ва образли фикр. Асар  
гояси ҳақида сўз юритилганда унинг мана шу хусусиятини  
албатта ҳисобга олиш зарур.

## **Мавзу ва фоя ранг- баранглиги, яхлитлиги**

Ёзувчи асарида ҳаётни синтетик  
тарзда тасвирлар экан, у, албатта,  
бир-бири билан боғлиқ бўлган қа-  
тор масалаларни қаламга олади,  
уларга ўз муносабатини билдиради — баҳосини беради.  
Шунга кўра, асарнинг гоявий-тематик тўқимаси мураккаб-  
дир. Чунончи, “Кутлуг қон” даги Йўлчи образи орқали  
бир масала ёритилса, Гулнор, Нури, Мирзакаримбой, Тан-  
тибойвачча ва Ёрматларнинг ҳар бири орқали бир-бирига  
ўхшамаган (бутунлай бошқа-бошқа) масалалар ёритилади.

Асарда бу масалалар ва улардан келиб чиқадиган хulosалар бош мавзуу ва бош фоя атрофида уйғунлашади. Акс ҳолда, асарда ягона бир бутунлик эмас, тарқоқлик юз берадики, бу бадийликка бутунлай зиддир.

Умуман айтганда, асарда тасвирланган ҳар бир образ, ҳар бир ҳаётий вазият (ситуация) ўзига хос мавзуга ва унга берилген баҳога эга бўлади. Шу маънода адабий асар кўп муаммоли, яъни кўп мавзули ва кўп фоялидир. Кўпгина танқидчилар муайян бир асарни таҳлил қилганда, бир-бirlарини такрорламайдилар — уларнинг ҳар бири шу асарда қўйилган ва ёритилган масалалардан ўзи учун қизиқарли бўлганиларини ажратиб олиб ўрганади, бошқаларини эса четлаб ўтади.

Адабий асардаги фоявий-тематик кўп қирраликкунинг тўқимасидаги яхлитликка, бир бутунлиликка зарар етказмаслиги керак. Чунки, ҳаётнинг ўзида ҳам муайян бир ҳодиса бошқа бир ҳодиса билан ўзаро алоқага киришиб, мурракраб, яхлит ҳодисаларни ҳосил қиласиди, буларга маълум бир нуқтаи назардан қараб баҳо бериш тақозо этилади. Санъат ҳаётнинг мана шу талабига амал қиласи. Шунга кўра, асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, конкрет ситуациялар, масалалар, образлар ўзаро алоқага киришиб яхлит бир бутунликни — асар тўқимасини ҳосил қиласи. Асарга яхлитлилик бағишилашда — асосий мавзуу ва асосий фоя ҳал қилувчи роль ўйнайди. Масалан, “Синчалак” повестида хотин-қизларга паст назар билан қарашга қарши кураш, “қаландаровчилик”ка зарба бериш, жамоа ҳаётида ижодий ташаббускорликни кўтариш, маданий турмуш учун кураш, эскилил сарқитларини фош қилиш, янгича севгимуҳаббат каби қатор масалалар қўйилган. Бу масалалар тасвир жараённада биргина марказий муаммо хўжаликка янгича раҳбарлик қилиш, деҳқонларнинг ташаббускорлигини ошириш масаласи атрофига уйғунлаштирилган. Повестнинг асосий мавзуу ва фояси марказий масала талқинида бирлашади, унда ўз ифодасини топади. Шу билан бирга, асардаги марказий муаммода ёзувчининг шу масалага муносабати, берган баҳоси ҳам акс этади. Асарда илгари сурилган барча масалаларни ўз атрофига бирлаштирувчи мана шундай марказий муаммо асарнинг асосий фояси деб юритилади. Асарнинг асосий фояси ундаги қўшимча

гояларни инкор қилмайды. Күшімча гоялар, бириңчидан, ўзига хос мустақіл фикрни ифодалайды, иккінчидан, улар асосий гояни ёрқін, таъсирчан, чуқур очишига хизмат қила-ди.

**Фоя** — санъат асарида қўйилган ва ёритилган масала-лардан келиб чиқадиган мантиқий холоса. Асар гоясина тушуниш ҳамда талқин этишда баъзи хато ва камчиликлар ҳам юз берган. Чунончи, айрим адабиётчилар асарнинг асосий гоясина ҳар қандай вазиятда ҳам муаллифнинг ижобий тасдигидан — тўғридан-тўғри холосасидан қидир-ганлар. Тўғри, кўпинча, асарнинг асосий гоясина шу асарда тасвиirlанган воқеа-ҳодисалар оқимидан келиб чиқадиган муаллифнинг ижобий холосаси белгилайди (“Алишер Навоий”, “Иймон”, “Диёнат”, “Жимжитлик”, “Лолазор”, “Жаннатга йўл”, “Рұҳлар исёни”, “Темир хотин” каби). Аммо ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Айрим асарларда муаллифнинг холосаси — “хукми” шу асарнинг моҳиятидан — марказий масала талқинидан келиб чиқадиган холоса — асосий гояга зид бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра, “бизга муаллиф нима демоқчи бўлганидан кўра, гарчи атайнин бўлмаса ҳамки, турмуш фактларини ҳаққоний тасвиirlаш натижасида унинг *нималар дегани аҳамиятлироқдир*”<sup>1</sup>. Чунончи, Л.Н.Толстойнинг “Тирилиш” романидаги асосий гояни инсонни маънавий тубанлиқдан, разолатдан, жаҳолатдан қутқазиш ҳақида ёзувчи олға сурган фикр белгилай олмайди, аксинча, муаллифнинг “ижобий” холосасига бутунлай зид бўлган — асарда тасвиirlанган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятидан келиб чиқадиган объектив холоса — инсонни инсон томонидан эксплуатация қилишга асосланган ижтимоий муносабатларини шафқат-сиз танқид қилиш пафоси белгилаб беради.

Демак, образ — ёзувчи гоясидан кенг, яъни образ муаллифнинг тасвиirlанаётган воқеа-ҳодиса ҳақидаги хусусий фикридан ташқари тасвиirlанаётган воқеа-ҳодисалар оқимидан объектив холосалар чиқаришга имкон беради. Шунга кўра, биз асарда тасвиirlанган воқеа-ҳодисаларга муаллиф томонидан берилган гоявий баҳони аниқлаш би-

---

<sup>1</sup> Н. А. Добролюбов. Адабий-танқидий мақолалар. Т., Ўзабабийнашр, 1959, 258-бет.

лан бирга, муаллиф фояси тасвиридан объектив равища келиб чиқадиган холосани ўзида қай даражада ифодалашини ҳам текшириб кўришимиз керак — шундагина асарни тўла тушуниш мумкин. Санъат асарини ҳаққоний баҳолаш учун, албатта, ундаги муаллиф фоясини ҳам, тасвир жараёнидан мантиқан келиб чиқадиган холосани — объектив фояни ҳам ҳисобга олиш зарур. Асарнинг асосий фояси ни аниқлаш жараёнида бадиий фоянинг мана шу хусусияти диққат марказида туриши керак. Шу сабабдан, асарнинг асосий фоясини муаллиф фоясидангина қидириш етарли эмас.

Санъат асарининг асосий фоясини муаллиф фоясига қараб аниқлашнинг яна бир хавфли томони бор. Чунончи, баъзи асарларда қўйилган масала устидан ёзувчи узил-ке- сил “хўкм” чиқармайди — муаллиф фояси аниқ бўлмайди. Бу шундай пайтда юз берадики, маълум бир воқеа-ҳодиса ҳаётнинг ўзида ҳали якунланмай туриб адабий асарга обьект бўлиши мумкин — ёзувчи шу нарсанинг муҳимлигини сезади-ю, дарҳол адабий асарга олиб киради, аммо бу ҳодисага қандай муносабатда бўлиш керак деган саволга унинг ўзи ҳам аниқ жавоб бера олмайди. Бундай пайтда, масала ҳал этилмаган ва бу ҳақда муаллиф аниқ холосага келмаган бўлса-да, асарда шу масалани кўтариб чиқишининг ўзи муаллиф учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Масалан, Гёте “Фауст”да ўзи ифодаламоқчи бўлган фояни ҳикоя қилиб беришдан бош торғтан. А. П. Чеховнинг уқтиришича, санъатда энг муҳими масалани тўғри қўя билишдир, уни ҳал этиш шарт эмас. “Анна Каренина” ва “Евгений Онегин”-да қўйилган масалалар ҳал этилмаган, лекин, шунга қарамай, улар ўқувчини тўла қаноатлантириди, чунки бу асарларда масалалар тўғри қўйилган. Суд масалани тўғри қўйишга бурчли, у ёғини маслаҳатчиларнинг ўзлари ҳам ҳал этаверадилар<sup>1</sup>. Масала тўғри қўйилган тақдирдагина у тўғри ҳал этилади. Адабиётда ҳам худди шундай: агар ёзувчи ўз асарида масалани тўғри қўя билган бўлса, ундан китобхон ҳам тўғри холоса келтириб чиқаради. Бундан, бадиий ижодла фоясиз асар ҳам бўлиши мумкин экан-да, деган

<sup>1</sup> Қаранг: А. П. Чехов. Полн. собр. соч.; т. 14, М., Гослитиздат, 1949, 208-бет.

янглиш хулосага келмаслик керак. Биз биламизки, асарда у ёки бу масаланинг қўйилишининг ўзиёқ муаллифнинг шу масалага бўлган фоявий позициясини белгилайди — ёзувчи ҳаётдаги нимаики нарсани муҳим — типик деб ҳисобласа, шу нарсани асарида тасвирлайди. Шу сабабли, асарда муаллиф фояси аниқ баён қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъи назар, китобхон воқеалар талқинидан асар фоясини аниқ тасаввур қила олади.

Асар фояси ранг-баранг усуслар билан ифодаланади. Шундай усуслардан бири масаланинг қўйилиши асосида фоянинг ифодаланишидир. Бу хил асар фояси, шартли ра-вишда, *фоя-масала* деб ҳам юритилади (“Эрк” повести каби). Бундай пайтда, асарнинг қийматини шу асарда қўйилган масаланинг муҳимлиги, салмоқдорлиги белгилайди, масаланинг ечилиши замонга ёки китобхоннинг муҳокамасига ҳавола қилинади.

Одатда, ёзувчи асарда кўтарилиган масалаларга тегишли жавоб қайтишга ҳаракат қиласди. Бундай пайтда ёзувчи жавобининг нечоғлик тўғри бўлиши ёки тўғри бўлмаслиги унинг дунёқараши ва тарихий шароити каби факторлар тақозосига боғлиқ. Агар ёзувчининг фояси хато бўлса, уни адабиётшуносликда, шартли равищда, “сохта фоя” деб аташ қабул қилинган. Бунга мисол сифатида Н. В. Гоголининг “Ўлик жонлар” асарининг иккинчи қисми “Дўстлар билан сайланма ёзишмалар”ни кўрсатиш мумкин. И. Қаландаровнинг “Шохидা эмас, баргидা”, С. Зуннунованинг “Сўқмоқлар” каби повестларида ҳам худди шундай нуқсонларга йўл қўйилган.

Ниҳоят, ёзувчи фояси асарда кўтарилиган масалани тўғри ифодалashi, бирдан-бир тўғри жавоб бериши мумкин.

Л.И. Тимофеев “Адабиёт назарияси асослари” номли асарида фоянинг бадиий асарда ранг-баранг йўллар билан ифодаланишини кўрсатар экан, бу усусларни шартли ра-вишдагина номлади, бинобарин, бадиий асар фоясини конкрет тасниф қилишга уриниш схематизмга олиб келишини айтади. Бироқ, бадиий асарнинг бош фояси таҳлил этилганда, албатта, юқорида қайд этилган ранг-баранглик-ларни — фоялар “типи”ни ҳисобга олмоқ лозим.

Мавзу ва фоянинг органик бирлиги асарнинг ягона фоявий-тематик асосини ташкил қиласди. Мавзу ва фоя бир-

лиги, асосан, асарда қўйилган ва ёритилган марказий мұаммода ўзининг ёрқин ифодасини топади. Шу маънода, марказий муаммо асар қысларини бир-бирига боғловчи восита — асар тўқимасига яхлитлилик, бир бутунлилик бағишловчи асосий кучдир. Бундан асарда қўйилган масалаларнинг жуда муҳим бўлиши кераклиги аниқ сезилиб турибди. Бинобарин, бадиий асарда ҳәётий, ҳаққоний ва умуминсоний аҳамиятга молик бўлган масалалар қўйилиши ва ёритилиши зарурлиги англашиларликдир. “Ўтган кунлар”, “Мехробдан чайён”, “Кеча ва кундуз”, “Навоий”, “Алишер Навоий”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар дово-ни”, “Диёнат”, “Кўҳна дунё”, “Улуғбек хазинаси” каби асарларда мана шундай муҳим масалалар ёритилган.

Адабиёт тарихида шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, бир гуруҳ асарлар фоявий-тематик жиҳатдан умумий бир асосга эга бўлади. Чунончи, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, “Улуғ йўл”, “Болалик”, М. Исмоилийнинг “Фарғона тонг от-гунча”, Ҳ. Фуломнинг “Машъал”, Сайд Аҳмаднинг “Уфқ” каби асарлари фоявий-тематик жиҳатдан ҳам, қаҳрамонларнинг бирлиги жиҳатидан ҳам ягона умумий асосга эга. Бундай асарларни, одатда, трилогия (учлик), дилогия (иккилик) деб юритилади.

**Тематика** — бадиий асарнинг асосий ва етакчи мавзуи билан бирга, унга тобе бўлган бошқа кичик мавзуларни ҳам ўз ичига қамраб, асарда фоявий-бадиий бир бутунликни ташкил қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, мавзу ва фоя — санъат асари-нинг қысларини бир-бирига боғловчи, асарга яхлитлилик, ҳәётийлик, бадиийлик бағишловчи восита — асарнинг стержени (асоси, ўзаги)дир. Шунингдек, мавзу ва фоя санъат асарида эмоционалликни таъминловчи восита ҳамдир. Бадиий асар таҳлилийнинг, одатда, мавзу ва фоядан бошланиши ҳам бежиз эмас.

## Иккинчи боб БАДИЙ СЮЖЕТ

### **Сюжет ҳақида тушунча**

Сюжет мана шундай воситалардан биридир. Сюжет (франц. *sujet* — предмет, мазмун) — адабий асарда тасвиirlанган ҳаракатнинг мазмунини ифодаловчи ҳётий воқеалар мажмуи, кенгроқ маънода, конкрет воқеалар тизмасида намоён бўладиган характерлар тарихи, поэтик фикр-туйгулар оқими. Ҳаётни акс эттиришда ва поэтикояни ифодалаш-да сюжетнинг роли ниҳоятда каттадир.

Адабий асарни сюжетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин ҳар бир асарнинг ва, хусусан, лирик шеърнинг сюжети ўзига хосдир, Адабиётшунос Т.Сильманнинг уқтиришича, “лирик шеър сюжети — тематик жиҳатдан ҳам ва шунингдек ўз тузилишига кўра ҳам биз “куюлтирилган лирик ҳолат” деб атайдиган — лирик қаҳрамоннинг кучайтирилган, кескинлаштирилган ҳолатини ифодалайди”<sup>1</sup>. Лирик шеърда муайян поэтик фикр ва туйгулар оқими-лирик манзара акс эттирилади (Чўлпоннинг “Ўзбегим” шеъри каби)ки, шу лирик кечинмалар шеърнинг ўзига хос сюжетини ташкил қиласди. Шундай шеърлар ҳам бўладики, уларда фикр-туйгулар оқими кўзга яққол ташланиб туради — уларда воқеа-вазият яратилади — лирик қаҳрамондан ташқари персонажлар ҳам қатнашади (А.Ориповнинг “Ҳангома” шеъри каби). Бундай шеърлар илмда “воқеабанд шеърлар” (баъзан, шартли равища, “сюжетлар шеърлар”) деб юритилади. Аслида (қатъий маънода айтганда) барча адабий асарларда, шу жумладан шеърда ўзига хос сюжет бўлади. Хусусан, эпик ва драматик турлар (жанрлар)да сюжет ўзининг мураккаблиги ва мукаммалиги билан ажralиб туради — бундай асарлар сюжетларини қаҳрамонлар характери намоён бўладиган ҳётий воқеалар ташкил этади. Эпик ва драматик асар сюжетини куйидагича таъриф-тавсиф қилса бўлади: асардаги одамларнинг ўзаро

Ҳаёт материалини бадиий акс эттиришда ёзувчи ранг-баранг тасвир воситаларидан фойдаланади.

<sup>1</sup> Т.Сильман. Заметки о лирике, Л., 1977, 6-бет.

алоқалари, улар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, симпатия ва антипатиялар, умуман кишилар ўртасидаги муносабатлар — у ёки бу характернинг, типнинг тарихий ривожланиши, ташкил топиб боришидир.

Демак, бу таърифдан қаҳрамонларнинг ўзаро мураккаб муносабатлари асар сюжетини ташкил этади деган холоса келиб чиқади. Қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатлари эса воқеа-ҳодисаларда намоён бўлади. Шу маънода, воқеа-ҳодисалар мажмуи асар сюжетини ташкил қиласди. Л.И.-Тимофеев “Адабиёт назарияси асослари” ўқув кўлланмасида сюжетни тафсифлайдиган икки хусусият: а) характер қирралари намоён бўладиган воқеалар ва б) ҳаётдаги муҳим зиддиятларни умумлаштирувчи воқеалар мавжудлигини таъкидлайди. Аслини айтганда, бу икки хусусият бир медалнинг икки томони, холос. Бошқача қилиб айтганда, ҳаёт зиддиятларини умумлаштирувчи воқеалар жараёнида — кишилараро мураккаб (қарама-қаршиликли) муносабатларда қаҳрамонлар қиёфаси шаклланади, очилади. Масалан, Ойбекнинг “Кутлуг қон” романидаги кўпгина воқеа-ҳодисалар (Йўлчининг қишлоқдан шаҳарга иш қидириб келиши, чойхонадаги суҳбат, унинг Мирзакаримбой, ва Лутфинисолар билан учрашуви, тўнка ковлаши, ўт ўриши, Гулнор билан учрашуви, қовун воқеаси, “катта ер”даги ҳаёт, Шоқсим фожиаси, Нурининг тўйи, Тантибоявачча билан учрашуви, Мирзакаримбойнинг Гулнорга уйланмоқчи бўлиши, унинг ўғирланиши, Йўлчи томонидан қутқазилиши, Бойнинг Гулнорга уйланиши, Ёрмат ва Шокир оталар билан учрашувлари, Йўлчи онасининг вафоти, бой билан тўқнашуви, Салимбойваччанинг Унсинга суюқлик қилиши, Йўлчининг Салимбойвачча билан тўқнашуви, Йўлчининг қамоқقا олиниши... Йўлчи исёнкор сифатида 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракатида жасорат кўрсатиб, халқ эрки ва баҳти учун курашда ҳалок бўлиши...), биринчидан, шу давр зиддиятларини кўрсатишга хизмат қилдирилган бўлса, иккинчидан, Йўлчи характерини турли томонлардан ёритишга кўмак берганлигининг гувоҳи бўламиз.

“Кутлуг қон” романи сюжети — кўп қиррали, кўп босқичли. “Ўтган кунлар” романининг сюжети эса мураккаб, кўп тармоқли, мукаммал. Повестнинг сюжети роман сю-

жетига нисбатан соддароқ; ҳикоянинг сюжети ҳам ўзига хос. Йирик адабиёт назариячиси Л.И.Тимофеев ҳикоя сюжетининг ўзига хослиги ҳақида тўхталиб, шундай дейди: “Ҳикоя биргина воқеа асосига қурилади”, “ҳикояда инсон характери биргина воқеа, биргина эпизод орқали тасвир этилади”, “шунга мувофиқ характерлар тайёр ҳолда берилади”, “ҳикояда характернинг бир ҳолатигина кўрсатиласди”, “характернинг ҳикояга киргунгача бўлган тараққиёти ёки ундан кейинги ҳолати тасвирланмайди”, “ҳикояда персонажлар сони чекланган бўлади...”<sup>1</sup>

Бу фикрлар ўзбек ҳикоячилиги поэтикасини ўрганишимиизда жуда кўл келади. Негаки, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қаҳдор, Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов ҳикоялари сюжетлари юқоридағи фикрни тасдиқлайди.

### Икки аломат (тенденция)

Энди реалистик эпик ва драматик асарлар сюжетини тасвифловчи (юқорида қайд этилган) икки аломат (тенденция) хусусида бироз тўхталиб ўтайлик.

### 1. Сюжет — характер қирралари намоён бўладиган воқеалар мажмуи.

Аввало шуни айтиш керакки, реалистик асарда тасвирланган ҳар бир воқеа-ҳодиса қаҳрамон характерининг у ёхуд бу жиҳатини очишга хизмат қилдирилади. Масалан, “Бой ила хизматчи” драмасида тасвирланган воқеалар — Солиҳбой оиласидаги зиддиятлар, тўй муносабати билан юз берган ҳисоб-китоб воқеаси, Солиҳбойнинг Жамилага кўз олайтириши ва уни ўз хизматкоридан зўрлик билан тортиб олмоқчи бўлиши, Гулбаҳорнинг боласини кундошлар томонидан ўлдирилиши ва Гулбаҳор фожиаси, Фоғирнинг шариат пешволари билан тўқнашуви, Жамиланинг Қодирқул мингбошига арзга бориши, Фоғирнинг қамалиши ва ҳоким тўрадан ўз ҳақ ҳуқуқини талаб қилиши, Сибирга сургун қилиниши, Жамиланинг заҳар ичib ўлиши каби воқеа-ҳодисалар драманинг бош қаҳрамони Фоғир характерини очишга тўла хизмат қилдирилган. Биз асар-

<sup>1</sup> Л.И.Тимофеев. Основы теории литературы. М., Учпедгиз, 1959. 325-326-бетлар.

даги воқеалар жараёнида Фофир характерининг шаклла-ниши, унинг содда дил, хўжайинга сўзсиз бўйсунадиган оддий қаролдан бойлар, шариат пешволари камбағаллар душмани эканини англаб етган ва уларга қарши курашувчи исёнкор қаҳрамон даражасига қўтариғлантигини билиб оламиз. Шу маънода сюжет қаҳрамон характерини очишга хизмат қиласидиган асосий восита ёки асар қаҳрамонлари характерларининг шаклланиш тарихидир.

Таниқли адабиётшунослар: Ф.М.Головенченко ва М. Қўшжоновлар уқтирганидек, бадиий асар сюжетида характерлар мантиқи ва воқеалар мантиқи бўлади. Чинакам санъат асарида воқеалар, албатта, қаҳрамон характерини очишга бўйсундирилади. Бу ўринда, гап сюжетда воқеа билан характернинг боғланиш даражаси устида кетмоқда, холос. Масалага шу нуқтаи назаридан қараганда, академик М. Қўшжоновнинг реалистик асарларда сюжетнинг рангбаранг кўринишлари борлиги ҳақидаги фикрлари эътиборлидир. Чунончи, шундай асарлар ҳам бўладики, уларда воқеалар тартиби кўзга яққолроқ ташланиб туради. Одатда, саргузашт характеридаги асарлар сюжетида худди шу ҳолат сезилади. Жюль Верннинг “Антифер тоганинг ажойиб ва гаройиб саргузаштлари” романи, Александр Беляевнинг “Одам — амфибия” қиссаси, Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб...” романи ва бошқаларда сюжетнинг шу турини кўриш мумкин.

Шундай асарлар ҳам бўладики, уларнинг сюжетида характерлар ҳам шаклан, ҳам мазмунан биринчى планда туради. Бундай асарларда воқеалар тизмаси у қадар ташкил қилувчилик кучга эга бўлмайди. Асарда воқеа-ҳодисалар характерлар мантиқи асосида тартиблаштирилади. Воқеалар тартиби эса тез-тез ўзгариб, янгиланиб туради. Баъзан бир бобдаги воқеа кейинги бобда давом этмайди. Воқеадан мантиқан воқеа келиб чиқмайди. Одатда, автобиографик жанрдаги асарлар сюжет жиҳатидан мана шундай характерга эга бўлади. М. Горькийнинг автобиографик қиссалари, Ойбекнинг “Болалик”, Н.Сафаровнинг “Наврўз” каби автобиографик асарлари, ҳатто автобиографик бўлмаган айрим асарлар — А. Твардовскийнинг “Василий Тёркин” поэмаси, А. Мухторнинг “Давр менинг тақдиримда” романи сюжети ҳам мана шундай характердадир.

Шундай асарлар ҳам бўладики, уларда характернинг ёки воқеалар мантиқининг устуңлигини сезиш қийин. Бундай асарларда характер мантиқи ва воқеалар мантиқи қатъий равищда тенглаштирилади. А. Толстойнинг “Улуф Пётр”, Ойбекнинг “Навоий”, М. Аvezовнинг “Абай” романлари сюжетлари тарихий характерлар билан тарихий воқеаларнинг параллел ривожи заминида тараққий эттирилган.

Бошқа бир хил асарларда дастлаб характерлар мантиқи сюжетни бошқарса, кейинроқ воқеалар мантиқи ҳам сюжетга кучли тасъир эта боради. Абдулла Қаҳдорнинг “Кўшчинор чироқлари” романининг сюжети дастлаб (илк бобларда) характер (Сидиқжон) мантиқи асосида ривожланган бўлса, кейинроқ воқеалар мантиқи ҳам кучаяди. “Кутлуф қон” романнан Ойбек ҳам сюжет яратишида худди шу йўлдан борган.

Адабий ижод тажрибасида яна шундай асарлар ҳам учрайдики, уларнинг марказида битта ёки иккита қаҳрамон образи турмайди, балки бутун жамоа, халқ туради. Ёзувчининг диққат маркази ўша жамоа, омманинг умумлаштирилган образини яратишига қаратилган бўлади. М. Шолоховнинг “Тинч Дон”, А. Қаҳдорнинг “Кўшчинор чироқлари”, Т. Сидиқбековнинг “Замонамиз кишилари” романлари шу хилдаги асарлардир. Бу хил асарлар сюжети ўрганилганда битта бош қаҳрамон характерининг шаклланиш тарихи ёки ҳаёт йўлини ўрганиш билан чегараланиб хулоса чиқариб бўлмайди. Масалан, “Кутлуф қон” романининг сюжети, асосан, бош қаҳрамон Йўлчи характерининг шаклланиш тарихи билан белгиланади. Аммо “Кўшчинор чироқлари” романининг сюжети фақат Сидиқжон образининг тарихи билангина чегараланмайди. “Кўшчинор чироқлари”нинг илк бобларида Сидиқжон бош қаҳрамон сифатида кўринса-да, колхозга киргандан бошлаб оммага сингдириб юборилади. Абдулла Қаҳдор ўз романнанда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини колективлаштириш даврида деҳқонлар онгида рўй берган сифат ўзгаришларини кўрсатишни ўз олдига асосий вазифа қилиб кўйиб, бу фояни фақат Сидиқжон характери орқлигина эмас, балки бутун жамоа орқали очмоқчи бўлган. Шунга кўра, бу асар сюжетини жамоанинг ташкил топиш тарихи белгилаб беради.

Таъкидлаш керакки, чинакам реалистик санъат асарида сюжетнинг қайси тури қўлланилишидан қатъи назар, у албатта, характерларни очишга, асар ғоясини ифодалашга хизмат қилиши зарур. Йирик сўз усталари ўз асарларида воқеалар билан образларнинг бирлигига, хусусан, воқеаларни баён қилиш тартибига, образлар характерларининг очилишига алоҳида эътибор берганлар. “Менинг асаримда, — деб таъкидлайди драматург Н. Погодин, — воқеаларни ҳам, сўзни ҳам образ бошқаради”<sup>1</sup>. Шу важдан бўлса керак, жаҳон адабиётидаги қайси бир мумтоз асарни эсласангиз дарҳол ўша асарнинг воқеалари эмас, балки унда иштирок этган қаҳрамонларнинг характерлари кўз олдингизга келади.

Барча асарларда ҳам тасвирни характерга бўйсундириш, бунинг ҳамма жанрларда бир меъёрда бўлишини талаб қилиш тўғри эмас. Очерк жанрида ёзувчи ўзини эркин ҳис қилади. Воқеаларга ўз муносабатини ошкора билдириш — бу жанрнинг асосий хусусиятларидан. Эпопеяда воқеа кенг планда тасвирланиши туфайли баъзан асарнинг қўлами тақозосига мувофиқ характерларга алоқаси камроқ бўлган баъзи бир нарса ва ҳодисалар тасвири берилиши мумкин. Хусусан, романтик планда ёзилган асарлар таҳлилига юқорида баён қилинган сюжет принципларини тўла татбиқ қилиш қийин. Бу талаблар, асосан, соф реалистик пландаги драматик, эпик ва лирик-эпик асарларга тегишлидир.

**2. Сюжет — ҳаёт зиддиятларини умумлаштирувчи воқеалар мажмуи.** Сюжет образларнинг “ўзаро алоқалари, улар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, симпатия ва антипатиялар — умуман кишилар ўртасидаги муносабатлар”дан ташкил топар экан ва, айни чоқда, кишилараро мураккаб муносабатлар воқеаларда ифодаланаар экан, сюжет занжирининг асосий ҳалқаларини ташкил этадиган воқеаларда ҳаётий зиддиятлари бадиий умумлаштирилиши ўз-ўзидан тушунарлидир. Машхур драматург Н.Погодин бундай дейди: “Сюжет оддий, табиий, яъни бош конфликтдан, пъесанинг моҳиятидан келиб чиқадиган ҳаётий воқеа ва тўқнашувларнинг бир-бирига уланишидир...

---

<sup>1</sup> Бадиий ижод ҳақида. Т., Ўззадабийнашр, 1960, 72-бет.

Сюжет фикр, гоядан, асарнинг конкрет мавзуидан туғилади... Сюжет иштирок этувчи шахслар ва уларнинг образли тузилиши билан ягона бир бутундир. Драмада образлар сўз вулқонида эмас, балки хатти-ҳаракатларда ифодаланади.

Сюжетсиз пьеса икки ҳолда: 1) пьесада бирон-бир жиiddий конфликт бўлмаганда; 2) муҳим нарсалар мақсадга ёпишмайдиган бегона, ёт нарсалар билан хиралантириб юборилганда содир бўлади. Ҳар иккала ҳолда ҳам томоша-биннинг пьесани кўришга бўлган қизиқиши йўқолади...

Драматургиянинг жони конфликт, асоси тўқнашувдир. Худди ана шу конфликт драматик асарга жон киргизади, ҳаракатга келтиради ва уни охирига етказади”<sup>1</sup>.

Н. Погодиннинг бу фикри юзаки қараганда фақат драматургиягагина тегишлига ўхшаб кўринса-да, аслида реалистик санъат асарининг барча турларига ҳам алоқадордир. Яна шуни ҳам айтиш лозимки, бадий сюжет ҳаёт манзараларини доимий ҳаракатда кўрсатади. “Ёзувчи фақат қалам билангина эмас, балки сўзлар воситаси билан манзара чизишни, чизганда ҳам рассом сингари одамларни ҳаракатсиз тасвирлашни эмас, балки уларни сўз билан муттасил ҳаракатда, ўзаро тўқнашувлардан иборат бўлган ҳаракатда, синфлар, гуруҳлар, якка шахслар курашида кўрсатиши лозимлигини тушуниши керак”, — деб таъкидлайди М.Горький<sup>2</sup>.

Демак, адабий асар сюжети конфликтсиз яшай олмайди. Бас шундай экан, конфликтнинг ўзи нима деган савол туғилиши табиийдир.

### **Конфликт ва сюжет**

Конфликт (*лат.conflictus* — ихтилоф, тўқнашув) — бадий асарда иштирок этувчи шахслар ўртасидаги юзма-юз қураш ёки қаҳрамоннинг ўз атрофини қуршаб олган муҳити, ўз-ўзи билан руҳий тўқнашуви, олишуви. Конфликт — сюжетни ҳаракатга келтирувчи асосий куч. Агар сюжетни автомобиль деб фараз қилсак, конфликт унинг двигателидир; сюжет — ташки кўриниш бўлса, конфликт унинг ички

<sup>1</sup> Бадий ижод ҳақида, Т., Ўззадабийнашр, 1960, 78—79-бетлар.

<sup>2</sup> М. Горький. Алабиёт ҳақида. Т., Ўззадабийнашр, 1962, 209-бет.

оқимидир. Ёзувчи бадиий сюжет орқали муайян даврнинг ижтимоий конфликтларини ифодалайди, уларга ўз муносабатини билдиради, қаҳрамонлар характерини очади, эстетик идеалини олға суради. Буюк немис шоири И. Бехер шундай дейди: “бадиий асарда зарур кескинликни юзага келтирадиган нарса нима? — Конфликт. Унга қизиқишни уйғотадиган нима? — Конфликт. Ҳаётда, адабиётда... бизни олдинга ҳаракат қилишга ундейдиган нарса нима? — Конфликт!

Конфликт қанчалик теран, қанчалик аҳамиятли бўлса, шоир ҳам шунчалик таъсирчан, шунчалик аҳамиятли бўлади. Поэзия осмони қачон мусаффо бўлиб, чараклаб туради? Момақалдироқли жаладан, мусбат ва манфий қутблар тўқнашувидан, конфликтдан кейин мана шундай ҳол юз беради<sup>1</sup>. Ёзувчи А. Толстой айтганидек, “Сюжет — ижтимоий қарама-қаршиликларни очиш қалитидир”<sup>2</sup>.

“Сюжет ўзининг моҳияти эътибори билан ҳаракатдаги коллизиядир, — деб уқтиради, — сюжетнинг ҳар бир эпизоди коллизиянинг ўсиши ёки ҳал қилинишида ўзига хос босқич бўлиб хизмат қиласди”<sup>3</sup>.

Ҳар бир ёзувчи ўз ҳалқи ва синфи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган муайян даврнинг ўткир зиддиятлари тасвирiga алоҳида эътибор қиласди. Масалан, Ойбек “Кутлуғ қон” романида ўзбек меҳнаткашларининг ижтимоий зулмга қарши ҳаёт-мамот курашига отланганлигини кўрсатган, унга ўзбек ҳалқи манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашган. Бу асарда қаҳрамонлар характерлари ана шу кураш жараёнида очилган, тобланган. Бундан ташқари, асар foяси ҳам курашлар заминида жозибали, ёрқин, таъсирли, эмоционал тарзда очилган.

Ҳаёт зиддияти ва бадиий асар конфликтини бир-бирига tengлаштириш ва айнан бир нарса деб қарап мумкин эмас. Ҳаётдаги конфликт — ижтимоий ҳодиса, асар сюжетининг конфликти — эстетик ҳодисадир. Бадиий конфликт ижтимоий конфликт заминида яратилса-да, улар бир-бирларидан ажralиб туради. Бадиий конфликт ёзувчи то-

<sup>1</sup> И. Бехер. Любовь моя, поэзия, М., “Худ. лит-ра”, 1965, 156-бет.

<sup>2</sup> А. Толстой. О литературе, М., 1958, 358-бет.

<sup>3</sup> Теория литературы, М., “Наука”, 1964, 462-бет.

монидан ҳаёт зиддиятининг қайта ишланган, эстетик идеал руҳи билан сугорилган шаклидир. Бадий ижодда конфликт санъат қонуниятларига тўла бўйсундирилган ҳолда мавжуд бўлади. Ҳаётда қарама-қаршиликлар ранг-баранг бўлганидек, санъат асарларида ҳам конфликтлар турли усулларда, кўринишларда воқе бўлади. Машҳур ёзувчи А. Н. Толстой бадий асар конфликтининг ўзига хослиги ҳақида тўхталиб, шундай деб ёзди: “Санъат ҳамиша қарама-қаршиликлар бўлгандагина майдонга келади, — бу ё курашнинг ўзгинаси тарзида ёки курашнинг инъикоси тарзида бўлади... Қарама-қаршилик ва курашлар бошқа соҳаларга ўтказилади, лекин қарама-қаршилик ва курашлар ҳамиша қолади...”

Кураш ҳукм суради, фақат унинг мақсади бошқача бўлади... Инсоннинг ички олами кураш майдонига айланиб қолади”<sup>1</sup>.

Санъат асарида конфликт бўлиши шарт, аммо унинг кўринишлари турли хил бўлиши, яъни “курашнинг ўзгинаси” ёки “курашнинг инъикоси” тарзида воқе бўлиши мумкин. Бадий конфликт асарнинг жанр хусусиятларига, муаллифнинг мақсад ва услубига қараб турли-туман кўринишларга эга бўлади. Чунончи, конфликтнинг ижобий ва салбий образларнинг ўз мақсад ва гоялари йўлидаги муттасил тўқнашувлари, шиддатли олишувлари тарзида юз берадиган мумтоз ва анъанавий шакли — характерларнинг юзма-юз курашлари (“Бой ила хизматчи” драмасидаги Фофир — Солиҳбой, “Қутлӯғ қон” романидаги Йўлчи — Мирзакаримбой)дан ташқари ички коллизияларга асосланган руҳий кураш шакли ҳам учраб туради (“Имон”, “Қонли сароб”, “Қотил”, “Куёш қораймас”, “Давр менинг тақдиримда”). Конфликтнинг анъанавий шакли қарама-қарши характерлар кураши билан боғлиқ бўлса, унинг коллизияли кўриниши асосида қаҳрамонларнинг руҳий дунёси, онги, сезгилари ва руҳиятидаги зиддият туради. Лекин уларнинг бирини иккинчисиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бу ерда асосий гап салбий ва ижобий характер-

---

<sup>1</sup> А. Толстой. О литературе. М., “Советский писатель”, 1956, 287—288-бетлар.

лар курашининг изчил ёки изчил эмаслигидадир: конфликтнинг анъанавий шакли қарама-қарши характерларнинг изчил кураши асосида вужудга келса, ички зиддиятли кўринишида характерларнинг юзма-юз тўқнашувлари изчиллик касб этмайди. Зимдан шиддатли ва сиртдан сокин оқадиган конфликт асосига қурилган бадиий асар сюжетида аҳён-аҳёнда кўзга ташланувчи тўқнашувлар руҳий изтиробнинг сиртга тепиши коллизияли ҳаракатнинг ташқи ҳаракат билан вақтинча ўрин алмашишидир. Лекин характерлар ўргасидаги бундай тўқнашувлар изчил бўлмагани учун у конфликтни белгилашда ҳал қилувчи роль йўнамайди, аксинча бош коллизияли ҳаракатнинг баъзи звено-ларинигина ташкил этади. Ҳаётдаги зиддият бениҳоя мураккаб бўлганидек бадиий адабиётдаги конфликтлар ҳам фойтда мураккаб бўлади. Кўпинча, адабий асарларда конфликтнинг турли кўринишлари аралаш-қуралаш ҳолда учрайди (“Гамлет”, “Отелло”, “Мирзо Улугбек”, “Опа-сингиллар”, “Муқаддас”). Шунингдек, лирик асарларнинг конфликти эпик асарлар конфликтидан, эпик асарлар конфликти эса драматик асарлар конфликтидан маълум дара-жада фарқ қиласи.

Сюжет ички жиҳатдан туталланган бўлсагина мукаммалик касб этади, сюжетнинг ички мукаммаллиги, асосан, сюжет пойдеворини ташкил этган конфликтнинг ҳаётийлигига, ҳаққонийлигига ва ўткирлигига боғлиқдир. Сюжетнинг ҳаётий, эмоционал характерда бўлиши бадиийликнинг асосий талабларидандир.

**Сюжет унсурлари**  Тұрмушдаги воқеа-ҳодисалардек сюжет ҳам нимадандир бошланади, ривожланади ва нима биландир тамомланади. Шунга кўра, сюжетни узвий бўлакларга ажратиб ўрганиш мумкин. Ийрик ҳажмли мумтоз асарларда сюжетнинг экспозиция, тутун, воқеа ривожи, кульминация ва ечим деб номланган асосий унсурлари бўлади. Баъзи асарларда эса сюжетнинг кўшимича унсурлари — пролог ва эпилоглар учрайди. Сюжетнинг бундай элементлари асар тўқимасида ўзига хос функцияни ўтайди.

**Экспозиция** (*лат. expositio* — тушунтириш) — сюжетнинг кириш, бошланма қисми; асар воқеаси бўлиб ўтадиган жой, қаҳрамонларнинг конфликтгача бўлган пайтдаги

қиёфаси, ҳолатини намоён этадиган вазият, шарт-шароит тасвири. Экспозиция ҳаракатни аниқдамайды, аксинча ҳаракат учун фон бўлиб хизмат қиласи. Экспозициянинг сюжет тугунидан фарқи шундаки, у тугунга ўхшаб асардаги воқеанинг кейинги ривожига таъсир этмайди.

Экспозиция асардаги ўрнига кўра турлича бўлади: а) тўғри экспозиция — асарда воқеанинг бошланишидан олдин келади (“Кутлуг қон” романидаги бош қаҳрамон Йўлчининг қишлоқдан шаҳарга иш қидириб келиш эпизодини эсланг); б) кечиктирилган экспозиция — сюжет тугунидан сўнг ёзувчи томонидан қаҳрамон ҳақида берилган маълумот (“Синчалак” повестида тугундан сўнг бош қаҳрамон Сайданинг болалик ва ёшлик даврига оид берилган маълумот); в) тескари экспозиция — асар сюжетининг ечимидан сўнг қаҳрамон ҳақида берилган ќўшимча маълумот (“Ўлик жонлар”нинг охирида Чичиков ҳақидаги маълумот). Баъзи йирик ҳажмли асарларда экспозицион маълумот сюжетнинг турли ўринларида берилиши (сочма тарзда) мумкин. Масалан, Л. Н. Толстой “Уруш ва тинчлик” эпопеясида кўтгчиллик қаҳрамонларига оид экспозицион маълумотларни сюжетнинг турли ўринларида сочма қилиб берган. Бу хил экспозициялар, шартли равишда, сочма экспозициялар деб юритилади.

Турли жанрдаги асарларда экспозиция турли хил бўлиши мумкин. Чунончи, драматик асарда экспозицион маълумот муаллиф тилидан берилмайди, аксинча у ёки бу қаҳрамон ҳақидаги экспозицион маълумот бошқа образлар нутқи орқали берилади ёки тасаввур қилинади. Кичик ҳикояларда, одатда, экспозиция бевосита тасаввурланмайди-ю, аммо китобхон томонидан тасаввур қилинади ва ҳоказо.

Тугун — бадий асар сюжетида конфликт ва ҳаракатнинг пайдо бўлиши, бошланишига сабаб бўладиган воқеа. Тугун ҳаракатни белгилайди, воқеалар ривожига туртки бўлади, унга аниқ йўналиш беради. Кўлгина асарларда асосий воқеа тугундан сўнг юз беради. Тугун китобхоннинг асар мавзузини тўғри тушунишига ёрдам беради, ўкувчини воқеалар ичига етаклайди, қаҳрамонлар тақдирига қизиқтиради.

Солиҳбой билан Фоғиржон ўртасида тўй муносабати билан юз берган ҳисоб-китоб воқеаси — “Бой ила хизмат-

чи” драмаси конфликтининг “туғилиши”дир. Драмадаги асосий воқеалар худди шу нүқтадан бошлаб аниқ бир йўналишда шиддат билан ривожланади. Тутун бадиий асарнинг турли ўринларида келиши мумкин. Чунончи, баъзи асарлар тўппа-тўғри тутундан бошланади: — “Қазисан, қартасан, ахир, аслингта тортасан! — деди кампир омборни қулфлаётib. — Энди жир битди-да! Битта кўйлак иккита бўлди! Увада, ислиқи тўн, чилвир белбоғнинг хумориси тутган-дир!..” Абдулла Қаҳҳорнинг “Қўшчинор чироқлари” романни Зуннунхўжа хотинининг Сидиқжонга қаратса айтган ана шу таъна сўзлари билан бошланади. Бу сўзлар — Сидиқжон билан Зуннунхўжалар оиласи ўртасида муроса қилиб бўлмайдиган зиддият борлигидан гувоҳлик беради. Бу — роман сюжетининг тугуни. Бошқа бир гуруҳ асарларда эса тутун экспозициядан сўнг келади. Ойбекнинг “Қутлуг қон” романидаги худди шу ҳолатга дуч келамиз (Йўлчининг ёзининг жазирама иссиқ кунида қишлоқдан шаҳарга иш қидириб келиши — экспозиция бўлса, унинг Мирзакаримбой билан илк учрашуви, бойнинг хизматига кириши ва унинг хонадонидагиларга нисбатан Йўлчи қалбига илк шубҳа пайдо бўлиши — романнинг тутунидир). Тутун бадиий асарнинг охирида келиши ҳам мумкин. Н. В. Гоголнинг “Ўлик жонлар” повестининг охирида Чичиков барча “Ўлик жонлар”ни сотиб олишга аҳд қилади, бу воқеа асар сюжетининг тутунини ташкил этади.

**Воқеа ривожи** — сюжет тутунидан сўнг асарда воқеанинг зўрайиб, кенгайиб, кескинлашиб бориши. Одатда, асарда воқеалар тутундан бошлаб кульминациягача босқичма-босқич ривожланиб, ўсиб боради. Воқеа ривожи жараёнида образларнинг ўзаро муносабатлари — зиддиятлари, курашлари, симпатия ва антипатиялар кўрсатилади, қаҳрамонларнинг характерлари шаклланади, образларнинг энг муҳим хусусиятлари очилади. Агар китобхон тутун орқали асарда қўйилган муаммо билан танишса, воқеа ривожи орқали эса шу муаммонинг қайдаражада ёритилганлигини кузатади. Масалан, “Синчалак” повестининг илк саҳифаларида ёқ Саида билан Қаландаров ўртасида бошланган конфликт Саида “Бўстон” колхозига ишга келгач, қадамбақадам кескинлашиб, зўрайиб, кенгайиб бораверади. Саида колхоз партия ташкилотининг котиби сифатида кол-

хозда адолатни қайта тиклаш, колхозчилар онгида ижодий ташаббускорлик түйгуларини үйғотиш учун курашар экан, табиий равища, Қаландаровнинг ўзбошимчаликларига, “беклиги”га чек қўймасдан иложи йўқ эди. Аммо Қаландаров ва унинг гумашталари Саидага ҳар қадамда зарба беришга ҳаракат қилишади. Мана шу тарздаги кураш асарнинг сўнгги бобларигача давом этади. Шундай кескин кураш жараёнида асар қаҳрамонлари, биринчи навбатда, Саида ва Қаландаровларнинг характерлари очилади, сюжет динамик тус олади.

**Кульминация** (*lot. culmen — чўққи*) — асардаги воқеалар ривожининг юксак чўққиси. Кульминацияда асардаги конфликт — кураш фоятда кескин тус олади, қаҳрамон характеристери ёрқин очилади. Масалан, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Хусрав билан Фарҳоднинг мунозараси асар сюжетининг кульминацион нуқтасини ташкил этади. Бу воқеа икки кутб ўртасидаги курашнинг энг юқори нуқтаси бўлиб, шу ўринда Фарҳоднинг ҳам, Хусравнинг ҳам маънавий қиёфаси фоятда ёрқин очилади:

Деди: қайдинсен эй мажнуни гумраҳ?

Деди: мажнун ватандин қайда огаҳ.

Деди: недур санга оламда пеша?

Деди: ишқ ичра мажнунлуқ ҳамиша.

Деди: бу ишқдин инкор қилғил!

Деди: бу сўздин истиғфор қил!

Деди: ол ганжу қўй меҳрин наҳоний,

Деди: туфроққа бермон кимёни!..

Шунингдек, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романида Гулнорнинг заҳарланиши, Йўлчи ва дўстларининг 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракатида фаол қатнашишлар — чор амалдорлари билан кескин тўқнашувда кўрсатган жасорати — мазкур асарлар сюжетларининг кульминациялари-дир. Кульминация бадиий асар сюжетининг бошида (Н. Г. Чернишевскийнинг “Нима қилмоқ керак?” романни), ўтрагаридаги (“Синчалак”, “Ўтган кунлар”) ва охирида (“Май-

сааранинг иши") келиши мумкин. Кўп режали асарларда кульминация асарнинг биргина жойида бўлмасдан ҳар бир сюжет линиясининг ўз кульминацияси бўлиши мумкин. Бироқ улар асарнинг умумсюжет оқимига бўйсунган ҳолда бўлиши лозим ("Улуғ йўл"да асарнинг умумсюжет кульминациясидан ташқари Умарали, Зумрад, Үнсин характерларига тегишли алоҳида кульминациялар ҳам бор).

**Ечим** — асарда тасвирланган воқеаларнинг ривожланиши натижасида юзага келган қаҳрамонларнинг ҳолати, улар ўртасидаги курашнинг хотимасидир. Масалан, Н. В. Гоголнинг "Ревизор" комедиясидаги ҳақиқий ревизорнинг келиши тўғрисидаги хабарни ифодаловчи саҳна Хлестаковнинг ревизор эмаслигини, шаҳар ҳокими ва бошқа амалдорларнинг алданганлигини равшан кўрсатади. Шу тариқа уларнинг пораҳўрлиги, талончилиги фош қилинади (сўзсиз саҳна). Бу воқеа — сюжет ечимиdir.

"Зайнаб ва Омон" поэмасида севишган ёшларнинг тўйи, "Синчалак" повестида Қаландаровнинг Саиданинг ҳақлигига иқорор бўлиши, "Бой ила хизматчи" драмасида Фофирнинг Сибирга сургун қилиниши, Жамиланинг заҳар ичиб ўлиши — шу асарлар сюжетларининг ечимлариidir. Шундай қилиб, бадиий сюжетнинг қалби бўлган конфликт тутундан бошланиб, асар кульминациясида ўзининг юқори нуқтасига етади ва ечимда узил-кесил ҳал бўлади.

**Пролог** (юн. pro — олд, аввал; logos — сўз; сўз олди, аввалги сўз) — адабий асардаги муқаддиманинг бир тури бўлиб, бундай муқаддима китобхонни муаллиф нияти, асарда тасвирланадиган воқеалардан аввалги воқеаларнинг қисқача мазмуни билан, пьесаларда эса қатнашувчилар билан таниширади. Масалан, А. С. Пушкиннинг "Мис чавандоз" асаридаги муқаддима прологдир. Шунингдек, С. Абдулланинг "Тоҳир ва Зуҳра", К. Яшиннинг "Генерал Раҳимов", С. Азимовнинг "Қонли сароб", Ш. Рашидовнинг "Кашмир қўшиғи" асарлари ҳам прологдан бошланган. К. Яшиннинг "Равшан ва Зулхумор" драмасида маҳсус пролог берилган бўлиб, унда ўзбек, туркман, озарбойжон, қорақалпоқ баҳшилари тўпланишиб, завқ-шавқ билан дўмбира чертиб, Гўрўғлининг мардлигини мадҳ этадилар — шоҳ Аббос, Маҳмудбек каби золимларнинг додини берган, ёвларни зирқиратиб қувган, меҳнат аҳлининг бошини

силаган эл баҳодири Гүрӯғли Чамбилбелда саксон ёшида юртта катта түй бераёттанлиги хабар қилинади. Шу тариқа, драматург саҳнада юз берадиган воқеаларга қизиқиш уйғотади.

Пролог одатда асарнинг бошланишида берилади. Аммо ҳамма вақт ҳам шундай бўлавериши шарт эмас.

Эпилог (юн. ері — сўнг, logos — сўз; сўнгги сўз) — бадий асар охирида қаҳрамонларнинг кейинги тақдирини сўзлаб берувчи хотима. И. С. Тургеневнинг “Оталар ва болалар” романи, Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” повести ва бошқа асарларда эпилог берилган. К. Яшиннинг “Равshan ва Зулхумор” драмаси эпилогида бахшилар тилидан Равшан ва Зулхуморларнинг тўйлари ҳақида гап кетади.

Бадий сюжетнинг барча унсурларини ҳар бир асардан қидиравермаслик керак. Чунки, баъзи асарларда сюжетнинг у ёки бу унсури ишлатиласлиги мумкин. Бошқа бир хил асарларда эса сюжет унсурларини ажратиб ҳам бўлмайди. Умуман сюжет унсурларининг бир-бирига бирикиш тартиби турли асарларда турлича бўлади. Масалан, Ойбекда: экспозиция+тутун воқеа ривожи...+кульминация+ечим (“Кутлуг қон”); Абдулла Қаҳҳорда: тутун+кечиктирилган экспозиция+воқеа ривожи...+кульминация+ечим+эпилог (“Синчалак”); К. Яшинда: пролог+экспозиция+тутун+воқеа ривожи...+кульминация+ечим+эпилог (“Равшан ва Зулхумор”)... Умуман, ёзувчи сюжет унсурларини қай йўсинда жойлаштирса — асар қизиқарли ва таъсиран бўлади, деб ҳисобласа шу тартибда сюжет яратилади.

### Сюжет типлари

Бадий адабиётда сюжетнинг ранг-баранг кўринишлари мавжуд экан, биз уларни воқеа-ҳодисаларни ҳикоялаш тамойилига асосланиб, қуйидагича типларга ажратиб ўрганамиз: хроникали сюжет, ретроспектив сюжет, концентрик сюжет, ассоциатив сюжет<sup>1</sup>.

Агар бадий сюжет хроника тартибида пешма-пеш давом эттирилган бўлса — “хроникали сюжет” деб юритила-

<sup>1</sup> Қаранг: А. Раҳимов. Роман жанрининг тараққиётига доир. Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1986, 6-сон, 8—16-бетлар.

ди) “Үтган кунлар” романида асосий воқеа — Отабекнинг Марғилон шаҳрида савдо иши билан шуғулланиб юрган норғул йигитлик давридан бошланади. Шундан сўнг унинг Кумушбибини севиб қолиши ва унга уйланиши, Ҳомидбой билан ораларида зиддият пайдо бўлиши, Ҳомиднинг иғвоси билан Отабек ва Мирзакарим қутидорнинг ҳибсдан озод этилиши, Отабекнинг Тошкентта келиши ва отаона орзуси ила Зайнабга уйланиши, Қўқон хонлиги ва Тошкент беклиги ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви, Нурмуҳаммад қушбеги билан Тошкент беги Азизбеклар ўртасидаги маҳораба, Отабек — Кумушбиби ораларига совуқлик тушиши, Отабекнинг уста Олим билан дўстлашуви, Ҳомидбой сирининг очилиши ва жазоланиши, Отабекнинг поклиги ва жасорати, Отабек — Кумушбиби муносабатларининг қайта тикланиши, Кумушбибининг ўз ота-оналари билан Тошкентта ташриф буюриши, кудалар ва севишганларнинг топишиши, Кумушбиби ва Зайнаб муносабатлари, Кумушбибининг заҳарланиши ва ўлими, Зайнабнинг Отабек томонидан талоқ қилиниши... воқеалари бирин-кетин, пешма-пеш ривоявий усулда кенг тасвир этилиши — роман сюжетини “хроникали сюжет” деб аташни тақозо қиласи. Шунингдек, “Куллар”, “Дохунда”, “Мехробдан чайён”, “Кеча ва кундуз”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, “Лолазор”, “Тушда кечган умрлар”, “Иккى эшик ораси”, “Одам бўлиш қийин”, “Умид”, “Мангулик” ва бошқа асарларнинг сюжетлари ҳам шу усулда яратилган. Яна шундай бадиий сюжетлар ҳам мавжудки, уларда асосий воқеа кульминациядан бошланади, сўнг муаллиф чекиниш усули(ретроспекция)ни кўллаб кульминациягача бўлган воқеа-ҳодисаларни қаҳрамонлар фаолиятлари мисолида кўрсатади... Бу хил сюжет илмда “ретроспектив сюжет” деб юритилади) Чунончи, Ўлмас Умарбековнинг “Ёз ёмгири” повести асосий қаҳрамонлардан бири — Мунисхоннинг кўчада ўлдириб кетилишидан бошланади. Сўнг ёзувчи чекиниш усулинин кўллаб, Мунисхоннинг тарихи билан китобхонни таниширади. Машхур рус ёзувчиси В. Распутиннинг “Ёнгин” повести сюжети катта ёнгин тасвири (кульминация)дан бошланади, кейин чекиниш усули (персонажлар қисмати) билан боғлиқ ҳолда

воқеанинг (ёнфиннинг) келиб чиқиши сабаблари бадий таҳлил қилинади ва яна воқеа келиб ёнгин(кульминация)-га туташтирилади, сўнг ечим берилади. Шундан “Ёнгин” ва “Ёз ёмфири” қиссаларининг сюжетлари “ретроспектив сюжет” типида яратилганлигини англаш мумкин. Адабиёт тарихида ана шундай бадий сюжетлар ҳам учрайди: улар шу қадар кучли ва кескин драматизм заминига қурилган бўладики, натижада сюжет унсурлари(экспозиция, тутун, воқеа ривожи, кульминация, ечим)ни бир-биридан ажратиш қийин. Машхур Америкалик адаб Эрнест Миллер Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз”, “Алвидо, қурол!” романлари сюжетлари ана шундайдир. Сюжетнинг бундай типи илмда “концентрик сюжет” деб юритилади. Яна шундай бадий сюжетлар ҳам бўладики, булар соф ассоциация заминига қурилади — сюжетни воқеа-ҳодисалар силсиласи эмас, балки қаҳрамонлар қалбida кечган руҳий пўртана-лар ташкил этади.) Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романининг иккинчи қисми, “Кўхна дунё”, “Диёнат”, Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор” романларининг сюжетлари мана шу усулда яратилган. Бадий сюжетнинг бу типи “ассоциатив сюжет” деб юритилади. Адабиётшунос В.Кожанов айтганидек, сюжет — “одамлар ва персонажларнинг ички ва ташқи ҳаракати изчиллиги” экан<sup>1</sup>, “ички ҳаракат изчиллиги” ассоциатив сюжетни келтириб чиқаради. (Бунда персонажларнинг ташқи фаолиятидан кўра, ички дунё-сидан, қалбida қолдирган асорат ва губорларидан, руҳида кечган жараёнлардан, қалб диалектикасидан сюжет келиб чиқади. Бу — ассоциатив сюжет демаклир.)

### Ҳаёт материали ва бадий сюжет

Реалистик адабий асар сюжети ҳаётий материаллар асосида яратилади. Бироқ ҳаётий материалдан бадий сюжет яратиш — адабий асар ёзиш фоятда мураккаб ижодий иш. Ойбек домла айтганларидек, “асар яратиш каби мушкул, оғир иш дунёда йўқдир... Чуқур ҳис этиш, қалбнинг зўр ҳаяжони, ўтқир фикр, фаҳм, ажойиб илҳом... яна кўп хислатлар керак”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Теория литературы. М., 1964, 421-бет.

<sup>2</sup> Адабиётимиз автобиографияси, Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973, 159-бет.

Аввало шуни айтиш керакки, бадий сюжет ҳаётий материал, ижодий фантазия — бадий тўқима ва фоя — эстетик идеалнинг пайвандлашишидан пайдо бўлади. Агар бадий сюжет жонли организм деб фараз қилинадиган бўлса, ҳаётий материал шу организмнинг скелети, бадий тўқима унинг эти, эстетик идеал эса қони-жони. Тирик организмнинг этини скелетидан, скелетини қони-жонидан ажратиб бўлмаганидек, бадий сюжет организмидаги ҳаётий материални бадий тўқимасидан, бадий тўқимасини эстетик идеалидан ажратиб бўлмайди. Улар бир-бirlарига шу қадар қўшилишиб-чатишиб кетишади, яхлит қўйма бир ҳолига келади. Машхур драматург Н. Погодин айтганидек, “...сюжетлар қотиб қолган, уйдирма схемалардан эмас, балки воқеликнинг ўзидан вужудга келади, улар ҳаётий материални ўрганиш натижасида келиб чиқади”<sup>1</sup>.

Машхур ёзувчимиз Абдулла Қодирий ўз романлари (“Ўтган кунлар” ва “Мехробдан чаён”) сюжетларини XIX асрда Тошкент, Кўқон ва Марғилон шаҳарларида юз берган тарихий воқеалар ва тарихий шахслар асосига қурган. Бироқ бу романларнинг бош қаҳрамонлари (гарчи уларнинг яратилишига туртки бўлган тарихий шахслар бўлсада), асосан, тўқима образлардир, тасвиrlанган воқеаларнинг ҳам анча-мунчаси бадий тўқималардир<sup>2</sup>.

“Навоий” романи сюжетининг яратилиш жараёни ҳам эътиборли: “Навоий” — тарихий-биографик асар. Негаки, бу романнинг бош қаҳрамони — XV асрда яшаб-ижод этган улуғ ўзбек шоири, мутафаккири, жамоат ва давлат арбоби Алишер Навоий. Романнинг асосий қаҳрамонларидан Ҳусайн Бойқаро, Мажидиддин, Абдураҳмон Жомий кабилар ҳам тарихий шахслардир. Тасвиrlанган воқеаларнинг аксарияти Ҳурросон мамлакати ҳудудида, хусусан унинг пойтахти Ҳиротда юз берган. Асардаги образлар ва воқеаларда ҳам XV аср иккинчи ярмининг руҳи муҳрланган. Айни чоқда, ёзувчи Алишер Навоий образини ҳар томонлама тасвиrlаш, характерини чукур очиш мақсадида тўқима

<sup>1</sup> Бадий ижод ҳақида. Т., F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1960, 79-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Ҳ. Қодирий. Отам ҳақида. Т., 1974, 68-170-бетлар.

образлар (Султонмурод, Зайниддин, Арслонқұл, Дилдор, Тұғонбек...) ва тұқима воқеа-ҳодисаларни ҳам сюжетта кириптан. Ойбек “Навоий” романини қандай ёздим” мақоласыда бу борадаги ўз тажрибаларини мухтасар ҳолда шундай баён қылган: “Айрим боблардаги воқеалар тарихий, чин реалдир; айрим бобларда эса шу замон характеристига мувофиқ түзилган хаёлимнинг натижаси, мевасидир... Романда тарихий воқеаларни түгри берганман, лекин бъзан хаёлга ҳам ҳуқуқ беріб күйганман; бу нарса истак, орзу, ҳисларимнинг иши, илхомбахш нарсалар, албатта...

Олайлик, Навоий ва Жомийни. Романда Навоий ва Жомийни тарихий чин ва ҳақиқий бердим. Навоий ва Жомийнинг учрашувлари, суҳбатлари ҳақиқий реал воқеалардир. Лекин бу воқеалар тарихий материаллардан хира күринади. Қандай қилайки, тарих ишлари, ҳаёт шундай мураккаб. Жомийнинг ҳовли-жойи, ҳужраси, китоб уст�다 чукур мутолааси, унинг муомаласи, сўзлаши, қиликлари, одати, хаёли, дунёқараашлари — жиндей фантазия кўшилган хаёлим мевасидир<sup>1</sup>. Лекин романда Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари бироз кескинлаштириб берилганки, бу роман ёзилган давр адабий сиёсати ва соцреализм тамойилларининг адаб ижодида қолдирган изларидир, холос. Албатта, адаб “Навоий” романини осонликча ёзиб ташламаган. Бунинг учун узоқ йиллар давомида илмий-адабий изланишлар олиб борган. Бу ҳақда адаб шундай деган: “Бунинг учун, албатта, Навоийнинг барча асарлари, Навоий яшаган даврнинг тарихи, шу даврнинг социал қиёфаси, у давр фаолиятининг характеристери, урф-одати, хулқ-атвори билан танишишга түгри келди. Кўп тарихий фактлар, материалларни йиғдим, уларни таҳлил этиб, мағзини чақиши учун чукур ҳис этишга, ўйлашга бошладим.

Бу ишга шу қадар ғарқ бўлган эдимки,... у борлигимни банд этган эди. Юрсам ҳам, турсам ҳам ҳамиша Навоийни ўйлар эдим. Унинг маънодор, ақлли кўзлари, хушфеъл, раҳмдил, олижаноб қиёфаси, асл, пок, улуғ қалбини ҳис

---

<sup>1</sup> Адабиётимиз автобиографияси. Т., Ф. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1973, 159—160-бетлар.

этардим, кўз ўнгимда кўрардим. Унинг теран, нозик, фалсафий фикрларини тўла тушунишга уринардим. Роман персонажлари ҳақида, уларнинг характерлари, бир-биридан фарқли, бир-бирига муносабатини равшан, яқъол бериш устида хаёл юритиб, образларини тараашлардим”<sup>1</sup>.

Мана ҳақиқий ижод дарди! Ҳа, ижод кучли дард билан дунёга келади. Ижод жараёнини бошидан кечираётган ёзувчининг ҳолатини тўлғоқ тутаётган аёлнинг ҳолатига қиёс қилса бўлади. Тўлғоқ тутаётган аёл ҳам “бир ўлиб-бир тирилиб” кўз ёради — дунёга ёруғ юз билан қарайди (ёхуд оламдан кўз юмади!). Ижод дардини бошидан кечираётган ёзувчи ҳам худди шундай: минг дард билан, кучли тўлғоқ билан ўз фарзанди — асарини ёзади (шу жараёнда ёзувчи ҳам “бир ўлиб — бир тирилгандай” бўлади). Катта истеъдод, кучли иштиёқ, ҳузурбахш илҳом, мashaққатли меҳнат, хаёл ва, хусусан, дард ва тўлғоқ ила яратилади асар! Шу тарзда пайдо бўлган бадиий асар тезда китобхон қалбига йўл топади, бундай асарнинг умри ҳам узоқ бўлади. “Навоий” романи мана шундай асарлар сирасига киради. “Навоий” романи (бинобарин унинг асоси, негизини ташкил этган сюжети) мана шу тариқа дунёга келган<sup>2</sup>.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор “Ҳаёт материалидан бадиий тўқимага” мақоласида ҳикоялари сюжетларини яратиши жараённида ҳаётий материаллардан қандай фойдаланганлигини — бу борадаги ўз тажрибаларини умумлаштирганки, бу тажрибалар ҳам foятда ибратли — адабиёт қоидаларининг ҳаётга татбиқи — ижод жараёни — адабнинг ижодий лабораторияси — ёш ёзувчиларимиз учун сабоқ, талабалар учун таълим-дарс! Адаб лабораториясидан бир шингил олиб кўрайлик.

“Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага” мақоласида қайд этилганидек, “Бемор” ҳикояси сюжетига бўлажак ёзувчичининг болалик даври (1913 йил, Яйпан қишлоғи)да оиласда юз берган воқеа асос қилиб олинган: ҳикояда тасвирланган бош қаҳрамон(касал хотинини даволата олмай ночор

---

<sup>1</sup> Адабиётимиз автобиографияси. Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972, 158—159-бетлар.

<sup>2</sup> Каранг: Б.Файзиев. “Навоий” романида тарихий воқелик ва бадиий тўқима. Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.

аҳволга тушиб қолган) Сотиболди-ёзувчининг отаси уста Абдуқаҳдор ака, оғир касал — Абдулла аканинг тўлғоқ ту-таётган онаси, “худоё аямди дайдига даво бейгин” деб дуо қиласидаги тўрт ёшлардаги қизча — беш ёшларда бўлган Абдулланинг ўзи. Бироқ ҳикоядаги воқеа (бадиий ҳақиқат) турмушдаги воқеа(ҳаёт ҳақиқати)нинг айнан ўзи эмас: тур-мушда тўлғоқ тутаётган аёл бўлса, ҳикояда ўлим тўшагида ётган бемор аёл, ҳаётда тўлғоқ тутаётган она кўз ёриб, ўлим чангалидан омон қолса, ҳикояда бемор узилади; “худоё аямди дайдига даво бейгин” деб дуо қиласидаги гўдак тур-мушда ўғил бола — Абдулла бўлса, ҳикояда кичик қизча... Бу ўринда турмуш фактларининг айнан ўзини тасвирлаш кифоя қиласади, “...инсоннинг ҳаёт-мамот ҳолатини, унинг ниҳоятда оғир турмуш шароитидаги ночор аҳволи-ни, ўлимга маҳкум қилиб қўйилганлигини кўрсатиш талаф қилинар эди. Мен фактларни қайта бичиб тикканимда ҳаёт ҳақиқатига қарши иш қилаётibман деб сира ўйлаган эмас-ман. Аксинча, ҳикояда ҳаётни ўшандай кўрсатиб тўғри иш қиласади: беш ёшлигимда аямдан етим қолишим ўша давр шароитида ҳеч гап эмас экан. Бу жудолик натижасида юз бериши мумкин бўлган бутун даҳшатларни ва унинг барча оқибатларини энди тушуниб етдим”, — деб ёзган адаб<sup>1</sup>.

Бу фактлар ҳам ҳаёт материаллари асар сюжети учун “хом ашё” сифатида хизмат қиласади. Ҳуллас, А. Қаҳҳор ҳаётий материалларни ўз ижодий лабораториясида қайта-қайта ишлаб, бадиий сюжет яратишга эришган.

Яна бир мисол. Йигирманчи йилларнинг охирларида ёш адаб А. Қаҳҳор Қўқон шаҳрида чиқадиган “Янги Фар-ғона” газетасида ишлаб юрган кезларида, унинг ижодий тажрибасида қизиқ бир воқеа юз берган экан. “Ер юзи” журналида адабнинг “Бошсиз одам” ҳикояси босилади. Ҳикояда зўрлаб эрга берилган қиз ва унинг фожиали оқибатлари қаламга олинган. “Бу ҳикояни ёзишга туртки бўлган воқеани ҳозир хотирлай олмайман, бироқ, амин-манки, ҳикоядаги воқеа унда кўрсатилган жойда ва ўша ҳикояда қандай тасвирланган бўлса, шундай содир бўлма-

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор. Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага. Асарлар (олти томлик), Т., F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1971, 6-том, 316-бет.

ган; гарчи айрим эпизодлар, жумладан, касалхонадаги эпизодни, яъни ҳикоя қаҳрамонини унинг эри кўрмоқчи бўлиб келганида медицина ходимлари ҳайдаб юборишганини эслаб қолган бўлсан ҳам, ҳақиқий фактлар тикиладиган каштага таг бўлган холос. Хуллас, мен ҳикоя қилган воқеа билан эшитганим ўртасида ўхшашик жуда оз даражада эди” — деб ёзган кейинчалик А. Қаҳҳор “Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага” номли мақоласида.

Ажабланадиган томони шундаки, Кўқон шаҳар прокуратураси ҳикоя қаҳрамони уста Абдураҳмон ва унинг ўғли Фахриддин устидан жиноий иш қўзғамоқчи бўлиб текшириш ўтказади — уста Абдураҳмоннинг айнан ўзи топилмаган, ёш адибни прокуратурага чақиртириб, таъна-дашном бермоқчи бўлади: “Прокурор мени совуқ қарши олди,— дея ҳикоясини давом эттиради А. Қаҳҳор. — Ҳикоя автори мен эканимга обдан ишонч ҳосил қилгач, таъна-дашномларни бошимга ёғдириб кетди.

Ёзувчиларнинг ҳаммаси қўрқоқ бўлади, деди у. Прокуратура мен тасвирлаган фактларни текшириб чиқибди. Натижা нима бўлибди денг! Ҳикоядаги номларни мен уйдирма қилган эканман. Буни қаранг-а! Бундай одамлар Кўқондан топилмабди! Ишни текшириб, жиноятчини жазолаш мумкин бўлсин учун мен одамларни ўз номлари билан аташга журъат қилмаган эмишман. Унга, бу ахир ҳикоя, бунақа нарсаларни жиноят қонунлари моддаларига рўпара қилиб бўлмайди, деб тушунтиришга зўр бериб уриндим, лекин бутун ҳаракатларим бехуда кетди, у менга барибири ишонмади. Журналда босилиб чиқсан нарсани ёзувчи умуман уйдирма қилиши мумкинligини ўйлаб тасаввур қилолмас эди”<sup>1</sup>.

Демак, ҳикоя қаҳрамони билан ҳаётдаги одам айнандир деб тушуниш оқибатида мана шундай воқеа юз берган. Ваҳоланки, ҳикоя қаҳрамони — уста Абдураҳмон жамлаш йўли билан яратилган тўқима образ. Ҳикоя воқеалари ҳам тўқималардан иборат.

Хитойлик аскар Худойберди Элохунов 1954 йилда Ўзбекистонга Ўқтам Носиров номига хат йўллаган — Ўқтам

<sup>1</sup> Адабиётимиз автобиографияси, 211-212-бетлар.

Носиров эса “Олтин водийдан шабадалар” романининг бош қаҳрамони — ҳаётда унинг айнан ўзи йўқ. У Ойбек ижодий лабораторияси маҳсули. Адид образни ҳаётий, ҳаққоний, жонли қилиб яраттган. Аскар уни ҳаётда бор одам деб тушунган. Адиднинг мўъжизали қалами китобхонни ишонтира олган. Санъатнинг кучи мана шунда<sup>1</sup>.

Таникли рус адиди Корней Чуковский “Шерлок Холмс ҳақида” деган мақоласида таъкидлаганидек, жаҳонда Шерлок Холмс номи унинг муаллифи Конан Дойл номидан ҳам машҳур бўлиб кетганини айтади: Конан Дойл (машҳур инглиз ёзувчиси) Лондон шаҳрининг Бейкер стрит кўчасида истиқомат қилган ва 1930 йилда оламдан кўз юмган. Шунга қарамай, Лондоннинг Конан Дойл яшаган уйига — Шерлок Холмс номига ҳамон ҳар йили юзлаб-минглаб хатлар келиб тураг экан, дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳлар ҳам Шерлок Холмс яшаган уйни кўрсатишларини илтимос қилишар экан. Шерлок Холмс образи шу қадар миллионлаб китобхонлар қалбини ўзига ром қилган. Аслида Шерлок Холмс номли изқуварнинг айнан ўзи йўқ экан. Лекин кўпгина хусусиятлари билан унга ўхшаб кетадиган изқувар, ишбилармон, тадбиркор, уддабурон, топқир кишилар бўлган.

Маълум бўлишича, Артур Конан Дойл “Кирмизи из” қиссасига Эдинбург тибиёт техникуми муаллими (Артурнинг устозларидан бири) — фавқулодда зеҳни, ўта сезгир, ўткир идрокли Жозеф Беллни бош қаҳрамон қилиб олган — Шерлок Холмс деб атаган. Табиийки, кузатилган бошқа кишилар — ўта сезгир ва тадбирли бошқа кишиларни ҳаётдан яна топиб олиб, яратилаётган образга қўшган. Шерлок Холмс образи — тарихий шахс — прототип — Жозеф Беллнинг айнан ўзи эмас — у умумлашма образ. Бу сиймо жаҳон адабиётида ўта моҳир изқуварлар тимсоли бўлиб қолган.

Ёзувчи Сайдулла Кароматов “Табиийлик хусусида” деган мақоласида “Бир томчи қон” қиссасининг бош қаҳрамони Равшан бобо билан унинг Чорбакирдаги бир прототипи — Равшан бобони қиёслаб, улар ўргасида муштарак

<sup>1</sup> Қарант: “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1954 йил, 15 декабрь.

ва фарқли жиҳатлар борлигини айтади ва шундай хulosага келади: “Бир томчи қон”даги Равшан бобо билан Чорбакирда яшаётган Равшан бобонинг уйгун келиши ҳаётда юз берадиган минглаб тасодифларнинг бири, холос. Ҳаёт ва адабиётда бундай ҳодисалар тез-тез содир бўлиб туради. Чунки адабиётнинг асоси ҳаётдир”<sup>1</sup>.

Бундай мисолларни яна истаганча келтириш мумкин<sup>2</sup>. Демоқчимизки, реалистик бадиий сюжет (илмий-фантастик, хаёлий-саргузашт асарларнинг сюжет қурилиши ўзгачароқ бўлади) ҳаётий материаллар заминида яратилади, аммо сюжет ҳаёт материалининг айнан ўзи эмас, унинг “қайта бичиб тикилган” нусхаси — ижодий лаборатория маҳсули.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор айтганидек, “агар ёзувчилик турмушдан нусха кўчиришдан иборат бўлса, бундан осон иш бўлмас эди. Ҳаётдан айнан кўчириш, китобдан кўчиришдай гап. Копия копия бўлиб қолаверади. Бундай нарсалардан оригиналлик кутиш бехуда. Оригиналлик ҳаёт ҳақиқатини дилдан ўтказиш, унга кўнгилдаги гапларни сингдириш, тилагингни кўшиб ифодалаш билан юзага келади”<sup>3</sup>.

Сюжет — истеъдод, илҳом, иштиёқ, маҳорат, хаёл, фантазия, ижодий дард маҳсули. Умуман айтганда, адабиёт билан турмуш, бадиий сюжет билан ҳаётний материал ўртасидаги эстетик муносабат мана шундан иборат.

**Фабула ва сюжет** “Фабула” (лот. *fabula* — масал, матал-ҳикоя) — бадиий сюжет организмининг скелети, асоси, сюжет учун материал вазифасини ўтайдиган воқеа-ҳодисалар доираси, сюжетнинг мантиқий ҳикоя қилиб берса бўладиган ўзаги. Адабиётшунослигимизда “сюжет” ва “фабула” атамалари ишлатилади: “сюжет” атамаси адабиётшуносликда тўла қарор топган,

<sup>1</sup> С.Кароматов. Табиийлик хусусида. Ўзбекистон маданияти газетаси, 1979 йил, 5 январь.

<sup>2</sup> Қаранг: Е.Добин. Жизненный материал и художественный сюжет, М., 1958. Е.Добин. Сюжет и действительность. Искусство детали. Л., “Сов. пис.”, 1981, 168-298-бетлар.

<sup>3</sup> Абдулла Қаҳҳор. Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага. Асарлар Т., F.Фулом номидаги алабиёт ва санъат нашриёти. 1971, 6-том, 323-324-бетлар.

аммо “фабула” атамасини ишлатишда мутахассислар бир хилликка эришганларича йўқ. Чунончи, айрим назарий адабиётларда “сюжет билан фабула бир маънода қўлланади” деган қараш мавжуд. Л.И.Тимофеев ва Н.Венгроловларнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача лугати”(М., Учпедгиз, 1957)да “сюжет” ва “фабула” бир-бираiga тенг, бир-бирининг эквиваленти сифатида изоҳланган. Ҳатто, Л.И.Тимофеев “Адабиёт назарияси асослари” ўкув қўлланмасида “сюжет” билан “фабула”ни бир-бирига тенг деб қараш оқибатида “фабула”ни маҳсус профессионал атама сифатида қўлламасликни тавсия қиласди<sup>1</sup>. Шунингдек, Ҳ.Хомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимоваларнинг “Адабиётшунослик терминлари лугати”да шундай дейилган: “Фабула воқеанинг изчил баёни сифатида сюжетдан катта фарқ қиласди, шунинг учун бадиий асар таҳлилида “сюжет” термини билан кифояланиш маъқулдир”<sup>2</sup>. Иккинчи бир гурӯҳ адабиётчилар ҳам борки, улар “фабула” атамасига, бизнингча, нисбатан тўғри ёндашганлар. Чунончи, М.Горький “очерк фабуласиз эмас, балки у доим фактларга асосланади, факт эса доим фабуладир” деб тъкидлайди<sup>3</sup>. Драматург А.Н.Островскийнинг ўқтиришича, фабула бадиий асарга жонли мазмунни эмас, балки воқеанинг скелетини беради: “... фабула қандайдир воқеа-ҳодиса ҳақидаги, ҳар қандай бўёқдан маҳрум қисқа ҳикоядир”<sup>4</sup>. Адабиётшунос А.П.Чудаков фикрича, фабула “воқеалар маркази”<sup>5</sup>. С.Наровчатовнинг айтишича, “ёзувчи сюжет доирасида фабулани қайта ишлайди. У воқеаларнинг тартибии ўзгартириши ва бузиши ҳам мумкин”<sup>6</sup>. Таниқли адабиётшунос олим В.В.Кожинов “Сюжет, фабула, композиция” номли мақоласида фабула масаласига анча аниқлик киритган: “Биз сюжет деганда асардаги бир бутун ҳаракат-

<sup>1</sup> Л.И.Тимофеев. Основы теории литературы, М., Просвещение 1971, 166-бет.

<sup>2</sup> Адабиётшунослик терминлари лугати, Т., “Ўқитувчи”, 1970, 233-234-бетлар.

<sup>3</sup> М.Горький. Собр. соч. в 30-томах, т. 30, М., ГИХЛ, 1955, 147-бет.

<sup>4</sup> Русские писатели о литературном труде, т. 3, Л., 1955, 26-бет.

<sup>5</sup> А.П.Чудаков. Поэтика Чехова, М., “Наука”, 1971, 213-бет.

<sup>6</sup> С.Наровчатов. Необычное литературоведение, М., “Молодая гвардия”, 1970, 294-бет.

ни, тасвир этилган хатти-ҳаракатлар занжирини; **фабула** деганда эса қайта ҳикоя қилиб бериш мүмкін бўлган воқеалар тартибини тушунамиз”<sup>1</sup>. Ўзбек олими Д.Тўраев фикрича, “...фабула — реал ва ҳаётй фактлар занжири бўлиб, бадий асар сюжети учун асосодир”<sup>2</sup>.

Бас шундай экан, “фабула” атамасини сақлаб қолиш ва ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

**Макон ва замон** ✓ Реалистик адабий асар сюжети занжири халқаларини ташкил этувчи воқеа-ҳодисалар муайян бир макон ва замонда юз бериши табиийдир. Бу — ҳаёт ва адабиёт қонуни. Мана шу қонуниятта амал қилиб ёзилган бадий сюжетлар пухта бўлади. Хўш, макон ва замон деганда нималарни тушунамиз?

“Макон” — адабий асар воқеа-ҳодисалари содир бўладиган аниқ макон, жой (шаҳар, қишлоқ, водий каби); “замон” — асар воқеалари юз берадиган вақт-давр, тарихнинг бир бўлгаги. Масалан, “Ўтган кунлар” воқеа-ҳодисалари тарихимизнинг муайян бир манзили ва даврида юз берган: Отабек, Кумушбилилар фаолиятларидан ўсиб чиққан воқеа-ҳодисалар конкрет макон(Марғилон, Тошкент, Кўқон ва улар атрофларидаги қишлоқлар)да ва аниқ бир давр — XIX аср ўрталарида юз берган; Отабек ва Кумушбилилар — XIX аср ўрталаридағи ўзбекларнинг типик вакиллари. Бу омил — роман сюжетининг қизиқарли, ҳаётий, ҳаққоний бўлиб чиқишига имкон яратган. “Мехробдан чаён” романи воқеа-ҳодисалари, асосан, Кўқон шаҳрида, Худоёрхон замонида (XIX асрнинг иккинчи ярми) бўлиб ўтган. “Мирзо Улуғбек”, “Улуғбек хазинаси”, “Сарбадорлар”да тасвир этилган воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар фаолиятлари Самарқанд ва унинг атрофидаги жойларда юз берган (XV асрнинг биринчи ярмида). “Қуллар”, “Дохунда”, “Судхўрнинг ўлими”, “Бухоронинг жин кўчалари”, “Инқиlob тонги” асарлари воқеа-ҳодисалари Бухоро шаҳри ва амирлиги ҳудудида XX аср бошларида юз берган. “Қора олтин” романи воқеалари бизнинг замонамиизда

<sup>1</sup> Теория литературы, М., “Наука”, 1964, 422-бет.

<sup>2</sup> Д.Тўраев. Ҳаёт ва сюжет, Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1984, 11-бет.

Фарғона водийсида содир бўлган “Момақалдироқ”, “Қа-сокорнинг олтин боши” романлари воқеалари Зарафшон водийсида инқилоб арафасида юз берган. “Наврӯз” романни воқеалари Жиззах шаҳрида, “Лолазор”, “Минг бир қиёфа”, “Жимжитлик” романлари сюжети воқеалари Тошкент, Самарқанд ва Фарғона водийсида шахсга сифиниш авж олган даврларида бўлган. “Чўл бургути”, “Шоҳи сўзана”, “Бинафша атри” асарлари воқеалари 50-60 йилларда Мирзачўлда бўлиб ўтган. “Тошкентликлар”, “Ҳазрати инсон” воқеалари уруш йиллари Тошкент шаҳрида юз берган. “Қил кўприк”, “Сўнгги bekat”, “Олабўжа”, “Қора камар”, “Отамдан қолган далалар” асарларининг воқеала-ри, асосан, Сурхон воҳасида, Бойсунда инқилобдан олдин ва кейин юз берган. “Машъал”, “Мангулик” романлари воқеалари Хумсон ва Бўстонлиқда инқилобдан кейинги дастлабки йилларда кечган. “Фарғона тонг отгунча”, “Уфқ”, “Мавлоно Муқимий” романлари воқеалари Фарғона во-дийсида турли даврларда воқе бўлган. “Навоий”, “Алишер Навоий”, “Навоий Астрабодда”, “Гули ва Навоий”, “На-воийнома” асарлари воқеалари XV асрда Ҳирот ва унинг атрофида кечган. “Давр менинг тақдиrimda” романни во-қеалари Ўзбекистон ва хорижий Шарқ мамлакатида, “Аму” романни воқеалари Афғонистонда, “Туғилиш” романни во-қеалари Бекобод металлургия заводи қурилишида 50-йил-ларда кечган. “Нур қидириб...” қиссаси воқеалари урушдан кейинги йилларда Покистонда, “Чодирали аёл” қис-саси воқеалари Афғонистонда, “Кашмир қўшиғи” қиссаси воқеалари (рамзий) Ҳиндистонда турли даврларда юз берган. “Дарёсини йўқотган қирғоқ” романни воқеалари Аму дарёсининг қуий оқими — Хоразмда, “Борса келмас”, “Қорақалпоқ қиссаси” воқеалари турли йилларда Қора-қалпоғистонда бўлиб ўтган. “Бўронларда бордек ҳаловат...”, “Олтин кум” воқеалари Зарафшон воҳасида бизнинг замонамиизда юз берган...<sup>1</sup>

Хуллас, ҳар бир реалистик асар воқеа-ҳодисалари аниқ макон ва замонда содир бўлиши — бадий сюжетнинг за-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Н.Шодиев. Горизонты эпоса.* Т., изд. Литературы и ис-кусства, 1986, 7-49, 101-141-бетлар.

рур шартларидандирки, бу қонуниятни сира ёддан чиқар-маслик керак. Таъкидлаш жоизки, замон ва макон бадиий сюжетнинг таркибий қисми ёки унсурларидан бири эмас, балки унинг омили, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги манбаидир. Макон ва замон сюжетта ўз муҳрини босади, уни жонлантиради, таъсирчанлигини оширади, сермазмун қилади...

Макон ва замон ҳақида гап кетганда яна шу нарсани ҳам эслаш жоизки, қаламга олинган воқеа-ҳодисалар юз берган ёхуд юз бериши муқаррар бўлган макон(жой) тарихан аниқ (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон, Марғилон, Андижон, Жиззах...) бўлиши, баъзан тўқима ном (Шаҳриҳон каби) бўлиши ҳам мумкин. Агар асарда тасвир этилган воқеа-ҳодисалар юз бериши мумкин бўлган макон номи тўқима бўлса ҳам унда барibir конкрет бир макон белгилари сингдириб юборилади...

Яна бир гап. Реалистик асар воқеалари бир маконда юз бериши ҳам, турли жойларда содир бўлиши ҳам мумкин. Чунончи, “Туғилиш” романи воқеалари, асосан, бир жойда — Бекобод шаҳрида юз берган, “Чинор” романи воқеалари эса Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида, Қорақалпогистонда юз беради. Умуман, бадиий сюжет воқеаларининг бир маконда ёхуд турли жойларда юз бериши — муаллифнинг эстетик-ғоявий нияти ва қаҳрамон характери мантиқига боғлиқ бўлган ижодий ишдир. Шунингдек “замон”нинг қанча вақтни ўзига қамраб олиши ҳам муаллифнинг ижодий ниятидан келиб чиқади. Адабий асар сюжет воқеалари бир ёки бир неча йиллар ва, ҳатто, бир кунда содир бўлиши ҳам мумкин. Чунончи, Ч.Айтматовнинг “Асрларга татигулик кун” асарида бош қаҳрамон-ҳаётийнинг, асосан, бир кунида юз бериши муқаррар бўлган воқеа-ҳодисалар қаламга олинган, “Қутлуғ қон”да 1912—1916 йилларда юз берган ҳодисалар кўрсатилган; “Куллар” романида эса 1825—1933 йилларда (юз йилдан ортиқ) содир бўлган воқеа-ҳодисалар тасвирланади. Яна бир гап. Реалистик асар сюжетида бош қаҳрамон ҳаётидан олинган бир кун, бир йил ёхуд бир неча йил ва, ҳатто, икки-уч авлод тасвир этилиши ҳам мумкин. Масалан, Чингиз Айтматов “Асрларга татигулик кун” романида бош қаҳрамон ҳаётидан танлаб олинган бир кунлик воқеа-ҳодисалар тас-

вири билан чекланган бўлса, “Кутлуғ қон” да Ойбек бош қаҳрамон — Йўлчи ҳаётида 1912—1916 йилларда юз берипши муқаррар бўлган воқеаларни қаламга олади. Ёзувчи Парда Турсун “Ўқитувчи” романида бош қаҳрамон Холмуроднинг туғилган кунидан бошлаб умрининг охиригача юз берган воқеаларни кўрсатади. “Навоий” романида ёзувчи бош қаҳрамоннинг ҳаёт йўлини тўлиқ акс эттирмайди, балки Алишер Навоий ҳаёт йўлининг бир бўлаги(шоир ҳаётининг драматизмга ва воқеа-ҳодисаларга бой қисми — Алишер Навоийнинг Самарқанддан Ҳиротга — Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига қайтишидан бошлаб, ҳукмдорлик, вазирлик, бош вазирлик, ҳокимлик даврларида кечган воқеа-ҳодисаларни қаламга олади. “Куллар” романида ёзувчи Садриддин Айний бош қаҳрамон — қулларнинг уч авлоди (Некқадам — Раҳимдод, Гуландом, Фарҳод — биринчи авлод; Эргаш, Қулмурод, Мұхаббат — иккинчи авлод; Ҳасан — учинчи авлод) вакиллари образларини яратган — улар ҳаётларида юз берган асосий воқеа-ҳодисаларни сюжетга асос қилиб олган. Лирик асарларда макон ва замон (эпик ва драматик асарлардагидек) кенг кўлам ва миқёсда тасвир этилмайди, балки лирик қаҳрамоннинг ҳистийгуларига чуқур сингдириб юборилади. Бундай асарлардаги замон ва маконни фақат ҳис этиш мумкин, холос.

## Учинчи боб АДАБИЙ АСАР КОМПОЗИЦИЯСИ

**Композиция ҳақида тушунча** | Композиция (лат. *compositio* — тузуб чиқиш, тартибга солиш) — аниқ ғоявий-бадиий ният тақозосига кўра бадиий унсурларнинг асар тўқимасидан жой олиши, асар қисмлари, боблари ва эпизодларининг ўринлашиш тартиби, образларнинг бир тизимига уюшуви, уларнинг ўзаро муомала-муносабатларининг ифодаланиш тарзи, тасвир воситаларининг муайян мақсадга хизмат қилиши, тасвирда мувофиқлик ва меъёрдир. Қисқаси, композиция ёзувчи нияти асосида асар бадиий тўқимасининг тузилиши. | Илмий адабиётларда баъзан “архитектоника” атамаси

“композиция” атамасининг эквиваленти сифатида ҳам кўлланилади.

Маълумки, табиат ва жамиятдаги предметлар ҳам ўзига хос тузилишга эга. Чунончи, бобон муайян мақсад билан кўчат ўтказиш жараёнида ерга аниқ шакл беради ёки бинокор ўзи қураётган бинонинг ташқи кўринишини ҳам диққат марказида тутади. Шунингдек, майший, уй-рўзгор буюмлари ҳам маълум шаклда бўлади. Ана шу шакл буюмларнинг ўзига хос композициясидир. Бадий ижод жараёни ҳам худди шундай: ҳар қандай санъат асари ўз қурилмасига, яъни композициясига эга бўлади. Шусиз санъат асарини тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, композиция ижод жараёнида ҳаётни бадий ифодалашнинг муҳим воситаларидан, санъат асарининг зарур унсурларидан биридир.

Композиция бадий асарнинг зарур унсури эканлигини, даставвал, унинг сюжет билан узвий боғлиқлигига кўрамиз. Юқорида сюжетнинг асосий ва қўшимча унсурларини кўздан кечирган эдик, бу ўринда сюжет унсурларининг ўзаро боғланиш тартиби хусусида қисқагина тўхталиб ўтайлик. Чунки, сюжет унсурларининг муайян мақсадда бирбири билан бирикуви композиция ҳодисасидир.

Бадий ижод жараёнида шундай асарлар ҳам бўладики, уларнинг сюжети: экспозиция, тугун, воқеа ривожи, кульминация, ечим тартибида тузилади (“Кутлуг қон”). Бошқа бир хил асарлар ҳам борки, уларнинг сюжети: тугун, экспозиция, воқеа ривожи, кульминация, ечим асосида бўлади (“Қўшчинор чироқлари”). Баъзан бадий асар тўқимасида сюжетнинг асосий унсурларидан ташқари: пролог ва эпилоглар ҳам берилади (“Равшан ва Зулхумор”). Айрим асарлар тўқимасида сюжет унсурларининг баъзилари туширилиб қолдирилиши ёхуд яна бошқачароқ схемада жойлаштирилиши ҳам мумкин. Шунга кўра, ёзувчи бундай композиция схемаларига бефарқ қарай олмайди. Ижодкор шундай схемаларни танлаши керакки, улар, албатта, асарни чинакам санъат даражасига кўтаришга имкон берсин. Шунингдек, асар тўқимасида сарлавҳа, эпиграф, лирик чекиниш, қистирма эпизод, пейзаж, интеръер (уй-жой...) каби сюжетдан ташқари унсурлар (композиция воситалари) ҳам бўладики, уларнинг ўзаро жойлашиш тартиби ҳам композиция ҳодисасидир.

Композиция бадиий унсур сифатида тасвиirlанаётган ҳаёт қонунияти, ёзувчи дунёқараши, бадиий метод ва услуб, ғоявий-бадиий ният, адабий турлар ва жанрлар табиати билан тавсифланади. Шунга кўра, ҳар бир санъат асарининг ўзига хос композицияси бўлади. Чунончи, лирик асар композицияси драматик асар композициясидан, драматик асар композицияси эпик асар композициясидан ажралиб туради. Ф.Энгельснинг уқтиришича, лирик асар композицияси уч таркибий қисмдан иборат бўлади: биринчи қисмда бош ғоя, асосий фикр ифодаланади (тезис); иккинчи қисмда ёрдамчи ғоялар, кўшимча лавҳалар билан бош ғоя кенгайтирилади, чуқурлаштирилади, асосланилади (антитетис) ва, ниҳоят, учинчи қисмда фикр ва туйгулар доираси якунланади, бош ғоя хulosаланади (синтез). Шоир Fafur Fуломнинг “Йигитларга” шеърининг композициясига мана шу нуқтаи назардан қаралса, қуидаги манзара ойдинлашади: “Йигитларга” шеъри еттига тўртлик (мураббаъ) банд(йигирма саккиз мисра)дан иборат. Шеър бандлари уч қисм (тезис, антитетис ва синтез)га ажратиб ўрганилади. Шеърнинг тезис қисми — биринчи банд; антитетис қисми — 2-6 бандлар ва синтез қисми — еттинчи банд. Шеърнинг тезиси:

Йигитлар халқларнинг мақтови — кўрки,  
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи,  
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,  
Элнинг гуркираши, файзи, қувончи.

Мана антитетис қисми:

Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,  
Қалқон бор: қалъя бут, қўрғон саломат,  
Қизлар кулгусида авжу даромад,  
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

Йигитлик умрининг бир кўкламига  
Бир бутун замонни алишсанг арзир.  
Арзир, ўз йигитининг қадами учун  
Замонлар, кўкламлар бўлса муентазир.

---

Шеърнинг еттинчи банди — синтез:

Атомлар қуввати пок қалбингизда

Жаҳон, замон, халқлар, Ватан ва давлат  
Сизга таянади, сиздир посбон.

Негаки, биринчи бандда асосий фикр — йигитлар халқларнинг кўрки, давлат таянчи деган фикр шиор тарзида ифода этилган — ҳали бу фикр исботланганича йўқ. Бундан кейинги бандларда эса шу асосий фикр турли жиҳатдан изоҳланади, чуқурлаштирилади, асосланилади: иккинчи бандда — йигит омон бўлса хавфу хатар бўлмаслиги, учинчи бандда — йигитлик — инсон умрининг кўклами эканлиги, тўртинчи бандда — йигитнинг расо қомати оталар қаддига асо эканлиги, бешинчи бандда — йигит она юрт иқболи учун жон тиккан зотлиги, олтинчи бандда — йигитлар Ватан халоскори эканлиги ифодаланган — шу тарзда 2-6 бандларда йигитлар халқларнинг кўрки деган foя пешма-пеш очила борган, асосланган (антитезис). Нихоят, еттинчи бандда юқоридаги фикр-тўйғулар доираси — пок қалбида атом куввати бўлган йигитлар Ватан, эл-юрт таянчи, посбони эканлиги ифода этилган (синтез-хулоса).

Ҳ.Ҳ. Ниёзийнинг “Тұхматчилар жазоси” комедиясининг композициясини эслайдиган бўлсак, шу нарсани таъкидлашимиз жоизки, асар архитектоникаси, даставвал, саҳна-боплиги билан ажралиб туради. “Хотин-қызы очилса бузилиб қетади” деб ўйловчи, очиқ аёлларга туҳмат қилиб турмушини бузувчи ахлоқсиз — турмуш қузғунларини фош қилиш — комедиянинг бош foяси. Драматург комедиянинг барча тасвир имкониятларини — конфликт, сюжет, композиция, тил ва тасвир воситаларини, образларни мана шу бош foяни очишга хизмат қилдирган. Шу foя тақозоси билан парда ва кўринишлар бир-бирига боғланган. Комедия икки пардадан иборат. Биринчи пардада очилган Фотима ва Қосимжонлар оиласи кўрсатилади. Қосимжон маданий йигит бўлса-да, кейинги кунларда Фотимага совуқроқ муомала қила бошлайди. Фотима бундан ажабланади, кейинроқ билсаки, маҳалла қузғунлари — домла имом ва Султон пияниста Фотимани йўлдан уриш мақсадида унинг шаънига бўлмагур туҳмат гаплар тарқатган экан. Бундай “миш-мишлар” Қосимнинг қулоғига етган. Натижада янги оила бузилиш олдига келиб қолган. Фотима ўзининг поклигини, “миш-мишлар” асосизлигини айтса-да, Қосим-

жон ишонмайды. Фотима туҳматчиларни жазолашга аҳд қиласи. Иккинчи парда тасвиirlанишича, Фотима домла имомни ҳам, Султон пиянистани ҳам тадбир билан тузоқса илинтиради — жамоатчилик олдида шарманда-ю шармисор қиласи. Туҳматчилар жазога мубтало бўлади. Фотима — Қосимжон оиласи сақлаб қолинади.

Драматург комедия композициясини шу қадар пухта ишлаганки, натижада асар қаҳрамонлари — Фотиманинг поклиги, ор-номус ва оила учун курашувчи маънавий юксак аёллиги, туҳматчиларни жазолашдаги тадбиркорлиги, руҳий дунёси, ахлоқи чукур очилган. Қосимжоннинг ўз хотини ҳақидаги “миш-мишлар”га ишониб, руҳий изтироб чекиши, характерида кўрслик алматларининг пайдо бўлиши, хотинининг ҳақлигини кўриб қувониши, турмуш кузгуларини лаънатлаши, уларга қарши кураши фоятда табиий ва ҳаққоний бўлиб чиқсан. Домла имом, Султон пиянисталарнинг қора юраклиги, янги оиласа ёмон кўз билан қарашлари, Фотима ҳақидаги фисқ-фасодлари, ниҳоят, ўз қилмишлари учун тумшуғидан тузоқса илинишлари — уларнинг аянчли комик ҳолатлари усталик билан кўрсатилган, ҳатто, пъесадаги эпизодик персонаж — Акбарали образи ҳам комик аспектда дуруст ишланган. Асар қаҳрамонлари характерларининг комик табиати ҳаётий, ҳаққоний ва жонли бўлиб чиқишларида ҳам, бинобарин, комедиянинг бадиий тўқимасига чукур сингдириб юборилган бош фоя — турмуш кузгуларини комик планда фош этиш — туҳматчиларни эл олдида шарманда-ю шармисор қилишга ҳам мазкур композиция қулайлик түғдирган.

“Ўғри” ҳикоясининг композицияси ҳам ўзига хос. Абдулла Қаҳҳор ҳикояда кичик-кичик бадиий лавҳалар (Қобил бобо — элликбоши, Қобил бобо — амин, Қобил бобо — пристав-тилмоч...) тузиб, уларни бош қаҳрамон — Қобил бобо фожиаси (бисотида бор-йўғи биргина ола хўқизини ҳам ўғирлатиб элликбоши, амин ва приставларга пора бериб, улардан ўғирланган хўқизини топишда кўмак сўраган Қобил бобонинг аччиқ тақдири — унинг Эгамберди пахтаfurушга батрак бўлиб қолиши)ни очадиган даражада усталик билан жойлаштирилган. Ҳикоядаги манзарачалар ҳам, реалистик деталлар ҳам, конфликт ҳам, сюжет ҳам, оҳанг ҳам, персонажлар ҳам Қобил бобо фожиасини ифо-

далашга бўйсундирилган. Бу ёзувчининг ҳикоя композициясини санъаткорона ишлаганинигидан гувоҳлик беради.

Faфур Гуломнинг “Йигитларга” шеъри, Ҳамзанинг “Туҳматчилар жазоси” комедияси ва Абдулла Қаҳҳорнинг “Үгри” ҳикояси композицияси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимиздан англашиларлики, композиция, биринчидан, шунчаки ташқи кўриниш — шакл ҳодисасигина бўлиб қолмасдан, айни чоқда, мазмунни ифодаловчи мазмунли шакл ҳодисаси бўлса, иккинчидан, ҳайётнинг асар учун танланган бўлагини акс эттирувчи бадий восита ҳамдир. Композиция асарни сермазмун, қизиқарли, завқли ва ўқимишли қилади. Агар ёзувчи композицияга бор маҳоратини ишлатган бўлса, бадий асар илк саҳифалариданоқ китобхон диққатини ўзига тортиб кетади. Натижада у асарни зўр қизиқиш, ташналик ва ҳаяжон билан ўқиб тутатганини сезмай қолади. Чунончи, “Ўтган кунлар” романининг илк саҳифаларини ўқир эканмиз, ундаги Отабек ва Кумуш биби қисмати билан шу қадар қизиқиб кетамизки, оқибатда романнинг сўнгти бобларигача қалбимиздаги ҳаяжон бо силмайди, биз асарни қандай қилиб жуда тез ўқиб кўйганимизни сезмай қоламиз. Ҳақиқий санъат асари мана шундай бўлади.

### Композиция тамойиллари

Назарий адабиётларда реалистик асар композициясини тавсифловчи бир неча тамойиллар борлиги кўрсатилган. Чунончи, таникли адабиётшунос олим М.Кўшжонов тадқиқотларида бу масалга алоҳида эътибор берилган<sup>1</sup>. Биз бу ўринда композиция тамойилларидан баъзи бирлали устидагина қисқа-қисқа тўхталиб ўтиш билан чекланамиз, холос.

1. **Композиция маркази — реалистик асар композициясининг қалби.** Ҳар бир адабий асар ўз композициясига эга бўлганидек, ҳар бир композиция ҳам ўз марказига эга бўлади. Ҳар бир асарнинг гоявий йўналиши — бош гояси — шу асар композициясини уюштирувчи куч — композиция

<sup>1</sup> Қаранг: *M.Кўшжонов*. Бадий асар композицияси ҳақида мулоҳазалар. Маъно ва мезон. Т., F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашириёти, 1974, 53—101-бетлар. Асар композицияси. Т., Фан, 1978, 264—290-бетлар.

марказидир. Масалан, инқилоб арафасида Туркистанда оддий ўзбек меҳнаткашларининг муайян тарихий шароитда — вазият тақозоси билан ўз-ўзини англаши, эрк ва баҳт учун, озодлик учун курашга отланиши — “Кутлуғ қон” романининг бош foяси — шу асар композициясининг марказини ҳам ташкил этади. Барча унсурлар, тасвир воситалари, боблар, деталлар, образлар, манзаралар, тафсилотлар мана шу композиция маркази тақозоси билан асар тўқимасидан жой олган. Натижада романнинг мукаммал композицияси вужудга келган.

**2. Асар бўлакларининг ўзаро жойлашиш тартиби.** Одатда, лирик шеър банд ва қисмлардан ташкил топса, эпик асар манзара, эпизод, воқеа, боб, қисм, бўлим, том (жилд)лардан тузилади; драматик асар эса саҳнабоп пардалар, кўринишлар, мажлислардан таркиб топади. Бадиий асарнинг мана шундай бўлаклари композиция маркази тақозоси билан олдинма-кетин жойластирилади, улар ҳам ички, ҳам ташки жиҳатдан бир-бирига узвий боғлаб берилади. Натижада асар тўқимасида яхлитлик, бир бутунлик — композиция вужудга келади. Масалан, шоир Абдулла Ориповнинг “Тафаккур монологи” шеъри уч қисм (биринчи қисмда тўрт байт, иккинчи қисмда саккиз байт, учинчи қисмда тўрт байт — жами ўн олти байт — ўттиз икки мисра)дан иборат. Ҳар учала қисм (лирик қаҳрамон воситасида) мантиқан бир-бирига боғланниб, шеър композициясини вужудга келтирган; “Ўғри” ҳикоясида бош қаҳрамон — Қобил бобо ҳаётидан кичик-кичик уч лавҳа (Қобил бобо — элликбоши, Қобил бобо — амин, Қобил бобо — пристав-тилмоч) учрашувлари чизилган. Мана шу уч лавҳада кекса дехқон — Қобил бобо фожиаси ўзининг бутун даҳшатлари билан очилган. Қобил бобо воситасида бир-бирига боғланган лавҳалар ҳикоя композициясини ташкил этган. Повестнинг композицияси бундан бошқачароқ. Роман композицияси эса бутунлай бошқача: “Машъал”, “Кутлуғ қон” ва “Улуғ йўл”, “Фарғона тонг отгунчা”, “Илдизлар ва япроқлар” каби романлар композицияси икки жилд(том)дан таркиб топган бўлиб, булар “роман-диология” деб юритилади. “Уфқ” сингари композицияси уч жилдан таркиб топган романлар борки, булар “роман-трилогия”, “Уруш ва тинчлик” ва “Тинч Дон” сингари тўрт ва

ундан ортиқ жилддан ташкил топган композицияли романлар ҳам бўладики, бундай романлар “роман-тетралогия” деб юритилади. Ҳатто, бир жилдлик романлар композицияси ҳам ранг-баранг бўлади: “Қуллар” романни композицияси беш бўлимдан таркиб топган — биринчи бўлим йигирма қисм, иккинчи бўлим олти қисм, учинчи бўлим ўн уч қисм, тўртинчи бўлим ўн икки қисм ва бешинчи бўлим йигирма қисмдан таркиб топган. Романнинг беш бўлим ва олтмиш беш қисми қулларнинг уч авлоди (“Раҳимдод, Эргаш, Ҳасан) вакиллари образлари воситасида бир-бирига боғланиб, яхлит композицияни вужудга келтирган. “Улуғбек хазинаси” романни композицияси икки қисм (биринчи қисм ўн олти, иккинчи қисм йигирма етти бўлак)дан таркиб топган. Бундай қисм ва бўлаклар Улуғбек ва Абдуллатиф образлари воситасида боғланган. “Ўтган кунлар” романни композицияси “Ёзувчидан” (ўзига хос пролог), уч бўлим (биринчи бўлим йигирма уч қисм, иккинчи бўлим ўн етти қисм, учинчи бўлим ўн етти қисм) ва “Ёзувчидан” (ўзига хос эпилог)дан таркиб топган. Романдаги бўлим, қисм, пролог ва эпилогларни бир-бирига боғловчи куч — Отабек ва Кумуш биби образлариидир. “Мехробдан чаён” романни композицияси “Романнинг мавзуи тўғрисида” (ўзига хос пролог), эллик етти боб (муаллиф боб деб атамаган бўлса-да) ва “Мирзо Анварнинг кейинги ҳаёти тўғрисида” деб номланган хотима(эпилог)дан таркиб топган. Романнинг барча бўлаклари Мирзо Анвар ва Раъно образлари воситасида боғланган. “Қутлуг қон” романни композицияси ўн саккиз боб(ҳар бир боб уч-беш қисм)дан таркиб топган. Боблар ва қисмлар Йўлчи образи орқали бир-бирига пайвандланган. Демак, Некқадам-Раҳимдод, Эргаш, Ҳасан, Улуғбек, Абдуллатиф, Отабек, Кумуш биби, Анвар, Раъно, Йўлчи — бир жилдли романларнинг бош қаҳрамонлари — асар бош гоясини ифодаловчи образлар композиция маркази вазифасини ўтаган.

Драматик асар композицияси ҳам ўзига хос. “Ёрқиной” афсонавий томошасининг композицияси олти парда (биринчи парда ўн мажлисдан, иккинчи парда саккиз мажлисдан, учинчи парда ўн мажлисдан, тўртинчи парда йигирма икки мажлисдан, бешинчи парда ўн уч мажлисдан, олтинчи парда саккиз мажлис)дан иборат бўлиб, булар-

нинг марказида Ёрқиной ва Пўлат образлари туради. “Алишер Навоий” драмаси композицияси беш парда, ўн кўринишдан иборат. Барча парда ва кўринишларни бир-бirlарига боғловчи қудратли куч — композиция маркази — Алишер Навоий образидир...

3. **Бадиий асар бўлаклари ва унсурлари, деталлари ва тафсилотлари, тасвир воситаларининг муаллиф ниятига мувофиқлиги.** Санъат асаридағи ҳар бир деталь, эпизод, воқеа, манзара ва образ, тасвир воситалари ёзувчининг гоявий-бадиий ниятига хизмат қилдирилади. Асар организмида муаллифнинг муайян мақсадига хизмат қилмайдиган бирорта ҳам нарса бўлмаслиги лозим. Барча унсурлар асар тўқимасида ўз ўрни ва вазифасига зга бўлади. Уларнинг ўрнини алмаштириш, олиб ташлаш ёхуд янги нарсани киритиш мумкин эмас. Агар шундай қилинса, асар композицияси бузилади, бадиийликка зиён етади. Шу сабабли бадиий асар тўқимасини ниҳоятда нозик ва мураккаб механизмга ўхшатиш мумкин. Масалан, Faфур Гуломнинг “Ҳийлаи шаръий”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Майиз емаган хотин”, Аскад Мухторнинг “Қорақалпоқ қиссаси” каби асарларининг архитектоникасида бирорта ҳам ортиқча ёки кам деталь йўқ. “Анор” ҳикоясидаги “анор”, “Ўгри” ҳикоясидаги “ола ҳўқиз”, “Отеллю” трагедиясидаги “рўмолча”, “Бемор” ҳикоясидаги беш яшар қизчанинг ўлим тўшагида ётган онасини “худоё аямди дайдига даво бейгин...” деб дуо қилиши, “Зайнаб ва Омон” поэмасидаги “бешик кетди” деталларига мутлақо тегиб бўлмайди. Агар шу деталлар олиб ташланса борми — шу асарлардан ном-нишон қолмайди. Бундай асарлардаги ҳар бир деталь, унсур, тасвир воситаси муаллифнинг гоявий-бадиий ниятига тўла мувофиқлиги билан аҳамиятлидир.

4. **Асар персонажларининг ягона тизимга уюштирилиши.** Чинакам санъат асарида персонажлар ягона тизимга уюштирилади ва бадиий гояни ифодалашдаги вазифаларига қараб бадиий сюжетдан ўрин олади. Бу ўринда машҳур рус ёзувчиси А.П.Чеховнинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиздир: “қаҳрамонлар... ичидан фақат биттасини танлайсан — эрми, хотинми — уни маълум бир ҳолатга солиб, фақат уни тасвирлайсан, таъкидлайсан, бошқалар эса унга фон вазифасини адо этган ҳолда асарнинг барча жойларига

сошилади. Бош қаҳрамон гүё ой, бошқа образлар ой атро-  
фидаги майда юлдузлар...”<sup>1</sup> Чунончи, Абдулла Қаҳҳорнинг  
“Бемор” ҳикояси образлари тизимини Сотиболди, унинг  
бемор хотини, қизча, Абдуғанибой, қўшни кампир таш-  
кил этади. Шулардан фақат Сотиболди образи ҳикоя мар-  
казида туради, қолганлари эса унинг фожиасини очишига  
кўмаклашади. Ҳикоядан кузатилган мақсад — Сотиболди  
тоифасидаги камбағалларнинг ўтмишда фожиавий ҳаёт  
кечирганлигини кўрсатиш. Шу ният Сотиболди образида  
мужассамлаштирилган. Асар композицияси мана шу мақ-  
садга хизмат килирилган.

**5. Тасвирда меъёр.** Санъаткор тасвир жараёнида нималарни батафсил, нималарни қисқа кўрсатишни жуда яхши билади. Бу ўринда асар бош қаҳрамонларигина муфассал тасвирланиши ва эпизодик образлар эса энг зарур пайтдагина қисқача акс эттирилиши лозимлигини таъкидлашимиз керак. Масалан, шоир Ҳамид Олимжон “Зайнаб ва Омон” поэмасида Зайнаб, Омон, Собир, Анор хола, Ҳури каби образлар тасвирига фойвий-бадиий ниятидан келиб чиқиб ёндашганини кўрамиз. Шунинг оқибатида асар архитектоникасида яхлитлилик вужудга келган.

**Композиция воситалари** Бадий асар түқимасида шундай унсурлар ҳам борки, уларни баъзи адабиётшунослар “асарнинг сюжет-дан ташқари унсурлари” деб аташса, бошқа бирлари “композиция воситалари” деб юритишиди. Аслида бундай унсурлар “композиция воситалари” деб юритилгани маъқул. Негаки, улар асар қисмларини, манзараларини бир-бира-га боғлашга, яъни композицияга хизмат қиласиди. Куйида шундай воситалардан айримларини қайд этиш билан чекланамиз.

**1. Асар сарлавҳаси** — бадий асар архитектоникасида ташкил қилувчилик ролини ўйнайди. Кўп ҳолларда асар сарлавҳаси унинг мазмуни билан узвий боғлиқ бўлади. “Қуёш қораймас” — Ойбек романининг рамзий фалсафий номи. Бу номда Ватанимиз кишиларининг фашист бос-қинчиларига қарши олиб борган кураши — адолатли ку-

<sup>1</sup> А.П. Чехов. О литературе. М., ГИХЛ, 1955, 95-бет.

раш —adolat эса ҳамиша тантана қиласи: қүёш нурларини ҳеч қандай куч тўса олмаганидек, ҳалқимизнинг она-Ватаннинг муқаддас тупрогини ёвлардан тозалаш йўлида-ги ҳаракатини душманнинг ҳар қандай қаршилиги ҳам тўса олмайди, ҳалқимиз, албатта, ғалаба қиласи деган фалса-фий фикрга ишора борки, бу фикр роман тўқимасига чу-кур сингдириб юборилган.

Шунингдек, “Тирилиш” (Л.Н.Толстой), “Кутлуг қон” (Ойбек), “Синчалак” (А. Қаҳҳор), “Чинор” (А.Мухтор), “Имон” (И.Султон), “Парвона” (Үйғун) каби асарларнинг номлари бадиий фоя билан узвий боғлиқ бўлиб, муайян асарлар бўлакларини бир-бирига боғлашда мұхим роль ўйнаганлигини пайқаш қийин эмас.

Баъзи асар номларида қаҳрамонларга ургу берилади, сюжет йўналиши шу образлар билан боғлиқ эканлигига ишора қилинади. Бундай ҳолатда ҳам асар номи композиция вазифасини ўтайди. “Зайнаб ва Омон” (Х. Олимжон), “Навоий” (Ойбек), “Мирзо Улугбек” (М. Шайхзода), “Умид” (Мирмуҳсин), “Жамила” (Ч.Айтматов), “Ҳамза” (К.Яшин), “Нурхон”, “Гулсара” (К.Яшин), “Жонтемир” (Үйғун), “Лукаш ботир” (Н.Сафаров) каби асарларда мана шундай композиция аломати яққол сезилиб туради.

**2. Эпиграф** (*юн. epigraphe — ёзув*) — адабий асар сарлавҳасидан сўнг ёки унинг қисми ёхуд бобининг бошланишида ёзиган кўйиладиган кўчирма, ибора, мақол, мatal, ҳалқ кўшиғидан парча ва бошқалар. Эпиграф, одатда, асарда ёхуд унинг бирор қисмида, бобида ифодаланадиган мазмунга алоқадор бўлади, унга фоявий йўналиш беради. Эпиграф қисқа, содда, аммо афористик руҳда бўлади. У асар фоясини ишонарли қилиб очища музалифга қўл келади. Эпиграф ўз вазифасига кўра асар номи(сарлавҳаси)га ўхшаб кетади — уларнинг ҳар иккаласи ҳам асарга фоявий-эмоционал руҳ баҳш этади, асар мавзуи ва фоясини аниқлашга кўмак беради. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясида “Отнинг ўлими — итнинг байрами” мақоли эпиграф қилиб келтирилган. Бу мақол асар фоявий йўналишини аниқлайди — камбағал деҳқон Қобил бобо ўғирланган ола хўқизини топишда элликбоши, амин, приставлардан мадад сўраганда амалдорлар, биринчидан, чолнинг “терисигача шилиб оладилар”, иккинчидан, чолнинг соддалиги

устидан мазах қилиб куладилар (чолга ёрдам беришни ха-ёлларига ҳам кетирмайдилар). “Отнинг ўлими” (Қобил бобонинг фожиаси), “итнинг байрами” (амалдорларнинг чол устидан кулишлари — уни баттар чоҳга тортишлари) — мана шундан иборат. Шунингдек, “Бемор”да “Осмон йироқ, ер қаттиқ”, “Тўйда аза”да “Зўри бехуда миён мешиканад”, “Анор”да:

Уйлар тўла нон, оч-наҳорим болам,  
Ариклар тўла сув, ташнаи зорим болам”,

“Кеча ва кундуз”да “Ҳамал келди, амал келди”, “Тўй”да “Наҳотки киши шундай хушчақчақ оламдан кетса”. (Лермонтов), “Йиллар”да “Ўтди умрим воҳ дариф...”, “Қизлар-”да “Тойчалар кишнашади, от бўлдим деб, келинлар йиғлашади, ёт бўлдим деб”, “Башорат”да “Ола қарға қағ эта-ди, ўз вақтини чоғ этади”, “Ёрқиной”да

Водийи ваҳдат ҳақиқатда мақоми ишқдир,  
Ким мушаххас ўлмас ул водийда султондин гадо (Фузулий).

каби эпиграфлар мағзи чақиб кўрилса, уларда олам-олам маъно борлиги билинади ва улар, биринчи навбатда, асарлар гояси билан узвий боғлиқлиги учун китобхон ёдида мустаҳкам сақланиб қоладилар.

Бундан кўринадики, ўринли ишлатилган эпиграф асар композициясида муҳим аҳамият касб этар экан. Аммо бундан ҳар бир асарда эпиграф бўлишини талаб қилиш нотўғридир. Чунки, эпиграф ишлатиш ёки ишлатмаслик ёзувчининг ниятига, хоҳишига, услубига боғлиқ эрқиң ижодий ишдир.

**3. Лирик кириш, чекиниш ва хотима.** Адабий асарда биз воқеаларнинг тасвири ва баёнидан ташқари яна ёзувчининг ўз мулоҳазаларини, кечинмаларини ҳам учратамиз. Бирор воқеа муносабати билан ёзувчининг ўзи бирмунча фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтади. Одатда, бундай пайтда воқеа ривожини тасвирлаш вақтинча “тормозланади”. Муаллифнинг асарда тасвирланаётган воқеалар, муаммолар ва кишилар ҳақидаги алоҳида фикр-мулоҳазалари ва кечинмалари лирик усул (кириш, чекиниш, хотима)да баён этилиши мумкин. Бундай лирик усуллар, асосан, эпик ва

лирик-эпик асарда кўпроқ учрайди. Масалан, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги деярли ҳар бир бобда лирик усул қўлланилган. Масалан, Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳоднинг Ширини ахтариб, фам-ташвиш тортиб юрганини тасвирлаб келиб, шундай лирик чекиниш қиласи:

Кетур соқи, манга ул лаъли рангин!  
Ки тушти фам юки кўнглумга сангин.  
Анингдек майки чун оғзимга еткай,  
Ичимда дарду фам тошин эриткай.

Шоир Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” поэмасида лирик усулнинг ҳар учала кўриниши ҳам учрайди:

Сўйлаб берай Зайнаб ва Омон  
Севгисидан бир янги достон.

(лирик кириш)

Одам зоти дунёдаки бор  
Унинг бир муҳаббатдир ёр.

(лирик чекиниш)

Оlam сари сочиб янги онг,  
Секин-секин ёришарди тонг.

(Лирик хотима)

Одатда, лирик кириш — асар бошида, лирик чекиниш — асар ичида ва лирик хотима — асар охирида келади. Умуман лирик усуллар асарда ранг-баранг вазифани ўтайди. Шу восита орқали муаллиф персонажлар билан китобхонларни таништиради, уларни тавсифлайди, хатти-ҳаракатлари ва ҳолатини баҳолайди. Баъзан лирик усулда ўз асарининг характеристикини, вазифаларини баён қилиш мумкин. Қисқаси бундай лирик усуллар асар мазмунини чукурлаштиришга, қаҳрамонларни таъриф-тавсиф қилишга, уларни тўғри тушунишимизга яқиндан ёрдам беради.

4. **Қистирма эпизод.** Бадиий асарнинг сюжет йўналиши билан бевосита боғлиқ бўлмаган, аммо асар мазмунини кенгайтириш ва чукурлаштиришга ёки зарур гояни тъяннишади.

кидлашга ёрдам берадиган құшимча воқеа қистирма эпизод деб юритилади. Масалан, Ойбекнинг “Күёш қораймас” романыда персонаж-уста Мирхолик тилидан берилған Доро ҳақидаги афсона ёки баш қаҳрамон — Бектемир тилидан берилған Афандининг тушида хүрөз сотиши ҳақидаги латифа ва бошқалар қистирма эпизоднинг яхши намуналаридир. Сирасини айтганда, “Үтган кунлар” романындағы косиб уста Олим ҳикояти ҳам Отабек — Кумушбиби сюжет чизигига киристилған қистирма эпизоддир. Аммо бу эпизод, биринчидан, Отабек — Кумуш севгисини “машмашалар” билан тұлдиришга, муайян давр севги фожиасини очишига хизмат қылдирилған — роман мазмунини кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга күмаги бўлған, иккинчидан, бизнингча, бу эпизод бироз чўзилиб кетган — меъёридан сал бўлса-да ошгандай — бу ҳодиса роман драматизмини, сюжети динамикасини сал бўлса-да сусайтиришга олиб келгандай — роман композициясида сал паришенхотирлик пайдо бўлгандай...

5. **Пейзаж.** Кўпгина асарларда пейзаж ғоятда муҳим ғоявий-композицион роль йўнайди. Ёзувчи табиат лавҳаларини чизиш билан ўзининг табиатта муносабатини ифодалайди: табиат гўзаллиги, бойлиги ва қудратини таърифтавсиф этади, қаламга олинган жойлар табиатининг ўзига хос ҳусусиятларини очади. Навоий, Пушкин, Бобур, Шолохов, Ойбек, Ч.Айтматов каби санъаткорлар ижодидаги пейзаж она-Ватангана мұхабbat руҳи билан йўғрилған. Табиат манзараларини ёзувчи ўз қаҳрамонларининг тақдирiga таъсир этувчи фактор сифатида ҳам тасвирилаши мумкин. Масалан, А.С.Пушкиннинг “Бўрон” ҳикоясидаги бўрон, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги денгиздаги пўргтана қаҳрамонлар тақдирида муҳим роль йўнайди. Айни замонда, пейзаж асарнинг ғоявий мазмунини ва характерларни очища қўшимча бадиий восита бўлиб хизмат қиласиди. Ёзувчи пейзаж орқали ё бевосита ўз фикрларини баён қиласиди ёки персонажларнинг ички кечинмаларини кўрсатади. Ҳар иккала ҳолда ҳам пейзаж маълум ғояни ифодалайди.

Табиат лавҳалари, кўтингча, қаҳрамонларнинг кайфияти ва ҳолатига уйғун бўлиб келади. Масалан, Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида Лайли ва Мажнун-

нинг соф ва самимий севгисининг пайдо бўлишини илк баҳор айёми — наврӯз байрами фонида кўрсатса, бу севгининг улкан муҳаббатга айланишини ёзниң жазира маисиқ кунларида ва уларнинг фожиали қисматини эса сўлғин куз — хазон фаслида тасвирлаш билан китобхон қалбida кучли ҳаяжон уйғотади.

“Кечака кундуз” романни бошида Чўлпон навбаҳор тасвирини экспозиция сифатида китобхонга тақдим қиласди: “Ҳар йил бир келадиган баҳор севинчи яна кўнгилларни қитиқлай бошлади. Яна табиатнинг дилдираган танларига илиқ қон югурди...

Толларнинг кўм-кўк сочпопуклари қизларнинг майдада ўрилган кокилларида селкиллаб тушмоққа бошлади. Муз тагида лойқаланиб оқсан сувларнинг фамли юзлари кулди, ўзлари ҳорғин-ҳорғин оқсалар-да, бўшалган қул сингари эркинлик нашъасини кемира-кемира илгари босадилар. Симёғочларнинг учларида якка-якка қушлар кўрина бошлади. Биринчи кўринган кўклам қуши биринчи ёрилган бодроқ нашъасини беради. Бултур экилиб, кўп қошларни қорайтирган ўсма илдизидан яна бош кўтариб чиқди... Мулойим кўлларда ивиб, сувга айлангандан кейин гўзал кўзларнинг супасида ёнбошлишни мунча яхши кўрар экан бу кўкат! Эркакларнинг гуллик тўпписига тегмай, яланг аёллар билан, уларнинг соchlари, гажаклари ва рўмол попуклари билан ҳазиллашиб ўйнаган салқин шабада... кўклам нашъаси билан шўхлик қиласди.

Ҳаёт нега бу қадар гўзал ва ширин бўлади баҳорда?”

Бу гўзал табиат манзараси тасвири китобхонни роман воқеалари гирдобиға, Зебилар хонадонида, хусусан, Зеби тақдиррида юз берадиган “машмашалар” оқимига, фожиалар қаърига тортиб кетади. Бу ўринда пейзаж бош қаҳрамон — Зеби ҳаётининг бошланиши — унинг увертюраси бўлиб хизмат қилган.

Баъзан табиат манзаралари қаҳрамон руҳиятига зид кўйиб тасвирланиши ва унга таъсир этувчи восита вазифасини ўташи ҳам мумкин. Бу ўринда руҳий изтироблар гирдобида қолган Отабекнинг кайфиятига таъсир этган гўзал табиат манзарасига бир назар ташлайлик (“Ўтган кунлар”):

“Отнинг бошини ўз ихтиёрига қўйган, илгаригидек юрак ошиқишлари ичидаги отни тез юришга қистамай, сувга туш-

хужрада қип-қизил гилам, уларда бўз кўрпалар кўрилган бўлса, бунда ипак ва адрес кўрпалар, наригиларда қора чироқ сасиганда, бу ҳажрада шам ёнадир, ўзга хужраларда енгил табиатли серчақчоқ кишилар бўлганида, бу хужранинг эгаси ҳам бошқача яратилишда: оғир табиатли, улуг гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган қора кўзли, мутаносиб қора қошли ва эндиғина мурти сабз урган бир йигит!"

Тасвирдаги жиҳозларнинг ўзиёқ, биринчидан, Отабек ҳақида анча-мунча маълум беради — у ўзига тўқ, бой-бадавлат, обрў-эътиборли оила фарзанди эканлигини кўрсатса, иккинчидан, Отабекнинг тижорат аҳли орасида мавқеи борлигидан ҳам гувоҳлик беради. Айни чокда, бу эпизод ўзига хос экспозиция ролини ҳам ўтаган — китобхонни келажакда Отабек ҳаётида юз берадиган воқеаларга қизиқишини таъминлаган...

7. **Қолиплаш** — бадий асарда мустақил воқеаларни маълум бир воқеа доирасига солиб тасвирлаш усулидир. Қолиплаш усули билан бир неча мустақил воқеалар — ҳикоятлар композиция жиҳатидан яхлит тус олади. Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонининг бошида подшо Баҳромнинг ҳаёти тасвирланади. Баҳром ўз севгилиси Ди-лоромдан ажралиб ғаму ҳасратда қолган ҳаёти ҳавф остида, табиблар бу дардга шифо тополмайди... Шунда донишмандлар маслаҳати билан Баҳромга қарам бўлган етти иқлим шоҳи унга атаб (подшо кўнглини овлаш ва ҳаётга қайта-риш мақсадида) етти қаср қурдириб, унда базм ўюштиради. Лекин Баҳром кундузлари базм-кайф-сафо билан кун кечириб ўз фамини, бироз бўлса-да, унугашга эришган бўлса-да, кечалари ухлай олмайди, яна севгилисини йўқлаб ғам тортиб чиқади. Энди кечалари ҳам унга ором бериш учун етти иқлим йўлидан келтирилган мусофиirlардан ҳикоя эшитиб бироз овунади. Шу муносабат билан шоир еттига таълимий-тарбиявий аҳамиятта эга бўлган қолипловчи ҳикоят — Баҳром қисматига пайвандлайди. Шу ҳикоятлардан Баҳром сабоқ олади, ором топади... Бу ҳикоятлар куйидаги тартибда асар тўқимасидан жой олган: **шанба куни** қора қасрда подшоҳ ҳинд гўзали базмидан сўнг ҳиндистонлик мусофиirlардан шаҳзода Фарруҳ ва сахий Ахий ҳақидағи ҳикоятни эшитади; **якшанба куни** сарик қасрда рум гўза-

ли базмидан кейин румлик мусофириң унга Зайд Заҳҳобнинг қаллоб заргарлиги ҳақидаги саргузашт ҳикоятни айтиб беради; **душанба куни** яшил қасрда Шахрисабз гўзали зиёфатидан сўнг подшо мусофириң Саъд ҳақидаги (Қатрон дев ва жодугар Зол хусусида) ҳикоятини эшитади; **сешанба куни** гулгун қасрда шафақ ранг кийимли гўзал зиёфатидан сўнг ҳиндишонлик мусофириң шоҳ Жўна ва сахий Масъуд ҳақидаги ҳикояти тингланади; **чоршанба куни** мовий қасрда нилуфар либосли гўзал базм беради, тунда бешинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофири Мехр ва Суҳайл ҳақида ҳикоя қиласи; **пайшанба кунида** сандал тусли қасрда Сандал гўзали зиёфат беради ва кечқурун олтинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофириң Муқбиль ва Мудбир ҳақидаги ҳикояси тингланади ва, ниҳоят, **жума куни** оқ қасрда оқ либосли гўзал базм беради ва кечқурун хоразмлик мусофириң Дилором ҳақидаги ҳикояси эшитилади. Шу тариқа шоҳ Баҳром севгили ёри Дилоромни топади. Достон Баҳромнинг етти ҳикоятдан кейинги ҳаётини тасвирлаш билан хотима топади. Шоир кузатган мақсад — шоҳга етти ибратли таълимий-тарбиявий ҳикоятдан сабоқ бериш шу тариқа ўз интиҳосига етади. Баҳром образи мана шу етти ҳикоятни бир-бирига боғловчи ва бир қолипга солувчилик вазифасини ўтаган. Шу тариқа достонда бир бутунлилик — композиция қурилган. Композиция яратишнинг мана шу усули — **қолиплаш усули** деб юритилади. Арабларнинг машхур “Минг бир кеча”сидаги мингта ҳикоя бош қаҳрамон — Шаҳризод образи воситасида бир-бирига боғланган. Шунингдек, Муҳаммадшариф Гулханийнинг “Зарбулмасал”ида эса бир неча мустақил масаллар (“Туя билан Бўталоқ”, “Маймун билан Нажжор”, “Тошбақа билан чаён”...)ни Япалоқ күш билан Бойўғлининг қуда-андада бўлиши ҳақидаги қолипловчи ҳикоя ўз ичига қамраб олган. Демак, “Минг бир кеча” ва “Зарбулмасал” каби асарларнинг композицияси ҳам қолиплаш усулида яратилган экан. Қолиплаш — ҳикоя ичидаги ҳикоя бериш усули бошқа асарларда ҳам учраб туради. “Қолиплаш” атамасининг яна бир маъноси бор: бадиий сюжет унсурлари (экспозиция, тутун, воқеа ривожи, кульминация, ечим, пролог ва эпилог)ни муайян бир тартибда берилиши, бир бутун қилиб боғланиши — бир қолипга жойланниши ҳам қолиплаш усу-

ли (обрамление) бўлиб ҳисобланади. Шу маънода ҳар бир эпик ва драматик асарда қолиплаш усули мавжуддир. Чунончи, “Даҳшат” ҳикоясининг сюжет унсурлари: Додҳо билан Унсиннинг баҳслашуви — тугун, Унсиннинг қабристонда чой қайнатиши — кульминация ва қўркувдан юраги ёрилган Унсиннинг уйига келиб ўлиши — ечим. Демак, ҳикоядаги тугун+кульминация+ечим унсурларининг бир бутун қилиб боғланиш тартиби — композиция — қолиплашдир.

#### **Сюжет ва композиция мутаносиблиги**

айнан бир нарса экан-да деган янглиш хулоса келиб чиқмаслиги керак.

Сюжет, аввало, мазмун билан боғлиқ бўлиб, қаҳрамон характеристининг шаклланиши, намоён бўлишини ифодаловчи воқеа-ҳодисалар мажмуи бўлса, композиция, биринчи навбатда, шакл ҳодисаси бўлиб, асарга гўзал ва жозибали ташқи кўриниш беради, мазмунни таъсиричан ва қуюқ бўлишига, асарни қизиқарли ва ўқимишли чиқишига хизмат қиласди.

Композиция, одатда, сюжетдан кенгроқ тушунча бўлади. Кўп режали асар сюжети бир неча сюжет чизиқларидан ташкил топади. Шундай пайтда сюжет деганда сюжетнинг у ёхуд бу йўналиши тушунилиши мумкин, композиция деганда эса асаддаги сюжетнинг барча йўналишларининг уйғулости тушунилади. Шунингдек, асар тўқимасидаги айрим унсурлар сюжет таркибига кирмаслиги ҳам мумкин (сарлавҳа, эпиграф, қистирма эпизод...). Композиция тушунчаси эса асар тўқимасидаги барча унсурларни ўз ичитга қамраб олади. Аммо сюжет ва композиция, асосан, бир мақсадга — қаҳрамон характеристини очишга, асар гоясини ёрқин ва жозибали ифодалашга хизмат қиласди. Шу ваддан ёзувчи асар сюжети устида қанчалик машаққат билан меҳнат қиласа, композиция устида ҳам тер тўкиб хизмат қиласди — уларнинг ҳар иккаласи ҳам ижодкордан катта истеъдод ва маҳорат талаб қиласди.

Чинакам реалистик асарда сюжет билан композиция бир-бирига мутаносиб бўлади — бир-бирига тўла мувофиқ бўлади. Бундан улар

## Тұртнинчи боб БАДИЙ АСАР ТИЛИ

Адабиётда тил, ритм, оқанғ, композиция ва бошқа во-  
ситалар орқали бадий образ яратилар ва образ яратиш  
жараёнида, хусусан, бадий нұтқ ҳал құлувчи ақамият касб  
этар экан, адабий асар тилини алоқида эътибор билан ўрга-  
ниш тақозо қилинади. Чунки бадий тил хусусиятларини  
дурустров ўрганмай туриб, адабий асар табиатини тұғри  
тушуниб бўлмайди. Бу ўринда талабаларнинг эътиборини,  
хусусан, бадий тилнинг қуидаги масалаларини ўрганишга  
тортиш лозим.

**Тил ҳақида тушунча**      Тил инсонлар орасыда муомала-  
муносабат, алоқа қуроли. Кишилар  
ўзларининг жамият, табиат ва буюмлар ҳақидағи тушунча-  
ларини тил орқали, сўзлар воситасыда ифода қиласидилар.  
Ҳар бир сўз бир тушунчани ифодалайди. Биз сўзлар орқа-  
ли ўз фикримиз-тушунчаларимизни бошқаларга баён қила-  
миз. Сўзларни ўзgartириш ва бир-бирларига турли усул-  
ларда қўшиш йўли билан мураккаб фикрларни ҳам тушун-  
тириб бера оламиз.

Тилда кишиларнинг дунё ҳақидағи тушунчалари ифо-  
даланади. Тил одамларнинг бир-бири билан алоқа қили-  
шига хизмат қиласиди. Тил — мўъжиза. Тил ва тафаккурсиз  
инсон яшай олмайди. Зеро, тил ва тафаккур туфайли ин-  
соният ҳайвонот дунёсидан кескин ажralиб туради. Ҳаз-  
рат Навоий дейдилар:

Тангрики, инсонни қилиб ганжи роз,  
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Дарҳақиқат, тангри инсонни сирлар хазинаси қилиб  
яратган экан, тил ато қилиш билан унга ҳайвонларга нис-  
батан имтиёз берган дейди, улуғ даҳо! Бу гапларда ҳикмат  
кўп. Инсоннинг қанақа инсонлиги тилидан билиниб тур-  
ади. Тил инсонни кўкларга кўтариши ҳам, ерга уриши  
ҳам мумкин. Ҳа, тилга кўп нарса боғлиқ... Ҳазрат Навоий  
шу фикрларини давом эттириб, ажойиб бир ҳикмат келти-  
радилар:

Фунча оғизлик санами нүшлаб,  
Сўздин агар айласа, хамўшлаб.

Лаъли майи ақлни маст айласа,  
Маст неким, бода параст айласа.

Сурат ила бўлса маҳи осмон,  
Сурати дивор ҳамон, ул ҳамон.

Англашиларлики, агар ёр ҳар қанча гўзал бўлса ҳам у гапирмасдан лабини ёпиб туриб олса — унинг оддий де-вордан фарқи йўқ; агар жонон у қадар гўзал бўлмаса-да унда фақат тўғри ҳусн билан ноз бўлса, тили аччиқроқ бўлса ҳам, жавоби ширин бўлса — у кишига ёқади; агар жонон бағоят гўзал бўлса, ҳуснига ширин сўзлиги зеб бериб турса — бундай гўзал бутун одамзодни, бутун оламни лол қолдиради. Бу фикрлар шунчаки жононни таъриф-тавсиф қилиш учунгина айтилмаган — унинг маъноси кенг — бутун сўз мулкига эҳтиром, юксак баҳодир. Айни чоқда, бу гаплар бадиий адабиётга ҳам тўла тегишли. Зеро, адабиёт-инсоншунослик ва сўз санъати экан, унда тил, сўз ҳал қилувчи аҳамият касб этиши табиийдир. Ҳақиқатан ҳам тил-сўз бадиий образлар ўртасидаги алоқалар, симпатия ва антипатиялар, қарама қаршиликлар, мураккаб муомала-муносабатларни ифодаловчи воситадир, адабий асар-нинг бутун бадиий тўқимаси ҳам, фоявий йўналиши ҳам сўзлар туфайли воқе бўлади...

Жамият пайдо бўлиши билан тил пайдо бўлган. Ижти-моий ҳодиса бўлган тилнинг характерли ҳусусиятларидан бири шундаки, у жамиятдаги турли табақаларга, гурухларга, синфларга баб-баравар хизмат қиласди. Демак тил син-фий ҳодиса эмас. Шунга қарамай бир вақтлари вульгар-социологлар тилнинг табиатини бузуб талқин қилганлар: тилни синфий ҳодиса сифатида нотўғри талқин этганлар. Тилга бўлган бундай файри илмий муносабатлар ўз вақтида қаттиқ қораланган.

Умуман тил деганда биз қуйидаги уч нарсани, яъни:  
а) умумхалқ (жонли), миллий тилни, б) адабий тилни ва  
в) бадиий (поэтик) тилни назарда тутамиз.

**Умумхалқ (жонли) тили** — одамларнинг турмушда ўза-ро муомала-муносабати, алоқа қуроли — жонли сўзлашув

нутқидир. Ҳаётда одамлар ўзаро муомала-муносабатга киришмасдан яшай олмайди. Кишилар ўзаро муомала-муносабат жараёнида фикрини аниқ ва тўғри ифодалашга эътибор беради. Жонли сўзлашувда норматив грамматика қоидаларига, сўзларнинг талаффуз нормаларига у қадар эътибор берилавермайди. Шунингдек, жонли сўзлашув жараёнида шева элементлари, маҳаллий муҳит тақозоси билан пайдо бўлган сўз ва иборалар ҳам ишлатилади.

**Адабий тил** — матбуот, фан, адабиёт, китоб, радио, телевидение, театр тили. Адабий нутқ кўпинча ёзма матн билан боғлик. Ҳатто маърузалар, радиоэшиттиришлар, театр томошалари оғзаки нутқ шаклида кўринса-да, уларнинг матнлари ёзма шаклда бўлади. Адабий нутқ — бу ҳаммадан аввал аниқ ва тўғри тузилган нутқ. Аниқ, сиқиқ ва қатъий шаклга эгалиги билан адабий тил жонли сўзлашув тилидан ажралиб туради. Адабий тил — грамматик қонун-қоидаларга солинган, қатъий талаффуз нормаларига эга бўлган ва, энг муҳими, турли шеваларда сўзлашувчи кишиларнинг ҳаммасига тушунарли бўлган тилдир. Чунки жонли тилдаги ҳар хиллик адабий тилда грамматика талаблари асосида бир хилликка келтирилган бўлади.

Адабий тил умумхалқ тили билан узвий алоқада бўлади. Ундаги янги сўз ва ибораларни ўзига қабул қила боради. Шу сабабли адабий тил тинимсиз ўсиб-бойиб боради. Айни чоқда, адабий тил ҳам умумхалқ тили ривожига баракали таъсир кўрсата боради.

**Бадиий (поэтик) тил** — адабий асарлар ёзиладиган тил. Ёзувчи ҳаётни характерлар ва манзаралар воситасида акс эттирас экан, жонли ҳалқ тили бойликларидан ҳам, адабий тил нормаларидан ҳам кенг фойдаланади; ўз навбатида ҳам жонли тилнинг, ҳам адабий тилнинг ўсишига ҳисса кўшади. Ёзувчи асарнинг мавзуи, воқеаларнинг моҳияти ва персонажларнинг характерига қараб сўз ва иборалар танлайди, гап курилиши усуllibаридан, диалектлардан, инверсия, архаизм, неологизм, жаргон ва бошқа лексик реурслардан фойдаланади.

М. Горькийнинг уқтиришича, умумхалқ тили ёзувчига ўз сўз хазинасидаги ҳамма воситаларни беришдан ташқари, улардан танлаб олиш ҳуқуқини ҳам берган.

Демак, бадий адабиёт тили, биринчидан, умумхалқ тили ва адабий тил хазинасидан танлаб-сарабад олинган сўзлар бўлса, иккинчидан, сўз усталари томонидан пардозланган, сайқал берилган поэтик тилдир. Тил — бадий адабиётнинг миллий шакли.

### Бадий тил

М. Горький “Ёшлар билан сухбат” мақоласида бадий адабиёт ти-

ли(бадий нутқ, ритмик-интонацион воситалар, композиция)да бадий сўз ҳал қилувчи роль ўйнашини уқтиради. “Адабиётнинг биринчи элементи — тилдир. Тил — адабиётнинг асосий қуролидир, ҳаёт ҳодисалари фактлар билан бирга унинг материалидир<sup>1</sup>.

Адабий асарда ҳар бир сўз олмосдек товланиши, марвариддек зеболаниши лозим. Ҳазрат Навоийга қулоқ тутайлик-а: улуғ шоиримиз шундай дейдилар:

Сўз гуҳарига эрур онча шараф,  
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,  
Етти фалак ахтарининг буржи ул...

Донау дур сўзни афсона бил,  
Сўзни жаҳон баҳрида дурдана бил...

Борча кўнгул дуржи аро жавҳар ул,  
Борча оғиз хуққасида гавҳар ул...

Тил бу чамоннинг варақилоласи,  
Сўз дурларидин бўлубон жоласи.

Тил бадий адабиётда характерлар ва манзаралар яратиш қуролидир<sup>2</sup>. Шунга кўра, адабиёт — сўз орқали бадий тасвирлаш санъатидир.

Бадий асар тилининг қатор характерли хусусиятлари бор. Шулардан баъзи бирларини эслаб ўтамиз.

1. **Адабий асар тили** (ҳикоячи — муаллиф ва персонаж нутқи) **типиклаштирилган**, яъни умумлаштирилган ва ин-

<sup>1</sup> М. Горький. Адабиёт ҳақида, Т., Ўздавнашр, 1962, 239-240-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: М. Горький. Литературно-критические статьи, М., Гослитиздат, 1937, 584-бет.

дивидуаллаштирилган тилдир. “Гарчи бу тил мәхнаткаш омманинг сўзлашиш тилидан олинган бўлса-да, — деб уқтиради М. Горький, — ўзининг бош манбаидан тамомила фарқ қиласди. Чунки, тасвирлаш йўли билан таърифлар экан, ёзувчи ўзаро сўзлашишда ишлатиладиган барча тасодифий, вақтинча кириб келган, мантиқсиз, фонетик жиҳатдан бузуқ, турли сабабларга кўра асосий “талабга”, яъни умумхалқ тили тузилишига тўғри келмайдиган сўзларни олиб ташлайди. Ўз-ўзидан маълумки, жонли тил ёзувчи яратган одамлар тилида қолади, албатта, лекин шундай бўлса ҳам, жуда кам тасвирланаётган одам характеристини янада бўрттириб, жонли қилиб кўрсатишга лойик миқдорда қолади”<sup>1</sup>.

Демак, ёзувчи ўз асари учун умумхалқ тили лугати санъасидан сўз олишда санъатнинг типиклаштириш қонуниятига амал қиласди экан, ана шундагина ҳақиқий санъат асари пайдо бўлади. Шуниси ҳам эътиборлики, ҳар бир ёзувчи асарида сўз қўллаш жараёнида ҳам ўз услубини наимоён қиласди — натижада бир ёзувчининг тили иккинчи ёзувчининг тилида озми-кўпми фарқланиб туради. Масалан, Ойбек романлари тилида эпикликка, лириклика мойиллик сезилиб турса, А.Қаҳкор асарлари тилида эса киноялар, кесатиқлар, қочириқлар кўп учрайди — унда ҳажвийликка мойиллик бор ва ҳоказо.

**2. Чинакам санъат асарлари тили халқчиллик руҳи билан сугорилган бўлади.** Бошқача қилиб айтганда, санъат асарида қўлланилган ҳар бир сўз, жумла, махсус лексик ресурслар ва тасвир воситалари, поэтик фигуralар, сўз ўйинлари ва ҳоказоларда ифодаланган фикрлар китобхонлар оммасига тушунарли бўлиши — ёзувчи халқнинг дилидаги, тилининг учидагини топиб айтиши, халқ руҳи кайфиятларини, орзу-умидларини ифодалаши керак. Бунинг учун ёзувчи, албатта, китобий тил ва услубдан қочиши, жонли халқ тили ва услубига яқинлашиши лозим. Ижодкор халқ дилининг ҳақиқий таржимони бўлсагина унинг асарлари тилида халқчиллик аниқ сезилиб туради. Халқ мақоллари, маталлари, афоризмлари, ибораларидан моҳи-

---

<sup>1</sup> М.Горький. Адабиёт ҳақида, Т., Ўздавнашр, 1962, 240-бет.

рона фойдаланиш асар тилининг халқчиллигини оширади. Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, Ҳ. Олимжон, Ойбек, А. Қаҳҳор, Ф. Ғулом, М. Шайхзода, Усмон Носир, О. Яқубов, П. Қодиров, А. Орипов, Э. Воҳидов каби сўз усталари асарлари тилида шу ҳолат кўзга яққол ташланиб туради.

Ёзувчи адабий асар тилининг халқчиллигига кўпинча “жонли халқ тили оқимидан энг ўткир, энг мувофиқ, ба-маънисини танлаб олиб” (М. Горький), ўз ўрнида маҳорат билан ишлатиш орқали эришади. Бу фикрлар, асосан, замонавий асарлар тилининг халқчиллигига тегишилдири. Тарихий ва тарихий-инқилобий мавзудаги асарлар тилида халқчилликка эришишнинг бирмунча кўшимча қийинчиликлари бор. Чунки, бу хил асарлар тилида, биринчидан, муайян даврнинг руҳи акс этиши ва, иккинчидан, ҳозирги замон китобхонларига тушунарли бўлиши лозим. Ана шундагина асар тилида халқчиллик руҳи уфуриб туради. Бу масалада Ойбекнинг “Навоий” романининг тили устидаги тажрибалари foятда ибратлидир. “Мен Навоий тили қудратини, гўзаллиги ва хуснини тўла кўрсатишга тиришдим,— деб таъкидлайди Ойбек.— Унинг тилидаги айрим ўткир, моҳир, салмоқли ифодаларни, Навоийга хос терминлар ва шаклларни ишлатдим. Навоийнинг ёрқин шеърларидан, социал мотивларидан жиндай киритдим. Хонлар, подшоҳлар, вазирлар, бекларнинг дабдабали ифодаларини, руҳонийларнинг форсий ва араб сўзларига фарқ бўлган, безалган усусларини кўрсатдим. Халқнинг маъноли, бой, оригинал, жонли, ўзига хос равшан тилини кўрсатдим. Бунинг учун, албатта, у давр адабиётини, ҳаётини, халқ тилини чукур, муфассал ўрганишга тиришдим. Ёзувчилар тилни халқдан ўрганишлари лозим. Халқ тили ажойиб учирмалар ва қочириқларга бой, битмас-туганмас асл манбадир”<sup>1</sup>.

“Ўтган кунлар”, “Мехробдан чаён”, “Навоий”, “Улуфбек хазинаси”, “Меъмор”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, “Кўҳна дунё” романлари тилининг халқчиллигини таъминлашда муаллифлар худди шу усулдан фойдаланишган деб дадил айтиш мумкин.

<sup>1</sup> Ойбек. “Навоий” романини қандай ёздим. Адабиётимиз автобиографияси. Т., Ф. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973, 160-бет.

**3. Бадиий асар тили — о б р а з л и т и л.** Ёзувчи ўз асарида бир қанча йўллар билан тилнинг образлигига, тасвирийлигига эришади. Шулардан бири маҳсус бадиий тасвир воситаларини, маҳсус лексик ресурсларни, поэтик фигуralарни, сўз ўйинларини моҳирона қўллаш йўли билан асар тилининг образлигига эришиш.

Масалан, Ҳамид Олимжон: “Ўзбекистон” шеърида шундай образли ибораларни қўллади:

Чиройлидир гўё ёш келин,  
Икки дарё ювар кокилин...

Эътибор қилинг-а: шоир “Ўзбекистон чиройли” деб кўя қолмайди, аксинча, унинг чиройлигини ёш келиннинг гўзаллигига ўхшатади — шу қиёс жараёнида Ўзбекистоннинг гўзal жамолини ўқувчи кўз ўнгида ёрқин гавдалантиради. Иккинчи мисрада эса шоир Ўзбекистон водийларини ёш келиннинг кокилларига ўхшатади. Бу билан ўлкамиз водийларининг бениҳоя кўркамлигини ифодалайди.

Адабий асар тилининг поэтиклиги, образлигиги, тасвирийлиги асар тоғасини, шунингдек, қаҳрамон характеристики жозибали қилиб очишга хизмат қиласди. Бироқ, бундан фақат маҳсус бадиий тасвир воситаларини қўллаш орқали асар тилининг тасвирийлигига, образлигига эришилар экан-да, деган бир ёқдама хулоса чиқариш ярамайди. Чунки, адабий асар тилида ўз ўрнини топиб ишлатилган оддий сўз ва иборалар ҳам характер ва манзараларни аниқ ифодалай олади: бинобарин, бундай сўз ва иборалар ҳам тасвир воситаси ролини бажаради.

**4. Лаконизм ва афоризм** — адабий асар тилини характерловчи муҳим хусусиятдир. Улуф ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” достонида шундай дейди:

Ҳар не бир достонга солди садо,  
Мунда бир байт бирла топқой адо.

Мужмал онинг сўзин қилиб такмил,  
Ўз ҳадисимга бергамен тафсил.

Бу ўринда шоир олам-жаҳон фикрни бир байтда айтишга, мужмал асарни ишлаб, қиёмига етказишга, аммо

айтилиши лозим бўлган барча фикрларни мухтасар ифодалашга даъват этмоқдаки, бу фикрлар ҳозирги адабий асарлар тили учун ҳам тегишилдири.

Муҳими, адабий асар тилида “адабий лақмалик”ка, кўп сўзлиликка берилиб кетмасдан лаконизмга эришишдир. “Бадиий асар сўз жиҳатидан сиқиқ, фикр жиҳатдан кенг бўлиши” керак, деб таъкидлайди М. Горький<sup>1</sup>.

Ёзувчи Абдулла Қодирий “Майда ҳикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак” деган мақоласида шундай деган: “Майда ҳикоялар устаси Чехов сўз тўғрисига келганда ҳаддан ташқари хасис, ортиқча сўзлар сарф қилиш у ёқда турсин, керакликларидан ҳам мумкин қадар юлишга ҳаракат қиласди... Унинг ҳикоятларида сўз исрофгарчилигига сабаб бўладиган ортиқча деталлар ҳам бўлмайди. У бутун деталларни ўзи айтган асосда ишлатади: “Биринчи кўринишда милтиқ бўлса, шу милтиқ учинчи ёки тўртинчи кўринишда албатта отилиши керак, йўқса милтиқ тўғрисида сўзлашнинг ҳожати йўқдир”...

Унинг сўзга хасислиги ўқувчига малол келмайди. Яъни, айтмоқчи бўлган фикрининг тушунилишини оғирлаштирамайди...

Ҳикояни “серсув” (кўп сўзли) қиласиган нарсалардан бири кўрсатиш ўрнига сўзлаб беришдир. Агар Очумиловнинг “буқаламун” эканини унинг сўzlари орқали кўрсатилмаса, автор томонидан таърифланса, дунё-дунё сўз кетар эди. Чехов буни ўзи айтиб бермасдан, Очумиловнинг ўз сўзи билан кўрсатади”<sup>2</sup>.

Ўзбек ёзувчиларидан Абдулла Қаҳҳор, Faфур Ғулом, Сайд Аҳмад ҳикоялари, Абдулла Қодирий, Ойбек, Асқад Мухтор романлари, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Мақсад Шайхзода, Миртемир шеърияти тили ўз лаконизми билан ҳам фоятда эътиборлидир.

Адабий асар тилини ўрганиш жараёнида яна шу нарсани ҳам ҳисобга олиш лозимки, адабий асар тилида кўпинча, адабий жанрлар сезиларли из қолдиради: лирик асар

<sup>1</sup> M. Горький. Письмо о литературе. М., “Сов. писатель”, 1957, 321-бет.

<sup>2</sup> Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. Т., Бадиий адабиёт нашриёти, 1969, 200—201-бетлар.

тили драматик асар тилидан, драматик асар тили эпик асар тилидан ўзига хос хусусиятлар билан фарқланиб туради.

**5. Адабий асар тили — эмоционал тил.** А. А. Фадеев бадиий тилнинг эмоционаллиги ҳақида тўхталиб шундай дейди: "...Санъаткор ўз қаҳрамонларининг кечинмалари гирдобига китобхонни шунчалик тортиб кетадики, китобхон қаҳрамон ҳиссиётларини биргаликда кечира бошлайди, китобхонда ғазаб ҳисси, пафос, кулги, кўзларида ёш пайдо бўлади. Инсонда бирон хил кайфият туғдириш санъатнинг энг сеҳрли хусусиятларидан биридир. Ёзувчи бу хусусиятни эгаллашга ҳам меҳнат натижасида эришади. Ёзувчи ўзида шундай ритм, шундай сўз, шундай сўз биримасини топиш уқувини тарбиялаб етиштириши керакки, улар ўкувчидаги тегишли ҳис-туйғу, тегишли кайфият туғдириш оладиган бўлсин".

Адабий асар тилидаги ҳар бир сўз ўз "юки"га эга бўлади. В. Г. Короленко уқтирганидек, "сўз шамол учирив кетадиган ўйинчоқ шар эмас. У иш куроли, у маълум миқдордаги юкни кўтариши керак. Биз бошқаларнинг руҳини қамраб олишига, кўтаришига қараб туриб, сўзниңг аҳамияти ва кучига баҳо берамиз"<sup>1</sup>.

Ёзувчи ҳар бир нарсани шундай тасвиirlаб бериши керакки, натижада уни кўз олдимишга равшан келтира олайлик. Бунинг учун ҳар бир нарсанинг ўзига хос хусусиятини, ҳолатини пайқаб олиш ва уни аниқ, маънодор сўзлар орқали равшан айтиб бера олиш керак.

Дарҳақиқат, ҳақиқий бадиий асарларда ҳар бир предмет, шахс, воқеа шундай аниқ, равшан ва жонли тасвиirlа-надики, китобхон яхши расмларни кўриб завқланганидек, уни ўқиб маънавий озиқ олади. Асардаги ҳар бир предмет, шахс, ҳодиса унга шу қадар яқин бўлиб қоладики, натижада уни кўли билан ушлаб кўраётгандек бўлади, тасвиirlа-наётган шахс эса унга яқиндан таниш бўлиб қолади.

Адабий асар тили ўз жозибадорлиги, ширалилиги, сермаънолиги ва бўёқдорлиги билан китобхоннинг диққатини ўзига тортади. "Ўтган кунлар", "Мехробдан чаён", "Кеча ва кундуз", "Абдулфайзон", "Ёрқиной", "Кутлуғ қон",

<sup>1</sup> Бадиий ижод ҳақида, 63-бет.

“Навоий”, “Ҳаким ва ажал”, “Истанбул фожиаси”, “Диёнат” каби асарларнинг тили мана шундай.

Ёзувчи адабий асар тили устида тинимсиз меҳнат қиласди. Бир асарининг тили иккинчисидан фарқланиб туради. Демак, ёзувчининг тил маҳорати асардан асарга ўсиб, боийиб боради. П. Павленко “Ҳаёт — ёзувчининг мактабидир” мақоласида шундай деб ёзади: “Бадиий асар тили ёзувчининг тер тўкиб ишлашни талаб қиласди. Баъзан мен ҳар бир янги тема ўзининг янгича ташқи безагидан ташқари, ўзининг алоҳида ҳаёт доирасидан ташқари, яна тилда янгича гармонияни ҳам талаб қилса керак, деб ўйлаб қоламан”<sup>1</sup>. Агар бу ўринда “Ўтган кунлар” билан “Мехробдан чаён” ёки “Қутлуг қон” билан “Навоий” романларининг тили қиёслаб қўриладиган бўлса, бу фикрнинг нақадар тўғри эканлигига тўла ишониш мумкин. Адабий асар тилида давр руҳи уфуриб туради. Шу маънода “Навоий” билан “Олтин водийдан шабадалар”нинг тили қиёсланса, уларнинг ҳар бирида тасвир обьекти бўлган давр, халқ тили хусусиятлари яққол акс этганлигини осонликча пайқаш мумкин.

Чинакам санъат асарининг тили мана шундай гўзал ва сермањо бўлади.

### **Муаллиф, хикоячи ва персонаж тили**

Муаллиф тили — воқеани, воқеа рўй берган ўрин ва шароитни тасвирлаш, персонажларни таъриф-тавсифлаш, уларнинг яхши ёки ёмон хислатларини очиб бериш ва баҳолаш (маъқуллаш ёки қоралаш) учун бевосита ёзувчининг ўз тилидан баён қилинган сўзлар.

Муаллиф тили эпик, лирик-эпик ва лирик асарларда салмоқли ўрин тутади (ремаркани мустасно қилганда; драматик асарларда, одатда, муаллиф нутқи бўлмайди). Муаллиф тили, биринчидан, асардаги воқеаларни, қисм ва бўлакларни бир-бирига улаб, яхлит “организм”ни вужудга келтиради; иккинчидан, асардаги образлар ва воқеаларни талқин этишга, уларга ўз муносабатини билдиришга хизмат қиласди, учинчидан, адабий тилнинг шаклланишига ва ўсишига баракали таъсир кўрсатади.

<sup>1</sup> Бадиий ижод ҳақида, 63-бет.

Энг яхши ёзувчилар халқ тилини чуқур ўрганиш асосида асарлари тилининг сермањо ва жозибали бўлишига эришадилар, айни пайтда, ўзлари ҳам янги сўзлар ижод этиб бадиий тилни бойитадилар.

Муаллиф тили, асосан, адабий тіл нормалари асосига курилади. Ёзувчи муаллиф тилига ҳар қандай сўзларни киргизавермайди.

Адабий асарда муаллиф айтиши керак бўлган гапни муаллифнинг ўзи, шунингдек, персонаж айтиши лозим бўлган гапни персонажнинг ўзи айтиши шарт. Акс ҳолда санъат асарига жиддий путур етади. А. Макаренко “Ҳаваскор ёзувчилар билан суҳбат”ида асар тилининг ана шу жиҳатига тўхталиб, мана бундай деб ёзган: “Бизда кўп кишилар муаллиф айтмоқчи бўлган гапни қаҳрамонлар гапирса қизиқроқ бўларди, деб ўйлашади. Бу хато. Муаллиф айтиши лозим бўлган гапни қаҳрамонлардан биронтасига топшириш ярамайди. Шундай қилинган тақдирда қаҳрамонлар туссиз бўлиб қолади, авторнинг жарчисига айланади. Қаҳрамонлар айтиши керак бўлган гапларни эса, ўз устига олиб, учинчи шахс тилидан гапирмаслиги ҳам керак”<sup>1</sup>.

Асар тўқимасида муаллиф нутқининг нақадар катта мавқега эга эканлигини англамоқ учун “Ўтган кунлар” романида “Тўй, қизлар мажлиси” бобини эслаш кифоя “Қизлар мажлиси — гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси! Уйда, Кумушбибининг тоғасининг уйида, қизлар мажлиси, гуллар мажлиси!...

Ёки “Ойдин кечаларда” ҳикоясида Чўлпон асар қаҳрамони Зайнаб кампирнинг хатти-ҳаракатларини, руҳиятини шундай акс эттирган: “Зайнаб кампир бир нарсадан чўчиб уйғонди. Оппоқ ойдин, ой кампир ётқон сўричанинг қоқ ўртасидан унда-мунда битта-яримта учраган оқ булатларни ёруб шошуб ўтуб борар эди.

Кампир у ёқ-бу ёғига яхшилаб қараб, ойдинда ҳеч бир қора-мора учрамагандан кейин яна болишга бошини қўйди.

Уйқуси ўчуб кетганликдан энди кўзига уйқу келмай ўз ёшига, ўз давриға муносиб бўлғон хаёллар ичига кўмуди.

---

<sup>1</sup> Бадиий ижод ҳақида, 49-бет.

Ул пилта сават, кўрпа қавуқ ипдан тортуб бу йил пилладан чиқатурғон ипаккача “дунёнинг барча ғамини” ўйлаб олди”.

Ёки яна бир мисол: “Кампир тонг қоронғисида хамир қылгани туриб ҳўқизидан хабар олди. О!.. Ҳўқиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган... Деҳқоннинг уйи куйса куйсин, ҳўқизи йўқолмасин. Бир қоп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава қамиш — уй, ҳўқиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйиш керак бўлади” (“Ўғри”).

Хуллас, ҳар бир эпик ва лиро-эпик асарни муаллиф нутқисиз тасаввур қилиб бўлмайди — буларда персонажлар нутқи муаллиф нутқи билан пайвандлашиб кетади.

2. **Ҳикоячи нутқи.** Адабиётимиз тарихида яна шундай асарлар ҳам учраб турадики, уларда воқеа — ҳодисалар, қаҳрамонлар руҳияти уларнинг муаллифлари тилидан эмас, балки бошқа шахс — ҳикоя тилидан ривоят қилинади. Фафур Фуломнинг “Ёдгор” повести Жўра, “Шум бола” повести Шум бола, Асқад Мухторнинг “Давр менинг тақдиримда” романи бош қаҳрамон — Аҳмаджон тилидан ҳикоя қилинган. Чингиз Айтматовнинг аксарият асарлари муаллиф тилидан эмас, персонаж — ҳикоячи тилидан олиб борилган.

Бундай чоқда муаллиф тили — ўзга персонаж — ҳикоячининг тилига айланади ва бирмунча қўшимча хусусиятлар касб этади. Ёзувчи асарни, масалан, бола тилидан ҳикоя қиласар экан, муаллиф — ҳикоячи тилида бола руҳиятига ва тилига мослашиш бўлади. Масалан, Чингиз Айтматовнинг “Жамила” повести Жамиланинг ёш қайниси Сеит тилидан олиб борилар экан, ҳикоячи — персонаж тилида ҳам шу бола табиати сезилиб туради. “Бўтакўз” ҳикояси Чингиз Айтматов тилидан эмас, аксинча персонаж — ҳикоячи Камол тилидан олиб борилган. Оқибатда, биринчидан, муаллиф тили бажарадиган вазифани ҳикоячи — персонаж тили бажарган бўлса, иккинчидан, шу ҳикоячи — персонаж тилида ўспириннинг ёшлик хусусиятлари ҳам, тажрибасизлиги ҳам, ўйинқароқлиги ҳам, хуллас, унинг бутун табиати мана мен деб кўзга ташланиб туради.

Бирор номидан ҳикоя қилиш усули тез-тез учраб туради, Ҳатто, Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романни биргина ҳикоячи — персонаж тилидан эмас, балки саккизта ҳикоячи — персонаж тилидан олиб борилган. Бу

эса муаллифга қаҳрамонларни ҳам, воқеа — ҳодисаларни ҳам турли нұқтаи назардан очишга имкон берган.

3. **Персонажлар тили** — бадий асар қаҳрамонларининг нутқи. Ёзувчи жамиятдаги турли-туман табақага мансуб кишилар ҳаётини, ранг-баранг табиатли одамлар характеристини ўрганади ва уларнинг типик тил хусусиятларини персонажларнинг нутқлари орқали акс эттиради. Одатда, қаҳрамоннинг индивидуал тили унинг ўз ҳаёт тажрибаси, дунёқараши, фаҳм-идроқи, хулқ-автори, маданий савиаси, психологияси ва касб-корини равшан характерлаб беради. Қаҳрамоннинг нутқи орқали унинг қандай одам эканлигини пайқаб олиш мүмкін. Ҳар бир қаҳрамоннинг тили ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Ёзувчи персонаж нутқини унинг асарда тасвиirlанган воқеалардаги ўрнига, индивидуал характер-хусусиятларига қараб ишлаб чиқади. Асар қаҳрамонининг табиатига қараб, ёзувчи унинг нутқ тузилиши, сўз бойлиги ва бошқа тил хусусиятларини очади. Қаҳрамонни типиклаштириш ва индивидуаллаштириш мақсадида ёзувчи зарур бўлганда бадий тил лексикаси ресурслари — архаизм, неологизм, профессионализм, диалектизм каби элементлардан ҳам фойдаланади. Бу ўринда, масалан, “Кеча ва кундуз” романида тасвиirlанган Раззоқ сўфи билан Қурбон биби ўртасида бўлиб ўтган бир баҳс-мунозара — персонажлар тилининг ўзига хослигига бир назар ташлайлик. Мана шу эпизод: Раззоқ сўфи тўйдан келиши биланоқ хотини Курбонбибидан Зебини суриштиради:

“У эшикдан кирап-кирмас тўй тўққизини хотинига узатиб:— Қизині қани? — дея сўрайди.

Бу шошилинч савол шўрлик онанинг бағрига тикондек ботди. Ранги дарров олинди...

— Нимага индамайсан, ҳай фитна? Нима бўлди сенга?— деди сўфи. Хотинининг бу аҳволига у ҳам қунт қилган эди.

Курбонби тутимилиб, зўрга-зўрга гап эплади:

— Шу ерда... шу ерда... қизингиз...

Уч бўлиб айтилган шу икки оғиз сўзда ҳам бесаранжом бир жадаллик бор эди. Эрининг бир нарса дейишини кутмасдан бечора хотин бояги бесаранжомлик билан қаторасига уч савол чизиб ташлади:

— Нимайди? Нимага сўрайсиз? Чақириб берайми?

Бирин-кетин ва шошилиб берилган бу уч савол она-нинг қалбида ёлғиз боласига қарши қандай зўр муҳаббат сақланганини Рассоқ сўфидай бир одамга ҳам керагича кўрсата олган эди. У ясама бўлса ҳамки кулимсирагандай бўлди.

— Қизим бўлади-ю сўрамайманми? Қизиқ экансан...

Курбонбиби энди ўзига кела бошлади... Лекин онанинг кўнгли ҳали ҳам тинчимаган эди:

— Зебини нимага сўравдингиз? — деди яна.

Энди бу сафар сўфининг аччиғи келди ва бирданига:

— Ўз қизимни сўраёлмайманми! — деб ўшқирди.

— Ҳа, бўпти... бўпти... Бақирмай қўя қолинг! — деди кампир ва шошилганича уйга кириб кетди...

Уйга кириб эшикларни беркитдиргандан кейин Рассоқ сўфи сўз очди:

— Зебо қачон келди?

— Сиз кетган куни...

— Икки кунга деб кетган нарса неча кун юрди, билсанми?

— Эшонойим қўймабдилар...

— Ўзингиз, ахир, “майли, эшонойимнинг раъйларига қарасин” демабидингиз?

— Э, раъйлари курсин, раъйлари! Ёш болани бир ҳафта — ўн кун сақлайдими?

Кампир нима дейишни билолмай қолди. Кечагина бутун ихтиёрни эшонойимга бериб қўйиб, бугун эшонойимнинг табаррук раъйларини ҳам сўкиб ўтирган бу жоҳил сўфига нима деб бўлади?...

Бу эпизоддан аниқ сезилиб турибдики, баҳслашувчи икки персонаж — Рассоқ сўфи ва Курбонбиби — иккаласи икки дунё: бири ўта жоҳил, дағал, тажанг; иккинчиси — хўрланган, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари, оналик туйгулари топталган, забун инсон; она ёлғиз қизи — кўзининг оқуқораси Зебини ҳимоя қилмоқчи ва жоҳил ота унинг ҳисстайгулари билан ҳисоблашишни хаёлига ҳам келтирмайди — жаҳолат Зебининг қисматини ҳам олдиндан белгилаб қўйгандай...

Худди шунингдек, бу ўринда “Бой ила хизматчи”даги Фоифрнинг шариат пешволари билан тўқнашув эпизоди-

ни эслаш жоиз бўлса, бу полилогда иштирок этган Фофир, қози домла, имом, Ҳасан элликбошиларнинг тиллари шу қадар типиклаштирилган ва индивидуаллаштирилганки, натижада уларнинг ҳар бири ўз сўзлари билан ўзларини характерлашга имкон беради: Фофир — меҳнаткаш халқ вакили, ор-номусли, ҳалол ва тўғри сўз инсон. У “пул, мол йўлида ҳалок бўлгандан кўра, ишқ-муҳаббат йўлида ҳалок бўлиш”ни баҳт деб билади. Айни чоқда, у Солиҳбой ва унинг гумашталари — шариат пешволарининг меҳнаткаш халққа душман эканини англаб етган — золимлар дунёсига қарши исён кўтарган довюрак ва курашchan инсон. Бу хусусиятлар асосан Фофириңинг айтган сўзлари-ю қилган ишларида аниқ сезилиб туради. Фофириңинг сўзлари содда, равshan, мантиқли, “дехқонбоп”.

Полилогдаги шариат пешволари ҳам тўла индивидуаллаштирилган: бу шахслар — шариат пешволари — бир табақа вакиллари. Уларнинг нутқлари ҳам ижтимоий табиатларига мос: қози нутқи “сартопо”, “рўшнолик”, “шикастлик”, “мусулмон”, “амри фармон”, “кибриё назар эшон”, “шариат”, “инод”, “ҳамоқат”; имом нутқи “пошшолик”, “кулли шайъин яржиу ило аслиҳи”, “ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан”, “қолу бало” каби арабий-форсий сўзлар, мақоллар, диний иборалар, архаик сўзлар билан безалган. Айни чоқда, қози — ўта айёр, пиҳини ёрган туллак, ҳийла-найрангга устаси фаранг бўлса, домла — қўрс, фаросати камроқ; Ҳасан элликбоши — “чумчук пир этса, юраги шир этадиган” шахс.

### **Таъриф-тавсиф (характеристика)**

Адабий асар тилида таъриф-тавсиф (характеристика — лот. charakter — хосса, хусусият) усули ҳам

муҳим ўрин тутади. Негаки, Ҳазрат Навоий айтганларидек, инсон сирлар хазинаси экан, мана шу инсонни кўрсатиш, унинг хатти-ҳаракатларини асослаш, маънавий — руҳий дунёсини ифодалаш, характер қирраларини очиш ёзувчининг асосий вазифаси. Мана шу сиру асрорлар хазинасидан хабардор бўлишда ёзувчининг таъриф-тавсифлари китобхонга асқотади. Баъзан ана ўнудай таъриф-тавсифларсиз қаҳрамонни тўғри тушуниш, унинг хатти-ҳаракатларига тўғри баҳо бериш foятда мушқул бўлиб қолади.

Шу важдан асар матнидаги таъриф-тавсифларга ҳам алоҳида эътибор бермоқ зарур.

Таъриф-тавсиф (характеристика) — маълум бир ҳодиса, киши ёки предметга хос ҳусусият ва сифатни аниқлашадир. Бадий асар тилида таъриф-тавсифнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Таъриф-тавсифда, биринчи навбатда, муаллифнинг ўз қаҳрамонига муносабати — позицияси ифодаланади, иккинчидан, китобхонларда уларга фаол муносабат (симпатия ёки антипатия) ҳислари уйғотилади. Таъриф-тавсиф, одатда, икки хил бўлади: муаллифнинг таъриф-тавсифлари ва персонажларнинг нутқий таъриф-тавсифлари.

а) **Муаллиф томонидан қаҳрамонга берилган таърифтавсифлар**. Агар ёзувчи асар қаҳрамонининг келиб чиқиши, фаолияти, хулқ-автори, ахлоқ-одоби, идроки, қобилияти, интилиши, ташқи қиёфаси ва бошқалар ҳақида маълумот — баҳо берса, бу **муаллиф таъриф-тавсифи** деб юритилади. Масалан, “Кутлуг қон” романида муаллиф томонидан қаҳрамонларга берилган қуйидаги таърифтавсифларга эътибор қилинг-а, улар қанчалик сермањо: “**Мирзакаримбой илоннинг ёини ялаган одам эди: ҳамма бойлар каби айёр, мугамбир, пухта-пишиқ; у юраксиз эмас, балки ҳар ишда эҳтиёткорликни маъқул кўрар эди. Мана шулар орқасида у, камтарин маҳалла бақдолининг ўғли Карим читтак**, — кичкина, лекин характерлари чаққон ва илдам бўлганидан, ёшлиқда шундай лақаби бор эди, — ҳозир кимсан Мирзакаримбой!.. У Тошкентнинг энг олдинги бойларидан...” Йигирма уч ёшли йигитча — **Йўлчи** — асар бош қаҳрамонига муаллиф Мирзакаримбой дидига қиёсан шундай баҳо берган: “**Унинг арслондай кўркам гавдаси, кенг пешонаси, чуқур самимият ифодаси билан тўла йирик, хушёр кўзлари, кир яктаги ичидаги қавариб турган кенг кўкраги, бақувват кўллари, сўзларидаги қишлоқ-ча соддалик ва тўғрилик** (бу ҳусусиятни камбағал одамлардан катта фазилат деб топар эди бой) **унга жуда ёқди. “Обдан чиниққан йигит, унга берилган овқат бехуда кетмайди”, деб ўйлади у. Лекин шу билан баравар, Мирзакаримбой Йўлчининг бутун сиймосида катта жасорат ва ғурур сезди. Бу сифат унга жилла маъқул тушмади”.**

**Мирзакаримбой, Йўлчи, Ёрматларга муаллиф томонидан берилган таъриф-тавсифлар**, биринчидан, ёзувчининг

шу образларга бўлган муносабатини кўрсатган бўлса, иккичидан, бу образларни тўла маънода индивидуаллаштирган, уларни жонли одамлардек ҳаётий ва ҳаққоний чиқишига кўмаклашган ва, учингидан, китобхонларда уларга нисбатан муайян муносабат ҳисларини уйғотган, образлар моҳиятини чукур тушунишга йўл очган.

б) **Персонажларнинг нутқий таъриф-тавсифлари** — қаҳрамон образининг ички дунёсини очишнинг муҳим воситаси. Қаҳрамонларнинг руҳий аҳволи, психик қайфиятлари, кечинма ва ҳис-туйғулари бевосита уларнинг гап-сўзларида намоён бўлади. Чунки қаҳрамонлар нутқи уларнинг бевосита психик ҳаёти, руҳий ҳолати маҳсули сифатида пайдо бўлади. Масалан, “Синчалак” повестида Қаландаров руҳиятидаги ўзгаришлар унинг ўзи томондан асарнинг боши ва охирида айтилган “мўрт” сўзи орқали яхши ифодаланган (“мўртгина нарса экансиз, қийналиб қолмасми-кансыз?”; “Ўзим мўрт бўлмасам синмас эдим...”).

Персонажларнинг нутқий таъриф-тавсифлари ҳам икки хил усулда берилади:

в) **Персонажлар ўз-ўзини таъриф-тавсиф этади**, яъни қаҳрамоннинг гап-сўзлари унинг қандай одам эканлигини аниқ кўрсатиб туради. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан” қиссасидаги Калвак маҳзумнинг кўйидаги “ҳасрати” — гап-сўзларини ўқиб кўринг-а, унинг ниҳоятда тубан одам эканлигини дарҳол пайқаб оласиз: “Эй боши бўш донолар, эй қовоқ кийган диндошлар,вой мусулмони комиллар!

Замона охир бўлди: кўб бехуда ишлар чиқди. Шариат пешаларнинг ишлари авж олиб, бизнингдек факирлар хор бўлди. Кийимлар қисқарив, сочлари узайди; эркаклар хотун, хотунлар эркак қиёфасига кирдилар. Барчадан ақл кетди; ҳамма гумроҳ; борар йўлидан, қилар ишидан адашди; уламога ҳурмат, ёшларга шафқат, ўғлонларга муҳаббат йўқ! Бас, буларнинг барчаси охир замон аломати бўлмай нима бўлсун?!

Тунов куни икки чоракли салла бошимда, юз битталик тасбеҳ қўлимда, малла чопон эгнимда кўча-бакўча, гузар-багузар кезиб охир замон ишларини бирма-бир томоша қилур эрдим. Мишиқи — тупуги оққан болагиналар ярим белдан лой кечиб, ит уриштириш билан машғуллар, кўриб зиёда завқим келди...

Бозорга қараб борур эрдим. Ёнимдан худди құғирчоқ-нинг боласидек ўрусча кийим ёсонғон, қўлида чўчқанинг терисидан ёсолғон нарса китоблар солғон ўн икки ёшор чамолиқ бир қиз бола шипиллаб ўтиб кетди. Ўз-ўзимга, тўхтачи, шу мочағар билан бир сўзлашай, деб:

- Тўхта, қиз! — дедим. Тўхтади.
- Қаёққа борасан?
- Мактабга.
- Мактабинг қаерда?
- Шу яқинда.
- Отин ойинг борми?
- Бор.
- Отин ойингнинг эри нечта?..
- Ўруснинг инжилини ўқияпсанми? — деб сўроғон эдим, бунга жавоб бергиси келмади...

Қизи тушкурнинг ҳали қитиқ пари ўлмаган экан: юзи-ни чирт ўтириб: “Ху, соқолинг кўксңигга тўкилсун!” деб қарғади ва йўлига югуриб кетди”.

Қаҳрамоннинг ўз-ўзини очиши, характерлаши деганда биз мана шу усулни назарда тутамиз.

г) **Персонажларнинг бир-бирини таъриф-тавсиф этиши.**

Ёзувчилар қаҳрамонларнинг бир-бирига берган баҳоси усулидан ҳам фойдаланадилар. Масалан, “Синчалак”да Но-сиров Қаландаровга шундай баҳо беради: “Менинг били-шимча Қаландаров тошқин сув: тегирмонни бузиши ҳам мумкин, юргизиши ҳам мумкин”. Шу асарда Қаландаров Саидага “синчалак” деб баҳо берган бўлса, Саида унинг бақироқлигига ишора қилиб, уни “хўроз”га ўхшатади ва ҳоказо.

Хуллас, бадиий асарда таъриф-тавсифлашнинг ранг-баранг шакллари, турли кўринишлари ва усувлари учрайди.

**Тавсифлаш вositалари** Адабий асардаги қаҳрамонлар-ни таъриф-тавсиф этишда ёзувчи-лар ранг-баранг бадиий тасвир во-ситаларидан фойдаланадиларки, шулардан айримларини кўздан кечирайлик.

1. **Монолог** (юнон. monos + logos = бир сўз) — асар қаҳрамонининг суҳбатдошига, ўзига, баъзан китобхон-то-мошибинларга қаратса айтган гап-сўзи, нутқи. Монолог қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини, фикр-мулоҳазалари-

ни ифодалайди, образнинг моҳиятини очади. Баъзи мисоллар: Ҳамид Олимжон “Муқанна” драмаси финалида Муқанна тилидан шундай монолог беради:

Халқа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,  
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ.  
Мен элимнинг юрагида яшайман,  
Эрк деганинг тилагида яшайман...

Бу сўзлар араб босқинчилариға қарши VII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро музafferотида юз берган халқ қўзғолони бошлиғи, она-юрт истиқтоли, ўз элининг эрки-бахти йўлида тенгсиз жангда жасорат кўрсатган — тириклийин ёвга бўйин эгишдан ўлимни афзал кўрган — эл баҳодирининг қалб нидосидир. Шу сўзлар шоирнинг қабр тошига ўйиб ёзилиши ҳам бежиз эмас: халқ маънавияти йўлида фидойилик кўрсатган шиорнинг ҳам умри боқе!

Монологнинг яна бир гўзал ва мукаммал намунаси сифатида машхур бўлиб кетган Алишер Навоий (“Алишер Навоий” драмаси) қалб садосини тингланг-а, у нақадар нафис ва таъсирчан:

Куй!  
Ғазал!.. Оҳ!.. Қайтадан тирнар ярамни.  
Тағин эслатди у машъум ҳарамни...  
“Фақат бир илтимос: кўркам чаманда,  
Очиб гул фунчалар этганда ханда,  
Жувонмарг фунчани эса, ёд эт!..”  
Унутма, доимо руҳимни шод эт!..”  
Унутмайман сени токим, тирикман,  
Сени жон ўрнида сақлар тирик тан.  
Ҳамон сен қалбимга илҳом солурсен,  
Менинг шеърим билан мангу қолурсен.  
Сенга беш бебаҳо ҳайкал қуурмен,  
Гаҳи Ширин, гаҳи Лайли бўлиб сен,  
Яшарсен доимо достонларимда...  
Хазонсиз гул бўлиб бўстонларимда...  
Мен эрсам, ғам билан йиглаб кетарман,  
Сенинг ишқинг билан танҳо ўтарман...

Бу монолог ҳеч қандай таъриф-тавсифга муҳтоҷ эмас. У Навоийнинг қалб қўзғуси — бу кўзгу эса қаҳрамон қалбини бус-бутун ифода этган.

Монолог деганда биргина иштирокчиси бўлган асарлар ҳам тушунилади.

Монолог, одатда, ички ва сиртқи бўлади.

**Ички монолог** — қаҳрамоннинг ўз-ўзи билан ичдан (руҳан) гаплашиши, фикрлаши, ҳис-туйгуларининг ички ифодаси. Ички монологда қаҳрамон ўзининг сирли, яширин фикрларигача айтади. Шу боисдан ички монолог орқали қаҳрамон китобхон олдида ўз-ўзини очади. Натижада унинг шахсиятида ҳеч нарса сирли ёки тушунарсиз бўлиб қолмайди. Одатда, ички монологларда қаҳрамон ҳаётининг энг кескин моментлари ифодаланади. Бу ўринда, “Кутлуғ қон”-даги Йўлчининг қуидаги ички монологи мағзини чақиб кўринг:

“Ажаб дунё экан! Ҳар ерда деҳқоннинг иши чатоқ. Ери бўлса, улови йўқ. Улови бўлса, ери йўқ. Кўпида иккиси ҳам йўқ. Мана, мен!.. Ҳозир қаёққа қарасанг, менга ўҳашшлар... Ҳалиги деҳқон қовун экибди. Қанча меҳнат, қанча машаққат! Ёлғиз ўзи эмас, бутун уй-ичи билан ишлаган, албатта, дастлабки сотиш бу хилда бўлиб чиқди. У молини сотмади — сувга оқизди. Йўқ, сувга оқизганда баттар бўлди. Лоақал ўн беш сўм турадиган қовунни тўрт яrim сўмга сотсин, буни ҳам биронвнинг аравасини тузатишга тўласин. Фойдани тулки баққол урди. Вой ҳароми, ноинсоф! Мен бундай мўлтонини сира кўрганим йўқ эди... Энди деҳқон ўз отасининг шаҳардан қайтишини тўрт кўз билан кутган болалари олдига қандай боради. Уларга нима дейди? Қип-ялангоч болалар: кийим қани деса, нима кўрсатади? Тўй ўрнига аза!..”

Монологлар гоявий мазмунига кўра: монолог-хотира, монолог-муҳокама, монолог-орзу каби турларга бўлинади.

Монолог-хотирада қаҳрамон ўз ўтмишини, бошидан кечирган кечинмалар ва психологик ҳодисаларни эсласа, монолог-муҳокамада ёзувчи персонажнинг муҳим ва зарур масалалар бўйича фикрларини умумлаштириб беради, монолог-мулоҳазада қаҳрамоннинг индивидуал, эпик ва психологик хусусиятлари акс этса, монолог-орзуда персонажнинг интилиши ва орзу-ҳаваслари ифодаланади. Масалан, монолог-муҳокамага Саида (“Синчалак”)нинг Қаландаров билан тўқнашувидан сўнгти ўйларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Хўш, нима гап ўзи, — деди ўзича, — нимага келаётибман, каравотга ўзимни ташлаб йиғлаганими? Кўз ёши ё кўнгилдаги ғам-ғуссанинг дамини кесиш, ё бераҳмнинг раҳмини келтириш учун тўқилади, менинг кўнглимда қанақа фусса бор, йиғлаб кимнинг раҳмини келтироқчиман? Раис мени чертган бўлса, мендан шапалоқ егандай бўлди. Мени енгмоқчи бўлиб ўзи енгилди. Унинг сўз тополмай кўл кўтаргани — кучи шляпага етгани шуни кўрсатмайдими?!

“Синчалак”дан яна мисоллар келтирайлик: Саида: “Мухбирнинг айттани рост бўлса, демак мен “нозик меҳмон” бўлсан керак...” (Монолог-хотира).

Саида: “Нима бўлди экан, кеча ҳамма нарсани очик-ойдин айтган эдим, ҳаммасига тушунган, хурсанд бўлган эди-ку...” (Монолог-мулоҳаза).

Саида “Бўстон” колхозига ишга юборилаётганлигини эслар экан, гимнастёрка кийиб колхозни айланишни, катта йиғилишларда нутқ сўзлаб, кишилар диққатини ўзига тортишни хаёл қиласди. (Монолог-орзу).

2. **Диалог** (лот. *dialogos* — икки шахс орасидаги сўз) — бадиий асарда икки персонаж орасида бўлган баҳс-муно-зара, савол-жавоб, суҳбат. Адабий асарларда, хусусан, саҳна асарларида диалог қаҳрамонлар характеристики очувчи асосий воситалардан биридир. Одамларнинг ўзаро баҳси, суҳбати тарзида ёзилган бадиий асарлар ҳам диалог деб юритилади. Масалан, А.С.Пушкиннинг “Китоб сотувчининг шоир билан суҳбати” Эркин Воҳидовнинг “Қалам ҳақи ва ойлик” шеърлари диалог усулида ёзилган. Чингиз Айтматовнинг “Сомон йўли” повести бош қаҳрамон Тўлғайнойнинг Ер билан диалоги шаклида битилган.

Бадиий асарда диалог муҳим роль ўйнайди: қаҳрамонлар характеристики очади, даврни ифодалайди, вазиятни акс эттиради... А.С.Макаренко диалог ҳақида шундай дейди: “Диалог — прозанинг энг қийин бўлакларидан биридир. Ҳаётдаги диалогни яхши билмоқ керак. Қизиқ диалогни ўйлаб чиқариб бўлмайди...

Диалог жўшқин бўлиши, кишининг руҳий кечинмаларини кўрсатибгина қолмай, характеристики ҳам очиб бериши лозим”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Бадиий ижол ҳақида, 49-бет.

Масалан, Фарҳод билан Хусрав (“Фарҳод ва Ширин” достони) диалоги ўзининг кескин драматизми билан ажралиб туради — шу баҳс-мунозарада ҳар иккала персонаж характери узил-кесил очилади. “Ўтган кунлар”даги Отабек билан Кумушбибининг тўй мажлисидаги учрашуви — диалоги рухият түгёни, чуқур лиризм ва романтик ҳисторийгулар нишонасиdir.

“Улуғбек хазинаси” романида мағлуб Улуғбек ва ғолиб Абдуллатиф — ота-бала — рақиблар диалоги бутунлай бошқача руҳда:

“Мирзо Улуғбек қўнгли юмшаб, шаҳзодага юзланди, дилидаги изтироб аралаш фуруни босиб:

— Шаҳзодаи жувонбахт! — деди секин. — Тахтимнинг валиаҳди сен эдинг. Олло таолю фақирни ўз раҳматига чорласа бу тахтта сен ўлтирур эдинг. Оллонинг инояти билан кўзим тиригида бу баҳт сенга насиб бўлибди, мен бунга розимен...

Шаҳзода қўлларини олтин тахтнинг суюнчиқларига тираб, совуқ кулимсиради:

— Балли сизга, қиблагоҳ! Ва лекин мен бу тахтни сизнинг ихтиёргиз билан эмас, бирламчи ҳақ таолонинг инояти, иккиламчи ўз куч-кудратим ила қўлга киритдим!

Мирзо Улуғбек лабларини қаттиқ қимтиб:

— “Бургут! — деди ичидা. — Қора бургут!. Унинг қўнглига ёпирилиб келган меҳр изғирин теккан шамдай сўниб, юраги яна музлади”.

Мана шундай эпизодларда ота-бала рақиблар — бири буюк инсон, иккинчиси мансабпарат, шуҳратпарат тубан одам намоён бўлади.

3. **Полилог** (юнон. poly — кўп, logos — сўз) — асарда уч ва ундан ортиқ персонажларнинг баҳс-мунозаралари, тортишуви, савол-жавоби. Адабий асар тилида монолог ва диалоглар қанчалик катта роль ўйнаса, полилог ҳам foятда аҳамиятлидир. Мана бир мисол. “Ўтган кунлар” романи бошларида Раҳмат, Отабек ва Ҳомидбой ўртасида бўлиб ўтган қўйидаги баҳс-мунозарага эътибор қилинг-а, ҳар учала қаҳрамоннинг ҳам қанақа одам эканлигини осонликча пайқайсиз: “— Менимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, — деди Раҳмат ва Отабекка юз ўғирди. — Уйлан-

ган хотининг таъбингта мувофиқ келса, бу жуда яхши, йўқса мунчалик оғир гап дунёда йўқ!

Отабек бу сўзини самимият билан қаршилади:

— Сўзингизнинг тўғрилигига шубҳа йўқ, — деди, — аммо шуни ҳам қўшмоқ керакки, оладиган хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробаринда, эр ҳам хотинга мувофақаттабъ (таъбга мос) бўлсин.

— Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликнинг унча кераги йўқ, — деди Ҳомид эътиrozланиб. — Хотинларга “эр” деган исмнинг ўзи кифоя... Аммо жиян айтгандек, хотин деган эрга мувофиқ бўлса бас”. Демак, мазкур полилог ўз вазифасини яхши оқладай олган.

Ҳамзанинг “Мевалар можароси”, Уйгуннинг “Куз кўшиқлари”, Абдулла Ориповнинг “Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси” шеърлари ҳам полилог усулида ёзилган.

**4. Портрет** (франц. portrait — тасвир) — бадий асарда кишининг ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим-кечаги ва ҳоказолар тасвири. Портрет атамаси, одатда, икки маънода, яъни қаҳрамоннинг ташқи кўриниши (тор маънода) ва қаҳрамоннинг индивидуал-психологик қиёфаси (кенг маънода) кўлланилади. Санъаткор ёзувчи қаҳрамоннинг ташқи қиёфасини чизиш орқали ҳам унинг руҳиятига киришга интилади. Ҳусусан, портрет унсурларидан кўз, юз, кулги, кўз ёши ва бошқалар санъаткор учун қаҳрамон руҳий дунёсини очувчи калит бўлиб хизмат қиласиди.

Умуман, портрет орқали қаҳрамонни таъриф-тавсиф қилиш санъати бадий ижодда муҳим роль ўйнайди. Куйида келтириладиган қаҳрамон портретларини ўқиб, мағзини чақишига ҳаракат қилинг:

Дастлаб “Ўтган кунлар”даги портретларга назар ташлайлик. Мана ижобий образлар: **Отабек портрети:** “...оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган қора кўзли, мутаносиб қора қошли ва эндиғина мурти сабз урган бир йигит”. **Кумушбиби портрети:** “...уйнинг тўрига солинган атлас кўрпа, пар ёстиқ кучоғида, совуқдан эринибми ё бошқа сабаб биланми, уйғоқ ётган қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турли томонига тартибсиз суратда тўзғиб, куюқ жингала кипприк остидаги тим қора кўзлари бир нуқтага тикилган-да, нимадир бир нар-

сани күрган каби... қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийик қошлари чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлган ойдек губорсиз оқ юзи бироз қизилликка айланганда, кимдандир уялган каби... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўтириди. Сарик рупоҳ атлас кўйлакнинг устидан унинг ўртача кўкраги бироз кўтарилиб турмоқда эди. Туриб ўтиргач, бошини бир силкитди-да, ижирғаниб қўйди, силкиниш орқасида унинг юзини тўзғиган соч толалари ўраб олиб бир суратга киргизди. Бу қиз суратида кўринган малак қутидорнинг қизи **Кумушбиби** эди!".

А. Қодирий "Мехробдан чаён" романидаги Ръяно портретини ҳам мўйқалам билан чизилгандай гўзал қилиб тасвирлайди.

**Отабек, Кумушбиби** ва **Ръяно** портретлари шундан гувоҳлик берадики, ёзувчимиз Абдулла Қодирий унча-мунча мусаввирга насиб қиласкермайдиган даражада рассомлик санъатини ҳам эгаллаган экан — бу рассомлик сўз санъати рассомлигиdir. Айни тоғда, мазкур портретларда олам-олам мазмун ҳам бор — қаҳрамонлар маънавиятидан, руҳиятидан нишона бериб турибди...

5. **Мимик-пантомимик ҳаракатлар, имо-ишоралар** — қаҳрамонлар қалб диалектикасини, руҳий қиёфаларини, индивидуал жиҳатларини очишга хизмат қилади. Масалан, "Синчалак" повестининг охирроғида Қаландаров Саида устидан юқори ташкилотларга шикоят қилишга борганида ўз хатосига тушунади, қилган ишидан пушаймон ейди, уйига оғир кайфиятда қайтиб келади. У Саидани чақиртириб, унинг "соғлик-омонлик" сўраб айтган гапларига жавоб бермай, қўли билан "ўтири" деб ишора қилади". Бу ишора — Қаландаровнинг шу сониядаги кайфиятига мос.

Мимик-пантомимик ҳаракатларда, имо-ишораларда қаҳрамоннинг айни дамдаги руҳий аҳволи, оний кайфияти, ўша сониядаги туйгулари ҳам ифодаланади. Чунончи, Саида мажлисда тартиб-интизомни писандада қилиш учун, гарчи ҳамма Қаландаровнинг мажлисдан кетишига руҳсат берган бўлса ҳам, уни овозга қўйишини таклиф қилади. Шу жараёнда Қаландаров қалбida турли қутбдаги ҳисларнинг

шиддатли кураши бораётган эди. “Таклиф овозга қўйилди. Қаландаров жуда хижолатли бир маросимни ўтказаётгандай қип-қизариб, илжайиб, кўзи кўзига тушган одамга “майли, кўя бер, аҳамияти йўқ”, деган маънода кўз қисиб, тикка турар эди”.

6. Туш — қаҳрамонни психологик жиҳатдан характерловчи поэтик воситалардан ҳисобланади. Туш орқали ёзувчи, асосан, ўз қаҳрамонлари ички дунёсини, руҳий ҳолатини, кечинма ва драмаларини, орзу-хаёлларини очишига интилади. Туш — образларни индивидуаллаштирувчи восита сифатида ҳам хизмат қиласи.

Масалан: А.Қаҳҳор “Сароб” романида қўйидаги туш тасвири орқали Саидий характерининг моҳиятини очади. Саидий уйғоқ ётгани ҳолда туш кўради: “У оламшумул ёзувчи: американлик муҳаррир сингари ҳар куни бир устунлик нарса ёзib, йилига ўн икки минг олтин маош олади...”

Бу туш-ҳавойи. Унда Саидийнинг ҳавойи орзу-ҳавоси ўз ифодасини топган.

#### **Махсус лексик қатламлар**

Адабий асар тили(асосан персонажлар нутқи, қисман муаллиф нутқи)да бир неча ғоявий-бадиий мақсадларда тилнинг махсус лексик ресурслари — эскирган сўзлар, неологизмлар, варваризмлар, вульгаризмлар, диалектизмлар, жаргон сўзлар, профессионализм (касб-корга оид махсус сўзлар)лар, фразеологизмлар, маҳаллий жой билан боғлиқ сўзлар, мақоллар-мatalлар, ҳикматли сўзлар, фольклоризмлар ва бошқалар кўлтанилади. Асар тилини типиклаштиришда, давр руҳини акс эттиришда, қаҳрамонлар тилини индивидуаллаштиришда, персонажларнинг муайян вазиятдаги руҳий кечинмаларини ифодалашда, уларнинг касб-кори ва маънавий савиясини кўрсатишида ёзувчига махсус лексик ресурслар жуда қўл келади. Шунингдек, лексик ресурслар адабий асар тилини бойитади, бадиий тилнинг образли ва таъсирчан бўлишига кўмак беради. Кўйида тилнинг махсус лексик ресурсларидан баъзи бирлари устида-гина ихчам-ихчам тўхталиб ўтмоқчимиз. Чунончи:

1. **Эскирган сўзлар.** Сўз ифодалайдиган тушунча ҳаётда йўқолиши ёхуд шу тушунчани ифодалайдиган бошқа сўз пайдо бўлиши билан шу хил сўзлар аста-секин эскириб, муомала-муносабатдан чиқа боради. Бундай сўзларнинг ки-

шиларга тушунарли бўлиши ҳам борган сари қийинлашиб бораверади, ҳатто, баъзи эски сўзларнинг маънолари бутунлай тушунарли бўлмай қолиши мумкин. Бундай сўзлар китобларда қўлланилганда, уларга, албатта, изоҳ берилади. Шу хил сўзлар илмда эскирган сўзлар деб юритилади. Тарихий, тарихий-инқилобий мавзулардаги бадиий асарлар тилида конкрет ғоявий-бадиий мақсадларда ана шундай эскирган сўзлар ҳам муайян меъёрда қўлланилади. Бундай сўзлар, биринчидан, давр руҳини ифодалашда, иккинчидан, қаҳрамонлар тилини индивидуаллаштирища ёзувчига қўл келади. Чунончи, “Ўтган кунлар” романида арабча-форсча ва эскирган сўзлар маҳорат билан ишлатилган — бу сўзлар XV аср ўрталаридағи ўзбек тили ва шу даврнинг тарихий руҳини ифода қиласан.

Эскирган сўзлар икки хил бўлади: тарихий сўзлар ва архаизмлар.

**Тарихий сўзлар** — ўтмишда маълум тушунчаларни ифодалаган, аммо кейинчалик, шу тушунчаларнинг ўзи йўқолиб кетиши билан уларнинг ифодаси сифатида истеъмолдан чиқиб кетган сўзлар. Масалан, ёргучоқ, файтун, қози, қаландар, ясовул, чарх, каби сўзлар тарихий сўзлар. Ҳозирги адабий тилимизда ҳам, жонли сўзлашув нутқида ҳам бу хил сўзлар (бундай сўзларнинг синоними ҳам бўлмайди) қўлланилмайди. Тарихий сўзлар йўқ бўлиб кетган нарса ёки тушунчалар ҳақида гап боргандагина фойдаланилади. Бадиий асарда тарихий сўзлар ёзувчининг ғоявий-бадиий мақсадини амалга оширишга ёрдам беради. Масалан, Абдулла Қаҳҳор “Ўғри” ҳикоясида элликбоши, амин, пристав каби амалдорлик номларини қўлламаганида эди, ўша давр руҳини бу қадар ёрқин ифодалай олмас эди. Одил Ёқубов “Улуғбек хазинаси” романида подшо, сulton, аркони давлат, пир, қаландар, бек, шаҳзода каби тарихий сўз ва ибораларни маҳорат билан қўллаш орқали ҳам XV аср руҳини ифодалашга муваффақ бўлган. Шу ўринда роман бош қаҳрамони Мирзо Улуғбекнинг бир ички монологини эслайлик: “Ё тавба! Бу **тожу тахтда** не сехр, не сир-асрор бор эканким, унга ўлтирган ҳар бир кимса дарҳол ўзгаради? Одамийликни, умри бебаҳо бир **фақир-ҳақир** эканини дарҳол унугатди? Бу **тожу-тахт**, бу **салтанат** ҳеч кимсага вафо қиласлигини ёдидан чиқаради? Наинки

шаҳзода, бу таҳт ҳаттотким амирул муслимун аталмиш Амир Темурга ҳам вафо қилмаганини тушунмайди? Ана, гёй бо-боси Амир Темурдай гердайиб ўлтирибди! Билмайдиким... йўқ, тўхта, Муҳаммад Тарагай! Нечун сен шаҳзодадан ранжийсен? Бу вафосиз **тоҷу-таҳт**, инсонлар устидан ҳокимлик қилмоқ лаззати ўзингни ҳам ақли хушингдан айирмаган эдиму? Шаҳзода яхши бўлсун, ёмон бўлсун — ўз фарзандинг, ўз пушти камарингдан бўлган зурриётинг эмасми?.. От тепкисини от **кўтариадур**. Уни қарғаб ёмонлик тилагандан яхши сўзингни сўзлаб, насиҳатингни қилганинг **мақбул** эмасму, эй осий банда?”

Ички монологдаги остига чизилган сўзлар ва грамматик шаклларнинг мағзини чақиб кўрсангиз — кўз олдингизга жонли Улугбек шахси ва унинг фожиаси келади. Бу — XV аср садоси!

**Архаизм** (юнон. archaios — қадимги сўз) — актив сўзлар қаторида синоними мавжуд бўлган эски сўзлар. Бу ўринда сўзнинг шакли эскирган, аммо маъноси сақланган — бошқа сўзга кўчган бўлади. Масалан, ораз — юз, дудоқ — лаб, муҳр — печать, улус — халқ, ақча — пул, шўро — совет, фирмә — партия, жумхурият — ҳокимият, мажмуа — тўплам каби сўзларда сўзнинг биринчи шакли эскирган, аммо унинг иккинчи шакли ҳозирги адабий тилимизда актив адабий сўзлар қаторида қўлланилади. Шундай сўзларнинг биринчи шакллари архаик сўзлардир.

Бадиий асарлар тилида архаик сўзлар ва иборалар айрим вақтлардагина конкрет ғоявий-бадиий мақсад билан қўлланилади. Чунончи, тарихий ёки тарихий-инқилобий мавзулардаги асарларда тасвирланаётган воқеа рўй берган жой ва тарихий шароитларга мос ифодалар ишлатиш зарур бўлганда, персонажлар тилини типиклаштириш жараёнида ва бошқа услубий мақсадларда архаик сўз ва иборалар қўлланилади.

Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ойбек, Собир Абдулла каби сўз усталари архаизмлардан маҳорат билан фойдаланганлар. Мисол: С. Абдулла “Янги йил алёри” шеърида шундай дейди:

То дунё бор шундай яхши замон бўлсин,  
Дўстларимиз ҳар доим омон бўлсин.

Собир айтар, душман сўлсин, сомон бўлсин,  
Унга лаънат, дўстга қутлуғ *ашъор* айтинг.

## Ёки “Навоий” романида:

Ҳикмат ва файратни асло қўлдан берманг, — деди Навоий суюниб, — эл-улус сиздек зотларга фоят муҳтождир.

Бу мисолларимиздаги “ашъор” (шеър), “эл-улус” (халқ) сўзлари архаизмлардир. Шунингдек, М. Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек”, О. Ёкубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Мирмуҳсиннинг “Меъмор” каби асарларида ҳам архаизмлар маҳорат билан ишлатилган. Шоир А.Орипов “Аён бўлгай” газалида ёзади:

Агар ёринг хиром этса,  
Саболардан аён бўлгай,  
Такаллуми чаман берган  
Садолардан аён бўлгай.

Бу байтдаги “сабо”, “садо”, “такаллум” сўзлари маҳорат билан ишлатилган архаик сўзлардир.

Архаизмлар асарга тантанаворлик, дабдабали тус берини ёки кесатиқ, масхара қилиш каби мақсадларда ҳам ишлатилади.

2. **Неологизм** (юнон. *neos+logos* — янги сўз) — ҳаёт янгиликларини ифодаловчи янги сўзлар, халқ ёки ёзувчи томонидан янгидан ясалган сўзлар.

Жамият тараққий этган сари янги тушунчалар пайдо бўлади ва уларни янги сўзлар орқали ифода қилиш эҳтиёжи туғилади. Натижада янги сўзлар юзага келади. Чунончи, футбол, волейбол, хоккей, электр, трактор, ракета, сунъий йўлдош каби жуда кўп сўзлар ўзбек тилига кейинчалик кириб келган сўзлардир.

Масалан, F.Фулом шеърининг бир бандини олиб кўрай-лик:

Футбол майдонидир космос кенглиги,  
Бизнинг ракеталар етди нишонга.  
Ойнинг орқа тараф суратин одлик,  
Бу шараф муборак улуғ инсонга.

Бу банддаги “футбол”, “космос”, ракета” сўзлари неологизмлардир. Чунки, мазкур сўзлар ҳәётимизда пайдо бўлган янги нарсаларни, техника янгилигини ифодалайди.

Лекин ҳар қандай ясама сўз ҳам тилга сингиб кетавермайди. Бир янги сўз тилга кириб кетиши учун биринчидан, шу сўзга жамиятда эҳтиёж бўлиши лозим. Иккинчидан, янги сўз ана шу пайдо бўлган тушунчани тўла ифода қилиши ва, учинчидан, тилдаги қонуниятларга асосланган бўлиши керак.

Неологизмлар — ёзувчи лугатини бойитадиган манбалардан бири.

3. Диалектизм (юнон. dialektos — шева) — маълум бир жойнинг аҳолиси ишлатадиган, бошқаларга у қадар тушунарли бўлмаган сўз ва иборалар. Масалан: адабий тилдаги “ҳовли” сўзи Фарғона водийсида “эшик” деб юритилади; борибоқ (borgan ҳамона) сўзи баъзи жойларда борибла шаклида ишлатилади. Шунингдек, қалампир, ишқилиб, келлаётир сўзлари Тошкент шевасида гармдори, ҳайтовор, кевотти деб ишлатилади. Бу — диалектизмдир.

Диалектизмдан фоят эҳтиёткорлик ва усталик билан фойдаланилади. Акс ҳолда у асар тилини бузади, оғирлаштириб қўяди. Сўз санъаткорлари диалектизмдан маълум меъёрда фойдаланиш орқали персонажлар тилларини индивидуаллаштиради, конкретлаштиради.

А.Мухторнинг “Туғилиш” романидан олинган қўйида-ги парчага эътибор қилинг:

Поччаев бу сафар рўйхат кўтариб кирди...

— Лиққат, ўртоқлар! — лели у қалам билан фанерни тақилатиб.

— Жуманазаров Матчон борми?

— Бор.

— Касбинг?

— Қўйчивон.

— Николаев Никита?

— Бор. Дурадгор.

— Сарiev Жуман?

— Слесарь.

— Холдор Жо-Жо...

— Шатта. Жонсугуров памилам. Амолайким касбим кўп.

*Учтасинила* айтай. Аввал дўкон мудири ўғонман, иннай искаладда завдиш, экспидитр...

Баъзан диалектизм автор нутқида ҳам учраб туради: ёзувчи қайси мұхитни тасвираётган бўлса, автор нутқини ҳам қисман ўша мұхитта (ёки маълум касб кишиларининг тилига) мослаштиради.

4. **Варваризм** (*латин. barbarus* — ажнабий) — бошқа тиллардан келиб кирган сўз ва иборалар. Масалан, Ойбекнинг “Фанга юриш” шеъридан олинган қуйидаги бандга эътибор қиласайлик:

Эй, эркин қишлоқнинг йигит-қизлари!  
Техника қалбida бу икс-игрик  
Формула ёнади — шу электрик  
Тирмашиг, фанларнинг юксаги сари!

Бу бандда биз йигирманчи йилларда ўзбек тили учун бутунлай янги бўлган “техника”, “икс-игрик”, “формула” ва “электрик” сўзларини учратамиз. Булар ўзбек адабий тилига кириб келган ажнабий сўзлар — умумбашарий атамалардир. Шу атамаларсиз тасвириланаётган давр руҳини ифодалаб бўлмайди.

Ёзувчилар чет эл маданияти олдида сажда қилувчи кишилар образининг тилини типиклаштиришда ҳам варваризмлардан фойдаланадилар. Масалан, Ҳ.Ҳ. Ниёзий “Бурунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши” ҳажвий комедиясида, Қози нутқида “падар”, “аълам”, “боқи”, “тавба”, “хароб”, “талок”; Мулларўзи нутқида “мардуд”, “назр”, “тангри”, “маътал”, “куръони карим”, “пинҳон”, “лою-калифуллоҳу нафоан илло вус аҳо”, “бақадри тоқат”, “мушкулот”, “шарьири”, “иншоолло”, “кушойиш”, “субҳонолло”, “бисмилло”, “ёвмул”, “ақойи мушк”, “асрор”, “бо ҳозор”, “малхуз”; Ҳидоятхон тилида “олло”, “азро-ил”, “муаккил”, “мурдор”, “астағфирулло”, “каромат”, “турфатул айн”, “таом”, “рӯбарў”, “маҳбуб”, “жаббори аъзам”, “калима” каби арабча-форсча диний сўз ва ибораларни қўллайдики, бундай варваризмлар ҳам мазкур образларни шариат пешволари сифатида характерлашга имкон беради. Ёзувчи Асқад Муҳтор “Туғилиш” романида Самадий нутқини индивидуаллаштиришда “бонжур”, “сил ву пле”, “хелло”, “адъю”, “хау-дую-ду” каби ажнабий сўзлардан ўринли фойдалана олган. Булар ҳам варваризмлардир.

Бир халқынг бошқа халқлар билан алоқаси ортиши ва тараққий этиши натижасида бу халқ орасига янги тушунчалар ва янги сўзлар киради. Вақт ўтиши билан бу сўзлар тамоман ўзлашиб кетади ва уларнинг варваризм эканлигини пайқаш қийин бўлиб қолади. Масалан, ўзбек тилида чой, чойнак, самовор, патнис, картошка, қалам, адабиёт, образ, сюжет, характер, композиция каби сўзлар аслида варваризмдир, лекин улар тилимизга сингиб ўз сўзимиз бўлиб кетган.

Аммо тилга бундай варваризмларни киритишнинг муҳим шарти бор: тилда шу варваризм ифода этадиган мъонони тўла бера оладиган сўз топилмаган тақдирдагина варваризмни тилга киритиш мумкин. Акс ҳолда варваризм тилни оғирлаштиради, кенг халқ оммасига тушунарли бўлмайди.

5. **Вульгаризм** (латин. vulgaris — дағал) — адабий тилда ишлатилмайдиган дағал сўзлар ва нотўғри тузилган жумлалар.

Ёзувчилар ўз асарларидаги айрим қаҳрамонларнинг маданиятсизлиги ва дағаллитини бўрттириб кўрсатиш учун баъзан уларнинг нутқида вульгаризмдан фойдаланадилар. Масалан, шоир Ҳ.Олимжон “Зайнаб ва Омон” поэмасида Анор хола нутқида вульгаризмни қўллаш орқали унинг ҳақиқий қиёфасини очади, индивидуаллаштиради:

Фазабида олам-олам ўт,  
Тушунчаси қоп-қора булут  
Каби борган сари қуюлар;  
Анор гўё сочини юлар  
Каби бўлиб минар жаҳлга.  
Ҳамма гапни совуриб елга.  
Синдиргудай Зайнаб бошини,  
Ота бошлар таъна тошини:  
“Орттирганинг колхозда шуми?  
Эй шарманда, беномус, бебош.  
Бахт деганинг шумиди, ҳали?  
Ишлайман деб топибсан ўйнаш”

Шунингдек, А.Қодирийнинг “Тошпўлат тажанг нима дейди?” қиссасидаги Тошпўлат тажанг тилида: “тумшуғинг-га ел тушкур”, “ҳез”, “ҳезалак”, “ит эмган”, “итдан тук-

қан”, “хұмса”, “липпамни қоқай”, “ит афт”, “чүнтагинга бурнимни қоқай” каби сүз ва иборалар, “Калвак махзумнинг хотира дафтаридан” қиссасидаги Калвак махзум ти-лида: “мочагар”, “гумроҳ”, “ўйнаш”, “эмчак” сингари қўпол ва уят сўз вулгаризмлар ишлатилганки, бу сўзлар Тошпўлатнинг чапани ва Калвак махзумнинг фисқи-фа-садчилик табиатини очишга хизмат қилдирилган.

Аммо муаллиф тилица вульгаризмларнинг деярли қўллаб бўлмайди. Умуман, адабий асарда дағал, қўпол сўзлар қўллаш, нотўғри тузилган жумлаларни ишлатиш — тилнинг бадиийлигига зарар етказмайдиган даражадагина бўлиши мумкин, холос. Акс ҳолда вульгаризмлар китобхонни нотўғри тарбиялайди, адабий асарнинг эстетик-тарбиявий қийматини туширади.

6. **Жаргон** сўзлар (франц. jargon — бузилган тил) муайян ижтимоий табақа ёки кишилар гуруҳи томонидан ишлатиладиган шартли сўзлар ва иборалар. Жаргон ўзбек тилица **абдал тили** деб ҳам юритилади. Ўрилар, қиморбозлар, чайқовчилар, отарчилар, чапанилар, пораҳўрлар ва бошқа гуруҳдаги одамларнинг ўз жаргонлари бўлган. Улар ўзаро сўзлашувда (бошқалардан сир сақлаш учун) сунъий сўз ва шартли иборалар, тилда мавжуд бўлган сўзларни шартли-келишилган маънода ишлатганлар. Масалан, отарчилар “соқقا”, “якандоз”, “лой” каби сўзларни жаргон сифатида қўллашган.

Жаргон сўзлар адабий тилни булгайди. Аммо улар бадиий адабиётда жойини топиб ишлатилса, хусусан, ҳажвияда персонажлар тилини типиклаштиришда ва индивидуаллаштиришда ёзувчига жуда қўл келади — характер қирраларини очишга, образларга табиийлик ва ҳаққонийлик руҳини баҳш этишга хизмат қиласди.

7. **Омоним** (юнон. homos — бир хил ва опути ном) — талаффузи ва ёзилиши (шакли) бир хил, аммо маънолари ҳар хил бўлган сўзлар ва иборалар. Масалан, от (ҳайвон), от (буйруқ феъли); чақмоқ (табиат ҳодисаси), чақмоқ (чақимчилик қилмоқ), чақмоқ (данакни чақмоқ); туш (туш кўрмоқ), туш (буйруқ феъли) каби сўзларнинг талаффузи ҳам, ёзилиши ҳам бир хил бўлса-да, улар матнда ранг-баранг маъноларни ифодалайди. Булар — омонимлардир.

Бир мисол:

Кўлингдан келганча чиқар яхши от,  
Яхшилик қил, болам, ёмонликни от.  
Насиҳатим ёд қилиб ол, фарзандим,  
Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от.

(Фозил Йўлдош ўғли)

Омонимлар, одатда, икки хил бўлади: лексик омонимлар ва фразеологик омонимлар. Агар омонимлар ёзилиши ва талаффузи бир хил бўлиб, ранг-баранг маъноларни ифодалайдиган сўзлардан таркиб топган бўлса — булар **лексик омонимлар** деб юритилади. Чунончи, ўт (ўсимлик), ўт (олов), ўт (инсон организмидаги бир ҳужайра) каби. Талаффузи ва ёзилиши бир хил бўлиб, турли-туман маъноларни англатувчи иборалардан таркиб топган омонимлар **фразеологик омонимлар** деб юритилади. Масалан, бошга кўтармоқ (фоятда ҳурмат қилмоқ), бошга кўтармоқ (шовқин-сурон кўтармоқ), бошга кўтармоқ (юкни бошига кўтармоқ) каби<sup>1</sup>.

Бадиий асар тилида омонимларнинг ранг-баранг кўришилари қўлланилаверади. Омонимлар *полисемантизм* (кўп маъноли сўзлар)га ўхшаб кетади: уларнинг ҳар иккаласи ҳам сўзларга маъно оттенкалари бағишлайди. Аммо, улар айнан бир нарса эмас: омоним сўзлар ифодалаган маънолари ўртасида ички боғланишлар бўлмайди, полисемантизмларда эса маънолар ўртасида, албатта, ички боғланиш мавжуд бўлади — бири иккинчисидан келиб чиқади. Масалан, ёш (одамнинг ёши), ёш (кўз ёши) омоним сўзларнинг маънолари: бири (кўз ёши) иккинчisi (одамнинг ёши)дан келиб чиқмайди — улар мустақил маъно ташидилар, аммо бош (одамнинг боши), бош (иш боши), бош (дарёнинг боши) каби полисемантизмларда ифодаланган маънолар ўртасида ички боғланиш мавжуд — уларнинг заминида битта бош сўз туриб, у икки хил маъно, яъни асл маъно (одамнинг боши) ва кўчма маъно (иш боши, дарёнинг боши) ифодалаган. Бошқача қилиб айтганда, бош

<sup>1</sup> Қаранг: *M. Аскарова, К. Қосимова, Ҳ. Жамолхонов. Ўзбек тили, Т., “Ўқитувчи”, 1976, 43-бет.*

сўзининг кўчма маъноси унинг асл маъносидан келиб чиқкан. Шунга кўра, ёш сўзи — омоним, бош сўзи — полисемантизмдир. Ёзувчилар ўз асарлари тилида омонимлардан қандай фойдаланишса, полисемантизмлардан ҳам шундай фойдаланадилар. Полисемантизм ва омоним сўзлар адабий асар тилига эмоционал бўёқдорлик, сержилолик ва тасвирийлик баҳш этади.

Омонимлар, хусусан, сўз ўйинларида, туюқ ва тажнисларда, халқ қизиқчилиги ва асқияларида кенг қўлланилади.

Баъзан шеър қофияларида ҳам омоним сўзлар ишлатилади. Бундай қофиялар, одатда, омонимик қофиялар деб юритилади.

8. **Синоним** (*юонон. synonymos* — бир хил) — талаффузи ва ёзилиши бошқа-бошқа, лекин бирлаштирувчи умумий маънолари бир хил бўлган, кўшимча маъно оттенкалари, эмоционал бўёғи ва стилистик жиҳатдан бир-биридан фарқланувчи сўзлар ёхуд иборалар. Масалан, *кўп, анча, талай, сонсиз, саноқсиз, беҳисоб, мўл, сероб, беадад, бисёр* сўзларининг синонимик лугатдаги талқинини эслайлик: “*Кўп* сўзи кент тушунчага эга. У предметга хос миқдорнинг катталигини ифодалаш учун ҳам, ҳаракатнинг сон жиҳатдан катталигини ифодалаш учун ҳам кўлланилади. *Анча, талай, мўл, сероб* сўзлари нарсанинг сон ва миқдори жиҳатидан кўплиги маъносига кўлланади. *Анча* сўзи англатган миқдор *кўп* сўзи англатган миқдорга нисбатан камроқ бўлади. *Сонсиз, саноқсиз* фақат нарсага нисбатан кўлланади ва белгини жуда кучли даражада ифодалайди. *Мўл, сероб* сўзлари нарса миқдорининг кўплиги маъносига кўлланади, вақтта нисбатан кўлланмайди. *Мўл, сероб* сўзларида “тўкин”лик оттенкаси бор. *Ададсиз эскирган, китобий*<sup>1</sup>. Демак, бу сўзларнинг бирлаштирувчи умумий маъноси битта — *кўпдир*, аммо уларнинг ҳар бирида ўзига хос маъно оттенкалари, эмоционал бўёғи, услубий хусусиятлар бор, бу сўзлар талаффуз ва ёзилиш жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқланади. Мана шундай сўзлар **синонимлар** деб юритилади.

<sup>1</sup> А.Хожиев. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. Т., Ўқитувчи, 1974, 130-бет.

Бирлаштирувчи умумий маънони ифодаловчи, ранготарг маъно отгенкаларини ташувчи, талаффузи ва ёзилиши ҳар хил бўлган икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг кетма-кет келиши **синонимик қатор** деб аталади. Синонимик қаторда нисбатан бетараф (нейтрал) лексик маъно ташувчи сўз ёхуд адабий тилда кўпроқ қўлланиладиган сўз **доминанта** (бош сўз) дейилади. Масалан, *чиройли, гўзал, ҳусндор, хушрўй, кўҳлик, кўркам, барно, сулув, зебо, латофатли, соҳибжамол* сўzlари синонимик қаторни ташкил этади ва ундаги *чиройли* сўзи (услубий жиҳатдан нейтрал) доминанта ёки бош сўздир. Синонимик қатордаги сўзлар нутқнинг бирор услубига хосликни ҳам кўрсатади. Чунончи, *совға, ҳадя, тортиқ, армуғон, тухфа* синонимик қаторидаги тухфа ва армуғон сўzlари китобий услугуга хос; *ўпич, бўса, муччи* синонимик қаторидаги бўса поэтик услугуга ва муччи фольклор услубига хосдир<sup>1</sup>.

Синонимик қаторлар фақат сўзлардангина эмас, балки сўз билан ибора ёхуд фақат ибораларнинг ўзидан ҳам тузилиши мумкин. Агар синонимик қатор фақат сўзлардан таркиб топган бўлса (садик, садоқатли, вафодор, фидокор каби) лексик **синонимлар**, сўз билан иборадан тузилган бўлса (қарамоқ, нигоҳ ташламоқ каби) лексик-фразеологик **синонимлар** ва фақат иборалардан ташкил топган бўлса (тарвузи қўлтиғидан тушди, умиди пучга чиқди, ҳафсаласи пир бўлди каби) **фразеологик синонимлар** деб юритилади<sup>2</sup>.

Тилимиз синонимларга жуда бой. Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул-лугатайн” асарида қадимги ўзбек тилидаги синоним сўзлар кенг ва чуқур текширилган. Шу асосда ҳам туркий тил (қадимги ўзбек тили)нинг бойлиги исботланган. Шунингдек, тиљшунос олим Азим Ҳожиевнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати” китобида ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг қўлланилаётган лексик синонимлар қамраб олинган ва улар муфассал шарҳланганки, бу асарларни, албатта, пухта ўрганиб чиқиш мақсаддага мувофиқдир.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *A. Ҳожиев. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. 4-бет.*

<sup>2</sup> Қаранг: *M.Аскарова, К.Қосимова, Ҳ.Жамолхонов. Ўзбек тили, Т., “Ўқитувчи”, 1976, 45–46-бетлар.*

Синоним сўзлар адабий асар тилида образлилик, эмоционаллик, тасвирда аниқлик ва жозибадорликни таъминловчи асосий воситалардан биридир. Ёзувчи халқ тилидаги синонимларни, уларнинг маъно оттенкаларини, эмоционал бўёқларини қанчалик чуқур билса ва улардан санъаткорона фойдалана олса, унинг асарлари тили шу қадар ширали, жозибадор ва таъсирчан бўлади. Алишер Навоий, Заҳириддин Мұхаммад Бобур, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон ва бошқа ижодкорларнинг асарлари ана шундан гувоҳлик беради. Бир мисол:

Эрур бас чу ҳусну малоҳат сенга,  
Ясанмоқ, безанмоқ не ҳожат сенга.

*(Алишер Навоий)*

9. **Антоним** (юнон. *anti* — қарши ва опота — ном) — бирбирига қарама-қарши, зид маъноларни ифодаловчи сўз ва иборалар. *Қиши-ёз, иссиқ-совуқ, яхши-ёмон, кўп-оз, дўст-душман, кечакундуз, доно-ахмоқ, кенг-тор, аччиқ-чучук, ёш-қари, катта-кичик, паст-баланд, актив-пассив, ёлғончи-ростгўй, олмоқ-бермоқ, мард-номард, меҳнатсевар-дангаса* каби бирбирига зид маъноларни ташувчи сўзлар антонимлардир. Антонимик муносабатта киришган икки сўз **антонимик жуфт** сўз деб юритилади. Антонимик жуфт сўзлар, одатда, бир сўз туркумидан олинади. Масалан, кечакундуз (от), иссиқ-совуқ (сифат), кўп-оз (равиш), олмоқ-бермоқ (феъл) каби<sup>1</sup>.

Антонимлар таркиб топишларига кўра қуйидаги турларга бўлинади: а) **лексик антонимлар** — қарама-қарши маъноли сўзлардан таркиб топади: *доно-нодон, қиши-ёз, кечакундуз* каби;

б) **лексик-фразеологик антонимлар** — қарама-қарши маъноли сўз ва иборалардан таркиб топади: *қувноқ-дили сиёҳ, қизғанчиқ-қўли очиқ...*

в) **фразеологик антонимлар** — қарама-қарши маъноли иборалардан тузилади: *боши осмонга етди-фиғони фалакка чиқди, оқ кўнгилли-қора кўнгилли...*<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Р. Шукуров. Ўзбек тилида антонимлар. Т., “Фан”, 1977.

<sup>2</sup> М.Асқарова, К.Қосимова, Ҳ.Жамолхонов. Ўзбек тили, 47-бет.

Антонимлар бадиий асар тилида муҳим функцияни ўтайди: тасвир объектини ички зиддияти билан очишга, воқеа-ҳодисани бўрттириб ва ёрқин қилиб ифодалашга хизмат қиласи. Адабий асар тилидаги образлилик ва эстетик таъсиричаникни таъминловчи воситалардан бири ҳам антонимлардир. Шунинг учун ҳам санъаткор ёзувчилар тил бойлигидаги антонимларни чуқур билишга ва улардан маҳорат билан фойдаланишга ҳамиша астойдил интилишади.

Антонимлар ўзбек мумтоз адабиётида образли ифода усули сифатида тазод ва тарсий санъатларида кенг кўлланилган. Масалан,

Ул пари маҳжуб бўлғай деб мени девонадин,  
Чўғдек чиқмон туну кун гўшиа вайронадин.

(*Алишер Навоий.*)

Ҳозирги замон ўзбек шоирлари ҳам антонимлардан маҳорат билан фойдаланишмоқда. Баъзи мисоллар:

Бир ўлқаки, тупроғида олтин гуллайди,  
Бир ўлқаки, қишлоғида шивирлар баҳор.

(*Ойбек.*)

Яхши-ёмон яшар ахир, яшар тогу тош,  
Яшарлар-ку гоҳ эътироф, эътиroz этмай.

(*Ҳалима Худойбердиева.*)

# III БҮЛİM

## ШЕЪР ИЛМИ ТАЪЛИМИ

### Биринчи боб БАРМОҚ ТИЗИМИ

#### Шеърий нутқ ҳақида тушунча

Адабий асарлар, одатда, ё наср, ё назм йўли билан ёзилади. Роман, повесть, ҳикоя, очерк кабилар асосан, насрний усулда ёзилса, шеър, баллада, поэма сингарилар, асосан, шеърий йўлда яратилади; драма, комедия ва трагедиялар ҳам насрний, ҳам назмий йўл билан ёзилаверади. Айни чоқда, наср мулки ҳисобланган роман, қисса, ҳикояларнинг шеърий нутқ йўлида яратилган навлари ҳам бор. (Улар, одатда, “шеърий роман”, “шеърий қисса”, “шеърий ҳикоя” деб юритилади.) Шунингдек, драма ва масал кабилар ҳам шеърий, ҳам насрний йўлда ёзилаверади...

Шеърий нутқ — шеърий тузилиши — ўзига хос дунё: шеър тўқимасида, биринчидан, насрний ва саҳна асарларида ҳам бўладиган — мавзу, масала, фойя, образ, конфликт, сюжет, композиция, бадиий тил унсури мавжуд бўлса, иккинчидан, унда фақат шеър тузилишига хос бўлган унсурлар — мусиқийлик, оҳанг, ритм, бўғин, туроқ, бош туроқ, туркум, вазн, қофия, радиф, рефрен, эпифора, нақарот, банд, кўчимлар, фигуранлар, бадиий санъатлар ва бошқалар мавжуддир. Шеърий нутқнинг мана шундай ўзига хос жиҳатларини — шеър тузилишини кунт билан ўрганимай туриб, шоирни ҳам, шеърни ҳам, шеъриятни ҳам — умуман бадиий адабиётни ҳам ўрганиш мушкулдир.

Поэзия — мураккаб ва фойтда бой санъат. У инсон қалбининг нозик ҳис-туйгуларини, фикр ва ҳиссиётлар ҳаратини, эҳтирослар кураши ва ривожини эмоционал тарзда ифодалайди. Поэзияда (насрний нутқда бўлганидек) рангбаранг мавзуларда қалам тебратадилар. Унинг тасвир имкониятлари ниҳоятда кенг. Шеърият мароқли фантазия ва жозибали оҳангларга бой. Шеърда пайвандлашиб кетадиган поэтик фикр-мулоҳаза билан нозик ҳис-туйгулар шаклан сиқиқ ва мазмунан куюқ ҳолда ифода этилади.

Шеърий нутқда яна бир фазилат борки, буни алоҳида эътиборга олмоқ зарур. Профессор Абдурауф Фитрат “Шеър ва шоирлик” мақоласида “Шеър надур?” деб савол қўяди ва бу саволга ўзи шундай жавоб қайтаради: “шеърда кишиларнинг қонини қайнатувчи, сингирларини ўйғатувчи, миясини титратувчи, сезгусини қўзғатувчи бир куч, **маънавий бир куч** бор. Шундай бир кучи бўлмаган сўз “вазн” ва “қофия”си бўлсун, шеър бўла олмайдур... **Чин шеър юрак сезгувларини кўрсатмайдир.** Вазн, қофия эса сўзниңг безагидир...”<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, шундай шеърлар ҳам учраб турадики, уларда ритм ҳам, вазн ҳам, қофия ҳам, банд ҳам жойида бўлади-ю, аммо улар ўқувчи қалбини жизиллата олмайди — шоирнинг қалб ҳарорати сезилмайди. Фитрат домла айтганларидек, уларда **маънавий куч** — оҳанграбо етишмайди. Бундай шеърлар чинакам санъат асари бўла олмайди. Лекин бундан шеър тузилиши масалаларини ўрганишнинг аҳамияти йўқ экан-да, дегандай янгилиш хулоса келиб чиқмаслиги керак. Шеър илми шоир учун ҳам, ўқувчи учун ҳам ниҳоятда зарур. Шеър илми поэзия санъати сирлари **хазинасини** очишга ва ундан баҳраманд бўлишга йўл очади...

Бу ўринда шеър тузилиши устида фикр юритар эканмиз, шу нарсани таъкидлаш жоизки, шеър тузилиши унсурлари, даставвал, шеър тизимлари қонуниятлари асосида яратилишини ҳисобга олиш зарур. Шунга кўра, унсурларини шеър тизимлари билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш лозим.

Агар жаҳон поэзияси тарихига шунчаки бир назар ташлайдиган бўлсак, унда ранг-баранг шеър тизимлари мавжудлигининг гувоҳи бўламиз. Негаки, шеър тизимлари миллий тилларнинг табиатига боғлиқ ҳодисадир. Жаҳон халқлари тиллари эса табиатан хилма-хил бўлиб, улар турли-туман оиласаларга мансубдир. Миллий тилларда шу тиллар табиатига мос шеърий нутқ тизими, шеър тузилиши усуслари кўлланилиши табиий бир ҳолдир. Ҳар бир шеър тизимида шеър ёзиш, яъни ритм, вазн, қофия ва мусиқийликни вужудга келтириш усуслари ўзига хос бўлади. Чу-

<sup>1</sup> “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1995 йил 16 июнь.

нончи, бекарор ургули тилларда вазннинг вужудга келиши учун ургуларнинг бир хилда келиши шарт бўлса, барқарор ургули тилларда вазн учун ургунинг аҳамияти йўқ. Сўзлар бир-биридан овознинг паст-баландлиги жиҳатидан фарқ қилувчи тилларда мисралардаги овознинг бир хилда бўлиши тақозо қилинса, бошқаларида бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ ва ҳоказо.

Шеършунослигимизда қайд этилганидек, шеър тўки-масида ҳам миллий, ҳам байналминал жиҳатлар мавжуд. Масалан, қофия миллий тил билан боғлиқ миллий унсур саналса, банд барча тиллар учун муштарак ҳодиса — байналмидал унсур ҳисобланади.

Жаҳон халқлари поэзиясида **метрик** (антик), **силлабик**, **тоник**, **силлаботоник**, **гекзаметр**, **дольник** ва бошқа шеър тизимлари мавжуд. Шеър тизимлари, одатда, икки типга, яъни **квантитатив** ва **квалитатив** тилларга ажратилиб ўрганилади. Квантитатив шеър тузилиши бўғинларнинг қисқачўзиқлигига, миқдори ва тартибига асосланади. Бу типга ҳинд, юонон, араб, форс-тожик ва туркий аруз шеър тизимлари мансуб. Квалитатив шеър тузилиши бўғинларнинг миқдорига, ургули-ургусиз бўғинларнинг сони ва тартибига таянади. Рус, француз, поляк шеър тизимлари, туркий халқларнинг бармоқ (силлабик) шеър тизими шу қонуниятга асосланади.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай шеър тизимининг заминида **бўғин** (**хижо**) туради. Бироқ турли шеър тизимлари бўғинга турли нуқтаи назардан қарайди. Чунончи, силлабик (бармоқ) тизими бўғинларнинг миқдорига, тоник тизими бўғинларнинг ургули-ургусизлигига асосланади...

**Ўзбек шеър тизимлари** ҳам ўзига хос. Ўзбек шеърияти, асосан, **бармоқ** ва **арузда** битилган.

Фоя — ҳар қандай санъат асарининг “қони ва жони”. Шеър ҳам фоя билан тирик. Аммо турли санъат асарлари гояни турли йўсинда ифодалайди. Шеърнинг ўзига хослиги шундаки, у гояни мусиқий қобиқда акс эттиради. **Мусиқийлик — шеърнинг бош ифода воситаси**. Бас шундай экан, шеърда қандай унсурлар ёрдами билан мусиқийликка эришилади деган масала қўйилиши табиийдир.

Анвало шуни айтиш керакки, шеърда мусиқийликни вужудга келтирувчи бир қанча “техник” унсурлар мавжуд.

Бундай унсурлар бажарадиган вазифаларига кўра икки гурӯхга ажралади: а) асосий унсурлар: ритм (зарб), вазн, қофия ва банд; б) ёрдамчи унсурлар: интонация, поэтик синтаксис, шеър санъатлари, кўчимлар...

**Ритм** (юн. *rhytmos* — вазидош, оҳангдош) — шеър мисраларидаги бир-бирига тенг нутқ бўлакларининг бир текисда изчил ёхуд ноизчил такрорланиб келишидан пайдо бўладиган оҳангдошлиқ. Бу оҳангдошлиқни биз шеър ўқилаётган пайтдагина ҳис қила оламиз. Ритм шеър мусиқийлигини ва умуман бадиийлигини таъминловчи асосий воситалардан бири. Шу сабабли ритмсиз шеърни сира тасаввур қилиб бўлмайди. Аруз ва бармоқда шеър “ритм”ини бадиий зарб ва бир меъёрдаги ҳаракат-маром вужудга келтирса, эркин шеърда, хусусан, сарбаст шеърда ритм нутқ бўлакларининг нотекис ҳаракати ва бадиий зарбдан пайдо бўлади.

Ҳаёт — ритм манбаи. Масалан, ер ағдаришда, ўтин ёришда, пиёда юришда муайян меъёрда ҳаракат қилинадики, шуни ўзи ритмдир. Умуман ритм меҳнат жараёнидан келиб чиққан. Мусиқа ҳам ритм (узун ва қисқа, паст ва баланд товушларнинг муайян меъёрда такрорланиши)-га асосланади. Рақс ҳам ритмга амал қиласди. Ҳалқ қўшиқларининг негизини ритм ташкил қиласди... Ҳаракат жараёнида ритм пайдо бўлади, аммо ҳар қандай ҳаракат ҳам ритм бўлавермайди. “Ҳаракатнинг муайян ўлчовга риоя қилиши, изчил такрорланиши ва унинг инсон томонидан ҳис қилиш мумкинлиги ритмнинг муҳим хусусиятидир”<sup>1</sup>. “Ўзаро солиштирганда, маълум вактда изчил равищда алмашиниб келган ва эшитув сезгимиз орқали ҳис этилган ҳодисалар тизими ритм дейилади”<sup>2</sup>.

Шеър ритми, одатда, унинг кўпгина унсурлари билан боғлиқ ҳолда ҳаракат қиласди. Бармоқ тизимидағи шеърда ритм мисраларидаги бўғинларнинг миқдор жиҳатидан муайян тартибда такрорланиши, туроқларининг миқдори ва тартиби, бандларнинг бир хилда такрорланиши, қофия,

<sup>1</sup> У.Тўйчиев. Ўзбек совет позициясида бармоқ системаси. Т., Фан, 1966, 276-бет.

<sup>2</sup> Назаренко В.А. Энергия стиха. Вопросы сов. лит-ры. М., 1957, стр. 384.

радиф, нақаротлар билан узвий бирликда ўз вазифасини ўтаса, аruz тизимидағи шеърда эса мисраларда ҳижолар-нинг сифати (қысқа-чүзиқлиги), шунингдек, руқнларниң тузилиши, миқдори ва тартиби, вазн, банд тартиби, қофия, радиф, бадиий санъатлар ва бошқа ұнсурлар билан бир бутунликда ҳаракат қиласы. Бу ўринде бармоқ вазнида ёзилған шеърдан мисол олиб күрайлик:

3	3	3
Булутнинг	! чоклари	! сўкилди,
3	3	3
Марварид	! доналар	! тўкилди,
3	3	3
Сабзанинг	! қомати	! букилди,
3	3	3
Кўнглимдек	! баҳорлар	! чоғида,
		! =9 бўғин

Шоир Амир Умариининг “Ёмғирда” шеъридан олинган юқоридаги банднинг ҳар бир мисрасида тўққиз бўғин бўлиб, улар уч туроққа ажралади. Схемаси:  $3+3+3=9$ . Мана шу схема шеърнинг қолган барча мисраларида ҳам айнан тақрорланади. Чунончи, шу шеърнинг охирги бандини текшириб кўрайлик-чи:

3	3	3
Шеърларим	! чечагим,	! ҳаётим,
3	3	3
Шеърларим	! бойликдир,	! бисотим,
3	3	3
Ёмғирдан	! намланмас	! қанотим,
3	3	3
Ошаман	! булутлар	! тоғидан
		! =9 бўғин

Хуллас,  $3+3+3=9$  схемасининг бир текисда ва изчил тақрори мазкур шеър ритмида муҳим роль ўйнаган.

Аruz ва бармоқда яратилған шеърда аниқ бир схема асосидаги изчил ва бир текисдаги тақрорлар бўлади (маром) ки, булар шеър ритмида чуқур из қолдиради.

Ритмни вужудга келтирувчи асосий ұнсурлардан бири — вазндар. Вазн эса бўғин (ҳижо), туроқ, бош туроқ, туркум каби ұнсурлардан пайдо бўлади.

**Бўғин**— бир нафас зарби билан айтиладиган товуш ёхуд товушлар бирикмаси, сўзининг мустақил талаффуз қилини-

**ши мумкин бўлган бўлаги.** Бўғин нутқ товушларидан таркиб топади. Нутқ товушлари (а, я, э, е, и, о, ё, у, ю, ў) унли товушлар ва (б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, нг, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ) ундош товушлардан таркиб топади. Бўғин тузилиши, асосан, унли товушлар билан боғлиқ сўзда унли товушлар нечта бўлса шунча бўғин бўлади. Бўғинлар тузилишига кўра — бир товушли ва кўп товушли бўлади. Агар бўғин бир товушли бўлса, унда, албатта, бир унли товуш бўлиши шарт; кўп товушли бўғин таркибида, албатта, бир унли ҳамда бир, икки ва ундан ортиқ ундош товуш бўлади. Кўп товушли бўғинларда унли товуш ундош товуш (бўғинда бир ундош бўлса)дан олдин, кейин ёхуд (бўғинда икки ёки ундан ортиқ ундош товуш бўлса) ундош товушлар орасида келиши мумкин.

Бўғинлар ўз тугалланишларига кўра икки хил бўлади: очиқ бўғин ва ёпиқ бўғин. Агар бўғин унли товуш билан тугаган бўлса — очиқ бўғин, ундош товуш билан тугаган бўлса — ёпиқ бўғин деб юритилади. Агар бўғинга ургу тушган бўлса — ургули бўғин ва ургу тушмаган бўлса — ургусиз бўғин деб аталади. Бўғин ёхуд бўғинлар бириқмасидан сўз таркиб топади. Инсон фикри сўз ва сўзлар воситасида ифодаланади. Шунга кўра, бўғин жонли сўзлашув нутқида ҳам, адабий асарда ҳам муҳим роль ўйнайди. Кичик бир мисол сифатида қуйидаги байт мисраларидағи сўзлар ва бўғинларнинг тузилиши ҳамда улар ўтаган вазифаси ҳақида ўйлаб кўрайлик:

4	4	4
Дар-я-си кўп !	дард-га да-во, !	я-ли-я-ли, !
4	4	4
Лим-лим о-қар,! бўл-мас а-до, ! я-ли-я-ли. !		

= 12 бўғин  
= 12 бўғин

*(Миртемир)*

Бўғин мумтоз шеъриятимизда “ҳижо” деб юритилган; арузда ёзилган шеърда қисқа ва чўзиқ ҳижолар тартиби ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Бўғин (ва унинг ранг-баранг кўринишлари)сиз шеър мисраларини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Чунки шеърнинг қалби бўлмиш мусиқийлик ва ритмнинг вужудга келтиришда энг фаол иштирок этувчи унсур-бўғиндир. Шеъриятда бўғин кичик ритмик бўлак ҳисобланади.

Шеърнинг бир қатори “мисра” ва икки мисраси “байт” деб юритилади. Бир мисол:

3 3 3  
Ўт-миш-нинг ! жа-фо-ли ! қўй-ни-да ! =9 бўғин  
3 3 3  
Жон-те-мир-лар ! жу-да ! кўп бўл-ган.! =9 бўғин

Бу шеърнинг ҳар бир қатори — мисра ва икки қатори (мисраси) — байтдир; ҳар бир мисрада тўққизтадан бўғин бўлиб, улар учтадан гурӯҳ (туроқ)га ажralган (схемаси:  $3+3+3=9$ ). “Жонтемир” поэмаси мана шу усулда ёзилган.

Бармоқ тизимида бўғинлар туроқларни, туроқлар туркумини, туркум вазнни, вазн эса бадиийлик-мусиқийликни, мусиқийлик поэтик фояни вужудга келтиради. Шеър унсурлари бир-бирлари билан узвий боғлиқликда, бир-бири билан мустаҳкам алоқага киришгандагина вазифасини ўтай олади, холос.

Туроқ. Бармоқ тизимида бўғинларнинг муайян гурухларга ажраши оқибатида пайдо бўладиган ритмик бўлак “туроқ” деб юритилади. Ўз вазифасига кўра бармоқдаги туроқ (стопа) ароздаги “рунн”га яқин туради. Туроқлар шеърда туркумни вужудга келтиради. Юзакироқ қараганда, туроқ (стопа) ва туркум бир-бирига ўшшаб кетади, аммо улар айнан бир нарса эмас. Агар мисрадаги бўғинлар гурухларга ажралиб туроқларни вужудга келтирса, мисра ёки байтда туроқларнинг миқдори ва уюшув тартибидан туркум яратилади. Бир мисол:

6 5  
Қаҳ-ра-мон бү-либ қайт, ! қу-чоқ о-чай мен, ! =11 бүғин  
6 5  
А-зиз бош-ги-нанг-дан ! гул-лар со-чай мен.! =11 бүғин  
(Миртемир)

Демак, ҳар бир мисрада ўн биттадан бўғин бўлиб, улар иккитадан гурухга ажралади: биринчи гуруҳ — 6 бўғин ва иккинчи гуруҳ — 5 бўғиндан таркиб топган. Булар — туроқлардир. Мисралардаги туроқларнинг миқдори (икки) ва уюшув тартиби ( $6+5=11$ ) — туркумдир. Шеър ўн бирлик туркумда ёзилган экан.

Туроқ, биринчи галда, ритмга хизмат қиласы. Бир мисол:

3                    3                    3  
Кү-пир-ди, ! қай-на-ди ! зўр тўл-қин, ! =9 бўғин  
3                    3                    3  
Ҳай-қи-риб ! ғов-лар-ни ! су-ра-жак. ! =9 бўғин

Бу байтдаги ҳар бир мисра тўққиз бўғиндан таркиб топган. Бўғинлар эса (ҳар бир мисрада) уч гуруҳга ажралган. Схемаси:  $3+3+3=9$ . Иккинчи мисра ҳам шу схема асосида пайдо бўлган. Шеър мисраларида бўғинларнинг шу хилда гуруҳларга ажралиши — **бўғинларнинг туроқланиши** деб юритилади. Демак, туроқлар бўғинлардан таркиб топар экан. Шеър мисраларида бўғинларни туроқларга ажратишдан мақсад шуки, шу туроқлар қўйиладиган жойда пауза(тиниш) бўлади — шеър ўқилаётган пайтда эса, албатта, паузаларга амал қилинади. Юқоридаги байт мисралари учга бўлиб ўқиласи. Шу тариқа, шеърнинг оҳангি — ритми пайдо бўлади, мусиқийлик юзага чиқади.

Шуни ҳам айтиш керакки, йирикроқ поэтик асарда мисралардаги бўғинларнинг туроқланиш тартиби муайян қонуният асосида ўзгариб ҳам туради.

Бармоқ вазнидаги шеър туроқлари бўғинларнинг миқдорига, аруздаги шеър руқнлари эса ҳижоларнинг ҳам миқдорига, ҳам сифати (қисқа-чўзиқлиги)га қараб характерланади. Ҳозирги ўзбек шеърияти (бармоқ)да бир бўғиндан тортиб саккиз ва ҳатто ундан ортиқ бўғиндан таркиб топган туроқлар учрайди. Мисоллар:

1. Алишерга алла айтиб ухлатган  
Сен-она ! =1+2 бўғинли туроқ.  
Оғушида Бобур камолга етган  
Сен-она ! =1+2 бўғинли туроқ.

*(Миртемир)*

2. Сукунат — шоирнинг сўзлари.  
Айта... ! =2 бўғинли туроқ  
Олмай... ! =2 бўғинли туроқ  
Кетган... ! =2 бўғинли туроқ  
Сўзлари. ! =3 бўғинли туроқ

*(Омон Матчон)*

3. Она менинг ҳаққым кўп:  
Күёшдан ! =3 бўғинли туроқ  
Гуллардан ! =3 бўғинли туроқ  
Ва сендан ! =3 бўғинли туроқ

(Рауф Парфи)

4. Халқ денгиздир, ! халқ тўлқиндир, ! халқ кучдир, ! 4+4+3  
Халқ исёндир, ! халқ оловдир, ! халқ учдир... ! =4+4+3  
Халқ қўзғолса ! куч йўқдирким, ! тўхтатсин.! =4+4+3  
Кувват йўқким, ! халқ истагин ! йўқ этсин. ! =4+4+3  
Халқ исёни ! салтанатни ! йўқ қилди, ! =4+4+3  
Халқ истади, ! тож ва тахтлар ! йикқилди... ! =4+4+3

(Чўллон)

5. Қор капалаги ! - =5 бўғинли туроқ  
Паёнсиз гала... ! =5 бўғинли туроқ  
Шамол парраги ! =5 бўғинли туроқ  
Тинмай айланар ! =5 бўғинли туроқ  
Қорларни хирмон ! =5 бўғинли туроқ  
Каби совуар... ! =5 бўғинли туроқ

(Ойбек)

6. Бир ўлқаки, ! тупроғида ! олтин гуллайди, !=4+4+5 б.т  
Бир ўлқаки, ! қишиларида шивиллар баҳор. !=4+4+5 б.т  
Бир ўлқаки, ! сал кўрмаса, ! қўёш соғинар... ! 4+4+5 б.т  
Бир ўлқаки, ! ғайратидан ! асаби чақнар. !=4+4+5 б.т  
Баҳт тошини ! чақиб, бунда ! куч гувиллайди. !=4+4+5 б.т

(Ойбек)

7. Ҳаддим борми сизга ! бир сўз демакка, !=6+7 б.т  
Ҳатто узр айтмоқча ! сифарми ҳаддим?... !=6+5 б.т  
Сизнинг ҳуснингизга ! боққали якка !=6+5 б.т  
Қанча савдоларни ! бошдан ўтказдим. !=6+5 б.т

(Абдулла Орипов)

8. Дўсту қардошдир азалдан ! Ўзбегим тожик билан !=8+7 б.т  
Иккиси бир байт ғазалдан ! Ўзбегим тожик билан !=8+7 б.т

(Абдулла Орипов)

9. Сен менинг севгим эдинг, !=7 б.т  
Севгим ҳамон сенсан ўзинг. !=8 б.т  
Қалбга ошно бўлса ким — бу! =8 б.т  
Бегумон, сенсан ўзинг. !=7 б.т

(Эркин Воҳидов)

ва бошқалар.

Ўзбек шеъриятининг туроқланиш тартиби бениҳоя ранг-барангдир. Ҳатто, бир вазнда туроқланиш тартиби ҳар хил (натижада бир вазнда ранг-баранг ритм-оҳанг пайдо) бўлиши мумкин. Мисол:

3                3                3  
Чамандек ! зилолдир ! дилларим, ! =9  
3                3                3  
Ёмғирдан ! кўкарди ! йўлларим. ! =9

*(Амин Умарий)*

4                5  
Сен одамнинг ! тинглаб сўзини ! =9  
4                5  
Булоқларнинг ! очдинг кўзини. ! =9

*(Ҳамид Олимжон)*

Кўриниб турибдики, биринчи мисол:  $3+3+3=9$  ва иккичи мисол:  $4+5=9$  схемаси асосида ёзилган. Бинобарин икки шеър ҳам (гарчи тўққиз бўғинли бармоқ вазнида ёзилган бўлса-да) ритм-оҳанг жиҳатидан бир-биридан жiddий фарқ қиласди. Бундан ташқари, бармоқ системасидаги шеърларда вазн, асосан, бўғинларнинг сонига боғлиқ бўлса, ритм шу бўғинларнинг қай тартибда гуруҳланишига, яъни туроқлар тартибига ҳам боғлиқ.

**Бош туроқ.** Мисрадаги бўғинларнинг туроқланиш жараёнида оддий туроқ (кичик ритмик пауза)лардан фарқлироқ бош туроқ (катта ритмик пауза) ҳам бўлади. Одатда бош туроқ мисра ёхуд байтнинг охирида келади, баъзан мисра ичида келиши ҳам мумкин. Шоир Амин Умарийдан бир шеърий парча олиб кўрайлик:

Қандай яхши, ! баҳт сингиган ! диёринг бўлса,      || = 13  
Қандай яхши, ! мактабларинг, ! гулзоринг бўлса,    || = 13  
Қандай яхши, ! посбонларинг, ! шунқоринг бўлса, || = 13  
Қандай яхши, ! дарсда яхши ! дилдоринг бўлса.   || = 13

Оддий туроқ бир чизиқча (||) ва бошқа туроқ икки чизиқча (||) билан белгиланса (шеърни ўқиш жараёнида оддий туроқдан сўнг камроқ тиниш-кичик ритмик пауза ва

бош туроқдан кейин күпроқ тиниш — катта ритмик пауза бўлади), юқоридаги шеърий парчанинг ҳар бир мисрасида бир бош туроқ ва икки оддий туроқ бор: биринчи ва иккинчи туроқ — оддий туроқ, мисра сўнггида келган учинчи туроқ бош туроқdir. Мана шу туроқлар шеър ритми — оҳангини вужудга келтирган.

Шоир Абдулла Ориповнинг “Ният” шеърида туроқланиш тартиби қуйидагича:

6	6
Ҳаёт дегани шу,	! қалбнинг тубида !! = 11
6	6
Қолгуси шодлик ҳам,	! қайфу ҳам қатор. !! = 11
6	6
Ва лекин умримни	! аввал-сўнгтида !! = 11
6	6
Ватансиз тасаввур	! этмоғим душвор. !! = 11

Демак, туроқланиш тартиби: 6+5. Ҳар бир мисранинг сўнгти туроги бош туроқ.

Бош туроқнинг аҳамияти шундаки, шеър мисралари-даги оддий туроқлар тартиби ўзгарса (бузилса ҳам), бош туроқ ўзгармаса, шеър vazni, ритми, мусиқийлиги бузилмайди. Яна бир мисол:

2	4	2	3
Қалбим ! қолган эди,	! бир чоғ ! бу ерда,	!! = (2+4)+2+3=	11
6	2	3	
Сизнинг дилингиз-ла ! жўнаб ! кетганман !! = (6)+2+3=	11		
3	3	3	2
Аждодим,	! авлодим ! қибласи !	— элда !! = (3+3)+3+2=	11
6	2	3	
Қалбимни соғиниб / шеърлар / битгандим // = (6)+2+3=	11		
2	4	2	3
Қани / бунда ташлаб / кетган / у қалбим.	// = (2+4)+2+3=	11	

Демак, шеърнинг биринчи мисраси  $-6(2+4) + 5(2+3) = 11$ ; иккинчи мисраси  $-6+5(2+3)=11$ ; учинчи мисраси  $-6(3+3)+5(3+2) = 11$ ; тўртинчи мисраси  $-6+5(2+3)=11$ ; бешинчиси  $-6(2+4) + 5(2+3)=11$  схемасида ёзилган экан. Ҳар бир мисрада бош туроқ ўз ўрни (мисра сўнгти)да сақланган, аммо оддий туроқлар миқдор ва тартиб жиҳатидан

ўзгарган (бузилган). Шунга қарамай шеър вазни, ритми, мусиқийлиги деярли бузилмаган.

**Туркум.** Мисраларда муайян қонуният асосида такрорланиб, шеър вазни (бинобарин ритми)ни вужудга келтирувчи бўғинлар гуруҳи (микдори) туркум деб юритилади. Масалан, тўққиз бўғинли мисра асос бўлган шеър “тўққизлик туркум” деб юритилади. Мисол:

Тоғ-лар-да-ги / қип-қи-зил ло-ла // = 9 бўғин  
Бў-либ гў-ё / ё-кут пи-ё-ла. // = 9 бўғин

(Ҳамид Олимжон)

Шоир Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеъридан олинган юқоридаги байтдан маълум бўладики, мазкур шеър “тўққизлик туркум” да ёзилган экан.

Шоир Абдулла Ориповнинг “Суврат ва сийрат” шеъридан бир байт олиб кўрайлик:

Май-ли, сув-ра-тим-га / боқ-қи-лу қу-вон, // = 11 бўғин  
Ле-кин сий-ра-тим-га / таш-ла-ма на-зар. // = 11 бўғин

Бу шеър ўн бир бўғинли мисра асосида ёзилган — буни “ўн бирлик туркум” деб ҳисоблаймиз ва ҳоказо.

Ўзбек шеъриятида бир неча туркум (3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17 лик)лар мавжуд.

Бармоқ тизимидағи туркум бажарадиган вазифасига кўра аруз тизимидағи баҳрга ўхшаб кетади. Арузда ҳар бир баҳрдан бир неча вазнлар келиб чиққани каби бармоқдаги ҳар бир туркумдан вазнлар (ритмик ранг-барангликлар) келиб чиқади.

Умуман, юқорида қайд этилган туркумлардан, хусусан, еттилик, тўққизлик ва ўн бирлик туркумлари шеърияти-мизда кенг қўлланилмоқда. Хуллас, туркум шеър вазнини белгилашда ҳал қўлиувчи роль ўйнайди. Сирасини айтганда, шеър қайси туркумда ёзилган бўлса, вазннинг номи ҳам шу туркумга нисбат берилади. Чунончи, Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда” шеъри

Де-ра-зам-нинг ол-ди-да бир туп = 9 бўғин  
Ў-рик оп-поқ бў-либ гул-ла-ди... = 9 бўғин

байти билан бошланади. Демак, бу шеър тўққизлик туркумда ёзилган ва шунга кўра унинг вазни “тўққиз бўғинли бармоқ вазни” деб юритилади.

**Вазн** Вазн (арабча: وزن — ўлчов, тарози; кўплиги اوزان — авзон) — шеър ўлчови, мезони, меъёри. Вазн шеърий нутқни настрий нутқдан ажратиб турувчи асосий унсурлардан ҳисобланади. Одатда, бир туркумдаги шеър мисралари, байтлари ва бандларида туроқлар ва бош туроқларнинг муайян қонуният асосида ишлатилишидан келиб чиқадиган ритмик ҳодиса-оҳанг вазн деб юритилади<sup>1</sup>. Шу важдан, юқорида таъкидлаганимиздек, **бўғинларнинг миқдори туркумни белгиласа** (чунончи, тўққиз бўғинли мисра тўққизлик туркум деб аталса), туркумдаги туроқлар ва бош туроқларнинг миқдори вазни, уларнинг жойлашиш тартиби ритмни **вужудга келтиради**.

Масалан:

6 5  
1. Сенга мафтун бўлиб / севиб қолганим, // = 11  
6 5

Ишқинг оловида / ўртанганим рост. // = 11  
6 5

Сенинг ёдинг билан / нафас олганим, // = 11  
6 5

Исминг такрорлашга / ўрганганим рост. // = 11

(Зулфия)

4 4 3  
2. Йилт-йилт этиб / танга-танга / ёғди қор, // = 11  
4 4 3

Оппоқ бўлди / мен юрган кенг / таниш йўл. // = 11  
4 4 3

Вақтим кўп чоғ. / Атрофим қор. / Бегубор. // = 11  
4 4 3

Осмон гўё / қор қоплаган / катта йўл. // = 11

(Ҳасан Пўлам)

<sup>1</sup> Қаранг: *Иzzat Султон*. Адабиёт назарияси. Т., “Ўқитувчи”, 1980, 307-б.; У.Тўйчиев. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. Т., Фан, 1966, 65-бет.

Ҳар иккала мисолимиз ҳам бир туркүм — ўн бирлик туркүмда ёзилган, аммо уларнинг ритмлари икки хил: биринчиси:  $6+5$  ва иккинчиси:  $4+4+3$  дир. Бу шеърлар вазнларининг тўлиқ номлари — Зулфиянинг шеъри  $6+5=11$  лик бармоқ вазни ва Ҳасан Пўлатнинг шеъри  $4+4+3=11$  лик бармоқ вазни. Шунингдек, ўн бирлик туркүмдаги шоир Шуҳратнинг қуидаги шеъри:

3 3 5

Эй дўстим, / ўксима, / ёрнинг қошига // = 11

Бир куни, / албатта, / етиб борасан. // = 11

бошқа ритмда, яъни  $3+3+5=11$  лик бармоқ вазнида ёзилган. Ёки тўққизлик туркүмда ёзилган қуидаги шеърларнинг ритмларига диққат қилинг-а:

3 3 3

1. Чашмадек / зилолдир / дилларим, // = 9  
3 3 3

Ёмғирдан / кўкарди / йўлларим. // = 9  
3 3 3

Атиялар / сепгувчи / гулларим, // = 9  
3 3 3

Фам чекмас / булбулнинг доғида. // = 9

(Амин Умарий)

4 5

2. Ҳаёт деган ! мунис бир санам !! = 4-5=9  
4 5

Шодлик майин ! тутди қўлимга !! =4-5=9  
4 5

Ёлқинланган ! лоларанг бу жом !! =4-5=9  
4 5

Сархушликни ! солди дилимга. !! =4-5=9

(Барат Байқобилов)

Англашиларлики, Амин Умарий ҳам, Барот Бойқобилов ҳам тўққизлик туркумида қалам тебраттан, бироқ ритмлари бошқа-бошқа:  $3+3+3=9$  ва  $4+5=9$ . Шу каби мисолларни яна келтиравериш мумкин.

Хуллас, шеър мусиқийлиги ва бадиийлигини вужудга келтиришда ритм қанчалик ҳал қилувчи роль ўйнаса, вазн

ҳам шунчалик муҳим аҳамият касб этади. Вазн, ритм, қоғия, банд каби унсурлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўз вазифасини ўтайди.

Бармоқ тизимида кўпинча шеър мисрасидаги бўғинларнинг миқдори, туроқларнинг сони ва жойлашиш тартиби бошқа мисраларда ҳам муайян тартибда такрорланиб келишидан вазн ҳосил бўлади.

Мисол:

4	5
Ҳар юракнинг ! бир баҳори бор, ! = 9 бўғин	
4	5
Ҳар бир қалбга ! ишқ бўлар меҳмон. !! = 9 бўғин	
4	5
Ҳар юракда ! гуллар муҳаббат !! = 9 бўғин	
4	5
Бўстон этар ! уни бегумон. !! = 9 бўғин	

(Ҳамид Олимжон)

Бу шеърнинг биринчи мисрасидаги бўғинларининг миқдори (9 бўғин) ва туроқларининг сони (икки туроқ) ҳамда тартиби ( $4+5$ ) бошқа мисраларда айнан такрорланиб, шеър вазни ( $4+5=9$ ) ни вужудга келтирган. Демак, шеър  $4+5$  схемали 9 бўғинли бармоқ вазнида ёзилган экан.

Бармоқ тизими вазнларга ниҳоятда бойлиги билан тавсифланади. Бармоқ тизимидағи вазнлар тузилишига кўра қўйидағи типларга бўлинади: содда вазн, кўшма вазн, эркин вазн.

**Содда вазн.** Содда вазнда ёзилган шеърдаги мисралар бўғинларнинг умумий миқдори жиҳатидан бир-бирига тенг бўлади. Содда вазн, туроқланиш тартибидан қатъи назар, бир туркум доирасидан четта чиқмайди. Муайян **бир туркумгагина асосланган туроқлар тартиби содда вазн деб юритилади**. Ўзбек поэзиясида содда вазнлар 2 туроқдан 6 туроққача (баъзан бундан ортиқ ҳам) бўлиши мумкин. Содда вазнлар туроқлар таркиби жиҳатидангина эмас, балки умумий туроқлар сони жиҳатидан ҳам бир биридан ажраблиб туради. Вазнлар бир хил ёхуд туроқли хил туроқларидан ташкил топади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> У. Тўйчиев. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. Т., Фан, 1966, 69-бет.

4                    5  
Завқ үйғонар ! боққан кишида, !! = 9 бўғин

4                    5  
Шунча кўркам ! бўлмиш пахтазор. !! = 9 бўғин

(Үйғун)

4                    5  
Чиройлидир ! гўё ёш келин, !! = 9 бўғин

4                    5  
Икки дарё ! ювар кокилин. !! = 9 бўғин

(Ҳамид Олимжон)

4                    5  
Йигитликнинг ! олтин фаслига !! = 9 бўғин

4                    5  
Қадам кўйган ! кутлуг кунданоқ, !! = 9 бўғин

4                    5  
Етмоқ учун ! бир ёр васлига !! = 9 бўғин

4                    5  
Ким ўтказмас ! тунларни уйғоқ. !! = 9 бўғин

(Барот Бойқобилов)

3                    3                    3  
На кўкнинг ! фанори ! ўчмасдан !! = 9 бўғин

3                    3                    3  
На юлдуз ! сайр этиб ! кўчмасдан !! = 9 бўғин

(Үйғун)

Юқорида келтирилган шеърий парчалар тўққиз бўғинли бармоқ вазнида ёзилган, аммо туроқланиш тартиби икки хил:  $4+5=9$  ва  $3+3+3=9$ . Шеъларнинг биринчи мисрасидан тортиб сўнгти мисрасигача тўққиз бўғинли (тўққизлик туркум) бармоқ вазнида ёзилган. Демак, юқоридаги шеърлар содда вазн типида яратилган экан. Шунингдек, шоир Чўлпоннинг “Севги ва салтанат” шеъри саккизлик туркум усулида ёзилган, яъни шеърнинг қайси бир мисрасини олиб кўрсангиз ҳам унда саккиз бўғин борлигини пайқайсиз. Солиштириб кўринг:

Кенг талада кийик ўйнар,  
Кийик кўзин йигит ўйлар,  
Кийик кўзи кўнгил тортар,  
Ошиқ кўрса дарди ортар.

Тангри севги яратғондир,  
Яйловларга тарқатғондир,  
Үрдалари бек — хонларнинг  
Уясидир ёмонларнинг.

**Құшма вазн.** Шеър икки ва ундан ортиқ туркумда ёзилған бўлса, унинг биринчи мисрасининг бўғинлари сони бир хил ва иккинчи мисрасидаги бўғинлар бошқа хил... бўлади; улар муайян қонуният (тартиб) асосида бутун шеър давомида такрорланиб туради. Шеър тузилишининг бу усули қўшма вазнни вужудга келтиради. Мисоллар:

Боқмам ерлик наволарга,	= 8
Билмам, қачон қайтаман.	= 7
Мен дардимни ҳаволарга,	= 8
Шамолларга айтаман.	= 7

(Рауф Парфи)

Кел, дўст бўлсанг, кўз ёшимга боқма,	= 9
Эриб кет шодлигимда !	= 7
Рақиб бўлсанг ёнимда оқма	= 9
Ботасан гирдобимда.	= 7

(Зулфия)

Мен жилғаман,	= 4
Дарё бўлиб тўлгим келади.	= 9
Она юртим,	= 4
Сенга ўғлон бўлгим келади.	= 9
Бугун сенга	= 4
Фақатгина шеър бағишладим.	= 9
Керак бўлса,	= 4
Жонни фидо қилгим келади.	= 9

(Эркин Воҳидов)

Кўз ўнгимда эрир туман	= 8
Қояларнинг тўшида.	= 7
Куёш — олтин сават, тураг	= 8
Хув чўққининг бошида.	= 7

(Омон Матчон)

Оғир бир уйқұвда	= 6
Ётарди дунё	= 5
Сархуш шоир каби	= 6
Инграрди жақон.	= 5

(Абдулла Оріпов)

Дейдиларким, шаҳримда бир гүзал бормиш,	= 12
Ҳар оқшом боққа кириб мани сўрармиш.	= 12
Изларимни тополмай оҳлар урурмиш.	= 12
Гир-гир юрармиш,	= 5
Ҳайрон бўлармиш.	= 5

(Миртемир)

Алишерга алла айтиб ухлатган	= 11
Сен — она.	= 3
Оғушида Бобур камолга етган	= 11
Сен — она.	= 3

(Миртемир)

Менинг чегарамга қадам босган	= 10
Кимдир ўзи, тушунтири менга.	= 9
Жавоб бердим: қүёш, ҳали бу оз,	= 10
Бир кун меҳмон бўламиз сенга.	= 9

(Үйғун)

Умуман, 15, 16 бўғинли вазн, кўпинча қўшма вазн деб юритилади. Чунки уларни 7+8 бўғинли ёхуд 8+8 бўғинли мисралар ташкил этади. Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпингтан паҳлавон” достони таржимаси мана шундай қўшма вазнда бажарилган.

Демак, қўшма вазннинг ўзига хослиги шул эканки, шеърда бир хил вазнли мисраларнинг такоридан эмас, балки икки ва ундан ортиқ вазнли мисраларнинг муайян қонуният асосидаги такоридан ритм келиб чиқар. Қўшма вазн шеърнинг ритмик имкониятларини оширадиган воситалардан биридир.

Шеър уч ва ундан ортиқ турқумда ёзилган бўлиши ҳам мумкин, бундан қўшма вазннинг мураккаброқ кўринишлари пайдо бўлади.

Ҳа, мураккаброқ вазндан шеър уч ва ундан ортиқ турқум заминига таянадиган туроқлар тартиби асосида ярати-

лади. Шоир Мақсұд Шайхзоданинг “Тошкентнома” лирик поэмаси, шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, саккиз вазнда ёзилган. Бу асар — мураккаб вазннинг мумтоз намунаси. Бу ўринда шоир Чўлпоннинг “Бинафша” шеърини эслайлик. Тўғри, бу шеърнинг дастлабки икки банди (11+9, 11+9 ва 12+9, 12+9 тарзида) кўшма вазнда яратилган (банддаги биринчи мисра билан учинчи ва иккинчи мисра билан тўртинчи мисра алоҳида-алоҳида вазнларда), яъни ўн бирлиқ ва тўққизлик, ўн иккилик ва тўққизлик вазнларида ёзилган. Аммо қолган бандлардаги мисралар бир неча вазнлар (учлик, олтилик, тўққизлик, саккизлик, ўн иккилик вазнлар) да яратилганлиги аниқ. Таҳлил ва мулоҳаза қилиб кўришингиз учун мазкур шеърни тўлиқ келтирамиз:

Бинафша сенмисан, бинафша сенми —	= 11
Кўчада ақчага сотилган ?	= 9
Бинафша менманми, бинафша менми —	= 11
Севгингга, қайфунгга тутилган?	= 9
Бинафша, нимага бирозроқ очилмай,	= 12
Бир эркин кулмасдан узилдинг ?	= 9
Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай,	= 12
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг ?	= 9
Бинафша,	= 3
Айт менга,	= 3
Кимлардир уларким,	= 6
Игнани бағрингга санчарлар?	= 9
Бинафша,	= 3
Бир сўйла,	= 3
У қандай кўлларким,	= 6
Узалар, ҳидлайлар, янчалар ?	= 9
Бинафша, шунчалар чиройли юзинг бор,	= 12
Кўнглимга исриқлик тўқмайсан ?	= 11
Нимага узокроқ кулмайсан ?	= 9
Бинафша, шунчалар тортгувчи тусинг бор,	= 12
Бинафша, йиглама, бинафша, кел бери,	= 11
Қайғингни қайғимга қўшгил.	= 8
Бинафша сенинг — чун кўкрагим эрк ери,	= 12
Бу ердан кўкларга учгил.	= 8
Бинафша, гўзалим, қайғилим, келмайсанми,	= 12
Қайғинг зўр, қайғимни билмайсан,	= 9
Менга бир кулмайсан !	= 6

Демак, “Бинафша” — қўшма вазннинг мураккаб кўри-нишида ёзилган. Бундай шеъларни яна келтиравериш мум-кин.

**Эркин вазн**-бармоқ шеър тизимидан ўсиб чиққан ўзига хос вазн типи. Эркин вазннинг ўзбек шеъриятида пайдо бўлиши, бир томондан, рус поэзияси ва, иккинчи томондан, усмонлик турк шеърияти таъсири билан боғлиқ.

Бу янги вазннинг номини “Эркин шеър” деб аталиши-нинг боиси шундаки, унда анъанавий шеър қоидаларидан бир мунча четга чиқиласди.

Лекин эркин шеърнинг ҳам ўз қонуниятлари бор. Эркин шеър палапартиш ёзилиб кетилаверадиган вазнсиз, тартибсиз мисралар тизмаси эмас. Эркин шеърнинг асосий шарти — шаклнинг мундарижага тўла мувофиқ бўлишидир. Эркин шеърда сатрлар шундай тартибда бўлиши керакки, бунинг натижасида шеърдаги интонация шоирнинг фикрларини, руҳий ҳолатини, ҳис-туйғуларини, кай-фиятини тўла ифода этсин.

Эркин вазннинг муҳим хусусиятларидан бири — ай-рим мисралардаги бўғин (сўз)ларни (маъно ва интонацияни ўзгартириш мақсадида) бир неча қаторга зинапоя тартибида жойлаштириш(градация усули)дир. Эркин шеърда мусикийлик ўзгариб, тобланиб туриши мумкин. Бунинг боиси шундаки, бир шеърда шоир бир неча ритмик ўлчовлардан фойдаланади, бир туроқ тартибидан иккинчи туроқ тартибига кўчаверади...

Эркин шеър нотекис ҳаракатли ритмга асосланади. Бу ритмда бадиий зарб қонунияти ҳам ўз кучини кўрсатади.

Эркин шеърда аруз вазнлардагидек мисраларидағи ҳижо-ларнинг сони ва сифатига ёхуд бармоқнинг бошқа вазнларидагидек мисрасидаги бўғинларининг миқдорига эмас, балки интонацияга катта аҳамият берилади. Бундай шеърда қайси сўз ёхуд сўзлар бирикмасини ажратиб айтиш зарур бўлса, шу сўзларгина алоҳида-алоҳида сатрга тизилади. Бу шеърда, одатда, иккилик, учлик, тўртлик ва бошқа туркумлар (муайян қонуният асосида) аралаш кўлланаверади.

Эркин вазннинг яна бир хусусияти шундаки, унда вазнда, қоғияда, банд қурилишида анча эркинлик, қадимий қоидалардан бирмунча четга чиқиш юз беради. Мисралар ва зинапоялардаги бўғинлар сони ҳам тенг бўлавермайди.

Бу эркинликнинг асосида ҳам маълум бир қонуният ётади, албатта. Бу қонуният — мантиқий босим қонуниятидир, яъни қайси сўзни ажратиб, алоҳида таъкидлаб айтиш зарур бўлса, шу сўз алоҳида сатрга чизилган, қайси тартиб шоирнинг ҳис-ҳаяжонини ва поэтик фикрини тўла ифода этса, сўзлар шу тартибда сатрларга тизилади. Масалан,Faфур Фулом “Сен етим эмассан” шеърида худди шу усулни кўллаган:

Чўчима жигарим,  
Ўз уйингдасан.  
Бу ерда  
на фурбат,  
на офат,  
на фам.

Бунда бор:  
ҳарорат,  
муҳаббат,  
шафқат.  
Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам.  
Сен етим эмассан  
Ухла жигарим.

Ёки шоир Мақсуд Шайхзоданинг “Озарбойжонга хат” шеърида ҳам эркин вазн хусусиятлари яқол қўзга ташлануб туради. Шу шеърдан олинган қўйидаги парчага бир назар солинг-а:

Кучоқлайди  
Ҳар бир диёр,  
ишқ-ла  
бошқа диёрни,  
Куррадаги харитада  
Ҳамроҳ бўлса  
бўёқлар...  
Салом сенга  
Эй орқадош,  
маслақдош,  
Озарбойжон!  
Сенга кўлни  
чўзаётирип  
паҳтакор  
Ўзбекистон.

Бу шеърий парча миқдори тенг бўғинли мисралардан иборат эмас. Уларни жамлаб бир миқдордаги бўғинли мисралар чиқариб бўлмайди. Шунингдек, уларни қўшиб ўқиганда ҳаяжонли интонация бутунлай йўқолиб кетади. Бу парчаларда мумтоз шеъриятимиздагидек аниқ вазн ҳам сезилмайди. Қофиялаш ҳам, туроқлар ҳам эркин. Шундай бўлса ҳам уларда ритм ва мусиқийлик бор. Мана шу — ҳақиқий эркин шеър!

Ўзбек шоирлариFaфур Фулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Мақсуд Шайхзодалар эркин шеърнинг яхши намуналарини яратишган. Аслида профессор А. Саъдий фикрича, “Эркли вазнни... туркларга тақлид билан Фитрат бошлаб юборғондир... Чўлпонда ҳам эркли вазн кўрамиз”<sup>1</sup>. Эркин шеър (вазн) заминида пайдо бўлган — сарбаст шеър ҳақида бир икки оғиз сўз. Одатда, сарбастда мумтоз шеър тузилиши (туроқ, қофия, ритм, поэтик фикр йўналиши...) қоидаларига деярли амал қилинмайди. Унда асосан, ўзига хос поэтик мантиқда амал қилинади. Сарбастнинг бу хусусияти шоирга ҳаётнинг мураккаб жиҳатлари ҳақида, долзарб ва кескин муаммолар хусусида жўшқин ва эркин, айни чоқда, ошкора, дангал фикр юритишга йўл очади<sup>2</sup>.

### Банд

Банд (строфа) — шеърнинг алоҳида қофияланиш тартибига эга бўлган йирик ритмик бўлагидир. У нисбий тугал фикр ёки ҳиссиётни ифодалайди. Банд — қофия ва интонация билан бириккан (уюшган) мисраларнинг муайян тартиб асосида тақрорланиши. Банд йирик шеърий асар мазмунини пешма-пеш (бандма-банд, босқичма-босқич), изчил очиб беришда восита бўлади. Негаки, бандда асар мазмунига тааллуқли гоя ва ҳиссиёт бутунлай тугалланмасдан, ўзидан кейинги ёки олдинги банднинг боши ёки давоми сифатида ҳам майдонга чиқади — фикр ва туйғу бир банддан ик-

<sup>1</sup> Каранг. А.Саъдий. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. Т., 1924, 57-бет.

<sup>2</sup> Н. Шукуров. Н. Хотамов. Ш. Ҳолматов. М. Маҳмудов. Адабиётшуносликка кириш. Т., “Ўқитувчи”, 1979, 154-155-бетлар; А. Н. Маматова. Ўзбек шеъриятида сарбаст. Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, 2000.

кинчи бандга күчади. Шу тариқа, шеърда мавзу, фоя ва руҳий ҳолат бирлигидан ташқари, мантиқий ва синтактик бирлик ҳам пайдо бўлади.

Демак, шеърда ритм, вазн, қофия ва бандлар воситасида фикр юритилади, ҳаёт бадиий ифодаланади. “Шеърда бандсиз мусиқийликни ва унинг биринчи элементи бўлган ритмни тасаввур қилиш қийин. Бандни шеър мусиқийлиги шаклланадиган ва рўёбга чиқарадиган асосий майдон деб аташ мумкин, чунки муайян туроқ ва вазн орқали шакллана бошлаган шеър ритми банд орқалигина ўз такомилига эришади; вазн банд мисраларида такрорланади; мисралар эса маъно ва интонация жиҳатидан бир бутун ҳолда гуруҳ-гуруҳ бўлиб келади. Мисралар гуруҳи мисраларнинг бошқа гуруҳлари орқали вазн ва қофияланиш жиҳатидан маълум қонун асосида такрорланади, натижада, маълум бир шеър ритми вужудга келади. Шеър ритми бандларидағи қофиялар асосида келиб чиқадиган оҳангдошлиқ билан кўшилиб, мусиқийликни вужудга келтиради”<sup>1</sup>.

Шеър бандлари бир неча белгилар билан тавсифланади. Чунончи, шеър бандлари, биринчидан, ҳам мазмун, ҳам поэтик синтаксис, ҳам композиция, ҳам ритмик-интонация жиҳатидан нисбий тугаллик касб этса, иккинчидан, банд мисраларининг миқдори бир хил ва қофияланиш тартиби изчил бўлади. Шунингдек, банд баъзан шеър жанрини белгилаши ҳам мумкин. Бу ўринда банд ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўлиш мақсадида Ҳамид Олимжоннинг “Дарё кечаси” шеъридан қуйидаги парчани ўқиб кўрайлик:

Дарё гўзал... осмонда юлдуз,  
Ой сузмоқда адир устидан.  
Соя солған кўқдан оқ булут  
Фазоларга ўз уйқусидан.

Бу парчада юқорида қайд этилган банднинг аксарият белгилари мавжуд. Масалан, шеърий парчада, биринчидан, яхлит бир манзара ифодаланган, иккинчидан, инто-

---

<sup>1</sup> У. Тўйчиев. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. Т., Фан, 1966, 131—132-бетлар.

национ бир бутунлик бор, учинчидан, а+б+в+б схемаси асосида қофияланган, тўртнчидан, парча тўрт мисра (ҳар бир мисрада тўққиз бўғин) ... мавжуд. Мана шу тартиб шеърнинг барча банд — (шеър ўн уч банддан иборат)ларида айнан сақланган. Биринчи бандда тасвир этилган дарё манзараси кейинги бандларда янада кенгайтирилган ва чукурлаштирилган... Демак, шеърнинг умумий тўқимасида банд ҳам салмоқли ўрин тутар экан.

**Банд тузилиши.** Умуман айтганда, ўзбек шеъри бандида икки мисрадан тортиб йигирма тўрт мисрагача бўлиши мумкин. Ўзбек мумтоз шеъриятида (таркиббанд ва таржи-бандларни мустасно қилганда) икки-саккиз мисралик бандлар кўп учрайди. Ҳозирги ўзбек поэзиясида эса учлик, еттилик, тўққизлик, ўнлик, ўн бирлик, ўн учлик, ўн бешлик ва ўн олтилик сингари ўнга яқин янги шеърий бандлар пайдо бўлган<sup>1</sup>. Адабиётшуносликда, шартли равишда, иккиликдан олтиликкача бўлган бандлар — содда бандлар; еттиликдан ўн олтиликкача бўлган бандлар — мураккаб бандлар деб юритилади. Шуни ҳам айтиш керакки, юқорида қайд этилган, 2-24 мисрали шеърий бандлар вазн, туркум, туроқ, бўғин, қофияланниш тартиби жиҳатидан яна кўплаб шеърий шаклларга ажралади. Чунончи, икки мисрали банд (жуфт қофияланувчи мисралар) ритм жиҳатидан ҳар хил шаклда бўлиши мумкин: Адҳам Раҳматнинг “Алифбе” шеъридаги икки мисралик бандлар етти бўғинлик вазнда, Ойбекнинг “Зафар ва Заҳро” поэмасидаги бандлар эса 4+4+4 вазнда ёзилган...; тўрт мисрали бандлар, кўпинча, 5, 4+3, 4+5, 6+5, 4+4+4, 4+4+5, 4+4+4+3 вазнларида ёзилади. Ёхуд, олти мисрали банд 19 хил кўринишга эга... Мумтоз шеъриятимизда кўп ишлатилган шеърий бандлар маҳсус номлар билан юритилган: иккилик — маснавий, учлик — мусаллас, тўртлик — мурабабаъ, бешлик — мухаммас, олтилик — мусаддас, еттилик — мусаббаъ, саккизлик — мусамман, тўққизлик — мутассас ёхуд тасни, ўнлик — муашшар ёхуд машру... Шу нарсани ёдда тутиш керакки, мумтоз адабиётимизда шеър қайси банд

---

<sup>1</sup> Яна қаранг: Алабиёт назарияси, 2-том. Т., Фан, 1980. 385-388-бетлар.

усулида ёзилган бўлса, кўпинча, шу усул муайян шеър жанрига ҳам нисбатан берилган. Шу маънода маснавий, муррабаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман каби истилоҳлар, биринчидан, банд номларини ифодалаган бўлса, иккинчидан, муайян банд усулида ёзилган шеър жанрини ҳам белгилаб берган<sup>1</sup>. Чунончи, мухаммас, биринчидан, банд номи, иккинчидан, шеър жанри каби.

Ўзбек мумтоз адабиётида “таржиъбанд”, “таркибанд” ва “соқийнома” каби жанрларда ёзилган шеърларнинг банд тузилиши ҳам ўзига хос. Ҳозирги ўзбек шеъриятидаги эркин шеърнинг ҳам бандлари бошқача — улар мумтоз анъ-аналар қолипига сифмайди. Ҳозирги шеъриятилизда (эркин шеърни мустасно қўлганда) шеър, асосан, бир текис банд усули (яъни шеърнинг биринчи банди қандай шаклда бўлса бошқалари ҳам шу усулда)да ёзилади. Масалан, Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеъри тўрт мисралик банд усулида ёзилган. Шеърда ўнта банд бўлиб, уларнинг ҳар бири тўрт мисрадан тузилган. Ҳатто, банднинг ички қофия тартиби (а+б+а+б) ҳам, мисралардаги бўғинлар сони ҳам (11 бўғин), туроқлар тартиби ҳам (6+5) бир хил.

Қиёслаб кўринг-а:

### Биринчи банд

Йигитлар мактубин битганда қондан,	=a=6+5=11
Келинлар фироқдан чекканда ёху.	=б=6+5=11
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,	=а=6+5=11
Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.	=б=6+5=11

### Ўнинчи (сўнгги) банд.

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,	=а=6+5=11
Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.	=б=6+5=11
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,	=а=6+5=11
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.	=б=6+5=11

Баъзан ижодий тажрибада бир асарда икки ёки ундан ортиқ банд усулидан фойдаланиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бу ҳол, кўпинча йирик поэтик асарларда содир бўла-

<sup>1</sup> Қаранг. У. Тўйчиев. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси, 130-162-бетлар.

ди. Масалан, Мақсуд Шайхзоданинг “Тошкентнома”, Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” каби поэмаларида шу ҳодиса учрайди. Банд турларининг бундай ўзгаришлари (муайян тартиб асосида) мусиқий ранг-барангликни вужудга келтиради.

Энди ўзбек шеъриятида кўп қўлланилган баъзи бандларни қисқа-қисқа тасвифлаб ўтайдик:

а) **Маснавий** (ар. مسنوي — иккилик қофияланиш тартиби: а+а, б+б, в+в, г+г...) — икки мисрадан иборат бўлган шеър банди. Газалларнинг бандлари: а+а, б+а, в+а, г+а, д+а, е+а... ва фард (икки мисралик) шеърлар; а+а (ва ҳатто, баъзан а+б, яъни қофиясиз) схемасида қофияланади.

Мумтоз адабиётимизда воқеабанд (кичик) лирик шеърлар ҳам, йирик ҳажмли достонлар ҳам маснавий деб юритилаверган (агар улар икки мисралик банд усулида ёзилган бўлса). Алишер Навоийнинг “Хамса”си Муқимиининг “Танобчилар”и, Фурқатнинг “Суворов”и маснавий усулида ёзилган.

Бир мисол:

Хунарни асрабон <b>неткумдур</b> охир?!	= а
Олиб туфроққаму <b>кеткумдур</b> охир?!	= а

(Алишер Навоий)

Ҳозирги замон ўзбек шоирлари ҳам маснавийга тез-тез мурожаат қиласидилар. Масалан:

Бахт нима? Ҳаётми ва ёким <b>хаёл?</b>	= а
У недур? Мулкми ё умр <b>безавол?</b>	= а
Менинг назаримда буларнинг <b>бари</b>	= б
Бахт деган дарахтнинг <b>шохобчалари.</b>	= б
Бахтга ўша чой ҳам дахлдор эрур,	= в
Ақл ҳам, чирой ҳам дахлдор эрур.	= в
Ҳаётнинг галвали <b>гулдуросидан,</b>	= г
Кувончи, ташвиши, хуш <b>садосидан</b>	= г
Йироққа тушмасак, бахтдир мана шу,	= д
Қандайдир муаллақ манзил эмас <b>у.</b>	= д
Бахт тенгдир шоиру <b>бастакорга</b> ҳам,	= е
Абдурайим деган <b>пахтакорга</b> ҳам.	= е

(Абдулла Орипов)

Шоир Ҳамид Олимжон “Энг гуллаган ёшлик чофимда” деб бошланадиган шеърини иккилик банд усулида (а+а, б+б, в+в...) ёзган. Бу шеърнинг вазни:  $4+5=9$ . Текшириб кўринг-чи:

Энг гуллаган ёшлик чофимда,	= а
Сен очилдинг кўнгил боғимда.	= а
Шунда кўрди кўзим баҳорни,	= б
Шунда қалбим таниди ёрни.	= б

Шоир Миртемирнинг “Бўлмаса” шеъри ҳам маснавий-да битилган (қофияланиш схемаси: а+а, б+б, в-в, г-г...). Темур Фаттоҳ “Чироқлар” шеърида иккилик бандларни а+а, б+б, в+в... шаклида қофиялаган. Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеъри маснавийнинг энг яхши намунаси (вазн схемаси:  $4+5=9$ ).

б) **Мусаллас** (ар. مُسَلَّس — учлик) — уч мисрали банд усулида ёзилган шеър. Бу усул ўзбек мумтоз адабиётида кенг тарқалмаган, аммо ҳозирги шеъриятимизда сийракроқ бўлса-да ишлатилиб турибди. Масалан, Шухратнинг “Олма” (қофияланиши: а+б+б, в+г+г...), Мирмуҳсиннинг “Хат ёзаман” (қофияланиш тартиби: а+б+а, в+г+в...), “Боғ кўшнимиз” (қофияланиши: а+б+а, в+г+в...), Азиз Абдураззоқнинг “Табиат соз” (қофияланиши: а+а+а, б+б+б...) шеърлари мусаллас усулида ёзилган. Фарб ва рус адабиётида бу усул кенг қўлланилади. Шеър ёзишнинг бу усулини Фарбда **терцина** (италянча: *terzina*) деб аташади. Терцина-да қофия тартиби: биринчи бандда биринчи мисра учинчи мисра билан қофияланади, иккинчи мисра эса иккинчи банднинг биринчи мисраси билан қофияланади ва ҳоказо. Терцина охирги банднинг икки мисраси билан қофияланувчи алоҳида мисра билан тугалланади. Жаҳон адабиётининг машҳур намояндадаридан бири — Дантенинг “Илоҳий комедия”си терцина усулида ёзилган ва бу шоҳ асар шоир Абдулла Орипов томонидан ўзбек тилига терцинада маҳорат билан таржима қилинган. Бир мисол:

Мубҳам йўллар оша иккимиз танҳо.	= а
Кетиб борар эдик бесўз, бекалом	= б
Икки оға-ини дарвищдай гўё.	= а
Ўтган ҳодисотни эсласам тамом	= б

Курбақа ва сичқон — Эзоп масали = в  
Хаёлимни қайта айлар эди ром. = б

Яна мисоллар:

Ҳавонинг юзи, = а  
Заҳарли кўзи = а  
Мулойимлаши... = б

Шарқнинг малаги, = в  
Най камалаги = в  
Кўкка улаши... = б

(Чўллон)

Шоир Омон Матчоннинг “Баҳор нафаси” шеъри ҳам уч мисралик банд усулида ёзилган. Аммо унинг ички тартиби ўзига хос. Шеърда тўртта учлик банд бор. Барча бандларнинг биринчи мисралари (“Учрашувимизга яқин қолди”) — рефрен. Шеърнинг қофияланниш тартиби: а+б+в, г+д+в, е+ё+в, ж+з+в. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир банднинг учинчи мисраларигина ўзаро қофияланган, қолган икки мисраси қофиясиз. Аммо бандларнинг биринчи мисралари рефрен бўлганлиги туфайли шеър ритмида сустлик сезилмайди. Куйидаги икки бандни ўқиб кўринг-а:

Учрашувимизга яқин қолди - рефрен  
Қишининг таъқибда қочиб  
Дараҳтин тарк этган япроқлар билан.

Учрашувимизга яқин қолди - рефрен  
Тошлирини лола ёпиб гизлаб,  
Булат тўпланаётган тоғлар билан.

Усмон Носирнинг “Балиқчи” шеъридаги учлик бандлар бошқача тартибда:

Оқ булутлар қўзғалди,  
Тоғдан нари йўл олди,  
Очилди кўм-кўк осмон...

Узокда юлдуз кўрдим,  
Соҳилда бир қиз кўрдим  
Боққан билан тўймасман...

в) **Мураббаъ** (ар. مربع — тўртлик) — ўзаро қофияланган тўрт мисралик банд усулида ёзилган шеър. Мураббаънинг қофияланиш тартиби: биринчи банд мисралари ўзаро бир текисда қофияланади ( $a+a+a+a$ ), кейинги бандларнинг дастлабки уч мисраси ўзаро қофияланади ва тўртинчи мисраларигина биринчи банднинг тўртинчии мисрасига қофиядош ( $b+b+b+a$ ) бўлиб келади.

Мисол:

Кўйма жоно, сурма, <b>шаҳло</b> кўзларинг,	= а
Охуларни қилди <b>шайдо</b> кўзларинг,	= а
Мардум ичра солди <b>ғавғо</b> кўзларинг,	= а
Мардумлари, магар, <b>тарсо</b> кўзларинг.	= а
Эй париваш гулпираҳан суманбар,	= б
Назокатда қаддинг сарву сановбар,	= б
Букун боқмай ошиқларга баробар,	= б
Қилмас андишаи фардо кўзларинг.	= а

(Муҳимиий)

Мураббаъ қофиясининг бу тартиби асосан мумтоз адабиётимизга хос.

Шеър тузилишининг муруббаъ усули ҳозирги ўзбек поэзиясида ҳам кенг қўлланилмоқда. Аммо классикадаги қофияланиш қонунияти ўзгарган. Натижада тўртлик бандларда қофияланишнинг ранг-баранг қўринишлари пайдо бўлган. Қофияланиш тартиби хилма-хил бўлган тўртлик банд усулидаFaфур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Амин Умарий, Усмон Носир, Зулфия, Абдулла Орипов ва бошқа шоирларимиз баракали ижод қилишган.

Мисол:

Боғимда <b>анорим</b> бор,	= а
Чергданда <b>доторим</b> бор,	= а
Ширмон юз <b>нигорим</b> бор,	= а
Йилларим, <b>фаслим</b> кўркам.	= а

(Амин Умарий)

Эҳ, сиз тоғлар, нақадар кўркам !	= а
Сизга берар илк нурин <b>қуёш</b> .	= б
Пар булатлар, марварид қорлар	= в
Юксак чўққи узра қўйган бош.	= б

(Абдулла Орипов)

<b>Юлдузи йўққа боқай,</b>	= а
<b>Юлдузим талош бўлур.</b>	= б
<b>Кундузи йўққа боқай,</b>	= а
<b>Кундузим талош бўлур...</b>	= б

(Абдулла Орипов)

г) **Мухаммас** (ар. مُحَمَّد бешлик) — мумтоз адабиёти-мизда ўзига хос қофияланиш тартибига эга бўлган бешлик банд усулида ёзилган шеър. Қофияланиш тартиби: биринчи банд мисралари ўзаро бир хилда қофияланади (схемаси: а+а+а+а+а), кейинги бандлардаги дастлабки тўрт мисра ўзаро қофияланаб, сўнгги бешинчи мисралар биринчи банднинг бешинчи мисраси билан оҳангдош (схемаси: б+б+б+б+а) бўлади. Мисол:

<b>Соядурменки, боқмас офтобим ким десун?</b>	= а
<b>Бора-бора кетди қадрим, интихобим ким десун?</b>	= а
<b>Бир ўқутмайдур битиб берган китобим ким десун?</b>	= а
<b>Ул тафофул пешага ҳоли ҳаробим ким десун?</b>	= а
<b>Ҳажрида мундоғ мени кўрган азобим ким десун?</b>	= а
<b>Ошносидин кечиб, бегоналарга ёр-ёр,</b>	= б
<b>Бу аламларга чидолмай, кўз ёшимдур шашқатор,</b>	= б
<b>Ҳеч душман бўлмасун кўйида мендек хору зор</b>	= б
<b>Кундузи бир ерда бир дам олмай орому қарор,</b>	= б
<b>Лаҳзае йўқ кечалар кўзларда хобим ким десун?</b>	= а

(Муқимиий)

Мухаммас, одатда, икки хил бўлади: а) бир шоирнинг ўз мухаммаси (“табъи худ” — ўз таъби); б) бошқа шоирга эргашиб, ўҳшатма усулида ёзилган мухаммас (“мухаммаси тахмис”). Муқимиининг юқорида келтирилган мухаммаси — мухаммаси “табъи худ”, яъни шоирнинг ўз мухаммаси. Мухаммаси тахмис (бошқа шоирдан икки мисра олиб, вазнда ҳам, қофияда ҳам, ритмда ҳам шунга монанд уч мисрани ўзи қўшади — шу тариқа бешлик банд яратилади) усулида ҳам ўтмишда бир қанча асарлар яратилган. Устоз шоирларга мухаммас боғлаш анъанага айланиб кетган. Биргина мисол:

<b>Неча муддат, кеча-кундуз кўрганинг ағёр эди,</b>	= б
<b>Шу сабабдин ҳар тукум жисмимда гўё мор эди.</b>	= б
<b>Шом вақтидек, Муқимиий, рўзгорим тор эди.</b>	= б

Шукар, Фурқат фурқатингда хастаю бемор эди, = б  
Бир боқишида айлади дардимға дармон кўзларинг. = а

Бу бешлик банд — Муқимиининг мухаммаси тахмис усулида ёзилган “Кўзларинг” радифли ғазалининг сўнгги банди. Бу банднинг дастлабки уч мисраси Муқимииники, сўнгги икки мисраси Фурқатники. Муқимиий мисралари Фурқат мисраларидағи вазн, ритм, қоғияга тўла монанд. Шунингдек, ҳар иккала шоир мисралари мавзуу ва фоя жиҳатдан бир бутунликка эга.

Ҳозирги ўзбек шеъриятида ҳам бешлик банд усулида шеър ёзиш кенг тарқалган. Аммо ҳозирги шоирлар мухаммаснинг темир қонуниятларини жиддий ислоҳ қилишган.Faфур Фулом, Ойбек, Уйғун, Усмон Носир, Рамз Бобоҷон, Миртемир, Ҳамид Фулом, Ҳасан Пўлат, Адҳам Раҳмат ва бошқа шоирлар бешлик банд усулида баракали ижод қилишган. Faфур Фуломнинг “Бу — сенинг имзонг” шеъри шу усулда яратилган асарларнинг гўзал намунасиdir:

Галаба умрининг қомус мазмуни, = а  
Безаги, якуни — ҳар битта хатинг. = б  
Озодликка чанқоқ элларга етгач, = в  
Кулбасин ёритур албатта хатинг, = б  
Азиз ватандошим,  
Бу — сенинг имзонг. = г

Яна бир мисол:

Енгилма, азизим, енгилма **фақат**, = а  
Мағлубни кўришга йўқ менда **тоқат**. = а  
Тик тутиб юришга яралган-ку бош. = б  
Дилимни зимистон ўрайди қат-қат, = а  
Агар кўзларингда кўрмасам **оташ**. = б

(Саида Зуннунова)

д) **Мусаддас** (ар. مساعدة — олтилик) ҳар бир банди олти мисрадан иборат бўлган шеър. Мусаддаснинг қоғияланиш тартиби: биринчи банд мисралари ўзаро бир текисда қоғияланади, (схемаси: a+a+a+a+a), қолган барча бандларнинг беш мисраси алоҳида ва олтинчи мисралари биринчи банднинг олтинчи мисраси билан оҳангдош бўлади (схемаси: б+б+б+б+a, в+v+v+v+a...)

Адабиётимиз тарихида яна шундай мусаддаслар ҳа:  
учрайдики, уларнинг биринчи бандлари ўзаро бир хилд  
қофияланади, қолган барча бандларнинг биринчи –  
тўртингич мисралари алоҳида бир хилда қофияланиб, сўнгт  
байтлари ўрнида биринчи байтнинг сўнгти байти рефре  
сифатида такрорланиб келаверади. Мисол:

Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек,	= а
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,	= а
Ўз ёрини топмасдин овора экан мендек,	= а
Иқболи нигун, баҳти ҳам қора экан мендек,	= а
<b>Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек.</b>	= а
<b>Кўйган жигари-бағри садпора экан мендек.</b>	= а
Кес риштани ким: қылсун чаппаклар отиб <b>жаста</b> ,	= б
<b>Ҳажрида алам тортиб, бўлди жигари хаста.</b>	= б
Тоғларга чиқиб бўлсун ёри била <b>пайваста</b> ,	= б
Кел, қўйма бало доми бирла они по <b>баста</b> ,	= б
<b>Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,</b>	= а
<b>Кўйган жигари-бағри садпора экан мендек.</b>	= а

(Фурқат)

Ҳозирги ўзбек шоирлари ҳам олтилик банд усулида шеър ёзишни кенг қўллаб келишмоқда. Faфур Fулом, Ойбек, Уйгун, Рамз Бобожон, Ҳасан Пўлат ва бошқалар олтилик банд усулида кўплаб шеърлар ёзишган. Бироқ ҳозирги шоирларимизнинг олтилик банд усуслари ўтмишдаги мусаддас қонуниятларидан фарқ қиласи. Чунончи, шоир Чўлпоннинг “Шарафли хизмат” шеъридан олинган қуидаги олти мисралик бандни кўздан кечиринг-а:

Ўзбек қизи ўз оғзи-ла айттолмаган <b>сўзини</b>	= а
Сенинг ўткир тилинг билан эшилтириди <b>элига.</b>	= б
Ўзбек қизи сил оқартган, сўлғин, фамгин <b>юзини</b>	= а
Кўрсатди-да сен орқали, кутултириш <b>йўлига</b>	= б
Букун юртнинг ҳар ерида ўзни тиккан <b>йигитлар</b> ,	= в
У қопқора пардаларга: “Йиртил, энди бас!” <b>дейлар!</b>	= в

Ёки яна бир мисол:

Йиллар ўтди, бироз улғайдик, бу <b>кун</b>	= а
Ватан хизматига бир қадар дастёр.	= б
Оlam ташвишидан юракда <b>тўлқин</b> ,	= а

Ватан құдратидан қалбда ғуур бор. = б  
 Энди сен чорласанг, токи танда жон, = в  
 Лаббай деяjakман, Ватан — онажон. = в

(Абдулла Орипов)

е) **Мусамман** (ар. مُسَمِّم — саккизлик) — саккиз мисралик банд усулида ёзилган шеър. Мусамманның биринчи мисралари ўзаро бир хилда қофияланади (схемаси: 1+а+а+а+а+а+а), қолган барча бандлардаги дастлабки ҳар етти мисра алоҳида бир хилда қофияланиб, саккизинчи мисраларигина биринчи банднинг саккизинчи мисрасига оҳангдош бўлади (схемаси: б+б+б+б+б+б+б+а, в+в+в+в+в+в+в+а каби).

Адабиётимиз тарихида яна шундай мусамманлар ҳам учрайдики, уларнинг ҳар бир бандининг биринчи — олтинчи мисралари алоҳида қофияланиб, сўнгти икки мисра рефрен бўлиб қолади. Мисол:

Эй ноз қаламравини <b>шоҳи</b> ,	= а
Иқлими карашма каж <b>кулоҳи</b> ,	= а
Жаврингда мани гадойи <b>роҳи</b> ,	= а
Аҳволинг айладинг <b>табоҳи</b> ,	= а
Чиқти фалак узра <b>дуди оҳи</b> ,	= а
Сансан бу жаҳонда <b>додҳоҳи</b> ,	= а
Ор этма асиру <b>мубталодин</b> ,	= б
Дардинг била тун <b>қун ошнодин</b> .	= б
Эй зулфи бинафша хатти <b>райҳон</b> ,	= в
Жавру ситамингда бағримиз <b>қон</b> .	= в
Хор илгода чокдур <b>гирибон</b> ,	= в
Фам шоҳида булбулам хуш <b>илҳон</b> ,	= в
Чун тўтийи рози <b>шаккаристон</b> ,	= в
Муштоқ лабингда дерман, эй <b>жон</b> ,	= в
Ор этма асиру <b>мубталодин</b> ,	= б
Дардинг била тун-кун <b>ошнодин</b> .	= б

(Ҳувайдо)

Шеърнинг қолган бандлари ҳам шу хилда давом эттан.

Саккиз мисралик банд усули ҳозирги ўзбек щеъриятида ислоҳ қилингган ҳолда кенг кўлланилмоқда. Faфур Fuлом, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Рамз Бобоҷон, Асқад Мухтор, Миртемир ва бошқа шоирлар ижодида маҳорат билан

ишлиатилган. Бу ўринда севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг “Фироқ ҳақида” шеърида қўлланилган бир саккизлик бандга эътиборингизни тортиш кифоядир. Мана шу саккиз мисралик банд тузилишини текшириб кўрингчи?

Севганингни ёки билмайди,	= а
Ё билса ҳам кўзга илмайди.	= а
Айрилиқда ёнасан бироқ —	= б
Сен буни ҳам атама фироқ.	= б
Чунки севгинг бўлса чин	= в
Ҳижронларни қиласар чилпарчин.	= в
Ишон фақат, ҳеч толмай ишон,	= г
Ишонч бўлса чекинар ҳижрон...	= г

Умуман айтганда, ўзбек шеъриятида 2-24 мисралик банд усуллари қўлланилмоқда.

**Ўзга шеър йўллари** 1. Сарбаст. Сарбаст шеърда, одатда, анъанавий шеър тузилиши (туроқ, қофия, ритм, оҳанг, фикр йўналиши...) қоидаларига деярли амал қилинмайди. Унда, асосан, ўзига хос поэтик мантиққа амал қилинади. Сарбастнинг бу хусусияти шоирга ҳаётнинг мураккаб жиҳатлари ҳақида, долзарб ва кескин муаммолари хусусида жўшқин ва эркин, айни чоқда, ошкора, дангал фикр юритишга йўл очади.<sup>1</sup>

Сарбаст Фарб ва Шарқ халқлари адабиётларида кенг тарқалган. Чунончи, усмонли турк шоири Нозим Ҳикмат ва чили шоири Пабло Неруда ва бошқалар сарбастда юксак маҳорат кўрсатишган. Ўзбек шоирлари Миразиз Аъзам, Рауф Парфи, Омон Матчон, Ҳалима Худойбердиева, Шавкат Раҳмон, Абдували Кутбиддин, Азиз Саид, Яхё Тоға, Чори Аваз, Аъзам Ўқтам, Зебо Мирзаева, Ҳамроқул Асқар, Тилак Жўра, Баҳром Фойиб, Равшан Файз, Рауф Субҳон, Тўра Мирза, Беди Раҳмат, Жамол Сабриддинов ва бошқалар сарбастда баракали қалам тебратишган. Баъзи мисоллар келтирайлик:

---

<sup>1</sup> Қаранг: Адабиётшуносликка кириш (Н.Шукуров ва б.) Т., “Ўқитувчи”, 1979. 154-155-бетлар. А. Маматов. Ўзбек шеъриятида сарбаст. Т., 2000.

Ё фалак! Бу не ҳол жаллод !  
Фирибгар, жодугар, мени алдаб,  
Қаритиб қўйибсан кунимдан бурун!

(Омон Матчон)

Етим қилмоқ бўлдилар озодликни  
Фақат  
Яна ўзларини етим қилдилар.

(Пабло Неруда)

Етар бас марсия  
Эй сиз фафлат супрасида биқсиб тўйганлар  
Эй сиз курбонликка  
Куёшни сўйганлар.

(Рауф Парфи)

Мен биринчи ёмғир бўлиб ёғгим келади  
Ўзбекистон ерларига.  
Мен кекса чинорларнинг салобати бўлиб  
Қайрагочнинг метинлиги бўлиб,  
Яшагим келади Ўзбекистонда.

(Мирализ Абзам)

**2. Оқ (ҳарора) шеър.** Шеършуносликда вазни аниқ, тураги аниқ, лекин қофиясиз шеър шакли оқ (ҳарора) шеър деб юритилади. Вазн, мисралардаги ранг-баранг ритмик курилиш оқ шеърнинг оҳангдорлигини, мусиқийлигини таъминлади. Рус шеъриятида машхур бўлган А.С.Пушкиннинг “Борис Годунов”, “Сув париси”; М.Ю.Лермонтовнинг “Калашников ҳақида қўшиқ”, Н.А.Некрасовнинг “Русияда ким яхши яшайди” каби асарлар оқ шеърда ёзилган. Шоир Ҳамид Олимжон А.С.Пушкиннинг “Сув париси” поэмасини ўзбек тилига оқ шеърда таржима қилган.

Оқ шеър ҳозирги ўзбек шеъриятига асосан рус шеъриятидан ўтган, деган фикр ҳам бор. Бироқ, Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул балоға” асарида таъкидлаганидек, ўрта асарлар ўзбек мумтоз адабиётида ҳам “ҳарора” деб ном олган қофиясиз шеър нави бўлган. Масалан, айрим қитъалар, баъзи фардлар ва, ҳатто (жуда кам бўлса-да) айрим газаллар ҳам ҳарора усулида ёзилган. Бу ўринда шоира Увайсийнинг “кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди” радифли газали-

да тизимли ва изчил қофия ишлатилмаганини эслаш ки-  
фоядир. Мана шу ғазалдан байтлар, текшириб кўринг:

Замона кулфатидин бу кўнгул доф ўлди, доф ўлди,  
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доф ўлди, доф ўлди...

Бу гулзори фано ичра маҳалли бе ҳалал йўқтур,  
Ҳамиша хорадин заҳму, кўнгул доф ўлди, доф ўлди...

Сўзимни хотириинг узра гумони ўзга еткурма,  
Ки изҳор айламай найлай, кўнгул доф ўлди, доф ўлди...  
Ажаб ашъори мавзун боғлади Вайсий ҳасаддин ким,  
Умархон зуфунуниким, кўнгул доф ўлди, доф ўлди.

Демак, бу ғазал ҳарора шеър экан. Шу важдан айта ола-  
мизки, ҳозирги шеъриятимизда оқ шеърнинг бир илдизи  
рус классикасига боғланса, яна бир илдизи мумтоз шеъри-  
ятимиздаги “ҳарора”га бориб тақалади.

Хуллас, ҳозирги ўзбек шеъриятида оқ шеър — ҳарора  
анча қулоч ёзган. Файласуф шоир Мақсад Шайхзоданинг  
“Мирзо Улуғбек” фожиаси оқ шеърда ёзилганлиги бежиз  
эмас. Шоир Усмон Носирнинг “Лугатимда сўзим анча кўп”,  
Шуҳратнинг “Оқ шеър”, М. Шайхзоданинг “Уруқ сочар-  
лар” каби асарлари оқ шеърнинг яхши намуналариидир.  
Шунингдек, ҳозирги ёш шоирларимиздан Абдували Кут-  
биддин, Яҳё Тоға, Ҳамроқул Асқар, Тўра Мирзо, Жамол  
Сирожиддин ва бошқалар ҳам оқ шеърда самарали изла-  
нишлар олиб бормоқдалар.

Биргина мисол:

Севсанг мени ёшлигимда ҳам,  
Оппоқ сочи чоғимда ҳам сев.  
Севсанг мени бойлигимда ҳам,  
Қашшоқ юрган чоғимда ҳам сев.  
Севсанг мени кийим ярашган,  
Ярашмаган чоғимда ҳам сев.  
Гар баҳтимдан умидвор бўлсанг,  
Баҳтсиз юрган чоғимда ҳам сев.  
Сенинг севгинг ракета бўлиб  
Юксакларга учирса шояд.  
Учиришга қодир бўлмаса,  
Нега керак бундай муҳаббат?!

(Шуҳрат)

Демак, шеърда ритмни, мусиқийликни  $4+5=9$  вазнли (түққизлик туркуми вужудга келтирган). Шоир Абдулла Ориповнинг “Мен сени куйламоқ истайман” оқ шеъри-нинг туркуми, туроқлар тартиби бошқача; вазни ҳам, му-сиқийлиги ҳам бошқача. Мана шу шеърни ўқинг ва “тех-ника”сини аниқланг:

Мен сени куйламоқ истайман,  
Сенинг юзларингни куйламоқ истайман.  
Сенинг кўзларингни куйламоқ истайман,  
Юзларким, малагу афсонада йўқ,  
Кўзларким, жаннату ризвонада йўқ.  
Мен сени куйламоқ истайман,  
Аммо шундай кўйласамки,  
Йиртилиб кетса овоз пардаларим...  
Мен сендан бўсалар олмоқ истайман,  
Аммо шундай бўсаларким, —  
Тирқираб қон оқса лабларимиздан.  
Зотан, одамлар севгисини ҳам  
Алами, нафрати, қувончи каби  
Ҳайқириб, ҳайқириб очиб ташласин.  
Истайманки, наъра тортсин чақалоқлар ҳам,  
Ўликлар ҳам тинч ётмасин қабрларида.  
Мен ҳамма нарсани буюклигича кўрмоқ истайман  
XX аср одамларида  
Зотан, бу аср  
Ҳар қандай чекланиш, ҳар қандай қулликни  
Итқитиб ташламоқда ўз елкасидан...  
Бу асрнинг талаби оддий ва содда:  
Юрагинг буюрган ҳар қандай гапни,  
Тилагинг буюрган ҳар қандай гапни,  
Ҳеч кимдан тортинмай ўртага ташла,  
Бўғзингда қолмасин овозинг асло!  
Мен шу асрнинг бир митти фарзандиман,  
Мен унинг бутун қўполлигини,  
Бутун нозиклигини,  
Бутун совуклигини,  
Бутун ҳароратини  
Сенинг шу фунчадай нозик лабларингга  
Жо қилмоқ истайман, севгилим...

(Абдулла Орипов)

Бу шеърдан сезилиб турибдики, қофиясиз шеър ҳам инсон қалбини, унинг шуурини, эҳтирослар тутёнини тарь-

сирли ифодалай олар экан. Бу ўринда шоирнинг истеъдо-ди ва маҳорати ҳал қилувчи роль ййнаган.

3. **Сочма (насрый) шеър.** Лирик кечинмалар сочма (насрый) нутқ шаклида ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай нутқ таъсиранчалиги ва жўшқин ритми билан шеърга монанд бўлади. Сочма бадиий нутқнинг шундай тури насрый шеър ёки сочма шеър деб юритилади<sup>1</sup>. Сочма шеърларни проф. Абдурауф Фитрат “мансур шеърлар” деб атаган. Алломанинг уқтиришича, “соchma шeъrlar” (мансур шеърлар) учун “вазн” ва “қофия”нинг тегишлиги бўлмас, ҳам сўзларнинг хунарлича (санъаткорона) бўлиши табиийдир” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1995 йил 16 июнь). Шоир Миртемир сочма шеърнинг хусусиятларини куйидагича таърифлайди: “Сочма аниқ ва қатъий вазндан холи, қора сўзда ёзиладиган, лекин таъсир кучи баланд бўлган (наср) шеър. Сочманинг ўз қоидалари, ўз “вазнлари”, ҳеч ким томонидан ёзилмаган қонунлари бор. Ундаги образлар, катта вазифалар юклатилган поэтик қочириқлар шоирдан катта меҳнат талаб қиласи. Хуллас, қофиядош шеърларга хос бўлган талабларнинг деярли ҳаммаси унда бор. Бўлмаса картина, мавж, манзара бўлмас эди. Сочма шундай вақтда ёзиладики, туйғу ва фикрлар тўлқинланиб тошиб кетади. Уни бирон тўсиқ билан тўхтатиб бўлмай қолади. У вазн, ритмнинг биз тушунган маънодаги қолипига сифмай қолади ҳам. Шундай пайтларда фикрлар сочма тарзда қофозга тушади...

Сочманинг қофиядош шакли ҳам бор. Унинг ўзида ички ритм, ички мусиқа, жаранг бор. Ҳозир шундай холосага келдимки, фикрлару образлар, туйгуларнинг жуда тикилиб келганида сочма туғилар экан. Унинг таъсиранчалиги ҳам шу билан изоҳланса керак<sup>2</sup>.

М. Горькийнинг “Бўрон қуши ҳақида қўшиқ”, Сарвар Азимовнинг “Оппоқ тонг қўшиғи”, Ш. Рашидовнинг “Кашмир қўшиғи”, Ойбекнинг “Мансур шеърлар”, “Юлдуз қиз ҳақида эртак” каби асарлари сочма шеърнинг яхши

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳамраев М. Пламя жизни. Т., изд-во Литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1988, 85—101-бетлар.

<sup>2</sup> “Ўзбекистон маданияти” газетаси, 1974 йил 4 январь.

намуналариридир. Масалан, Ойбекнинг “Мансур шеърлар”-дан олинган қўйидаги парчага диққат қилинг:

“Ҳой, чечакларнинг ошиги, гўзал капалак! Эрталаб қўёш билан баробар уйғонасан. Нозик қанотларинг-ла чечакларни сийлайсан. Дудоқларинг-ла фунчаларни очасан.

Мен сени ёшлигимда нақадар севар эдим, биласанми? Соатларча қувлардим, ипак қанотларинг қўлларимга илинмасди...

Ҳой чечакдан-чечакка қўнган капалак! Кундузлари чаманлarda тентираисан, кечалари қайси чечак қўйнида юлдузларга тикиласан?

Ҳаётнинг буюк тўлқинлари бор — тоғлар чидолмас! Ҳаётнинг бўронида, чечак тахтларинг ила борасан, шундайми, кичик капалак?”

Шоир Миртемирнинг “Тингла, ҳаёт” сочмасини ўқиб кўрайлик:

“Тингла, ҳаёт!

Тингла, қирғоқсиз денгиздай чексиз коинот...

Соз куйлади...

Талвасаларга тўлиб куйлади соз; тошиб куйлади соз... сўнгсиз бир достон бошлангану тутатолмайди, сирли бир тарихнинг саҳифасини очгану тамом этолмайди...

Оҳ, шу чоғда унинг қорамтири юзига боқсангиз, ҳасрат чизиқларини кўрар эдингиз. Жингалак қора соchlар очиқ юзини ва яна елкасини босгану, фам чизиқларини беркитмоқчи бўлади.

Шу пайт унинг кўзларидаги маънони ўқимаслик мумкинми?..

Тингла, қирғоқсиз денгиздай коинот ... тингла, ҳаёт! Ранжиган юракнинг мунгини, ўтган умрнинг ёниқ достонини тингланг! Куйляпти у, баҳт кутган ҳаётни эслаб сўйляпти. Конларда қолиб кетган йигитларни соғинади, чоғи... балки унинг суйгани бор эди, шулар орасида...

Тўхта, ҳей!

Бир тўхтаб, тингла унинг баҳт қўшигини...

Тўхта, ҳей!

Тўхта, қўёш!

Эшит, сўнгра тонг чоғидаги шеъриятингга қўшиб сочарсан унинг қўшигини...

Тұхта, ҳаёт!

Тингла... күзлардаги сүнгсиз мунглар қанотсиз учғандай... Юрақдаги тугунни сүнгти күй ечғандай... у, шу да-қиқада, шу онда суюңчларда қулоч отаяпти, соз ингриамасдан, ўйноқи күй сочаяпти...

Чал, қиз!..”

Қаранг-а! Қанчалар әхтирос ва жүшқин фикр-туйғу! Ҳақиқатан ҳам у, сира-сира қалб қырғоғига сифмайды — түлиб-тошиб оқади, гүё жүшқин бир даре! Ҳақиқий сочма шу-да! Бу — түгён! Бу — вулқон! Бу — мавж! Бу — шеър! Сочма шеър!

Шеършунослигимизда аниқланишича, қадим замонлар маҳсулі бүлган халқ мақоллари, қүшиқлари, термалари, достонлари бармоқ шеър тизимидағи вазнларда яратылған экан. Бугина эмас. Араб истилосигача бүлган ёзма шеър-итимизда ҳам асосан бармоқ вазнлари ишлатылған. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк” асарыда берилған қадимий ёзма шеърий парчалар бармоқ тизимининг бешлик, еттилик, сакқизлик, ўңлик ва ўн учлик вазнларыда яратылғанлығи аниқланған. Бироқ тарихий шароит тақозосига күра, у мұмтоз адабиётимизнинг етакчи шеър тизими даражасига күтарила олмай қолған. XX асрнинг бошлариданоқ шоирларымыз аruz билан бирга бармоқта ҳам мурожаат қила бошлаган. Чұлпон, Фитрат, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний каби шоирлар ана шу анъянани бошлаб берған. Faфур Fулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Үйғун, Fайратий, M.Шайхзода, Миртемир, Усмон Носир, Амин Умарий, Ҳасан Пұлат, Боту, Элбек сингари ўнлаб шоирларымыз бармоқ тизимини ўз ижодларида маҳорат билан күллаб, ҳозирги ўзбек шеъриятининг етакчи шеър тизимига айлантирган. Ҳозирги ўзбек шоирларидан бир қанчаси ҳам бармоқда, ҳам арузда баракали ижод қылмоқдалар. Масалан, Эркин Воқидов, Абдулла Орипов, Жуманиәз Жабборов, Жамол Камол каби шоирларымыз арузда ҳам, бармоқда ҳам маҳорат күрсатмоқдалар. Foфур Fулом, Ҳамид Олимжон, Үйғун, M.Шайхзода, Миртемир каби шоирлар эса, асосан, бармоқда ижод қылған бўлсалар-да вақт-вақти билан арузда ҳам нафис шеърлар битганлар. Сўфизода, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий, Хуршид,

Восит Саъдуллалар, асосан, аруда қалам тебратган бўлсалар, Зулфия, Ҳамид Фулом, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин ва бошқалар, асосан, бармоқда ижод қилишган. Умуман айтганда, бармоқ шеър тизими ҳозирги ўзбек шеъриятининг асосини ташкил этади.

Ўзбек шеъриятидаги шеър тизимлари вазнларга бой ва улар ниҳоятда ранг-барангдир. Ва, ҳатто, бармоқ шеър тизимининг ўзи ҳам бир дунё. Бунинг устига аruz тизимини кўшсак, шериятимизнинг нақадар ранг-баранглигини, сержило ва серқирралигини яққол ҳис эта оламиз. Ҳа, шеъриятимиз ранг-баранг, юксак санъат, жаҳоншумул адабиёт. Шу адабиёт билан ҳар қанча фахрланса арзигулик! Бундай адабиётдан баҳраманд бўлиш учун, даставвал, шеър тузилиши қонуниятини эгалламоқ зарур.

\* \* \*

Қайд этиш жоизки, аruz тизими ўзбек шеъриятига VIII асрлардан (Туркистонни араблар истило қилгандан кейин) кириб келиб, мумтоз шеъриятимизнинг асосий тизимига айланган бўлса, бармоқ тизимининг адабиётимиздаги илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади<sup>1</sup>.

## Иккинчи боб АРУЗ ТИЗИМИ

**Аruz ҳақида  
тушунча**

Аruz (ар. عروض — қилмоқ). Шарқ ҳалқлари адабиётида, жумладан ўзбек адабиётида кенг қўлланилган ўзига хос вазнлар тизими. Аruz вазни ҳижоларнинг талафузидаги узун-қисқалигига асосланган бўлиб, мусика билан чамбарчас боғлиқдир.

Аruz вазни — аслида араб назмининг қадимий шеърий тизими. Аruz ҳақида илм — арузшунослик VIII асрда вужудга келган. Бу илмнинг асосчиси машҳур араб адаби

---

<sup>1</sup> “Аруз... ўзбек адабиётида XI асрдан қўлланила бошланган”. ЎзСЭ, 13-т., Т., ЎзСЭ Бош ред-яси, 1979, 44-бет.

ва олими Ҳалил ибн Аҳмад(719—791)дир. Ҳалил ибн Аҳмад араб назмини чукур тадқиқ этиб, ундаги бир неча вазнларни кашф эттан ва уларни 15 баҳрли бир тизимга солиб, уни “аруз” деб номлаган. Бу шеърий тизимнинг “аруз” деб аталиш сабабини аручилар турли изоҳлашади. Баъзилар “аруз” сўзининг лугавий маъноси “қийин йўл”, бу илм қийин бўлганлиги учун уни “аруз” деб атаганлар дейдилар. Бошқа аручилар бу сўз “арз қилинадиган” деган маънога эга, шеър вазнини аниқлаш учун бу илмга арз қилинади, шу сабабдан унга “аруз” деб ном берганлар, деган фикрни олға сурадилар. Алишер Навоий “Мезон ул авзон”-ида “аруз” атамасини қуйидагича изоҳлайди: “Ва буким, бу илмни нечун “аруз” дейдилар, мухталиф аҳвол бор. Ул жумладин, бири била иктиро қилилур. Ва ул будурким, Ҳалил ибн Аҳмад раҳматуллоҳки, бу фаннинг возиъидур, чун араб эрмиш ва аниң яқинида бир води эрмишки, ани “аруз” дерлар эрмиш ва ул водида аъроб уйларини тикиб, жилва бериб, баҳоға киюурлар эрмиш. Ва уйни араб “байт” дер. Чун байтларни бу фан била мезон қилиб, мавзуини номавзундин аюрурлар, гўёки қиймат ва баҳоси маълум бўлур, бу муносабат била “аруз” деб турлар”<sup>1</sup>.

Бу фикр — фоятда эътиборли, мўътабар ва ҳақиқатга яқин.

Бундан ташқари, наматдан ишланган ўтовнинг ўртасидаги тиргак ёғочни ҳам “аруз” деб юритганлар. Бинобарин, кўчма маънода байт-шеър уйининг биринчи мисрасининг охиридаги руқунни ҳам “аруз” деб юритганлар. Бинобарин, кўчма маънода байт — шеър уйининг биринчи мисрасининг охиридаги руқунни ҳам “аруз” деганлар.

Маълумки, араблар VIII асрда бир қанча Шарқ мамлакатларини, шунингдек Турон ўлкасини ҳам истило қилиб, шу мамлакатларда ўз ёзувини, маданиятини жорий этган. Ана шу жараёнда қатор Шарқ мамлакатлари шеъриятида аруз вазнлари пайдо бўла бошлаган. Аруз вазни таъсири араб шеъриятидан дастлаб форс адабиётига ва ундан ўзбек шеъриятига ўтган. Таъкидлаш керакки, ўзбек адабиётида аруз араб-форс шеърияти таъсирида пайдо бўлган бўлса-

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар (ун беш томлик), 14-том (нашрга тайёрловчи Иzzat Султон). Т., Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1965, 137-бет.

да, у ўзбек тили табиатига зид эмас. Аксинча, ўзбек тилида қадимдан арузга мойиллик бўлган. Маҳмуд Қошгарийнинг “Девону луготи турк” асарида аruz вазнига ўхшаш вазнда яратилган (араблар истилосигача бўлган даврга нисбатан берилувчи) шеърий парчалар бор. Бу ҳол, биринчидан, туркий тилда яратилган шеър вазнини аниқлашда мисрадаги сўзларнинг бўғин миқдорини ҳисобга олиш билан алоқадор бўлса, иккинчидан аруз ва бармоқ тизимлари бир-бирига табиатан яқин шеър тузилиши. Арузнинг ўзбек шеъриятида яшаб қолиши ва ривож топишининг боиси мана шундадир.

Шу тариқа, аруз ўзбек мумтоз шеъриятининг асосини ташкил қилди, ҳозирги ўзбек шеъриятида бармоқ вазнлари тизими билан тенг ҳуқуқли шеър йўли бўлиб қолган.

Ўзбек арузи — мураккаб, айни чоқда, нозик шеър тузилиши. Қуйида шу шеър тизимининг ўзаги — аруз вазнлари, уларнинг пайдо бўлиши, илдизлари, тавсифи ва таснифи хусусидагина мухтасар маълумот бериш билан чекланамиз, холос.

### **Аруз поэтикаси**

Аруз поэтикасини ўрганишга  
киришиш учун, одатда, қайси аруз  
ҳақида фикр юритишни билмоқ керак. Демоқчиманки, жа-  
ҳон арузшунослиги ўта мураккаб ва жуда катта фан. Араб  
арузи, форс-тожик арузи, туркий аруз... Ва, ҳатто, туркий  
аруз тизими ҳам ўзбек арузи, озарбойжон арузи, турк арузи,  
татар арузи кабилар ҳам борки, буларнинг ҳар бирида ўзига  
хос хусусиятлар бор. Негаки, аруз аслида арабларнинг түф-  
ма вазнлар тизими бўлса-да, у, аввало, эрон-тожик халқла-  
ри адабиётида пайдо бўлган ва шу халқларнинг тили ва адабиётига боғлиқ ҳолда бир қатор ўзгаришларга учраб ривож-  
ланган. Кейинроқ туркий халқлар адабиётларида кўринган  
ва шу халқларнинг тили ва адабиётига боғлиқ ҳолда ривож-  
ланган. Шу сабабли, турли халқлар арузи ўз табиатига (бошقا  
халқлар арузлари билан муштарак жиҳатлари ҳам, фақат ўзи-  
га хос хусусиятлари ҳам мавжудки) уларни ўрганишнинг  
ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатлари ниҳоятда катта экан-  
литини ҳисобга олмоқ керак. Таниқли ўзбек арузшунос олими,  
проф. А.Хожиаҳмедов ўзбек арузининг ўзигагина хос  
аломатлари ҳақида тўхталиб, шундай деб ёзган: “Ўзбек ару-  
зига маҳсус жиҳатлар қўйидагилар:

1. Ўзбек арузида 19 баҳрдан 11 тасигина қўлланади. Улар ҳазаж, ражаз, рамал, мунсариҳ, музориъ, тужтасс, ҳафиғ, сариъ, мутақориб, мутадорик, комил баҳрларицир. Араб шеъриятига маҳсус бўлган вофир, тавил, мадид, басит, қариб, мушокил, фариб, муқтазаб баҳрлари ўзбек арузида қўлланилмайди.

2. Ўзбек арузида қўлланадиган баҳрларнинг ўзбек тили хусусиятлари билан белгиланадиган вазнлар доираси мавжуд...

3. Шунинг учун... араб ва форс-тожик арузига хос жами 44 хил ўзгаришнинг 23 туригина шеъриятимизда қўлланади”<sup>1</sup>.

Аруз вазнларининг негизи — ўқ илдизлари — аруз фонетикасидир. Аруз фонетикасини билмай туриб, унинг вазнларини англаш фоятда мушкул. Аруз фонетикасини ўрганиш жараёнида, даставвал, шеър матни қайси ёзувда яратилганига ҳам эътибор бермоқ лозим (аруз аввало араб графикаси асосидаги ўзбек алфавити қоидалари асосида яратилган бўлади, бошқа ёзувларнинг ҳам матнга таъсири бўлади, албатта).

**Мутаҳаррик ва сукун ҳарфлар.** Арузшунослар ундош товушларни ва чўзиқ унлиларни ҳарф ҳисоблашади ва қисқа унлиларни эса “ҳаракат” деб юритишади. Чўзиқ унлилар арабча, форсча-тожикча сўзларда (масалан: шер сўзидағи “э” товуши, “ёр” сўзидағи “о” товуши, “зўр” сўзидағи “ү” товуши каби) учрайди. Ўзбек мумтоз адабиётида барча туркӣ сўзлардаги унлилар қисқа унли ҳисобланади. Араб алфавитидаги 28 ҳарфнинг ҳаммаси ундош бўлиб, улардан фақат учтаси унлилар вазифасини ўтайди: Чунончи: “ї” алиф — “а” ва “о” унлилари; “ј” — вов — “у” ва “ў” унлилари ҳамда “ى” — “ё” унлиси ўрнида ишлатилган. Бундай белгилар “ҳаракат” деб юритилган. “Ҳаракат” уч хил бўлади: агар ҳаракат белгиси ҳарфнинг устига қўйилган бўлса — “фатха”, ҳарфнинг остига қўйилган бўлса — “касра” ва ҳарфнинг устига қўйилиб, “’” шаклида ишлатилган бўлса — “замма” деб юритилган. Ҳаракат белгисига эга бўлган ундош ҳарфлар “ҳаракатли ҳарфлар” деб юритилган. Ҳара-

---

<sup>1</sup> А. Ҳожиаҳмедов. Ўзбек арузи луфати. Т., Шарқ, 1998, 187-бет.

катли ҳарфлар қаршисида ҳаракат белгиси қўйилмаган ва чўзиқ талаффуз қилинмайдиган ундош ҳарфлар, шунингдек, ундош ҳарфларни чўзган унли ҳарфлар “сукун ҳарфлар” дейилади. Чунончи: مکتب — сўзлардаги “м” ва “т” ҳарфлари ҳаракатли мутаҳаррик ва “к”, “б” ҳарфлари — ҳаракатсиз, яъни сукун ҳарфлардир.

Аруз илми талабига кўра, сўзда унли товушларнинг қанча бўлиши, сўзнинг арабча, форс-тожикча ёки ўзбекчалиги эмас, балки ҳаракатли унлиларнинг чўзиқ-қисқалиги ҳисобга олинади. Шу сабабдан мумтоз шоирларнинг сўзларини ёзганда чўзиб талаффуз қилиниши лозим бўлган ўринларда у, о, э, е ёки ю, ё, я ҳарфлари устига бир ётиқ чизик қўйилади. Мисол: у, ў, я каби.

Ўзбек тили хусусиятига кўра, очиқ бўғинлар охирида чўзиқ унли товуш келиши сийрак учрайдиган ҳодиса бўлсада, вазн талабига кўра, ҳар қандай очиқ бўғин охиридаги унлини чўзиқ талаффуз қилиш мумкин. Масалан: او — у, ў — бу каби.

Сўзда бўғинни бошловчи ҳарф бир ҳаракатли ҳарфдир. (Мутаҳаррик) масалан: مین — мен, سو — сув, شو — шу — сўзларидағи “м”, “у”, “ш” ҳарфлари ҳаракатли ҳарфлардир. Улар бирор унли товуш ёрдами билан ёхуд ўз табиатига кўра ҳаракатланади.

**Сукун ҳарфлар** — ёпиқ бўғинни тамомловчи ундош ҳарфлар ва очиқ бўғинни чўзиб тамомловчи унли ҳарфлардир. Масалан مین — мен, سو — сув, قی — қи, اول — ул ҳижоларидаги “н”, “у”, “и”, “л” ҳарфлари — сукун ҳарфлардир “Ота” сўзидаги иккинчи ҳижо охирида чўзиброқ талаффуз қилинадиган “а” ҳарфи — сукун ҳарфдир.

Араб графикаси кўлланилмайдиган тилларда, чунончи, ҳозирги ўзбек ёзувида ҳаракатли ва сукун ҳарфларни ифодалаш қийинроқ бўлганлиги сабабли арузшунослигимизда, шартли равишда, улардан кўра енгилроқ бўлган “қисқа ҳижо”, “чўзиқ ҳижо” ва “ўта чўзиқ ҳижо” атамалари қабул қилинган.

### Ҳижо нима?

“Ҳижо (ар. حجا — бўғин) аруз вазнида ёзилган шеърий асар мисраларини ташкил қилувчи ва бир овоз билан талаффуз этилувчи энг кичик ритмик бўлак бўлиб, бир ун-

лидан ёхуд унли билан бир ёки бир неча ундош ҳарф бирикмасидан ташкил топади...

Ҳижолар унлиларнинг турлича талаффуз этилиши, шунингдек, турлича ажратилиши билан бўғинлардан фарқланади. Агар бўғинлар ёзилишига кўра ажратилса, ҳижолар вазнга мувофиқ бўлишига кўра ажратилади”<sup>1</sup>.

Аруз вазнида ҳижоларнинг қуидаги турлари ишлатилади:

**Қисқа ҳижо** — қисқа унли билан тугайдиган ҳар бир очиқ бўғин. Қисқа ҳижо “v” ишораси билан белгиланади. Мисол: ۋ — у, ۉ — билан.

Ло-ла кел-ма-ди.

- v - - v -

**Чўзиқ ҳижо** — чўзиқ унли билан тугалланган ҳар бир очиқ бўғин. Чўзиқ ҳижолар икки хил бўлади: а) табиатига кўра ва б) ҳолатига кўра чўзиқ.

**Табиатига кўра чўзиқ:** чўзиқ унли билан тугаган ҳар бир очиқ бўғин чўзиқ ҳижо ҳисобланади. Мисол: ڣ — бо, ۉ — бу, ڦ ڪ — оқку, борди-ю сўзларидаги “о”, “у”, “ку” ва “ю” ҳарфлари чўзилувчи очиқ бўғинлардир. **Ҳолатига кўра чўзиқ:** қисқа унли, сукун билан туговчи ҳар бир ёпиқ бўғин чўзиқ ҳижо ҳисобланади. Мисол: ٿ ڻ — бут, ڦ ڏارڊ — кўп, ڦ ڦين — мен каби. Доно, Зебо, Гулшан, Дилбар номларидаги сўнгти ҳижо — чўзиқ ҳижодир. Умуман, ёпиқ бўғин, сўз охиридаги ургули очиқ бўғин ва сўз ичидаги “о” урғусиз очиқ бўғин — чўзиқ ҳижо бўлади.

Чўзиқ ҳижо “-” ишораси билан белгиланади.

Мисол:

о-ра-зинг ёп	қач кў-зум дин	со-чи-лур ҳар	лаҳ-за ёш,
- v - -	- v - -	- v - -	- v -
фои ло тун	фо и ло тун	фо и ло тун	фо и лун
ўй-ла-ким, пай	до бў-лур юл	дуз, ни-ҳон бўл	фоч-қу-ёш.
- v - -	- v - -	- v - -	- v -
фо и ло тун	фо и ло тун	фо и ло тун	фо и лун

<sup>1</sup> A. Ҳожиаҳмедов. Ўзбек арузи лугати. Т., Шарқ, 1998. 214-бет.

**Ўта чўзиқ ҳижко:** таркибида чўзиқ унли келган (шод, боғ, ёр, жон, гоҳ, зор, каби) ёки қўш ундош товуш билан туталланувчи (илм, жисм, халқ, завқ, баҳс, меҳр каби) ёпик ҳижолар.

Ўта чўзиқ ҳижолар: а) мисра ичида келса: “-v” ва  
б) мисра охирида келса: “ ” ишораси билан белгила-  
нади. Мисол:

1. Ёз фас-ли, ёр вас-ли, дўст-лар-нинг суҳ-ба-ти,

- v - - - v - - - v - - - v ~

Шеър баҳси, ишқ дар-ди, бо-да-нинг кай-фи-я-ти.

- v - - - v - - - v - - - v ~

2. Жа-ҳон-да қол-ма-ди ул -ет-ма-ган илм,

v - - - v - - - v - ~

Би-либ таҳ-қи-ни қасб эт- ма - ган илм.

v - - - v - - - v - ~

Баъзан очиқ — чўзиқ бўғин кетидан яна бир ундош ҳарф келиб, уни ёпиқ бўғинга айлантиради. Мисол: جام -  
жом, یار - ёр, دوست - дўст каби. Бу — ўта чўзиқ ҳижодир.

Шунингдек “о”, “ү”, “и” билан ясалган ёпик ҳижолар икки ҳижко (- v) га ҳам ўтади. Сўз ёпиқ ҳижко билан тугаган-(ол-мас)да, бундай ҳижко охиридаги ундош товуш ўзидан кейин келувчи унли товушга қўшилиб кетади ва шеър вазнини белгилашда очиқ (қисқа) ҳижога ҳам ўтади (ол-ма-сэ-ди).

Арузда, вазн талабига кўра, баъзан икки сўз бир-бирига қўшилиб ўқиласди. Масалан: **маҳкам айлаб** сўзлари шеъриятда икки хил ишлатилади. Агар шу сўзлар бир-биридан ажратиб ўқилса, ҳижоларнинг тузилиши: - - - шаклида бўлади. Улар қўшиб ўқилса, ҳижоларнинг сифати: - v - - (маҳ-ка-май-лаб) тарзида бўлади. Чунончи: Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида шу сўзларни қўшиб ишлатган:

Ў-зин ул тах

v - - -

ма фо ий лун

Ви-доъ ўзжис

v - - -

ма фо ий лун

та ўз-ра маҳ

v - - -

ма фо ий лун

му жо-ни-дин

v - - -

ма фо ий лун

кам май -лаб,

v - - -

фа у лун

ҳа-май-лаб

v - - -

фа у лун

Ёпиқ бўғин, сўз охиридаги урғули очиқ бўғин ва сўз ичидаги “о” билан тугаган урғусиз очиқ бўғин — чўзиқ ҳижодир. Урғусиз бошқа бўғинлар — қисқа ҳижодир. Урғули бўғин урғусиз бўғинга нисбатан чўзиқроқдир. Сўз охиридаги урғули очиқ бўғин билан урғусиз ёпиқ бўғинни талафуз этишга кетадиган вақт миқдорида қисман сезиларли ҳар хиллилик шеър ритмida деярли сезилмайди. Аруз вақт миқдорига асосланадиган шеър тузилиши деб юритилишининг боиси ҳам ана шунда.

Арузда, вазн тақозоси билан, биргина ундош товуш ҳам қисқа ҳижо ҳосил қилаверади. Шунингдек, сўз негизининг икки руқнга ажralавериши ҳам мумкин. Масалан: Муқимийнинг “Навбаҳор” деб бошланадиган газалининг матлаидаёқ “о-чил-ди”, “айлайлик”, “ўр-тоғ-лар” сўзлари икки руқнга ажратилган; “боғ-ғ-лар”, “ўр-то-ғ-лар” сўзларидағи “ғ” ундош товуши бир ҳижони ташкил этган. Яна шу шоирнинг “Саёҳатнома”сидан бир мисра(“бўл-ди тааж-жуб қи-зиқ “ҳан-го-ма-лар”) олиб кўрадиган бўлсак, унда “та-аж-жуб” ва “ҳан-го-ма-лар”, сўз негизлари икки руқнга бўлиниб кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Арузда бундай қоидалар кўп учрайди. Бундай ҳодисалар бармоқда учрамайди.

Арузшунос, проф. А. Ҳожиаҳмедов “Аруз вазнидаги асарларни ифодали ўқиши” номли қўлланмасида шеър вазнини аниқлашда ва, хусусан, шеърий сўзларни ҳижоларга ажратишда, уларнинг сифатини белгилашда ифодали ўқиши усуслари ҳам таъсир кўрсатиши мумкинлигини исботланганки, буларни ҳам пухта билиб олиш лозим. Олим, хусусан, ифодали ўқиши усуслари (“**таслим**” — айрим сўзларнинг бъязи ҳарфлари туширилиб қолдирилиши; “**тазниб**” — айрим сўзларда бир ҳарфнинг ортирилиши; “**тагийир**” — айрим сўзларнинг биринчи ёки икkinchi ҳижоларидаги товушларнинг ўрин алмашинуви ва бошқалар), албатта, шеър ҳижоси сифатига таъсир этади.

Шунингдек, баъзан Атоий, Навоий тахаллусларини вазнга мувофиқлаштириш учун шу сўзлар охиридаги икки ҳарф ўрин алмаштириб, Атоий, Навоий; “аро” сўзи вазн тақозосига кўра баъзан “ара” тарзида келиши мумкин. Албатта, бундай ўзгаришлар ҳам ҳижо сифатида ўз изини қолдиради.

Кўринаяптики, шеърий сўз таркибидаги товушларнинг ўзгартирилиши (ҳарфларнинг тушириб қолдирилиши, ўрин алмаштирилиши, ортирилиши, камайтирилиши каби) ҳижолар сифатига таъсир этар эканки, бу ҳолатни ҳисобга олиш керак<sup>1</sup>.

**Сабаб, ватад ва фосила.** Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида шу нарсани таъкидлайдики, “аруз фанни аҳли назм авзони усулининг бинобин уч руқнга қуюбтурлар ким, аларни сабаб ва ватад ва фосила дебтурлар”<sup>2</sup>. .

Демак, жузвни (ҳижони) сабаб, ватад ва фосилага ажратиб ўрганиш — мумтоз адабиётимизда одат тусини олган.

Кўчманчи араблар (бадавийлар)нинг ўтови — уйларини қуришда ип, қозиқ ва ўтов устига ёпиладиган палос асосий роль ўйнаган. Улар ипни — сабаб, қозиқни — ватад, палосни — фосила деб юритганлар. Шунга нисбат бериб шеър уйи маъносидаги байтнинг руқнлари (жузв — ҳижо)ни ҳам “сабаб”, “ватад” ва “фосила” деб атаганлар. Булар қуидагича тавсифланади:

1. **Сабаб** — бир чўзиқ ёки икки қисқа ҳижодан тузилади. У ҳосил бўлишига кўра икки хил бўлади: а) **сабаби ҳафиғ** — бир чўзиқ ҳижо (ёпиқ бўғин)дан иборат бўлган енгил сабаб (“-”).

Сабабнинг биринчи ҳарфи мутаҳаррик (ҳаракатли), яъни ундан сўнг қисқа унли товуш келади ва иккинчи ҳарфи сукун (унли товушни ўзига эргаштириб келмайдиган ундош товуш ёки чўзиқ унли товуш) ҳарфдан иборат бўлади. Масалан: тил, дил тур, юр, зар, ҳар, кел, эл, бўл, тул каби.

б) **Сабаби сақийл** — икки қисқа ҳижодан иборат бўлган оғир сабаб (vv). Сабабнинг ҳар икки ҳарфи ҳам мутаҳаррик товушдан иборат бўлади. Масалан: яна, мана, уни, буни, сени мени каби.

2. **Ватад** — бир чўзиқ бўғин билан бир қисқа бўғиннинг бирикувидан ташкил топади. Ватад, ўз навбатида, икки турли бўлади:

---

<sup>1</sup> Қаранг: А. Ҳожиаҳмедов. Аруз вазнидаги асарларни ифодали ўқиш. Т., Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти, 1999.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 14 том. Т., Бадиий адабиёт нашриёти, 1967, 138-бет.

**а) ватади мажмұу ёки ватади мақрун** — жамловчи, бириктирувчи, қүшувчи ватад. У бир чўзиқ бўғиннинг ўзидан олдин келган қисқа бўгин билан бирикувидан сукун ва қолган икки ҳарфи мутаҳаррик товушдан иборат бўлади. Масалан: ка-рам, а-лам, та-рам, ва-тан.

v - v - v - v -

**б) Ватади мафруқ** — ажратувчи, очувчи ватад. У бир ёпиқ ва бир очиқ ҳижодан иборат: биринчи ва охирги ҳарфи мутаҳаррик ва ўргадаги икки ҳарфи сукун бўлади. Масалан: хан-да, қан-да, ол-ма, ҳам-ма, но-ма.

- v - v - v - v - v

**3. Фосила** — икки ёки уч қисқа ҳижонинг ўзидан кейин келадиган чўзиқ ҳижко билан бирикишидан пайдо бўлади — у тўрт ва беш ҳарфдан иборат ҳижко. Фосила икки хил бўлади:

**а) Фосилаи сурро** — икки очиқ (v v) ва бир ёпиқ (-) бўғинли сўз ёки кўп бўғинли сўзлардаги шу хусусиятга эга бўлган бўғиннинг номи. Масалан:

ке-ла-ман, би-ла-ман, ки-ши-дан, юра-гим.

v v - v v - v v - v v -

Фосилаи сурро — кичик фосила.

**б) Фосилаи кубро** — уч қисқа ва чўзиқ ҳижоли сўз — катта фосила (v v v -). У беш ҳарфли жузв бўлиб, унинг бешинчи ҳарфи сукун ва қолган тўрт ҳарфи мұҳаррикдир. Масалан: йи-қи-ла-ман, си-қила-ман, қа-ра-ши-дан.

v v v - v vv - v v v -

Жузвлар — ҳижоларнинг вазифаси ўзларидан каттароқ ритмик бирлик — руқнларнинг хусусиятларини белгилашдан иборатдир.

### Руқн

Арузшуносликда “ҳижко”дан

катта, аммо вазндан кичик ритмик бирлик “руқн” деб юритилиди. Бошқача қилиб айтганда, шеър мисраларидағи ҳижолар муайян қонуният асосида гурӯҳларга — бўлакларга ажратиб ўқилади. Мисрадаги ана шундай бўлакларни “руқн” деб тушунамиз. “Руқн” (ар. - رکن, кўп, - اركان - аркон-устун) бармоқ тизимидағи “стопа” — “туроққа тўғри келади. **“Руқнда бир ҳижодан тортиб, беш ҳижогача бўлади.** Масалан:

Хо - на - қаҳ - да	хал - қа - и зикр	ич-ра ғав-ғо	қил-ди шайх
- v - -	- v - -	- v - -	- v ~
фо и ло тун	фо и ло тун	фо и лотун	фо и лот
Аҳ-ли дил-лар	нақ-ди-ав-қо	ти-ни-яғ-мо	қил-ди шайх
- v - -	- v - -	- v - -	- v ~
фо и ло тун	фо и ло тун	фо и ло тун	фо и лот

Бу байтнинг мисраси тўрт рукидан иборат. Рукинлар байтдаги ўрнига қараб маҳсус атамалар билан юритилади. Биринчи мисранинг биринчи рукни “садр”, иккинчи мисранинг биринчи рукни “ибтидо” деб аталади. Байтнинг биринчи мисрасидаги охирги руқуни “аруз”, иккинчи мисрадаги охирги рукни “зарб” деб юритилади. “Садр” билан “аруз” ва “ибтидо” билан “зарб” ўртасидаги рукинлар “ҳашв” дейилади.

Демак, юқоридаги байтнинг “хонақаҳда”си — “садр”, “аҳли диллар”и — “ибтидо”, биринчи мисрадаги “қилди шайх” — “аруз”, иккинчи мисрасидаги “қилди шайх” — “зарб”, “ҳалқаи зикр”, “ичра ғавғо”, “нақди авқо”, “тини яғмо” рукинлари — “ҳашв”дир.

Алишер Навоий “Мезон ул авзон”да аруздаги асосий ритмик бўлаклар бўлмиш ўзбек рукинлар ҳақида тўхталиб, шундай дейди: “Бас мавзуи калом таълифида бу аркон таркибидин гузир йўқтур ва араб ва ажам шуаросининг жамиъ ашъори мураккаб бу аркон ижтимоидиндир ва аруз аҳли “афойил” ва “тафойил” дерлар ва ул секказ фаслға мунҳасирдур”<sup>1</sup>.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Мухтасар”да айтишича, арузда ўнта аслий руқн мавжуд. Кўпчилик арузчиларнинг таъкидлашича, ўзбек арузида саккизта аслий руқни бор. Саккизта аслий рукиннинг ҳар бири маҳсус арабча ном (мантиқсиз шартли белгилар, қолигилар) билан юритилади. Аруз аслий рукинларнинг номлари, ҳижоларнинг тузилиши, парадигмалари ва улардан келиб чиқадиган баҳрлар номи қуйидагича:

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 14-том, 139-бет.

Номи	Ҳижоларнинг тузилиши	парадиг- маси	баҳри
1.Фаулун	Ватади мажмұу + сабаби ҳафиф	v - -	мутақориб
2.Фоилун	Сабаби ҳафиф + ватади мажмұу	- v -	мутадорик
3.Фоилотун	Сабаби ҳафиф + ватади мажмұу + сабабли ҳафиф	- v - -	рамал
4.Мафойилун	Ватади мажмұу + сабаби ҳафиф + сабаби ҳафиф	v - - -	ҳазаж
5.Мустафъилун	Сабаби ҳафиф + сабаби ҳафиф + ватади мажмұу	- - v -	Ражаз
6.Мафоилатун	Ватади мажмұу + фосилаи сүгрө	v - v v -	вафир
7.Мутафоилун	Фосилаи сүгрө + ватади мажмұу	v v - v -	комил
8.Мафъулоту	Сабаби ҳафиф + сабаби ҳафиф + ватади мафруқ	- - - v	-

“Аruz рисоласи” (“Мұхтасар”) да таъкидланишича, фаъувлун, фоъилун, мафоъийлун, мустафъилун, фоъилотун асил рукнлари туркій шеъриятта дахлдор бўлса, қолган учтаси (мафъувлоту, мафоъилатун, мутафоъилун) туркій шеърият учун хос эмасдир.

**Зиҳофот ва фуруъ.** Юқорида қайд этилган саккизта асил рукндан улар ҳижоларининг сонини ва сифатини ўзгартириш йўли билан фаръий (тармоқ) рукнлари ҳосил қилинади. Масалан, мафойилун (*v - - -*) аслий рукннинг учинчи (чўзиқ) бўғинини қисқа бўғинга айлантириш натижасида мафоилун (*v - v -*) фаръий рукни пайдо бўлади. Асил рукнларда юз берадиган ўзгаришлар “зиҳоф” (“зиҳофот”) деб аталади ва зиҳофотлардан келиб чиқадиган янги рукн эса “фуруъ” (“фаръий”), яъни тармоқ рукн ҳисобланади. Фуруъ қайси зиҳофдан ҳосил бўлса, шу зиҳоф номининг ўзидагидан ясалган атамага эга бўлади.

Зиҳофот ва фуруъларнинг умумий миқдори ҳақида қатъий бир фикр айтиш қийин. Негаки, турли манбаларда улар турли хил кўрсатилган. Бу ўринда Алишер Навоийнинг “Мезон ул авзон” ва Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг “Мұхтасар” (“Аruz рисоласи”) асарларида берилган фактларни эслаш жоиздир. Чунончи, “Мезон ул авзон”да мафойилун, фоилотун, мустафъилун, мафъулоту ва фаулун

аслий рукнларининг тавсифи (зиҳофоти ва тармоқлари) берилганки, қуида шуларни келтирайлик:

1 **Мафоийлун асил рукни**. Зиҳофоти — ўн битта ва фурӯши — ўн иккита. Зиҳофоти:

1) “**қабз**” — мафоийлундан “ий” қисқартирилади — мағолун қолади; 2) “**кафф**” — мафоийлундан “нун” тушиб қолади — мафоийлу қолади; 3) “**ҳарм**” — мафоийлундан “мим” тушиб қолади — фоийлун бўлади ва мағъулу билан алмаштирилади; 4) “**ҳарб**” — мафоийлундан “мим” ва “нун” олиб ташланади — фоийлун қолади ва у мағъулу билан алмаштирилади; 5) “**шарт**” — мафоийлундан “мим” ва “ий” қисқаради — фоилун қолади; 6) “**ҳазф**” — мафоийлундан охирги сабаби ҳафиғ қисқаради — мафоий қолади ва у фауулун билан алмаштирилади; 7) “**каср**” — мафоийлундан охирги сабаби ҳафиғ қисқаради, шериги устига сукунлик белгиси кўйилади — мафоийл қолади; 8) “**ҳатм**” — “**ҳазф**” ва “**каср**” йигиндиси — мафоийлундан мафо қолади ва у фауул билан алмаштирилади; 9) “**жабб**” — мафоийлундан икки сабаби ҳафиғ олиб ташланади — мафо қолади ва у фауул билан алмаштирилади; 10) “**залал**” — “**ҳатм**” ва “**ҳарм**”дан таркиб топади — мафоийлундан фоъ қолади; 11) “**батр**” — “**жабб**” ва “**ҳарм**”дан тузилади, мафоийлундан фоъ қолади ва у фаъ билан алмаштирилади. **Фуруъи:**

1) мафо<sup>и</sup>йлун — мақбуз; 2) мафо<sup>и</sup>йлу — макфуф; 3) мафъулун — ахрам; 4) мағъулу — ахраб; 5) фоилун — аштар;  
6) фауулун — маҳзуф; 7) мафоийл — мақсур; 8) фаул — ахтам; 9) фоъ — азалл; 10) фаал — ажабб; 11) фаъ — абтар;  
12) мафоийлон — мусаббағ (“Мухтасар”).

2. **Фоилотун асил рукни**<sup>1</sup>. Зиҳофоти — ўнта ва фуруъи — ўн бешта. Зиҳофоти: 1 “**ҳабн**” — аввалги жувзнинг сабаби ҳафиғининг сукун ҳарфи тушиб қолади (биринчи чўзиқ хижонинг қисқа ҳижога айланиши) — фоилотун — файлоп-

<sup>1</sup> Навоий ва Бобурлар аруз унсурларини, чунончи зиҳофот ва фуруъини эски ўзбек ёзуви (араб графикаси) асосида изоҳлаганларини назарда тутмоқ керак. — Т.Б.

тун; 2 “**қафф**” — бешинчи ҳарф тушиб қолади — фоилотун — фоъилатун; 3 “**шакл**” — “хабн” ва “кафф”дан тузилади — фоилотун фаъилоту бўлади; 4 “**ҳазф**” — фоилотундан “то” ва “нун” олиб ташланади, фоило қолади ва у фоъилун билан алмаштирилади, 5 “**каср**” — фоилотундан фоилот қолади ва у фоilon билан алмаштирилади; 6 “**қатъ**” — фоилотундан сўнгги сабаби ҳарфи қисқаради ва ватаднинг сукуни ҳам қисқаради — фоил қолади ва у ҳам фаъилун билан алмаштирилади; 7 “**ташъис**” — фоилотун ватаднинг икки мутаҳарригидан бири қисқаради, фоъотун (ёки фолотун) қолади ва у ҳам мафъулун билан алмаштирилади; 8 “**жахф**” — фоилотун “хабн” қилинади, фосила қисқаради — тун қолади ва у фав билан алмаштирилади; 9 “**тасбиф**” — охирги жузванинг сабаби ҳафиғига бир ҳарф қўшилади — фоилотун фоилотон бўлади ва у фоилиён билан алмаштирилади; 10 “**рабъ**” — фоилотунда “қатъ” ва “хабн” жамланади-фаул қолади;

- Фуруъи:
- 1)  $\text{фаилотун} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix} - \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  — маҳбун; 2)  $\text{фоилатун} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix} - \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  — макфуф;
  - 3)  $\text{фоилун} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix} - \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  — маҳзуф; 4)  $\text{фаилун} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix} - \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  — маҳбуни маҳзуф; 5)  $\text{мафъулун} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix} - \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  — мушаъас; 6)  $\text{фаълон} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix} - \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  — мақтуи мусаббаъ; 7)  $\text{фаул} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix} - \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  — марбуи мусаббағ; 8)  $\text{фоилиён} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix} - \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  (фоилотон) — мусаббағ;
  - 9)  $\text{фаилотун} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix} - \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  — маҳбуни мусаббағ; 10)  $\text{фоъ} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  — мажхуфи мусаббағ; 11)  $\text{фаъ} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  — мажхуф; 12)  $\text{фаъилоту} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix} - \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  — машкул; 13)  $\text{фаilon} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix} - \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$ -маҳбуни мақсур; 14)  $\text{фоilon} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix} - \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  (фоилот) — мақсур; 15)  $\text{фаълун} \begin{smallmatrix} \text{V} \\ \text{V} \end{smallmatrix}$  — мақтуъ.

**3. Мустафъилун асиљ руқни.** Мустафъилуннинг тўққизта зиҳофоти ва ўн тўртта фуруъи мавжуд: Зиҳофоти — 1) “**хабн**” — мустафъилундан мутафъилун қолади ва у мафоъилун билан алмаштирилади; 2) “**тайй**” — мустафъилуннинг тўртинчи ҳарфи тушиб қолади, мусаъилун қолади ва у муфтаъилун билан алмаштирилади; 3) “**қатъ**” — мустафъилундан “нун” олиб ташланади, “лом” устига сукунлик белгиси кўйилади, мустафъил қолади ва у ҳам мафъулун билан алмаштирилади; 4) “**такхиль**” — мустафъилун “хабн” ва “қатъ” зиҳофига учрайди, мутафъил қолади ва у ҳам фаъулун билан алмаштирилади; 5) “**ҳазаз**” — мустафъилундан ватад

олиб ташланади, мустаф қолади ва у ҳам фаълун билан алмаштирилади; 6) “**рафъ**” — мустафъилундан бир сабаби ҳафиф олиб ташланади (унда аввал икки сабаби ҳафиф бўлган), демак, мустафъилундан тафъилун қолади ва у ҳам фоилун билан алмаштирилади; 7) “**ҳабл**” — мустафъилундан “син” ва “фо” тушиб қолади (“хабн” ва “тайй” зихофи юз беради), мутаъилун қолади ва у ҳам фаъилатун билан алмаштирилади; 8) “**изола**” — мустафъилуннинг охиридаги ватади мажмуъга бир сукун ҳарф ортирилади — мустафъилон бўлади; 9) “**тарфил**” — мустафъилуннинг ватади мажмуъига бир сабаби ҳафиф изофа қилинади, мустафъилотон бўлади ва у ҳам мустафъилотун билан алмаштирилади.

Мустафъилуннинг тармоқ руқнлари (**фуруъи**): 1) мафои-  
лун — маҳбун; 2) муфтаилун — матвий; 3) мафъулун —  
мақтүй; 4) фаулун — мухаллоъ; 5) фаъилун — маҳзуз; 6)  
фоилун — марфуъ; 7) фаилатун — маҳбул; 8) мафоилон —  
маҳбуни музол; 9) мустафъилон — музол; 10) фаилотон —  
маҳбули музол; 11) мафоилотун — маҳбуни муроффиҳ; 12)  
муфтаилотун — матвийи муроффиҳ; 13) мустаъилотун —  
муроффиҳ; 14) фаълун — ахазз.

4. **Мафъулоту асил руқни.** Зихофоти тўққизата ва фуруъи ўн тўртта. **Зихофоти:** 1) “**Хабн**” — мафъулоту мафъилотуга айлантирилади ва у мафоишу билан алмаштирилади; 2) “**Тайй**” — мафъулоти мафъилотуга айлантирилади ва у фоилоту билан алмаштирилади; 3) “**ҳабл**” — мафъулотуда “хабн” ва “тайй” ҳодисаси юз беради, маъилоту бўлади ва у ҳам фаилоту билан алмаштирилади; 4) “**Вақф**” — мафъулотудан “то” олинади, мафъуло қолади ва у мафъулон билан алмаштирилади; 5) “**касф**” — мафъулотудан “то” олиб ташланади ва у мафъулун билан алмаштирилади; 6) “**Салм**” — мафъулотудан ватад олиб ташланади — мафъу қолади ва у фаълун билан алмаштирилади; 7) “**Жазъ**” — мафъулотуннинг иккала сабаби олиб ташланади ва “то” сига суқунлик белгиси қўйилади, лот қолади ва у фоъ билан алмаштирилади; 8) “**Наҳр**” — мафъулотуннинг иккала

сабаби олиб ташланади ва “то” устига сукунлик белгиси қўйилади — ло қолади ва у фаъ билан алмаштирилади; 9) “рафъ” мағъулотунинг биринчи сабаби қисқартирилади — улоту қолади ва у мағъулу билан алмаштирилади.

Фуруъи: 1) Мафойилу — маҳбун; 2) фоилоту-матвий;  
3) файлоту-махбул; 4) мағъулун-макшуф; 5) мағъулон-  
мавқуф; 6) мағъулу-марғуф; 7) фатълун-аслам; 8) фаъ-ман-  
хур; 9) фоъ-маждұй; 10) фаулун-махбуни макшуф; 11) фа-  
улон-махбуни мавқуф; 12) фоилун-матвийи макшуф;  
13) фоилон-матвийи мавқуф; 14) файдун-махбуни матвийи  
макшуф.

5. **Фаулун асил руқни.** Фаулун асил рукнининг зиҳофоти ҳам, фуруъи ҳам олтитадандир. Зиҳофоти: 1) “Қабз” — фаулун фаулуга айлантирилади (“лом” устига “замма” қўйилади); 2) “Каср” — фаулун фаулга айлантирилади (“лом” устига сукунлик белгиси қўйилади); 3) “Ҳазф” — фаулун фауга айлантирилади ва у фаул билан алмаштирилади; 4) “Салм” — фаулундан “фо” олиб ташланади, улун қолади ва у ҳам фаълун билан алмаштирилади; 5) “Сарм” — фаулундан “фо” ва “нун” қисқартирилади, улу қолади ва у фаълу билан алмаштирилади; 6) “Батр” — фаулундан ватади мажмұй қисқартирилади — лун қолади ва у фаъ билан алмаштирилади.

Фуруъи: 1) фаулу-мақбуз; 2) фаълун-асам; 3) фаул-маҳ-  
зуф; 4) фаулу-мақсур; 5) фаълун-асрам; 6) фаъ-абтар.

Захириддин Мұхаммад Бобур “Аруз рисоласи” (“Мұхтасар”)да қолган яна учта асил руқн (фоилун, мафойло-  
тун, мутафоилун)ни қисқа-қисқа тавсифлаган. Ул будур:

6. **Фоилун асил руқни.** Зиҳофоти — тўртта: хабн, қатъ,  
ҳазаз, изола. **Фуруъи** — олтита: фаулун — маҳбун; фаълун —  
мақтуъ, фаъ-аҳазз, фоъилон-музолл, фаъул-махбуни мақ-  
ту, фаъилон-махбуни музолл.

7. **Мафойлатун асил руқни.** Зиҳофоти — саккизта: асб,  
ғасб, ақл, нақс, қатғ, қасм, жамм, ақс;

**Фуруъи** — саккизта: мафойлун-маъсуб, муфтаилун-  
ағсаб, мафойлун-маъқул, мафойлугу-манқус, фаъилун-мақ-  
туғ, мағъулун-ақсам, фоъилун-ажамм, мағъулу-аъқас.

**8. Мутафоилун асил рукни. Зиҳофоти еттита:** измор, ҳазаз, қатъ, вақс, жазл, изла, тарфил;

**Фуры** — ўн бешта: мустафъилун-музмар, фаыилун-ахазз, фаилотун-мақтұу, мафоилун-мавқус, муфташылун-мажзул, мутафоилон-музолл, мутафоилотун-мураффал, фаылун-музмари ахазз, мағъувлун-музмари мақтұу, мустафъилон-музмари музолл, мустафильтун-музмари мураффал, мафоилон-мавқуси музолл, мафоилотун-мавқуфи мураффал, мутаильон-мажзули музолл, муфташылутун-мажзуми мураффал.

Демак, асил рукнлар саккизта (шундан ҳам учтаси хориж) бўлса-да, асил рукнларда юз берадиган зиҳофотлар оқибатида келиб чиқадиган фуруни (тармоқ рукнлар) ниҳоятда кўпдир. Рукнлар (асил рукнлар ҳам, фаръий рукнлар ҳам) шундай қурилиш материалларирикки, улардан шеър уйлари — байтлар (мисралар, вазнлар) келиб чиқаверади. Рукнлар қанчалик ранг-баранг бўлса, улардан таркиб топадиган мисралар ҳам, байтлар ҳам — вазнлар ҳам шу қадар ранго-ранг бўлаверади. Рукнларнинг кўплиги, сержилолиги вазнларнинг бениҳоятлигини таъминлайди-ки, бу адабиётнинг бойлиги ва сержилолиги аломатидир.

Шайх Аҳмад бинни Худойдод Тарозийнинг “Фунун ул балоға” асарида айтилишича, асил ва фаръий рукнлардан 366 та вазн келиб чиқар экан.

**Вазн** Вазн — шеърий нутқни насрый нутқадан ажратиб турувчи асосий унсур. Абдураҳмон Жомий айтганидек, вазн билан шеър ўз баданига ноз либосини кияди. Шеър мусиқийлигини вужудга келтиришда ритм қанчалик ҳал қилувчи роль ййнаса, вазн ҳам ритмни яратишда шу қадар муҳим аҳамият касб этади. Вазн ритм, қоғия, банд билан узвий боғлиқ ҳолда ўз вазифасини ўтайди.

Аruz тизимида шеърнинг биринчи мисрасидаги ҳижо (жузв)ларнинг микдори ва сифати (қисқа-чўзиқлиги), рукнларнинг сони ва тартиби, тузилишининг бошқа мисраларда муайян қонуният асосида такрорланишдан вазн пайдо бўлади. “Аруз рисоласи” (“муҳтасар”)да Бобур шундай дейди: “Билмак керакким, ажзонинг таълифидин аркон қўяр ва арконнинг такороридан вазн мисраи ҳосил бўлур. Бу шарт билаким, бу такрор мутьадил бўлгай... Ва такрор...

нинг камроқ адади иккидур ва кўпроқки тўрт ва мисраъ муқаррар бўлса, байт бўлур. Бас байте тўрт руқндин, ё олти руқндин, ё секкиз руқндин бўлғай... Ва байттин ғазал ҳосил бўлур, ё қитъя, ё рубоъий, ё қасида, ё гайри ул<sup>1</sup>".

Англашиларки, ҳижолар гуруҳданиб руқнларни вужудга келтирса, руқнлар уюшувидан вазн мисраси келиб чиқади. Руқнлар такори қатъий қонуният асосида бўлади. Бир мисрада камида икки руқн, кўпи билан тўрт руқн бўлади ва икки мисра бирикиб бир байт ҳосил қилади. Байтда тўрт руқн, олти руқн, саккиз руқн бўлиши мумкин... Байт — шеър уяси экан, байт тузилишига асосланниб, шеър вазни аниқланади. Шеърнинг биринчи мисрасида ҳижолар миқдори ва сифати, руқнлар сони, тузилиши ва тартиби қандай бўлса, иккинчи мисрада ҳам шу схема айнан тақрорланса — бу шеър (содда вазн) типида ёзилган.

Арузшуносларимизнинг аниқлашларича, бир шеър бир вазнда, икки вазнда, уч вазнда ё тўрт вазнда ёзилади. Агар бир шеър икки вазнда ёзилган бўлса, иккинчи вазн асосий вазндан мисра охиридаги ҳижо жиҳатидангина фарқ қилади (асосий вазнда охиридаги ҳижо чўзиқ бўлса, кўшимча вазнда шу ҳижо ўта чўзиқ бўлиши ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин). Масалан, Алишер Навоийнинг "келмади" радифли ғазалининг учинчи мисраси охиридаги "интизор", бешинчли мисра охиридаги "эҳтиёж", еттинчи мисра охиридаги "девонавор" сўzlари ўта чўзиқ ҳижо билан тугалланган. Шунга кўра, мазкур мисраларнинг охириги руқнлари фоилотуннинг маҳзур тармоғи — фоилунга эмас, балки унинг маҳсур тармоғи — фоилонга тенг келади. Демак, "келмади" ғазали икки вазн: рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаммани маҳсур вазнларида ёзилган экан.

Баъзи бир шеърлар 3-4 вазнда, айримлари ҳатто 8 вазнда ёзилиши мумкин. Лекин бир шеър бир баҳр (унинг турли тармоқлари) доирасидагина ёзилади — бир шеър икки баҳр доирасида ёзилмайди.

Мутақориб, ражаз, музореъ, мунсарих, саріъ баҳрларидаги шеърлар — 1-2 вазнда ёзилган бўлса, ҳазаж ва муж-

---

<sup>1</sup> З.М.Бобур. Мухтасар (нашрга тайёрловчи: Сайдбек Ҳасан). Т., "Фан", 1971. 23-24-бетлар.

тасс баҳрларидағи шеърлар 1-4 вазнлар асосида ва, ниҳоят, рамал ва хафиғ баҳрларидағи шеърлар 8 вазнда ёзилиши мүмкін.

Рубоийларнинг вазн тузилиши бошқача. Рубоий жандидаги асарлар 1,2,3,4 вазнларда ёзилган бўлиши мүмкін<sup>1</sup>.

Аксарият шеърлар содда вазнда ёзилади. Бироқ арузшуносларимизнинг уқтиришича, ҳамма шеърлар ҳам шу тарзда бўлавермайди. Айрим шеърлар “қўшма вазн”да ҳам ёзилган бўлиши мүмкін.

Содда вазнлар соғ асил руқн (бир хил руқн ёхуд икки хил руқн)ларнинг муайян қонуният асосида бирикиб келишидан ҳам, асл руқн ва фаръий руқнларнинг уюшиб тақрорланишидан ҳам, соғ тармоқ руқнларининг бирикиб келишидан ҳам пайдо бўлиши мүмкін.

Юқорида баён қилинган фикрлардан англашиларлики, вазн таркибидағи руқнлар бир хил ёки бир неча хил бўлиши мүмкін экан. Мана қуйидаги мисолларга эътибор қиласайлик.

1. Фо-и-ло-тун - v - -	фо-и-ло-тун - v - -	фо-и-ло-тун - v - -	фо-и-луң } вазни - v -
Зулм-и-ла қаҳ - v -	-ру-ға-заб-из - v - - -	ҳо-р-қил-моқ - v - -	шун-ча-лар. - v -
О-ши-қи-бе - v - -	чо-ра-ға-о - v - -	зо-р-бер-моқ - v - -	шун-ча-лар - v -
(Муқимий)			
2. Фоилотун, - v - -	фоилотун, - v - -	фоилун } вазни - v -	
Чун-па-ри-ю - v - -	ху-р-дир-о - v - -	тинг-бе-гим, - v -	
Суръ-ат-ич-ра - v - -	дев-э-рур-о - v - -	тинг-бе-гим. - v -	
(Алишер Навоий)			
3. Фо-и-луң - v -	фо-и-луң - v -	фо-и-луң } вазни - v -	
фир-қа-тинг - v -	да ме-ни - v -	сўр-ма-динг, - v -	
Раҳ-м-кў - v -	зи-би-лан - v -	кўр-ма-динг. - v -	
(Алишер Навоий)			

<sup>1</sup> Карант: А.Хожиаҳмедов. Аруз вазnidаги асарларни ифодали ўқиш, 6-бет.

## БАЙТ ТУЗИЛИШИ

	садр				ҳашв				ҳашв				аруз		
I - мисра	Нав	ба	ҳор	о	чил	ди	гул	лар	саб	за	бўл	ди	бо	ғ	лар
Пара-дигма	-	v	-	-	-	v	-	-	-	v	-	-	-	v	-
Руқн	фо	и	ло	тун	фо	и	ло	тун	фо	и	ло	тун	фо	и	лун
	хижо														
	руқн				руқн				руқн				руқн		

252



	ибтидо				ҳашв				ҳашв				зарб		
2 - мисра	Сүх	ба	тай	лай	лик	ке	линг	лар	жў	ра	лар,	ўр	то	ғ	лар
Пара-дигма	-	v	-	-	-	v	-	-	-	v	-	-	-	v	-
Руқн	фо	и	ло	тун	фо	и	ло	тун	фо	и	ло	тун	фо	и	лун
	хижо	хижо	хижо	хижо	хижо	хижо	хижо	хижо	хижо	хижо	хижо	хижо	хижо	хижо	хижо
	руқн				руқн				руқн				руқн		

Рамали мусаммани маҳзуф

4. Мустафъилун		мустафъилун	}	вазни
- - v -		- - v -		
фар-ё-д-ким		гар-ду-ни-дун,		
- - v -		- - v -		
Ай-лар ю-рак		баг-рим-ни-хун.		
- - v -		- - v -		

(Муқимий)

5. Мустафъилун,	мустафъилун,	мустафъилун,	мустафъилун,	}	вазни
- - v -	- - v -	- - v -	- - v -		
Кўз-дин-тў-кил	ди-қон-ё-шим	мен-муб-тало	қай-га-бо-рай,		
- - v -	- - v -	- - v	- - v -		
Рах-май-ла-мас	ул-маҳ-ва-шим	мен-муб-та-ло	қай-га-бо-рай.		
- - v -	- - v -	- - v -	- - v -		

(Муқимий)

6. Фаулун	фаулун	фаулун	фаул	}	вазни
v - -	v - -	v - -	v - -		
Хи-ко-ят	қи-лай-тур	фа-дав-рон	э-кан,		
v - -	v - -	v - -	v -		
Ха-ло-йиқ	ха-ма-маҳ	бу-ҳай-рон	э-кан.		
v - -	v - -	v - -	v - -		

(Муқимий)

7. Мафойилун	мафойилун,	мафойилун,	мафойилун,	}	вазни
v - - -	v - - -	v - - -	v - - -		
Жу-нун-во-ди	си-ға-ма-йил	кў-рар-мен-жо	ни-зо-рим-ни,		
v - - -	v - - -	v - - -	v - - -		
Ти-лар-мен-бир	йў-ли-буз-моқ	бу-з-ул-ғон	рўз-ғо-рим-ни.		
v - - -	v - - -	v - - -	v - - -		

(Алишер Навоий)

8. Ма фо ий лун	ма фо ий лун	фа у лун	ва зни
v - - -	v - - -	v - - -	
Де-ди: қай-дин	се-не маж-ну	ни гум-роҳ,	
v - - -	v - - -	v - - -	
Деди: маж-нун	Ва-тан-дин қай	да-о-гоҳ.	
v - - -	v - - -	v - -	

(Алишер Навоий)

9. Мафьюлу,	мафойилу,	мафойилу,	фаулун	}	вазни:
- - v	v - - v	v - - v	v - - }		
Ёр-бор-ди	ю кўнг-лим-да	а-нинг-но-зи	қо-либ-тур,		
- - v	v - - - v	v - - - v	v - - -		
Ан-доқ-ки	ку-ло-ғим-тў	ла-о-во-зи	қо-либ-тур.		
- - v	v - - - v	v - - - v	v - - -		

(Алишер Навоий)

10. Фаъ-лун	фа-у-лун	фаъ-лун	фа-у-лун	вазни
- -	v - -	- -	v - -	
Иш-қинг	ўти-га	куй-го	ли кел-дим,	
- -	v - -	- -	v - -	
Ой-дек	ю-зинг-ни	кўр-го	ли кел-дим,	
- -	v - -	- -	v - -	

(Машраб)

Биз юқорида атиги ўнтағина вазннинг пайдо бўлишини кўздан кечирдик, холос. Демоқчимизки, мана шу хилда аruz тизимида юзлаб вазнлар пайдо бўлади. Дарҳакиқат, арузда вазнлар жуда кўп ва улар табиатан ранг-бараңдир. Арузшунос Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг қайд этишича, аруздаги вазнлар сони 537 тага етади. Бу фактнинг ўзиёқ аруз тизимининг вазнларга ниҳоятда бойлиги-ни кўрсатади.

### Баҳр

Баҳр (ар. بَحْر — биҳор;

بحر — бухур — денгиз, дарё, вазн)

— аруз тизимидағи ўзаклари бир-бирига яқин вазнлар туркуми. Баҳр ўлчов бирлиги эмас, вазнлар таснифига оид тушунчадир. Вазнларни баҳрларга бўлишда аслий руқнлар асос қилиб олинган.

Араб адиби ва олими Халил ибн Аҳмад илк дафъя аруздаги 15 баҳрни кашф этган. Ундан сўнг Абулҳасан Ахфаш арузга “мутадорлик” баҳрини кўшди. Кейинги арузчилар эса араб шеъриятида қўлланилмайдиган яна уч баҳрни аниқлаб, уларни “қариб”, “жадид” ва “мушокил” деб атаганлар. Шундай қилиб, аруз тизимида 19 баҳр кашф қилинган. Алишер Навоий ҳам аруздаги баҳрнинг сонини 19 та деб кўрсатади, Бобур эса 21 та баҳрни қайд этган ва кейинги икки баҳр машхур эмаслигини айтган (“аруз”, ва “амиқ” баҳрлари). Арузшуносларимиз уқтирганидек, аруз тизимида 19 баҳр машхурдир:

1. Тавил баҳри (узун баҳр: “v - -”, “v - - -”);
2. Басит баҳри (басит-ёзиқ: “- - v -”, “- v -”);
3. Комил баҳри (комил-тугал, мукаммал; ҳаракатли ҳарфлар бу баҳрда тугал бўлади: “v v - v -”);
4. Воғир баҳри (воғир - мўл, кўп; ҳаракатли ҳарфлар бу баҳрда кўп бўлади: “v - v v -”);
5. Мадил баҳри (мадил-чўзиқ: “- v - -”; “- v -”);
6. Рамал баҳри (рамал-туюнинг тез, бир маромда юриши, бу баҳрдаги шеърлар тез ва енгил ўқилади; “- v - -”);

7. Ҳазаж баҳри (ҳазаж-ёқимли, хуш овозли, ёқимли куйлаш: “v - - -”);
8. Ражаз баҳри (ражаз-тезлик ва изтироб: “- - v -”);
9. Мунсариҳ баҳри (мунсариҳ-осон; бу баҳрда сабаблар ватадлардан олдин келганилиги учун осон: “- - v -”; “- - - v”);
10. Музориъ баҳри (музориъ — ўхшаш; бу баҳрда биринчи ва учинчи ватад сабабдан олдин келганилиги учун ҳазажга ўхшайди: “v - - -”, “- v - -”);
11. Сарисъ баҳри (сарисъ — тез; бу баҳрдаги шеър тез ўқилади: “- - v -”; “- - - v”);
12. Ҳафиф баҳри (ҳафиф — енгил; бу баҳрда ҳам мунсариҳдаги хислат бор: “- v - -”; “- - v -”; “- v - -”);
13. Мужтасс-баҳри (мужтасс — илдизидан қўпорилган: “- - v -”; “- v - -”);
14. Муқтазаб баҳри (муқтазаб — кесиб олинган: “- - - v”; “- - v -”);
15. Мутақориб баҳри (мутақориб — бир-бирига яқинлашувчи; бу баҳрдаги сабаблар ва ватадлар бир-бирига яқинлашади: (“v - - -”));
16. Мутадорик баҳри (бир-бирини топувчи, бир-бирига уланувчи: “- v -”);
17. Кариб баҳри (қариб — яқин; тузилишда музориъга яқин: “v - - -”; “- v - - ”);
18. Мушокил баҳри (мушокил — шаклланган: “- v - -”; “v - - -”).
19. Жадид баҳри (жадид — янги; кейин пайдо бўлган баҳр: “- v - -”; “- - v -”).

Арузшуносларимизнинг аниқлашларича, бир шеър бир вазнда, икки вазнда, уч вазнда ё тўрт вазнда ёзилади. Агар бир шеър икки вазнда ёзилган бўлса, иккинчи вазн асосий вазндан мисра охиридаги ҳижо жиҳатидангина фарқ қиласди (асосий вазнда охирги ҳижо чўзиқ бўлса, қўшимча вазнда шу ҳижо ўта чўзиқ бўлиши ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин). Масалан, Алишер Навоийнинг “келмади” радифли фазалининг учинчи мисраси охиридаги “интизор”, бешинчи мисра охиридаги “эҳтиёж”, еттинчи мисра охиридаги “девонавор” сўzlари ўта чўзиқ ҳижо билан тугалланган. Шунга кўра, мазкур мисраларнинг охирги руқнлари фойлотуннинг маҳзур тармоғи — фойлонга эмас, балки унинг мақсур тармоғи — фойлонга teng келади. Демак, “келмади” фазали икки вазн: рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаммани мақсур вазнларида ёзилган экан.

Баъзи бир шеърлар 3-4 вазнда, айримлари ҳатто 8 вазнда ёзилиши мумкин. Лекин бир шеър бир баҳр (унинг турли тармоқлари) доирасидагина ёзилади — бир шеър икки баҳр доирасида ёзилмайди.

Мутақориб, ражаз, музореъ, мунсарих, сарыъ баҳрларидаги шеърлар — 1-2 вазнда ёзилган бўлса, ҳазаж ва мужтасс баҳрларидаги шеърлар 1-4 вазнлар асосида ва, ниҳоят, рамал ва ҳафиф баҳрларидаги шеърлар 8 вазнда ёзилиши мумкин.

Рубоийларнинг вазн тузилиши бошқача. Рубоий жандидаги асарлар 1,2,3,4 вазнларда ёзилган бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

Одатда, баҳрлар байтдаги руқнларнинг миқдори билан кўшиб номланади. Масалан, рамал баҳридаги байт тўрт руқнили бўлса рамали мураббаъ, олти руқнили бўлса — рамали мусаддас, саккиз руқнили бўлса — рамали мусамман деб юритилади. Баҳрларнинг ҳар бири бир неча вазндан таркиб топади ва уларнинг ҳар бири моҳиятига қараб маҳсус номлар билан аталади. Масалан, агар вазн бир аслий руқннинг қисқартирилмаган, тўла шаклининг бир неча марта (2-4) такоридан тузилган бўлса, бундай вазн “солим” (бутун) деб аталади. Масалан, рамали мусаммани солим (саккиз руқнили бутун рамал). Агар вазнда (кўпинча унинг охирида) руқнларнинг бири “кесик” ҳолда, яъни нобутун келса, унинг номига “мақсур” (кусурли, кемтик) кўшимчаси қўшилади. Масалан: рамали мусаддаси мақсур (Парадигмаси: фоилотун+фоилотун+фоilon).

Ҳар бир вазннинг номи унинг баҳрига, байтдаги руқнларнинг сонига ва руқнларнинг зиҳофига қараб қўйилади. Вазн номидаги биринчи сўз шу вазн мансуб бўлган баҳрни билдиради. Иккинчиси — байтнинг неча руқнили эканлигини кўрсатади. Учинчи ва ундан кейинги сўзлар руқнларнинг зиҳофини англатади. Агар мисрада тўрт руқнили (мафойилун) вазнининг иккинчи ва тўртинчи руқнларининг охирги бўғинлари тушириб қолдирилган бўлса, яъни руқнлар “ҳазф” деб аталувчи зиҳофга учраган бўлса, унинг вазнини “ҳазажи мусаммани маҳзуф” деб атайдилар (па-

<sup>1</sup> Қаранг: А. Ҳожиаҳмедов. Аруз вазnidаги асарларни ифодали ўқиши, 6-бет.

радигмаси: мафойилун + фаулун + мафойилун + фаулун бўлади).

Баҳрларнинг заминида, асосан, асил руқнлар туради. Чунончи; **фаулун** (v - -) рукнидан мутақориб, **фоилун** (- v -) рукнидан мутадорик, **мафойилун** (v - - -) рукнидан ҳазаж, **фоилотун** (- v - -) рукнидан рамал, **мустафъилун** (- - v -) рукнидан ражаз мутафоилун (v v - v -) рукнидан комил, **мафойилатун** (v - - v -) рукнидан воғир баҳрларидағи вазнлар келиб чиқади. Шунга кўра, вазнларни пайдо бўлиш жараёнида аслий рукнларнинг турли хил уюшви, миқдори, ранг-баранг тартиби, солимлиги ёхуд зиҳофотга учраши каби ҳодисалар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунончи, аслий рукнларнинг ўзгаришга учраши ва учрамаслигига қараб баҳр (вазн)ларни икки гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин:

### 1. Солим баҳр (вазн)лар

Солим вазнлар ҳам таркиб топишига кўра икки хил бўлади: а) Бир аслий рукннинг муайян тартибда тақрорланаб келишидан таркиб топадиган солим баҳрлар. Масалан, фаулуннинг тақроридан мутақориб, фоилуннинг тақроридан мутадорик, мафойилундан ҳазаж, фоилотундан рамал, мустафъилундан ражаз, мутафоилундан комил, мафойилатундан воғир баҳрлари пайдо бўлади.

Мисоллар:

#### 1. Ражази мусаммани солим:

Су-рат-да раъ	но-сан ў-зинг	мен муб-та-ло	қай-да бо-рай,
- - v -	- - v -	- - v -	- - v -
Ҳам-суҳ-ба-то	ро-сан ў-зинг	мен муб-та-ло	қай-да бо-рай.
- - v -	- - v -	- - v -	- - v -
мус-тафъ-и-лун	мус-тафъ-и-лун	мус-тафъи-лун	мус-тафъ-и-лун
- - v -	- - v -	- - v	- - v -

(Муқимиий)

#### 2. Ражази мураббаи солим:

Кол-май ша-ҳар	да-то-қа-тим,
- - v -	- - v -
Қиши-лоқ-чи-қар	ли-мо-да-тим.
- - v -	- - v -
мис-тафъ-и-лун	мис-тафъ-и-лун
- - v -	- - v -

(Муқимиий)

### 3. Ҳазажи мусаммани солим:

О-чинг-лар-мил v - - -	ла-ти-вай-рон v - - -	ни-о-бод-эт v - - -	гу-си-мак-таб, v - - -
Ў-ку-син-ёш v - - -	ла-ри-миз-күнг v - - -	ли-ни-шод-эт v - - -	гу-си-мак-таб. v - - -
ма-фо-ий-лун v - - -	ма-фо-ий-лун v - - -	ма-фо-ий-лун v - - -	ма-фо-ий-лун v - - -

(Аваз)

б) Икки аслий рукнлар тақоридан ҳосил бўладиган солим баҳрлар. Бу ҳил баҳрлар биттадан олинган икки ҳил рукн тақоридан тузилади ёхуд иккита бир ҳил ва битта бошқа ҳил рукннинг тақоридан ташкил топади. Масалан, фоилотун + мустафъилун рукнлари тақори ҳафиғ баҳри, мустафъилун + фоилотун рукнлари тақори мужтасс баҳри, мафойлун + фоилотун рукнлари музориъ баҳри вазнларини вужудга келтирса; мафойлун + мафойлун + фоилотун рукнлари бирикиб қариб баҳри вазнини ва фоилотун + мафойлун + мафойлун рукнлари уюшувидан мушокил баҳри вазни пайдо бўлади...

Икки ҳил аслий рукнларнинг бирикиш тартиби ҳам ҳар хил бўлиб, улардан ранг-баранг вазнлар келиб чиқади. Чунончи, қариб баҳри иккита мафойлун ва битта фоилотун рукнларидан ва сарій баҳри иккита мустафъилун ва битта мафъулоту рукнларидан таркиб топади.

#### 2. Тармоқ руқнили баҳр(вазн)лар:

Бу баҳрлардаги вазнларда ҳам аслий рукн, ҳам фуруъ (тармоқ) рукнлар мавжуд бўлади<sup>1</sup>.

Энди ўзбек шеъриятида кенг қўлланиб келинган айрим баҳрлар хусусидагина қисқа-қисқа тўхталиб ўтайлик.

#### Ҳазаж баҳри вазнлари

**Мафойлун** асил рукни бу баҳр вазнларининг асосини ташкил қиласди.

Ҳазаж баҳри ниҳоятда хушоҳанг ва ўйноқи вазнлардан таркиб топган. Ҳазажда солим вазнлар ҳам, тармоқ вазнлар ҳам бор.

<sup>1</sup> Яна қаранг. А. Ҳожиаҳмедов. Мактабда аруз вазнини ўрганиши. Т., "Ўқитувчи", 1978, 99-бет.

## 1. Солим вазнлар:

а) Ҳазажи мураббаи солим

Ма - фо - ий - лун	ма - фо - ий - лун
v - - -	v - - -
Ма - фо - ий - лун	ма - фо - ий - лун
v - - -	v - - -

б) Ҳазажи мусаддаси солим

Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун
v - - -	v - - -	v - - -
Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун
v - - -	v - - -	v - - -

в) Ҳазажи мусаммани солим

Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун
v - - -	v - - -	v - - -	v - - -
ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун
v - - -	v - - -	v - - -	v - - -

## 2. Тармоқ рукили вазнлар:

а) Ҳазажи мусаддаси маҳзуф

Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	фа-у-лун
v - - -	v - - -	v - -
ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	фа-у-лун
v - - -	v - - -	v - -

б) Ҳазажи мусаддаси мақсур

Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ийл
v - - -	v - - -	v - -
ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ийл
v - - -	v - - -	v - -

в) Ҳазажи мусаммани ахраб

Мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лун	мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лун
- - v	v - - -	- - v	v - - -
мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лун	мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лун
- - v	v - - -	- - v	v - - -

г) Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

Мағъ-у-лу	ма-фо-ий-лу	ма-фо-ий-лу	фа-у-лун
- - v	v - - v	v - - v	v - -
Мағъ-у-лу	ма-фо-ий-лу	ма-фо-ий-лу	фа-у-лун
- - v	v - - v	v - - v	v - -

д) Ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл

Мағъ-у-лу	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	фөъ
- - v	v - - -	v - - -	-
Мағъ-у-лу	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	фөъ
- - v	v - - -	v - - -	-

ва бошқалар.

*Ражаз баҳри вазнлари*

Ражаз баҳри асосида **мустафъилун** аслий рукни тақрори туради.

1. Солим вазнлар:

а) Ражази мураббаи солим:

Мус-тафъ-и-лун	мус-тафъ-и-лун
- - v -	- - v -

б) Ражази мусаддаси солим:

Мус-тафъ-и-лун	мус-тафъ-и-лун	мус-тафъ-и-лун
- - v -	- - v -	- - v -
Мус-тафъ-и-лун	мус-тафъ-и-лун	мус-тафъ-и-лун
- - v -	- - v -	- - v -

в) Ражажи мусаммани солим:

Мус-тафъ-и-лун	мус-тафъ-и-лун	мус-тафъ-и-лун	мус-тафъ-и-лун
- - v -	- - v -	- - v -	- - v -
Мус-тафъ-и-лун	мус-тафъ-и-лун	мус-тафъ-и-лун	мус-тафъ-и-лун
- - v -	- - v -	- - v -	- - v -

2. Тармоқ руқнили вазнлар:

а) Ражази мусаммани матвий маҳбун

Муф-та-и-лун	ма-фо-и-лун	муф-та-и-лун	ма-фо-и-лун
- v v -	v - -	- v v -	v - v -
Муф-та-и-лун	ма-фо-и-лун	муф-та-и-лун	ма-фо-и-лун
- v v -	v - v -	- v v -	v - v -

## *Рамал баҳри вазнлари*

Рамал баҳри вазнлари фоилотун аслий рукнининг байтларда турлича такроридан ҳосил бўлади.

### 1. Солим вазнлар:

#### a) Рамали мураббаи солим:

фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун
- v - -	- v - -
фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун
- v - -	- v - -

#### б) Рамали мусаддаси солим:

фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун
- v - -	- v - -	- v - -
фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун
- v - -	- v - -	- v - -

#### в) Рамали мусаммани солим:

фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун
- v - -	- v - -	- v - -	- v - -
фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун
- v - -	- v - -	- v - -	- v - -

### 2. Тармоқ руқнили вазнлар:

#### a) Рамали мусаммани маҳзуф

фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-лон
- v - -	- v - -	- v - -	- v -
фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-лон
- v - -	- v - -	- v - -	- v -

#### б) Рамали мусаммани мақсур

фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-лон
- v - -	- v - -	- v - -	- v -
фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-лон
- v - -	- v - -	- v - -	- v -

**в) Рамали мусаммани маҳбун**

фо-и-ло-тун - v - -	фа-и-ло-тун v v - -	фа-и-ло-тун v v - -	фа-и-ло-тун v v - -
фо-и-ло-тун - v - -	фа-и-ло-тун v v - -	фа-и-ло-тун v v - -	фа-и-ло-тун v v - -

**г) Рамали мусаддаси мақсур**

фо-и-ло-тун - v - -	фо-и-ло-тун - v - -	фо-и-лон - v -
фо-и-ло-тун - v - -	фо-и-ло-тун - v - -	фо-и-лон - v ~

**д) Рамали мусаддаси маҳзуф**

фо-и-ло-тун - v - -	фо-и-ло-тун - v - -	фо-и-лон - v -
фо-и-ло-тун - v - -	фо-и-ло-тун - v - -	фо-и-лон - v -

ва бошқалар

*Мутақориб баҳри вазнлари*

Мутақориб баҳри вазнлари асосини **фаулун** аслий руқни тақрорлари ташкил қиласиди.

**1. Солим вазн**

**Мутақориби мусаммани солим**

фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -
фо-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -

**2. Тармоқ руқнили вазнлар**

**а) Мутақориби мусаммани мақсур**

фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-улу v ~
фо-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-улу v ~

**б) Мутақориби мусаммани маҳзуф**

фа-у-лун v - -	фа-ул v -	фа-у-лун v - -	фа-ул v -
фо-у-лун v - -	фа-ул v -	фа-у-лун v - -	фа-ул v -

**в) Мутақориби мусаммани маҳзуфи аруз ва зарб**

фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фаъл v -
фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фаъл v -

## г) Мутақориби мусаммани мусаббаг

фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-у-лон v - -
фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-у-лун v - -	фа-у-лон v - -

ва бошқалар.

### Доира

Баҳрлар бир-бирларига яқинлиги ва умумий ўзак хусусиятларига кўра алоҳида-алоҳида гурӯҳларга — аruz доираларига бўлинади. Алишер Навоий “Мезон ул авзон”да аruz тизимидағи 7 доирани тавсифласа, Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Муҳтасар” асарида аruz тизимидағи баҳрларни 9 доирага ажратиб текширади. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар томонидан тавсифланган доиралар қўйидагича:

- 1) Муттафиқа доираси. Бу доирага мутақориб ва мутадорик баҳрлари киради.
- 2) Мужталиба доираси. Бу доирага ражаз, рамал, ҳазаж баҳрлари киради.
- 3) Мужталиба музоҳафа доираси. Бу доирага рамали маҳбун, ҳазажи макфуф, ражази матвий баҳрлари киради.
- 4) Мужталиба муҳтариъа доираси. Бу доирага ҳазажи мақбуз, рамали макфуф баҳрлари мансуб.
- 5) Мухталита доираси. Бу доирага вофир ва комил баҳрлари мансуб.
- 6) Муштабиҳа доираси. Бу доирага басит, тавил, мадид, амиқ, ариз баҳрлари мансуб.
- 7) Мухталифа доираси. Бу доирага мұжтасс, мұнсарих, музориъ, мұқтазаб баҳрлари мансуб.
- 8) Мужтамиа доираси. Бу доирага музориъ, мұқтазаб, мұжтасс, мушокил, саріъ, жадид, қаріб, мұнсориҳ, ҳафиф баҳрлари мансуб.
- 9) Мұнтазиға доираси. Бу доирага ҳафиф, мушокил, саріъ, жадид баҳрлари мансуб.

Таъкидлаш керакки, Алишер Навоийнинг “Мезон ул авзон”ига қадар аruz тизимида мұъжалифа, мұхталифа, мұнтазиға, муттафиқа, муштабиҳа доиралари кашф қилинган. Навоий ўз асарида яна икки доира- “доираи мужтамиа” ва “доираи муҳталита” борлигини аниқлаган. Заҳириддин

Мұхаммад Бобур доиралар ҳақидағи таълимотни янада чу-  
курлаштириди.

\* \* \*

Үзбек арузи — ўзига хос, нозик, мұраккаб шеър тизими. Бироқ, шунга қарамай, аruz тизимини сабр-тоқат, құнт ва узоқ машқ қилиш йўли билан ўрганса бўлади ва ўрганиш жуда-жуда зарур. Зеро, арузни тушунмай туриб, ўзбек шеъриятини ўрганиш амримаҳоддир.

## Учинчи боб ҚОФИЯ САБОҚЛАРИ

Қофия (ар. قافية — қофия — эргашмоқ, изидан бормоқ) — оҳангдош сўзларнинг шеър мисра (байт, банд)ларида тизимли бўлиб келиши.

Шеърда оҳангдошликни қофиядош сўзлар ҳосил қиласди. Қофияланувчи сўзлар ҳам оҳангдошлиқда, ҳам маъно жиҳатидан тенг бўлавермайди: оҳангдошлиқ жиҳатидан тенг бўлса, маъно жиҳатидан тенг бўлмайди ва аксинча, маъно жиҳатидан тенг бўлса, оҳангдошлиқда фарқ қиласди. Қофия ҳосил қилувчи сўзларнинг оҳангдошлиги ўзак билан ўзак орасида, ўзак билан қўшимча орасида ва қўшимча билан қўшимча ўртасида вужудга келади.

Қофия шеър мусиқийлиги ва ритмини таъминловчи муҳим воситалардан биридир. У шеърнинг гоявий мазмунни, жанри, шакли, композицияси ва мавзуи билан узвий боғлиқ бўлади. Қофиянинг муҳим вазифаси — шеърнинг мазмуни билан боғлиқлиги. У шеър мазмунини гўзал ва таъсирчан ифодалашга хизмат қиласди. Қофия шеър гоясина ташувчи сўзларни мисраларнинг ўқувчи дикқатини ўзига тортадиган ўрнига жойлаштиришни тақозо қиласди. Шутарзда биринчи мисрада бошланган шоирона фикр бошқа мисраларда изчил давом этаверади — интиҳосига етказилади. Айни чоқда, қофия бадиий такт вазифасини ҳам ўтайди. Бадиий такт ўз навбатида шеър гоясини таъсирчан ва жозибали қиласди. Таъкидлаш лозимки, қофияланувчи сўзлар, одатда, шеър гояси оқимидан келиб чиқади. Қо-

фия шеър мавзуига боғлиқ ҳолда янги сўз ва атамалар ҳисобига лексик жиҳатдан бойиб бораверади.

Қоғиянинг яна бир вазифаси шундан иборатки, у шеър қурилишида композицион уюштирувчилик вазифасини ўтайди: мисраларни бир-бирига қовуштириб, шеърнинг яхлит “организми”ни вужудга келтиради — бир бутунликка, тугалликка эришади. Шоир В.Маяковский айтганидек, кенг маънода олганда, қоғия бўлмаса шеър сочилиб кетади. Қоғия кишини олдинги мисрага қайтаради, уни эслашга мажбур қиласди...

Қоғия кўпинча тасвир воситаси бўлиб келиб, шеърнинг бадиий жиҳатдан юксак бўлишига ҳисса қўшади, мисраларни хушоҳанг, мусиқий қиласди, радифсиз шеърларда ритмик қаторлар охирини кўрсатади... Қоғия адабий жанрлар (ғазал, қасида, рубоий, туюқ, қитъа, мураббаъ, мусаддас, сонет...)ни вужудга келтиришда муҳим роль ўйнайди.

Қоғиянинг яна бир вазифаси — шеър интонациясини (оҳангини) юзага келтиришга кўмаклашишдан иборат. Шеърнинг поэтик мазмуни, ундаги сўзлар интонацияси, ритми, вазни ва банд тузилиши билан узвий боғлиқ ҳолдагина қоғия ўз вазифасини ўтай олади. Шеърда оҳангдошликни вужудга келтирувчи қоғиялар илмда “уюштирувчи қоғиялар” ёхуд “хушоҳанг” (эвфоник) қоғиялар” деб юритиладики, қоғиянинг бу хилига арузийлар алоҳида эътибор беришган.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида:

Ҳам қоғияси анинг сифоти,  
Ҳам барча радифи онинг оти

деб ёзар экан, бу билан достондаги қоғия ва радифлар бадиий гоя билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, достондаги қоғия ва радифларни бир жойга тўплаб мағзи чақиб кўриладиган бўлса, шоирнинг фикрида жон борлиги аниқ сезилади. Гўё Қайс ва Лайлининг фожиали севгиси, уларнинг мотамсаро руҳий кечинмалири, дард-ҳасратлари, қонли кўз ёшлари қоғия ва радифларга сочилгандай туюлади кишига.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасини ўқиганимизда ҳам худди шу ҳодисанинг гувоҳи бўламиз. Қасидадаги қофиядош сўзларга ўзингиз эътибор қилиб кўринг-а; ниҳон — ўзбегим, Тиёншон — ўзбегим, маржон — ўзбегим, Тархон — ўзбегим, хон — ўзбегим, гирён — ўзбегим, қалқон — ўзбегим, вайрон — ўзбегим, қон — ўзбегим, иймон — ўзбегим, Кавқабистон — ўзбегим, нарвон — ўзбегим, султон — ўзбегим, нолон — ўзбегим, тугён — ўзбегим, армон — ўзбегим, афгон — ўзбегим, дармон — ўзбегим, шуълаафшон — ўзбегим, мужон — ўзбегим, деҳқон — ўзбегим, имкон — ўзбегим, ўғлон — ўзбегим, осмон — ўзбегим, ўзбегим жон ўзбегим...

Булар шунчаки жўн сўзлар мажмуи эмас, ўзбек халқини шарафловчи, унинг тарихи ва руҳини ифодаловчи ёлқинли ва жозибали сифатлар — жарангли қофиядош сўзлар. Мана, ҳақиқий қофия санъати! Ана шу қасида матнидан бир байт:

Тарихингдир минг асрлар  
Ичра пинҳон ўзбегим.  
Сенга тенгдош Помириу  
Оқсоч Тиёншон ўзбегим...

Куйидаги уч шеърий парчага диққат қилинг-а:

1. Бир ўлкаки, тупроғида олтин **гуллайди**, - а  
Бир ўлкаки, қишиларида шивирлар **баҳор**. - б  
Бир ўлкаки сал кўрмаса, күёш соғинар... - б  
Бир ўлкаки, файратидан асаби **чақнар**, - б  
Бахт тошини чақиб, бунда куч **гувиллайди** - а

(Ойбек)

2. Ўхашши йўқ бу гўзал **бўстон**, - а  
Достонларда битган **гулистан**. - а  
Ўзбекистон дея **аталур**. - б  
Уни севиб эл тилга олур. - б  
Чиройлидир гўё ёш **келин**, - в  
Икки дарё ювар **кокилин**. - в

(Ҳамид Олимжон)

3. Завол кўрма, ҳеч қачон, ўлкам,  
Завол билмас шу ёшинг билан. - б  
Музаффар бўл, голиб бўл, ўлкам,  
Дўйсту ёринг, қардошинг билан. - б

(А. Орипов)

Ҳар учала шеърий парчадан сезилиб турибдики, уч шоир ҳам мағзи тўқ сўзларни қофия қилиб ишлатган — шу тариқа, жарангли оҳанг — ритм вужудга келган; қофиядош сўзлар шеър мавзуи ва гоясини ифодалашга тўла хизмат қилдирилган. Чунончи, Ойбек биринчи мисрадаги “гуллайди” сўзини бешинчи мисрадаги “баҳор”, учинчи мисрадаги “соғинар”, тўртингчи мисрадаги “чақнар” сўзларини ўзаро оҳангдош қилиб, ритмни кучайтирган ва, айни чоқда, қофиядош ҳар бир сўзда Ўзбекистоннинг у ёхуд бу хислатини ифодалашга эришган: “гуллайди” сўзи Ўзбекистоннинг тупроғи олтинга конлигини, “баҳор” сўзи Ўзбекистон яшнаётган баҳор ўлкаси (ҳатто қишиларида ҳам баҳор нафаси уфуриб туриши)ни, “соғинар” сўзи меҳнатсевар ва сергайрат одамлари шиҷоати-ла ва, ниҳоят, “гувиллайди” сўзи ўлканинг куч-кудрати тошқинлиги билан боғланади — шу тариқа диёримизнинг ранг-баранг хислатлари ўз ифодасини топади. Шоир Ҳамид Олимжон эса атайлаб ўлкамизни шарафловчи сўзларни оҳангдош қилиб ишлатади: “бўстон” — “гулистон” каби қофиядош сўзлар воситасида гўзал бўстонга айланётган диёрга ургу беради, “келин” — “ко-килин” қофиялари орқали Ўзбекистонни ёш келинчакка қиёслайди, Аму ва Сирдарёдан сув ичадиган водийларни келин кокилига ўхшатади. Ҳа, Ўзбекистон мана шундай бекиёс гўзал ўлка, яшнаётган диёр! Шундай кўркам она юрт “Ўзбекистон” деб аталади, уни севиб эл тилга олади (“аталур” — “олур” қофияси ана шунга ишора!).

Абдулла Орипов эса ўз устозлари анъанаси йўлидан бориб, шеърий парчадаги “ўлкам” — “ўқтам”, “ёшинг” — “қардошинг” сўзларини ўзаро қофиялар экан, бу билан ўлкамизнинг ўқтамлигига, дўстлик-қардошлиқ диёри эканлигига ургу беради. Хуллас, Ойбек ҳам, Ҳамид Олимжон ҳам, А. Орипов ҳам жарангли қофиядош сўзларни Ўзбекистонни тараннум эттиришга хизмат қилдира олганлар. Мана шундай оҳангдош сўзларни ҳам гўзал, ҳам мазмундор қофиялар деб тушунмоқ лозим. Демак, қофия шунчаки шеър безагигина эмас, балки унинг мазмунини ифодаловчи таъсирчан восита ҳам экан. Яна аникроғи, қофия шеър ритмини, мусиқийлигини кучайтиради — шу тариқа бадиий гоянинг таъсирчан ифодаланишига восита бўлиб хизмат

қиласи. Қофияланиш тартиби уч шоирда уч хил: Ойбекда: а-б-б-а; Ҳамид Олимжонда: а-а, б-б, в-в...”; Абдулла Ориповда: а-б-а-б. Ҳаётни ифодалаш усуллари ҳам уч хил: Ойбекда майин лиризм ва сокинлик устун бўлса, Ҳамид Олимжонда сурурли руҳ ва эҳтирос кучли, Абдулла Ориповда фалсафий мушоҳадакорлик ва драматик ҳиссиёт кўзга ташланиб туради. Шу тариқа, уч шоир бир мавзуда қалам тебратиб, бир-бирига ўхшамайдиган ўзига хос асар ёзишган, яъни Ўзбекистонни ҳар бир шоир ўзича бадиий кашф этган.

Қофия — шеър йўлдоши. Шайх Аҳмад ибн Худойдод (XV асрнинг биринчи ярми) иборасича, қофия — шеър уяси — байтнинг устуни, қофиясиз шеър бўлмайди. Бироқ ўрта асрларда адабиётда жуда кам миқдорда бўлса-да ҳарора шеър бўлган. Бундан қатъи назар, қофия шеър тузилишининг зарур унсури эканлигини эсдан чиқармаслик кепрак. ҚОФИЯ илмида аruz қофияларини “мумтоз қофия” ва бармоқ қофияларини “туркий қофия” деб аташ қабул қилинган.

Шеър қанчалик қадимий бўлса, қофия ҳам шу қадар қадимийдир. Шеършуносларнинг аниқлашича, қофия ҳалқ оғзаки поэтик ижодида сажъ ва параллизмлар заминида пайдо бўлган экан. Илк ўзбек қофияси — туркий қофиядир. Ўзбек ҳалқ мақоллари, терма ва қўшиқларида, Махмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида келтирилган қадимий ҳалқ қўшиқлари юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Ҳамонки, бармоқ туркий ҳалқ (ўзбек)ларнинг туғма вазни экан, унинг қадимий қофияси ҳам туркий бўлганлиги табиийдир<sup>1</sup>. Кейинчалик адабиётимизда аruz ва унинг ўзига хос қофия санъати (шунингдек қофия илми) пайдо бўлган. Айни чоқда, араб-форс мумтоз қофия назарияси заминида ўзбек илми ҳам шакллана борган<sup>2</sup>. XX асрда тарихий шароит тақозоси билан рус шеърияти ва у орқали жаҳон шеърияти анъаналари (қофия санъати тажрибалари ва қофия илми ҳам) ўзбек шеъриятида акс-садо берган. Бироқ, ўзбек шеърияти, асосан, Шарқ шеърияти

<sup>1</sup> Қаранг: Б. Тўхлиев. Юсуф Ҳос Ҳожиб ва туркий қофия тараққиети. Т., ТДПИ, 1994.

<sup>2</sup> А. Рустамов. Қофия нима? Т., “Фан”, 1976.

анъаналари заминида шаклланган ва ривож топган. Шундай қилиб, Шарқ мумтоз қофия санъати ва илмида араб ва ажам шеърияти учун муштарақ бўлган аломатлар вужудга келган. Бундан араб-форс қофияси билан ўзбек қофиясининг ўзигагина хос аломатлари йўқ экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Дарҳақиқат, аruz қофиялари билан бармоқ қофиялари ўртасида тафовутлар бор. Чунончи, аруздаги бир шеърда бир хил қофия қўлланилса, бармоқ вазнидаги шеърда бу шарт эмас. Энг муҳими: аruz ҳижоларнинг миқдори, сифати, тартиби ва рукнлар миқдори, тузилиши ва тартиби; бармоқда бўғинлар ва туроқларнинг миқдори, бош туроқ ва туркум тартиби қонуниятларига амал қилинадики, бу қонуниятлар ритм ва вазнагина эмас, қофия санъатига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Бу ҳодиса, шеършуносларимиз айтганларицек, Шарқ мумтоз қофия назариясини бармоқ қофия санъатига татбиқ қилишга монелик қилмайди.

Дарвоқе, қофия — катта илм. Бу илмни сабр-тоқат билан эгаллаш керак.

### *Биринчи сабоқ* **МУМТОЗ ҚОФИЯ**

**Қофия** — катта, мураккаб илм. Бу ўринда мумтоз қофия назариясининг баъзи масалалари хусусидагина мухтасар тўхтаб ўтамиш, холос. Қофия илмини ўрганиш, бизнингча, мумтоз қофия унсурларини ўзлаштиришдан бошланиши керак. Дарҳақиқат, “... ҳар одаме ким, инсоният яқосидан бош чиқорур, анга назм ва насрнинг қоидасин билмактин гурез йўқтур” деб уқтирган улуф адаб ва аллома Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий “Фунун ул-балоға” номли асарида XV аср тонгидаёқ<sup>1</sup>. Аллома назм илмини ўрганишда қофия сабоқларининг аҳамияти ҳақида тўхталиб, шундай деган: “Билгилким, мажмуи уламо ва фузало мазҳабинда аҳли

---

<sup>1</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи профессор А.Ҳайитметов) Т., Ҳазина, 1996, 3-бет.

табъға қофия илмин билмак мұхимдир. Зероки табънинг натижаси шеърдур. Ва шеърнинг асли қофия. Ва қофия-сиз шеър мумкин эрмас... Ва зурафо байтни хайма (чодир)ға нисбат қилибтурлар ва қофияни стунға. Яъни хайма стун бирла барпойдир.”<sup>1</sup>

Демак, ўрта асрлардаёқ назм ва наср илмини билиш, шеърият қалби саналмиш қофия илмини ўрганиш — инсоний фазилат, хусусан, “уламо ва фузало мазҳабинда аҳли табъға” қофия илмин билмак шарт бўлган экан, бу фикр ҳамон ўз кучини сақлаб турибди. Ҳозирги замон зиёлилари, ўқитувчилар, хусусан, адабиёт муаллимлари учун бу фикр фавқулодда аҳамият касб этади.

**Қофия унсурлари...** Унсурлар — қофиянинг “жонитани”. Қофия унсурларини қанчалик пухта билсак, қофия оламига киришимиз шунчалик осонлашади. Унсурлар — қофия ҳазинасининг қалити. Қофия нуқтадонларининг уқтиришларича, “арзуз вазнида ёзилган шеърларда қофия ҳарфлари ҳар вақт ҳаракатли ё ҳаракатсиз ундош ёхуд узун (чўзиқ) унли бўлади; ҳеч вақт қисқа унли бўлмайди. Бармоқ вазнида ёзилган шеърларда бу шарт эмас, яъни қофия ҳарфлари қисқа унли ҳам бўлиб келади”<sup>2</sup>.

Араб уламолари фикрича, мумтоз қофия таркибида олти ҳарф бор: таъсис, даҳил, ридф, равий, васл, хуруж. Ажам соҳирининг айтилишича, мумтоз қофия таркибида тўққиз ҳарф бор (равий, қайд, даҳил, ридф, таъсис, васл, хуруж, мазид, нойира). Мазкур унсур (товуш)лар равий атрофида уйгунашадилар: тўртта ўзак товуш (васл, хуруж, мазид, нойира) равийдан сўнг келади. Равий-қофиянинг ўқ томири. Араблар қофия деганда равийни тушунар эканларки, бу бежиз эмас-да. Қофия таркибидаги унсурлар ўз табиатига кўра икки гуруҳга ажратилади; муқайяд-ўзак қофия унсурлари ва мутлақ-кўшимчали қофия унсурлари. Қофия мана шу унсурларнинг бирикишидан таркиб топади.

<sup>1</sup> Шайх Аҳмад ибн Ҳудойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи профессор А.Ҳайитметов) Т., Ҳазина, 1996, 3-бет.

<sup>2</sup> С.Мирзаев. Ўзбек адабиётида қофия. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1972, 5-сон, 87-бет.

**Муқайяд қофия унсурлари:** равий, қайд, дахил, ридф ва таъсис. Муқайяд қофия унсурлари, биринчидан, қофия-дош сўзлар ўзаги (негизи)дан жой олиши ва, иккинчидан, равийдан олдин келиши билан тавсифланади.

**1. Равий** — қофиянинг композицион маркази. “Равий” атамаси этимология жиҳатидан арабча “риво” сўзидан олинган, лугавий жиҳатдан туяга юк ортишда ишлатиладиган арқон деган маънени ифодалайди: гўё байтда қофияни шу то-вуш билан боғлайдилар. Арузийларнинг айтишларича, биринчи навбатда, ҳаракатсиз ундошлар ва чўзиқ унлилар (“О”, “У”, “Ў”) ва баъзи ҳолларда, қисқа унлилар ҳам равий бўлиб келади. Равий, асосан, бир товушнинг қофиядош сўзларда айнан такоридан, баъзан эшитилиши бир-бирига яқин бўлган товушларнинг алмашиши (чунончи, “Бобурнома”да айтилишича, “т” — “д”, “ғ” — “қ” — “к”га ўтар экан)да пайдо бўлади. Равий ўзак билан ўзак қофияланганда ҳар бир ўзак охирида, кўшимчали ўзак билан кўшимчасиз ўзак қофияланганда ўзак билан кўшимча чегарасида, кўшимчали ўзак билан кўшимча жуфтланган ҳар иккаласининг охирида ва, ниҳоят, кўшимчали билан кўшимчали оҳангдош бўлганда шу кўшимчалар охири (такрорланувчи)да келади.

Баъзи мисоллар:

Топиб, филҳол қилдилар хабар **фош**,  
Ки ориқда бурунғидек қазар **тош**.

(“Ҳамса”)

Байтдаги “фош” ва “тош” сўзлари қофия ва шу сўзларнинг охиридаги “ш” товуши равийдир.

Севги шундай навбаҳорки,  
Ул тикандан **гул** қилур.  
Тошга жону тил бағишлаб,  
Зоғни ҳам булбул қилур.

(Эркин Воҳидов)

Байтдаги “гул” билан “булбул” ўзак сўзлари қофияланган: “гул” ва “булбул”даги сўнгги “л” товуши — равий.

Бу янглиф ерда меҳнат **ортар** эди,  
Ясад ўтгунча заҳмат **тортар** эди.

(“Ҳамса”)

“Ортар” ва “тортар” қофиядош ўзак сўзларнинг сўнгги  
“Р” товуши — равийдир.

Бирор ерким туганса эрди **хоро**,  
Ёрида туфроқ ўлса **ошкоро**.

(“Хамса”)

Байтдаги “хоро” ва “ошкоро” қофиядош сўзларидаги  
сўнгги чўзиқ унли товуш “О” — равийдир.

Замоне тинмогин қилди **баҳона**,  
Ки етгайму ул ошубу **завона**.

(“Хамса”)

Бу байтдаги “баҳона” ва “замона” қофиядош сўзлари-  
даги сўнгги товуш “а”-қисқа унли — равийдир.

Бармоқ вазнида ёзилган шеърларнинг қофиялари ҳам  
равийли бўлиши мумкин.

Бир мисол:

Розимисан бир ёш томса **кўзимдан**,  
Розимисан сал ранг кетса **юзимдан**.  
Йўл юрсаму, сал яшашдан адашсам,  
Розимисан унда тамом **ўзимдан**.

(“Ҳамид Олимжон”)

Банддаги “кўзимдан”, “юзимдан” ва “ўзимдан” оҳанг-  
дош сўзлар — қофия. Қофиядош сўзлардаги “з” ўзак то-  
вуш-равий. Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” дос-  
тонида қофиянинг йигирмадан ортиқ хили қўлланган  
бўлиб, уларнинг ҳар бири равийлик<sup>1</sup>.

Воҳид Табризий “Жами муҳтасар” асарида айтишича,  
“қофия ўзакдаги битта ҳарфдир, ҳам араблар бу ҳарфни  
равий деб атайдилар... ва шеър равий ҳарфсиз тўғри бўлмай-  
ди. Бу ҳарфни шундай такрорлаш керакки, ҳар бир байтда  
муайян бир ўринга қўйилган бўлсин. Равий қилинган ҳарф

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳ.Мирҳайдаров. Яна қофия ва шеър системаси ҳақида.  
“Ўзбек тили ва адабиёти”^ 1976, 2-сон, 64-66 бетлар.

сўзнинг ўзагига тегишли бўлади, агар бу ҳарф у сўздан олиб ташланса, сўз ўз маъносини йўқотади”<sup>1</sup>.

Биз юқоридаги (қофиядаги) бир товушнинг айнан так-роридан иборат бўлган равийларни қайд қилдик, холос. Амалда равий икки хил товушдан пайдо бўлиши мумкин. Масалан, п-б: кўп-суруб (Махмур, Таърифи вилояти Курара); ч-ж қаринч-ганж (Кутб. “Хусрав ва Ширин”) ва бошқалар<sup>2</sup>.

**2. Таъсис** — асосламоқ, мустаҳкамламоқ. Масалан, “зой-ил” билан “қойил”, “қобил” билан “қотил” сўzlари қофи-яланганда: “л” — равий, “и” қисқа унли товуш, “и” ва “б” — “т” товушлари — ҳаракатли ундошлар, “о” товуши — таъсис бўлади.

Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий дейди: “Таъсис ул ҳарфни айтурларким, қофия ҳарфининг аввалида келур, бу тўққиз ҳуруфнинг оғзи андиндур. Ва бу алифтин ўзга ҳарф бўлмас доим, нетокким: олим ва ҳоким бўлгай” (76 бет). Масалан, олам-одам: “т” (алиф)-таъсис, “л” (лом)-“дол — дахил,” (мим)-равийдир. Ва таъсис икки навъ бўлур. Они муттасил дерлар, нетокким оқил бўлгай. Ва бир навъ ул-ким, икки лафзда воқеъ бўлур, нетокким: дарё дил бўлгай. Ва мунинг қоидаси улдурким, матлаъда риоят қилса, барча байти охирига, ривоят вожибдур” (76 бет).

Ки эй биздин етган малолат,  
Етмай бизга сандин хижолат.

(“Ҳамса”)

Байтдаги қофиядош “малолат” билан “хижолат” сўзла-рида: “т” — равий, “а” — қисқа унли, “л” — ҳаракатли ундош ва, ниҳоят, “о” — чўзиқ унли таъсисдир.

Мисолдан англашиларлики, равийдан олдинги (қисқа унли мустасно қилинганда) ҳаракатли ундош ёнидаги “о”-чўзиқ унлиси таъсис бўлар экан. Араб шеъриятида қофиядош сўзларнинг бирида таъсис қўлланилса, бошқаларида ҳам таъсис бўлиши талаб қилинади. Форс ва ўзбек қофи-ларида бу қонунга амал қилинавермайди. Масалан, бир

<sup>1</sup> Ваҳид Табризи. Джами муҳтасар. М., 1956, 77—78-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Адабиёт назарияси, 2-том, Т., “Фан”, 1979, 371—372 бетлар.

ғазалнинг айрим қофияларида таъсис қўлланилса, бошқалирида таъсис бўлиши шарт эмас. Чунончи, Алишер Навоийнинг:

Икки кўз манзилинг, эй моҳи маҳлил,  
Кўнглунга азм қил манзил ва манзил.

Байти билан бошланувчи ғазалнинг “қотил”, “зойил”, “оқил”, “хойил” оҳангдош сўзларида “о” таъсис ишлатилган бўлса, қолган қофиялари (“маҳлил”, “бисмил”, “манзил”) да таъсис йўқ.

3. **Ридф** — отга мингашиш. Қофиядош сўзларда (ёпиқ бўғинда) ундош равийдан олдин келган чўзиқ унли товуш ридф деб юритилади.

Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарози дейди: “Ридф ҳам равийдин бурун келур. Ва бу доим хуруфи маддин келур. Яъни алиф (1) ва вов (و) ва ё (ؑ) ва уч ҳарфдин ўзга ҳеч ҳарф ридф бўлмас, нечукким: кор ва бор, хур ва нур, чин ва ойин, бўлғай” (75-бет). Ридфнинг қуидаги турлари мавжуд: а) **Ритфи-аслий**. Қофиядаги ундош равий олдида келган “о” чўзиқ унлиси ва вазн тақазосига кўра чўзиқ унлига айланган “у”, “ӯ”, “и”, “э” товушлар ридфи аслий деб юритилади. Масалан, “боғ” билан “чироғ” қофиясидаги “о” товуши; “нобуд” билан “вужуд” қофиясидаги “у” товуши; “зўр” билан “кўр” қофиясидаги “ӯ” товуши; “азиз” билан “лазиз” қофиясидаги “и” товуши; “дарвеш” билан “беш” қофиясидаги “е” товуши ридфи аслийдир. Масалан,

**“о” ридфи:**

Эй Мажнунунг хираддин озод,  
Охири берибон хирадни **барбод**.

(“Хамса”)

**“у” ридфи:**

Кимга фойда бехуда **жуунун**,  
Ва дунёга ғавғо солишдан.  
Айрилиқдан қўрқмасман бу **кун**.  
Мен қўрқаман севиб қолишдан.

(“A. Орипов”)

Бириңчи ва учинчи мисралардаги “жунун” билан “күн” қоғия бўлиб келган. Қоғиядаги “у” ридфидир.

“ў”      **ридфи:**

Базмида бу нав дўш-бар дўш  
Шаҳлар бори ёндошиб қадаҳ нўш.

( “Хамса ”)

“е”      **ридфи:**

Тулув этти чу ул рахшанда **хуршид**,  
Адам шомига бўлди шамъи **жовид**.

( “Хамса ”)

**б) Ридф-и зойид-и муфрад.**

Равийга олд томондан унлиси қўшилган ундош бўлиб товуш (“қайд”ни мустасно қилганда) **ридф-и зойид-и муфрад** деб юритилади. Масалан, “акл” билан ридф-и зойид-и муфраддир.

Мисол:

Гаҳким илм дарёси топиб мавж,  
Ети қот ер туви қолиб тўкуз авж.

( “Хамса ”)

**в) Ридф-и зойид-и мураккаб.**

Равий билан аслий ридф орасида келадиган ундош товуш (“х”, “р”, “с”, “ш”, “ф”, “н”) мураккаб ридфли му-қайяд қоғия бўлади. Масалан, “рост” билан “ост”, “дўст” билан “пўст” қоғияларидағи “с” товуш, “тўшт” билан “пўшт” қоғиясидаги “ш” товуши ридф-и зойид-и мураккабдир.

Мисол:

Битилган сўз эрур боштин оёқ **рост**,  
Бу навъ эрмиш азалда тангрига **хост**.

( “Хамса ”)

**4. Қайд** — боғлаш. Равийдан олдин келган “б”, “н”, “з”, “р”, “с”, “ф”, “х”, “ш”, “ғ”, “ҳ” ундош товушлари қайд деб юритилади. Қайд олдида ҳамма вақт қисқа товуш бўлиб, у ҳам қоғиядош сўзларда такрорланиб келади. Ма-

салан, “бахт” билан “тахт”, “жазм” билан “азм”, “барқ” билан “ғарқ” қофияларидаги “х”, “з”, “р” ундош товушлари қайддир.

Мисол:

Орзинг мүштоқидур бу күзки бўлмиш дардманд,  
Гарчи бордур дардлиғ кўзга ёруғликдин газанд.

(*Навоий*)

“Дардманд” билан “газанд” қофиясидаги “д” товуш-равий, ундан олдинги “н” товуши-қайд ва “а”-қисқа унли товушдир.

Чун чекти бу ерга навҳаи дард,  
Бўлди яна ақлу ҳушдин фард.

(*Хамса*)

Бу қофиядаги “д”-равий, “р”-қайд, “а”-қисқа унлидир.

Эмдики бу икки тошбон рахт,  
Анда урбон жунун шаҳи тахт.

(*Хамса*)

Бу қофиядаги “т” равий, “х” қайд, “а” қисқа унли.

Навфал сўзиким қилиб эдинг забт,  
Мендин эмас эди вақъиъ ул хабт.

(*Хамса*)

Юқоридаги “забт” ва “хабт” қофияларида: “т”-равий, “б”-қайд ва “а”-қисқа унли товушлар қўлланилган.

Ешти расани жиҳозиздан чуст,  
Ўз бўйнига боғлади ани руст.

(*Хамса*)

Юқоридаги “чуст” билан “руст” сўзлари қофиядош. Қофиядаги “т”-равий, “с”-қайд, “у”-қисқа унли.

Ким келгусидир бутун пари чехр,  
Андоқки ҳамал фазосига меҳр.

(*Хамса*)

“Чехр” ва “мехр” қофиясидаги “р”-равий, “х”-қайд, “е”-қисқа унли товушдир.

5. **Дахил** — орага киругчи, сукулувчи. **Қофияда равий билан таъсис ўргасига суқулиб** киругчи ҳаракатли ундош товуш дахил деб юритилади.

Масалан, “золим”-“олим” қофиясида “м” равий, “о” чўзиқ унли ва “л”- дахилдир.

Бас сени аввал ул қилиб **зоҳир**,  
Сенга ҳам аввал ўлди ҳам **охир**.

(“Хамса”)

Юқоридаги байтда “зоҳир” ва “охир” сўзлари — қофия. Қофиядаги “р” товуши — равий, “о” чўзиқ унлиси таъсис, “х”, “х” ҳаракатли ундош дахилдир.

Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий ёзади: “Дахил ул ҳарфни айтурларким, равий бирла таъсиснинг орасида келур. Вале анинг такори лозим эрмас, яъни ҳар бир байтда ўзга ҳарф келур. Ва яна битта ўзга, нетокким: тоҳир-қосир бўлгай. (Мисол: олам-одам: “м”-равий, “дол” ва “лом”-дахил). Ва бу алифтин ўзга ҳар ҳарфдин бўлур” (76-бет).

Қофияда дахилнинг ҳамиша бирдек мос келавериши шарт эмас. Масалан, “қодир”-“сабир” қофия бўлиши мумкин. Бунда “р”-равий, “с”-таъсис, “д”-“б” дахилдир. Демак, дахилда ҳарактерли ундош товуш айнан такрорлан-маслиги (оҳангдош товуш билан алмашиши) ҳам мумкин экан. Масалан:

Ҳам сенинг мулкинга эрур доҳил,  
Моли ҳар йил хизонга **восил**.

(“Хамса”)

Қофиядаги “х” билан “с” дахиллари бир ундош товушнинг айнан такори эмас, балки оҳангдошлиги яқинроқ бўлган ҳарактерли ундошлар такоридир. Бироқ, таъсисли қофиянинг дахили айнан такрорланса, қофиянинг жарангдорлиги янада ортиши щубхасиздир<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> A. Рустамов. Қофия нима. Т., “Фан”, 1978 йил, 14-бет.

Бўлмаса, рухсат, ўлғунча оғаҳ,  
Кетгудекмен бошим олиб ногаҳ.

(“Ҳамса”)

Байтдаги “оғаҳ” ва ногаҳ” сўзлари таъсисли қофия (“ҳ”— равий, “о”— таъсис, “г”— дахил). Бу ўринда “г” дахили айнан такрорланиб қофијанинг жарангдорлигини оширишга хизмат қилган.

Ул зиёфат тариқида **моҳир**,  
Онча мардумлиқ айлади **зоҳир**.

Бу байтдаги қофия янада жаранглироқdir. Ҳатто, таъсисли қофијадош сўзларнинг бирида дахил бўлиб, бошқасида тушиб қолиши ҳам мумкин. Мисол:

Ки Хисравдин не ишким бўлди **холос**,  
Кишиким деса Фарҳод эрди **боис**.

(“Ҳамса”)

Мутлақ қофия унсур (товуш)ларнинг характерли жиҳати шундаки, улар, албатта, қофия ўзаги (ёхуд негизи)ни хотималовчи равийдан сўнг келади (кўпинча ўзакка қўшимча сифатида бириктирилади ёхуд алоҳида келиши ҳам мумкин). Шу важдан мазкур товушлар **мутлақ (қўшимчали) қофия унсурлари** ҳисобланади.

**Мутлақ қофия  
унсурлари**

Мутлақ қофия унсурлари аруз-шунос Содиқ Мирзаевнинг уқдиришича, равийдан сўнг келадиган товушлар (мутлақ қофия унсурлари)ни қуйидаги ҳолатлардан ахтариш керак:

- а) “Ислмарнинг охирига қўшиладиган — и (қалами), — им (қаламим), -инг (унинг) каби эгалик қўшимчаларидан;
- б) — дан, — да каби келишик қўшимчаларидан;
- в) кўплик қўшимчаси — лар дан;
- г) нисбат қўшимчаси — лиғ дан;
- д) — иб (бориб), — он(борибон), — миш(келмиш), — ди(келди) каби феъл қўшимчаларидан”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> С.Мирзаев Ўзбек адабиётида қофия. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1972, 5-сон, 87-бет.

Мутлақ қофия унсурлари (vasl, хуруж, мазид, нойира) күйидагича тавсифланади:

1. **Васл** — улаш. Равийдан кейин келиб, унга воситасиз ёки воситали боғланадиган товушлар васллардир.

Булар күйидагича бўлади:

а) **воситасиз боғланадиган васл** — унли равий билан ундош васл ёки унли васл билан ундош равий тўғридан-тўғри (воситасиз-боғловчисиз) уланади:

Ул Ганжада ганждек **ниҳони**,  
Беш ганж қўюб, vale **нишони**.

(“Хамса”)

Байтдаги “ниҳони”-“нишони” қофиясида “н” ундош — равий, сўнгги “и” унлиси воситасиз васлдир;

б) **Воситали боғланган васл** — ёпиқ ўзак қофия равий (ундош)си билан васл (ундош)ни қисқа унли товуш боғлайди:

Ул пари пайкар ҳажридин **жаҳоним** бўлдим талх,  
Шарбати лаълидин айру коми **жоним** бўлдим талх.

(Нодира)

Байтдаги “жаҳоним”-“жоним” қофия. Ундаги “н” товуши — равий, — “им” эгалик қўшимчасидаги “м” воситали васл, “и” қисқа унлиси воситадир.

2. **Хуруж** — чиқиш. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий дейди: “Хуруж ул васлдин сўнгра келур, нетокким: хаёлот-камолот (ниқоб-ни-офтоб-ни: “н”— васл, “и”— хуруж). Қофияда **васлдан сўнг келган ҳаракатсиз ундош ёки чўзиқ унли товуш хуруж деб юритилади**. Хуруж билан васл ундош товушлардан ифодаланган бўлса, уларнинг ўртасида (вазн талаби билан) қисқа унли товуш келиши мумкин. Мисоллар:

Ҳам олма юзунгни ул **макондин**,  
Бошингни дафи ул **осмондин**.

(“Хамса”)

Юқоридаги байтда “макондин”-“осмондин” қофияси кўлланилган (“макон”-“осмон” сўзлари — ўзак, “дин” —

қўшимча; ўзакдаги “н” товуши — равий, қўшимчадаги “д” воситасиз васл, “и” қисқа унли товуш — хуруж).

**Иккимиз отосиннг ризоси,  
Солмиш санга бу иш ибтилоси.**

(“Хамса”)

Байтдаги “ризоси”—“ибтилоси” қофиясидаги “о” товуши — равий, “с” товуши — васл, “и” унлиси — хуруждир.

3. **Мазид** — орттирилган. Шайх Аҳмад ибн Худойодод Тарозий дейди: “Мазид ул ҳарфни айтурларким, хуруждан сўнгра келса. Ва бу ажам ихтироидир. Ва араб қавминда қофиянинг охири ҳарфи хуруждир. Ва мазид ҳар ҳарфдин бўлур, нетокким: баримиш-даримиш бўлғай” (72-бет). **Қофияда хуруждан кейин келган ундош ва вазнда чўзиқ бўлган унли товуш мазид деб юритилади.** Масалан, “топмадим”—“ёлмадим” қофиясидаги “м”, “бilmасдан” — “келмасдан” қофиясидаги “н”, “қароғинда” — “сўроғинда” қофиясидаги “а” товуши мазид ҳисобланади. Мисоллар:

**Яъни: бу жунун фасонасидин,  
Расволик ўти забонасидин.**

(“Хамса”)

Бу байтдаги “фасонасидин” — “забонасидин” сўзлари қофия (“фасона” — “забона” — ўзак, “сидин” — қўшимча; ўзакдаги сўнгги “а” — равий, қўшимчадаги “с” — воситасиз васл, “д” хуруж, “н” — мазиддир).

**Эй Аторид, ўп остонимни,  
Кўйғил олимға жузвонимни.**

(“Хамса”)

Бу байтдаги “остонимни” — “жузвонимни” сўзлари қофия: “остон” — “жузвон” — ўзак, “имни” — қўшимча; ўзакдаги сўнгги “о” — ридф, “н” — равий, қўшимчадаги “м” воситали васл, “н” (сўнгтиси) — хуруж, “и” — мазиддир.

4. **Нойира** — ўзини четга оловчи. **Мазиддан кейин келган ундош ва вазнда чўзиқ ҳисобланган унли товушлар** (улар қанча бўлишидан қатъи назар) нойира деб юритилади. Масалан, “комиронлиғлар” — “нотавонлиғлар” қофиясида:

“н” — равий, ундан олдинги “о” — ридф, равийдан сўнгги “л” — воситасиз васл, “ғ” — хуруж, “л” — (сўнгти) — мазид ва “р” — нойира бўлади.

Кўруб ул ранг резлик **ишларини**,  
Тароф кулмакка очиб тишларини.

(“Хамса”)

Байтдаги “ишларини”- “тишларини” сўзлари — қофия (“иш” ва “тиш” ўзак, “ларини” — қўшимча; ўзакдаги “ш” — равий, қўшимчадаги “л” — воситасиз васл, “р” — хуруж, “н” — мазид, “и” — нойира).

Улуг шеършунос ва адаб Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий айтганидек, бу тўққиз унсурнинг бир қофияда келиши камдан кам учрайдиган ҳодисадир. Муқайяд ва мутлақ қофия унсурларининг қофияда иштирокига кўра кўринишлари ҳам ранг-барангдир...

### *Иккинчи сабоқ*

## **МУМТОЗ ҚОФИЯ ТИПЛАРИ ВА ТУРЛАРИ**

Ўзбек шеъриятида қофиянинг ранг-баранг кўринишлари мавжуд. Уларни тасниф қилмасдан туриб ўрганиш мушкул. Шунга кўра, гапни қофия таснифидан бошлай қолайлик.

Маълумки, қофия сўзлардан таркиб топади. Сўз эса соф ўзак (негиз)ли ёхуд қўшимчали бўлади. Ўзак ва қўшимча иштирокига кўра қофиялар икки типга бўлинади. Қофия соф ўзаклардан таркиб топган бўлса, **муқайяд** — ўзак қофиялар ва қўшимчали сўзлардан иборат бўлса, **мутлақ қофиялар** деб юритилади. Муқайяд қофия ва мутлақ қофия, асосан, классик қофия типларидир. (Бармоқдаги шеър қофияси ҳам бундан бутунлай мустасно эмас). Айни чоқда, ҳар бир қофия типи уларда иштирок этган унсур (товуш)лар тақозосига кўра бир қанча гуруҳларга ажralадики, буларни илмда қофия турлари деб аташ жоиздир. Шу тариқа, муқайяд қофия ва мутлақ қофия типларининг ҳар бирида анчагина қофия турлари борлиги аниқ бўлиб қолади.

## **Муқаййад қофия типи ва унинг турлари**

Муқаййад қофиянинг ўзига хослиги шундаки, унда, биринчидан, фақат муқаййад (ўзак) қофия унсур (тovуш)лари ва, иккинчидан, соғ ўзак-негиз иштирок этади. Шеъриятимизда қофиянинг бу типи (мутлақ қофия типига нисбатан) кенг тарқалган.

Муқаййад қофия типининг бир неча хил — кўринишлари борки, улар қўйидагича тавсифланади:

### **1. Муқаййади мужаррад қофия.**

Мужаррад қофия, биринчидан, якка ўзакдан ва, иккинчидан, қисқа унли товушга таянадиган ёпиқ бўғиндан таркиб топади. Масалан, “тан” — “Ватан” қофиясининг сўнгти бўғини (“тан” — “тан”) ёпиқ ва “а” қисқа унли товушга таянган. Қофиянинг бу хилида, кўпинча, равий ҳаракатсиз ундош товушдан ифодаланади (“тан” — “Ватан” қофиясида “н” товуши — равий — ҳаракатсиз ундош). Бундай қофиялар, “мужаррад”, яъни **яланғоч қофия** деб юритилади.

Мисоллар:

Ул деб не ўқуб варақда мутлақ,  
Бу деб неки кўнглига солиб ҳақ.

(“Хамса”)

Нопармон булутлардан қолмади асар,  
Секин ёйилиб тушди салқин кузги кеч...  
Кўёпнинг сўнгти тифи сувларда юзар,  
Байрам башоратидан берилган севинч...

(Амин Умарий)

2. Қофия-и муқаййад-и муассаси — таъсисли (мустаҳкам) ўзак қофия. Бу хил қофияда равийдан олдин бир ҳаракатли ундош бўлиб, ундан илгари бир чўзиқ унли (“о”) келади:

Эрур фор ичра Сукроти ягона,  
Дема Сукрот, Буқроти замона.

(“Хамса”)

Дүстим содда, жуда түпори,  
Бүйи-басты күйиб күйгандай.  
Саъва бўлиб сайрар дутори,  
Түтининг ҳам бағрин ўйгандай.

(Амин Умарий)

### 3. Таъсисли ва дахилли муқаййад қофия.

Бу қофия таъсисли ва дахилли ўзак товушлардан тар-  
киб топади. Масалан, “қойил” — “зойил” қофиясида: “л”  
— равий, “о” — чўзиқ унлиси — таъсис, “и” — дахил.  
Мисол:

Бори бир ёну бу ёнки ногоҳ,  
Шаҳ ўлса бу ажиб ҳолимдин огоҳ.

(“Хамса”)

“Ногоҳ” — “огоҳ” қофиясида: “ҳ” — равий, “г” — да-  
хил, “о” — чўзиқ унлиси — таъсис.

Жажжи ўғилчасин етаклаб олиб,  
Ота шошар эди қайгадир тонгда.  
Кимдир қаршисидан чиқди жар солиб:  
— Хўрозқанд сотаман, қолма армонда.

(Абдулла Орипов)

Бу банднинг биринчи (“олиб”) ва учинчи (“солиб”) мисралари таъсисли ва дахилли (“б” — равий, “л” — дахил, “о” — таъсис) қофияли бўлса, иккинчи (“тонгда”) ва тўртингчى (“армонда”) мисралари мутлақ қофиялидир.

4. Ридф-и аслийли муқаййад қофия. Бу қофия ридф-и аслий унсурлари иштирокида пайдо бўлади. Мисол:

Ки аждар қилди жисмин оташ олуд,  
Замона деви солди бошига дуд.

(“Хамса”)

“Ой қуёшга сочмаган итна,  
Қуёш ойга пуркамаган кул”.  
Бу кун ҳар иккиси қалин дўст  
Ип ешолмас булбул ва на гул.

(Амин Умарий)

**5. Ридф-и муфрадли муқаййад қофия.** Бу қофиянинг таркибида ридф-и муфрад унсурин мавжуд бўлади. Мисол:

Чу дарёйи раҳматка солғанда мавж,  
Куруқ қолмамиш не ҳазизу не авж.

(“Хамса”)

**6. Ридф-и мураккабли муқаййад қофия.** Бу хил қофия таркибида ридф-и мураккаб унсурлари бўлади. Мисол:

Кемаларни қирғоқца боғлаб руст,  
Халқу амволини чиқорди дуруст.

(“Хамса”)

**7. Қайдли муқаййад қофия.** Бундай қофиялар таркибида қайд унсурин мавжуд бўлади. Мисол:

Гаҳ Тур уза ламъя кўргузуб барқ.  
Андоқ ёрубонки, меҳрдин шарқ.

(“Хамса”)

Ки мактаб аро хужаста фарзанд,  
Бўлгай бори илмдин баруманд.

(“Хамса”)

Лек асрү хай ичра эрди побаст,  
Дарс ичра топиб каломи пайваст.

(“Хамса”)

**Мутлақ қофия типи  
ва унинг турлари**

Мутлақ қофия таркибида ўзак (негиз)дан ташқари қўшимча (васл, хуруж, мазид, нойира)лардан бири ёхуд бир нечаси бўлади. Мутлақ қофия таркибини қайси қўшимча ташкил қилган бўлса, қофия ҳам шу қўшимча — унсур номи билан юритилади. Мутлақ қофия типига мансуб бўлган қофия турлари куйидагича тавсифланади:

1. **Мутлақ-и мужаррад қофия** — қўшимчали (мутлақ) якка қофия. Бу хил қофиянинг тузилиши: қофиянинг ўзагига унли билан бошланувчи бир ёпиқ бўғин (“рағбат-им” — “нисбат-им”) ёки ўзакка “а”, “и”, “о”, “э” унлиларидан бири тиркалади (“кун-и” — “тун-и” каби). Мисол:

Кимники, айлай дер эсанг марҳам-инг,  
Кўп синамай айламагил ҳамдам-инг.

( “Ҳамса”)

Зулмат аро ботиниму зоҳир-им,  
Турфа буқим, ўйла тираб хотир-им.

( “Ҳамса”)

Маҳзи латофатдин улиб хилқат-и,  
Халқи жаҳон аҳлиға ҳақ раҳмат-и.

( “Ҳамса”)

Ки ишқ аҳлидин ўлғай достон-е,  
Муҳаббат хайлидин қолғай нишон-е.

( “Ҳамса”)

Ҳадангинг марг тайридин нишон-а,  
Адув жисмини айлаб ошиён-а.

( “Ҳамса”)

**2. Таъсисли мутлақ қофия.** Бу қофия ўзагида таъсис унсури мавжуд бўлиб, қўшимчалардан бири билан бирикиб келади. Мисол:

Ки чун Фарҳод ул қўрғонга борди,  
Нигоҳонлар била зинданга борди.

( “Ҳамса”)

**3. Таъсис ва даҳилли мутлақ қофия.** Бу хил қофия ўзагида таъсис билан даҳил унсурлари бўлиб, бирор қўшимча билан бирикиб келади. Мисол:

Кучуб куйни аро бағри қарони,  
Анга деб бағри куйган можарони.

( “Ҳамса”)

**4. Ридф-и аслийли мутлақ қофия.** Бундай қофия ўзагида аслий ридф бўлади ва қўшимча билан бирикади. Мисол:

Танимдек куймаса жисми низоринг.  
Туну анжум недур дуду шароринг.

( “Ҳамса”)

**5. Ридф-и муфрадли мутлақ қофия.** Бу хил қофия ўзагида ридф-и муфрад унсури бўлиб, қўшимчалардан бири билан бирикаб келади:

Сипеҳр ўргаб жаҳони бенавони.  
Қўли бирла қаро айлаб ҳавони.

(“Ҳамса”)

**6. Ридф-и мураккабли мутлақ қофия.** Бу қофия ўзагида ридф-и мураккаб унсури бўлади ва у қўшимчаларнинг бири билан бирикади:

Қилди адам манзили кошонаси,  
Ҳар бирисин биргина қуш донаси.

(“Ҳамса”)

**7. Қайд мутлақ қофия.** Бундай қофия ўзагида албатта қайд унсури иштирок этади ва унда қўшимча бўлади. Мисол:

Бориб сургач фусунлик можаро-ни,  
Атоға қизни, ўғулға ано-ни.

(“Ҳамса”)

**8. Хуружли мутлақ қофия.** Бу хил қофия қўшимчаси таркибида хуруж унсури мавжуд бўлади. Мисол:

Кечинг ҳар неки қилмишмен жафо-дин,  
Кўюнг жонимга миннатлар вафо-дин.

(“Ҳамса”)

**9. Тაъсис ва хуружли мутлақ қофия.** Бу хил қофиянинг ўзагида таъсис ва қўшимчасида хуруж унсури бўлади. Мисол:

Кўруб ул зору бекас мотам-идин,  
Ки ҳайвон бех вафосиз одам-идин.

(“Ҳамса”)

Гадоға нотавонлиғ бўлди рўзи,  
Раниға комронлиғ бўлди рўзи.

(“Ҳамса”)

**10. Таъсис, дахил ва хуружли мутлақ қофия.** Бу хил қофия ўзагида таъсис, дахил ва қўшимчасида хуруж унсури бўлиши шарт. Мисол:

Магар шаҳ лутфи ўқ ёвар-лик этгай,  
Менинг журмумга узр овар-лик этгай.

(“Хамса”)

**11. Ридф-и аслий ва хуружли мутлақ қофия.** Бу хил қофия ўзагида ридф-и аслий ва қўшимчасида хуруж унсури бўлиши керак. Мисол:

Олиб эгнига маҳдин нозанин-лар,  
Юруб олдида гирён мах жабин-лар.

(“Хамса”)

**12. Ридф-и мураккаб ва хуружли мутлақ қофия.** Бу хил қофия ўзагида ридф-и мураккаб ва қўшимчасида хуруж унсури бўлиши лозим. Мисол:

Кабутар йўқ, **кабутархонадир** ул,  
Дема анжуманки, сочқон **донаадур** ул.

(“Хамса”)

**13. Қайд ва хуружли мутлақ қофия.** Бу хил қофия ўзагида қайд ва қўшимчасида хуруж унсури бўлади. Мисол:

Чун воқиф ўлуб бу можаро-фа,  
Мушкин хутаба кириб аро-фа.

(“Хамса”)

**14. Мазидли мутлақ қофия.** Бу хил қофия қўшимчасида албатта манзид унсури бўлиши керак. Мисол:

Булоқ она-Ер сийна-сидан,  
Шеър сингари қайнаб оқади.  
Сувнинг кумуш **она-сидан**,  
Мехрим бўлиб қуёш боқади.

(Эркин Воҳидов)

**15. Таъсис ва мазидли мултақ қофия.** Бу хил қофия ўзагида таъсис ва қўшимчасида мазид унсури бўлади. Мисол:

Ул сўз демайин малојат-идин,  
Боқмай отага хижолат-идин.

(“Хамса”)

**16. Таъсис, даҳил ва мазидли мутлақ қофия.** Бу хил қофия ўзагида, таъсис, даҳил ва қўшимчасида мазид бўлади. Мисол:

Оҳи елимга чарх соврулубон,  
Ўзи ҳижрон ўтига қоврулубон.

(“Хамса”)

Байтдаги “соврулубон” — “қоврулубон” сўзлари қофия (“соврул” — “қоврул” ўзак, “убон” — қўшимча; ўзакдаги “о” товуши-таъсис, “в” товуши — даҳил, “л” товуши — равий, қўшимчадаги “у” — товуши воситасиз васл, “б” товуши хуруж, “и” товуши — мазид.)

**17. Ридф-и аслий ва мазидли мутлақ қофия.** Бу хил қофиянинг ўзагида ридф-и аслий ва қўшимчасида мазид унсури бўлиши лозим. Мисол:

Шоҳид анга жилвада паррон-лиғи.  
Илиг-оёғнинг доти ниҳон-лиғи.

(“Хамса”)

Байтдаги “парронлиғи” — “ниҳонлиғи” сўзлари — қофия (“паррон” — “ниҳон” — ўзак, “лиғи” — қўшимча; ўзакдаги “н” товуши — равий, “о” товуши — ридф-и аслий ва қўшимчадаги сўнгти “и” товуши — мазиддир).

**18. Қайд ва мазидли қофия.** Бу хил қофия ўзагида қайд ва қўшимчасида мазид унсури бўлиши лозим. Мисол:

Ки қойил эрур сўнгти фарзандимиз,  
Билик марзандин барумандимиз.

(“Хамса”)

Бу байтдаги “фарзандимиз” — “барумандимиз” сўзлари қофия: “фарзанд” — “баруманд” — ўзак; “-имиз” —

қўшимча; ўзакдаги “д” товуши — равий, ундан олдинги “н” товуши — қайд, қайддан олдинги “а” товуши қисқа унли; қўшимчадаги “и” товуши — воситасиз васл, “м” товуши — хуруж ва “э” товуши — мазид.

**19. Ридф-и мураккаб ва мазидли мутлақ қофия.** Бу хил қофия ўзагида ридф-и мураккаб ва қўшимчасида мазид унсурлари бўлиши лозим. Мисол:

Анинг ройиким бўйла софийдуур,  
Бу сўзлар хирадқа мунофийдуур.

(“Хамса”)

Бу байтдаги “софийдуур” — “мунофийдуур” сўзлари — қофия; “софий”, “мунофий” — ўзак, “дуур” — қўшимча: ўзакдаги “й” товуши — равий; “ф” товуши — ридф-и мураккаб; “о” товуши — аслий ридф; қўшимчадаги “д” товуши — воситасиз васл, ўргадаги “р” товуши — хуруж, сўнгти “р” товуши — мазид.

**20. Нойирали мутлақ қофия.** Қофиянинг бу хили қўшимчида, албатта, нойира товуши (ёхуд товушлари) бўлиши шарт. Мисол:

Ҳар табу тобики ул шамъи шабистон-имдадур,  
Тоблар дурким дамо-дам риштаи жон-имдадур.

(Нодира)

Байтдаги “шабистонимдадур” — “жонимдадур” сўзлари — қофия; “шабистон” — “жон” — ўзак, “имдадур” — қўшимча; қўшимчадаги воситали васл — “м” товуши, “д” товуши (ўргадаги) — хуруж, сўнгти “д” товуши — мазид, “р” товуши — нойира.

**21. Таъсисли ва нойирали мутлақ қофия.** Бундай қофия ўзагида таъсис ва қўшимчида нойира бўлиши керак. Мисол:

Шуълаи шамъи руҳинг моҳи муноввардаккина,  
Қоматингни наҳли шамшоду санобардаккина.

(Фурқат)

Юқоридаги “муноввардаккина” — “санобардаккина” — қофиясининг ўзаги (“мунаввар” — “санобар”)даги “о” то-

вуши — таъсис, “р” товуши — равий, қўшимчаси — “дак-кина”даги “д” товуши — воситасиз васл, биринчи “к” то-вушки — хуруж, иккинчи “к” товуши — мазид, “на” — ной-ира.

22. **Таъсис, даҳил ва нойирали мутлақ қоғия.** Бу хил қоғиянинг ўзагида таъсис, даҳил ва қўшимчасида нойира унсурлари бўлади. Мисол:

Дунёға келиб лойига билмай ботақолдим,  
Дармон йўқидин неча оғиз сўз қотақолдим.

(Машраб)

Байтдаги “ботақолдим” — “қотақолдим” сўzlари қоғия: “бота” — “қота” — ўзак, “қолдим” — қўшимчча; ўзакдаги “а” — равий; “т” — даҳил; “о” — таъсис; қўшимчадаги “к” — воситасиз васл, “л” — хуруж; “д” — мазид; “м” — ной-ира.

23. **Қайд ва нойирали мутлақ қоғия.** Бундай қоғиянинг ўзагида қайд ва қўшимчида нойира унсури бўлиши ке-рак. Мисол:

Аларни чу мундоқ севундурдилар,  
Шаҳ олинда тўқкуз юкундурудилар.

(“Ҳамса”)

Бу байтда “севундурдилар” — “юкундурудилар” — сўзла-ри қоғия: “севун”-“юкун” — ўзак; “дурдилар” — қўшим-чча; ўзакдаги “н” — равий, “в” (“к”) — қайд; қўшимчадаги биринчи “д” — воситасиз васл, “р” — хуруж, иккинчи “д” — мазид, “лар” — нойира.

Ҳажр эди ишқ ичра мен кўрган балолардин бири,  
Ишқ ойинида дерлар беҳаёлардин бири.

(Нодира)

Бу қоғия ўзаги (“бало” — “бекаё”)даги “о” — равий, “х” (“л”) қайд, қўшимчида ги (“лардин”) “л” — восита-сиз васл, “р” — хуруд, “д” — мазид, “н” — нойира.

24. **Ридф-и аслий ва нойирали мутлақ қоғия.** Бу хил қоғиянинг ўзагида ридф-и аслий ва қўшимчида нойира унсурлари бўлади. Мисол:

Шеваи меҳру вафо дилдорлардиндур ғалат,  
Зулфи сунбул орази гулнордардиндур ғалат.

(Фурқат)

Байтдаги “дилдорлардиндур” — “гулнорлардиндур” сўзлари — қофия; “дилдор”-“гулнор” — ўзак, “лардиндур” қўшимча; ўзакдаги “о” — ридф-и аслий ва қўшимчадаги (“р” — равийдан кейин келган) “л” — воситасиз васл, “р” — хуруж, “д” — мазид, “ндум” — нойира.

25. Ридф-и мураккаб ва нойирали мутлақ қофия. Бундай қофия ўзагида ридф-и мураккаб ва қўшимчасида нойира бўлади. Мисол:

Кўрсат жамолинг мастоналарга,  
Ишқида куйган парвоналарга.

(Машраб)

Бу байтдаги “мастоналарга”-“парвоналарга” сўзлари қофия; “мастона”- “парвона” сўзлари ўзак, “ларга” — қўшимча; ўзакдаги сўнгги “а” равий, “н” — мураккаб ридф, “о” ридф-и аслий, қўшимчадаги “л” — воситасиз васл, “р” — хуруж, “г” — мазид ва “а” — нойира.

Юқорида ўзбек классик қофиясининг муқаййад ва мутлақ типлари ва уларнинг турлари билан танишиб чиқдик, холос. Шеъриятимизда қофиянинг бошқа кўринишлари ҳам йўқ эмас. Чунончи, қўшимчали ўзак билан қўшимча, қўшимча билан қўшимча қофияланиши ҳоллари ҳам учраб турадики, булар ҳақида тўхталмадик.

Қофия санъатида бўғин (ҳижо)лар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, ҳар қандай қофия ҳам бўғин — ҳижолардан, бўғин-ҳижолар эса товушлардан таркиб топади. Агар биз юқорида қофия табиатини белгилашда муқаййад-ўзак ва мултақ-қўшимчали қофия унсурларининг ҳал қилувчи аҳамият касб этганлигини кўриб ўтган бўлсак, энди, гарчи йўл-йўлакай бўлса-да, бўғинларнинг қофияда тутган ўрни ҳақида бир-икки оғиз гап айтайлик.

Бармоқдаги шеър қофиясида бўғинларнинг миқдори ва тартибига эътибор қилинса, аruz қофиясида ҳижоларнинг ҳам миқдорига, ҳам сифатига, ҳам тартибига аҳамият берилади. Бўғин (ҳижо)лар миқдори — бармоқ ва аruz учун

муштарак аломат. Масалага шу нүқтәи назардан қараганда ўзбек шеъриятида қофиянинг бир қатор хиллари борлиги кўзга ташланиб туради. Масалан:

**а) Бир бўғинли қофия:**

Ёрдин ҳижрон чекар ушоқи зор, эй дўстлар,  
Неча тортай ҳажр чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.

(Алишер Навоий)

**б) Икки бўғинли қофия:**

Дилбаро, бошинг уза чун тожи султон кокулунг,  
Ганжи ҳуснингни қилур оламга эҳсон кокулунг.

(Фурқат)

**в) Уч бўғинли қофия:**

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим,  
Кўргузуб юз меҳрким дарду балосин кўрмадим.

(Алишер Навоий)

**г) Кўп бўғинли қофия:**

Ҳажр эди ишқ ичра ман кўрган балолардин бири,  
Дард водийсида мен чеккан жафолардин бири.

(Нодира)

**д) Бўғинлар миқдори teng бўлмаган қофия:**

Ғазаб бирланки ул жонон келур мастона-мастона,  
Хаёлимда танимга жон келур мастрона-мастрона.

(Муқимиий)

Тўлқинлар қутурсин, майли беомон,  
Менинг қисматимни кўмомаган у.  
Бари бир, ёнингга қайтаман омон,  
Мовий кўзларингга чумгали мангур.

(Абдулла Орипов)

*Учинчи сабоқ*  
**ҚОФИЯ САНЪАТЛАРИ**

Қофия санъатлари қофиядош сўзларнинг хушоҳанглиги ва жарангдорлиги, умуман, образлилигини таъминловчи воситалардан биридир. Шеъриятимизда қофияда ишлатиладиган ранг-баранг санъатлар мавжуд. Уларни, шартли равишда, қуидагича тасниф ва тавсиф қилиш йўли билан ўрганиш мумкин:

**Қофия безаклари** 1. Зулқофиятайн — зийнатли кўш қофия. Атоуллоҳ Ҳусайний “Бадойиъу-с-санойиъ” асарида ёзишича, “зулқофиятайн деб ул шеърни айтурларким, анда икки қофияни лозим кўргайлар ва охирғи қофиядан олдинғи қофияда тўхталандандар назмнинг дуруст ва маънонинг тўғри чиқишин шарт қилмагайлар...”<sup>1</sup>. Мисол:

Кўнгилга бўлди ажойиб бало қаро очинг,  
Шикаста кўнглума эрмиш қаро бало сочинг.

(Бобур)

Олмазорлар гулин тўқади,  
Мева боғлаб шоҳин буқади...

Ботирлари канал қазади,  
Шоирлари ғазал ёзади.  
Куйчилари ўқийди ялла,  
Жувонлари айтади алла.  
Пазандаси ёпади ширмон,  
Қарилари кутади меҳмон.

(Ҳамид Олимжон)

Юқорида келтирилган байтлардаги ажратиб кўрсатилган сўзларга эътибор қилинг-а: Заҳириддин Муҳаммад Бобур байтининг биринчи мисрасидаги “бало” ва “қаро” сўзлари (икки сўз иккинчи мисрадаги “қаро” ва “бало” сўзлари билан қофияланган, (“қаро” билан “бало”). Айни

---

<sup>1</sup> Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Т., Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашириёти, 1981., 83-бет.

чоқда, биринчи мисрасидаги “бало” билан “қаро” ва иккинчи мисрадаги “қаро” билан “бало” сўзлари ҳам ўзаро оҳангдошdir. Демак, байтда биргина эмас, икки қофия ишлатилган. Шоир Ҳамид Олимжондан келтирилган байтларда ҳам худди шу ҳодиса юз берган: биринчи байтда “гүлин” билан “шохин”, “тўқади” билан “букади”; иккинчи байтда “канал” билан “ғазал”, “қазади” билан “ёзади”; учинчи байтда “ўқийди” билан “айтади”, “ялла” билан “алла” ва, ниҳоят, тўртинчи байтда “ёпади” билан “кутади”, “ширмон” билан “мехмон” сўзлари қофияланниб келган — ҳар бир байтда бир сўз эмас, икки сўз қофиядош, яъни қўш қофия бўлган. Қўш қофия ҳар иккала шеър маъносини қанчалик бўрттирганига, хуш — оҳанглик ва мусиқийликни оширганига эътибор беринг-а! Мана шу санъат қофия ишмида “зулқофиятайн”, яъни безалган, зийнатланган қўш қофия деб юритилади.

Шеъриятимизда зулқофиятайн санъатининг бир неча кўринишлари мавжуд. Чунончи:

а) Байтда икки сўз ўзаро (бир мисра ичида) ва айни пайтда, мисралараро (биринчи мисрадаги икки сўз иккинчи мисрадаги “ўз шериги” билан) қофиядош бўлиши мумкин. Мисол:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,  
Ким жонга қаро бало бўлубтур.

(Алишер Навоий)

Англапиларлики, биринчи мисрада “бало” билан “қаро”, иккинчи мисрада “қаро” билан “бало” оҳангдош ва, айни чоқда, биринчи мисрадаги “бало” билан иккинчи мисрадаги “қаро”, биринчи мисрадаги “қаро” билан иккинчи мисрадаги “бало” сўзлари қофияланган. Шу — чинакам мумгоз қофия!

б) Жуфт сўзлардан таркиб тоиган зулқофиятайн:

Кўздин аён нури айнил-яқин,  
Сочида ниҳон тоби хаблил-матин.

(“Ҳамса”)

Бу байтдаги “айнил-яқин” жуфт сўзи “хаблил-матин” жуфт сўзи билан қофиядош. Демак, жуфт сўзлар асосида

зулқофияттайн санъати вужудга келган. Шуни ҳам айтиш лозимки, бу хил зулқофиятайнда жуфт сўзларнинг ҳар иккала қисми тенг бўлиши шарт эмас. Мисол:

Кулоққа чалинар **гоҳи-гоҳида**  
Шундай бир ривоят, шундай бир ўғит:  
Ночору ноилож қолган **ҷоғида**  
Ўзини тошларга урармиш бургут.

*(Абдулла Орипов)*

“Хамса”дан олинган қуйидаги байтларда ҳам нотўлиқ жуфт сўзли зулқофиятайнлар қўлланилганлигини пайқаш қийин эмас:

Бўлиб вайрона кўнглум ғам **қушидин**,  
Маломат тоши ёғиб **тӯш-тӯшидин**.  
Қўп кўргач анинг танида **ёра**,  
Ўз кўнглагин этти **пора-пора**.

в) Мисрада қофиядош икки сўз ёнма-ён эмас, алоҳида алоҳида келиб, қўшни мисрадаги “ўз шериги” билан жисп-лаштирилади:

Қаро зулфинг **фироқида** паришон **рўзгорим** бор,  
Юзунгнинг **иштиёқида** не сабру не **қарорим** бор.

*(Бобур)*

Бу байтда “фироқида”, “рўзгорим” ва “иштиёқида”, “қарорим” сўзлари мисрада ёнма-ён эмас, алоҳида алоҳида жойлашган бўлиб, мисралараро (яъни “фироқида” билан “иштиёқида”, “рўзгорим” билан “қарорим”) қофиядошликни вужудга келтирганки, бу ҳодиса, мумтоз зулқофиятайн намунасиdir.

г) Шеъриятда радифли зулқофиятайнлар ҳам учраб туради:

Позаҳр дема, **қаро** бало ул,  
Жон бирла кўнгил **аро** бало ул.

*(“Хамса”)*

Бу байтдаги “қаро” билан “бало”, “аро” билан “бало” сўзлари муносабатида оҳангдошлик ҳодисаси бор. Айни

чоқда, байтда, асосан, “қаро” билан “аро” сүзлари қофия-дош; “бало ул” сүз бирикмаси шаклан радифdir. Аммо мазкур байтда “бало” сүзи ўзидан олдинги сүз (“қаро”, “аро”)ларга семантик жиҳатдан бирикиб, якка қофияни күш қофияга айлантирган. Шу тариқа, “бало ул” радифинг бир бўлаги (“бало”) зулқофиятайн санъатининг тар-кибий қисмига айланиб қолган.

д) Шеъриятда уч қофиялик байтлар ҳам учраб туради. Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнининг уқтиришича, “ул шеър-никим, анда иккидин ортиқ қофияни лозим қилсалар, ани зулқавоғий дерлар...”<sup>1</sup> Мисол:

Эй бегим, ушбу юз дегил, шамс била қамармудур,  
Эй бегим, ушбу сўз дегил, шаҳд била шакармудур.

(Атоий)

Кўриниб турибдики, биринчи мисрада “юз”, “шамс”, “қамармудур”; иккинчи мисрада “сўз”, “шаҳд”, “шакар-мудур” сўзлари ёнма-ён эмас, алоҳида-алоҳида келиб, мис-ралараро қофиядошлик (“юз” билан “сўз”, “шамс” билан “шаҳд”, “қамармудур” билан “шакармудур”) вужудга кел-ган. Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнининг айтишича, “агар икки қофия орасида ҳожиб келтирилса, ул шеърни зулқофия-тайн маҳжуб дерлар”<sup>2</sup>. Юқоридаги байтда “била” ва “эй бегим, ушбу” сўзлари ҳожибдирким, мазкур қофияни зул-қофиятайн-и маҳжуб дейиш мумкин. Бу санъат шеърга, шунингдек қофияга алоҳида образлилик бахш этади.

е) Мумтоз қофия санъатида (ҳозирги замон қофиялари-да ҳам) рақам қофиялар ҳам учраб туради. Биргина мисол:

Аларнинг келиб сони тўққуз-тўққуз,  
Яна бир ривоятда ўттуз-тўққуз.

(“Хамса”)

ё) Зулқофиятайн санъати фақат байтлардагина эмас, умуман бандларда қўлланилади. Мисол:

<sup>1</sup> А. Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ (форсчадан А.Рустамов таржи-маси). Т., F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 84-бет.

<sup>2</sup> А. Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ, 84-бет.

Бошимизда нур сочаётир,  
Шон асрнинг шараф байроби.  
Кўлимизда гул очаётир,  
Мамлакатнинг семиз тупроғи.

(Амин Умарий)

Бу банддаги “нур” билан “гул”, “сочаётир” билан “очаётир” жуфтланиб, зулқофиятайн санъати вужудга келтирилган. Айни чоқда, бандда “байроби” билан “тупроғи” қофиядошлигига якка қофия вужудга келган. Демак, шоир Амин Умарий бир бандда ҳам зулқофиятайнни, ҳам якка қофияни моҳирлик билан қўллай олган.

2. **Тарсиъ — қофия.** Аслида тарсиъ шеър санъатларидан бири. Айни чоқда, тарсиъ қофия санъати ҳамdir. Одатда, тарсиъ усулида яратилган қофиялар “тарсиъ-қофия” деб юритилади. Тарсиъ-қофиянинг ўзига хослиги шундаки, бунда банднинг биринчи мисрасидаги ҳар бир сўз иккинчли мисрадаги “ўз шериги” билан қофияланади. Мисол:

Нишони бенишонликдин йирокроқ,  
Макони бемаконликдин қирокроқ.

(“Хамса”)

Эътибор қилинг-а: байтнинг биринчи мисрасидаги барча сўзлар (сўз ўйини ҳам бор) иккинчи мисрадаги “ўз шериги” билан қофиядош (“нишони” — “макони”, “бенишонликдин” — “бемаконликдин”, “йирокроқ” — “қирокроқ”). Айни чоқда, “нишон” — “бенишонлик”-ка, “макон” — “бемаконлик”-ка зид қўйилиб, маъно кучайтирилмоқда — сўз ўйини шунга имкон бермоқда.

Шеъриятда радифли тарсиъ-қофиялар ҳам учраб туради.

Майли нутқум тарабхез айла, ёраб,  
Найли қилким шакаррез айла, ёраб.

(“Хамса”)

Кетур илгимга доди жоми тавфикс,  
Етур кўнглумга доди роҳи таҳқик.

(“Хамса”)

Гадоға нотавонлиғ бўлди рўзи,  
Фаниға комронлиғ бўлди рўзи.

(“Хамса”)

Юқоридаги байтлар ва уларда қўлланилган қофия зийнатларини таҳлил қилиб аниқлаб олинг.

Шоир Машрабнинг “Ишқингда ўлдим” радифли ғазалининг матлаи тарсий-қофияга ёрқин мисол бўла олади. Мана бу байт:

Шоҳи жаҳоним, ишқингда ўлдим,  
Ороми жоним, ишқингда ўлдим.

### Қофияда сўз қўллаш санъати

Сўз – қофиянинг қурилиш материали. Шеъриятда сўзлар тасвир воситалари бўлганидек, қофияда ҳам сўз, биринчи навбатда, ҳаётни ифодалайдиган қуролдир. Айни чоқда, сўз қофия вазифасига тўла бўйсундирилган бўлади. Қофиянинг образлилиги ва таъсиричанлиги ҳам сўз қўллаш санъатига боғлиқ. Шоир миллий тил бойлигини қанчалик чукур билса, тил бойлигидан қофия яратишда шунчалик моҳирона фойдалана олади.

Энди қофияда сўз қўллаш санъатининг баъзи масалалари билан танишиб чиқайлик. Негаки, бизнингча, қофияда сўзнинг қанчалик жозиба касб этишини англамай туриб, умуман, қофия илмини ўрганиб бўлмайди.

#### 1. Қофияда сўз маънолари.

Қофия таркибидаги сўзлар, одатда, ё асил маъносида, ё кўчма маънода ишлатилади. Шу сабабли қофиялар ҳам икки гуруҳга ажратиб ўрганилади:

а) **Содда қофия.** Шеърда асил маънода қўлланилган сўзлар оҳангдошлиги “содда қофия” деб юритилади. Мисол:

Бу жаҳондин кетарди чун зулумот,  
Ул жаҳон аҳлиға етурди ҳаёт.

(“Ҳамса”)

Бу байтдаги “зулумот” ва “ҳаёт” сўзлари, биринчидан, асил маъно(зулумот — зулм, ҳаёт — осойишта яшаш)ларда келаяти ва, иккинчидан, тўла оҳангдошликни вужудга келтирган.

Ботирлари канал қазади,  
Шоирлари ғазал ёзади.

(Ҳамид Олимжон)

Юқоридаги байтда шоир “қазади” деганда йигитлар канал қазади ва “ёзади” деганда шеър ёзишни күзде туттан – қофиядош сўзлар кўчма маънода эмас, асил маъносида ишлатилган. Айни чоқда, “қазади” ва “ёзади” феълларини бир-бирига жисплаштириб тўла оҳангдошликка эришган.

Шоир Уйғуннинг “Теримчи қизга” шеъридан бир банд-ни олиб кўрайлик:

Тер чевар қиз, ўтмасин дам, тер!  
Бармоқларинг асти толмасин.  
Барчасини френт учун бер!  
Бир тола ҳам ерда қолмасин!

Шоирнинг уруш йилларида ёзилган шеъридан олинган юқоридаги бандда биринчи мисрадаги “тер” сўзи учинчи мисрадаги “бер” сўзи билан, иккинчи мисрадаги “толмасин” сўзи тўртинчи мисрадаги “қолмасин” сўзи билан қоғияланиб келганки, бу сўзларнинг ҳар бири ўзининг асил маъносида қўлланилган: “тер” — пахтани териб олиш, “бер” — терилган пахтани фронтда ғалабага эришиш учун бериш, “толмасин” — пахта тераётган қўллар чарчамасин ва, ниҳоят, “қолмасин” — пахта ҳосили чаноқда ва ерда қолиб кетмасин деган маънони ифода этади. Мана ҳақиқий сод-да қоғия намунаси!

б) **Тасвирий қоғия.** Агар қоғиядош сўзлар ўз маъноларида эмас, кўчма маъноларда ишлатилган бўлса, буларни, шартли равишда, тасвирий қоғиялар деб юритамиз. Тўгри, юқорида айтганимиздек, шеър қоғиясидаги ҳар бир сўз тасвир воситаси бўлади. Бироқ, тасвирий қоғиядаги сўзлар маҳсус бадиий тасвир воситалари сифатида келадики, бу ҳолатни алоҳида эътиборга олмоқ лозим. Бир мисол:

Жануб далалари — жимжима барқут,  
Унда емишларнинг туслари гул ранг.  
Тонг отган дамларда уфқлар ёқут,  
Кечаси кенг осмон, булут-ла кул ранг.

(Миртемир)

Шоирнинг “Қирғоқ” шеъридан олинган бу банддаги биринчи мисра (“барқут”) билан учинчи мисра (“ёқут”), иккинчи мисра (“гул ранг”) билан тўртинчи мисра (“кул

ранг") қофияланиб келган. Бу қофияни ташкил этган сўзлар ("барқут" — "ёкут", "гул" — "кул") эса асил маъноларида эмас, кўчма маъноларда ("барқут" — дengиз қирғоқлари бениҳоя кўркам, кўм-кўклигини; "ёкут" — эрта тонгда Қора дengиз уфқларининг ёкутсимон тус олишини; "гул ранг" — қирғоқдаги ўт-ўланларнинг гулсимон товланишини, гўзаллигини; "кул ранг" — тунда соҳилнинг кўкимтири тус олишини англатади) қўлланилган. Демак, қофиядош сўзлар, биринчидан, тасвир воситаси вазифасини ўтаган бўлса, иккинчидан, ўзаро оҳангдошлиги билан қофияни юзага келтирган. Шу тариқа шоир Ялтанинг бениҳоя кўркам манзарасини китобхон кўз ўнгидга яққол гавдалантиришга эришган. Тасвирий ёхуд бадий қофия деганда мана шу ҳодисани назарда тутамиз. "Тасвирий қофия" шеърга чинакамига образлилик, мусиқийлик ва эмоционаллик баҳш этадики, шу важдан қофиянинг бу тури адабиётда кенг қўлланилади.

**Кофиядада семантик аломатлар** Кофиядада қўлланилган сўзлар семантик (маъно) жиҳатидан ранг-баранг кўринишларга эга. Шулардан баъзи бирларини кўздан кечираильик:

а) **Киноявий қофия.** Кофиядада сўз (ёхуд сўзлар) киноявий маънода ишлатилган бўлса, булар киноявий қофия деб юритилади. Мисол:

Менга ўша **Омонимни** қўй,  
Менга ўша **ёмонимни** қўй.

(Ҳамид Олимжон)

б) **Контраст қофия.** Кофиядош сўзлар бир-бирига зид маънони ифода этган бўлса, бундай қофиялар контраст қофия деб юритилади. Мисол:

Тоғ ортига ўтиб кетди **кун**,  
Секин чўқди тоза, салқин тун.

(Зулфия)

в) **Метафорик қофия.** Кофиядош сўзлар **истиоравий** характер касб этган бўлса, бундай қофия метафорик қофия деб юритилади. Мисол:

Агар бири ёйса қулочин,  
Парвоз қилар кўкларда лочин.

(Ҳамид Олимжон)

г) **Тажнис-қофия.** Шеъриятда тажнис (шакли бир хил, маънолари ҳар хил сўзлар — омонимлар) сўзлардан таркиб топган оҳангдошлиқ “тажнис-қофия” деб юритилади. Мисол:

Бодасиз бетобман бу кеча ман,  
Лаълинг истаб эмди жондин кечаман.  
Соҳили мақсадға етмайманму деб,  
Кўз ёшим дарёсида сув кечаман.

(Муқимий)

Бу шеърда биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралардағи “кечаман” сўzlари шакл жиҳатидан айнан такрорланган, аммо уларнинг ҳар бири бошқа бошқа маъноларни англатган: “кечаман” сўзи биринчи мисрада “кечқурун-кечаси”, иккинчи мисрада “жонимдан воз кечаман” ва тўртинчи мисрада “сувдан кечиб ўтаман” маъносида ишлатилган. Демак, “кечаман” сўзи эпифора (мисра охирида келган қофиясиз сўз такрори) эмас, чинакам қофиянинг ўзидир. Яна ҳам аниғи: “кечаман” сўzlари — тажнис. Қофия тажнис сўzlардан таркиб топган. Шу хил қофиялар илмда тажнис-қофия ҳисобланади.

Бир парча ўт бўлиб бунда кун,  
Пахтасига ишлайди ҳар кун.

(Ҳамид Олимжон)

Бу байтда “кун” сўзи такрори қофиядошлиқни вужудга келтирган. Сўз семантикаси шуни тақозо қиласи. Негаки, “кун” сўзи биринчи мисрада “кўёш” маъносини ифодала-са, иккинчи мисрада “ҳар куни” маъносини билдиради. Тажнис-қофия — мана шу!

Киноявий, контраст, метафорик, тажнис... қофиялар шеърни ранг-баранг қиласи, унга образлилик ва жозиба баҳш этади.

## **Қоғияда фонетик аломатлар**

Оҳангдош сўзлар ўз фонетика-сига кўра ранг-баранг бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам қоғия бир неча кўринишларга эгадир. Масалан:

**а) Очиқ қоғия.** Қоғиядош сўзларнинг охирги бўғинлари унли билан тугаши (очиқ бўғин) натижасида вужудга келадиган қоғия илмда очиқ қоғия деб юритилади. Мисол:

Не сен ўхшаб жаҳонда бир **кишига**.  
Не қилғон ишинг ўхшар эл ишига.

(“Хамса”)

Ой ва йиллар асримиз — **жангномаси**,  
Бизда гуллар ҳар фасл **ҳангомаси**.  
Тожихоннинг устида **коржомаси**  
Икки қўллаб теради, иш **мардонаси**.

(Амир Умарий)

**б) Ёпиқ қоғия.** Қоғиядош сўзларнинг охирги бўғинлари ёпиқ, яъни ундош товуш билан тугаши оқибатида пайдо бўладиган қоғия илмда ёпиқ қоғия деб юритилади. Мисол:

Бу янглифким санга мен ҳамдам ўлдум,  
Бори маҳфий ишингта марҳум ўлдум.

(“Хамса”)

Юрак, сенсан менинг созим,  
Тилимни найга жўр этдинг.  
Кўзимга ойни беркитдинг  
Юрак, сенсан ишқибозим.

(Усмон Носир)

**в) Тўлиқ (тўла ёхуд тўқ) қоғия.** Қоғиядош сўз (бўғин)-ларнинг фонетик жиҳатдан тўлиқлиги (кўпинча, оҳангдош сўзларда дастлабки товушлардан бошқалари айнан такрорланиши) оқибатида вужудга келадиган қоғия илмда тўлиқ қоғия деб юритилади.

Фалак кўрмади мен киби нодире,  
Низомий киби назм аро қодире.

(Алишер Навоий)

Кўз тутади далада баҳор,  
Булоқлар қайнасин қўйнингда.  
Кутмоқдадир эл туриб наҳор,  
Қарзи бордир сенинг бўйнингда.

(Ҳамид Олимжон)

Алишер Навоий ва Ҳамид Олимжонлардан келтирилган шеърий парчалардаги тўлиқ қофиялар (“нодире” — “қодире”, “баҳор” — “наҳор”, “қўйнингда” — “бўйнингда”) оҳангдош сўзларнинг биринчи товушлари (“н” — “қ”, “б” — “н”, “қ” — “б”)дан бошқа барча унли ва ундош товушларнинг айнан такроридан пайдо бўлғанлигини пай-қаш қийин эмас. Бундан барча тўлиқ қофиялар шу тарзда яратилар экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим (тўлиқ қофия учун оҳангдош сўзларнинг сўнгги бўғинидаги **биринчи товушдан кейингилари айнан такрорланса бас.**) Энди шоир Абдулла Ориповнинг “Теранлик” шеъридан бир парча олиб кўрайлилк:

Теранлик қидирмадим уммонлардан,  
Инсонлардан топдим уни, инсонлардан.  
Теранлик бу — нур ёғилган юзлардадир.  
Теранлик бу — ўйчан боқсан кўзлардадир.  
Теранлик бу — айтилмаган сўзлардадир.

Эътибор қилинг-а: дастлабки икки мисрада “уммонлардан” — “инсонлардан” сўзлари қофияланган: оҳангдош сўзлардаги дастлабки товушлар (“умм” — “инс”)ни мус-тасно қилганда қолган барча унли ва ундош товушлар (“онлардан”) айнан такрорланиб тўлиқ қофиядошлик вужудга келган. Кейинги уч мисрадаги қофиядош сўзларда эса сал бошқачароқ: “юзлардадир” — “кўзлардадир” — “сўзлардадир” сўзларидағи биринчи товуш (“й” — “қ” — “с”) гина ўзгаргану, қолган товушлар (“ўзлардадир”) айнан такрорланиб тўлиқ қофия пайдо бўлган.

Қилмағил зинҳор **иэҳор** эҳтиёж,  
Ким азиз элни қилур **хор** эҳтиёж.

(Нодира)

Бу байтдаги қофия (“изҳор” — “хор”) ҳам түлиқ ҳисобланади. Негаки, сўнгти бўғин (“хор” — “хор”) даги “-ор” айнан такрорланган.

Таниқли назариячи олим Иззат Султоннинг уқтиришича, “ўзбек шеъриятида сўзлар эмас, бўғинлар қофияланадилар... Икки бўғин қофиядош бўлсин учун уларда “тиргак унли” бир жойда келиши керак. “Тиргак унли” деб қофиялашган мўлжалланган бўғинларда бир хил талафуз бўладиган унлиларга айтилади. “Мехрибон” ва “жонажон” сўзларидағи қофиядошликка сабаб — қофияга мўлжалланган бўғинлар (“бон” — “жон”)да “о” товушининг такрорланишидир. Шу билан бирга, тиргак унлидан илгариги товушлар ўзгарадилар; “бон” бўғинидаги “б” ўрнини қофияланувчи бўғинда “ж” олади...

Қофияланувчи бўғинларда тиргак унлилар ўзгариши ҳам мумкин, аммо бундай ҳолларда иккала тиргак орасида... оҳангдошлиқ сақланиши керак. Масалан, “о” тиргак товуши билан... “а” ёки “ё” алмашиниши мумкин. Тиргак унлилардан кейин келувчи товушлар ҳам оҳангдош бўлса, қофия “тўқ”, яъни тўла бўлади. “Кор” ва “бозор” сўзлари тўла қофиядир, чунки уларнинг қофияланувчи бўғинлари (“кор” — “зор”)да тиргак унли (“о”) сақланади, тиргак унлидан аввалги товушлар ўзгаради (биринчи сўздаги “к” ўрнига иккинчи сўзда “з” келади...), шу билан бирга, тиргак унлидан кейинги товушлар (иккала сўздаги “р”) такрорланади...”<sup>1</sup>.

г) **Нотўлиқ (оч) қофия.** Қофиядош сўзлар (ёхуд бўғинларда турли унли (а-о, ў-у, и-э, и-у, ў-о, у-э, у-о каби) ва турли ундош (д-т, п-б, в-ф, ж-г, м-н, ф-ҳ, ҳ-ҳ, к-г, с-з...) товушларнинг ҳамоҳанглиги илмда **нотўлиқ (оч) қофия** деб юритилади. Турли товушлар ҳамоҳанглиги қофиядош сўзлар бўғинлари ичидагина эмас, балки охирида ҳам юз бериши мумкин. Баъзан қофиядош бўғинлардан бирида бирор товуш тушиб қолиши ёхуд орттирилишидан ҳам нотўлиқ қофия пайдо бўлади. Чунончи:

---

<sup>1</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т., “Ўқитувчи”, 1980, 335—336-бетлар.

Назм аҳлининг афсаҳул-қаломи,  
Сўз дурриға мунтазим **Низомий**.

(“Ҳамса”)

Адли ёритуб жаҳонни **жовид**  
Ул адл бошида айни **хуршед**.

(“Ҳамса”)

Гар сўрсам жавобсиз чайқалур бу **қўл**,  
Дарагин келтирмас еллар ҳам бутқул.

(Эркин Воҳидов)

Тарозибон амакиси,  
Олар экан **пахтани**,  
Чевар қиз деб, ширин қиз деб,  
Асал қиз деб **мақтади**.

(Эркин Воҳидов)<sup>1</sup>

д) **Тахминий қофия**. Нотўлиқ қофиянинг ўзига хос бир кўриниши илмда тахминий қофия деб юритилади. Бу хил қофиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, қофия таркибидаги бўғинлардан бирининг сўнгги ундош товуши (кўпинча равийси) ўзгаришга учрайди (т-д, к-қ, п-б, н-м, нг-н...) ёхуд бир ундош товуши орттириллади ёки камайтириллади.

Кўйидаги шеърий парчаларда ишлатилган қофиядошлик аломатларини таҳлил қилиб кўринг:

Бу сўзни аҳли ҳикмат деб дудур хуб,  
Ямондин оз беҳқим яхшидин қўш.

(“Ҳамса”)

Марғуб гизо еб анда муҳтоҷ,  
Матбуъ либос олиб яланқоч.

(“Ҳамса”)

---

<sup>1</sup> Академик Иzzат Султоннинг уқтиришича, қофиядаги “тиргак унлидан кейинги товушлардаги оҳанглошлиқ тўла бўлмаса, “оч қофия”... юзага келади (... “кашф”— “даф”, “рост”— “холос”, “маржон”— “ишкор”; “ҳамон” — “тамом” қофиялари каби”).

Иzzат Султон. Адабиёт назарияси. Т., 1980, 336-бет.

Варракни ўраб олса лайлак, турналар...  
Кўнгил осмонга етиб, чиқарди ҳордиқ.  
Кун бўйи қараб тўймай кўзимиз тинар,  
Турналар бозорига ҳайрон қолардик.

(Амин Умарий)

Ромеодай ўлимга ҳам тайёрман у кез,  
Қотиллик ҳам қиласай майли Отелло монанд.  
Фақат сен кел, юрагимда армон бўлган ҳис,  
Сенсиз ҳаёт пуч бир нарса, эрмак, омонат...

(Абдулла Орипов)

Қадим Шарқнинг ери ташна, қовжирап —  
Катта Фарғонанинг сувига мұхтоҗ.  
“Мадорим кетибдир, ўғит бер!” — дейди,  
Чирчиқ азотига термулиб у оч.

(Ҳамид Олимжон)

Тураг у гўдакдай беғубор кулиб,  
Балки кулгиси ҳам биздан мерос бу.  
Риштай жонида бир зарра бўлиб,  
Бизнинг ҳам қонимиз гупиргай, рост бу...

(Абдулла Орипов)

*Тўртинчи сабоқ*  
**КОФИЯ ТИЗИМИ**

Ҳар бир ишда интизом — тартиб — тизим бўлсагина самарага эришилади. Бу гап қофия санъатига ҳам тааллукли. Агар шоир қофия учун мағзи тўқ, жарангли ва жозибали — образли сўзларни таъласаса-ю, уларни шеър тўқимасида нозик дид ва маҳорат билан ишлата олмаса, кутилган мақсадга эриша олмайди — қофия ўз вазифасини адо қила олмайди. Шеър узук бўлса, қофия унинг кўзи. Узук тилла бўлса, ёкут унинг кўзи. Дарҳақиқат, қофия шеър узугининг ёкут кўзидир. Тилла узук ёкут кўз билан қанчалик жозибали бўлса, сермаъно шеър ҳам образли қофия билан шу қадар жозиба ва тароват касб этади. “Жавдар жойига тушса, буғдой бўлар. Буғдой жойига тушмаса, жавдар бўлар” деган халқ мақолида катта ҳикмат бор. Қофия ҳам ўз жой-

ига тушмаса (тартибли-тизимли ишлатилмаса) ўз аҳамиятини йўқотади. Демак, қофия, албатта, тизимли бўлмоғи лозим экан. Шу важдан қофияни шеърда тўғри ишлата билиш лозим. Бунинг учун қофия шеър уйида ўз макони ва “яшаш” тарзига эга бўлиши лозим: қофиянинг макони — шеър бандида ўринли жойлашиши ва “яшаш” тарзи эса фоя, мусиқийлик, ритм, вазн, банд каби унсурлар билан узвий алоқага кириши — тизимли бўлиши керак. Шеър тўқимасида ҳожиб, радиф, рефрен ва нақарот каби унсурлар ҳам учраб турадики, уларнинг қофияга тиргович — ёрдамчи эканлигини инобатта олмоқ лозим. Шу важдан буларни ҳам қофия тизими доирасида ўрганиш мумкин. Хуллас, мазкур тўртинчи сабоқ қофия тизими масаласига бағишланган.

1. **Қофия макони.** Қофиядош сўзлар шеър банд (байт)-ларида ниҳоятда ўринли жойлаштирилиши лозим. Шеър уйида қофия<sup>1</sup> куйидаги тартибда жойлаштирилади:

а) Ўзбек шеъриятида қофия, асосан, мисра охирида келади Мисол:

Юзларинг очдинг магарким сайд этибон **боғлар**,  
Гул хижил очилганига, гунча қат-қат **доғлар**.

(Муқимий)

Қалбимда гоҳ фурур, гоҳида **фароҳ**,  
Шу учқур дунёни турфа **қўрибман**.  
Юртма-юрт, элма-эл, **фарсаҳ-бафарсаҳ**  
Умрим довонларин ўтчаб **юрибман**.

(Абдулла Орипов)

б) Шеър мисралари ичида келадиган қофиялар (“**ички қофия**”):

Ул тағофил пешаға ҳоли **харобим** ким десун?  
Ҳажрида мундоғ мени кўрган **азобим** ким десун?

(Муқимий)

---

<sup>1</sup> Шайх Аҳмад Тарозий. “Фунун ул-балога” асарида қофиянинг шеър тўқимасида тутадиган ўрни ва мавқеи ҳақида тўхталиб, шундай деб ёзган: “Ва зурафо байти хайма (чодир)га нисбат қилибтурлар ва қофияни стунга. Яъни хайма стун бирла барпойдур...”

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1994 йил 18 март.

На бўлғай бир нафас мен ҳам ёноғинг узра хол бўлсам,  
Лабинг япроғидан томганки гўё қатра бол бўлсам.

(Ҳамид Олимжон)

Баҳор тўкиб солди бор бисотини,  
Яшил япроқларда, гулларда баҳор,  
Тиниқ кўк, соғ ҳаво, олтин нурларда,  
Кумуш сув, майнин ел, дилларда баҳор.

(Уйғун)

в) Шеър мисралари бошида келадиган қофиялар. Қофиянинг бу тури сийрак учрайдиган ҳодиса (айрим бандлардагина ёхуд кичик ҳажмли шеърларда учраб туради). Мисол:

Сўз ажзини зоҳир айламак ҳам,  
Ўз ажзини зоҳир айламак ҳам.

(“Ҳамса”)

Аммо қанча чўзмайин лабни,  
**Юзларингга**, гўрними, етсин.  
Сўзларигга лақقا тушибман,  
Ошиқ бўлмай, ёр бўлмай кетай.

(Уйғун)

г) Эркин қофияда, асосан, банд ичида қофияланиш тартибиға эътибор қилинадики, бу чегара эмас. Баъзан шеърда икки ёки ундан ортиқ бандлар ичидаги мисралар ҳам муайян тартибда қофияланиб келиши мумкин. Қофияларнинг бу тури, шартли равишда, **эркин қофия** деб юритилади.<sup>1</sup> Масалан, сонет жанрида бандлар оша қофиядошлиқ ҳодисаси мавжуд. Мақсад Шайхзода Вильям Шекспир сонетлари таржимасида “терцет” бандларини д-е-д + е-ё-е схемаси, яъни терцетнинг биринчи бандидаги иккинчи (е) мисра билан иккинчи банддаги биринчи ва учинчи (е-ё-е) мисраларини қофиялаган. Шоир Усмон Носир “Яна шеъримга” сонетида терцет банд (уч мисрали банд)ларни д-е-е + д-е-ё тарзида (биринчи банднинг биринчи мисраси

<sup>1</sup> Қаранг: *Иzzat Султон*. Адабиёт назарияси, Т., 1980, 340—342-бетлар.

билинг иккинчи банднинг биринчи мисрасини) қофиялаган. Демак, ҳар иккала сонетнинг терцет бандлари ўзаро қофияланган. Шунингдек, шоир Барот Бойқобилов ўз сонетларининг терцет қисмидағи икки учлик бандларни (күпинча, биринчи банддаги биринчи мисра билинг иккинчи мисраси билан иккинчи банднинг биринчи мисрасини) ўзаро қофиялады. Қиёслаб кўринг:

### 1-сонет (терцет бандлар)

Авжига чиққанда узилди-ю **тор**,  
Қайдандир янгради фарбча фата-фут,  
Бир куйчи қалбига солгандай човут.

Торингни улагин тезроқ, **bastakor!**  
Фата-футдан банг бўлмасин қулоқ,  
Сен куйла, мунглироқ бўлса ҳам бироқ.

### 2-сонет (терцет бандлар)

Полизлар мунгайиб қолди ҳувиллаб,  
Қовун-тарвуз шаҳри азимда **мәҳмон**.  
Чашмалар четига аста қўйиб лаб.

Узаниб сув ичмас бизнинг **қаҳрамон**,  
Кузак дастурхони, дўстлар, бу сафар,  
Ўзбек деҳқонининг тўйига ўхшар.

(*Барот Бойқобилов*)

Шоир Миртемир “Қадаҳ” шеърини тўртлик банд усулида ёзган: шеърда еттига тўртлик банд бор. У банддаги мисраларнигина қофиялаш билан қаноатланиб қолмаган, балки ҳар еттала бандни ҳам ўзаро қофиялаб (ҳар бир банднинг тўртинчи мисраларини ўзаро қофиялаган: биринчи банднинг тўртинчи мисрасидаги “маддоҳ”, учинчи банднинг тўртинчи мисрасидаги “воҳ”, тўртинчи банднинг тўртинчи мисрасидаги “чоҳ”, бешинчи банднинг тўртинчи мисрасидаги “оҳ”, олтинчи банднинг тўртинчи мисрасидаги “эвоҳ” ва етгинчи банднинг тўртинчи мисрасидаги “огоҳ” сўзларини ўзаро қофиялаб), шеърнинг, биринчидан, композицион яхлитлигига ва, иккинчидан, мусикий-

лигини оширишга эришган. Яна шу шоирнинг “Суҳбат” шеърининг биринчи ва иккинчи бандларини олиб, уларнинг қофиялар воситасида ўзаро боғланиш тартибини текшириб кўринг:

Хайдар! Бошла сўзингни, юрак тўлқинланади,  
Киприкларим пир-пираб, кўзим ўтдай *ёнади*.  
Хайдар, бошла сўзингни, борлигим толпинади,  
Кўнгилнинг ҳасратида кўнглим оловланади...

Умримизнинг баҳори — ёшлигимиз мадори —  
Ёруғ кунлар бизни кутиб *олади*.  
Баҳтимиз янги тори — умидимиз дийдори,  
Янги кунлар бизга бир куй чалади.

Англашиларликки, сонетнинг терцет бандларигина эмас, бошқа жанрдаги шеър бандлари ҳам ўзаро қофияланниб келар экан. Эркин қофия мана шу!

2. **Қофия тартиби** қофиянинг эстетик қиммати унинг ранг-баранглиги билангина белгиланмайди, балки шеърда тизим (система)ли қўлланилиши билан ҳам аниқланади. Тўғри, қофия тизими, асосан, банд тузилишида ёрқин намоён бўлади. Чунки қофия воситасида банд уюштирилади. Шунга кўра, қофия тизими масаласини банд билан бир бутун ҳолда ўрганиш лозим. Бу ўринда қофияланиш тартиби ҳақида умумий мулоҳазалар билан чекланамиз, холос.

Қофия тизими ҳақидаги дастлабки фикр шундан иборатки, қофия ҳар бир шеърий асарда (оқ шеър бундан мустасно) муайян қонуният асосида (яъни тизимли)гина қўлланилиши лозим. (Қофия тартибсиз — пала-партиш ишлатилиши асло мумкин эмас). Дарҳақиқат, қофия асарда тизимли қўлланилган тақдирдагина ўз функциясини оқлай олади. Қофия тизими, юқорида айтилганидек, шеър бандида намоён бўлар экан, демак, шеъриятда бандлар қанчалик ранг-баранг бўлса, қофияланиш йўсини ҳам шу қадар ранго-ранг бўлади. Бироқ бундан муайян шеър (ёхуд банд)да қўлланилган қофияланиш усули бошқа шеър (ёхуд банд)да қўлланилмас экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Одатда, муайян шеърнинг биринчи банд

диди қофиядошликтининг қайси усули ишлатилган бўлса, кўпинча, бошқа бандларида ҳам шу тартибга амал қилинади, айрим ҳоллардагина бу принцип ўзгариши (яъни муайян шеърнинг бандлари турли усулларда қофияланиши) мумкин. Масалан, Ҳамид Олимжон “Ўзбекистон” шеърини маснавий йўли (икки мисралик банд усули)да ёзган — ҳар икки мисрани ўзаро қофияланган (а-а, б-б, в-в, г-г, д-д, е-е каби). Демоқчимизки, бу шеърнинг барча бандларида қофия тизимининг бир хили (а-а, б-б, в-в, г-г, д-д, е-е...) қўлланилган. Шу шоирнинг “Ишим бордир ўша оҳуда” шеъри эса бешлик банд усулида (жами саккиз банд ёзилган) ҳар бир банд охирида “Ишим бордир ўша оҳуда” мисраси рефрен бўлиб келган; биринчи банд бундан мустасно — унда биринчи ва бешинчи мисра рефрен). Қофияланишида эса турли усуллар қўлланилган: иккингчи ва саккизинчи бандлар бир усул (а-а-б-б)да, бешинчи, олтинчи, еттинчи бандлар бошқа усул (а-б-а-б чамбар қофия); биринчи банд: а-б-б-б, учинчи банд: а-а-б-а ва тўртинчи банд: а-а-а (ҳар бир банддаги рефренларни мустасно қўлдик) усулларида қофияланган. Кўринаяптики, мазкур шеърнинг саккиз бандида беш хил қофияланиш усулига амал қилинган экан. Умуман, бир шеърнинг ҳар бир банди алоҳида-алоҳида усулда қофияланиши бармоқда ёзилган шеърларда тез-тез учраб турадиган ҳодисадир. (Аруздаги шеърият бундан мустасно). Шоир Амир Умарийнинг “Ёмғирда” шеъри тўртта банддан ташкил топган. Қофияланиш схемаси: а-а-а-б, в-в-в-б, г-г-г-б, д-д-д-б. Бошқача қилиб айтганда, шоир ҳар бир банднинг дастлабки уч мисрасини алоҳида ва сўнгти тўртинчи мисраларини бошқача усул (рефрен)да қофиялаган. Ҳар тўрттала банднинг тўртинчи мисраларини бир хил (“б”)да оҳангдош қилиш йўли билан шеърга композицион яхлитлик баҳш этган. Қофияланишнинг бу усули бармоқ шеър тизимининг маҳсулидир.

Ҳозирги замон шеъриятида қофия тизимининг яна бир характерли томони шундаки, унда муайян бир типдаги бандда бир неча қофиядошлик усуллари қўлланилиши мумкин. Масалан, биргина тўртлик банд ичидаги қофияланиш усулларини эслаб кўрайлик:

**а) а-а-а-а усули:**

Қон, ўт бирга йўл олди,  
Даҳшат ҳар ён от солди.  
Чақмоқ тинишидан колди.  
Тузум қўллари толди.

- а  
- а  
- а  
- а

(Боту)

**б) а-а-б-б усули:**

Югурдик, еллик,  
Узокдан келлик.  
Йўқ бизга тислаш  
Йўқ туюни эслаш.

- а  
- а  
- б  
- б

(Боту)

**в) а-б-а-б усули:**

Неча йил бу замин ўт ичра колди,  
Неча йил бурқсили бу юрт самоси.  
Неча йил дилларни ларзага солди,  
Мўъжаз бу ўлканинг фарёд салоси.

- а  
- б  
- а  
- б

(Абдулла Орипов)

**г) а-б-б-а усули:**

Бир ҳуснга юз хусн кўшиб,  
Баҳор олиб қуёш келали.  
Бинафшани майин силали.  
Марвариддек томчилар тушиб.

- а  
- б  
- б  
- а

(Амин Умарий)

**д) а-б-в-б усули:**

Шоир қалби гўё анор,  
Шеър унинг шарбати.  
Бўлмас экан шеър аҳлининг  
Ўз қалбига шафкати.

- а  
- б  
- в  
- б

(Эркин Воҳидов)

**е) а-а-б-в усули:**

Кўлларида асо, кексалар  
Юзларида зиё, кексалар.  
Дилларида даврон севинчи,  
Тилларида дуо, кексалар.

- а  
- а  
- б  
- а

(Эркин Воҳидов)

ё) а-б-б-б усули:

- |  |     |
|--|-----|
| Биласанми, қизим, бу коинотда            | - а |
| Онанинг орзуси <b>күчмаган</b> баҳт йўқ. | - б |
| Онанинг ҳаёти <b>етмаган</b> бўшлиқ      | - б |
| Онанинг ҳаёли <b>тўхтаган</b> вақт йўқ.  | - б |

(Саида Зуннунова)

ж) а-б-б-в усули:

- |  |     |
|--|-----|
| Новдаларда гуллардан <b>маржон</b> ,   | - а |
| Тиник кўқда қушлар парвози.            | - б |
| Юринг, қизлар, юринг, <b>қизларжон</b> | - а |
| Яйрашайлик кўнгилни ёзиб.              | - в |

(Саида Зуннунова)

з) а-б-в-в усули:

- |                                |     |
|--------------------------------|-----|
| Ўрмон оппоқ, қир оппоқ,        | - а |
| Дала оппоқ, чўл оппоқ,         | - б |
| Саҳро оппоқ, <b>кум</b> оппоқ, | - в |
| Кўмир оппоқ, <b>мум</b> оппоқ. | - в |

(Ҳамид Олимжон)

и) а-а-б-в усули:

- |   |     |
|---|-----|
| Чархи фалак бўлиб қулар <b>осмонлан</b> , | - а |
| Ўқ еган бир қарға чап <b>канотилан</b> .  | - а |
| Бошини қаноти остига олиб,                | - б |
| Ўйладидир, сомонга ўралган товуқ.         | - в |

(Ҳамид Олимжон)

к) а-а-а-б усули:

- |  |     |
|--|-----|
| Гулзоримда сен — булбулим <b>Халима</b> ,  | - а |
| Согинганда юрагим <b>кийма-кийма</b> .     | - а |
| Сен бўлмасанг бағрим бир қонли <b>кема</b> | - а |
| Юрагимнинг жўри бўлгиган дўмбирам.         | - б |

(Ҳамид Олимжон)

Юқорида тўртлик банд (мураббаъ)даги қофиялар тизимини кўрсатувчи (унча тўлиқ бўлмаган) мисолларни келтириш билан чекландик, холос. Ваҳоланки, бешлиқ, олтилик, еттилик, саккизлик ва бошқа бандлардаги қофиялар тизими ҳам бениҳоя ранг-барангдир. Бундан ташқари, шеърдаги бандлараро (уларни бир-бирига боғловчи) иш-

латиладиган қофиялар тартиби ҳам кўп қиррали эканини эътиборга олиш лозим.

Қофия тизимининг яна бир характерли жиҳати шундаки, у баъзи поэтик жанрлар табиатини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу фикр, асосан, аруз шеъриятига тааллуқлидир. Чунончи, маснавий (а-а, б-б, в-в...), газал (а-а, б-а, в-а, г-а, д-а, е-а, ё-а), қасида (а-а, б-а, в-а, г-а...), қитъя (б-а, г-а), рубоий (а-а-а-а ёхуд а-а-б-а), туюқ (а-а-б-а ёхуд а-б-а-б), мустазод (а-б-а-б, в-г-а-б), мураббаб (а-а-а-а, б-б-б-а...), мухаммас (а-а-а-а-а, б-б-б-б-а...), мусаддас (а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а каби), мусамман (а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а...), таржибанд (а-а, б-а, в-а, г-а, с-с, б-б, д-б, з-б, ж-б, с-с...) каби поэтик жанрларнинг қофияланиш тартиби қатъийдир. Баъзи мисоллар:

### Маснавий:

Темурхон наслидин султон <u>Улугбек</u> ,	- а
Ки олам кўрмади султон анингдек...	- а
Валек ул, илм сори топти чун <u>даст</u> ,	- б
Кўзи олинда бўлди осмон <u>даст</u> .	- б
Расадким боғламиш — зеби <u>жаҳондур</u> .	- в
Жаҳон ичра яна бир <u>осмондур</u> .	- в
Билиб бу навъ илми <u>осмоний</u> ,	- г
Ки андин ёзди “Зичи <u>Кўрагоний</u> ”.	- г

(“Ҳамса”)

Ёруғлик келди-ю, кетди <u>коронгу</u> ,	- а
Кўнгилларга тўлибдур завку <u>туйғу</u>	- а

(Ҳабибий)

### Мураббаъ:

Булбулдайин ким <u>фарёд</u> этарман,	- а
Ишқ дафтарин <u>бунёд</u> этарман.	- а
Кўнгулларимни ман <u>шод</u> этарман.	- а
Ёрга етар кун борму, ёронлар?	- б

(Машраб)

Она тилим, сен борсан, <u>шаксиз</u>	- а
Булбул куйин шеърга <u>соламан</u> .	- б
Сен йўқолган кунинг, <u>шубҳасиз</u> ,	- а
Мен ҳам тўти бўлиб <u>қоламан</u> ...	- б

(Абдулла Орипов)

## Рубоний:

Лаълингни қилиб нуктасаро, эй қоракўз, - а  
Ишқ аҳли ҳаётига яро, эй қаро кўз, - а  
Чекма яна сурма кўз аро, эй қароқўз, - а  
Эл қонифа қилма кўз каро, эй қароқўз. - а

(Алишер Навоий)

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен, - а  
Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен, - а  
Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри азизи, - б  
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен. - а

(Бобур)

3. **Қофия тирговичлари.** Шеър тўқимасида шундай унсурлар ҳам бўладики, улар бевосита қофия таркибига кирмайдилар. Аммо улар қофиядош сўзларга турли йўллар билар эргашадилар — қофияни бўрттиришга, оҳангдошликни, мусиқийликни оширишга, шеър гоясини таъсирчан ва эсда қоладиган қилиб ифодалашга кўмак берадилар. Шу хил унсурларни, шартли равишда, қофия тирговичлари деб номлаш мумкин. Ҳожиб ва радиф, рефрен ва нақарот кабилар шу жумлага киради.

а) **Ҳожиб** (ар. دَرْوَزَةٌ — дарвозабон). Шеърда қофиядош сўзлар орасида (уларга узвий боғлиқ ҳолда) айнан такрорланиб келадиган сўз ёхуд сўзлар бирикмаси ҳожиб деб юритилади. Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнин “Бадойиъ-с-санойиъ” асарида шундай деб ёзди: “Ҳожиб қофия олдида бериладиган талафузда мустақил лафз ёки анинг ўринбосаридин ибораттурким ҳар мисрада бир маънода такрорланур...”<sup>1</sup> Мисоллар:

Ҳам отига йўқ шумора пайдо,  
Ҳам қўйига йўқ канора пайдо.

(“Ҳамса”)

Бу байтдаги “шумора” — “канора” сўзлари — қофия, ҳар иккала мисрадаги “пайдо” сўзи — радиф ва қофия олдида айнан такрорланган “йўқ” сўзи — ҳожибдир.

<sup>1</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ-с-санойиъ. 1981, 84-бет.

Анинг ҳажрида **Хоқон** ўлмиш эрди,  
Кичик қардоши **хоқон** бўлмиш эрди.

(“Ҳамса”)

Бу байтдаги “хоқон” сўзи ҳожиб ҳисобланади. Негаки, биринчи мисрадаги “Хоқон” сўзи “ўлмиш” (қофиядош сўз)га йўл очаяпти (дарвозабонлик қилмоқда), иккинчи мисрадаги “хоқон” эса “бўлмиш” (қофиядош сўз)га дарвозабонлик қилмоқда (улуг Хоқон вафот этгач, унинг кичик укаси хоқон — подшо бўлган).

Боққай деса доги қуввати йўқ,  
Боқмай деса доги тоқати йўқ.

(“Ҳамса”)

Бу байтдаги “боққай” — “боқмай”, “қуввати” — “тоқати” сўzlари — зулқофиятайн, “йўқ” — радиф ва “деса доги” сўз бирикмаси қофиядан олдин айнан тақрорланиб келгани учун ҳожибдир.

Биз юқорида қофияли ва радифли ҳожибларни кўриб ўтдик. Бироқ ҳожиб (қофиясиз бўла олмаса-да) радифсиз келиши мумкин. Мисол:

Бири улки юз лутф **эрур** зотига,  
Ки “Фарҳоду Ширин” **эрур** отига.

Бу байтда “зотига”— “отига” сўzlари қофиядош, “эрур” сўзи эса ҳожиб (қофиядан олдин айнан тақрорланиб келган сўз)дир, радиф ишлатилмаган.

б) **Радиф** (арабча **ف**) — отга мингашиб ёхуд эргашиб юриш). Шеър байт (банд)ларида қофия ортидан айнан тақрорланиб келадиган сўз ёхуд сўzlар бирикмаси радиф деб юритилади. Алишер Навоий “Мажолисун-нафоис”да радиф қоидалари ва унинг ихтироси ҳақида тўхталиб, “бу қоида ва радиф Султон соҳибқироннинг ихтироидур” деб таъкидлайди. Демак, Султон соҳибқирон, яъни Ҳусайн Бой-қаро радиф санъати нуқтадонларидан бири бўлган экан.

Қофия радифли ёхуд радифсиз бўлиши мумкин. Қофия радифли бўлганда, радиф қофия билан мазмунан алоқага киришади, аммо қофия билан радиф айнан бир нарса

эмас. Қофия шеър бандида келадиган икки ёки ундан ортиқ оқанғдош сўзлар (уларнинг жипслashiши) бўлса, радиф мисралар сўнггида (қофиядан кейин) келадиган сўз ёки сўзлар бирикмасининг ҳеч ўзгаришсиз — айнан такрорланишидир. Радиф шеър маъносини таъкидловчи кучли восита. У шоир кўзлаган мақсадни — поэтик гояни бўрттиради. Радиф ритмик функцияни ҳам ўтайди: шеър (ёки банд)да қофиянинг ритмик мисралар сўнггини кўрсатиш вазифасини бажаради. Радиф шеър ритми ва мусиқийлигига кучли таъсир кўрсатади.

Радиф, худди қофиядек, узоқ тарихга эга. Радиф классик фазал, мухаммасларда кенг қўлланилган. Фазал, рубой, туюқ, мураббаъ, мусаддас каби кичик поэтик жанрларда радиф шеър охиригача бир хилда давом этиши мумкин, аммо достон, манзума каби шеърий асарларда бундай эмас. Негаки, йирикроқ ҳажмли асарда радиф такрорланаверса, китобхонни зериктириб қўйиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Энди фазаллар (матлаълари)да қўлланилган ранг-баранг радифларга эътибор қиласайлик:

Бир сўзли радиф:

Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон окибат.  
Сели ғамдин бу иморат бўлди вайрон окибат.

(Нодира)

Бу байтдаги “ҳижрон” — “вайрон” сўзлари — қофия, ҳар иккала мисраларда айнан такрорланиб келган “окибат” сўзи (бир сўз) радифdir. “Окибат”нинг “ҳижрон” ва “вайрон” (қофиядош) сўзлар билан мантиқий боғлиқлигига эътибор қилинг-а!

Икки сўзли радиф:

Кел, даҳрни имтиҳон этib ket,  
Сайри чамани жаҳон этib ket.

(Нодира)

Бу байтдаги “имтиҳон” — “жоҳон” сўзлари — қофия, қофиядан сўнг айнан такрорланган “этib ket” (икки сўз) радифdir.

Жуфт сўзли радиф:

Назардин кетти, эй хуршил зор, оҳиста-оҳиста,  
Нечук бас тийра бўлмас рўзғор оҳиста-оҳиста.

(Муқимий)

Бу байтдаги “зор” — “рўзғор” қофиясидан сўнг айнан тақрорланиб келган “оҳиста-оҳиста” сўzlари жуфт сўзли радифлардир.

Антонимик радиф:

Тебран қаламим, тўхтама ҳеч шу кеча-кундуз,  
Қалбимга солиб завқ ила туйғу кеча-кундуз.

(Собир Абдулла)

Бу байтда “кеча-кундуз” сўzlари антонимик радифдир. Негаки, “кеча-кундуз” сўzlари бир-бирига зид маънони ифода этади.

Уч сўзли радифлар:

Нигори гулбаданимни тушумла кўрсам эди,  
Лаби шакаршиканимни тушумла кўрсам эдим.

(Нодира)

Бу байтдаги айнан тақрорланган “тушумда кўрсам эдим” сўzлари уч сўзли радифдир.

Тўрт сўзли радиф:

То жилва қилди ул пари, мен мубтало қайдга борай?  
Эмди дегайким, бор нари, мен мубтало қайдга борай?

(Муқимий)

Бу байтдаги “пари” — “нари” сўzлари — қофия ва ундан кейин айнан тақрорланадиган (“мен мубтало қайдга борай?”) сўzлар бирикмаси — тўрт сўзли радифдир.

Сенсен севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондир жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

(Лутфий)

Бу байтда “севарим” — “жигарим” сўзлари — қофия, унга тиркалган “хоҳ инон, хоҳ инонма” тўрт сўзлик ёхуд бирикмали радиф деб юритилади.

Юқорида газал матлаида кўлланилган бир неча хил радифларни кўриб ўтдик, холос. Бундан газалнинг қолган байтларида ҳам радиф шу хилда кўлланилар экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Негаки, матлаъдан ташқари байтларда қофияланиш тартиби қандай бўлса (б-а, в-а, г-а, д-а каби), радиф ҳам шу тизимга монанд бўлиши шарт (байтнинг тоқ мисраси қофиясиз ва радифсиз, жуфт мисраси қофияли ва радифли). Радиф-қофиянинг йўлдоши.

Алишер Навоий “Хамса”да ранг-баранг радифларни ишлатган. Баъзи мисоллар:

Ато бирла ано ўлмишлар эрди,  
Фироқинда фано бўлмишлар эрди.  
Ки андин шуъла чун жонимга тушти.  
Курушмоқ тандафи қонимга тушти.  
Ўз ҳолига зор йиелар эрди.  
Бесабру қарор йиелар эрди.

Ҳатто рубоий, туюқ, мураббаъ каби поэтик жанрларда ёзилган шеърларда мисрадаги илк сўздан ташқари барча сўзлар радиф бўлиб келиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бу ўринда, Алишер Навоийнинг (юқорида кўчирма келтирганимиз) “Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз” рубоийсини эслаш кифоядир.

Қофия илмida радиф билан ҳожибнинг бир-биридан фарқига алоҳида эътибор қилинади. Бу масалани яхши тушуниб олиш учун қуйидаги рубоийни кўздан кечирайлик:

Кўз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши.  
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.  
Энг бирла менгинг яхши, сақоқинг яхши,  
Бир-бир не дейин боштин-аёғинг яхши.

(Алишер Навоий)

Агар эътибор қилган бўлсангиз: рубоийда “қошинг” — “сўзинг”, “менгинг” — “дейин” ва “қабогинг” — “дудоғинг” — “сақоқинг” — “оёғинг” сўзлари — оҳангдош-зул-

қофиятайн, ҳар иккала гурух қофияга тиркалган “яхши” сўзи радиф, биринчи гурух қофиялари олдида келган “бирла” (такрор) сўзи ҳожиб ҳисобланади. Демак, радиф қофиядан сўнг унга тиркалиб келса, ҳожиб қофиядан олдин унга боғланиб келади. Радиф ҳозирги замон шеъриятида ҳам учраб туради. Бир мисол:

Дарёси кўп дардга даво яли-яли,  
Лим-лим оқар, бўлмас адо, яли-яли.  
Ховлиқиши телбанамо, яли-яли.  
Боқмай ўтар асти қиё, яли-яли.  
Шовқинидан тўлди ҳаво, яли-яли.

(Миртемир)

в) **Эпифора** (юонча: ері — сўнг, phoros — келгувчи) — қофиясиз шеър мисралари охирида айнан такрорланиб келадиган сўз (товуш)лар. Эпифора радифга ўшаб кетади, аммо улар айнан бир ҳодиса эмас: радиф мисра охирида қофиядан сўнг келадиган сўз(лар) такрори бўлса, эпифор эса қофиясиз мисралар охиридаги сўз(лар) такрори: эпифора, одатда, қофия функциясини ҳам ўтайди. Мисол:

Ханжарининг барқидин ўт чақилиб,  
Рахшидаги тезлик ўтча килиб.

(“Хамса”)

Бу байтда соф қофия йўқ, аммо “ўт чақилиб” — “ўтча қилиб” (бир сўз икки маънода) сўzlари такроридан келиб чиқадиган оҳангдошлиқ борки, бу қофия ўрнини босади. Мана шундай бадиий такрор тури илмда “эпифора” деб юритилади. Эпифора шеъриятда сийракроқ учрайдиган ҳодисадир. Эпифоралар, хусусан, туюқларда ишлатилади. Бир мисол:

Кирсанг, эй жону жаҳоним тушгасен,  
Лутф этиб кўнглум уйига тушгасен.  
Келайин дединг тонг отқач келмадинг  
Бу даги туштурки, келсанг тушга сен.

(Убайдий)

г) **Рефрен** (французча: refrain — нақарот, қўшиқча) — шеър бандларида айнан такрорланадиган мисра ёхуд мисра-

лар. Рефрен шеърдаги асосий фикрни, бош гояни, маъно-ни таъкидлайди. Рефрен асосан, банд охирини кўрсатиб келади ва ритмик аҳамият касб этади. Рефрен ўзбек халқ поэтик оғзаки ижоди — (достон, қўшиқ, термалар)да кўп кўлланилган. Шунингдек, ёзма адабиётда мураббаъ, му-хаммас, мусамман каби банд шаклларида рефрен тез-тез учраб туради. Масалан, Уйғуннинг “Ватан ҳақида қўшиқ” шеъри ўн бир банд (мусаддас шаклида, яъни олти мисрали банд)дан таркиб топган. “Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан” мисраси ҳар бир банднинг олтинчи мисраси ўрнида айнан такрорланиб келган, шунга кўра банднинг олтинчи мисраси рефрендир. Мана шу шеърнинг биринчи банди:

Ватан — она сўзи нақадар лазиз!  
Сенсан ҳар нарсадан мўътабар, азиз.  
Хурматингни сақлар ҳар бир ўғил, қиз.  
Муқаддас, мўътабар, улуғ Ватаним,  
Шарафлар, шонларга тўлуғ Ватаним.  
Ўлсам, айрилмасман қучоқларингдан.

Faafur Fуломнинг “Бу — сенинг имзонг”, Ҳамид Олим-жоннинг “Қўлингга қурол ол!” шеърларининг ҳар бир банди охирида “Бу — сенинг имзонг”, “Қўлингга қурол ол!” мис-ралари такрорланиб келган. Зафар Диёрнинг “баҳор келди, ўртоқлар!” шеъри саккизта тўрт мисралик (мураббаъ) банддан ташкил топган ва ҳар бир банднинг охирги мис-раси “Баҳор келди, ўртоқлар”дир. Демак, мазкур шеър-ларда “Бу — сенинг имзонг”, “Қўлингга қурол ол！”, “Ба-ҳор келди, ўртоқлар!” — рефрендир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Баъзан рефренлар шеърларнинг номлари, ҳатто шеър-лар тўпламларининг номлари бўлиб келиши мумкин (Ҳамид Олимжоннинг “Қўлингга қурол ол！”, Уйғуннинг “Хаёт чақиради” шеърлар тўпламларининг номлари худди шундай). Шу тариқа, рефрен шеър бандларинигина эмас, ўзини ҳам уюштиради ва унинг мусиқийлигини оширади.

Рефрен тузилиши жиҳатидан бир мисрали, икки мис-рали, ва, ҳатто, ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Мақсуд Шайхзоданинг “Учувчи” шеърида бир тўртлик рефрен бўлиб келган. Бу шеърда иккита саккизлик банд бўлиб, уларнинг ҳар биридан сўнг:

Учайлик дўстлар, учайлик,  
Эллар ошайлик!  
Учайлик дўстлар, учайлик,  
Йўллар очайлик!

банди рефрен сифатида такрорланиб келади. Рефрен банддаги ўрни жиҳатидан ҳам турлича бўлади. У банд охиридана эмас, бошида ҳам келиши мумкин (Миртемирнинг “Булут” шеъри). М.Шайхзоданинг “Уни эслаганда” шеърида “Горькиймиз шу қадар улуғвор, тоза” мисраси ҳар бир банд (мусаддас-олтилик)нинг ўргасида рефрен бўлиб келган. Рефрен шеърнинг бошқа мисраларига қараганда бир неча бўғин кам бўлиши мумкин (Ҳамид Олимжоннинг “Қўлингга қурол ол!” шеъри). Рефрен ўлчовда шеърнинг бошқа мисраларидан ортиқроқ бўлиши ҳам мумкин (Ҳамид Фуломнинг “Икки ёшлиқ” шеъри). Гоҳо, рефрен икки мисрали бўлса: бир мисраси расо (тўлик), иккинчи мисраси кемтик бўлиши мумкин (Мақсад Шайхзоданинг “Қоровул” шеъри). Хуллас, рефрен кўп жиҳатдан қофияга тиргович бўлиб, уни кучайтиришга хизмат қиласди.

д) **Нақарот** — шеър — қўшиқнинг ҳар бир бандидан сўнг ёхуд бандлар оша айнан такрорланадиган байт ёхуд банд. Нақаротда шеър гояси таъкидланади ва мусиқийлик оширилади, қофия кучайтирилади ва ритмик-композициян яхлитлик вужудга келтирилади. Масалан, Миртемир “Жилға бўйида” шеър-қўшифида қуйидаги мисраларни нақарот сифатида ишлатган:

Нима десанг бор,  
Шўх-шўх ўйин кўп,  
Ёшлиқ баҳтиёр  
Кувнашар тўп-тўп.  
Тонглар алвон,  
Кечалар оқ.  
Сургил даврон,  
Эй, ёшлиқ чоқ,  
Шўх ёшлиқ чоқ!

Нақаротнинг шеър тўқимасида не чоғлиқ катта роль ўйнашини англамоқ учун Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси сифатида қабул қилинган шеъри матнини кўздан ке-

чириш кифоя қиласи. Бу шеър ҳажман мўъжазгина: тўртта тўрт мисра (мурабба)лик банддан таркиб топган. Шулардан иккинчи ва тўртинчи бандлар (такрор) нақарот бўлиб, биринчи ва учинчи бандлар янги-янги бандлардир. Шеърдаги қофияланиш санъати (қофиядош сўзларнинг сермаънолиги, тизими)га, сўз қўллаш маҳоратига, поэтик образларга, тасвир воситаларига, бадиий фоянинг ўткирлигига — шоир қашфиётларига эътибор қилинг. Мана шу гўзал шеърнинг нақароти:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ё!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оlamни маҳлиё айлаган диёр.

(A. Орипов)

*Tўртинчи боб*  
**ПОЭТИК КЎЧИМЛАР**

Шеърий тил — мураккаб, серқирра, сержило, ўзига хос нутқ. Шеърий нутқни билмай туриб, шеърни ҳам, шеъриятни ҳам пухта ўрганиб бўлмайди. Лекин, афсуски, адабий асар тили, шу жумладан поэтик тил масалаларини тадқиқ ва тарғиб қилиш борасида олимларимиз замон талабларидан орқароқда қолмоқдалар. Дарвоҳе, бу ўринда ҳам шеърий нутқ масалалари тўла қамраб олинмайди. Мақсад — стилистика ва, хусусан, адабиёт ўқитиш методикаси курсларида кам ўрганилган уч масала — шеърий нутқда поэтик кўчимлар, бадиий санъатлар ва шеърий нутқ синтаксиси сабоқлари устида тўхталиб ўтмоқчимиз, холос. Таъкидлаш лозимки, тарихий поэтикага оид тадқиқотларда бадиий асар тилида ишлатилган тасвир воситалари “бадойиъ-с-санойиъ” (“бадиий санъатлар” ва бу ҳақда баҳс юритувчи фан эса “Илми санойиъ” ёхуд “Илми бадеъ”) деб юритилган. Ҳозирги даврда адабий таълимда асар тили бадииятини қадимги анъана бўйича яхлит ҳолда ўрганилса, илмий-методик жиҳатдан бир мунча мураккабликлар келиб чиқиши мумкин. Шу сабабли қўйида стилистика фани ва умумпедагогик методлар — тамойилларга асосланиб, шеъ-

рий нутқ бадиияти, даставвал, уч гурух — поэтик күчимлар, бадиий санъатлар ва шеърий нутқ синтаксисига ажратиб ўрганиш лозим топилди. Шеърий нутқ бадиияти воситалари таснифида шартлилек бор, албатта. Аммо бу таснифнинг илмий асослари ҳам йўқ эмас: поэтик күчимларда, асосан, сўзларнинг кўчма маънолари ҳисобга олинса, бадиий санъатларда сўзларнинг лафзий-маънавий безаклари дикқат марказида туради, поэтик синтаксис (ёхуд стилистик фигуранлар)да эса, асосан, шеърий нутқда гап қурилишининг ранг-баранг кўринишлари эътиборга олинади.

Поэтик күчимлар... Поэтик күчимлар умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида “махсус бадиий тасвир воситалари” ва мумтоз адабиётимиз тарихида “мажозлар” ва халқаро атамашуносликда “троплар” деб юритилган.

Маълумки, санъатнинг ҳар қандай тури, шу жумладан бадиий адабиёт оригиналликни ва ранг-барангликни севади. Махсус бадиий тасвир воситаларининг қўлланилиши адабий асар тилини ширали, бўёқдор, жозибали қиласи.

Бир шоир ўз асарларида чуқур фалсафий фикр ва юксак мантиқ кучи билан, бошқа бир шоир дилни қитиқловчи майин лиризми билан, яна бирови сўз гавҳарларини поэзия ипига маржондек чиройли қилиб тизиши билан, яна бири ўз шеърларининг қўшиқдай равон, оҳанграболиги билан ва яна бири эса маҳсус бадиий тасвир воситаларидан моҳирона фойдаланиб, образли манзаралар чизиш билан ўқувчи қалбига кириб боради, уни мафтун этади. Махсус бадиий тасвир воситаларини ўз ўрнида қўллаш, уни гоявий-бадиий мақсаддага хизмат қилдириш — сўз санъаткорларидан ўзига хос маҳорат талаб қиласи.

Махсус бадиий тасвир воситалари асарнинг поэтик бе загигина бўлиб қолмасдан, асар гоясини конкретлаштиришнинг реалистик воситаси ҳамдир. Асарда ҳаётнинг ҳаққоний акс эттирилиши, характерларнинг типиклиги, санъаткор талқин этган эстетик идеалнинг муҳимлиги, асарнинг халқчиллиги, ёзувчининг шакл ва мазмун бирлигига эришишдаги маҳорати, асарнинг маърифий ва эстетик-тарбиявий таъсирининг кучли бўлиши — бадиий тасвир воситаларини моҳирона ишлата билиш санъатига ҳам боғлиқ.

Адабий асарда сўз асил ёки кўчма маънода қўлланилади. Агар асар тилида сўз асил маънода эмас, балки кўчма маънода қўлланилган бўлса, у маҳсус бадиий тасвир воситаси ҳисобланади. Умуман, асардаги барча сўзлар ҳам тасвир воситаси, аммо кўчма маъно англатнанлари алоҳида аҳамият касб этади — улар маҳсус бадиий тасвир воситалари сифатида ўрганилади.

Сўзниг асил ва кўчма маъноси ўртасидаги фарқни англамоқ учун қуидаги мисраларга назар ташлайлик:

1. Зайнаб билан Омон икковнинг —  
Янги **келин**, янги күёвнинг  
Бахти шундай бўлди барқарор...  
**Кокиллари** унинг тол-тол,  
Лабларида битган қора хол.  
Бир дунёга арзигудай бор...

(Ҳамид Олимжон)

Чиройлидир гўё ёш **келин**,  
Икки дарё ювар **кокилин**.

(Ҳамид Олимжон)

Фикримизни ҳар иккала шеърий парчадаги “келин”, “кокил” сўзларига қаратайлик: улар биринчи шеърий парчада асил маънода ва иккинчи шеърий парчада эса кўчма маънода қўлланилган.

**Кўчимлар ва уларнинг таснифи**      Бу ўринда айтмоқчимизки, адабиётимизда, хусусан, шеъриятда кўчимлар кўп ишлатилади. Шеъриятимизда тез-тез учраб турадиган гул, булбул, кун, тун, ой каби анъанавий поэтик образлар ҳам аслида мажозлардир. Масалан, шоир Чўлтон шеъриятида пўртана, булат, ой, юлдуз, куёш, кишан сингари мажозий образлар кўп учраб туради.

Мисол:

Нега меним кулогимда **тун** ва **кун**.  
**Бойқушларнинг** шумли товуши бақирап?  
Нега меним борлиғимга ҳар **ўйин**  
Ва кулгу оғу сепар, ўт кўяр?

Бу шеърий парчадаги “тун”, “кун”, “бойқуш”, “ўйин”, “кулгу” сўзлари мажозий маънода қўлланилган.

Кўчимлар, одатда, шеърий нутқни бойитади, унда янги мазмунни ифодаловчи янги сўз ёхуд сўз бирикмасини яратади, шоирнинг тасвир обьектига муносабатини ифодалашга имконият яратади. Шоир кўчимлар воситасида тасвир обьектини индивидуаллаштиради ва уни янада аниқроқ-ёрқинроқ очади: китобхон у ҳақда образли тасаввурга эга бўлади. “Икки предмет ёки ҳодисани чоғиштириш, ўхшатиш тропларга асос қилиб олинади. Яъни предмет ёки воқеа-ҳодиса ҳақида аниқ, ёрқин тасаввур ҳосил қилиш учун унга бошқа бир предмет ёки воқеанинг белгиси кўчирилади, ўхшатилади”<sup>1</sup>.

Баъзи мисолларни кўздан кечираильик:

1. Бошқада канот бор, кўкка учалир,  
Шоҳдарга кўналир, боғда яйрайлир.  
Сўзлари салафлек, товуши найлек,  
Куйини ҳар ерда элга сайрайлир.  
Менда-да канот бор, лекин боғланган...  
Боғ йўқдир, шоҳ йўқдир, қалин девор бор.  
Сўзлари салафлек, товуши найлек  
Куйим бор... уни деворлар тинглар.

(Чўлонон)

2. Тухумдан чиқди-ю келтириб уни  
Шу лойка-ховузга томон отдилар.  
Ташландик ушшоқ еб ўтади куни,  
Хору хас, ҳазонлар устин ёптилар.  
Дунёда кўргани шу тор ховузча  
Ва мудрок толларнинг аччиқ ҳазони,  
Менга алам қиласар, тилла баликча  
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни...

(Абдулла Орипов)

3. Ана, ёнар, ёнар тунга ўчма-ўч,  
Юраклай патирлар ҳар барг оловсаҳт.

---

<sup>1</sup> Р.Кўнгуроғ. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Т., Фан, 1977, 13-бет.

Огоҳ этаётир ўз бοғин хавфдан  
Ёнаётган дарахт!

Дараҳтлар ёнмоқда бутун дунёда,  
Ёниб ўзгаларни уйғотмоқ не баҳт!  
Дүстларимдир барча ёнаётгандар!  
Юрагимдир — ёнаётган дарахт!

(Омон Матчон)

Чўлпон, Абдулла Орипов ва Омон Матчонлардан келтирилган шеърий парчалардаги остига чизилган сўзларга эътибор қилсангиз, уларнинг кўчимлар эканлигини осонгина пайқай оласиз. Чунончи, Чўлпон “қанот”, “шоҳ”, “бог”, “қалин девор”, “куй” сўзларини асил маъносида эмас, кўчма маъносида кўллаб (“қанот” — эркинлик, “шоҳ” ва “бог” — кўналға, ўлка, “қалин девор” — қамоқхона, куй — дард, эрксизлик) образлиликка эришган бўлса, “сўзлари садафдек”, “товушлари найдек” ўхшатишлари орқали икки ҳодиса: сўз ва садаф, товуш ва най бир-бирига қиёсланиб, сўз ва товушнинг сифати, белгиси очилмоқда... Шу тариқа, Чўлпон шеърда эстетик таъсиричанликка эришган. Мана — кўчимларнинг шарофати! Шунингдек Абдулла Ориповнинг “Тилла балиқча” образи заминида шахсга сифиниш ва тургунилик даврининг биқиқ руҳини очиб берадиган фалсафий умумлашма ётгандай — бунда ўша биқиқ ва бўғиқ замонда — эрксизлик, калтабинлик, ноҳақлик хукм сурган даврда инсон ҳақ-хукуқлари, эрки ва, ҳатто, тафаккурига кишан солингангча ишора йўқ дейсизми?! Ахир, “лойқа ҳовуз”, “хору ҳас, ҳазонлар”, “кўлмак” сув, “тор ҳовуз”, “мудроқ толлар”нинг “аччиқ ҳазони” кўчимлари инсон тафаккурини кишанлаб қўйган қизил империя сиёсатига, шу сиёсат бунёд этган муҳитга ишора эмасми?! Етмиш йилдан ортиқроқ давом этган мақтанчоқлик, оғаринбозлик, манманлик, узоқни кўра билмаслик сиёсати мамлакатимизни жаҳон тараққиётидан узиб қўйиб, охири таназзулга, қаттиқ бўхронга олиб келмадими?! Шу сиёсат фикри ва тафаккурига кишан солиб, уларни дунё миқёсида фикрлашдан четга тортмадими?! “Тилла балиқча” кўчим-образи мана шунга ишора қўлмаяптимикан. Ёхуд шоир Омон Матчон ҳам “ёнаётган дарахт” кўчими заминида катта ҳаёт фалсафасини яширгмаганмикан?! Эътибор

қилинг-а: “ёнаётган дараҳт” — дунёда эрк учун курашаёт-ғанлар, “ёнаётган дараҳт” — бу шоирнинг эркпарвардўстла-ри, “ёнаётган дараҳт” — бу шоирнинг эрк деб, адолат деб ураётган юраги, “ёнаётган дараҳт” — тутқунликдан, зул-матдан ўз элатларини қутқариш учун ўз юрагини машъял қилиб ёқсан инсонлар эмасми?! Дарҳақиқат, шоир айтга-нидек, юртдошларини огоҳ қилиб, ўзи ёниб ўзгаларни уй-ғотмоқ — катта баҳт!

Кўчимлар ранг-баранг кўринишларга эга. Улар, одат-да, сўзнинг асил ва кўчма маънолари ўртасидаги алоқага ва тасвир объектига муносабатга қараб қуидагича тасниф қилиб ўрганилади:

**Ўхашаш (компаратив) кўчимлар.** Кўчимларнинг бу гуру-ҳига ўхашаш мажозлар (тасвир объектини ташқи кўриниш жиҳатидан ўзига ўхашроқ бўлган объектга қиёслаш) ман-субдир. Ўхашаш кўчимларнинг умумий хусусияти шундаки, буларда икки предмет (ўхшатилаётган предмет ва ўхша-ётган предмет) бир-бирига қиёсланади ёхуд бир предмет (ўхшаётган предмет)нинг хусусиятлари бошқа предмет (ўхшатилаётган предмет)га кўчирилади. Шу тариқа, тас-вир объекти образли (ёрқин ва жозибали) ифода этилади. Ўхашаш кўчимлар истиора (метафора), сифатлаш, жонлан-тириш (ташхис), рамз (символ), аллегория каби кўринишлардан таркиб топади.

**Истиора** (араб. ایستاره — омонатга олиш; метафора — юнон. *metaphora* — кўчириш) — кўп қўлланиладиган по-этик кўчимлардан бири. “Истиоранинг маъноси бир нар-сани орият (омонат)га олишдир ва бу санъатнинг моҳияти шундан иборат, — деб ёзган шеършунос аллома ва шоир Рашидиддин Ватвот, — ҳар сўзнинг ҳақиқий маъноси бўлиб, шоир... сўзни шу маъно нуқтаи назаридан нақл қиласи ва бошқа бир ўринда ўша сўзни орият учун (бошқа маънода) ишлатади... Агар истиора табиий бўлса, сўзга гўзаллик ба-ғишлайди” (“Ҳадойикус-сехр”)<sup>1</sup>.

Истиора икки предмет ёки ҳодиса (ўхшатилаётган ва ўхшаётган) ўртасидаги ўхашашликка асосланади: ўхшати-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Т.Муродий. Истиора. Ўзбек тили ва алабиёти, 1972, 6-сон, 78—80-бет.*

лаётган нарсага ўхшаётган нарсанинг хусусиятлари, сифати, белгилари кўчириб ўтказилади.

Меҳнат қилиб қора тупроқдан  
Олтин олдинг, сеники марра!

(Уйғун)

Юқорида келтирилган байтдаги “олтин” сўзи асил маъносида эмас, кўчма маъносида — “пахта” маъносида қўлланилаяпти: ўхшатилаётган нарса (“пахта”) туширилиб қолдирилган ва ўхшаётган нарса (“олтин”) берилган — олтинга ўхшаш хислатлар (унинг нодирлиги, бебаҳолиги, нафислиги) “пахта”га кўчирилган.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Ўзбек хотин-қизлари-га” фазалининг матлаини олиб қўрайлик:

Келди очилур чоғи ўзлигинг намоён қил,  
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.

Бу байт-матладаги биринчи мисра “янги замон” — ўхшатилаётган пайт бутунлай туширилиб қолдирилиб, унинг ўрнига “очилур чоғи” — ўхшаган пайтгина берилган. Иккинчи мисрада худди шундай: “эски замон” — ўхшатилаётган пайт бутунлай туширилиб қолдирилиб, унинг ўрнига “кишан” сўзи — ўхшаётган нарса берилган. Шунга кўра, байтнинг “очилур чоғи” ва “кишан” сўзи ва сўз бирикмаси — истиора. Ҳар иккала мисрадаги истиора (“очилур чоғи” ва “кишан”)лар, биринчидан, тасвир обьекти (“янги замон” ва “эски замон”)ни конкретлаштирган, аниқ тавсифлаган (“янги замон” — хотин-қизлар очиладиган замон, илм олиш замони... демоқчи шоир). Иккинчидан, асар тилига ажойиб жозиба, шира-бўёқ баҳш этган.

Табиат манзараларини чизища ҳам истиоралар шоирга жуда қўл келади. Мисол:

На қўкнинг фонари ўчмасдан,  
На юлдуз сайд этиб кўчмасдан,  
На булут силкитмай олтин пар,  
На уфқ ўрамай ёқут зар.  
Тонг кулмасдан бурун турарди.

Бу парчанинг биринчи мисрасида “ої” сўзи ўрнида “кўкнинг фонари”, иккинчи мисрасида “тун чекинмасдан” дейиш ўрнига “юлдуз сайр этиб кўчмасдан”, учинчи мисрасида “эрта тонг” дейиш ўрнига “булут силкитмай олтин пар”, тўртинчи мисрасида “тонг отар” палла дейиш ўрнига “уфқ ўрамай зар” ва, ниҳоят, бешинчи мисрасида “тонг ёриши” дейиш ўрнига “тонг кулмасдан” лексик бирикмалари ишлатилганки, бу лексик бирикмалар, ҳеч шубҳасиз, истиоралардир. Бу истиоралар шеър матнида эрта тонг маҳалини образли ифодалаб, шеърий нутққа ўзига хос жозиба баҳш этган.

Истиоралар ранг-баранг кўринишларга эга: ёпиқ истиоралар, очиқ истиоралар, истиоравий сифатлашлар...

Агар ўхшатилаётган нарса туширилиб қолдирилиб, фақат ўхшаётган нарсаларгина берилган бўлса, очиқ истиоралар пайдо бўлади.

Мисол:

Оқ олтиннинг элини,  
Бу элнинг оқ гудини,  
Оқ гулларнинг гулчисин...

(*М. Шайхзода*)

Шоир бу ўринда “Оқ олтиннинг эли” деганда ўзбек халқини, “оқ гулларнинг гулчисин” деганда паҳтакорларни ва, ниҳоят, “оқ гул” деганда фўзани назарда тутмоқда. Ҳар учала мисрада ҳам ўхшатилаётган нарса (тасвир объекти-ўзбек халқи, паҳтакор ва фўза) туширилиб қолдирилиб, фақат ўхшаётган нарса (“оқ олтиннинг эли”, “оқ гулларнинг гулчиси” ва “оқ гул”) берилаяптики, булар очиқ истиоралардир.

Агар матнида ўхшатилаётган нарсаларнинг ўзигина бўлиб, ўхшаган нарса туширилиб қолдирилса-ю, айрим аломатларини ўхшатилаётган нарсага кўчирилиб ўтказилган бўлса, (шуларсиз истиора бўлмайди) — ёпиқ истиора пайдо бўлади. Мисол:

Бунда орзу қозонади от,  
Бунда севги ёзали канот.

(*Ҳамид Олимжон*)

Бу байтдаги “севги ёзади қанот” лексик бирикмасига эътибор қилинг: гап “севги” ҳақида кетаяпти — тасвир объекти — “севги” “куш”га ўхшатилмоқда (буни биз “ёzáди қанот” лексик бирикмасидан билиб оламиз). “Күш” (“ёzáди қанот” лексик бирикмасига қаранг), яна ҳам аниқрорғи, қушнинг қанот ёзиши севгининг “гуллаб-яшнаши”-га ўхшатилаяпти — севгининг “гуллаб-яшнаши” қушнинг қанот ёзишига монанд эканлиги (қиёслаш усули билан)га ишора қилинмоқда. Ҳамонки, севги (куш) қанот ёздими, унинг парвози баланд бўлғай! Афтидан, шоир шундай демоқчи! Демак, “севги ёзади қанот” лексик бирикмаси ёпиқ истиора экан!

Баъзан истиорада тасвир объекти сифатлашлар воситасида ифодаланиши мумкин. Бу хил истиоралар истиоравий сифатлашлар деб юритилади. Мисол:

Кумуш далаларда бошланган байрам,  
Ҳамон давом этар ўлкамиз бўйлаб.

(Уйғун)

Бу байтдаги “кумуш далалар” лексик бирикмасига эътибор қилинг: “Кумуш дала” — истиорали сифатлаш. Негаки, шоир “далалар” деганда Ўзбекистон пахта далалари (тасвир объекти — ўхшатилаётган нарса)ни ва “кумуш” деганда (ўхшаган нарса) Ўзбекистон пахтазорларининг гўзаллигини назарда тутмоқда (пахтазорлар — далалар кумушга ўхшатилмоқда, кумуш эса пахтазорга ўхшаяпти). Англашиларлики, ўхшаётган нарса (“кумуш” — сифат, дала — от; пахтазорларнинг гўзаллиги “кумуш” сифатлаши воситасида очилган. Шоир пахтазорлар кумушдек кўркам демоқчи” Шунга кўра, “кумуш далалар” лексик бирикмаси” — истиорали сифатлаш бўлади.

Истиора ўз табиатига кўра ўхшатишларга яқин туради: ўхшатиш ҳам, истиора ҳам икки предметни бир-бирига қиёслаш орқали тасвир объектини образли ва аниқ қилиб очади. Шу важдан, айrim илмий асарларда “истиора — яширин ўхшатиш”, “истиора-қисқа ўхшатиш”дир, деган фикрлар учраб турадики, бу фикрлар, менимча, тўғри эмас. Негаки, “ўхшатиш” билан “истиора” айнан бир нарса эмас, уларнинг фақат ўзларигагина хос бўлган хусусиятлари бор.

Чунончи, ҳар қандай ўхшатишида (шу жумладан, қисқа ўхшатишида ҳам) камида икки унсур — ўхшатилаётган нарса ва ўхшаётган нарса бўлиши шарт бўлса, истиорада шу унсурларнинг фақат биттаси (кўпинча ўхшаган нарса) бўлади, холос. Бундан ташқари, ўхшатиш (ташибиҳ)да бизлар асил маъносида қўлланса, истиорада сўзлар кўчма маънода ишлатилади...

**Сифатлаш** — бадий адабиёт тилида предмет, воқеа-ҳодиса, тушунча ва кишиларнинг белги-хислатларини аниқлаш-изоҳлаш, тавсифлаш усули. Сифатловчи сўз аниқланмиш сўз билан бирикиб, ўз “хислат” белгиларини унга кўчирган ҳолда муайян ҳодисанинг у ёки бу томонларини аниқлайди. Масалан:

**Кумуш кишидан, зумрад баҳордан**  
**Қолишмайди кузнинг зийнати.**

(Уйғун)

байтидаги “кумуш қиши”, “зумрад баҳор” бирикмалари — сифатлашдир. Сифатлаш қўллашдан мақсад шулки, шоир шу восита орқали тасвирланаётган ҳодисанинг у ёки бу “хислати”га китобхоннинг диққатини тортади, унда эмоция уйғотади. Масалан:

Зайнабнинг ҳам тоза, осуда,  
**Доф кўрмаган масъум қалбиди**  
Севги япроқ ёзиб қолибди  
Ва фикрига favfo солибди.

(Ҳамид Олимжон)

каби мисраларда “Зайнаб ва Омон” достонининг бош қаҳрамони Зайнабнинг қалби образли ва таъсири қилиб (тоза, осуда, доф кўрмаган, масъум қалбиди) тавсифлана-дикни, бундай тасвир, ҳеч шубҳасиз, китобхон қалбини ҳаяжонга солади, унинг диққатини ўзига тортади. Сифатлаш тасвир-ифодага образлилик ва таъсиричанлик баҳш этувчи бадий аниқловчидир. А.Н.Толстойнинг фикрича, сифатлаш зудлик билан кўзга ташланадиган фотокамерадаги “лип” этган нурдек предметни фоятда аниқ ва яққол ёритиши керак. Сифатлаш ёрдамида предмет идрок этилади-

ган ва кўзга ташланиб турадиган тарзда тасвирланади.  
Масалан:

Ипак қанот ёзиб аста эсар ел  
Майса-қизлар сочин ўргали,  
Гуллардан тотли бўса сўргали.

Ок сочли кекса тоғ музли киприклардан.  
Сочар тубанларга садаф доналар.  
Ёяр этаклари чечак-лолалар...

(Уйғун)

каби мисраларни ўқир эканмиз, биз гўё “ипак қанотли” ел, “оқ сочли кекса тоғ”, “майса-қизлар сочи”, “тотли бўса”, “музли киприк”, “садаф доналар”, “чечак-лолалар” (сифатлашлар)ни қўлимиз билан пайпаслаб ушлаб кўргандек бўламиз, тасвирдаги жозибадан ҳаяжонланамиз.

Ҳар қандай аниқловчи сўз сифатлаш (эпитет) вазифасини ўташи мумкин. Масалан: от — зар дўппи, сифат — кутлуг қон, равиш — кулиб гапирди...

Сифатлаш истиора ва метонимия тамойиллари асосида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Шу маънода, сифатлашлар метафорик ва метонимик сифатлашларга ажralади. Сифатлашларнинг истиора ва метонимиядан фарқи шундаки, сифатлашлар аниқланмиш сўzlар билан бирикиб келса, метафора ва метонимиялар мустақил ифода сифатида келиши мумкин. Ҳалқ оғзаки ижодида кенг дала, бепоён чўл, ям-яшил боф каби доимий сифатлашлар кенг қўлланилади.

Сифатлаш ёки бадиий аниқловчи поэтик нутқда катта ўрин тутади. Ёзувчи асарда истиора, метонимия, ташбиҳларни ишлатиши ёки ишлатмаслиги мумкину, аммо у, албатта, сифатлашларни кенг қўллайди.

Жонлантириш — истиоранинг бир кўриниши. Жонлантириш одамларга хос бўлган хислатларни жонсиз предметлар, табиат ҳодисалари, ҳайвонот, парранда, қуш capabilityларга кўчириш орқали пайдо бўладиган тасвир усулидир. Жонлантириш усули тасвир объектини бўрттириб, қабартириб, ёрқин ва равshan қилиб тасвирлашга имкон беради.

Мисол:

Бир замон кўкларга қанот қоққан бу  
Севгили, муҳташам, ҳайбатли бино.  
Емиш соатин кутгандай бўлиб  
Кўринар кўзга қайғулигина.

(Элбек)

Бу бандда Самарқанд шаҳридаги Бибихоним мадрасаси харобалари кўкка қанот қоққан қушнинг ўз емирилиши — ҳалокатини кутиб турган мунгли қуш (одам) ҳолатига ўхшатилган. Демак, Бибихоним мадрасаси харобалари жонлантирилган.

Мумтоз адабиётимизда жонлантиришнинг икки тури кенг кўлланилган: ташхис (шахс билан боғлиқ) — жонсиз нарсаларни жонлантириш; интоқ (нутқ билан боғлиқ) — нутқсиз нарсаларни нутқ эгаси сифатида тасвирлаш. Масалан, Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр”, Муҳаммадшариф Гулханийнинг “Зарбулмасал”, Мажлисийнинг “Қиссан Сайфулмулук” каби асарларида жонлантиришнинг ҳар иккала тури (ташхис ва интоқ) ҳам кенг кўлланилган. Хусусан, ҳалқ оғзаки ижодида жонлантириш кўп ишлатилган. Эртак, масал, достонларда қуш, от, ой, қуёш, шамол, юлдуз, дараҳт ва ҳоказолар худди одам каби сўзлайдилар. Масалан, Ҳамид Олимжоннинг ҳалқ эртаклари асосида ёзилган “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” достонида Семурғ қуш худди одам каби гапиради. Чунончи, Бунёдинг мақсадини билгач, Семурғ шундай “тилга” киради:

“Эй, инсон,  
Бекор бўлибсан сарсон.  
Паризод хўп алдапти,  
Кўрқинч йўлларга сопти...  
Дўст эмас экан сенга.  
Сен бу йўлда ўлурсан,  
Аниқ қурбон бўлурсан.  
Девга бормай қўя қол.  
Бошқа қизни дая қол”.

Бу парча — интоқ. Негаки, Семурғ асиlda нутқсиз, аммо у одамдек тилга кирган. Жонлантиришнинг бу тури (интоқ) ҳозирги ўзбек шоирлари ижодида ҳам кенг кўлланил-

моқда. Масалан, шоир Уйғун “Куз қүшиқлари” шеърида мевалар: шафтоли, олма, нашвати, ҳусайни узумларни күйидагича сўзлатиб, гўзал поэтик образ яратган:

Шафтоли дер, кулиб: куз чоқлари  
Шарбат билан лим-лим тўламан.  
Емаган армонда, еган дармонда,  
Минг дардингга шифо бўламан.  
Япрогига бекиниб олиб,  
— Суқинг кирар, кўп назар солма!  
Қизил юзларимдан бир ўпганинг  
Армони йўқ, дер, ёқут олма.

Нашвати дер, кўзини сўзиб:  
Мен сиз учун, кўрингиз баҳам.  
Ҳеч кимда йўқ менинг олтин тусим,  
Тилла билан баравар баҳом.  
Ишкомидан мўралаб, дейди  
Бўйга етган ҳусайни узум:  
“Ҳуснда тенгсизман, менга қара,  
Бриллиантдай товланар юзим”.

Шоир Уйғуннинг санъаткорлиги шундаки, у шеърда шафтоли, олма, нашвати, ҳусайни узумларни жонлантириб, уларнинг “ўз тили”дан фазилатларини очади: шарбатга лим-лим тўлган шафтоли ўзининг минг дардга шифо эканлигини айтса, ёқут олма ўз ҳусни-жамолини таърифлайди, нашвати олтин тусини кўз-кўз қилиб, олтиндек бебаҳолигини айтади, ҳусайни узум эса ҳуснда тенгсизлиги билан мақтанади... Бу — жонлантиришнинг яхши на-мунаси — интоқ санъати.

Шоир Чўлпон “Кўклам келади!” шеърида ташхис усулидан моҳирона фойдаланиб, йил фаслларидан бири — кўклам образини санъаткорона яратган:

Кўкламнинг ипак куйлак этаклари судралиб,  
Қора ернинг бошларини силаб-сийпаб келалир.  
У силашдан, у сийпашдан қувват олиб, куч олиб,  
Қора ер хам кўксилаги олтинларни бералир.

Бу шеърий бандда кўклам ипак куйлакли гўзал қиз сифатида гавдаланади, кўклам худди одамдек қора ернинг бошларини силаб-сийпалайди, силаб-сийпалашлардан куч



олган қора-ер күксидаги олтинларни одамларга ҳадя қила-ди. Демак, шоир “күклам”ни, “қора ерни” инсонийлаштираяпти. Жонлантириш — ташис мана шу!

**Апострофа** (юон. apostrophe — оғиш) — жонлантиришнинг бир кўриниши бўлиб, жонсиз нарса ёхуд ҳодисаларга худди жонли нарса-ҳодисалардек мурожаат қилинади ёки ўзи йўқ шахсга худди бордек қаралади. Дарҳақиқат, бу ўринда апострофа бўлиб келган предмет мурожаат қилинаётган шахсга нисбатан пассив ҳолатда бўлади. Масалан, шоир Ҳамид Олимжон “Шинель” шеърида шинелни апострофа қилиб ишлатган:

Рангинг тупроққа ўхшар,  
Сен ўхшайсан кигизга.  
Бормасдим сени кийиб,  
Ёrim бўлажак қизга.

Ҳамид Олимжон бошқа бир шеърида ойга мурожаат қиласди:

Гўзал ой, сенга бир гап  
Демоқча кўп ҳайронман.  
Бемаҳал тўлганингдан  
Тоза ҳам пушаймонман.

Бу шеърий парчада ой апострофа вазифасини ўтаган.

Шоир Faфур Fулом “Софиниц” шеърида ўрущдан ғолиб қайтишини интизорлик билан кутаётган жангчи ўғлига хаёлан шундай мурожаат қиласди:

Е ўғлим, жонгинанг саломат бўлсин,  
Ўз боғинг, ўз меванг, данагин сақла  
Шу мерос боғингни ўз қўлингта ол,  
Менга топширилган меросий ҳақ-ла.

Бу парчада жангчи йигит (ҳали ўзи йўқ, жангдан қайтмаган, аммо унга ўзи бордек мурожаат қилинмоқда) — апострофа...

Шоир Абдулла Орипов ёзади:

Офтобим, майли бир тонг, бирор зум,  
Тафтингга чулғама дала тузларни.  
Ўша зотларга ҳам қилғил тараҳҳум,  
Эрит диллардаги қотган музларни.

Апострофа шеъриятда кенг қўлланиладиган поэтик кўчирим сирасига киради.

**Рамз** (араб. رمز — имо-ишорат) — тасвир объектиning моҳиятини маълум бир нуқтаи назардан шартли ифодаловчи сўз ёхуд предмет. Рамзлар халқаро атамашуносликда символ (юнон. symbolon — шартли белги) деб юритилади. Рамзлар ўз табиатига кўра турли хил бўлади.

Предметлар, ҳайвонлар, қушлар, паррандалар, машхур воқеалар, ҳаракат ва предметларнинг белгилари ва бошқалар символистикада катта ўрин тутади. Масалан, байроқ ва герб — давлат рамзи, нон-туз — меҳмоннавозлик рамзи, дўстлик белгиси, тун — баҳтсизлик аломати, тонг — ёшлик ва қувноқлик рамзи, кабутар — тинчлик рамзи...

Символлар заминида ҳамиша яширин ўхшатиш ётади. Улар турмуш воқеа-ҳодисалари билан чамбарчас боғлиқ. Символлар ҳар доим санъатда катта аҳамият касб этиб келган. Чунончи, символлар санъатнинг негизи бўлган бадиий образлар табиати билан узвий боғлиқ, ҳар қандай образда шартлилик ва символика бўлади. Чунки образ табиатан ҳаётий ҳодисаларни индивидуал шакл орқали умумлаштирад экан, бу жараён шартлилик ва символикасиз бўлмайди. Бадиий адабиётда ташбиҳ, истиора, сифатлаш, параллеллик маълум даражада символик хислатга эгадир. Масаллардаги жонлантиришлар, эртаклардаги аллегорик хислатлар ва, умуман, аллегория — бадиий символиканинг кўринишлариdir.

Символлар реалистик адабиётда, шу жумладан ҳозирги адабиётимизда кенг қўлланилмоқда. Масалан, шоир Чўлпоннинг “Бинафша” шеъридаги бинафша, Абдулла Ориповнинг “Тилла балиқча” шеъридаги тилла балиқча, Омон Матчоннинг “Ёнаётган дарахт” шеъридаги ёнаётган дарахт кабилар соф символик образлардир. Шунингдек, Ҳаққуш — “Ҳаққуш қичқириғи” (Омон Матчон) асарининг бош қаҳрамони — символик образ. Мумтоз адабиётимизда кенг қўлланилган гул, булбул, тун, кун, офтоб каби жуда кўплаб поэтик образлар ҳам символика самарасидир.

“Кашмир қўшиғи”да Кашмир халқининг чет эллик босқинчи — мустамлакачиларга, ёвузларга қарши озодлик, эрк ва баҳт учун олиб борган курашини соф символик образлар орқали акс эттирилган. Қиссада тасвирланишича, эз-

гулик символлари “гулларнинг” “севги ва ёшлик ўйинлари авжига чиққан бир пайтда” ёвузлик тимсоли — Бўрон уларга ҳужум қиласди — “гуллар боғида энг олдин очилган ва ўз чиройи билан оламга шуҳрат ёйган гўзал Наргиз” ва унинг дугоналари (гуллар, кўкатлар)ни таслим қилмоқчи бўлади. Лекин севги ва вафодорлик рамзи Наргис билан унинг садоқатли дугоналари — гуллар Бўронга таслим бўлмайдилар. Бундан ғазабланган Бўрон табиат вабоси — Хорудни ёрдамга чақиради. Ёвуз Хоруд гулларга қутуриб ҳужум қиласди — гулларни сўлитади, баргларини қутилади. Шунга қарамай, Наргис ва унинг дугоналарини тамомила таслим қилолмайди. Гўзал Наргис севгилиси — асалари-лар сардори Бамбурдан ёрдам кутади. Ниҳоят Бамбур ва унинг дўстлари (асаларилар) гулларга ёрдамга етиб кела-дилар. Бўрон ва Хорудга зарба берадилар: Наргис ва унинг дугоналари — чечаклар ва кўкатлар яна очила бошлайдилар. Қиссадаги Наргис ва унинг дугоналари ҳамда асаларилар сиймосида мазлум, меҳнаткаш Кашимир халқининг эркесварлик ҳис-туйғулари шарафланган бўлса, Бўрон ва Хоруд образлари орқали мустамлакачилар ва маҳаллий зулмкорларнинг қабоқати ва ёвузлиги фош қилинган. Наргис билан Бамбур ўртасидаги чин севги-муҳаббат, вафодорлик ва садоқат тимсолида халқ оммасининг олижаноб фазилатлари улуғланган. Шу тариқа, ёзувчи қиссада соф рамзий образлар воситасида “дунёда ҳёт билан севгини сўндира оладиган куч йўқ” деган foяни олга сурган.

Шунингдек, “Жаннатга йўл” драматик достони ҳам рамзлардан иборат. Достондаги Йигит, Она, Ота, Тарози-бон, Югурдак, Чол, Ҳур қиз, Фаришта, Дўст ва бошқалар соф символик образлардир. Достонда зикр этилган Жаннат, Дўзах, Аросат ҳам рамзий маънода ишлатилган. Достонда тасвир этилган воқеалар ҳам шартли: воқеалар нариги дунёда юз беради, бош қаҳрамон — шоир Йигит Маҳшар саҳросида Тарозибон билан учрашади. Тарозибон марҳумларнинг савоб-гуноҳларини ҳисобга олиб, бирини жаннатга, бирини дўзахга, бирини аросатга йўлламоқда. Ҳатто етти бор ҳаж қилган мўйсафидни (отасини сансира-ганлиги учун — гуноҳи учун) дўзахга йўллайди. Тарозибон шоир Йигитнинг ҳам гуноҳи-савобларини ҳисблайди — жаннатга киришга икки пайсагина етмайди — уни аросат-

га йўллайди. Шоир ҳаётни бўяб-бежаб тасвирилаганлиқда айбланади. Тарозибон шундай дейди:

Илоҳий дил берган эди сенга худойим,  
Кулоқ сол деб шўрликларнинг оҳи-зорига.  
Сен-чи, само шуъласини куйладинг доим,  
Шеърлар битдинг юлдузларга, гулгу, охуга.

Йигит Аросат яланглигидага ёлғиз кезар экан, у дастлаб гўрков чолга, сал кейинроқ марҳум отасининг арвоҳига дуч келади — отаси билан дийдор кўришади, жаннати ота ўғлига етишмаган икки пайса савобни бермоқчи бўлади, аммо ўғил уни рад қилади. Достоннинг учинчи кўринишида Йигит жаннат қасрида онаси дийдорига мушарраф бўлади; тўргинчи кўринишида воқеалар Дўзах дарвозаси олдида юз беради: шоир Йигит ўспирин билан қария жанжалига дуч келади, извогар кимса билан тўқнашади ва, ниҳоят, дўст билан учрашади. Бешинчи кўринишида дўзах қопқаси олдида Дўст билан Йигит баҳси берилади. Маълум бўлишича, Йигит одамларга ишонувчанлик қилиб хатога йўл қўйган бўлса (“Хаёл билан безаб бўлмас асло дунёни”), Дўст аксинча одамларга ишонмаслик оқибатида (“Ишончсизлик бўлди менинг бошимга етган”) гуноҳга қолади. Ниҳоят, Йигит шундай хуносага келади:

Янглишибмиз иккимиз ҳам нозик нарсада,  
Чунки инсон ўз номи-ла Ҳазрати Инсон.

Дўст “Мен ёвузлик қурбониман, қалбимда алам” деб ҳисобласа, Йигит:

Не-не зотлар гар ўzlари топса ҳам тўзим  
Одамзодга кўрмаганлар ёмонлик рано.  
Эзгуликнинг йўли оғир, серғалва гарчанд,  
Юксакларга кўтаради соҳибни бироқ.

Символ насрда ҳам, саҳна асарларида ҳам, айниқса, болалар адабиётида, фольклор асарларида тез-тез учраб туради. Аммо у шеъриятда фавқулодда аҳамият касб этади.

Аллегрия (юнон. *allos* — бошқача, *agoreo* — гапираман) — символиканинг бир кўриниши — воқеа-ҳодиса ёки пред-

метнинг мавхум тушунчаси ўрнида қўлланиладиган конкрет тасвирни ифодаловчи рамзий сўз (образ).

Халқ оғзаки ижодида, кўпинча, тулки — алдоқчи кишиларга, бўри — очкўзларга, чаён зааркундаларга, илон — маккор, тўти — гапдон ва ашгулачи одамларга нисбатан киноя қилинади. Аллегрия — мана шу.

Аллегорик асарларда ҳаётий образларнинг конкрет белгилари ва хусусиятлари ёзувчи ифодаламоқчи бўлган кўчма маънодаги тушунча ва ҳодисанинг асосий хусусиятларига мувофиқ бўлади. Образларнинг киноявий характерда бўлиши, асосан, масал жанрига хос хусусиятдир. Мұҳаммадшариф Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарида Япалоққуш, Бойўғли, Гунашбону, Кулонкирсултон, Кўркуш, Ҳудҳуд, Туя, Бўталоқ, Куйкунак, Тошибақа, Чаён, Маймун, Кордон, Турумтой, Бозанда, Навозанда, Тулки, қуш ва шунга ўхшаш жониворлар образлари берилганки, булар тўла маънодаги аллегорик образлардир. Ҳайвон, қуш, парранда кабиларгина эмас, ҳатто буюмлар, пердметлар, ҳодисалар ҳам аллегория қилиниши мумкин. Мисол сифатида масалчишоир Сами Абдуқаҳорнинг “Дарё билан жилға” масала-ни ўқиб кўринг-а:

Бирдан шаррос қуиди баҳор жаласи,  
Бўғотга беркинди чумчук галаси.  
Дам ўтмай қирдан кўпириб, тошиб,  
Шиддати зўр, керилиб, ошиб,  
Тушиб келди кичик бир жилға.  
Ўзи анча саёз, серкўпик, лойқа...  
Водийдан ўтарли Дарёи — азим,  
Вазмин оқишида салобат, виқор.  
Кўрдики, ёнидан кичик бир сув оқар.  
Деди:  
— Бизга бирлашмоқ лозим!  
Бирлашиб водийга ҳаёт элтамиз,  
Нур бўлур шу элга ҳар бир қатрамиз...  
Наҳот якка қолсанг?!  
Қара бўйимга!  
— Кўшилмоқни келтирмайман ўйимга!  
Нима қилдим сенга кўшилиб,  
Яхши эмасми ўзим оқсам жўш уриб?  
Истасам ҳар томон суза оламан,  
Истасам фовларни ҳам буза оламан.

Кудратимга ўзинг ҳам тан бер-да андак;  
(Сув юзида фақат сузарди пўкак...)  
Ўзбошимча кета берди...  
Туну кун юрди.  
Дуч келиб эртаси **Жилға** кўлмакка,  
Сингиб кетди буткул тупроқقا...

Англашиларлики, бу масалда **Жилға** ва **Дарёи азимлар** аллегорик образлардир. Негаки, Жилға ва Дарёи азим инсонийлаштирилган — улар одамлардек ўзаро баҳслашадилар, талашиб-тортишадилар... Жилға — манманликка берилган, ўзбошимча, мақтанчоқ одамлар тимсоли бўлса, Дарёи азим салобатли, босиқ, куч бирликда деб билувчи кишилар рамзи. Умуман, масалда “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” мақолининг руҳи уфуриб туради. Масалда, юзаки қарагандা, табиат ҳодисаси — дарё ва жилға ҳақида фикр юритилаётганга ўхшайди-ю, аслида жуда муҳим ижтимоий ҳодиса — одамларни бирлашишга даъват этиш масаласи кўтариб чиқилган. Аллегорик образлар шоирнинг ниятини ифодалашга қўл келган.

**Қоришиқ (контигуаль) кўчимлар.** Ноўхааш кўчимларда тасвир обьекти ташқи кўриниш жиҳатидан унчалик ўхашаш бўлмаган, аммо тушунчада яқинлиги бўлган обьектга яширин қиёсланади. Бу гуруҳдаги кўчимлар мураккаброқ, рангбарангроқ — қоришиқроқ бўлади. Қоришиқ кўчимларга куйидагилар мансуб:

**Метонимия** (юн. metonymia — қайта номлаш) — маъжоз-киноя — икки тушунча ўргасидаги яқинликка асосланадиган кўчимлардан. Бир предмет ёки ҳодиса номини ички боғланиш (тушунчадаги яқинлик асосида) йўли или бошқа сўз ёки ибора билан ўрин алмаштириш орқали метонимия пайдо бўлади. Масалан, пул ўрнига чўнтақ, муаллиф ўрнига асар номи ёки аксинча асар номи ўрнида муаллиф номини кўллаш — метонимия. Мисол:

**Фузулийни олдим қўлимга,**  
Мажнун бўлиб йиглаб қичқирди.  
Ва **Навоий** тушиб йўлимга,  
Фарёл билан ўрнидан турди.  
**Лермонтовни** ташламадим ҳеч,  
Ахир қўйиб олдим **Хофизни**.

Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч,  
Йиглаб турган бир черкас қизни,  
Шекспирдан сўрадим савол,  
Жавобини келтирди **Ҳайём...**

(Ҳамид Олимжон)

Бу парчада Фузулий, Навоий, Ҳофиз, Ҳайём — Шарқ адабиёти намояндалари ва Лермонтов, Пушкин — рус адабиёти намояндалари, Шекспир — инглиз адабиёти клас-сигининг номлари тилга олинар экан, шу муаллифларнинг асарларини ўқиганлигини таъкидлаяпти шоир. Бу ўринда метонимия шоирга ўз фикрини лўнда, ихчам, образли ва таъсиричан ифодалаш имконини берган.

Метонимиянинг ранг-баранг кўринишлари мавжуд.

**Муболага** (араб. مَبْلَغٌ — лоф уриш, бўрттириш), гипербола — тасвирланаётган шахс, пердмет ва воқеа-ҳодисанинг муайян жиҳатларини бўрттириб, кучайтириб тасвирлаш усули. Шоир таассуротни кучайтириш, ҳаяжонни ошириш, образни бўрттириш мақсадида муболага ишлатади. Муболагали тасвир, асосан, икки тамойилга (ҳаракат ва ҳолатни бўрттиришга қаратилган) асосланган бўлади. Бундай белги ва хусусиятларни кучайтиришга хизмат қиласидан муболага замирида ташбиҳий боғланиш бўлади. Муболага табиатан адабий жанрларга боғлиқdir. Муболага оғзаки нутқда ҳам, фольклор асарларида ҳам, ёзма адабиётда ҳам кўп учрайди. Масалан, “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” достонида шоир ҳамид Олимжон фольклорга хос муболагаларни қўллайди. Чинорнинг катталигини — “чинор шохи булутлар орасида кўринди” муболагаси билан, Семурғнинг кучлилигини — “chanqaliida зўр арслон, тумшуғида ботмон дон” муболагаси билан, даҳшатли девни — “девнинг боши-оёғи ўрмонни тутиб кетди, сифмай четта ҳам ўтди” муболагаси билан ифодалайди. Шу ўринда, чинорни кўпориш эпизодини эслайлик:

Бунёд файратга кирди,  
Юрагига дард кирди.  
Юриб баҳодирона,  
Отга минди мардана.  
Қаттиқ бир қамчи солди,

От яшиндай кўзғолди.  
Ўт сингари йўл олди.  
Булулгар орасида,  
Ёзиб буриб куличин,  
Гўё бир буюк лочин  
У чинорга ўтириди,  
Гўёки ўклай урди.  
Чинор томири билан,  
Кўкарган ери билан  
Кўпорилди гувиллаб,  
Шамол каби увиллаб.  
Зўр шоҳлар ерга кетди,  
Томир осмонга етди.  
Ер узра тушиб Бунёд  
Бўлиб дунё-дунё шод.  
Гўзал дулдул отига,  
Отнинг қанотида  
Кўзларила зўр ёеду.  
Кулиб турар эди у.

Остига чизилган мисра ва сўзларга эътибор қилинг-а:  
шоир Бунёднинг баҳодирлигини гоятда жозибали акс эт-  
тирган. Бунга шоир, ҳеч шубҳасиз, халқ оғзаки ижодида  
ишлатиладиган романтик руҳли муболағаларни ишлатиш  
орқали ҳам эришган.

Шоир Faфур Fулом “Халқ отланди” шеърида ўзбек  
жангчиларининг баҳодирлиги ҳақида тўхталиб:

“Юрганда ер титрап, ўқирса осмон,  
Бу сафда арслонлар керади ўмров”

каби муболағали мисралар яратган.

Бадий адабиётда муболағаларнинг қўйидаги турлари  
кулланилади: а) таблиғ — тасаввур қилиш мумкину, амал-  
га ошириш қийин бўлган бўрттирилган тасвир усули:

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,  
Йигларимнинг шилдатин гулбарги хандонимға айт.

(Алишер Навоий)

Ухлаган изини трамвай ҳар,  
Тонг чоги гуллураб, янчиб ўтали.

(Ойбек)

б) игрок — тасаввур қилиш қийинроғу, аммо мутлақо амалга ошириб бўлмайдиган бўрттирилган тасвир усули:

Оразингни боғ аро чун кўрди, ҳайрон бўлди гул,  
Баргиз қолди нединким, бас паришон бўлди гул.

(*Алишер Навоий*)

Отлар кишинар, қизлар куйлар, тинмай ишлар лехконлар,  
Куёш олтин будоклир, қайнар, тошар...  
Кўк тиник.

(*Ойбек*)

в) гулувв — тасаввур ҳам қилиш қийин, амалга ошириш эса мумкин бўлмаган бўрттирилган тасвир усули:

Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.

(*Алишер Навоий*)

Севги шундай навбаҳорки,  
У тикандин гул қилур,  
Тошга жону тил бағишлиб,  
Зофни ҳам булбул қилур.

(*Эркин Воҳидов*)

Муболага, хусусан, романтик асарларда, шунингдек сатирада кўп қўлланилади. Болалар адабиётида ҳам бу усул асосий тасвир воситаларидан ҳисобланади. Бироқ проф. Абдурауф Фитрат айтганидек, муболага чин (самимий) бўлса, жудаям ошириб юборилмаса, зўраки бўлмаса, ясамиликдан узоқ бўлса, туйғулардаги кучлилик — ўткирликни англашга катта ёрдам беради<sup>1</sup>.

Халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимизда баъзан орттирумали муболагалар ҳам учраб турадики, булар адабиётшунослиқда “Булуг” ёки “Ифрат” деб юритилади. Мисол:

---

1 Қаранг: *Фитрат*. Адабиёт қоидалари. Т., “Ўқитувчи”, 1995, 78-бет.

Оқ уарман, оқ уарман,  
Оҳларим тутсин сени.  
Күз ёшым дарё бўлиб,  
Балиқлари ютсин сени.

(“Халқ қўшиғи”)

Тикилсам курийди дарёнинг гуми,  
Наъра тортсам кулар қўрғоннинг тими...

(“Алномиш”)

Бу ўзбакни алп Қоражон билади,  
Чангалласа тонги талқон қиласди.

(“Алномиш”)

**Тафрит** (араб. طرف — мўътадилдан кичик). Тафрит халқаро атамашуносликда литота (юнон. litotes — содда, кичик, эвида) — тасвир объектини кичрайтириб, заифлаштириб кўрсатиш усули. Тафрит муболага (тасвир объектини атайлаб ошириб, бўрттириб кўрсатиш)нинг бутунлай тескариси. Ёзувчи ўз гоявий-бадиий ниятига мос келадиган нарсаларнинг аҳамиятини таъкидлаб, бўрттириброк кўрсатиш ниятида унинг антиподи (ёки унга паралель турган нарса)нинг қудратини, ҳажмини атайлаб кичрайтириб тасвирлайди ва шу усул орқали китобхоннинг эътиборини тасвир объектига қаратади — объектни ёрқин ва равшан ифода этади. Масалан:

Ул санамким, сув ёқосинда паритеқ ўлтуур,  
Фояти нозулгугидин сув билан ютса бўлур.

(Атойи)

Байтдаги шоир санам (қиз)нинг паридек гўзаллигини таъкидлаш мақсадида унинг жуссасини сув билан ютса бўладиган даражада кичрайтириб — гоятда нозик қилиб кўрсатади. Демак, тасвир объекти — санам бафоят гўзал ва нафис ҳамда нозик экан.

Бўйунг сарву санубартек, белинг қил,  
Вафо қилғон кишиларга вафо қил.

(Хоразмий)

Бу ўринда шоир ёрнинг қадди-қомати санубар дарахтидек тиклиги (бўйчанлиги)ни таъкидлаш мақсадида унинг белини қилга қиёслаяпти, яъни қизнинг бели ингичка демоқчи (зоро, бели йўғон, семиз кишининг бўйи санубар дарахтидек тик ҳам бўлмайди). Хоразмий тафрит санъатини қўллаб, ёрнинг қадди-қоматини кўз олдимизга яққол қилиб келтиради. Тафрит усули ҳозирги замон шеъриятида ҳам кенг қўлланилган. Мисоллар:

Ер юзи одамзод туғилган уйдир.

(Faфур Fулом)

Еримиз ёндош китоб, бунда билим жобажо.

(Faфур Fулом)

Шоир биринчи мисолимизда “ер юзи”ни “уй”га, иккинчи мисолимизда “ер”ни “китобга” қиёслаяпти. Тасвир объекти (ер) атайлаб кичрайтирилиб кўрсатиласяпти. Бу билан ўқувчининг диққати “ер юзи”, “ер”га тортилади, ернинг мўътабарлиги, муқаддаслиги (туғилган уй каби) ва конлар — билимлар хазинаси (китоб) эканлиги бадиий ифодаланаяпти.

Шоир Ҳамид Олимжон “Ўзбекистон” шеърида:

Чиройлидир гўё ёщ келин,  
Икки дарё ювар кокилин.

деса, шоир Чўлпон “Яна кўклам” шеърида:

Кечанинг сирли қўйнига бекиниб,  
Кечага тотли бўсаларни бериб,  
Юзидан пардаларни иргитиб,  
Дунёга бир келин каби чиқсан.

деб ёзган. Агар Ҳамид Олимжон Ўзбекистонни “ёш келин” деган бўлса, Чўлпон кўкламни “бир келин” тимсолида кўраяптики, булар ҳам, албатта, тасвирнинг литота усули бўлади.

Шоир Ойбек “Фанга юриш” шеърида:

Эй эркин қишлоқнинг йигит-қизлари!  
Техника қалбida бу **икс-игрик**  
Формула ёнади — шу электрик,  
Тирмашинг, фанларнинг юксаги сари!

деб ёзганки, “икс-игрик” ва “формула” литоталарини маҳорат билан қўллаган. Мумтоз шеъриятимизда юксак маҳорат билан ишлатилган қўйидаги тафритларни талқин қилиб кўринг:

Ош есалар ўртада сарсон илик,  
Хўжа — чироғ ёғи, Ҳакимжон — пилик.

(Муқимиий)

**Синекдоҳа** (юнон. *synekdoche* — бирга англамоқ, қўшиб фаҳмламоқ) — менимиянинг бир тури (мажоз) — миқдор жиҳатидан бир предмет белгиларини бошқасига кўчириш усули. Синекдоҳа — типиклаштиришнинг муҳим ифода воситаларидан бири. Бадиий адабиёт тилида синекдоҳаларнинг қўйидаги турлари кўп қўлланилмоқда:

а) Бўлак, қисм орқали яхлит, бутун нарсани ёхуд умум орқали бўлакни ифодаловчи синекдоҳалар. Мисол:

Бир кўнғиз мўйловли,  
Барок соч маътун,  
Жигар ранг бир мундир,  
Истаги учун,  
Наҳотки еримиз  
Чаппа айланиб,  
Наҳотки дарёлар  
Оқар тескари.

(Faфур Fулом)

Бу шеърий парчада шоир “кўнғиз мўйловли”, “бароқ соч”, “жигарранг” “мундир” — портретик белгилар орқали бутун бир ижтимоий иллат — фашизм, “еримиз”, “дарёлар” — табиат унсурлари орқали қудратли мамлакатимизни назарда тутаяпти, бўлак орқали бутунни, қисм орқали умумни ифодалаяптики, булар синекдоҳалардир.

Кўкрак сути ва меҳнат билан  
Биз жаҳонга берганмиз турмуш,  
Она қалби оёқقا турса,  
Ўғлим, сира бўлмайди уруш!

(Зулфия)

Шоира Зулфия “күкрап сути”..., “она қалби...” лексик бирикмалари (бүлаклар) орқали жуда катта умумийликнни — дунёдаги оналарни, барча аёлларни назарда тутган. Демак, шоира шеърида жаҳондаги аёллар оёққа турса, ҳар қандай урушқоқларни жиловлай олади — сира уруш бўлмайди деган фоя олга сурилган. Синекдоха шунга имкон берган.

б) Кўплик ўрнида бирлик ёхуд бирлик ўрнида кўплик шаклларини қўллаш йўли билан ҳам синекдохалар яратиш мумкин. Мисол:

Шунда саодатим, шарафим,  
Иқболимни сенда кўргандим  
Сендан кураш, енгиш, қуриш, яшаш —  
Хаёт фалсафасин ўргандим.

(Уйғун)

Шоир бу банддаги “сен” кишилик олмошини катта ижтимоий маънода ишлатган — бирлик орқали кўплик шакли ифодаланган.

Алишернинг кўзларидай,  
Ёнади кўкда юлдуз.

(Зулфия)

Бу байтдаги “юлдуз” — бирлик шаклида берилган, аммо у кўплик шакли (“юлдузлар”) маъносини англатади. Шу сабабли у синекдоха бўлиб, шеър қаҳрамони Алишернинг қалбидаги севинч-кувонч ҳиссини образли ифодалаган.

Сувларнинг күёшга чўзилган  
Минг ҳарир кўлими?  
Юлдузнинг тупроққа интилган  
У нурли йўлими?

(Зулфия)

Банддаги “сувлар” (кўплик шакли) “сув” (бирлик шакли) ва “юлдуз” (бирлик шакли) “Юлдузлар” (кўплик шакли) маъносини англатади. Шундай қилиб, бу банддаги “сув” ва “юлдуз” сўзларининг кўплик шакли орқали бирлик ва

бирлик шакли орқали кўплик шакли ифода этилган — бу-  
лар синекдохалардир.

в) Ноаниқ сон ўрнида аниқ сон ёки аниқ сон ўрнида  
ноаниқ сон келиши — синекдоҳадир. Мисол:

Ўқидим, ўқийман, умрим борича,  
У айтган сўзларда маъно жуда кенг,  
Унинг ҳар сўзида порлаган мазмун  
Миллион асарларнинг мазмунига тенг.

(Уйғун)

**Перифраз** (юонон. речі — атроф. phrasis — сўзлайман) —  
мажозларнинг бир тури — нутқнинг ифодавийлигини оши-  
риш мақсадида предмет, одам, воқеа-ҳодисалар номини  
уларнинг маъноларини, хусусиятларини ифодаловчи сўз  
ёки иборалар билан алмаштириш усули. Масалан, “бур-  
гут” сўзи ўрнига — “кушларнинг подшоси”, “Ўзбекистон”  
сўзи ўрнига — “оқ олтин кони” ва б.

Перифраз нарса ва ҳодисаларнинг асил номи билан  
ёнма-ён ишлатилади.

Мисол:

Куёшдай меҳрибон  
Ватанинг — онанг.  
Заминдай вазмину,  
Меҳнаткаш, мушфиқ  
Истаган нарсангни тайёрлагувчи  
Халқ бор — отанг бор.

(Faғур Fулом)

Бу шеърий парчада “ватан” ва “халқ” сўзлари асил маъ-  
ноларида, “отанг” ва “онанг” сўзлари эса кўчма маънолари  
(“отанг”, “онанг”) — перифразлардир. Улар юқорида таъ-  
кидлаганимиздек, сўзнинг асил маънолари (ўз маънолари-  
да ишлатилган сўзлар) билан ёнма-ён келаётир. Шоир бу  
ўринда перифраз усулидан фойдаланиб, уруш йилларида  
ота-онасидан жудо бўлган гўдакларни — ҳақиқий етим  
эмасликларини — уларга ота-оналиқ қилувчи халқ ва Ва-  
тан борлигини образли ифода этаяпти.

Шоир Ҳамид Олимжон “Баҳорни соғинганда” шеъ-  
рида:

Сув — булок бўйларида чарчай-да  
Сўнгра қўйнингда эркалаб ухлай.

каби перифразлар тузган ва шу орқали шеър гоясини жозабали ифодалашга эришган.

Перифразлар баъзан ёйиқ метонимиялар шаклида ҳам тузилиши мумкин.

**Зидлов (контраст) кўчимлар.** Кўчимларнинг бу гуруҳига икки қарама-қарши тушунчали сўзларни ёнма-ён келтириш ёхуд “қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” қабилида, билиб билмасликка олиш тамойилларига амал қилиб яратилган қочириқлар, кесатишлар, пичинглар киради. Киноя, антифраз, сарказм, оксиморон зидлов кўчимларининг кўп ишлатиладиган турлариданdir.

**Киноя** (юнон. eigoneio — билиб билмасликка олиш) — инкорнинг бир кўриниши бўлиб, тасвир обьекти устидан кесатиш, қочириқ йўли билан яширин кулиш, пичинг. “Сўзларни ва ибораларни... кесатиқ ва пичинг билан ўз маъносига қарама-қарши маънода ишлатилишига ирония (таъриз) приёми дейилади”<sup>1</sup>.

Киноя бўлиб келган сўз ёхуд сўзлар бирикмасининг асил маъносига эмас, кўчма — яширин маъносига эътибор берилади. Масалан, “Синчалак”да Арслонбек Қаландаров Саида Алиевани “синчалакка”, Саида Алиева эса Арслонбек Қаландаровни зимдан “хўроз”га ўхшатади: “Синчалак” дейилганда Сайданинг нозик-ниҳоллигига, нимжонлигига ишора қилинса, “хўроз” дейилганда Арслонбек Қаландаровнинг манманлигига, бақироқлигига ишора қилинмоқда ва ҳар иккаласида ҳам истехзо, пичинг, яширин кулги мавжуд. Демак, “синчалак” ва “хўроз” — киноя — аллегория.

Киноя икки хил (фош қилувчи ва шунчаки қочириқ, енгил кулги) бўлади. Ҳажвиётда фош қилувчи сарказм киноя бўлса, юмористик асарларда (кувноқ кулги, пичинг, шунчаки енгил қочириқлар бўлади. Образларнинг киноявий тарзда бўлиши, асосан, масалларга хос хусусиятдир.

---

<sup>1</sup> Р.Кўнғуров. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Т., Фан, 1977, 80-бет.

Шоир Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” поэма-сидан бир парча олиб кўрайлик:

Қанча яхши, барно бўлса ҳам,  
Қанча олим, доно бўлса ҳам,  
Собир учун мени қийнама,  
Мени ўтга ташлама яна.  
Менга ёлгиз Омонимни қўй  
Менга ўша ёмонимни қўй.  
У кам эмас ҳеч бир одамдан,  
Мен ул билан узоқман ғамдан.

Бу шеърий парчада “яхши”, “барно”, “олим”, “доно” сифатлашлари орқали Собирга енгил қочириқ қилинаётган бўлса, “Омоним” — “ёмоним” қофиядош сўзлар орқали кучли — ўткир киноя усули ишлатилган. Ҳа, Анорхола назарида Омон — ёмон, “пасткаш” бўлиб туюлса-да, Зайнаб учун — у дунёда ягона “у кам эмас ҳеч бир одамдан”, ҳатто Анорхола таъбирлаган “барно”, “олим” Собирдан ҳам кам эмас. Мана — киноя!

Киноя, кесатиқ, қочириқ, дам яширин ва дам ошкора кулги поэманинг таъсир кучини оширган, Зайнаб ва Анорхола характерларининг ўткир қирраларини очишга қўл келган.

“Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” поэмасида тасвирланишича, улкан чинорни қўпорған, ёвуз девни ўлдириган Бунёдга хон қизи — такаббур Паризод шундай жавоб беради:

Чўпонни севолмадим,  
Ҳеч кўнгил қўёлмадим...  
Қанча ботир бўлсанг ҳам,  
Зўр баҳодир бўлсанг ҳам  
Тўшагинг хас деб билдим  
Аслингни паст деб билдим  
Севолмадим сени мен,  
Чунки мен ҳам хон қизиман.

Бу парчадаги истеҳзо, кесатиқ — киноя Паризоднинг бутун борлигини ёрқин ифода эта олган.

**Антифраз** — киноя — ирониянинг бир тури бўлиб, бир шахс ёки предметга хос бўлган у ёки бу хусусиятни кулги интонацияси билан инкор қилишдир.

Агар матнданаги сўз ёхуд сўз бирикмасида асил маъно эмас, аксинча тескари маъно назарда тутилса антифраз пайдо бўлади. Масалан, “Жангчи Турсун” балладасида Ҳамид Олимжон қуидаги антифразни кўллаган:

Эркаланиб ётади  
У Ватан тупроғида.  
Ёш бола ётганидай  
Онанинг кучоғила.

“Эркаланиб ётади”, “Ёш бола ётганидай” “онанинг кучоғида” иборалари антифраздир. Негаки, “эркаланиб ётади”, “ёш бола ётганидай” сўз бирикмалари аслида ижобий маъноларни ифодалайди, бу ўринда эса салбий маънода, яъни Турсуннинг ҳалок бўлганлигини ифодаламоқда.

**Сарказм** (юнон. sarcasmos — қийнаш, озор бериш) — аччиқ заҳарханда, истеҳзоли таъна, пичинг. Аччиқ кулги ва таъна — сарказмнинг асосини ташкил қиласиди. Лирик, эпик ва драматик асарларда, хусусан, ҳажвиётда кенг қўлланиладиган тасвир усули. Сарказм сўзнинг асл маъносига зид бўлган кўчма маъносидан келиб чиқади. Сарказмда интонация ва муаллифнинг тасъвир объектига муносабати муҳим роль ўйнайди. Одатда, сарказмда шахс, нарса ёхуд воқеа-ҳодисанинг салбий томонлари фош қилинади. Мисол:

Айланаман нозигим, ўргиламан нозигим,  
Гапда таманно, таранг, “мен ўламан” нозигим.  
Кўз сузилиб қошгача, олифталик бошқача  
Үйда эри ош қилиб, ухлади у тушгача.  
Айланаман нозигим, ўргиламан нозигим,  
Үй ишдан сўз очманг, мен ўламан нозигим.  
Биттаси битмай ҳали, янгисининг жанжали,  
Ёзда кўнгил қор тилаб, қиши куни миранжали,

\* \* \*

Дўппи қўлида, кайфи таралла такасалтанг,  
Доим кўчада, сафсата, ялло такасалтанг.  
Улфатлари ишга кетиб, кундуз кўрсам,  
Ухлаб ўтирас ўрнида гоҳо такасалтанг.

(Собир Абдулла)

**Оксиморон** (юнон. охутогон — закий, нодон) — икки қарама-қарши тушунчаларни ифодаловчи сўзларни ёнмаён келтириш йўли билан тасвир объектини бўрттириб кўрсатиш усули. “Тирилган мурда”, “Ўлик жонлар”, “Ҳаётбахш ўлим”, “Барҳаёт ўликлар”, “Бахтиёр гадолар” кабилар оксиморонлардир. Негаки, тирилиш билан ўлиш, ўлим билан жон, ҳаётбахшлик билан ўлим, барҳаётлик билан ўлим, баҳтиёрик билан гадолик сўзлари қарама-қарши тушунчаларни ифодалайдики, бу тушунчалар ёнмаён келтирилиб, кутилмаган маъно ва фавқулодда образлилик вуждга келади. Баъзи мисоллар:

Унинг бундай қизғанчифли ҳолиға,  
Ҳар кимдан кўп қон йифлаган сен эдинг.  
Уни эзғон йиртқич қўлли маъзинга  
Сен улуғ ёв, сен мужассам кин эдинг.

(Чўлпон)

У ерга йиқилади  
Ўқдай учиб бораркан.  
Тоғдай оғир қулайди  
Күш сингари енгил тан.

(Ҳамид Олимжон)

Юз йил яшаса ҳам бечора бир зот  
Тўймадим ҳеч, дебди, бу нечук ҳикмат.  
Ох қанлок ширинлир шу тахир хаёт.  
Ох қанлок гўзаллир шу жулдур кисмат.

(Абдулла Орипов)

Эътибор қилинг-а: “улуг ёв” сўз бирикмасида улуг — ижобий тушунча, ёв — салбий тушунча: ижобий ва салбий тушунча ёнмаён келтирилиши фавқулодда ҳодиса — оксиморон воситаси-ла ёвнинг қанақалиги аниқ ифодаланган. Иккинчи мисолимизда “қущдай енгил тана” сўз бирикмаси англатадиган тушунча билан “тоғдай оғир қулаш” лексик бирикмаси англатадиган тушунча бир-бирига зид — уларни бир-бирига қиёслаш йўли билан оксиморон ҳосил қилинган. Ёки юз йил яшаса ҳам ҳаётдан тўймаслик, тахир ҳаётнинг ширинлиги, жулдур қисматнинг гўзаллиги — фавқулодда ҳодиса — оксиморон.

Шоир Рауф Парфидан бир мисол:

Уйгон, эй малагим, тур ўрнингдан, тур,  
Оташин музларда исинайлик юр.  
Ёнгинли дарёда қулоч отайлик,  
Бу ердан кетайлик, фақат кетайлик.

“Оташин музлар” ва “ёнгин дарёлар” — образли лексик бирикмалар ажойиб — кутилмаган оксиморонлардир.

Бир қараашда оксиморон антитетага яқин турғандай туюлади. Аслида бундай эмас: антитетада бир-бирига қарама-қарши тушунчали сўз бир-бирини инкор қиласи, оксиморонда эса икки қарама-қарши тушунчали сўз бир-бирига бирлаштирилади, бири иккинчисига аниқловчи бўлиб хизмат қиласи. (Чунончи: улуф — аниқловчи, ёв — аниқланмиш — от, яъни улуф сўзи ёвнинг баҳайбатлигини информалашга хизмат қилган).

## *Бешинчи боб* **БАДИЙ САНЪАТЛАР**

Бадиий санъатлар...

Бадиий (шеърий) санъатлар шарқ мумтоз адабиётининг, шу жумладан ўзбек адабиётининг ўзига хослиги, миллийлиги, латофати, назокати, ранго-ранглиги, жозибадорлиги ва таъсирчанлигини ифодаловчи тасвир воситасидир. Мумтоз адабиётимиз бадиий санъатларга бой — улар ниҳоятда хилма-хил ва ниҳоятда нафис.

Маълумки, арабларнинг фасоҳату балофат аҳли шеърий нутқ гўзаллиги (санъатлари)ни зотий (табиий) ва орисий (безакли) гуруҳларга ажратиб ўрганишган (бу илм билан шуғулланувчи фанни “Балофат илми” деб юритишган). Форстожик ва турк-ўзбек шуаролари эса зотий ва орисий гўзалик (санъатлар)ни қўшиб, “санойиъ бадеъ” ва бу ҳақдаги илмни “Илми санойиъ” (“Санъат илми”) деб юритишган. Тарихий анъанага кўра, бадиий санъатлар қуидаги навларга ажратиб ўрганилади: а) лафзий (сўзнинг товуш жиҳати билан боғлиқ) санъатлар; б) маънавий (сўзнинг маъноси билан боғлиқ) санъатлар; в) лафзию-маънавий (сўзнинг ҳам

товуш, ҳам маъно жиҳатлари билан боғлиқ) санъатлар. Бадиий санъатларининг биринчи гуруҳи шеърий нутқҳа бе-зак-зийнат баҳш этса, иккинчиси шеър маъносини оширишга таъсир кўрсатади ва, ниҳоят, учинчи гуруҳ санъатлар эса шеърнинг ҳам шаклига, ҳам мазмунига таъсир қиласиди. Шеършунос аллома Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнний “Бадойиъу-с-санойиъ” асарида бадиий санъатларнинг умумий хислатлари ҳақида тўхталиб, шундай деб ёзди: “...умуман барча гўзалликларнинг асоси улдурким, нутқ ул тарзда адо этилгайким, маънони англашга, аниң латофати, таркиби ва соғламлиғига ҳеч бир халал етмагай”<sup>1</sup>.

### Лафзий санъатлар

Лафзий санъатлар, юқорида айтганимиздек, шеърий нутқдаги сўзнинг товуши билан боғлиқ, кўпроқ шакл ҳодисаси сифатида кўринади. Аммо уларнинг ҳам ўз шартлари бор. “Билгилки, — деб таъкидлайди Атоуллоҳ Ҳусайнний, — лафзий гўзалликларнинг асоси улдирким, алфозни маънога тобеъ қилғайлар”<sup>2</sup>.

Лафзий санъатлар гоятда ранг-баранг бўлади. Куйида шуларнинг айримларини кўздан кечирайлик:

**Тарсиъ** (араб. ترسیح — зийнатлаш, безаш) — шеър (байт)-да биринчи мисра сўзлари билан иккинчи мисра сўзларининг бир-бираига оҳангдош, вазндош, қофиядош бўлиб келиш усули. Шеършунос Атоуллоҳ Ҳусайнний “Бадойиъу-с-санойиъ” асарида “тарсиъ” истилоҳининг луғавий маъноси хусусида тўхталиб, “Бу санъатқа “тарсиъ” деб ном берурда ани шода тарсиндин олиптурлар. Ул андоғ дуурким, шоданинг бир ёнидаги жавоҳир иккинчи ёнидаги жавоҳир сингариидир”<sup>3</sup>. Шеършунос аллома ва шоир Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг “Фунуну-л-балога” асарида таъкидланишича, “...тарсиъ ул бўдурким, ҳар калимаким, аввалги мисраъда келур, сўнгги мисраънинг ҳар калимасин ул калималарнинг муқобаласинда келтируб, вазн бирла мувофиқ ва лафз бирла муттағиғ ва охир ҳарф (равий) бирла муттаҳид қилурлар”<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнний. Бадойиъу-с-санойиъ, 35-бет

<sup>2</sup> Шу асар, 35-бет.

<sup>3</sup> Шу асар, 37-бет.

<sup>4</sup> Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балога, Т., Ҳазина, 1996, 84-85-бетлар.

Айрим шеършунослар фикрича, тарсий санъатида шеър (байт) мисраларидаги сўзларнинг ҳижолари миқдори ва сифати ҳам ҳисобга олинар экан. Бир мисол:

Лайли ишқин танимда жон қил,  
Лайли шавқин рангимда қон қил.

(*Алишер Навоий*)

Эътибор қилинса: биринчи мисрада беш сўз, тўққиз ҳижко бор, шу тартиб иккинчи мисрада ҳам мавжуд. Худди шундай тартиб ҳижолар миқдори ва сифати, руқнлар тузилиши, миқдори ва тартиби; ниҳоят вазнлар-баҳрлар тузилиши ҳам шундай.

Яна баъзи мисолларни олиб кўрайлик:

Кўруб дардим тараҳхум қилмадинг ҳеч,  
Тўкуб ашким табассум қилмадинг ҳеч.

(*Алишер Навоий*)

Бу байтдаги “кўруб”- “тўкуб”, “дардим”- “ашким”, “тараҳхум” - “табассум” сўzlари оҳангда ҳам, қофияда ҳам, вазнда ҳам бир-бирига тенг, “қилмадинг ҳеч” сўз бирикмаси иккала мисрада ҳам айнан такрорланиб келганки, бу радифdir.

Кўз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши,  
Юз бирла сўзунг яхши, дудогинг яхши.

(*Алишер Навоий*)

Байтдаги “кўз”- “юз” сўzlари бир-бирига монанд, “қошинг”- “сўзунг” ва “қабогинг”- “дудогинг” сўzlари — зулқофияттайн, такрорланувчи “яхши”- “яхши” сўzlари — радиф, “бирла”- “бирла” сўzlари — ҳожиб.

Демак, Алишер Навоий рубоий жанрида тарсий санъатини моҳирона қўллаган.

Ёд этмас эмиш, кишини фурбатда киши,  
Шод этмас эмиш, кўнгулни меҳнатда киши.

(*Бобур*)

Байтдаги “ёд”- “шод”, “кишини”- “кўнгулни”, “фурбатда”- “меҳнатда” сўzlари бир-бирига тенг, оҳангдош,

вазндош, қофиядош; “киши”- “киши”, “этмас эмиш”- “этмас эмиш” сўзлар тақори — радиф. Кўринадики, байтдаги ҳар бир сўз ўз ҳамроҳига тенг. Бу — тарсий санъатининг ажойиб намунаси!

Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнининг айтишича, байт охира келадиган қофиядан мақсад равийга эришишdir. Мисол:

Сабр билан баста эшиқдур кушод,  
Сабр билан топти эронлар мурод.

(Гулханий)

Байтдаги “баста”- “топти”, “эшиқдур”- “эронлар” сўзлари вазндош, “сабр билан”- “сабр билан” — ҳожиб ва, ниҳоят, “кушод”- “мурод” қофиядош сўзлар (қофиядош сўзлардаги “д” ҳарфи — равий). Демак, Гулханий ҳам равийга, ҳам тарсий санъатига тўла эриша олган.

Тарсий санъати учун лафздаги ҳаракат (ундош) ва сукун (унли) товушлар бир-бирига қанчалик мувофиқ бўлса, шунча яхши. Тарсий латофатли бўлади. Мисол:

Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасин, нетай,  
Оҳима ҳеч шумора йўқ, бўлмаса бўлмасин, нетай.

(Оғаҳий)

Яна бир мисол:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Ҳар неники севмак андин ортиқ бўлмас,  
Андин сени кўп севармен, эй умри азиз.

(Алишер Навоий)

Эътибор қилинг-а: биринчи мисрадаги “жондин”, иккинчи мисрадаги “сондин”, тўртингчи мисрадаги “андин” сўзлари ўзаро қофияланган бўлса, биринчи, иккинчи ва тўртингчи мисралардаги қолган барча сўзлар (“сенни кўп севармен, эй умри азиз”) айнан тақорланиб радиф ҳосил қилган. Бу — мумтоз тарсий!

“Тарсийга асосланган мисраларнинг дикқатга сазоворлиги шундаки, — деб таъкидлайди адабиётшунос В.Раҳмо-

нов, — мукаммал тарсий яратувчи сўзлар қаторида нечта компонент бўлса, шунча қофиядош ва радифдош (ё ҳожибдош) сўзлар қатнашади. Одатдаги шеърларда ҳар бир мисра охиридаги бир сўз қофиядош бўлса, бунда ҳар иккала мисрадаги барча сўзлар қофиядош бўлади. Хуллас, бутун мисралар оҳангдошлиги юзага чиқади. Тарсиъиз мисраларда қофия мисранинг охиридагина келиб, мисралараро оҳангдошликни яратса, тарсиъда зийнатланган байт ўз таркибидаги кўпчилик сўзларнинг қофиядошлиги билан ўзгача товланади. Баъзан тарсий усулидаги мисраларда қатнашган барча сўзлар қофиядош бўлмаслиги ҳам мумкин. Нуксонли тарсиъларда қофиядош бўлмайдиган сўзлар арапалишиб қолган бўлиши мумкин”<sup>1</sup>. “Тарсиъ оддий сўз ўйини эмас, — деб ёзади адабиётшунос Ё.Исҳоқов, — балки фикр билан ифоданинг муайян пайтда мувозанат ҳосил қилиши натижасида юзага келадиган поэтик усул бўлиб, шеърнинг, умуман, тасвирнинг мусиқийлиги ва таъсирчанлигини оширишга ёрдам беради”<sup>2</sup>.

Куйидаги байтнинг мағзини чақиб кўринг-а:

Эй бегим, ушбу юз дегул, шамс била қамармудур,  
Эй бегим, ушбу сўз дегул, шаҳд била шакармудур.

(Атойи)

**Сажъ** (араб. سجع — ҳамоҳанг) — бадиий матнда ишлатилган айрим гап бўлакларининг ё вазнда, ё қофияда ёхуд ҳар иккаласи (вазн ва қофия)да мослашуви<sup>3</sup>.

Сажъ санъати дастлаб ҳалқ оғзаки ижодида пайдо бўлган. Ўзбек ҳалқ эртаклари, достонларидағи анъанавий ўринлар (бошланма, персонажлар тавсифи, руҳий ҳолатлар, пейзаж, афсонавий қасрлар)да сажъ қўлланилган. Сажъ тасвирнинг таъсирчанлигини оширади — ўқувчининг дикқатини тортади. У ҳалқ оғзаки ижодидан ёзма адабиётга ўтган. Мумтоз адабиётимизда сажъ санъатида Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадшариф Гулханий

<sup>1</sup> В.Раҳмонов. Шеър санъатлари. Л., 1972, 106—107-бетлар.

<sup>2</sup> Ё. Исҳоқов. Тарсиъ. Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 4-сон, 75-бет.

<sup>3</sup> Б.Саримсоқов. Сажъ. Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 2-сон, 74-бет.

ва бошқа адиблар юксак маҳорат кўрсатган бўлсалар, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий,Faфур Гулом, Собир Абдулла, Сайд Аҳмад сингари ёзувчилар ҳам сажъ санъатида катта хизмат қилганлар.

Сажъ таснифи ва тавсифида мутахассислар бир хиллика эриша олганлари йўқ. Аммо кўпчилик тадқиқотчилар фикрича, сажъ санъатининг қўйидаги уч тури машхур:

1. **Сажъи мутовозий** (тўлиқ сажъ) — насрый парчадаги айрим сўзларнинг вазнда ҳам, равий ҳарфига ҳам мос бўлиши. Мисол:

“Деҳқонки тузлук била доно соҷар, ҳақ барига юз эшигин очар, сочқон донаси қўкарғунча, ўриб хирмон қилиб маҳсулин қўтарғунча: курту күш андин баҳраманд, дашт вуҳуши анинг бирла хурсанд. Мўрлар уйи андин обод, гўрлар хотира анинг била щуд. Кабутарларга андин мастлик, тўргайларга андин ношод ҳамдастлик...”

(Алишер Навоий)

2. Сажъи мутарраф (қофияли, вазнсиз) — насрый парчадаги сўзлар вазнда эмас, ҳарфий равийдагина мос бўлиши. Мисоллар:

“Бири юз бўлурдин бошида савдо, бўзи катон бўлурдин кўнглида таманно” (Алишер Навоий).

“Бирга арзирни юзга сотмоқдин аларға минг мубоҳат, мингга тегарни юзга олмоғдин йўқ бир зарра үёт” (Алишер Навоий).

3. Сажъи мутавозин (вазнили, қофиясиз) — насрый ёхуд назмий парчадаги гап бўлакларининг қофиясиз вазндошлиги. Мисоллар:

Лугатимда сўзим анча кўп,  
Қайси бири билан бошлайин?  
Шундай шодман, шодлигим беҳад...  
Кўнглим шодлигимдан ўсади!..

(Усмон Носип)

Таъкидлаш жоизки, “...сажъ икки унсур (вазн ва ҳарфи равий)нинг ҳар иккаласи ёки улардан бири қатнашсагина юзага келади. Қофияда эса равийнинг бўлиши шарт (мумтоз қофия назарда тутилади — Т.Б.), аммо вазн ҳеч қандай роль ўйнамайди: қофияланувчилар вазнда тенг ёки тенг бўлмасликлари

ҳам мумкин. Ҳарфий равийда мос келиши жиҳатидан сажъ-нинг икки тури (мутавозий ва мутарраф) қофияга яқин келади. Аммо вазнда мос келиш-келмаслик жиҳатидан сажъи мутавозий мутавозин қофиядан узоқ турса, вазнда мосликтининг шарт эмаслиги ва равийдаги мосликтининг шарт эканлиги жиҳатидан сажъи мутарраф қофияга ўхшаб кетади”<sup>1</sup>.

Муламмаъ (араб. ملّم — турли тилда ёзилган шеър) — шеърнинг бир қисмини бир тилда, бошқа қисмини иккинчи тилда ёзиш санъати. Рашид-и Ватвот фикрича, муламмаънинг ўн байти арабча, ўн байти форсча бўлмоғи раводур. Шайх Аҳмад Тарозий айтур: “Бу санъат анингдек бўлурким, шеъре айтурларким, бир мисраи бир тил бирла бўлур, бир мисраи яна бир тил бирла:

Ба худоки, хасталарға юзунгиз ғамидин ўлмак,  
Ду ҳазор бора хуштар зи ҳаёти жовидони”<sup>2</sup>.

Бу санъат баъзан “талмиъ” деб ҳам юритилган. Муламмаъ шеър икки тилда ёзилган бўлса, “ширу шакар”, уч тилда ёзилган бўлса, “шаҳду шакар” деб юритилган. Агар мумтоз шеъриятимизда, асосан, арабча, форсча, ўзбекча муламмаълар ёзилган бўлса, XX аср шеъриятимизда ўзбекча-русча муламмаълар яратила бошланган. Атоултуоҳ Маҳмуд Ҳусайний дептур: “муламмаъ андин ибораттурким, шеърнинг бир қисми бир тилда, бошқа бир қисми ўзга тилда бўлур. Бу санъатнинг машҳури улдурким, бир мисраи арабча ва иккинчи мисраи форсча ёки бир байти арабча ва бир байти форсча бўлур”<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Б. Саримсоқов. Сажъ ва қофия. Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 1-сон, 78-бет.

Эслатма: Бадиий нутқ икки хил: сочма (прозаик) ва тизма (шеърий) бўлади. Бироқ бадиий нутқнинг қофиясиз вазнли ва вазнсиз қофиляти турлари ҳам мавжуд. Бадиий нутқ вазнли бўлса-ю, аммо унда қофия бўлмаса — “муражжаз” (ҳарора- “оқ шеър”) деб юритилган. Бадиий нутқ қофиляти бўлса-ю, аммо вазнсиз бўлса — “мусажжаб” (“сажъ”) деб номланган. Агар бадиий нутқда вазн ҳам, қофия ҳам бўлмаса — “орий” дейилган.

<sup>2</sup> Шайх Аҳмад ибн Ҳудойодод Тарозий. Фунуну-л-балога, Т.: Ҳазина, 1996, 114-бет.

<sup>3</sup> А. Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Т.: Адабиёт ва санъат, 1981, 92-бет.

Умуман айтганда муламмаълар турли хил бўлади. Масалан: а) Шеърнинг бир қисми (мисраси) бир тилда, иккинчи мисраси бошқа тилда ёзилади:

Соҳибу-р-роҳ мина-р-раҳмати қад нодоний  
Ки, биё жониб-и майхона, чи саргардоний?

Беруний бобомиз шу, исми ҳам Абу Райҳон,  
Ба форси гуфтаам гар аз замони пур Сино.

(A. Орипов)

б) Мисранинг биринчи ярми бир тилда, иккинчи ярми бошқа тилда ёзилади:

Дилбари хуш адои ман мунча чучук бўлурмусан?  
Омад дар канори ман бир даме ўлтурурмусан?

(Машраб)

в) Шеърнинг боши ва охири бир тилда, ўртадаги сўзлар бошқа тилда:

Аз дурии ту намонда сабрам,  
Эмди кетарман тахти Сулаймон.  
Бечора Машраб кўйди ғамингдин,  
Монанди зулфат ҳолим паришон.

(Машраб)

г) Шеърнинг бир байти бир тилда, иккинчи байти бошқа тилда бўлади:

Ба нодоний гуноҳ кардам, илоҳий,  
Вале донам, ки ғаффори гулоҳий.  
Ражаъту илайка фа-ғифирлий зунубий,  
Фа-инний тубту мин қулли-л-маноҳий.

Муламмаълар халқлар ўртасидаги иқтисодий-маданий ва дўстлик-ҳамкорлик муносабатлари самарасидир.

## Қайтариш санъати

Қайтариш санъати тарихий поэтического труда, включающего манбалар-радд “радд ул-ажуз ил-ас-садр”, бальзиларида эса “мутобиқа”, айримларида “тасдир” деб юритилган. Демак, мазкур санъат “радд ул-ажуз ил-ас-садр” деб юритиладиган бўлса, байтда “ажуз”нинг “садр” ўрнида қайтарилиши деган маъно келиб чиқадики, бу, Ё. Исҳоқов айтганидек, қайтариш санъатининг фақат бир тури бўлиб қолади, холос. Ваҳоланки, бу санъатнинг турлари кўп — адабиётшуносликда, уларнинг тури элликдан ошади. Шу важдан мазкур санъатни “радд ул-ажуз ила-ас-садр” деб эмас, балки жамловчи ном — “қайтариш санъати” деб аташ ўринлидир<sup>1</sup>.

Арузда ёзилган шеър байтининг биринчи мисрасидаги биринчи рукни “садр”, сўнгги рукни “аруз”, орадаги рукнлар “ҳашв” ва иккинчи мисранинг биринчи рукни “ибтидо”, сўнгги рукни “зарб” ёхуд “ажуз”, орадаги рукн(лар) “ҳашв” деб юритилади. З.М.Бобур.

Қайтариш санъатининг номланиши борасидагина эмас, унинг таърифи, тавсифи, таснифи ҳақида ҳам бир хилликка эришилган эмас. Биз таълимий мақсадда қайтариш санъатининг қуидаги кўринишларини ўрганиш лозим деб топдик:

1. Радд ул-садр ил-ал ҳашв (байт бошидаги сўзнинг мисра ичida келиши). Бу турнинг ўзи ҳам икки хил бўлади:

а) байтнинг биринчи мисрасида “садр”нинг “ҳашв” ўрнида келиши:

Жоним чиқадур дард ила жононима айтинг,  
Мен хаста гадо ҳолимни султонима айтинг.

(Лутфий)

б) байт “садр”ининг иккинчи мисрада — “ҳашв” ўрнида келиши:

Фарибларнинг иши доим сулукдур,  
Тирик эрмас фариб, мисли ўлукдур.

(А.Яссавий)

---

<sup>1</sup> Ё. Исҳоқов. Қайтариш санъати. Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 2-сон.

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулру келмади,  
Күзларимга кеча тонг откунча уйқу келмади.

(Алишер Навоий)

Күнгүлга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,  
Шикаста кўнглума эрмас қаро бало сочинг.

(Бобур)

2. Радд ул-садр ил-ал-ибтидо (байт бошидаги сўзниг иккинчи мисра бошида келиши):

Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,  
Мен илик жонлин юлдум, кечмас илик қонимдин эл.

(Алишер Навоий)

Кайси бир озорин айттай жонима ағёрнинг,  
Кайси бир оғритқонин кўнглумни дей дилдорнинг.

(Бобур)

3. Радд ул-садр ил-ал ҳашв ва ил-ал-ажуз (“садр”нинг “ҳашв” ва “ажуз” ўрнида келиши):

Ўт агар итса жаҳондин, оҳим ул, ғам эмас,  
Еткурай бир дамда юз аввалға ўт миқдори ўт.

(Алишер Навоий)

4. Радд ул-садр ил-ал-ажуз (“садр”нинг “ажуз” ўрнида келиши):

Ёз бўлдию бўлди яна жаннат киби ёзи,  
Хуш ул кишиким айш ила ўттай қишу ёзи.

(Бобур)

Балойи ишқи ҳардам манга жафойидур,  
Бу ишқдин кеча олмон ажаб балойидур.

(Бобур)

5. Радд ул-ҳашв ил-ал-ибтидо (биринчи мисра “ҳашв”-ининг иккинчи мисрада “ибтидо” ўрнида келиши):

Ёглиғингким жон била мен хастадурмен зор анга,  
Хаста жонлар риштасидиндуру магар бир тор анга.

(Бобур)

6. Радд ул-ҳашв ил-ал-ҳашв (бириңчи мисра “ҳашв”-и-  
нинг иккинчи мисра “ҳашв”и ўрнида келиши):

Очмағай эрдинг жамоли олам оро кошки,  
Солмағай эрдинг бори оламда ғавғо кошки.

(Алишер Навоий)

Кўрмажай эрдим жамоли олам оро кошки,  
Бўлмагай эрдим бори оламга расво кошки.

(Алишер Навоий)

7. Радд ул-ҳашв ил-ал-ажуз (мисра ичида “ҳашв”нинг  
байт охирида келиши):

Ёрдин озор кўнглум ичра беҳад бордур,  
Эй хуш ул кўнгул, анга не ёру не озордур.

(Бобур)

8. Радд ул арўз ил-ал-ибтидо (бириңчи мисра охирида-  
ги сўзниңг иккинчи мисра бошида келиши):

Не рано бўлғай бу ким, меҳроб ичинда ўлтуруб,  
Ўлтурадур мен дуочини кўзунг боқиб туриб.

(Атойи)

Қаёнга борсанг итингмен ўзумни еткурайин,  
Етишмасам санга боқич дуо қилиб турайнин.

(Бобур)

9. Радд ул-арўз ил-ал-ҳашв (бириңчи мисра охиридаги  
сўзниңг иккинчи мисра “ҳашв”и ўрнида келиши):

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шоду байрамлар,  
Манга юзу қошиндин айру байрам ойида ғамлар.

(Бобур)

**10. Радд ул-арўз ил-ал-ажуз** (биринчи мисра сўнг сўзи-нинг байт охирида тақрорланиши):

Юзунгни эй малоҳат хони, бир оч,  
Тўя кўрсун сени бу мустаҳиқ оч.

(Атойи)

**11. Радд ул-ажуз ил-ас-садр** (биринчи байт охиридаги сўзининг кейинги байт бошида келиши):

Хўбларда сенингдек бир маҳбуб нозук?  
Боштин аёки зебо, белу бадани нозик.  
Нозукдуқ ила олдинг кўнглумни боқиб ўғрин,  
Нозик кишиларнингки, ҳар не қилани нозук.

(Лутфий)

Юқорида биз бир байт доирасида юз берган қайтариш санъатининг бир типи ва унинг ранг-баранг кўринишлари хусусида тўхталиб ўтган бўлсак, адабиётшунос Ё. Исҳоқов унинг мураккаб типли кўринишлари ҳақида ҳам фикр юритган. Чунончи, радд ус-садр ил-ал-ажуз ва радд ул-ҳашв ил-ал-ибтидо; радд ус-садр ил-ал-ҳашв ва радд ул-ҳашв ил-ал-ибтидо; радд ус-садр ил-ал-ибтидо ва радд ул-ҳашв ил-ал-ажуз... турлари қайд қилинган. Шунингдек, мазкур қайтариш санъатини вужудга келтиришда иштирок этган сўзларнинг маъно жиҳатидан гуруҳлари, қайтариш санъатининг иштиқоқ, ийҳои каби санъатлар билан қоришиқ ҳолда ишлатилиши борасида ҳам муҳим фикрлар билдирган<sup>1</sup>.

Радд ул-акс (араб. رد العکس — акс санъати усулида қайтариш). Шайх Аҳмад ибн Худойод Тарозий радд ул-акс санъатини “Ал-радд в-ал-акс” деб номлаган. Радд ул-акс — байтнинг сўнгги мисраси ўрнида унинг ilk мисраси (икки ним ним мисрасининг акс санъати усулида) қайтарилиши. “Ул бўдурким, — деб таъкидлайди Шайх Аҳмад Тарозий, — аввалги мисрани сўнгфи мисраъда бо сукуна қилурлар”<sup>2</sup>. Мисол:

<sup>1</sup> Қаранг: Ё. Исҳоқов. Қайтариш санъати. Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 2-сон, 83—87-бетлар.

<sup>2</sup> Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға, 134-бет.

Жону кўнгул марҳами //даъли лабинг ёлидур.  
Даъли лабинг ёлидур // жону кўнгул марҳами.

(Тарозий)

Демак, радд ул-акс санъатининг моҳияти шундан ибортки, байтнинг иккинчи мисраси ўрнида биринчи мисра (икки ним мисраси) ўрин алмашиб келади. Масалан, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган қуидаги байт тузилишига эътибор беринг-а:

Эрурсен шоҳ // — агар огоҳсен сен,  
Агар огоҳсен, сен // — шоҳсен сен.

Англашиларлики, байтнинг биринчи мисрасининг илк ним мисраси (эрурсен шоҳ) иккинчи мисранинг сўнгти ним мисраси (шоҳсен, сен) ўрнида ва биринчи мисранинг сўнгти ним мисраси (агар огоҳсен, сен) иккинчи мисранинг илк ним мисраси (агар огоҳсен, сен) ўрнида такрорланиб, байт мисралари пайвандланган. Бу ўринда радд ул-акс санъати бир байт доирасида амалга оширилган. Бу — радд ул-акс санъатининг бир кўриниши, холос. Радд ул акснинг бу тури, асосан, йирик ҳажмли асарларда учрайди.

Радд ул-акс санъатининг яна бир кўриниши борки, бу, асосан, кичик лирик жанрлар (ғазал каби) юз беради, яъни бир асар (ғазал) бутунлай шу санъат асосига қурилади. Масалан, шоир Ҳабибийнинг “Девон”идан “Жоним ўзинг” ғазалини олиб кўрайлик. Бу ғазал етти байтдан таркиб топган, ҳар байтнинг иккинчи мисраси ўрнида биринчи мисранинг икки ним мисраси ўрин алмашиб келади:

Жону жаҳоним ўзинг, // номи нишоним ўзинг, }  
Ному нишоним ўзинг, // жону жаҳоним ўзинг. } матлаъ

Қоши камоним ўзинг, // зийнати ҳусну жамол,  
Зийнати ҳусни жамол // қоши камоним ўзинг...

Мадҳу баёним ўзинг, // ҳарна, Ҳабибий, десам, }  
Ҳарна, Ҳабибий, десам, // мадҳу баёним ўзинг. } мақтаъ

Ҳозирги шеъриятимизда ҳам аҳён-аҳёнда радд ул-акс санъати учраб туради. Масалан:

Устоз, тақдирингга // таъзим қил бу кун,  
Бу кун эҳтиром қил // толе қошида.

(A.Oripov)

**Радд ул-матлаъ** (араб. رد المطلع — матланинг қайтарилиши) — газал матлаъдаги (қасида бошидаги) бош мисранинг газал мақтаънинг (қасиданинг) сўнгти мисраси ўрнида муайян мақсад билан тақрорланиши. Шеършунос Дойи Жаводнинг фикрича, радд ул-матлаъ санъатида газал (қасида) бошидаги мисранинг унинг мақтаъда тақрорланишидир. Шеършунос ва шоир Шайх Аҳмад Тарозийнинг айтишича, “Бу санъат анингтек бўлурким, шеър матлаънинг аввалги мисрасини тамом мақтаъда радд қилурлар”<sup>1</sup>. Адабиётшунос Ё.Исҳоқовнинг айтишича, мазкур санъатнинг номида шартлилик бор — у асосан, матлаънинг қайтарилиши, тақрорланиши” деб юритилса-да, аслида матлаънинг бир мисрасигина тақрорланади<sup>2</sup>.

Мисоллар:

1. Коши ёсинму лейин, кўзи қаросинму лейин, } матлаъ;  
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму лейин.  
Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини эп, } мақтаъ.  
Коши ёсинму лейин, кўзи қаросинму лейин.

(Алишер Навоий)

2. Эй муганний, чун ниҳон розим билурсен — соз туз, } матлаъ;  
Тартибон мунглув наво созинг била, овоз туз.  
Базм аро ўргар Навоийни ниҳон мунглув суруд, } мақтаъ  
Эй муганний, чун ниҳон розим билурсен — соз туз.

(Алишер Навоий)

**Радд ул-қофия** (араб. رد القافية — қофиянинг қайтиши, тақрор келиши) Радд ул-қофия санъатининг моҳияти шундан иборатки, қасида ёхуд газалдаги биринчи мисранинг оҳангдош сўзи иккинчи байтнинг охирида тақрорланди.

<sup>1</sup> Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуу-л-балога. Т., Хазина, 1996, 128-бет.

<sup>2</sup> Ё. Исҳоқов. Радд ул-матлаъ. Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 1-сон, 77-бет.

Ўзбек шеъриятида радд ул-қофия санъатининг ранг-барагн кўринишлари мавжуд. Масалан:

1. Шеър (ғазал, қасида)нинг биринчи мисрасидаги қофиядош сўз иккинчи байтда айнан такрорланиши:

Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдум санго,  
Не балолиг кун эдиким, ошно бўлдум санго.  
Ҳар не дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгил,  
Ваҳки, кун-кундин баттароқ мубтало бўлдум санго.

(Алишер Навоий)

2. Шеър (ғазал, қасида)нинг биринчи мисрасининг оҳантдош сўзи иккинчи байтдан кейинги (мақтаъдан олдинги) байт(лардан бири)да такрорланиши:

Бизга ул маҳваш тилию кўнгли бирла ёр эмас, } матлаъ:  
Кўнгли ичра ҳар неким онинг тилида бор эмас.

Ёр улдурким тилию кўнгли онинг бўлса бир, } 7-байт  
Ким тили ўзгаю кўнгли ўзга, ул ёр эмас.

(Алишер Навоий)

3. Ғазал матлаидаги (биринчи ёхуд иккинчи мисрада-ти) қофиядош сўзлардан бири мақтаъда такрорланиши:

Эй сабо, шарҳ айла аввал дилистонимдин хабар, } матлаъ:  
Сўнгра дегил кўнгул отлиғ нотавонимдин хабар.

Арз қил тадриж илаким шодлиғидин ўлмайин, } мақтаъ  
Эй Навоий, келса ногоҳ дилистонимдин хабар.

(Алишер Навоий)

Адабиётшунос Ё.Исҳоқов таъкидлаганидек, радд ул-қофия санъати деганда биз шеърдаги ҳар қандай қофия-нинг шунчаки жўн такрорини эмас, балки ғазал ёхуд қасида матлаъидаги қофиядош сўзлардан бири ёхуд иккаласи-нинг бўлак байтларда (шунингдек мақтаъида ҳам) муайян поэтик мақсадларда омонимик қофия сифатидаги такро-рини тушунамиз<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ё. Исҳоқов. Радд ул-қофия. Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 1-сон, 79-б.

Радд ул-қофия санъати фақат мумтоз шеъриятимизда-гина эмас, ҳозирги шеъриятимизда ҳам кенг қўлланилмоқда.

**Хат (китобот) санъати** — араб алифбоси ҳарфлари шаклидан лирик (эпик) манзаралар чизишида, поэтик образ яратишда фойдаланиш усули. Хат санъати орқали тик (тўғри) қоматни “алиф” (“!”) га, эгик қоматни “дол” (“♂”) га, эгриликни “лом алиф” (“Ј”) га қиёсланади, шу тариқа поэтик образ яратилади — муайян фоя олга суриласди.

Хат санъати кичик лирик жанрлар (ғазал, қитъа маснавий, фард...) да учрайди. Баъзан эпик асарлар (ҳикоятлар)-да қиссадан ҳисса тарзида, панд-насиҳат, дидактик хуносани ифодалаб келиши мумкин. Масалан, Абдуваҳобхўжа ўғли Пошохўжа (XVI аср)нинг “Гулзор” ва “Мифтоҳул — адл” тўпламларидаги ҳикоятлар ичida берилган назмий парчалар (назм, маснавий, ғазал, матлаъи) да мэҳирона фойдаланилган хат санъатлари учраб туради.

Ҳикоятлардан бирида ривоят қилинишича, султон Санжари Мозий Марвда бир шоҳона айвон қурдирмоқчи бўлибди. Айвон учун ситунбоп бир оғач топиш қийин бўлибди. Ниҳоят бир кекса аёлнинг ҳовлисида тик ўсан бир оғач борлигидан хабар топишади. Аммо аёл ҳар қанча қилса ҳам оғачни сотишга унамайди. Султон заркаш тўну тилло-тангалар эвазига оғачни сотиб олади. Хуллас олтингпўш ситуни зарнигор айвон битибди. Айвоннинг томошасига халқ йиғилибди. Султон берган заркаш тўнни кийиб олган кампир ҳам томошага келибди. Кампир олтингга бурканган оғачини кўриб хурсанд бўлибди ва ўзогачининг ёнига келиб дебди: эй оғач ростликингдин (тўғрилигингдан) ўзингни ҳам пиллопўш қилдинг, мани ҳам тиллапўш қилдинг...

Шундан сўнг муаллиф қиссадан ҳисса тарзда дейди:

### Қитъа

**Алифдек** агар рост бўлсан, мудом,  
Сенга олам ичра топилмас назир.

### Матлаъ

Гар **алифдек** рост бўлсанг, бол ичинда тут мақом,  
Лом **алифдек** бўлсанг эгри бўл бало ичра мудом.

Шеърий парчада берилган: “алиф” (“ا”) ва “лом алиф” (“ل”) ҳарфларининг шаклларини эслайдиган бўлсак, “алиф-дек тўғри бўлсанг, бол (асал) ичидা мақом тутасан, лом алиф-дек эгри бўлсанг, бало ичра бўл мудом” деган панд-насиҳат келиб чиқади. Демак, муалифнинг ҳикоятда олга сурмоқчи бўлган фикри хат санъати орқали чиройли ифода этилган.

Алишер Навоий, Захириддин Бобур, Огаий, Фурқат лирикасида ҳам моҳирона ишлатилган хат санъатлари бор. Биргина мисол:

Жонимдаги “жим” икки “дол”ингға фидо,  
Андин сўнг “алиф” тоза ниҳолингға фидо,  
“Нун”даги анбарин ҳилолингта фидо,  
Колган икки нукта икки холингға фидо.

(Алишер Навоий)

### Маънавий санъатлар

Бадиий санъатларнинг бу гурухига шеър гояси билан боғлиқ бўлган санъатлар киради. Маънавий санъатлар ҳам ранг-баранг кўринишларга эга. Чунончи:

Ташбиҳ (شبيه — ўхшатиш) — назмий ва насрый асар тилида кўп қўлланиладиган маънавий санъатлардан бири. Ташбиҳ ҳозирги ўзбек тилида асосан “ўхшатиш” деб юритилади. Ташбиҳ икки ёки ундан ортиқ нарса, ҳодиса, хусусиятларни улар ўртасидаги ўхшашлик, умумийлик (сифат, белги ёки функция) нуқтаи назардан қиёслаш. Ташбиҳ тасвир объекти (предмет ёки ҳодисанинг ёхуд уларнинг хусусиятларини) ёрқинроқ ифодалашга хизмат қиласди. Ҳақиқий шоирлар ташбиҳдан фақат сўз ўйини сифатида эмас, балки асар гоясини жозибали ифодалаш мақсадида фойдаланганлар. Ташбиҳ санъатининг илдизлари жуда узокузоқ замонларга бориб тақалади.

Ташбиҳ тўрт қисмдан таркиб топади: 1) мушаббих (ўхшатилган нарса); 2) мушаббихунбих (ўхшаётган нарса); 3) одати ташбиҳ (ўхшатиш воситалари); 4) важхи ташбиҳ (ўхшатиш сабаби). Шеъриятда ташбиҳ кўпинча: -дек, -симон, -дай, -она, -нома, -омуз, -на қўшимчаси; каби, ўхшаш, сингари, янглиғ, худди, гўё, бамисоли, мислсиз, тус, андоқчи, чу, сифат, нусха, ранг, тахлит лексик воситалари ёрдамида яратилади.

Лола каби ёқут қадаҳ, йўқ тубига дурд,  
Бир шиша май андоқки ақиқи яман эрди.

(Алишер Навоий)

Мазкур байтда: биринчи мисрадаги қадаҳ — ўхшатилган, лола — ўхшаган, каби — ўхшатиш воситаси, ёқут (қизиллик) — ўхаш сифат; иккинчи мисрадаги ташбихнинг бошқа унсурлари мавжуд бўлгани ҳолда ўхаш сифати (тиниқлик, софлик) берилмаган (бироқ мазмунан англашилиб туради).

“Сутдай оппоқ боғ-бўстоннинг сийнаси!” (Faфур Fулом) мисрасини олиб кўрайлилк. Мисрадаги “сийна” — ўхшатилаёттан предмет, “сут” — ўхшаётган нарса ва “оппоқ” — ўхаш белги (сифат) ва, ниҳоят, “-дай”-ўхшатиш қўшимчаси. Шоир боғ-бўстоннинг сийнасини оппоқ сутга ўхшатиш йўли билан поэтик образ яратган: ўқувчи қалбида тасвир объекти (боғ-бўстоннинг сийнаси)га қизиқиши, ҳавас уйғотаяпти, тасвирда образлиликка ва таъсирчанликка эришяяпти.

Ташбиҳлар ҳамиша тўлиқ бўлавермайди. Чунончи, ташбиҳда ўхаш белги тушиб қолиши мумкин:

Бу кун бошқачадир пахтазор, дала,  
Ойнадай булоқлар, кумуш соч тоғлар.

(Уйғун)

Бу байтдаги “ойнадай булоқлар” лексик бирикмаси — ўхшатиш, аммо у тўлиқ эмас: булоқ (ўхшатилаёттан нарса), ойна (ўхшаёттан нарса) дай (ўхшатиш қўшимчаси), тиниқ — ўхаш сифат белгиси тушиб қолган. Шунга қарамай ўхшатма белги (тиниқлик)нинг маъноси ўхшаётган нарсадан англашилиб турибди. “Кумуш соч тоғлар” бирикмаси эса сифатлаш: “тоғлар” — тасвир объекти, “кумуш” соч тоғ” — тоғнинг сифат белгиси (бирикмали сифатлаш). Демак, шоир шу биргина байтда булоқлар ва тоғларни ўхшатиш ва сифатлаш воситасида образли тасвир этмоқда.

Баъзан ўхшатища сифат белгиси ҳам, ўхшатиш қўшимчаси ҳам тушиб қолиши мумкин. Мисол:

Кўк — ювилган, артилган шиша,  
Сувлар-тиниқ, япроқлар-олтин.

(Уйғун)

Биринчи мисрада “кўқ” (осмон) “шиша”га ўхшатиляпти, ўхшаш сифат- “ювилган”, “артилган”, аммо ўхшатиш кўшимчаси йўқ. Иккинчи мисрадаги “япроқлар олтин” лексик бирикмаси ҳам ўхшатиш: бунда фақат икки унсур бор — ўхшатилаётган нарса (япроқ) ва ўхшаётган нарса (олтин); ўхшаш сифат белгиси ҳам, ўхшатиш кўшимчаси ҳам йўқ. Аммо, шунга қарамай, шу лексик бирикманинг ўзиданоқ япроқнинг олтиндай сап-сариқ ва ниҳоятда нағислиги англашилиб турибди. Бундай пайтда ўхшаш сифат белгиси ва ўхшатиш кўшимчаси тасаввур қилинади, холос. Бу — фоятда сикиқ, қисқа ўхшатиш. “Сувлар тиниқ” лексик бирикмаси ҳам худди шундай: сувнинг тиниқлиги, унинг тозалиги, мусаффолиги аломати (“тиник” аслида сифат, лекин бу ўринда у отлашган. Шу сабабли у ўхшаётган нарса вазифасини ўтаган)...

Агар ташбиҳ тўлиқ (тўрт жувли) бўлса — “ташбиҳи мұфассал”, ташбиҳдан “важҳи ташбиҳи” туширилиб қолдирилган бўлса — “ташбиҳи мужмал”, агар ташбиҳдан “важҳи шабиҳ” ва “воситай ташбиҳ” туширилиб қолдирилган бўлса — (ташбиҳда фақат “мушаббих” ва “мушаббихун”-гина бўлса) — “ташбиҳи мұяққад” деб юритилган.

Ташбиҳларнинг турлари кўп. Улар юзага келишига кўра: инкор, киноя, сатирик, чоғишишим; унсурларига кўра: тўлиқ, тўлиқсиз, воситасиз, содда, мураккаб, таркибли, узилган, кетма-кет ўхшатишларга бўлинади.

Мумтоз шеъриятимизда ташбиҳларнинг, асосан, қўйидаги турлари кўп қўлланилган:

1. **Ташбиҳи мутлақ** (очиқ ўхшатиш) — бир нарсани иккинчи бир нарсага ташбиҳ воситасида тўғридан-тўғри ўхшатиш:

Чун лола қўрсам доғ эрди қат-қат,  
Ҳамдам тополмай айтурға ҳасрат.  
Боғларда сенсиз, эй сарвқомат,  
Кумридек этдим оҳу надомат.

(Муқимиий)

2. **Ташбиҳ-и киноят** (киноя йўли билан ўхшатиш). “Бу ташбиҳнинг моҳияти шундан иборатки, шоир ўхшатиш воситаларини ишлатмаган ҳолда, ўхшаган нарсаларнинг

номини аташ йўли билан нимага ўхшатилганлигига имо-ишора қиласди” дейди Радиддин Ватвот<sup>1</sup>. Бу — ёпиқ ташбиҳ. Мисол:

Сен лабинг сўрғон сойи мен кон ютармен, эй ҳабиб,  
Сен май ичгилким, манга хуни жигар бўлмиш насиб.

(Алишер Навоий)

3. **Ташбиҳ-и машрут** (шартли ўхшатиш) — бир нарса ёки ҳодисани бошқа бирига маъгум шарт билан ўхшатиш. Бу ташбиҳда: -са, -агар, -гар, -агарда қўшимчалари иштирок этади:

Фалакнинг ойи юзунгга мушобиҳ ўлғай агар  
Оғзи Суҳову Зуҳалдин юзинда хол ўлғай.

(Алишер Навоий)

4. **Ташбиҳ-и тасвийят** (баробар ўхшатиш). Рашидиддин Ватвотнинг айтишича: ташбиҳнинг бу турида “шоир ўзидан бир белги ва тасвирланаётган нарсадан бир белгини олиб, уларни бошқа бирор нарса билан қиёслайди”<sup>2</sup>.

Баски қўнгул оғзи хаёлидадур,  
Еунчалек ўтмишдуур андом аро.  
Тишинг шавқида ғалтонлик аро юз гўшада қолғай,  
Агар инжу ўзин солса дури ашким қаторинда.

(Алишер Навоий)

Биринчи байтда шоирнинг кўнгли ва маъшуқанинг оғзи гунчага ўхшатилган бўлса, иккингчисида шоирнинг кўз ёши ва маъшуқанинг тишлари инжуга ташбиҳ этилган.

5. **Ташбиҳ-и акс** (тескари ўхшатиш) — бир нарсани иккинчи бир нарсага ўхшатиш жараёнида ҳосил бўлган ташбиҳ билан кифояланмай, энди кейингисини аввалгисига қиёслashi (сочни тунга, тунни сочга каби):

<sup>1,2</sup> Иштибоҳ. Е. Исҳоқовнинг “Ташбех” мақоласидан олинди. Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 4-сон, 83—84-бетлар.

Сув кўзгусини боғ аро айларди шитоб,  
Сиймоб қилур эрди таҳаррук била тоб.  
Дай қилди бу сиймобни андоқ кўзгу,  
Ким кўзгу анинг қошида бўлғай сиймоб.

(Алишер Навоий)

**6. Ташбиҳ-и музмор** (яширин ўхшатиш). Рашидиддин Ватвот айтишича, “шоир бир нарсани иккинчи нарсага ташбиҳ қиласди. Аммо зоҳиран шундай иш тутадики, гўё унинг мақсади ўхшатиш эмас, балки бошқа нарса. Ҳақиқат-да эса фикрнинг замирида ўхшатиш ётади”<sup>1</sup>. Мисол:

Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафик, мени,  
Гулоб била ювгилу, гул баргидин кафан қилғил.

(Алишер Навоий)

Байтда маъшуқанинг юзи гул япрофига, ундаги тер гулобга ташбиҳ қилинган.

**7. Ташбиҳ-и тафзил** (чекиниш йўли билан ўхшатиш) — бир нарсани бошқасига ўхшата туриб, ўз фикридан қайтиб, ўхшатилган нарсани (мушаббиҳни) ўхшалгандан (мушаббиҳунбехдан) устун қўяди. Мисол:

Оразингни ой десам, эрмас муважжаҳ, негаким  
Ойнинг оғатлиғ кўзу рухсораи гулфоми йўқ.  
Фунчани оғзинг десам, наилай, анинг гуфтори йўқ,  
Сарвни қаддинг десам, нетай, анинг рафтори йўқ.

(Хусайнин)

**8. Ташбиҳ-и мусалсал** (кетма-кет ўхшатиш). Шоир бирор нарсани бўрттириб тасвирилаш мақсадида уни бирин-кетин бир неча нарсаларга қиёс қиласди. Бу ташбиҳда машаббиҳ битта, мушаббиҳунбех бир неча бўлади:

Ҳар гулки очибдур май ул орази дилжўда,  
Гулларму экин суда, гул аксиму кўзгуда.  
Кўзгуда юзунг акси, гар яхши назар қилсанг,  
Ёр уйла биайниҳқим, кун акси тушар суда.

(Алишер Навоий)

<sup>1</sup> Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 1-сондан олинди.

9. Ташбиҳ-и мўъқад (таъкид йўли билан ўхшатиш). Бунда ўхшатиш воситалари (ёрдамчи сўзлар: -дек, -дай... қўшимчалари) бўлмайди, балки ўхшатилган ва ўхшаган нарсагина бўлади. Мисол:

Хати — бинафша, хали — лода, зулфи — райхондор,  
Баҳор ҳуснда юзи — ажаб гулистондир.

(Бобур)

Эндиликда, бадиий тилда ташбиҳларнинг икки хили — анъанавий ўхшатишлар ва янги-оригинал ўхшатишлар ишлатилмоқда. Анъанавий ўхшатишлар (тишни дурга, лабни лаълга, фунчага, юзни ойга, кўзни юлдузга, зулфни зулукка, қоматни сарвга, маъшуқани гулга, ошиқни булбулга, айёри тулкига, ювшашни қўйга, ёвузни бўрига қиёслаш) — қадимий ташбиҳлар бўлиб, булардан сўз усталари ўрни-ўрни билан фойдаланмоқдалар. Бироқ тилда инди-видуал — оригинал, янги ўхшатишлар устувор мавқега эга. Масалан, шоир Faфур Fулом бир шеърида бўлиқ фўзаларни инжулар уйилган кумуш барқашга ўхшатганки, бу оригинал ўхшатиш шеър тили ва гоясининг жозибали чиқишига кўмак берган.

Ийҳом (араб. إِيَّاهُم — шубҳага солиш, чалғитиш) — мурракаброқ маънавий санъатлардан бири. Тарихий поэтикага оид манбаларда уни “таврия”, “иҳом”, “тажхил” ҳам деб юритишган. Ийҳомга қуйидагича таъриф берилган: Шамсиддин Муҳаммад бинни Қайси Розий: “Иҳом — “шубҳага солиш” — санъатининг моҳияти шундан иборатки, бунда икки маъноли сўз ишлатилади: биринчи маъноси яқин, юзаки, иккинчиси эса узоқ. Бу сўз шундай ишлатиладики, эшитивчи даставвал биринчи маънони қабул қиласди, ваҳоланки, сўзловчининг асосий мақсади сўзнинг узоқ, ички маъносидадир” (“Ал-муъжам”)<sup>1</sup>. Воҳид Табризий: “Икки ёки ундан ортиқ маънога эга бўлган ҳар қандай сўз иҳом дейилади. Иҳом шубҳага туширишдир. Яъни бир маънони топгандан сўнг яна бошқа маъноси ҳам бормикин, деган гумон қиласдилар” (“Джами мухтасар”)<sup>2</sup>. Атоул-

<sup>1,2</sup> Иқтибослар. Ё. Исҳоқовнинг “Иҳом” мақоласи. Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 1-сон, 88—89-бетлар.

лоҳ Маҳмуд Ҳусайнний: “Ул андин иборатким, қаломда бир лафз келтиурким, андин икки маъно англашилур, бир маъносининг англами яқин, иккинчисининг англами йи-роқ бўлур ва мурод англами узоқ маъно бўлиб, анинг яширин маънодошифа, хоҳ ўшул қаломда бўлсун, хоҳ андин ташқарида бўлсун, таянилур”<sup>1</sup>.

Адабиётшунос Ё. Исҳоқов “Иҳом” мақоласида назарий қарашларини Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур фазалларида қўлланилган ийҳомлар мисолида асослаб берган. Чунончи, Бобурнинг:

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,  
Нега ҳолим ямон қилди — мен ондин бир сўрорим бор.

байтидаги “сўрорим” сўзи ийҳом санъати эканлигини таъкидлайди. Негаки, бу ўринда “сўрорим” сўзининг икки маъноси бор: а) бағрим “қон” бўлди, “кўзумдин қон равон” бўлдики, мен бунинг сабабини ондин (ёрдин) сўрашим бор; б) унинг лаблари тотидин аҳволим жуда ғалати бўлиб кетдик, мен у лаблардан яна бир бор “сўрорим” бор. Шоирнинг муддаоси “сўрорим” сўзининг худди шу маъносида. Демак, шоир лирик қаҳрамоннинг чуқур интим ҳис-туйғуларини яланғоч ҳолда эмас, нозик туйғуни пардали (нафис ифода воситаси — ийҳом санъати орқали ниҳоятда жозибали ва ҳаёли) қилиб акс эттирган.

Адабиётшунос С.Рафиддинов (“Маъжоз ва ҳақиқат”) фикрича, шоир маҳорати ва истеъодини белгилашда ийҳом санъати катта роль ўйнаган. Шу нуқтаи назардан ўзбек мумтоз шеъриятининг йирик вакилларидан бири бўлган Атойи маҳоратини унинг бадиий санъатларига, шу жумладан ийҳом санъатига алоҳида эътиборидан қидириши ҳам эътиборли. Тадқиқотчининг таъкидлашича, Атойи фазалиётида ўттиз етти марта ийҳом санъати истифода қилинган экан. Чунончи, қуйидаги байтлардаги остига чизилган сўзларнинг қўлланилиши борасидаги шоирнинг санъаткорлигига эътибор қилинг-а:

- a) Не ширин ўғрилур оғзинг олиб кўнглунгни тўйғунча,  
Ёшунди ҳар неча сўрсам, топилмас инфи олиндин.

---

<sup>1</sup> А. Ҳусайнний. Бадойиъиу-с-санойи, 123-бет.

- б) Журъаे лаълинг майдидин одамилар жон топар,  
Айб эмас сўрмок магар ул оби ҳайвондин, бегим.  
в) Тўкти конимни лабинг, мен сўрмадим андин даме,  
Чун сўрулмас қозийи ишқ онлида қон қиссасин.  
г) Атойи сиррини ҳар не ёшуур элдин,  
Кизорта қон ёши юз ерда ошкор қилур.

Юқоридаги байтларда остига чизилган сўзлар: “сўрсам”, “сўрмоқ”, “сўрмадим” ва “юз”ларнинг пинҳоний маънолари — шоирнинг асл муддаоси-ийҳом!

Алишер Навоий бир ғазалида:

Зулм ила юз чок қилғон танға гар марҳам ёқиб,  
Буткорур биз десалар ул захмларни бутмангиз.

дейди: байтдаги “юз чок”, “буткорурбиз”, “бутмангиз” сўзларининг ботиний маъноларига ургу беради — ийҳом санъати орқали ўз замонасидағи ижтимоий адолатсизликка, субутсизлика ишора қиласиди.

**Иштиқоқ** (араб. إِشْتِقَاق — сўздан сўз чиқариш) — бир ўзакдан ҳосил бўлган маънодош сўзларни муайян ғоявийбадиий мақсадда ишлатиш санъати. Иштиқоқ санъати мумтоз шеъриятимизда ҳам, ҳозирги замон шеъриятида ҳам ишлатилган. Иштиқоқ кўллаш шартлари қуйидагича: иштиқоқни вужудга келтирувчи сўзлар, биринчидан, бир ўзакдан ясалган бўлиши, иккинчидан, бир муайян доира(ғазал, қасида, маснавий...)да юз бериши лозим. “Иштиқоқ оддий сўз ўйини эмас, — деб таъкидлайди адабиётшунос Ё. Исҳоқов, — балки у бу сўзнинг шаклий ўзгариши мазмун тақозоси билан юзага келади, янги шаклнинг ҳосил бўлиши дастлабки маъно билан боғлиқ бўлган янги тушунчани ҳам пайдо қиласиди”<sup>1</sup>. Мисоллар:

Эд янги ой кўрди-ю. мен кўрмадим қоши хамин,  
Элға байрам бўлди, аммо бизга байрам бўлмади.

(Алишер Навоий)

Байтдаги “эл”-“элға” — иштиқоқ; “байрам”-“байрам” — такрир; “кўрди-ю” - “кўрмадим” — иштиқоқ.

<sup>1</sup> Ё. Исҳоқов. Иштиқоқ. Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 4-сон, 73-бет.

Очмағай эрдинг жамолинг олам аро кошки,  
Солмағай эрдинг бори оламда ғавғо кошки.

(Алишер Навоий)

Байтдаги “олам”-“оламда” — иштиқоқ; “эрдинг”-“эрдинг” — такрир.

Күк бинафша орани аңжум чу наргис зор этар,  
Наргисинг бирла бинафшанг ҳажри күнглум зор этар.

(Алишер Навоий)

Байтдаги “бинафша”-“бинафшанг”, “наргис”-“наргисинг” — иштиқоқ; “зор этар”-“зор этар” — бадиий такрир.

Ёр юзимни күруб дарду ғамим билса керак,  
Юз күруб дарду ғамим чорасини қылса керак.

(Бобур)

Байтдаги “Юз”-“юзимни” сүzlари — иштиқоқ; “күруб дарду ғамим”-“күруб дарду ғамим” — бадиий такрир; “билса”-“қылса” — қофия.

Жонимдек ўзга жони дилафкор күрмадим,  
Күнглум киби күнгүлни гирифтөр топмадим.

(Бобур)

Байтдаги “жони”-“жонимдек”, “күнглум”-“күнглумни” — иштиқоқ.

Мен бүлгай жондин фидо  
Бүлгунча жонондин жудо,  
Не керак жон, эзса жоним  
Бир умр армон юки.

(Эркин Воҳидов)

Байтдаги “жондин”-“жонондин”, “жон”-“жоним” сүzlари — иштиқоқ.

Бор экан инсон қўлида  
Орзу ёқсан цирок,  
Бу цирокни, ўйла, бир кун  
Офтоб айлар хаёл.

(Эркин Воҳидов)

Байтдаги “чироқ”- “чироқни” — иштиқоқ санъати.

Поэтикага доир асарларда қайд этилишича, бир ўзакдан ҳосил бўлмаган, лекин шаклан иштиқоқга ўхшаш бўлган сўзлар ҳам учраб турадики, буни “шибҳи иштиқоқ” (иштиқоқقا ўхшаш) деб юритилади. Масалан:

Муҳаббатни туғар минг турли асор.  
Кўнгил асорини жон бирла асор.

(Хоразмий)<sup>1</sup>.

Байтнинг “арузи”да келган “асор” сўзи билан “зарби”да келган “асор” — “шибҳи иштиқоқ”. Негаки, бу ўринда “асор”- “асор” сўzlари ўзакдош ҳам маънодош ҳам эмас. Аммо биринчи мисранинг “арузи”да келган “асор” сўзи билан иккинчи мисранинг “ҳашви”да келган “асорини” сўзи — иштиқоқ.

Лутф (араб. لطف — яхшилик, марҳамат) — шеър мисраларида муайян бир сўзни ёхуд сўз бирикмасини икки ёки ундан ортиқ маъноларда кўллаш усули. Лутфда сўз ўйини бўлади — ўкувчи мутолаа қилиш жараёнида уни осонлик билан сезиб олади. Юзаки қарагандা, лутф ийҳомга ўхшаб кетади, аммо улар бир нарса эмас. Масалан, лутф бўлиб келган сўз ёхуд сўз бирикмасининг барча маънолари “мана мен” деб аниқ сезилиб туради, ийҳом бўлиб келган сўзининг яширин маъносини узоқ ўйлаб топишга тўғри келади. Лутф аслида ҳалқ оғзаки ижоди, хусусан, асия жанрида кенг қўлланилади. Аммо мумтоз шеърия-тимизда маҳорат билан ишлатилган лутфлар кўп.

Лутфий девонидан бир лутф:

Кун тушда кўргали сени тушти заволга,  
Ой тонгта қолди кеча боқиб ул жамолга.

Бу байтдаги “тушда” ва “тонгта” — сўз ўйини — лутф бўлиб келаётир. “Тушда” сўзининг биринчи маъноси — “туш пайти”, иккинчи маъноси “тушида”. “Тонгта” сўзининг биринчи маъноси — “тонг” (тонг отгунча), иккинчи маъноси — “тонг қолди” (ҳайратда қолди).

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 4-сон, 73-бет.

**Тазод** (араб. تضاد — қаршилантириш) — бир-бирига зид тушунчаларни ифода этувчи сўзларни маълум бир эстетик мақсадда бир-бирига боғлаб ишлатиш усули. Аллома ва шоир Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий “тазод”ни “Ал-мутазод” деб номлаган.

“Ўтлуг кўзунгда сув ажаб эрмасму, ҳаким:  
Ҳеч ерда бўлмас, албатта, бодоми гарму тар.

Бу санъат ул бўдурким, икки нарса келтуурларким,  
бири-бирининг зидди бўлғай: сув ва ўт.

Мисоли дигар. Мавлоно Лутфий айтур:

Рақиб келгай дедим, ёр келди ёлғиз,  
Ямон соғинмағунча яхши келмай”<sup>1</sup>.

Атоулоҳ Маҳмуд Ҳусайнининг уқтиришича, тазодни “мутобақа”, “тибоқ”, “татбиқ ва “такофи” деб ҳам юритишиган. Шамс Қайс Розий эса “тазод”ни “мутобиқа” деб номлаган. “...каломда маънолари орасинда тақобулу танофий (бир-бирини инкор қилиш) бўлғон икки лафзни жамъ қилмоқтинг ибораттур... Дептурларким, тақобул андоқ икки нима орасинда бўлурким, бирининг борлиги ва тасаввури иккеничисисиз мумкин бўлур. Агар алар орасидағи қарама-қаршилик қора билан оқ сингари фоят даражада бўлса, ул тақобули тазоддир, агар қаршилик қора билан қизил орасиндағи-дек фоят даражада бўлмаса, ул тақобули таонуддур...”<sup>2</sup>.

Аллома қарама-қаршилик даражасига қараб тазоднинг бир неча турларга бўлинишини айтган. Ҳуллас, тазодда бир-бирига зид нарса ва тушунчалар тўқнаштирилади, айни чоқда, уларнинг замини — асоси бир-бирига зид тушунчаларни ўзида мужассамлаштирган обьект бирлиги ва шу обьектни таъсири қилиб очиш ва унга нисбатан ўқувчи қалбida фаол муносабат уйғотишдан иборат. Тазод юзакироқ қараганда антитеза усулига ҳам ўхшайди — уларнинг ҳар иккаласида ҳам бир-бирига зид тушунчалар юзлаштирилади, айни чоқда, уларнинг бир-биридан фарқли жи-

<sup>1</sup> Шайх Аҳмад Тарозий. Фунунну-л-балоға, 112-бет.

<sup>2</sup> А. Ҳусайнин. Бадойиъу-с-санойиъ, 225-бет.

ҳатлари ҳам бор. Антitezада тўқнашувчи бир-бирига зид нарсалар икки мустақил манбадан келиб чиқса, тазоддаги тўқнашувчи бир-бирига зид нарсаларнинг келиб чиқши манбаи ягона: бир нарса ҳам яхшиликнинг, ҳам ёмонликнинг келиб чиқшини ўз ичига қамраб олади. Чунончи, маъшуқа мужгонларидан ўқ отиб ошиқни ҳалок қилса, лаъл лаблари билан унга ҳаёт бахш этади, дейлик. Демак, ёмонлик (ўлдириш) ва яхшилик (ҳаёт бахш этиш) бир-бирига зид тушунчалар — шулар тўқнашади, аммо, айни пайтда, ҳар иккала хислатнинг ҳам манбаи бир — маъшуқа. Тазод — мана шу! Яна бир гап. Тазоднинг параллелизм ва оксиморон билан муштарак жиҳатлари ҳам йўқ эмас: параллелизмда бир-бирига тенг ва мос нарса қиёсланса, оксиморонда икки бир-бирини инкор қиласиган икки нарса ёнмаён кўйилиб образ яратилади, тазодда эса бир манбадан келиб чиқсан (бир-бирига зид нарсалар) тушунчалар қиёсланади. Демоқчимизки, параллелизм ҳам, оксиморон ҳам, антитета ҳам, тазод ҳам бир-биридан ажралиб турадиган алоҳида-алоҳида санъатлардир.

Тазод шеъриятда ҳам, насрда ҳам, драматургияда ҳам кўлланилаверади. Бу санъат фақат ўтмиш адабиётидагина эмас, ҳозирги адабиётимизда ҳам кенг ишлатилмоқда. Баъзи мисоллар келтирайлик:

Оҳқим ушшоқларини рашк ўтиға куйдириб,  
Базм этиш файр ила то вақти аzon токайгача.

*(Муқимий)*

Бу байтнинг магзини чақиб кўрайлик: аввало, “ушшоқларини рашк ўтиға куйдириш” ва файр (бегона) ила “базм этиш” — бир-бирига зид ҳолат, аммо айни, дамда, бу иккала хислат ҳам ёр (маъшуқа)дан келиб чиқсан. Бу ўринда шоир маъшуқанинг бевафолиги, ситамкорлиги, дилозорлигига бизнинг эътиборимизни тортаяпти — шу вазиятта нисбатан киши қалбida эмоция қўзғаяпти.

Гаҳе топтим фалакдин нотавонлиғ.  
Гаҳе кўрдим замондин комронлиғ.  
Басе иссиг-совуқ кўрдум замонда,  
Басе аччиғ-чучук тоттим жаҳонда.

*(Алишер Навоий)*

Бу шеърдаги “комронлиф”- “нотавоңлиф”, “иссиқ-со-вүк”, “аччиқ-чучук” сўзлари бир-бирига зид тушунчаларни ифодалайди ва, айни чоқда, уларнинг манбай бир — замона. Алишер Навоий бу ўринда тазод санъати ёрдамида ўта зиддиятли, бениҳоя мураккаб, машаққатли ҳаёт манзарасини чизган.

**Тадриж** (араб. تدريج -аста-секин, пешма-пеш) — воқеа, маъно ёхуд вазиятнинг аста-секинлик билан даражама-даражада ривожланиш жараёнида кўрсатиш санъати. Тадриж, асосан, воқеабанд шеърларда қўлланилади. Тадриж, одатда, поэтик маъно ёхуд образни ўхшатишлар воситаси билан пешма-пеш ўсиш жараёнида кўрсатишга хизмат қиласди. Масалан, Алишер Навоийнинг “Ёрсиз” матлаъли фазалида худди шу ҳолатни кузатиш мумкин:

Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,  
Булбул ўлғондек ҳазон фасли гулу гулзорсиз.  
Гаҳ сарв узра, гаҳи гул узра булбул нағмасоз,  
Ваҳки, мен, мен гунгу лол ул сарви руҳсорсиз.  
Тонг эмастур гар диёру ёрсиз озурдамен,  
Ким эмас булбул гулу гулзорсиз озорсиз.  
Равза ашжори ўтундур, гуллари жонимга ўт,  
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиф даме дилдорсиз...

Фазалнинг барча мисраларида лирик қаҳрамон — ошиқ-нинг маъшуқасидан айрилиб қолган пайтидаги руҳий ҳолати, кечинмалари, ҳижрон изтироблари даражама-даражада оширилиб, чуқурроқ очила борган: биринчи байтда — навбаҳор фасли бўлса-да лирик қаҳрамон диёру ёрсизлик изтиробини чекиши, қаҳрамоннинг ҳолати булбулнинг гулзорсиз бўлиб қолган пайтдаги ҳолатига қиёсланади, булбул гулсиз яшай олмаслиги табиий — ҳазон фасли булбул учун ўлимдек гап; иккинчи байтда гоҳ сарв узра, гоҳ гул узра учеб юрган нағмасоз булбулнинг бекарорлиги лирик қаҳрамоннинг “гул руҳсорсиз” — ёрсиз “гунгу лол” бўлиб қолган ҳолати тақдосланади — қаҳрамоннинг ҳижрон изтироблари яна бир карра чуқурроқ очилади. Худди шу тахлитда газал охиригача лирик қаҳрамоннинг ёрсизлик, дийёрсизлик изтиробларини чекаётгани, унинг дард-ҳасратлари байтма-байт, мисрама-мисра, пешма-пеш очила боради. Лирик қаҳрамон маънавий дунёсини, руҳиятини

бадиий ифодалашда ранг-баранг қиёслар, ўхшатишлар шо-  
ирга қўл келади.

Бу ўринда Алишер Навоийнинг яна бир ғазалини ўқиб  
кўрайлик-а, ҳани унда ҳам тадриж санъати қўлланилган-  
микан:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг откунча уйқу келмади.  
Лаҳза-лаҳза чиқтими чектим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимга ул шўхи бадхў келмади...  
Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,  
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.  
  
Толиб содиқ топилмас, йўқсаким қўйди қадам,  
Йўлфаким, аввал қадам маъшуқа ўтрў келмади.  
Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,  
Не учунким бода келган уйга қайфу келмади.

Агар ғазални синчилаб ўқиб, лирик қаҳрамоннинг ру-  
ҳий ҳолатини кузатган бўлсангиз тадриж санъатининг ёр-  
қин намунасини сезасиз. Негаки, шеърда ошиқнинг маъ-  
шуқанинг субутсизлигидан чекаётган изтироблари пого-  
нама-пофона (байтдан-байтга ўтган сари) ривожланиб  
борган — ёрнинг ваъдасига вафосизлигидан пайдо бўлган  
норозилик даражама-даражада ўсиб фигонга айланган ва,  
ҳатто, замонанинг нобоплигидан норозилик даражасига  
кўтарилган. Бизнингча, бу шеърда шоир тадриж санъати-  
ни маҳорат билан қўллаган.

**Ирсолу-л-масал** (араб. ارسال المثل — мақол қўллаш) —  
шеърда мақол, матал, ҳикматли сўзларни муайян мақсадда  
тамсил йўли билан ишлатиш. Ирсол-л-масал назмда ҳам,  
насрда ҳам қўлланилаверади.

Поэтикага оид асарлар таъкидланганидек, адабий асар-  
ларда мақол, матал ва ҳикматли сўзлар, асосан, қуйидаги  
уч йўл билан ишлатилган: а) қўлланилган мақол, матал ва  
ҳикматли сўзлар шоирнинг аниқ ишораси билан (“дерлар”,  
“айтурлар”, “масалдур”, “масалдурким”...) берилади:

Боболарда бир гап бор,  
Эшиг оғажон:  
“Босган изидан қайтмас  
Ўлса ҳам арслон”

(Ҳамза)

б) мақол, мatal ёхуд ҳикматли сўз ҳеч қандай ишорасиз ва ўзгаришсиз ишлатилади:

Сабр қылсанг фурадин ҳалво битар,  
Бесабрлар ўз оёғидан йитар.

(Гулханий)

в) мақол, мatal ёхуд ҳикматли сўзнинг маъноси сақланган ҳолда шакли турли ўзгаришларга учрайди:

Умрини ошиқ ҳамиша  
Ўтказур орзу билан:  
Ойнинг ўн беши қоронғу,  
Ўн беши ёғду билан.

(Эркин Воҳидов)

**Калом-и жомиъ** (араб. جامع — ҳикматли) — ўтит, ҳикмат ва шикоят билан зеб берилган шеър. Мисоллар:

а) шикоят руҳида ёзилган шеър:

Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фироқ,  
Жонимга балою дард ўқин урди фироқ.  
Жисмимни фано ўтиға куйдурди фироқ,  
Чун куйди, кулини кўкка совурди фироқ.

(Алишер Навоий)

б) ҳикмат-ла йўғрилган шеър:

Үурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

(Алишер Навоий)

в) ўтит билан зийнатланган шеър:

Эй кўнгил, кимсаким сени севмас,  
Коч, онинг тиграсига айланма.  
Ки насиҳат қилурди ўтганлар,  
Дедилар: “севмаганга суйканма”.

(Оғаҳий)

Тарозий, құлма дунёдин шикоят,  
Канаф бирла урушмоқ сирфа қилмас.

(*Тарозий*)

Ружӯй (араб. رجع — қайтиш) — поэтик нутқда күп күлланиладиган бадиий санъатлардан бири. Бу санъат мұмтоз адабиётимизда баъзан “истидрок” ҳам деб юритилған. Ружӯй санъатининг моҳияти шундан иборатки, шоир ўз фикр ва кечинмаларини баён этиш мақсадида турли образ ёки иборалардан фойдаланар экан, тасвир жараённанда ўзининг олдинги фикридан воз кечиб, унинг ўрнига янги фикр (образ, ибора...) келтиради. Гүё ўз мақсадини тұлық ифодалаш учун ожизлик қылган ибора ва образлар ўрнига янги мукаммалроқшарини қўйиб, фикр ва кечинмаларни янада кучлироқ шаклда баён қиласи<sup>1</sup>. Масалан:

Азм айла, сабо, ул гули хандонимға,  
Не гулки, **куёшдек** моҳи тобонимға.

(*Бобур*)

Ружӯй санъати ўз тузилишига кўра ранг-баранг кўринишларга эга бўлади. Чунончи:

1. Бир мисрада шакланадиган ружӯй:

Йиглаб турдим, йиглаб турдим эмас, унда **тирик ўлдим**.

(*Элбек*)

Шоир қаҳрамон руҳиятини дастлаб “йиглаб турдим” ибораси билан тавсифлайди, сўнг бу тавсифдан муаллифнинг ўзи қониқмайди — уни инкор қиласи ва “йиглаб турдим эмас”, унда “тирик ўлдим” деган хulosага келади — “тирик ўлдим” — ружӯй. Негаки, “тирик ўлдим” сўз бирикмаси “йиглаб турдим” сўз бирикмаси ташиган маънога нисбатан ҳам кучли, ҳам таъсирчан — янги образ. Демак, “тирик ўлдим” образи қаҳрамон руҳий ҳолатини ёрқин ва таъсирчан ифодалай олган.

<sup>1</sup> Е. Исҳоков. Ружӯй. Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 1-сон, 71-бет.

Ружӯй бир мисра ичида шаклланган — мисранинг биринчи ярми (“ийғлаб турдим”), иккинчи ярми (“тирик ўлдим”) — ружӯй.

2. Байт доирасида шаклланувчи ружӯй:

Мени ишқдин манъ этар сода шайх,  
Дема сода шайх, айтким лода шайх.

(Алишер Навоий)

Шоир биринчи мисрада лирик қаҳрамонни “ишқдин манъ” этмоқчи бўлган шайхни сал юмшоқроқ қилиб “сода шайх” деб тавсифлайдио, сал ўтмай шайхнинг риёкорлигини (“ишқдин манъ этиш”га бехуда уриниши) “сода шайх” образини тўла ифодалай олмаслигини англаб, шу тавсифни рад этади ва шайхнинг қилмишига муносиброқ тавсиф — “лода шайх” образини топиб кўллади — бу тавсиф муаллиф муддаосини тўлиқроқ ва таъсирчанроқ ифода этади — “лода шайх” — ружӯй.

Сенинг ишқингда, эй номеҳрибон, бехонумон бўлдум,  
Демон бехонумон, овораи икки жаҳон бўлдум.

(Бобур)

3. Ружӯй санъатининг қандай воқе бўлиши, кўпинча поэтик жанрлар табиатига боғлиқ: ғазалда ружӯй мисралар-аро алоқа ила изоҳланади (биринчи мисрада тасвир объектигининг илк ифодаси берилса, иккинчи мисрада тасвир объектигининг мукаммалроқ тавсифи — ружӯй ифодаланади):

Ул пари пайкарки ҳайрон бўлмиш инсу жон анго,  
Кимки ҳайрони эмас, мен телбамен ҳайрон анго

(Алишер Навоий)

Рубоийда ружӯй бошқа усулда юз беради: биринчи мисрага нисбатан иккинчи мисра, иккинчи мисрага нисбатан учинчи мисра ва учинчи мисрага нисбатан тўртинчи мисра ружӯй вазифасини ўтайди:

Ёд этмас эмиш кишини фурбатда киши,  
Шод этмас эмиш кўнгилни меҳнатда киши,  
Кўнглум бу фурбатлиқда шод ўлмади, оҳ,  
Фурбатда севинмас эмиш албатта киши.

(Бобур)

Ружъу санъати бир-икки байтдагина эмас, бир неча байтда шаклланиши ҳам мумкин:

Фироқинг тифидин юз пора жоним,  
Не жоним, балки жисми нотавоним.  
Куюб ҳажр ўтидин жону күнгүл ҳам,  
Не куймакким, бўлиб юз қатла кул ҳам.  
Ичимфа шуълаи ишқинг тутошиб,  
Тутошиб демаким, бошимдин ошиб.

(Алишер Навоий)

Ружъу санъати бир неча поэтик санъатлар (ташбих, муболага каби) билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Ружъу санъати насрда ҳам, драматургияда ҳам кенг кўлланилаверади.

**Тажоҳулу-л-ъориф** (араб. تجاهل العارف — билиб-билмасликка олиш) — кўпинча мумтоз шеъриятимизда, қисман ҳозирги назмда ҳам қўлланилган бадиий санъат. Атоуллоҳ Ҳусайнининг таъкидлашича, “тажоҳулу-л-ъориф андин ибораттурким, сўзлагувчи бир нимани билур, бир нуқта била ўзни билмагандек кўрсатур”<sup>1</sup>.

Алломанинг айтишича, тажоҳул ҳайрат, мадҳ, таъна, ҳазил, таажжуб каби маъноларни ифодалаши мумкин. Тажоҳулда шоир ўхшатишлар воситасида тасвир объектини бўргтириб кўрсатадио, ўзини билиб билмасликка олади — бу ҳодисадан ажабланишини, ҳайратини билдиради. Мисол:

Кўзунг қораси фитна, vale оқи балодур,  
Жон оладур, ваҳ не бало кўзи қорадур?  
Кўз устида жон олғувчи холи-ю қоши,  
Бир-бирга бари фитна қотиган не балодур?

(Лутфий)

Шоир ғазалидан олинган байтларда таъкидланишича, кўз (қораси ва оқи), хол, қоши ва уларнинг мутаносиблиги қизга шу қадар гўзаллик-жозиба ато этган (кўз қораси — фитна, оқи, — бало; холи-ю қоши — жон олғувчи, ҳар

<sup>1</sup> A. Ҳусайн. Бадойиъу-с-санойиъ, 132-бет.

бири — фитна, бало) ки, бу нафосатдан шоир қаттиқ ҳайратланади, таажжубга тушади, бу жозибани илгари билган бўлса-да ўзини билмасликка солади. Шу тариқа, тасвир объекти — қизнинг ниҳоятда гўзал ва жозибали қиёфаси кўз ўнгимизда жонли гавдаланади. Тажохулу-л-ъориф санъатининг шарофати мана шу!

Алишер Навоий “Хамса”да сўзни таъриф-тавсиф қилар экан, шундай дейди:

Оллаҳ, оллаҳ, не сўздурур бу сўз,  
Мундин ортиқ яна бўлурму сўз.

Шоир сўзнинг мўъжизакорлигини яхши билади, шунга қарамай, сўз қудрати олдида таажжубга тушади. Бу — билб-билмасликка олиш санъати!

Қуидаги байтларнинг мағзини чақиб кўринг:

Сочинг ранги анбармудур, мушки чинму?!

Лабинг таъми шакармудур, ангабинму?!

(Алишер Навоий)

Малаксан ё башар, ё ҳури ғилмонсан билиб бўлмас,  
Бу лутфу, бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмас.

(Машраб)

Гулмусан,райхонмусан ё дурмусан, дурдонасан?  
Лаълму, ёқутмусан, маржонмусан?

(Машраб)

**Тансиқ ас-сифат** (араб. تنسيق الأوصاف — сифатлар тизмаси) — ўзбек шеъриятида, насрода, халқ оғзаки ижодида кенг кўлланилган бадиий санъатлардан бири. “Тансиқ — лугатта сўзнинг улашиб кетмагидур, — деб таъкидлайди А.Ҳусайниний. Бу санъатни ул жиҳаттин тансоқу-а-сифот атаптурларким, сўзлагувчи каломда бир неча сифатни бир-бирига улаб кетар”<sup>1</sup>. Адабиётшунос Ё. Исҳоқов ёзади: “Шоир ёки адиб бир байтда ёки жумлада, шунингдек, кетма-кет бир неча байт ёхуд жумлада тасвир объекти бўлган битта предмет ёки шахсга

<sup>1</sup> А. Ҳусайниний. Бадойиъу-с-санойиъ, 240-бет.

хос бўлган бир неча хусусиятни, унга нисбат берилган... сифатларни пайдар-пай санаб кўрсатади.

Тасвир қилинаётган шахс ёки предметнинг айрим жиҳатларини чуқуроқ очишга қаратилган бундай тасвир учун жалб этилган сифат, хусусиятлар ҳамжинс бўлиб, тасвир объектининг муайян томонини кенгроқ изоҳлаш, уни бўрттириб кўрсатишга хизмат қиласди”<sup>1</sup>. Мисоллар:

Хильъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,  
Шульай оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил...

Эй Навоий, олтину, шингарфу зангор истама,  
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, яшил.

(Алишер Навоий)

Жамолинг ўхшар осмонда о́йга,  
Ўзингни менгзайман бў қарчиго́йга.  
Қошингни ўхшатдим эгилган ёйга,  
Ўзингни менгзайман минг қўйли бойга,  
Бойвачча сифатлим кимнинг ўғлисан?

(“Алномиши”)

Хати бинафша, хади дола, зулфи райхондур.  
Баҳори хуснда юзи ажиб гулистандур.  
Энги менги юю, доғи юзи сўзи гули мул,  
Қади равону тани жону эрни маржони...

(Бобур)

Ҳусни таълил (араб. خسنی تعلیل — чиройли асослаш) мураккаб маънавий санъатлардан бири. Адабиётшунос Ё. Исҳоқовнинг ёзишича, “...шоир ўзининг бирорта фикри ёхуд мақсадини асослаш учун муносаб далил келтиради. Бу далил шоир баён қилган фикр учун реал бўлолмайди, балки уни қувватлаш учун келтирилган поэтик далил ҳисобланади ва шу сабаб шоирнинг муддаоси билан тўғридан тўғри эмас, балки ташбиҳий ёки истиоравий йўсинда боғланиб, унинг фикрини қувватлади”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Исҳоқов Ё. Тансиқ ус-сифот. Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 1-сон, 80-бет.

<sup>2</sup> Ё. Исҳоқов. Ҳусни таълил. Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 1-сон, 72-бет.

Ҳусни таълилнинг тўрт тури мавжуд:

1. “Аввалғи тури улдурким, ул сифат ул нимада ҳақиқат-та бўлур, аммо анинг кўрунуб турған сабаби бўлмас, ўшанга бир сабаб кўргузурлар...”<sup>1</sup> Мисол:

Сенга баҳтдан тахт тиларман,  
Толедан бошингга тоҳ,  
Мулки ҳуснингга омонлик,  
Тожу тахтингга ривож.  
Тожу тахт ташбиҳидан сен,  
Кўҳна деб кулсанг нетай  
Сен ахир шоҳи жаҳоним,  
Мен кулингман не илож.

(Эркин Воҳидов)

2. “Иккинчи тури улдурким, воқийи сифатнинг зикр этилган кўргузма сабабидин ўзга кўрунуб турған сабаби бўлур...”<sup>2</sup>

Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

(Алишер Навоий)

3. “Учинчи тури улдурким, ул нимани сифати ҳақиқат-та бор бўлмас, аммо одатан бўлмоғи мумкин бўлур...”<sup>3</sup>

Оразингни боғ аро чун кўрди, ҳарон бўлди гул,  
Баргиз қолди нединким, бас паришон бўлди гул.

(Алишер Навоий)

4. “Тўртингчи тури улдурким, ул нима сифати ҳақиқат-та ҳам бор бўлмас, одатан бўлмоғи мумкин ҳам бўлмас...”<sup>4</sup>

Оразин ёпқич кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.

(Алишер Навоий)

<sup>1,2,3,4.</sup> А. Ҳусайнӣ. Бадойиъ-саноӣӣ, 138-бет.

Шайх Аҳмад Тарозозий “Фунуну-л-балоға” номли асарида “хусну-л матлаъ”, “хусну-л мақтаб” санъатларини қуидагича ихчам-ихчам тавсиф этган:

**“Ал-хусн ул-матлаъ”:**

Эй сабо, ул ой юзидин олса бир соат ниқоб,  
Тоб олиб тӯфонидин бўлғай пушаймон офтоб.

Бу анингтек бўлурким, саъй қилурларким, шеърнинг матлаи хўб тарик битилса.

**Ал-хусн-ул-такаллус:**

Савдойидур магар сари зулфунгки, зулм этар,  
Бандсен доду адл бирла, хисрави жаҳон.  
Маъмурдур бошдин аёқ ер юзи тамом,  
Султони бору баҳр Улуғбек Кўрагон.

**Ал-хусн-ул-мақтаб:**

Оlamda ногоҳ ёзу кузу қишу ёйнинг  
Даврони эътидол уза бўлса жовидон.  
Етсун камола умрунг, эй шоҳ, етмасун —  
Умрунг баҳори доманига даст ҳар хазон”<sup>1</sup>.

Илтифот (араб. ایلطفات — бурилиш) — фикрда бурилиши ясаш санъати. Проф. А. Фитрат илтифот ҳақида шундай деб ёзади: “Бир нарсага ундан ё уни тасвир қилиб, ўз туйгуларини ёзиг турғон шоир бирдан сўзнинг бошини бошқа томонга буриб қўйса, мунга бурилиш (илтифот) дейилади”<sup>3</sup>. Масалан Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида Қайснинг лайли ишқига мубтало бўлиб, мажнунлик кўчасига қадам қўйгани ҳақида ҳикоя қила туриб, сўзни замонанинг ноболлиги — фалакнинг зулмига буриб, шундай фаёд қиласди:

Эй золи замона доду фарёд!  
Атфолинга неча зулму бедод!  
Бу хайлниким, ҳалок этарсен,  
Ўз бағринг эрурки чок этарсен.

<sup>1</sup> Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға, 133-бет.

<sup>2</sup> А. Фитрат. Адабиёт қоидалари. С. Т., Ўздавнашр, 1926, 84-бет.

Ёхуд шоир достоннинг охирроғида Лайли ва Қайсни туфроққа қўйилганидан сўнгти мотамсаролик ҳақида фикр юрита туриб, фалакка хитоб қиласди:

Эй навҳагар, айла навҳа бунёд,  
Ким умр биноси келди барбод!

Бу тасвир усули — илтифот!

Илтифот санъати ҳозирларимиз шеъриятида ҳам тез-тез учраб туради. Масалан, шоир Абдулла Орипов “Муножот”ни тинглаб” шеърида “Муножот” куйи — оҳангги ҳақида фикр юрита туриб, фикр бошини шартта буради-да дастлаб созандага ва сўнг табиатга мурожаат қилиб, ўз ҳис-туйгуларини, қалб изтиробларини, фарёдини ифодалайди, тўғрироғи, ҳайқиради:

Бас, етар, чолғувчи, бас қил созингни,  
Бас, етар, кўксимга урмагил ханжар...  
Агар алдамаса шу совуқ симлар,  
Гар шул эшитганим бўлмаса рўё.  
Сен бешик эмассан, жаллодсан, дунё!

Демак, илтифот лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини ёрқин ифодаловчи тасвир усули экан!

Шоир ва аллома Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий “Фунуну-л балоға” асарида илтифот санъатининг моҳияти ва турлари ҳақида тўхталиб, шундай деб ёзган:

“Тушти ишим бир янгроки ол била,  
Боғлади кўнглумни зулфи ол била.  
Кубла бериб жон олурға, эй санам,  
Бўлмасанг рози, кўнгулни ол била.

Бу санъат икки қисм бўлур. Бириси улким, мухотабадин муғойибға бормоқ ё ғайбдин хитобқа келмоқ...

Ва иккинчи қисм ул бўлурким, сўзни тамом қўлғондин сўнгра масал тариқи ё дуо ё бир латифа бирла илтифот қилурлар. Мисол буким:

Сабр айладим нечаки куйди фироқингиз,  
Эй сабр, меҳнат ўтига яхши паноҳсен.

Хар дам килур ул ғамза Тарозий юракин кон,  
Эй ғамза, магар бағрима ништар битилибсен”<sup>1</sup>.

**Саволу жавоб** (қайтармоқ) — шеърни ёхуд йирик асар-нинг муайян парчасини саволу-жавоб усулида ёзиш санъати. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий “Фунуну-л ба-лоға” асарида бу санъатни “Ас-савол-ул-жавоб” деб атаган ва шундай деб ёзган:

Дедиким: — “Ҳусн элидин не учун вафо келмас?”  
Аюрки: — “Ҳусну вафо бирла муттағиқ бўлмас”.

Бу анингтек бўлтурким, бир мисраъни савол тариқи бирла айтурлар, бир мисрани жавоб тариқаси бирла келтирурлар”<sup>2</sup>. Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнинай айтишича, бу саъатнинг икки навъи бор: Биринчи навъи улдурким, саволу жавоб бир кишининг каломинда бўлур, масалан, бир шеърда бир мисра савол, иккинчиси жавоб бўлур:

Деди: қайдин сен, эй мажнуни гумроҳ?  
Деди: мажнун ватандин қайда огоҳ.  
Деди: недур санга оламда пеша?  
Деди: ишқ ичра мажнунлук ҳамиша.

(Алишер Навоий)

Англашиларлики, Ҳусрав савол беради, Фарҳод жавоб қайтаради — савол-жавобларнинг ўзиёқ (ҳеч қандай шарҳсиз ҳам) уларнинг қиёфасини, маънавиятини, бир-бирига терс кишилар эканлигини кўрсатиб турибди.

— Да да, — дейди. — Гитлер қачон ўлади?  
— Мен дейманки: — Энг катта байрам кунида.  
— Байрам ўзи қачон? — дейди, сўрайди.  
— Байрам фашизмнинг ўлган куни-да!

(Faфур Fулом)

Сезилиб турибдики, биринчи мисол — Алишер Навоий нутқида Ҳусрав билан Фарҳод баҳслари, иккинчи ми-

<sup>1</sup> Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л балоға, 105—106-бетлар.

<sup>2</sup> Шу асар, 136-бет.

сол — шоир Faфур Fuлom нутқида шоир билан невара савол-жавоблари берилган. Бошқача қилиб айтганда бир киши нутқида икки кишининг савол-жавоблари: бир мисраи савол ва бошқа мисраи — жавоб. Бир киши нутқи орқали бериладиган савол — бир байт, жавоб — иккинчи байт бўлиб келиши ҳам мумкин. Мисол:

- Нега қаддинг эгик, нега бошинг хам,  
Нега нигоҳингни тортади тупроқ?
- Менинг ер устида танишларим кам,  
Менинг ер остида дўстларим қўпроқ.

(A. Орипов)

Савол-жавоб санъатининг иккинчи навъи улдурким, саволу жавоб икки кишининг каломинда воқиъ бўлур. Мисол:

Мирзо:

- Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,  
Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг Раъноси.

Раъно:

- Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунидан,  
Не бахт, Раъно, харидоринг талаб аҳлининг мирзоси.

(Абдулла Қодирий)

Ажам шуароси орасида саволу жавоб санъатининг биринчи навъи кенг тарқалган. Масалан, Муқимиyнинг “Сарви қомат қайдадур?”, “Дилбаро, келсанг нетар?”, “Шабнаммидур?”, “Майлигаму?”, “Инсон бўлдиму?”, Бир менму?” каби шеърларида шу усул қўлланилган. Аммо саволу жавоб санъатини истифода қилишда кўпроқ “Савол” силсиласи ифодасига амал қиласи. Саволу жавоб санъати ҳозирги шеъриятда ҳам муваффақиятли ишлатилмоқда. Масалан, А. Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?”, “Сен баҳорни соғинмадингми?”, “Нечун тим қорадур арман кўзлари”, “Нега мени севмадинг” каби шеърлари саволу жавоб санъати усулида ёзилган.

- Нега мени севмадинг?
- Кўзгинанг ўлдуз учун.
- Нега мени севмадинг?
- Кошгинанг қундуз учун.

Юлдузи йўққа боқай,  
Юлдузим талаш бўлур.  
Кундузи йўққа боқай,  
Кундузим талаш бўлур...

(A. Орипов)

**Лаффу нашр** (араб. لف نشر — йиғиб тарқатиш; лафф — турмоқ, нашр — ёймоқ) — шеъриятда нозик дид билан ишлатиладиган бадиий санъат. Шайх Аҳмад ибн Ҳудойдод Тарозий шундай деб ёзди: “Бу санъат аниңтек бўлурким, шеър ичинда норасолар зикр қўйулар, яна аниңг муқобаласинда норасолар келтирурларким, улар норасоларга мушибиҳ ва муносиб бўлгай”<sup>1</sup>. Проф. Абдурауф Фитратнинг таъкидлашича, “бир гапда, бир пайтда икки-уч нарсаларнинг номларини қатор тизиб ондин кейин уларга боғлиқ ҳолларни шу тартиб билан қаторламоққа лаффу нашр (йиғиб тарқатиш) дерлар”<sup>2</sup>.

Шоир ва олим А.Фитрат ўз фикрининг исботи сифатида Фазлийдан қуидаги байтни келтиради:

Оразинг била зулфинг боғ аро намоён қил,  
Лола бирла сумбулни доғ этиб паришон қил.

Бу байт, олим айтганидек, лаффу нашр санъатининг яхши намунаси: шоир бошлаб ораз (юз) билан зулфни қаторлаб тизган, сўнгра оразга лолани, зулфга сумбулни боғлаган, ундан кейин “доғ этиб паришон қил”ни сумбулга боғлаган-да “лолани доғ эт” гапини оразга, “сумбулни паришон қил” гапини зулфга пайвандлаган...

Лаффу нашр икки хил бўлади:

а) лаффу нашри мураттаб — тартибли (ёнма-ён ёхуд ост-устли) келадиган сўзлар. Мисол:

Билмонки юзунг паридек, эй жон,  
Нечун яна қўздин ўлди пинҳон.

<sup>1</sup> Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л балоға, 133-бет.

<sup>2</sup> А. Фитрат. Алабиёт қоидалари. С. Т., Ўздавнашр, 1926, 87-бет.

Байтдаги “юз”, “жон” сўзлари билан “юз”- “кўз” ва “жон”- “пинҳон” ўртасидаги тартибга эътибор қилинг:

Зулфу юзунг фироқида шому сахар эрур —  
Бу оҳ бодпой фалак бирла ҳамэнон.

(*Тарозий*)

“Бу анингтек бўлурким, тартиб бирла келтирурлар, нетокким зулф бирла юзни зикр қилди, зулфнинг муқобаласинда шом келтирди, юзнинг муқобаласинда саҳар келтирди”<sup>1</sup>.

б) лаффу нашри мушавваш — номураттаб (яъни тартиб сақланмаган сўзлар). Мисол:

Оғзию зулфи, қади бўлмаса,  
Райхону сарв, фунча кўтардин малоддир.

(*Бобур*)

Бу байтдаги “оғзи”- “фунча”, “зулфи”- “райҳон”, “қади”- “сарв” сўзлари лаффу нашр, аммо улар номураттаб жойлашган.

“Муравваш” улким, тартиби риоят қилмасалар, нетокким куйидағи байтда “наргис”, “кўзунг” мушобиҳидир, қоматнинг муқобаласида келибтур ва “сарв зулф муқобаласинда келибтур. Ва “бинафша” кўз муқолаласинда. Агарчи бу тариқа санъаттур, фааммо мураттабнинг пояси мундин балантур.

Комату, зулфу кўзунгдин муттасил,  
Наргису сарв, бинафша мунфаил.

(*Тарозий*)<sup>2</sup>

Лаффу нашр санъати мумтоз адабиётимиздагина эмас, ҳозирги шеъриятда ҳам қўлланилмоқда. Биргина мисол:

Атрофимда ёд эмас, гулларнинг исин,  
Ипак қанотида елпитар каптар.

(*Шукрулло*)

<sup>1</sup> Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л балога”, 133-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, ўша бет.

Бу байтда “ел” ва “гул” сўзлари қатор келган. Айни чоқда, “ел”- “қанот” ва “гул”- “каптар” сўзлари бир-бигрига боғлиқ. Демак, шоир лаффу нашр санъатини мұваффақиятли қўллай олган.

Куйида лаффу нашр санъатининг мукаммал бир намунасини келтирайлик (таҳлил қилиб қўринг):

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг сұхбати,  
Шеър баҳси, ишқ ларди, боланинг қайфияти.  
Ёз фаслила чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,  
Кимга бу нашъя мұяссар бўлса бордур давлати.  
Ишқ лардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,  
Ул замон бўлғай, унут юз йилги ҳижрон шиддати.  
Дўстларнинг сұхбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,  
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.  
Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вакт ила  
Мундин ортуқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.

(Бобур)

**Талмиҳ** (араб. تلميح — назар солмоқ, ишора қилмоқ) — шеърда машҳур қисса, машҳур байт ёхуд машҳур мақолга ишора қилиш усули. Бу санъат мумтоз шеъриятимизда ҳам, ҳозирги шеъриятда ҳам кенг қўлланилган. Баъзи мисоллар келтирайлик:

а) машҳур қисса ёки достонга ишора қилиш:

Қўп ўқурдум Вомиқу Фарходу Мажнун қиссасин,  
Ўз ишимдин бул ажаброқ достоне топмадим.

(Алишер Навоий)

Бу байтда Вомиқ, Фарҳод, Мажнун ҳақидаги қиссаларга ишора қилинмоқда.

Фикрати мизони бўлиб ҳамсасанаж,  
“Хамса” дема, балки дегил панж ганж.

(Алишер Навоий)

Бу байтда машҳур “Хамса” (бешлик) достонларига ишора қилинмоқда.

Бунчалик шон-шуҳрат ўчмас тайин  
“Минг бир кеча”ларнинг афсонасида.

Юртим, сени яна кутлаб қўяйин  
Кутлуг Йангидан осто насида.

(Абдулла Орипов)

Бу бандда араб халқининг машҳур афсонаси — “Минг бир кечা” тилга олинмоқда.

б) Машҳур мақолга ишора:

Навоий, тилингни асрағил зинҳор,  
Десангким, емай даҳр ишидин фусус.

(Алишер Навоий)

Бу байтда “тилинни тийган бошини қутқарар” ёхуд “Тилингни тий — тишинг синмасин” мақолига ишора қилинган.

в) Машҳур байтта ишора:

Умрдан йил ўтса, яширмоқ нечун,  
Юрак симоб янглиғ титрагай ҳар гал.  
Устоз лутғ этгандай, ҳар фурсат учун  
Кудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

(Абдулла Орипов)

Бу бандда академик шоирFaфур Гуломнинг “Вақт” шеъридаги:

“Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун  
Кудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал”.

деган шоҳ байти кўзда тутилган.

**Муаммо** (араб. معموم — яширинган, беркитилган) — мумтоз шеъриятимизда кенг қўлланилган санъат (айни чоқда, поэтик жанр)лардан бири. Муаммо ҳажм жиҳатидан бир байтдан, баъзан икки байтдан тизилади. Кофияланиш тартиби: а-а ёхуд а-а-б-а. Мазкур мисралар замирида кўпинча бирор ном ёки бир сўз яширинган бўлади. Шеърда шунга маълум ишоралар қилинади. Шеърдаги ишора ва муайян қоидалар (маънодош ёки шаклдош сўзлар эквивалентини кўллаш, муайян сўз(лар)нинг арабча ёхуд форсча таржи-

маларини ишлатиш, сўздаги айрим ҳарфларни саралаб олиб сўз ясаш, абжад ҳисоби асосида сўз ҳосил қилиш) ёрдамида яширингандарга топилади — муаммо ечилади. Албаттага бунинг учун араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзуви қоидаларини ва абжад ҳисобини билиш, араб-форс тилларидан хабардор бўлиш лозим.

Энди шеърият мулкининг султони Алишер Навоий муаммоларидан баъзи бирларини ечиш йўллари билан танишиб чиқайлик.

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилиқ била от.

(Саъд)

Бу байтнинг иккинчи мисрасидаги “саодат” (سعادت) сўзидан “от”, яъни “алиф” ва “те” ҳарфлари чиқарилса (мисрада шунга ишора бор), “Саъд” (سعد) сўзи ҳосил бўлади. Демак, мазкур муаммода “Саъд” сўзи яширингандар экан.

Кўнглум ҳалок бўлди, чу ишқингни бошлади,  
Охир бошинда ҳар неки бор эрди, ташлади.

(Ҳилол)

Байтдаги “ҳалок” сўзига диққат қилинади. Муаммода-ги ишора тақозоси билан “ҳалок” (هلاک) сўзининг сўнгги бўғинидаги коф (لعل) нинг теласида турган эгри чизиқ олиб ташланади (шунда “коф” “лом”га ўхшаб қолади). Шу тариқа “ҳалок” (هلاک) сўзи “ҳилол” (هلال)га айланади. Демак, байтда “ҳилол” сўзи яширингандар экан.

Ҳар не топсанг давр аро, соқий, аёққа сол они,  
Кўз кўтардин ўтти иш, тут эмди моломол они.

(Дарвеш)

Биринчи мисрадаги “давр” ва иккинчи мисрадаги “иш” сўзларига зэтибор қилинади: давр (دور) сўзидаги “вов” (و)ни сўз охирига кўчирсак (درو) “дол”, “ре”, “вов” ҳосил бўлади, иккинчи мисрадаги “иш” (ایش) сўзининг “юз”идан, яъни биринчи ҳарф (алиф —!) нинг ҳам баҳридан ўтилса,

“ёй” ва “шин” ҳарфлари қолади. Олдинги уч ҳарф (“дол”, “ре”, “вов”) ёнига “ёй” ва “шин” ҳарфларини күйиб ўқисак, “дарвеш” (درویش) сўхи ҳосил бўлади.

Оҳ ўқин жондинки чексам ул паривош ёдидин,  
Қолмас ул ёдимда ҳам фарёд анинг бедодидин.

(Жунайд)

Бу байтдаги “жон” ва “ёд” сўзларига диққат қилинади: “жон” (جان) сўзидан оҳ ўқи — ՚алиф олинса, “жун”, “нун” ҳарфлари қолади; “ёд” (ءاد) сўзидан ҳам алиф олиб ташлансса, “ё” ва “дол” ҳарфлари қолади. Шу қолган ҳарфларни ёнма-ён қўйилса, “Жунайд”. (جنید) сўзи пайдо бўлади.

Нечаким ёр ситам эткан ила узди вафо,  
Ёдин этгунча оти вирди забон бўлди манго.

(Рустам)

Биринчи мисрадаги “ёр” ва “ситам” сўзларига эътибор қилинг: “ёр” (ءار) сўзидаги “ё” (ءو) узилади, яъни олиб ташланади, қолган “ре” (ر) ҳарфи “ситам” (ستم) сўзига кўшилса, “Рустам” (رسنم) номи ҳосил бўлади.

Юзингким, қатра хай сероб қилмиш,  
Гуллурким, сув ичкандин очилмиш.

(Камол)

Байтнинг иккинчи мисрасидаги “гул” ва “сув” сўзларига эътибор қилинг: “гул” (گول) сўзи “коф” ва “лом” ҳарфларидан иборат; “гул” сув ичса (“сув”нинг арабчаси “мо” (م), яъни мо (ما) сўзи “коф” ва “лом” ҳарфлари орасига жойлаштирилса, “Камол” (کمال) номи келиб чиқади.

Бобом белида дудуқ  
Биз ҳам муаммо дедук.

(Жунайд)

Байтдаги биринчи мисранинг “бобо” ва “дудук” сўзлари ажратиб олинса: даставвал “бобо” ва “дудук” сўзларининг арабча ва форсча маънолари ҳисобга олинади. Масалан, “бобо” сўзи араб тилида “жад” (جَد) дир, туркий “дудук” сўзининг форсчаси “най” дир. “Жад” сўзи белига, яни ўртасига “най” кўйилса, “Жунайд” (جُنَيْد) сўзи келиб чиқади.

**Қабо бар қадди** ту медўзал айём,  
Барор аз қоф то қоф, эй писар, ном.

(*Бобур*)

Бу форсий муаммода биринчи мисранинг “Қабо бар қад” сўзларига эътибор қилинг: шоир икки “қоф” ҳарфлари оралиғидан ўз номингни топиб ол, демоқчи. “Қабо бар қад” (قَبْر) сўзларидағи икки “қоф” орасидаги ҳарфларни ажратиб олсак, “Бобур” номи келиб чиқади.

Чок **бағрим** тарафин айладинг икки парканд,  
Бирини ташлабон охир, бирин эттинг пайванд.

(*Фарид*)

Бу байтдаги “бағрим” сўзига эътибор қилинг: дастлаб “бағрим” сўзи иккига бўлинади (бағ-рим), сўнг иккинчи бўғиндаги “м” товуши туширилиб қолдирилади ва унинг ўрнига биринчи бўғиндаги “б” товуши кўчирилиб ўтказилади. Шу тариқа, “Фарид” сўзи пайдо бўлади. Шоирнинг муддаоси “фарид” сўзини айтишдан иборат. Демак, шоир фаридман демоқчи.

Муаммо санъати ўқувчидан алоҳида ўқув, ўткир зеҳн ва билимдонлик талаб қиласиди.

Муаммо, хусусан, XV асрда мустақил жанр ва бадиий санъат сифатида шуҳрат қозонган. Муаммо айтиш ва ечиш шоирларнинг ўзига хос мусабоқасига айланиб кетган. Шоирнинг маҳорати ва билимдонлиги кўпинчча шунга қараб ҳам белгиланган. Шунинг оқибатида мумтоз адабиётимиз тарихида кўплаб муаммо — шеър яратилган. Улуф ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий беш юзга яқин муаммо ижод қилган. Абдураҳмон Жомий, Восифий каби

шоирлар ҳам муаммода шуҳрат қозонгандар. Шарафиддин Али Яздий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бадиий Табризийлар муаммо санъати ҳақида маҳсус рисолалар битишган.

Алишер Навоий ўзининг йирик эпик асарларида ҳам муаммо санъатини маҳорат билан қўллаган. Масалан, “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод исмининг маъносини муаммо усулида чиройли ифодалаган:

**Жамолидин кўрунгач фарри шоҳи,**  
Бу фардин ёруди маҳ то бамоҳи.  
**Кўюб юз ҳикмату иқболу давлат,**  
Ҳамул фар соясидин топти зийнат.  
Бу жавҳарларға чун иснод топти,  
Мураккаб айлагач Фарҳод топти.  
Бу фарни ҳодийи баҳт этгач иршод,  
Равон шаҳзода отин қўйди Фарҳод.  
Ҳариру ҳулла ичра боғлабон чуст,  
Мурассаъ маҳд ичинда тонгдилар руст.  
Бу навъ эрмас ато қўймади отин,  
Ки қўргач ишқ анинг покиза зотин.  
Анга фарзона Фарҳод исм қўйди,  
Ҳуруфи маъхазин беш қисм қўйди.  
**Фироқу рашқу ҳажру оҳ ила дард,**  
Бирор ҳарф ибтидолин айлабон фард.  
Борин устоди ишқ этгач мураккаб,  
Тараккубдин бу исм ўлди мураттаб.

Достондан олинган бу парчада “Фарҳод” исми ва унинг маъноси икки йўл билан келиб чиқади: а) “Фарҳод” сўзи “фироқ”, “рашқ”, “ҳажр”, “оҳ” ва “дард” сўзларининг биринчи ҳарфлари йифинидисидан келиб чиқади; б) “Фарҳод” сўзи “фарри шоҳи” сўзидан “фар” ва “ҳикмат” сўзидан “ҳ”, “иқбол” сўзидан “и” (“о”), “давлат” сўзидан “д” ҳарфлари олинниб бир-бирига қўшилса юқоридаги ном (“Фарҳод”) келиб чиқади. Шу муаммо санъати билан дoston бош қаҳрамонининг ўзининг ҳам чуқур очиб бераяти: “Фарҳод” узоқ йиллар фарзандсизлик доғини чеккан Хоқоннинг “фироқу рашқу ҳажру оҳ ила дард”ларини ўзида ифодалайди. Бундан ташқари, шоирнинг адолатли шоҳ ҳақидаги орзу-умидлари — идеали билан боғлиқ ҳолда “фарри шоҳи” — шоҳ-

лик нури, “ҳикмат”, “иқбол” ва “давлат” түгрисидаги қараашлари ҳам ўз ифодасини топган. Ҳақиқатан ҳам дос-тонда Фарҳод образи улуг мутафаккирнинг орзу-умидла-рининг ажойиб тимсоли сифатида яратилган<sup>1</sup>.

Мувашшаҳ (араб. موشح — зийнатланган, безалган) — маънавий санъатлардан бири (айни чоқда, поэтик жанр). Адабиётшунослигимизда мувашшаҳ тавшиҳ санъатининг бир қисми бўлса керак, деган қарааш борки, бу фикр баҳс-лидир. Негаки, XV аср бошларида яшаб-ижод қилган шоир ва аллома Шайх Аҳмад ибн Ҳудойдод Тарозий “Фунуну-л-балога” асарида ёк “мувашшаҳ”ни маҳсус санъат сифа-тида тилга олади ва унга шундай таъриф-тавсиф беради: Бу санъат “будурким, шеърнинг аввалги ҳарфларини тे-риб олсалар ё ўртадаги ҳарфларини олиб жам қилсалар... (исм пайдо) бўлур. Шеърнинг бир мисраси ҳарфларида ҳам исм музайян бўлиши мумкин”<sup>2</sup>. Мувашшаҳларнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагича: а) шеър, асосан, газал шак-лида ёзилади, қисман мусаммат ва, ҳатто, рубоий шаклида ҳам ёзилиши мумкин; б) шеър мисралари замирида киши ёхуд предмет номи музайян (яширин) қилинади. Замири-да бирор нарса номининг яшириниши жиҳатидан муваш-шаҳ чистон ва муаммо, ҳатто тарихга ўхшаб кетади. Аммо, айни чоқда, уларни бир-биридан ажратиб турадиган фарқ-лари ҳам йўқ эмас: тарихда бирор воқеа юз берган муҳим сана ифодаланса, чистонда бирор предмет ёхуд воқеа то-пишмоқ усулида берилади; мувашшаҳда эса, асосан, шахс-лар ёхуд предметлар номи яширинади; в) шеър мисрала-ридан муайян қоидалар асосида киши исми ёки нарса номи келиб чиқади: байтдаги тоқ мисралар, баъзан жуфт мисра-лар ёки байтнинг ва, ҳатто, ҳар бир мисранинг биринчи ҳарфларни териб олиб бир-бирига қўшилса, шеърда яши-ринган исм ёки ном келиб чиқади; г) мувашшаҳда яши-ринган исм шеър кимга бағишлиланганини кўрсатади; агар шеърда музайян қилинган кишига шеър алоқадор бўлма-са, илмда у интизом деб юритилади; д) мувашшаҳлар,

<sup>1</sup> Р. Орзивеков. Лирикада кичик жанрлар. Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

<sup>2</sup> Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балога, 127-бет.

кўпинча, араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзуви қоидаларига таянган бўлади; е) шеърда, асосан, бир кишининг номи яширинганилиги ва уни қандай топиш мумкинлиги ҳақида муайян ишоралар бўлади, аммо бундай ишоралар берилмаган мувашшаҳлар ҳам учраб туради; ё) мувашшаҳлар, одатда, арузниң муайян вазнларида ёзилади, бироқ ҳозирги замонда ёзилаётган мувашшаҳларнинг бир қисми арузда ёзилган бўлса, бошқалари бармоқ вазнларида бўлаверади; ж) мувашшаҳлар фақат шакл ҳодисасигина эмас, балки муаллифнинг ижтимоий ҳаётга қарашларини ифодаловчи муҳим санъат ҳодисасидир; з) олимларимизнинг таъкидлашларича, мувашшаҳ аслида муаммо заминида пайдо бўлган.

Мувашшаҳ адабиётимиз тарихининг кейинги даврларида урфга айланган. “Мувашшаҳ жанри ўзбек адабиётида, айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмида авж олиб кетиб, адабиёт аҳли ўртасида расм бўлиб қолган эди, — деб таъкидлайди шоир ва олим Мақсад Шайхзода, — ҳатто шоирлик ва назмчилик хунари мувашшаҳчиликдаги маҳорат билан ҳам ўлчанадиган бўлиб қолган эди”<sup>1</sup>.

Ўзбек мумтоз шоирларидан Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Увайсий, Шавқий, Муқимий, Завқий, Фурқатлар мувашшаҳ санъати ва жанрида шуҳрат қозонишган. Чунончи, Мақсад Шайхзода “Фурқат ҳақида қайдлар” мақоласида Фурқатнинг мувашшаҳ санъати борасидаги катта хизматларини юксак даражада баҳолаган. Фурқатшуносликда биринчи бўлиб М.Шайхзода шоир мувашшаҳларини зукколик билан аниқлаган: “Наргиси шахлосидин” фазалида “Мақсаджон”, “Оразинг қаҷон кўрди” фазалида “Абдуқодирхон”, “Кўзунг” фазалида “Исломхон”, “Шаҳло кўзларинг” фазалида “Муқаддамхон”, “Кокулинг” фазалида “Рашидхон”, “Ишқ отashi” фазалида “Одилхон”, “Хаёла душти” фазалида “Одилхон”, “Шакар тўқилди” фазалида “Тошкандхон”, “Аҳду паймон айлагин” фазалида “Муҳаммадхон”, “Сайри чаман” фазалида “Рашидхон”, “Кечалар” фазалида “Муҳиддинхон” исмлари музайян қилинган экан. Бундай шеърлар, одатда, газал-мувашшаҳ-

---

<sup>1</sup> Фурқат ва Муқимий ҳақида мақолалар. Т., 1958, 70-бет.

лар деб юритилади. “Аниқлик учун шуни қайд қилиш керакки, — деб таъкидлайди М.Шайхзода, — мувашшаҳ кимнинг номига бағишлиланган бўлса, ўша ғазалда таъриф этилган образ ҳам айнан мазкур кишининг ўзири деб ўйлаш хатодир. Мувашшаҳдаги исм бу ғазалнинг кимга бағишлиланганига далолат қиласи, холос. Асарда тасвириланган ёр эса бус-бутун бошқа бир киши бўлиши мумкин. Масалан, “Мақсадхон” исмига бағишлиланган ғазалда... севгили ёр образида тасвириланган киши “Мақсадхон” эмас, балки гўзал бир аёлдир”<sup>1</sup>.

Бу ўринда Фурқатнинг “Кокулинг” ғазалини кўздан кечирайлик:

Руҳи мажруха ватандур ҳамлари ҳар кокулинг,  
Раҳм қилғил, ёзма, эй шўхи суманбар, кокулинг.  
Шоҳи хинд шайдойидурким мулки ҳуснинг фатҳиға,  
Ҳар саридин даста-даста йиғди лашқар кокулинг.  
Ё малоҳат мулки шоҳисан, шарофат нуридин  
Бир ҳумо эрди бошингға ёзди шахпар кокулинг.  
Дафтари ҳуснинг азал котиблари ёзмоқ учун  
Сафҳаи руҳсоринг узра қилди мистар кокулинг.  
Хотирим айлаб паришон қилди баҳтимни қаро,  
Бошима ҳар дам солиб савдойи машҳар кокулинг.  
Эй, назокат гулшанида қоматинг сарви равон,  
Наргиси шаҳло кўзунгдур, сунбули тар кокилинг.  
Нега топсун Фурқатий нозик белингким, топғуси.  
Гар кўтарган чогда бори бор гавҳар кокулинг.

Мазкур ғазал етти байтдан иборат. Ҳар бир байтнинг тоқ мисраларидаги биринчи сўзнинг бош ҳарфи (“руҳи”-дан “р”, “шоҳи”дан “ш”, “ё”дан “и”, “дафтар”дан “д”, “хотирим”дан “х”, “эй”дан “о”, “нега”дан “н”) териб олиниб бир жойга йиғилса, “р-ш-и-д-х-о-н” исми келиб чиқади. Бу ўринда ғазалнинг араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувида яратилганлити ҳисобга олинса (бу ёзувда қисқа унлилар, шу жумладан қисқа “-а” унлиси ҳам ёзувда ифодаланмаса-да матн ва вазн тақозоси билан бор деб ҳисобланади) — “р”дан сўнг “а” қўшилади. Шу тариқа, “Рашидхон” исми келиб чиқади. Демак, ғазал “Рашидхон”

---

<sup>1</sup> Фурқат ва Муқимий ҳақида мақоладар, 70-бет.

исмли кишига бағишланған экан. Шеърнинг қаҳрамони эса Рашидхон эмас, балки “мaloҳат мулкининг шоҳи”, “назокат гулшанида қомати... сарви равон”, “наргиси шаҳло кўз”ли жононадир. Мана мувашшаҳнинг гўзал намунаси!

XX аср ўзбек шоирлари шеъриятида ҳам мувашшаҳ санъатининг ажойиб намуналари мавжуд. М.Шайхзода, Уйғун, Эркин Воҳидов, Ёнғин Мирзо ва бошқа шоирлар замонавий мувашшаҳлар яратишган. Бу ўринда Уйғуннинг “Жафо қилма” радифли фазал-мувашшаҳига эътиборингизни тортайлик:

Тарк этма назокатни, хулқингта жафо қилма,  
Иzzатни бериб елга, беҳуда сафо қилма.  
Умрингни хароб этма, ўткунчи ҳавас билан,  
Ишқ бошқа, ҳавас бошқа — бу йўлда хато қилма.  
Рухсори гўзлларга одобу илм лозим,  
Инсоний камолотни хуснингга бино қилма,  
Сен сози муҳаббатсан, гулшандга гули раъно,  
Ишқингни кўча-кўйда юргувчи гадо қилма.  
Уйғонди чаманларда, чок этди яқо булбул,  
Куйдирма у шайдони, бас энди наво қилма.  
Ноз этма, садоқатли ошиққа тараҳхум қил,  
Кўнглига гараз тўлган номардга имо қилма.  
Одоби гўзлларнинг санъатда топар равнақ,  
Санъатга хилоф ишни руҳингтағиzo қилма.  
Ёд айла гаҳи Уйғун исмингни баён этди,  
Шеърига қилиб маржон, сен унга жафо қилма.

Бу фазал саккиз байтдан иборат. Ҳар бир байтдаги тоқ мисра (биринчи сўз)нинг бош ҳарфи (“тарк”дан “Т”, “умрингни”дан “у”, “рухсори”дан “р”, “сен”дан “с”, “уйғонди”дан “у”, “ноз”дан “н”, “одоби”дан “о”, “ёди”дан “й”) териб олиниб, бир жойга йифилса: “Турсуной” номи келиб чиқади. Демак, фазалда “Турсуной” номи музайян қилинган экан, бинобарин, шеър шу гўзал ва санъаткор қизга бағишланған. Айни чоқда, фазалда шоир Турсунойни таъриф-тавсифгина қилиб қолмаган, аксинча инсоний одоб-ахлоқ ва камолот ҳақида фикр юритган. Шеър қаҳрамонини ва шу орқали ёшларни одобли, ахлоқли ва баркамол инсон бўлишга чорлайди. Мана замонавий мувашшаҳ!

Таърих (араб. تاریخ — таъриф — муҳим воқеа-ҳодиса юз берган санани санъат усулида ифодалаш) — мумтоз адабиётимизда қўлланилган бадиий санъатлардан бири (ва по-

этик жанр). Таърихнинг бадиий санъат сифатидаги поэтик белгилари тўла қатъийлаштирилмаган. Таърихлар, асосан, ғазал, маснавий, рубоий, қитъа шаклларида ёзилган. Таърих санъатининг муҳим жиҳати шундаки, унда машҳур тарихий шахсларнинг туғилган ёки вафот этган санаси, муҳташам бинонинг қурилган йили, ноёб китобнинг ёзилган санаси (ёхуд девон тартиб берилган пайт), катта воқеа содир бўлган давр кабилар очиқдан очиқ айтилмасдан араб алифбосининг маҳсус ҳарфлари, сўз ёхуд сўз бирикмаси воситасида ифодаланади. Бундай санани билдирувчи ҳарф, сўз ёхуд сўз бирикмаси “таърих мoddаси” деб юритилади. Керакли санани мисрадаги “таърих мoddаси”да яшириб берилиши жиҳатидан ўз жинсдоши — муаммо ва мувашшаҳларга яқин туради. Мутахассисларнинг аниқлашларича, таърих санъати муаммо заминида пайдо бўлган ёхуд муаммонинг бир кўринишидир. Таърих санъатини тушуниш — ундаги жумбогни тўғри ечиш учун, албатта, араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувини (унинг имло қоидаларини) ва абжад ҳисобини билиш лозим. Негаки, даставвал, таърих санъатининг “таърих мoddаси”ни араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувида бехато ёзиш ва ўқиш шарт; шунингдек “таърих мoddаси”да уни ечишга алоқадор бўлган ишоралар борлиги ёки йўқлигига ҳам эътибор қилинади. Таърих, юқорида айтганимиздек, биринчى навбатда шу масалалар билан чамбарчас боғлиқдир.

Бу ўринда, араб графикасидаги ҳарфлар замирида музайян қилинган рақамларни эсда тутиш зарурки, булар қуийдагича: Ӣ-(алиф)-1; Ҷ -(бе)-2; Җ -(жим)-3; Ҵ -(дол-4; Ҽ-(хе)-(хойи ҳаввоз)-5; Ҹ -(вов)-6; ҵ -(зе)-7; ҷ -хе(хойи ҳутти)-8; ҹ -(итқи)-9; Ҵ -(йо)-10; ҵ -(коф)-20; ҷ -(лом)-30; Ҹ -(мим)-40; ҹ -(нун)-50; Ҹ -(син)-60; ҷ -(айн)-70; һ -(фе)-80; Ҹ -(сад)-90; ҵ -(коф)-100; ҷ -(ре)-200; Ҷ -(шин)-300; ҷ -(те)-400; ҷ -(се)-500; ҷ -(хе)-600; Ҵ -(зол)-700; Ҹ -(зод)-800; ҷ -(изғи)-900; ҷ -(ғайн)-1000.

Бу ҳисобга форс ва турк ҳалқлари томонидан қуийдаги тўрт ҳарф кўшилган: ҷ -(пе)-п; ҷ -(же)-ж; ҷ (чим)-ч; ҷ -(коф)-г. Бу ҳарфлар асиlda ҷ -б; ҷ -ж; ҷ -з; ҷ -к ҳарфларидан олинганлиги сабабли улар қуийдаги рақамларни ифодалайди: п — 2; ч — 3; ж — 7; г — 20.

“Таърих моддаси”ни ташкил қилган ҳарф, сўз биримаси ўрнига абжад ҳисоби бўйича тегишли рақамлар кўйиб чиқилиши ва улар жамланиб, ҳижрий йил санаси аниқланиши лозим. Шу тариқа, “таърих моддаси” жумбоби ечилади. Лекин “таърих моддаси” ҳамиша бир сўздан (сўздаги бир неча ҳарфдан) иборат бўлавермайди. Баъзи ҳолларда “таърих моддаси”даги ҳарф(лар) ёки айрим сўз (сўзлар)ни чиқариб ташлаш ёки қўшиш, бир тилдаги сўзнинг иккинчи тилдаги эквивалентини олиш йўли билан ҳам “таърих моддаси” ҳосил бўлиши мумкин. Бу нарса таърих санъати турлари табиатига боғлиқ.

Таъкидламоқ лозимки, “таърих моддаси”дан келиб чиқадиган сана — ҳижрий йил (оий календари) ҳисобида бўлади. Галдаги вазифа — “таърих моддаси”даги ҳижрий йил санасини милодий йил (куёш календари) санасига ўтказишдан иборат. Бунинг учун, албатта, “оий календари” ва “куёш календари” ҳисобларидан хабардор бўлиш лозим.

“Оий календари”нинг ўзига хослиги шундаки, у Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага ҳижрат куни (Юлий календарида 622 йил 16 июль куни (жума)дан бошланган. “Оий календари” ҳижрий қамарий йил ҳисобланади. Бу календарда бир йил 12 оий бўлиб, ҳар оий 30 ёки 29 кунга teng. Бундай йил куёш (милодий) йилдига нисбатан 10,5 кунга қисқа, яъни оий йилининг ҳар 34 йили қуёш йилининг 33 йилига тўғри келади. Милод йили — қуёш йилида 365 кун бор, ҳижрий йилда эса 354 кун бўлади. Демак, ҳар милод йили ҳижрий йилга қарагандা 11 кун ортиқ. Ҳижрий йил фаслларда силжиб юради ва ҳар 33 йилда бир айланиб чиқади. Ҳижрий йилни милодий йилга ва аксинча милодий йилни ҳижрий йилга айлантирища мана шу фарқни албатта ҳисобга олиш шарт<sup>1</sup>. Масалан, Алишер Навоий милод ҳисоби билан 1441 йилда туғилган. Милод йилини ҳижрий йилга айлантириш учун куйидаги тартибга амал қилинади: а) 1441 дан 622 ни олиш лозим — 819 қолади; б) 819 ни 33 га тақсим қиласиз — 25 (аниқроғи, 25 га сал етмайди. Шундай пайтда 0,5 паст бўлса — “0”га туширилади ва 0,5 дан баланд бўлса 1 га кўтарилади)

<sup>1</sup> Қаранг: Календарь. ЎзСЭ, 5-т. Т., ЎзСЭ, 1974, 249—250-бетлар.

келиб чиқади; в) 819 га 25 ни қўшамиз —  $819+25=844$  санаси келиб чиқади. Демак, Алишер Навоий ҳижрийнинг 844 йилда таваллуд топган экан. Қисқаси:  $1441-622=819$ ;  $819:33=25$ ;  $819+25=844$ .

Абулғози Баҳодирхон 1014 ҳижрий йилда таваллуд топган. Шу санани милодий йилга айлантириб кўрайлик: а) 1014 ни 33 га тақсим қиласиз = 31 дан тегади; б) 1014 дан 31 ни оламиз — 983 қолади; в) 983 га 622 ни қўшамиз = 1605 рақами келиб чиқади. Қисқаси:  $1014:33=31$ ;  $1014-31=983$ ;  $983+622=1605$ . Демак, Абулғозий Баҳодирхон 1605 милодий йилда туғилган экан<sup>1</sup>.

Адабиётимиз тарихида мустақил асар сифатида ҳам, йирик ҳажмли асарнинг узвий қисми сифатида ҳам битилган таърихлар мавжуд. Бунинг устига, ранг-баранг кўринишли таърихлар бор — тарихий поэтика нуқтадонларидан бири — Иброҳим Халил таърих санъатининг ўн икки тури борлигини аниқлаган.

Таърих санъатининг илдизлари қадим замонларга бо-риб тақалади. Аммо олимларимиз қайд этганларидек, у XV-XVI асрларда кенг қулоч ёйган — таърих айтиш санъати урф бўлиб қолган. Адабиётимиз тарихида Алишер Навоийнинг устози ва дўсти Абдураҳмон Жомий вафотига бағишилаб айтган таърихи, шунингдек, Алишер Навоийнинг амирликка кўтарилиши, вафоти мусибати-ла ёзилган таърихлар жуда машҳур. Шунингдек, Ҳумулий, Рожий, Мирзо Содиқ каби шоирларнинг таърихлари ҳам ўз даврида кенг тарқалган. Булардан ташқари, Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон, Андикон, Тошкент каби шаҳарларда қад кўтарган меъморчилик обидалари (мадрасалар, карвонсаройлар, мақбаралар...) пештоқларига муҳрланган таърихлар ва Андикон зилзиласига бағишиланган таърихлар ҳам фоятда эътиборли.

Олимларимиздан С.Асадуллаев ва М.Оқиловлар “Таърих айтиш санъати” мақолосида таърих санъати турлари хусусида ҳам баҳс юритар эканлар, даставвал, уларни уч гуруҳ (лафзий, маънавий ва лафзаю — маънавий)га ажра-

<sup>1</sup> Қаранг: Т. Шермуҳамедов, Ф. Абдуллаев, Л. Халилов, А. Халилов. Ўқишиш китоби. Т., Ўқитувчи, 1994, 38—39-бетлар.

тадилар, сўнг ҳар бир гуруҳга мансуб бўлган таърихларнинг ички кўринишларига тўхталиб ўтадилар. Бу ўринда муаллифларнинг маънавий таърих санъати гуруҳининг қуидаги уч кўринишини қайд этадиларки, шулар жуда эътиборли: а) комил ул-аъдод (тomm — тўлиқ): “таърих моддаси” мукаммал бўлган санъат. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур вафотига битилган таърих шундай:

Таърихи вафоти шоҳ Бобур,  
“Дар нуҳсаду сию ҳафт буда”.

“Дар нуҳсаду сию ҳафт буда” таърих моддаси бўлиб, сўзлар абжад ҳисобида рақамларга айлантирилса, 937 сана келиб чиқади. Демак, Бобур шоҳ 937 ҳижрий (1530 милиодий) йилда вафот этган.

“Маҳбуул қулуб”га Алишер Навоийнинг дастхати билан битилган таърихни эслайлик:

Бу номаки, лисоним ўлди қоил,  
Килким тили ҳар навъ эл ишига мойил.  
Таърихи “ҳуш” лафзидин ўлди ҳосил,  
Ҳар ким ўкуса илоҳи бўлғай хуш дил.

Бу шеърда таърих моддаси: “ҳуш” (خوش) сўзи. “Хуш” (خوش) сўзидан дастлаб ҳижрий йил ҳисобини аниқлаймиз. Бунинг учун: а) таърих моддасидаги сўзни абжад ҳисобидаги рақамларга айлантирамиз: ҳ (хе) - 600; , (вов) - 6; ҷ (шин) - 300; б) ҳарфлар замирига яширинган рақамлар ( $600+6+300=906$ )-и жамлаб, ҳижрий санани аниқлаймиз ( $600+6+300=906$ ); в) Демак, “Маҳбуул қулуб” асарини ёзиш 906 ҳижрий йилда ўз интиҳосига етган экан. Энди 906 ҳижрий йилни милодий йилга айлантириб кўрайлик: а) 906 ни 33 га тақсимлаймиз =  $906 : 33 = 3$ ; б) 906 дан 3 ни айирамиз;  $906-3=900$  (903); в) 900 (903) га 600 (622) ни кўшамиз -  $900+600=1500$  санаси келиб чиқар экан. Демак, “Маҳбуул қулуб” асари 1500 милод йилида яқунланган экан; б) зойд ул-аъдод (зиёда): “таърих моддаси”да ортиқча ҳарф(рақам)и бўлган санъат. Бу хил таърих санъатини ечишда ундаги ортиқча ҳарф(рақам)ни чиқариб ташлаш шарт (бу ҳақда муайян ишора бўлади). Масалан, Андикон зилзиласи муносабати билан шоир Муқимий “Таърихи

зилзилаи аз мавлоно Муқимий Ҳўқондий” таърих-шеъри-ни ёзган. Шу шеърдан парча:

Сирри ҳақиқат бу, Муқимий хамӯш,  
Санга на даркор демак ину он.  
Жон бошини зилзила қасд айлагач,  
Таърихи ақл аиди: “дариғ Андижон”.

Бу шеърнинг таърих моддаси “дариғ Андижон” (دریخانه‌ایندیجان) рақамларга айлантирилса — 1323 санаси келиб чиқади; “Жон бошини зилзила қасд айлагач” сўз бирикмасидаги “жон” (جان) нинг бош (ج) жим ҳарфи назарда тутилган, шу ҳарф абжад ҳисобида рақамга айлантирилса — “3” сони келиб чиқади:  $1323 - 3 = 1320$ ; 1320 ҳижрий йил : 33 = 40;  $1320 - 40 = 1280$ ; 1280 ҳижрий йил + 622 = 1902. Демак, Андижон зилзиласи ҳижрий 1280 (милодий 1902) йилда воқе бўлган экан; в) ноқис ул-аъдод (кам, тўла бўлмаган) : “таърих моддаси”даги сўз (рақам) тўлиқ бўлмаган санъат (фалон ҳарф ёки сўз “таърих моддаси”га қўшилса (бу ҳақда муайян ишора бўлади), керакли рақам пайдо бўлади. Масалан, хаттот Сулаймонкул Рожий Алишер Навоийнинг “Мажолис ун нафоис” асаридан нусха кўчириб, унга шундай таърих битган:

Юз шукурки, таҳрир топиб ушбу китоб,  
Сўз аҳлининг аҳволида келмиш неча боб.  
Битмакчи эдим мен рақами таърихин,  
Дафттар юзини “тазкира” олди қамраб.

Бу парчада “таърих моддаси” — زکر — ташкира сўзи бўлиб, ҳарфлар абжад ҳисобида рақамларга айлантирилса, 1325 санаси келиб чиқади. “Дафттар юзини “тазкира” олди қамраб” ишорасига эътибор қўлсак, дафттар юзи”дан “дол” (>) нинг адоди 4 ни “тазкира” адоди — 1325 рақамига қўшилса, 1329 санаси пайдо бўлади. Демак, “Мажолис ун нафоис” тазкираси 1329 йилда кўчирилган экан<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: С. Асадуллаев, М. Оқилов. Таърих айтиш санъати. Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 3-сон, 68—69-бетлар.

Энди таърихи санъати намуналарини кўздан кечирайлик.

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонининг ёзиши тарихини санъат усулида қуйидагича ифодалаган:

Чу таърихи йилин айлай дедим туз,  
Секиз юз сексон эрди, доги тўққиз.

Англашиларлики, “Фарҳод ва Ширин” достони ҳижрий 889 йилда (Милодий 1484 йилда) ёзилган экан.

Алишер Навоий вафоти мусибати билан замондошлиари томонидан ёзилган таърих қуйидагича:

Беш ҳарф дедиу бўлди таслим,  
“Алиф”, “бе”, “то”, “со”, “жим”.

Бу шеърниг “таърих моддаси”да музайян қилинган рақамлар қуйидагича: Ӣ (алиф) - 1; Ҷ (бе) - 2; Ҵ (то) - 400; ҵ (со) - 500; Ҹ (жим) - 3. Қисқаси:  $1+2+400+500+3=906$  ҳижрий йил пайдо бўлади. 906 ҳижрий йилни милодий йилга айлантирилса, 1501 сана келиб чиқади. Демак, Алишер Навоий 1501 милодий йилда вафот этган.

Алишер Навоий устози Абдураҳмон Жомий вафоти сасини қуйидаги таърихи санъати билан ифода этган:

Гавҳари кони ҳақиқат, дурри баҳри маърифат,  
К-у ба ҳақ восил шуду дар дил наудаш мосаво.  
Кошифи сирри илоҳи буд бешак, 3-он сабаб,  
Гашт таърихи вафоташ “кашфи асрори илаҳ”.

Бу тўртликдаги “кашфи асрори илаҳ” сўз бирикмаси “таърих моддаси” бўлиб, абжад ҳисобида 898 (милодий 1492) йил келиб чиқади. Демак, Абдураҳмон Жомий ҳижрий 898 (милодий 1492) йилда вафот этган.

Шоир Ҳабибий девон тартиб берган йилини қуйидагича таърихи санъати усулида баён этган:

Фазалхон, ёру дўстим, жонажоним,  
Булур сизларга девоним — нишоним.  
Ажабки, арзимас девонга таъриф,  
Бўлубдур, “бу шарафли армугоним”.

“Бу шарафли армуғоним” (ۋوش رفلى ارمغانىم) — таърих моддаси. Бундан маълум бўлишича, Ҳабибий девони ми-лодий 1970 йилда тузилган экан.

Чистон (форс. چىستان — у нима?) — мумтоз адабиёти-мизда қўлланилган бадиий санъатлардан бири. Чистонлар аслида ҳалқ оғзаки ижодидаги топишмоқлар заминида пайдо бўлган. Чистонлар тарихий поэтика манбаларида “лугз”, “лугаз”, “лоғаз”, “чистон” деб юритилган. Чистонларнинг асосий хусусияти шундаки, шеър мисралари замирига яширган нарсанинг хислатлари, белгилари тўлиқ айтилади. Ўқувчи шу белгиларга қараб чистоннинг мағзини чақади — шеърда музайян қилинган предмет номини ўйлаб топади. Чистонларда, кўпинча, абжад ҳисобидан ва ҳалқ оғзаки ижодидаги топишмоқ усусларидан фойдаланилган. У табиатан муаммо санъатига яқин туради. Айни чоқда, муаммо билан чистон ўртасида фарқ ҳам борки, буни унут-маслик керак; муаммода, асосан, киши номлари яширина, чистонларда, кўпроқ, буюм номлари музайян этилади.

Мумтоз адабиётимизда Алишер Навоий, Увайсий, Мунис, Огаҳий ва бошқа сўз усталари кўплаб чистон-шеърлар яратишган. Умуман ўзбек адабиёти тарихида чистоннинг пайдо бўлиши ва ривожи, биринчи навбатда, Алишер Навоийнинг муборак номи билан боғлиқдир. Шоирнинг “Бадойиул васат” девонида берилган чистонлар беназирдир. Чунончи Алишер Навоий “Парвона” ҳақида шундай гўзал чистон тўқиган:

Ул қушки, таашшуқдуур андиша анга,  
Бир нахлдаким шомдадур беша анга.  
Шохи учидин аён бўлиб реша анга,  
Гул очмоқ ўшул решасидин пеша анга.

Энди эл-юрт оғзига тушган Увайсийнинг “Анор” чистони мағзини чақиб кўрайлик:

Бу не гумбаздир эшиги, туйнугидин йўқ нишон,  
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур макон.  
Туйнугин очиб аларнинг ҳолидин олсам хабар,  
Юзларида парда тортиқлик туарлар, бағри қон.

Шоира Увайсий чистон-шеърида, биринчидан, бир предметнинг номини яшираяпти. Бу яширган нарсанинг ха-

рактерли белгиларини кўрсатмоқда: а) эшиги ҳам, туйнути ҳам бўлмаган гумбазсимон нарса (анорнинг ташқи кўринишига ишора); б) бу гумбазни тулгун қизлар ўзларига макон қилиб олган (анор доналарининг жойлашишига ишора); в) гумбаздан туйнук очиб ичига қаралса (анор ёриб кўрилса); г) бағри қонга тўлиб кеттган (анор доналарининг қип-қизиллигига ишора) қизлар юзларига парда тортиқлик (анор доналарининг майин пардасига ишора) ҳолда турибди демоқчи. Шу белгиларга қараб биз шеър мисралари замирига анор яширганини пайқай оламиз. Бу чистоннинг аҳамияти шундаки, унда рамзий образлар орқали анорнинг белгиларигина ифодаланаётганилигига эмас, айни чоқда, шу рамзий-поэтик образлар воситасида ўз замонасининг хотин-қизлари тутқунлиги ва бағри қонлиги ҳам ифодаланмоқда. Демак, чистон шунчаки сўз ўйини — санъатпардозлик эмас, аксинча ҳаётни ҳам акс эттирувчи курол экан.

Ўзбек болалар адабиётида топишмоқ-шеърлар гоятда машхурки, улар ҳам чистонга ўхшаб кетади.

**Маънавий —  
лафзий санъатлар** Бадиий санъатларнинг бу тури, юқорида айтганимиздек, шеърнинг ҳам товуш (шакл), ҳам маъно (мазмун) томони билан узвий боғлиқ бўлади. Маънавий-лафзий санъатлар ҳам гоятда ранг-баранг кўринишларга эга. Шулардан айримларини кўздан кечирайлик:

**Таносиб** (араб. تناسیب — бир-бирига муносиб) — маънавий-лафзий санъатлардан бўлиб, у шеъриятимизда кенг кўлланилиб келинган. Таносиб баъзан “мутаносиб”, “муроату-и-назир”, “таносуб”, “тавфиқ”, “ийтилоф”, “талфиқ” каби атамалар билан ҳам юритилган. Шарқ поэтикаси нуқтадонларидан бири Рашидиддин Ватвот “Ҳадойикус-сехр фи дақойиқуш шеър” асарида таносиб санъатига шундай таъриф берган: “Муроату-и-назир — бу шундай бир санъатдурки,.. шоир ўз байтида жинсдош нарсаларни, чунончи: ой ва қуёш, ўқ ва ёй, қош ва кўз, гул ва лола ва шуларга ўхшаганларни бирга жамлаб қўяди”<sup>1</sup>. Шеършунос Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний “Бадойиъу-с-санойиъ”да шундай деб

<sup>1</sup> M. Шайхзоданинг “Устоднинг санъатхонаси” мақоласидан олинди. Асарлар (олти томлик), 4-т. Т., F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 244-бет.

ёзади: “Ул андоқтурким, каломда анга муносиб ҳодиса ва нималарни жамъ қилурлар (аммо тазод йўли бирла эрмас...)<sup>1</sup>. Шоир ва аллома Шайх Аҳмад Тарозий фикрича, “ул бўлурким, шеър ичинда наросаларнинг риоятин қилурларким, бир-бирининг назари бўлғай: чанг ва уд ва рубоб. Мисол:

То ғаминг чангинда куйди хаста кўнглум удтек,  
Нола-у и(н)грамакни мендин рубоб<sup>2</sup>.

Юқоридаги байтда “чанг”, “уд” ва “рубоб” номли чолгу асблари, биринчидан, бир-бирига зид эмас, балки ҳамоҳанг, жинсдош ва, иккинчидан, лирик қаҳрамон руҳиятини ифодалашга мос.

Алишер Навоий бир рубоийсида:

Кўз бирла кошинг яхши, қабоғинг яхши,  
Юз бирла сўзунг яхши, дудоғинг яхши,  
Энг бирла менгинг яхши, сақокинг яхши,  
Бир-бир не дейин боштин-оёғинг яхши.

деб ёзади. Эътибор қилинг-а: ёрнинг “кўзи”, “қоши”, “қабоғи”, “юзи”, “сўзи”, “дудоғи”, “энг”и, “менги”, “сақоқи” ниҳоят даражада гўзал — бир-бирига мутаносиб. Шоирнинг холосаси шу: ёрнинг ҳамма унсурлари гўзал — уларни бирма-бир тавсифлашнинг ҳожати йўқ — ахир ёрнинг “боштин-аёғи яхши”!

Бағринг толе нурга тўлсин,  
Она юртим, мунис маконим.  
То тирикман, сеники бўлсин  
Шеърим, умрим, жоним.

(Эркин Воҳидов)

Лирик қаҳрамон Ватанни шу қадар севадики, у, ҳатто, бутун умрини жонини қалб ҳароратини — шеърини Ватанга баҳшида этади — Ватансиз ўзини тасаввур қила олмайди — у Ватан билан бир бутун!

---

<sup>1</sup> А. Ҳусайнӣ. Бадойиъу-с-санойиъ, 232-бет.

<sup>2</sup> Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л балоға, 112-бет.

Бу санъатда бир-бирига мутаносиб сўзлар, одатда, киноя, ташбиҳ ва истиора усулида ишлатилади. Чунончи:

Ой юзунг шавқинда тунлар то саҳарга ўлтуриб,  
Ёндуруб кўз машъалин, ёштин қуярмен ёғлар.

(Атойи)

Яна бир мисол:

Ўқи захмин тан аро ул юз хаёли ёрутур,  
Ўйлаким, Юсуф жамоли равшан эткай чоҳни.

(Алишер Навоий)

Мазкур байтни Мақсад Шайхзода жуда нозик шарҳланган:

Унинг ўқи туфайли баданимда очилган жароҳатни  
унинг чеҳрасининг хаёли ёритади,  
Юсуф жамоли чоҳ (кудук)ни равшан қилгани янглиф.

Демак, дўст юзини хотирлаш билан тандаги яранинг ёриши (огриқнинг босилиши) қудуқнинг Юсуф жамолидан равшанлашиб кетганига мос — уйгун келади. Бу ажойиб таносиб санъати!

Ёки яна бир мисол:

Кўриб дардим тараҳҳум қилмадинг ҳеч,  
Тўкиб ашким табассум қилмадинг ҳеч.

(Алишер Навоий)

Бу байтдаги “дардим” ва “ашким”, “тараҳҳум” ва “табассум” сўзлари — таносиб санъати! Айни чоқда, бу байтда тарси санъати ҳам ишлатилган.

Ёки:

Жоним баданинг шифоси бўлсин,  
Бошим қадаминг фидоси бўлсин.

(Алишер Навоий)

Бу байтдаги “жон” билан “бадан” ва “бош” билан “қадам” сўзларида ифодаланган маъноларнинг мутаносиб-

лигидан ташқари, жонинг баданга шифо бўлиши билан бошнинг қадамга фидо бўлиши ўртасида уйғунлик мавжуд. Бу — таносибнинг яхши намунаси!

Ёки:

Хуросон демаким, Шерозу Табриз.  
Ки қўлмишдур найи килким шакаррез.

(Алишер Навоий)

Мазкур байтдаги Хуросон, Шероз, Табриз шаҳар номлари — таносиб. Таносиб санъати ҳозирги шоирларимиз шеъриятида ҳам тез-тез учраб туради. Масалан, шоир Усмон Носир “Юрак” шеърида таносиб санъатини усталик билан қўллаган. Мана шеърнинг биргина банди:

Юрак сенсан менинг созим,  
Тидимни найга жўр этдинг.  
Кўзимга ойни беркитдинг,  
Юрак, сенсан ишқибозим.

Бу парчадаги “юрак” ва “соз”, “тил” ва “най”, “кўз” ва “ой” сўзлари англассан маънолари билан бир-бирига боғлиқ, мутаносиб.

Алишер Навоий газалидан олинган қуйидаги байтни таҳлил қилинг:

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт,  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт.

**Тажнис** (араб. تجھیز — ўхшаш бўлмоқ) — турли маъноли сўзлар шаклдошлиги ва ҳамоҳанглиги. Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнининг таъқидлашича, “ани жинос ҳам дерлар. Лугатта бир нарса била ўхшаш бўлмоқтур, жинос эса ҳамжинс маъносиндадур. Истилоҳта — икки ёки андин ортиқ лафзнинг навъю турлари баён этилган кўринишлардин бирида бир-бирига ўхшамогидин ибораттур”<sup>1</sup>.

Адиб ва аллома Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий фикрича, “тажнис ул бўлурким, шоир байт ичинда икки

<sup>1</sup> A. Ҳусайн. Бадойиъус-санойиъ, 38-бет.

калима келтиурким, бири-бирининг жинси бўлғай бир важҳдин”<sup>1</sup>. Тажнис, одатда, нозик сўз ўйинлари орқали юз беради. Тажнис заминини жинсдош сўзлар — омонимлар ташкил қиласар экан, бу сўзлар, биринчидан, ёзувда ҳам, талаффузда ҳам бир хил бўлиши, иккинчидан албатта, турли маъноларни ифодалави ва, учинчидан, микдор жиҳатидан иккитадан кам бўлмаслиги шарт. Ҳатто, адабиётда шундай поэтик жанрлар борки, унинг заминини, асосан, тажнис санъати ташкил этади, Мисол:

Боғбон қиз боғ аро кўрсатди юз,  
Элга берган ваъдаларни қилди юз,  
Бир кулимсеб боқди ҳеч ким билмади,  
Боғ аро бор эди бир-икки юз.

(Ҳабибий)

Туюқда “юз” сўзи уч марта (уч маънода) ишлатилган:  
а) биринчи мисрадаги “юз” сўзи — боғбон қиз кўриниш берди; б) иккинчи мисрада “юз” сўзи — қиз эл-юрга берган ваъдасини тўла-тўқис бажарган; в) тўртинчи мисрада “юз” сўзи — боғда одам кўп эди, деган маънони билдиради. Айни чоқда, шеърда қўлланилган “юз” сўзи (омоним) тақрори нозик сўз ўйинини келтириб чиқарган — ўзига хос оҳангдошлиқ пайдо бўлган.

Мумтоз адабиётимиздан бир мисол:

Мени беҳол айлаган ёр ойдурур,  
Ким аниңг васли мангга ёрайдурур,  
Гар висол бўлмаса кетар ёрим,  
Ё Хурсон, ё Хито, ё Ройдурур.

(Бобур)

Эътибор қилинг-а: “ё ройдурур” сўзи уч марта (шаклий ўзгаришлар ила — шаклдошлиқ-ла) бошқа-бошқа маъноларда ишлатилган: а) биринчи мисрадаги “ёр ойдурур” — мени мафтун қилган ёр; б) иккинчи мисрадаги “ёрайдурур” — менга маъқул бўлган; в) тўртинчи мисрадаги “ё Ройдурур” — Рой ўлкаси маъносини ифода этган. Бундан

<sup>1</sup> Ш. А. Тарозий. Фунуну-л балоға, 85-бет.

ташқари, “ё ройдурур” сўзи (омоним сўз сифатида), биринчидан, сўз ўйинини вужудга келтирган, иккинчидан, оҳангдошликни яратган...

Келди санга юз умид била, эй моҳ,  
Лекин ёздим юзингни кўрмай юз оҳ.

(*Бобур*)

Байтдаги “юз” сўзи — тажнис.

Тажнис санъати ранг-баранг кўринишларга эга. Адабиётшунос Б.Саримсоқовнинг айтишича тажнис санъатининг йигирма икки хили бор. Аммо тажнис санъати таърифи ва тавсифи масаласида олимлар бир хиллиликка эриша олмаганлар. Масалан, Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнин “Бадойиъу-с-санойиъ” асарида тажнисларни дастлаб икки тип (лафзий тажнислар ва гайри лафзий тажнислар)га ажратади, сўнг ҳар бирининг ички кўринишларини қайд этади. “Лафзий тажнис лафзларнинг ўхшашлигидин ибораттур. Сон, тур ва шакл жиҳаттин ҳамма ҳарфларда ёки аксарида, аларнинг тартиби мувофиқ бўлмоғи шарт била” (88-бет). Лафзий тажнисларнинг беш тури бор: Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг “Фунуну-л балоға” асарида тажнислар типларга (гуруҳларга) ажратилмаган: тажнисотнинг етти навъи мавжудлиги қайд қилинган, холос. Хуллас, олимларимизнинг диққат эътиборини тортган тажнис турлари қуидагилар:

1. **Тажниси томм** (мутлақ тажнис). “Аввалғиси тажнис-и томмдур, -деб таъкидлайди А.Ҳусайнин, -ани тажниси тасриҳ ҳам дерлар ва ул турли маънолиғ лафзларнинг талаффуз жиҳатидан тўлиқ мувофиқлигидин ибораттур. Тўлиқ мувофиқлиқтин мурод улдурким, ҳарфларнинг сони, аларнинг тури тартибу шакли, ҳаракату сукуноти, ташдиду таҳфифи ва мадду қасри баробар бўлғай...” (“Бадойиъу-с-санойиъ”, 39-бет).

Мисоллар:

Ё раб ул шаҳду шакар ё лабдурур?  
Ё магар шаҳлу шакар ё лабдурур?  
Жонима пайвоста новак отқали,  
Фамза ўқин қошиға ёлаб дурур?

(*Алишер Навоий*)

Лаълидин жонимга ўтлар ёқилур,  
Коши қаддимни жафодин ё қилур.  
Мен вафоси ваъласидин шодмен,  
Ул вафо билмонки қилмас ё қилур.

(Алишер Навоий)

Алишер Навоий туюқларидағи остига чизилган сўзлар (“ё лаб дурур”, “ё қилур”)нинг мағзини чақиб кўринг. Бу сўзларнинг ёзилиши ва талаффузи бир хил бўлса-да, улар турли маъноларни англатади. Ҳар иккала мисолимиздаги остига чизилган сўзлар (“ё лабдурур” ва “ё қилур” бир-бирига тўла мувофиқ, мос; ҳарфлар сони ҳам, ҳаракоту сукуни ҳам, ҳижолар миқдори ва сифати ҳам... бир-бирига мувофиқдир.

2. **Тажнис-и ноқис** (нуқсонли тажнис). Атоуллоҳ Ҳусайнининг айтишича, “ул лафзларнинг ҳарфлар сони, тури ва тартибида мувофиқ бўлуб, ҳаракоту сукунот, ташдику тахфиф... турлича бўлмоғидин ибораттур (“Бадойиъу-с-санойиъ” 39-40-бетлар). Мисол:

Эйки, софий сохта айши маро аз дурду дард,  
Дур бод аз гард-и ту осиб-и давр-и тезгард.

Тажнис-и ноқис: дурд-дард, дур-давр. Буларда ҳарф тартиби бир хил, лекин ҳаракати ҳар хил.

Таржимаси:

Эй дард дурд (май қуйқаси)идан менинг айшимни  
софий (майнинг тиниги) қилгин,  
Тез айланувчи давр зиёни сенинг  
тегрангда узоқ бўлсин.

Десангким: “жон сипар қилғил, Оトイим!”

Турубмен уш мундоқ ўлур, от ойим!

(Атойи)

Она ер вазни тутиб кифтила,  
Одамлар қалбини олиб кафтила.

(Б. Бойқобилов)

3. **Тажнис-и музайял**. “Ул андин ибораттурким, — деб таъкидлайди Атоуллоҳ Ҳусайний, — ҳарфлари сон жиҳа-

тидин турлича лафзлар, аларнинг бирида ортиқча бўлған ҳарфтин ўзга, ҳар иккисида мавжуд ҳарфларнинг турида бир-бирига мувофиқ бўлғай. Аларнинг ул алфоздаги тартибу шакли андоғ бўлгайким, агар ҳарфларнинг сонида ихтилоф бўлмаса, алар орасинда тажнис-и томм ҳосил бўлғай. Бу ихтилоф, аксар фусаҳо наздида, икки шаклдошнинг бирининг ё бошида, ё ўртасида, ёки охирида бир ҳарф ортиғлиғидадур (“Бадойиъ-с-санойи”, 41-бет). Мисол:

Күн кўрди оноси бу қаро күн,  
Чекти бу қаро күн ичра бир ун.

(“Хамса”)

4. **Тажнис-и мафруқ** (ажратилган тажнис). Тажнисланувчи сўзларнинг бири ёзувда ажралиб туради:

Бодасиз бетобман бу кеча ман,  
Лаълинг истаб эмди жондин кечаман.

(Муқимиий)

Бу дунёдин фараҳ йўқ тур мени маҳзунга жононсиз,  
Жаҳондин ким десун биллоҳ керакмас манга жон онсиз.

Хуллас, ўзбек шеърияти бадиий санъатларга шу қадар бойки, улардан айримларинигина кўздан кечирдик, холос. XV аср шоири ва аллома Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий “Фунуну-л-балога” (“Балогат сирлари”) асарида юзга яқин бадиий санъатларни қайд қилган ва уларнинг ихчам-ихчам талқинини берган<sup>1</sup>. Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайннийнинг “Бадойиъ-у-с-санойиъ” асарида эса 143 та бадиий санъат тавсифланган. Бу фактларнинг ўзиёқ шеъриятимизнинг сермазмунлигини, ранго-ранглигини, латофатию тароватни кўрсатади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ш. А. Тарозий. “Фунуну-л-балога. Т., Хазина, 1996, 84-бет.

*Олтинчи боб*  
**ПОЭТИК СИНТАКСИС**

Синтаксис...

Маълумки, тилшуносликда синтаксис гап қурилиши, гапда сўзларнинг тартиби ҳақида баҳс юритса, поэтик (шөърий нутқда) синтаксис эса шеър мисралари, байтлари ва бандларидаги жумла қурилиши ва уларда гап бўлакларининг тартиби ҳақида фикр юритиш билан шуғулланади. Шеърий нутқда, хусусан, шеърий жумла қуриш, сўз танлаш ва уларни гап қурилишида моҳирона ишлатиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Поэзияда жумла қурилиши, энг аввало, гоятда ихчам ва сиқиқлиги, сермаънолиги билан тавсифланади. Бу эса шеърда сўзларнинг грамматик жиҳатдан боғланиши, тилнинг синтактикак нормалари каби қатор масалалар билан алоқадордир.

Шеърий нутқ синтаксиси асар тилига образлилик, таъсирчанлик, жозибадорлик баҳш этади. Л.И.Тимофеев айтганидек, синтаксис, худди лексика сингари, шоир томонидан нутқни индивидуаллаштириш ва типиклаштириш учун фойдаланилади. Таъкидлаш керакки, ҳар бир санъаткор асарлари поэтик синтаксисининг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Чунки, шоирнинг ижодий индивидуаллиги унинг асарлари поэтикасида чуқур из қолдиради. Масала-га шу нутқтаи назардан қараганда Алишер Навоий, Захирiddин Муҳаммад Бобур, Муқими, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Faфур Fuлом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ойбек, Миртемир, М.Шайхзода, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби шоирлар асарларининг поэтик синтаксиси ўзига хослиги билан бир-бирларидан ажалиб туради.

Хуллас, поэтик синтаксисининг вазифаси бадиий асардағи ранг-баранг нутқий қурилишлар ва образли тил восита-лари, жумла тузиш усусларини тадқиқ этишдан иборатдир.

**Интонация** (лот. intonare — ба-ланд товуш билан талаффуз қилиш, ўқиши) — товушнинг баланд ва паст оҳанги, гапириш услуби, сўзларни талаффуз этиш усусларидир. Интонация поэтик фикрни тингловчига жозибали тарзда етиб боришига хизмат қиласи. Бадиий асарда интонация жуда муҳим

аҳамият касб этади. Ҳар бир асарнинг ўзига хос интонацияси бўлади. Нутқнинг ўзига хос синтактик тузилиши, сўзларнинг гапдаги ўрни, улардан айримларини пауза билан, секин ёки тез талаффуз этилиши турли хилдаги интонацияни пайдо қиласи. Санъат асарининг интонацион бир бутунлиги унда олинган мавзу, гоя ва образлар тизими талабларига бутунлай мос бўлади. Ҳар бир сўз, интонация, мазмун билан узвий боғлиқ.

Шеърий сўз матнадаги ўрнига қараб хитоб, киноя, шама, гина, ўпкалаш, таажжуб, шодланиш, мурожаат, фуур, ундов, газаб сингари маъноларни англатади. Интонация жонли нутқимизда қанчалик ранг-баранг бўлса, поэтик нутқда ҳам шунчалик ранг-барангдир.

Шеъриятда интонациянинг характерини, биринчи навбатда, лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, руҳий кечинмаларини белгилаб беради. Бошқача қилиб айтганда, интонация лирик қаҳрамон характерини очувчи энг муҳим воситадир.

Шеър интонацияси, одатда, баланд ва байтлардаги мисраларнинг, жумлаларнинг қурилиши билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли, шеърдаги жумла, гап қурилиши шунчаки синтактик ҳодиса эмас, балки ритмик-синтактик ҳодиса ҳисобланади.

Шеър интонацияси интонацион даврлар (икки нуқта ўртасидаги мустақил ва тутал жумла) ва улар таркибига кирувчи интонацион бўлаклар (интонацион давр ичидағи интонация жиҳатдан мустақил бўлмаган ва икки пауза ўтасида келган нутқ бирлиги) билан изоҳланади. Масалан:

Хаёлимда бўлдинг узун кун,  
Сени излаб қирғоқча бордим.  
Оч тўлқинлар пишқирган тунда,  
Топиб бер, деб ойга ёлвордим.

(Ҳамид Олимжон)

Бу бандда икки интонацион давр ва беш интонацион бўлак бор. Интонацион давр ҳар бир байтдан ташкил топади. Бироқ ҳамиша ҳам ҳар бир байт бир интонацион даврни ташкил қила бермайди. Интонацион давр баъзан бир банддан, ҳатто бир неча банддан ҳам иборат бўлиши

мумкин. Чунончи, қуйидаги банд бир интонацион даврни ташкил этади:

Розимасман бир ёш томса күзимдан,  
Розимасман сал ранг кетса юзимдан,  
Йүл ошсам-у, сал яшащдан адашсам,  
Розимасман унда тамом ўзимдан.

(Ҳамид Олимжон)

Интонациянинг ранг-баранглиги асар тилига таъсирчанлик баҳш этишини англаш учун қуйидаги шеърий парчаларни қиёслаб ўқиб кўрайлик:

Шодлик йўлга бошлади мени,  
Бахтиёрлик бўлди одатим.  
Шоир бўлиб шодлик ва баҳтни  
Куйламаклик зўр саодатим.

(Ҳамид Олимжон)

Сенга мафтун бўлиб, севиб қолганим,  
Ишқинг оловида ўртанганим рост.  
Сенинг ёдинг билан нафас олганим,  
Исминг тақрорлашга ўрганганим рост.

(Зулфия)

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,  
Асрлар тақдирли лаҳзаларда ҳал  
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун  
Кудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

(Faфур Fулом)

Куrimасдан дорга ёйган кўйлагим,  
Ёзмай шимарилиди нозик билагим,  
Вафосиз ёр экан қонимни тўқди,  
Шул эрдими дўстлар, севган тилагим!

(Ҳамза)

Бу парчалар турли интонация билан ўқилади: биринчи мисол фахр, ифтихор; иккинчиси нозик лирик ҳиссиёт; учинчиси кўтариинки романтик ҳис; тўртингчиси алоҳида мунг билан ўқилиши тақозо этилади. Демак, ҳар бир по-

этик асар ўзига хос интонацияга эга бўлар экан. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар бир асар интонациясининг ўзи ҳам воқеа ривожи, вазият ўзгариши, қаҳрамон ҳиссияти тақо-зосига кўра камалакдек тобланиб туриши табиийдир. Масалан, “Зайнаб ва Омон” поэмасидаги айрим бандлар чу-күр лирик ҳиссият билан ўқилса, бошқа бандлар алоҳида мунг билан, яна бошқа бир ўринлар фазаб ҳис-туйғулари билан ўқилади. Умуман, интонация мазмуннинг жозиба-сини очиб беради, унинг ритми ва мусиқийлигини равон қиласди, бадиий тилга таъсирчанлик бағишлади.

Интонация ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки уни, асо-сан, пауза, ургу ва нутқ суръати вужудга келтиради.

**Пауза** (юн. rau sis — тўхташ, тиниш) — шеърий нутқда катта роль ўйнайди. У аксар мисралар орасидаги туроқ-ларнинг охирига тушади, айрим сўз ёки сўз бирикмалари-ни бўрттиради, уларнинг маъно ва аҳамиятини таъкидлай-ди, шеърий нутққа ҳис-ҳаяжон бағишлади. Айниқса, шеърдаги байт ёки бандлар шеъриятнинг тугалланган бир бўлаги сифатида доимо пауза билан бир-биридан ажра-лади.

Шеър ритмини тартибли жойлашган нутқ бўлакларининг қонуний такрорланишисиз яратиб бўлмайди, поэтик нутқ-даги бу бўлакларни эса паузасиз тасаввур қилиш қийин. Масалан, Зулфиянинг “Ҳижрон кунларида” шеъридан бир бандни олиб кўрайлик:

На гўзал тунларки, севгили тунлар,	- 6+5=11
Узун қиши тунлари ўзинг тушимда.	- 6+5=11
Қора кўзларингнинг дилбар нигоҳи	- 6+5=11
Кун бўйи яшайди ақлу хушимда.	- 6+5=11

Бу тўртлик 6+5 вазнида. Бунда фақат иккинчи туроқ охиридагини эмас, балки биринчи туроқдан кейин ҳам пауза пайдо бўлади. Бу — ритмик пауза.

Ритмик пауза шеър ритмининг бир босқичини билди-риб келади, аммо у мисралар охиридаги паузалардан анча қисқадир. Мисра охиридаги пауза чўзиқроқдир. Шу са-бабли кичик туроқдан сўнг келувчи паузани кичик рит-мик пауза, мисра охирида келувчи паузани катта ритмик пауза деб аташ мумкин. Пауза шеър охирини ташкил этиш-да муҳим роль ўйнайди. Зотан, бўлиннишда жуда оддий

күринган ҳар бир товуш, ҳар бир сўз фақат интонация билан ўқилгандагина тўла мазмунни ифодалаб ўз таъсир кучини намоён қиласди.

Ургу — сўздаги бўғин ёки гапдаги сўзларни овозни кучайтириш, товушни баланд қилиш йўли билан ажратиб, бўрттириб ва таъкидлаб ўқишдир. Ургу шеърдаги сўзларнинг аҳамиятига кўра ажратиб ва бўрттириб кўрсатишга, шеърнинг вазни ва охирини кўрсатишга хизмат қиласди. Масалан, Зулфиянинг “Уни Фарҳод дер эдилар” манзу мақсадидан олинган қуйидаги мисраларда ургу мисрадаги сўзларнинг маъно ва интонация жиҳатдан бўладиган мустақиллигини бўрттиради:

Дарёлардан, боғлардан ўтдим,  
Саҳролардан, тоғлардан ўтдим.

Бу мисраларнинг ҳар бирида учтадан сўз бор. Биринчи мисрадаги ҳар бир сўз ўз ўрнида, бўғин ва сони ва ургусининг жойи жиҳатидан иккинчи мисрадаги “ўз шериги”га тенгдир. Бу ҳол шеърдаги мусикийликка таъсир кўрсатади. Шу тариқа сўзларнинг ҳар бирида ургунинг бир ўринда келиши сўзлардаги оҳангнинг салмоғида муайян бир кучни вужудга келтиради: ҳар бир сўзларнинг ўзи алоҳида бир ритмик бўлак даражасига кўтарилади. Аммо ургу сўз охира бирида келмаслиги ҳам мумкин.

Шеърий нутқ синтаксисининг  
**Поэтик фигурылар** энг муҳим соҳаси — поэтик фигурылар.

Маълумки, бадий асар тилининг ифодалилиги ва таъсирчанлигига фақат сўз танлаш билангина эришиб бўлмайди, танланган сўзларни моҳирона бириктириш ҳам талаб қилинади. Умуман айтганда, алоҳида ажратилган сўз бўлмайди, улар ҳамиша бир-бiri билан бирикиб келади. Сўзларнинг моҳияти фақат бошқа сўз билан бириккан тақдирда, жумла конструкциясидагина англашилади. Бадий нутқда муайян сўз бошқа сўзлар билан фақат маъно жиҳатидангина эмас, тасвирийлик жиҳатидан ҳам бирикади, ўзаро боғланади. Ҳатто, жумладаги сўзлар ўрнининг алмашинуви, ургу ва интонациянинг ўзгариши, нутқ суръатининг тезлашиши ёки секинлашиши, сўроқ ва ундов шакл-

ларининг киритилиши бадиий нутқ руҳини ўзгартириб туради. Бадиий адабиётда сўзнинг маъноси ва ифодавийлигини кучайтириш мақсадида қилинган шаклий-услубий ўзгаришлар — нутқ обороти илмда фигура (лот. figura — образ, тарз)лар деб юритилади.

Поэтик фигуralар, худди кўчимлардек, бадиий нутқни белгиловчи воситалар эмас, у аслида инсон руҳиятининг ўзига хослиги ва жонли тил табиатидан табиий равишда келиб чиқадиган ҳодисалардир. Одам ҳаяжонланган, қувончларга тўлган, хафа бўлган ёки нафратланган пайтларида унинг нутқи одатдагидан ўзгаради: нутқ осойишта эпик руҳини йўқотади, гап қурилиши бошқача тус олади — жумлалар қисқа-қисқа бўлади, баъзи сўзлар тушеб қолади, баъзи сўзлар эса тақрорланади. Ҳатто, баъзан алоҳида сўзларгина эмас, бутун-бутун жумлалар ҳам тақрорланиб келади. Жонли тилдаги бундай ўзига хос хусусиятлар бадиий нутқда ўз ифодасини топади. Шоир қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини ҳаққоний ифодалашга интилар экан, даставвал, нутқ оқимиға, жумла тузилишига, сўз танлаш ва уларни гапда жой-жойига қўйиб ишлатиш масаласига жиддий эътибор беради.

Фигуralар, биринчи навбатда, персонажларнинг ҳисстуйгуларини, кайфиятини ифодалашга қаратилган бўлади. Одатда, кўчимлар ёрдамида предметлар ва воқеа-ҳодисаларнинг табиати (ўзига хос хислатлари, сифат белгилари) очилади. Фигуralар алоҳида сўзларнинг маъносини, аҳамиятини ўзгартирмайди, аксинча у инсон ҳиссиётига асосланниб бадиий нутқ қурилишига таъсир ўтказади.

Кўчим ва фигуralар поэтик тил воситалари сифатида бир-бирига яқин, ҳатто уларнинг вазифалари ҳам кўп ҳолларда бир-бирига мос тушади, бироқ кўчим ва фигуralар айнан бир нарса эмас: улар тилнинг турли хусусиятларига асосланадилар ва турли йўллар билан нутқа бадиийлик, оригиналлик ва таъсирчанлик бахш этадилар. Кўчимлар, даставвал, сўзнинг маъно бойлигини очишга хизмат қилса, фигуralар, биринчи навбатда, сўзни ранг-баранг жумла оборотига киритиш йўли билан унинг таъсир кучини оширади.

Поэтик фигуralар ранг-баранг кўринишларга эга. Поэтик фигуralарни, одатда, қуйидагича тасниф қилиб ўрганиш мумкин:

**а) Кучайтирувчи фигураналар** — тасвир объекти маъноси-ни, қаҳрамон ҳиссиятини кучайтириш, бўрттириш, нутқ-ий ўзгаришларни ифодаловчи тасвир усуулларидир. Фигу-раларнинг бу гуруҳига градация, риторик сўроқ, мурожа-ат, хитоб ва бадиий такрорлар мансубдир.

**Градация** (лот. gradatio — зинапоя) — тасвир объекти (маъноси)нинг мисрадан мисрага (сўздан сўзга) ўтган сари кучайиб боришини ифодаловчи сўзлар (ўзига хос гап ту-зилиши). Градация эркин шеърда, оқ шеърда, сочма шеърда кўпроқ учрайди. Градация бўлиб келган сўзлар шеър тўки-масидан кўпинча зинапоя тартибда жой олади. Градация икки кўринишга эга: а) **климакс** — тасвир объектининг маъноси ёхуд эҳтирослар оқимининг мисрадан мисрага, сўздан сўзга ўтган сари кучайиб, зўрайиб бориши. Мисол:

Чўчима жигарим,  
Ўз уйингдасан.  
Бу ерда  
на фурбат,  
на офат,  
на ғам.

Бунда бор:  
ҳарорат,  
муҳаббат,  
шафқат  
Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам,  
Сен етим эмассан  
Ухла жигарим.

(Faфур Fулом)

Бу шеърий парчада тасвир объекти (вазият, муҳит)нинг икки қирраси (салбий ва ижобий) мисрадан мисрага (сўздан сўзга) ўтган сари чуқурроқ очила борган ва интонация жи-ҳатидан юксакликка кўтарилиб борувчи оҳанг вужудга кел-ган (**климакс**). Учинчи мисрада “фурбат”, “офат”, “ғам” маънодош сўзларнинг кетма-кет ишлатилиши ва инкорни ифодаловчи “на” сўзининг бу сўзлар олдидан такрорланиши муҳитнинг бир хислатини (салбийликни инкор этиш орқали) пешма-пеш очган бўлса, тўртингчи мисрада “ҳаро-рат”, “муҳаббат”, “шафқат” ва “меҳнат нони” сўзларининг зинапоя тарзда алоҳида алоҳида мисраларда кетма-кет ке-

лиши-муҳитнинг иккинчи хислати (ижобийлик)ни пешма-пеш чуқурроқ оча борган. Шунга монанд интонация ҳам поғонама-поғона кўтарилаверади. Шу тариқа, шоир, бириңчидан, тасвир объектини борган сари чуқурроқ очишига, лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғуларини чуқурроқ ифодалашга муваффақ бўлган. Бу — мумтоз градация!

б) **антиклимакс** — мисрадан мисрага, сўздан-сўзга ўтган сари тавсир объекти(маъноси) ёхуд эҳтирослар оқимининг сусайиб бориши. Мисол: шоир Эркин Воҳидов “Асаблар” шеърида қўлланган градация санъатининг кўринишини антиклимакс деб белгилаш мумкин:

Асаблар,  
Асаблар  
Асаблар...  
Сабабсиз сочилган ғазаблар.  
Гуноҳсиз чекилган азоблар.  
Кўз ёшлар...  
Барига сабаблар  
Асаблар, асаблар, асаблар.

Шоир Ҳамид Олимжоннинг “Маҳорат” шеърида ҳам градация усули моҳирона қўлланилган. Мисол:

Жазо отрядининг товоонларидан  
Бизнинг пешонанинг қонлари томган...  
Ҳеч қуёш кўрмаган бизнинг орқамиз,  
Яна биз факир, кўмаксиз,  
якка.  
Тирикчилик,  
бола,  
оила,  
Куни қолган фақат кўсакка!..

Баъзан бир шеърда климакс ва антиклимакс (бир ўринда) кетма-кет келиши ҳам мумкин.

Риторик сўроқ, риторик мурожаат ва риторик хитоб — синтактик конструкциялари ҳайратланиш, завқ-шавқ, кувонч, шубҳа, ғазаб каби ҳис-туйғуларни ифодалайди. Бундай синтактик конструкциялар, одатда, бадиий нутқҳа лирик бўёқ беради, унинг таъсирчанлигини оширади.

Шоир асарда тавсирланаётган у ёки бу муаммога, у ёки бу воқеага ўқувчи диққатини тортиш мақсадида риторик (юн. *rhetor* — оратор, нотик) сўроқдан фойдаланади. Риторик сўроқ орқали тингловчидан жавоб кутилмайди. Риторик сўроқнинг кўринишлари ҳар хил: шоирнинг ўз қаҳрамонига ёки китобхонига сўроғи, персонажнинг шоирга ёки китобхонга саволи...

Шоир Абдурауф Фитратнинг “Миррих юлдузига” шерьидан олинган қуидаги банд риторик сўроқнинг ажойиб намунаси бўла олади:

Борми сенда бизим каби инсонлар,  
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар?  
Ўртоқ қонин қонмай ичган зулуклар,  
Қардош этин тўймай еган қоплонлар?

Тасвир жараёнида шоир кўпинча ўқувчи, персонаж, предмет, воқеа-ҳодисаларга мурожаат қилади. Бундай мурожаат улардан жавоб олишни кўзда тутмайди, аксинча, шу объектга эътиборни кучайтиради ва китобхонда бирор муносабат уйготади. Мисол:

Рангинг тупроқقا ўхшар,  
Сен ўхшайсан кигизга,  
Бормасдим сени кийиб,  
Ёрим бўлажак қизга.

(Ҳамид Олимжон)

Бу бандда шоир шинелга мурожаат қилиш орқали ўқувчининг эътиборини шунга қаратади.

Риторик хитоб ҳам поэтик синтаксисда муҳим роль ўйнайди. Масалан:

Юрса агар томирда қонинг,  
Азиз бўлса бир парча нонинг.  
Керак бўлса номус, вижлонинг,  
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол:  
Кўлингта қурол  
ол!

(Ҳамид Олимжон)

**Бадий такрорлар.** Одатда адабий асар тилида ҳар бир сўз, товуш, сўз бирикмалари, гап ва гап бўлаклари ўз ўрнида

ва мөйёрида келади. Агар товуш, сўз, сўз бирикмаси, гап ёхуд гап бўлаклари адабий асар тилида, хусусан, поэтик нутқда бемақсад тақрорланса, бу салбий ҳодиса — бадиий-ликка хилоф иш ҳисобланади. Поэтикада бунга сира йўл қўйиб бўлмайди. Аммо тақрор, биринчидан, асар қурилмасидан мустаҳкам жой олган бўлса, иккинчидан, муайян эстетик-гоявий мақсадга хизмат қилдирилган бўлса, у бадиий тасвир воситасига айланади — бадиий тақрор сифатида ўрганилади.

Дарҳақиқат, ўзбек шеър тузилиши (бармоқ ва аруз шеър тизимлари) мезонларини белгилашда ва, хусусан, поэтик нутқда бадиий тақрорлар катта роль ўйнайди. Умуман айтганда, поэтик гояни ўзида ифодаловчи товуш, сўз, сўз бирикмаси; мисра, байт, банднинг шеър қурилмасидан муайян қонуният асосидаги тақроридан тузилган фонетик, лексик, морфологик, синтактик нутқ обороти бадиий тақрорлар деб юритилади. Бадиий тақрорлар поэтик нутқнинг ифодавийлигини оширади. Бадиий тақрорларсиз шеър мусиқийлигини, ритмини, вазнини, бандини ва қоғия санъатини тасаввур қилиб бўлмайди. Бадиий тақрорлар ўқувчи қалбига кучли ҳиссий таъсир этади. Тақрорлар, шубҳасиз, поэтик тилнинг образли тасвир воситалари ва шеър тузилиши унсурлари билан узвий бирликдагина ўз вазифасини ўттай олади.

Бадиий тақрорлар ранг-баранг кўринишларга эга. Бадиий тақрорларни ўрганишда қуйидаги таснифга амал қилиш мумкин:

а) Фонетик тақрорлар: аллитерация, ассонанс, консонанс ва бошқалар;

б) Лексик тақрорлар: асиндетон, полисиндетон, радиф, анофра, ҳожиб;

в) Морфологик тақрорлар: сўз-ўзак тақори, аффикс тақори, қайтариш санъати, сўз туркумлари тақори, сўз бирикмаси тақори, тарду акс, мусалсал, учма-уч улаш (симплока) ва бошқалар;

г) Синтактик тақрорлар: параллелизм, мисра тақори, байт-банд тақори (халқа, нақарст, мусавият тарафайн, тавтология, плеонизм, ва бошқалар)...

**Такрир** (араб. تکریر — тақрор) — муайян мақсадда асар матнида лафз ёхуд маънони тақрорлаш санъати. Бу санъат

бәзі манбаларда “такрор”, “тардид”, “тасдир” деб юритилған. Шеършунос аллома Атоуллоқ Маҳмуд Ҳусайний “Бадойиъу-с-санойиъ” асарида мазкур санъатни “такрир” деб атаган. Олимнинг фикрича, ул “маънонинг такрори, яъни ани (маънони — Т.Б.) муқаррару муҳаққақ құлмоқ янглиғ нүқта учун лафзни такрорламактиң ибораттур.

...маъно такрири шубҳани инкор құлмоқ ўрнида, ... таъзин, яъни бир нимани улуғламоқ ўрнида, таҳдидни таъкидламоқ, истиъзоб, яъни такрорланган ниманинг зикридин роҳатланмоғу лаззатланмоқ янглиғ, калом давом этиб турғанда эслаб турмоқ киби маъноларда юз беради<sup>1</sup>.

Маънавий такрирларнинг foятда мұхим аломати шундаки, одатда, шеърнинг ilk байтида тезис сифатида бөрілған поэтик маъно унинг кейинги мисраларида далилланади. Чунончи, шоир Faфур Fулом “Сен етим эмассан” шеърида даставвал:

Сен етим эмассан,  
Тинчлан, жигарим.

байтини беради-да (бу поэтик фикр — тезис), дарқол уни далиллашга киришиб кетади. Ахир, шоир урушда ота-онасидан, уй-жойидан ажраб қолған — том маънодаги етимлар — норасида гүдаклар ҳақида фикр юритмоқда-да! Ҳүш, нега бу гүдакларни етим деб бўлмайди? Мана шоирнинг далили:

Күёшдай меҳрибон  
Ватанинг — онанг,  
Заминдай вазмину  
Меҳнаткаш, мушфиқ,  
Истаган нарсангни тайёрлагувчи  
Халқ бор — отанг бор.

Демак, она-ота барҳаёт: Ватан — она, халқ — ота! Фав-кулодда кучли мантиқ! Шу сабабли бу болаларни етим деб бўлмайди! Бунинг устига, кейинги мисрадаги “ўз уйингдасан” жумласи ҳам далиллашни мустаҳкамланган. Сираси-

---

<sup>1</sup> A. Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ, 172-173-бетлар.

ни айтганда, шеърнинг бутун тўқимаси тезисда қўйилган (“Сен етим эмассан”) поэтикояни далиллаш асосига курилган. Бу ўринда шоирFaфур Фулом мумтоз шеърия-тимизда кенг қўлланилган такрир санъатини эркин шеър табиатига мослаштириб ривожлантирган. Мана замонавий такрир санъати! Бу санъат ҳозирги шеъриятимизда муваффақият билан қўлланилмоқда.

Ҳозирги ўзбек шеъриятида эркин ва қатъий тизимли такрорлар кенг қўлланилмоқда. Масалан,

Кўм-кўк.

Кўм-кўк.

Кўм-кўк...

Кўклам қүёшидан кўкарған қирлар,  
Пўлат яғринларни

кўтарған ерлар  
кўм-кўк!..

(Ҳамид Олимжон)

Бу барчада “кўм-кўк” сўзи биринчи мисранинг ўзида айнан уч марта, учинчи мисрада бир марта такрорланган. Бундан кейинги бандда эса бешинчи мисрада шу сўз бир марта қайтарилган, холос. Демак, “кўм-кўк” сўзи эркин ҳолда такрорланган. Бу сўз шоирга Фаргона водийсининг гуллаб-яшнаган, кўм-кўк водий эканлигини бўрттириб ифодалаш имконини берган, бадиий таъкид сифатида шеър тилининг образли ва эмоционал тус олишига кўмак берган.

Эркин бадиий такрорларнинг гўзал намунаси сифатида шоир Абдулла Ориповнинг “Икар” шеърига бир назар ташлайлик.

“Икар” шеъри ўн бешта тўртлиқдан таркиб топган. Шеърда “Икар” — бадиий такрор воситаси — у асарда ўн олти марта такрорланган. Хўш, “Икар” сўзи (номи) қандай тартибда такрорланган? “Икар” сўзи биринчи бандда бир марта, иккинчи бандда икки марта, учинчи бандда икки марта, тўртинчи бандда икки марта, бешинчи бандда бир марта, олтинчи бандда бир марта, еттинчи бандда бир марта, саккизинчи бандда икки марта, тўққизинчи бандда бир марта, ўнинчи бандда бир марта (ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи байтда “Икар” сўзи йўқ), ўн тўртинчи

ва ўн бешинчи бандда бир марта такрорланган. Шунингдек, “Икар” сўзининг шеър қурилмаси жойлашиш тартибida ҳам бир хиллик йўқ: 1,4,5,7,14,15-бандларда мисра бошида; 2,3,6,8,9,10 бандларда мисра ичида; 2-банддагина мисра бошида ва ичида келган-у, 11,12,13-бандларда эса “Икар” сўзи такрорланган эмас. Демак, шеър тўқимасида “Икар” сўзи қатъий тизим асосида эмас, эркин равища тақрорланган:

Фазога илк бора қанот қоққани  
Икар деб атамиш хаёлан инсон.  
Ўзини беаёв ўтда ёққонни  
Унутмай юради абадий жаҳон.

Икар битта эмас, йўқ, битта эмас,  
Саноғи юлдузлар мисоли катта.  
Кимки илк савобга из очдими, бас,  
Шу йўлнинг Икари бўлгай, албатта.

Яроғим йўқ дея илк бора қўлин  
Саломга чўзган ҳам Икар аталгай.  
Тарқ этиб гордаги асрий манзилин  
Илк чайла тузган ҳам Икар аталгай...

Хуллас, Абдулла Орипов шеърда бадиий тақрор санъатини қўллаб, ўлбошловчи, ташаббускор, фидойи инсон образини Икар тимсолида моҳирона умумлаштира олган. Шу тариқа, Икар — инсон орзу-умидлари тимсоли бўлиб қолган!

К. Симоновнинг “Мени кутгил” шеърида эса “Мени кутгил ва мен қайтарман” мисраси қатъий тизим асосида тақрорланиб келади, яъни шу шеър уч қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисми ўн икки мисрадан таркиб топган ва ҳар бир қисм “Мени кутгил ва мен қайтарман” мисраси билан бошланади (рефрен).

Анафора (юн. *anaphora* — юқорига чиқиши) — қатъий тизимли тақрорлардан бири. Шеър ёки банддаги мисра-(гап)ларнинг бошидаги сўз ёки сўз бирикмасининг бошқа мисраларнинг бошида айнан тақрорланиб келиши анафора деб юритилади. Масалан:

На кўкнинг фонари ўчмасдан,  
На юлдуз сайр этиб, кўчмасдан,

На уфқ ўрамай ёқут — зар,  
На булат силкитмай олтин пар,  
Тонг кулмасдан бурун турарди.

(*Уйғун*)

Шеърий парчадаги тагига чизилган сўзлар қатъий тизим асосида (мисраларнинг бошида ва айнан) такрорланиб келмоқда. Шу сабабли “на” сўз такрори анафора вазифасини ўтамоқда.

Шоир Чўлпон “Пўртана” шеърида “пўртана” сўзини анафора сифатида қўллаб, тасвир объектини таъкидлаб кўрсатади:

Пўртана кўзғалди, пўртана юрди  
Пўртана ўзини қирғоқча урди.  
Пўртана олдида бир кема кўрди:  
Ичи зич одам... ўйнатди, сурди.

Шунингдек, шоир Ҳамид Олимжон “Ўзбекистон” шеърида “бунда” сўзини анафора қилиб олар экан, шу восита билан севимли ўлкамиз Ўзбекистонга китобхонлар диққатини қайта-қайта тортади (бадиий таъкид) ва ҳар сафар гўзал диёrimиз хислатларининг ўёхуд бу қиррасини кашф этади, интонациянинг ўта жўшқинлигига эришади:

Бунда булбул китоб ўқийди,  
Бунда қуртлар ипак тўқийди,  
Бунда ари келтиради бол,  
Бунда кушлар топади иқбол.  
Бунда қорнинг тагларида қишиш,  
Баҳор учун сўйлайди олқишиш.

Шеърда “Шунинг учун”, “Шундай ўлка”, “Омон бўлсин” анафоралари ҳам жуда ўринли қўлланилган. Умуман, айтганда, шоир Ҳамид Олимжон анафора санъатида катта маҳорат кўрсата олган устоздир!

Ўзбек мумтоз шеъриятида ҳам анафора санъати ишлатилган. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қўйидаги фазалида анафора санъати ишлатилган:

Кайси бир озорин айттай жонима афёрнинг,  
Кайси бир оғритқонин кўнглумни дей дилдорнинг.  
Кайси бир бераҳмлигини толии гумроҳнинг,  
Кайси бир қажравлигини чархи қажрафторминг  
Кайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлнинг  
Кайси меҳнат бирла ранжин фурқати хунхорнинг.

Анафора санъати шеърий нутқдагина эмас, насрый нутқда ҳам ишлатилаверади.

Учма-уч улаш (стик ёки симплока) — бадий такрорларнинг бир тури. Бир жумла ёхуд бир мисра охиридаги сўз ёки сўз бирикмаси бошқа жумла ёки мисранинг бош қисмида такрорланиб келиши — учма-уч улаш ёки симплока деб юритилади. Масалан, шоир Faфур Гуломнинг “Тўй” балладасидан олинган қўйидаги мисраларда шу усул муваффақиятли қўлланилган:

Ўртоқ қизлар ташвишидан ҳаттоки, малол —  
Малол севги юкларини кўтармас сира...

Демак, биринчи мисранинг охирида келган “малол” сўзи иккинчи мисранинг бошида айнан такрорланиб, ҳар иккала мисра бир-бирига боғланган.

Шоир Абдулла Орипов “Қозогистон” шеърида улаш усулини шундай қўллайди:

Тиниқ чашмалар бор ҳаддан зиёда,  
Мавийдир Балхашнинг суви ҳам бироқ.  
Бироқ, қозоқ ҳалқин қалби дунёда  
Барча чашмалардан кўра тиникроқ.

“Бироқ” сўзи, биринчидан, иккинчи мисра билан учинчи мисрани уляяпти — композиция жиҳатидан бир бутунлик ҳосил қилинаяпти ва, иккинчидан, қозоқ ҳалқи қалбининг бениҳоя мусаффолигини таъкидлаб-бўрттириб кўрсатишга хизмат қиласапти.

Бадий нутқда сўз ёки сўз бирикмасигина эмас, балки от, сифат, сон, олмош каби сўз туркумларининг қайтарилишидан ҳам бадий такрорлар келиб чиқиши мумкин. Масалан:

Гўзалик,  
нафосат,  
кураш ва санъат  
Шеър ила шахматга азалий удум.  
Минг йиллик умрида улар бешафқат  
Доимо шоҳларга бошлаган ҳужум.

(Эркин Воҳидов)

Бу шеърий парчада “гўзалик”, “нафосат”, “кураш”, “санъат”, “шеър”, “шахмат” сўзлари уюшиб келаяпти, яъни отлар такрорланаяпти.

Шоирларга ҳайрон бўлманг,  
Шоир ҳалқи турфароқ.  
Гоҳи мағрур, гоҳи дилтанг,  
Гоҳи ҳазин, гоҳ тумтароқ.

(Эркин Воҳидов)

Бу шеърий парчада эса “турфароқ”, “мағрур”, “дилтанг”, “ҳазин”, “тумтароқ” сўзлари, яъни сифатлар уюшиб, бадиий такрор санъатини вужудга келтирган.

Ҳалқа — ўзбек шеъриятида кенг қўлланилган бадиий такрорлардан бири. Бу усулнинг ўзига хослиги шундаки, бунда шеърнинг бошида келган мисра, байт ва, ҳатто, банд шу асарнинг охирида айнан такрорланади. Ҳалқа, биринчидан, шеър гоясини таъкидлаб кўрсатса, иккинчидан, шеърнинг бошқа бандларини ўз доирасига қамраб олади — шеърнинг композицион бир бутунлигини вужудга келтиради. Ҳалқа қўпгина шоирлар ижодида учрайди. Аммо бу санъатнинг моҳир усталаридан бири шоир Ҳамид Олимжонлиги шубҳасиздир. Келинг, яххиси Ҳамид Олимжон ишлатган ҳалқалардан мисоллар келтирайлик. Чунончи, “Ўзбекистон” шеъри:

Водийларни яёв кезганда,  
Бир ажиб ҳис бор эди менда...

байти билан бошланиб, шеърнинг охирида ҳам худди шу байти айнан такрорланади. Шунингдек, “Ўрик гуллаганда” шеърида:

Деразамнинг олдида бир туп  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

байти ҳалқа сифатида келган; “Энг гуллаган ёшлиқ чоғим-да” шеърида:

Энг гуллаган ёшлиқ чоғимда,  
Сен очилдинг кўнгил боғимда

байти ҳалқадир. Шоир баъзан байтнигина эмас, бандни ҳам ҳалқа қилиб ишлатган. “Болалигим ҳақида” шеърида:

Қанча кунлар орқада қолди,  
Кетди қолди қанча манзиллар.  
Қанча юртлар, элларни олди,  
Тинимини тарқ этган еллар.

банди ҳалқа вазифасини ўтаган.

Ўзбек мумтоз шеъриятида ҳам ҳалқа санъати ишлатилган. Чунончи, Алишер Навоийнинг “Қоши ёсинму дейин...” деб бошланувчи фазали етти байтдан иборат бўлиб, шулардан матльянинг илк мисраси (“Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин”) билан мақтаънинг сўнгги мисраси (“Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин”) ҳалқа бўлиб келган. Бу ҳодиса мумтоз шеъриятимизда радд улматлаш санъати деб юритилган. “Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна” (Бобур), “Эй гадойингнинг гадойи барча аҳли тожу тахт” (Алишер Навоий), “Ким кўрубдур, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилиф” (Бобур), “Кошки бир ерда бўлсак эрди жонон иккимиз” (Фурқат) мисралари ҳам радд-ул матлаш сифатида қўлланилган.

**Тарду акс** (араб. طردو — ҳайдаш, عکس — тескари; طردو — тескари ҳайдаш; زید یلو — алмаштириш, ўзгартириш) — сўз, ибора, сўз бирикмаси шу мисранинг ўзида, байтда терс такрорлаш санъати. Тарду акс тарихий поэтикага оид манбаларда “акс”, “тарду акс”, “табдил” деб ҳам юритилган. Шеършунос аллома Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайниний тарду акс санъатига қуйидагича таъриф берган: “Ул андин иборатким, каломнинг бир бўлагин иккинчи бир бўлагининг олдига қўярлар, сўнгра анинг аксин қилурлар,

биринчи бўлакнинг ўрнин иккинчисиники била алмашти-  
рурлар”<sup>1</sup>. Мисоллар:

Кўзунг не бало қаро бўлибтур,  
Ким, жонға қаро бало бўлибтур.

(Алишер Навоий)

Қаро кўзум, келу мардумлуг эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

(Алишер Навоий)

Кўнгулга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,  
Шикаста кўнглума эрмиш қаро бало, сочинг.

(Бобур)

Биринчи байтда “бало қаро” — “қаро бало”, иккинчи байтда “қаро кўзум” — “кўзум қароси” ва учинчи байтда “бало қаро сочинг” — “қаро бало сочинг” сўз бирикмаси ҳар бир байтнинг иккинчи мисрасида терс такрорланиб, маънони таъкидлашга, маънодошликни вужудга келтиришга, таъсирчанлик ва бадиийликни оширишга хизмат қилирилган. Бу санъат мисрада ёхуд байтда амалга оширилиши мумкин. Агар у мисрада амалга оширилган бўлса — маҳраж (туталланмаган) ёхуд байтда амалга оширилган бўлса — комил (туталланган) деб юритилган ва поэтикада “ко-мили тарду акс” — мукаммал ҳисобланган. Мисол:

Жонимға йўқ кўнгулдину // кўнглумға йўқ жондин хабар,  
Менга не ўздин хабар, // не кўнглум олғондин хабар.

(Алишер Навоий)

Мазкур байтнинг биринчи мисраси икки ним мисрага (“Жонимға йўқ кунгулдину” // кўнглумға йўқ жондин хабар”) ажратилади, сўнг биринчи ним мисра (бўлак)даги сўзлар тартиби (Жонимға йўқ кўнглумдину) иккинчи ним мисра (бўлак) ўрнида тескари келади. (“Кўнглумға йўқ жондин хабар”). Демак, мисранинг биринчи бўлаги (би-

---

<sup>1</sup> “Бадойиъу-с-санойиъ”, 76-бет.

ринчи ним мисра)даги сўзлар тартиби унинг иккинчи бўла-ги (иккинчи ним мисра)да шунчаки жўн такрорланмайди — терс такрорланади ва шу йўл билан шоир бир мисрада бадиий таъкид усулини ишлатиб поэтик маънони кучайтирган. Ана шу санъат-махражи тарду акс деб юритилади.

Ваҳ не бало қародур, эй шўх, каро бало кўзунг,  
Гар худ эмас каро бало, бас, не бало қаро кўзунг.

(Алишер Навоий)

Байтнинг биринчи мисраси (биринчи ним мисраси)даги “бало қаро” сўз бирикмаси шу мисрани иккинчи ним мисрасида, “қаро бало” сифатида терс такрорланган (махражи тарду акс) бўлса, иккинчи мисра (учинчи ним мисраси)да “қаро бало” ҳамда биринчи мисранинг икки ним мисрасидаги “қаро бало” сўз бирикмаси иккинчи мисра (тўртинчи ним мисра)да “бало қаро” тарзида келган — комили тарду акс санъатини вужудга келтирган. Демак, бир байтда ҳам маҳражи тарду акс, ҳам комили тарду акс санъати қўлланилган. Энг мукаммал, тўла санъат — мана шу!

Илми бадеъда тарду акс санъатини мазмун(моҳият)ига кўра куйидагича икки гуруҳга ажратиб ўрганиш анъанаси бор:

**а) тарду акси мутаҳодий.** Тарду акс вазифасини ўтовчи сўзлар (иборалар) сўз бирикмаси янги маънони ифодала-маса, фақат бадиий таъкид, (бўрттириш) учун хизмат қилдирилган бўлса, булар “тарду акси мутаҳодий” деб юри-тилган. Мисол:

Кўнгилга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,  
Шикаста кўнглима эрмиш каро бало сочинг.

(Бобур)

Сиз бизни севардингиз, устоз Нозим,  
Севардингиз бизни Сиз, устоз Нозим,

(Абдулла Орипов)

**б) тарду акси мужрий.** Тарду акс бўлиб келган сўз, ибо-ра ва сўз бирикмаси янги маъно ташиса, бундай тарду акс тарду акси мужрий деб юритилади. Мисол:

Не бўлди дардима, эй бевафо, даво қилсанг,  
Вафоға ваъда қилиб, ваъдаға вафо қилсанг.

(*Алишер Навоий*)

Таъкидламоқ жоизки, тарду акс санъатининг шаклий кўринишлари (комил ва маҳраж) бир маънавий кўринишлари (мугаҳодий ва мужрий) бир-бирини истисно этмайди, аксинча улар кўшилиб кетган ҳолда намоён бўлади<sup>1</sup>.

**Мусалсал** (араб. مسالسل — занжирсимон, яъни халқа-халқа қилиб улаш) — шеър банд (байт)ларини бадиий такрорлар воситасида бир-бирига ҳалқа-ҳалқа қилиб боғлаш усули. Бу усул ҳозирги шеършуносликда учма-уч улаш (стик ёхуд симплока) деб юритилади. Мусалсал санъатининг ўзига хослиги шундаки, шеър банди (байти)нинг сўнгги сўзи галдаги банд(байт)нинг илк сўзи ўрнида айнан такрорланаб келаверади. Шу тариқа, шеър композициясида бадиий яхлитлик вужудга келади. Бу усул кичик лирик жанрдаги асарларда ҳам, йирик ҳажли эпик асарларда ишлатилаверади. Мумтоз шеъриятимизда, қисман ҳозирги шеъриятда ҳам мусалсал санъатининг қўйидаги икки кўриниши учраб туради:

а) Асарнинг айрим банд(байт)лари ва мисраларини улашда ишлатиладиган мусалсаллар. Мисол:

Жаҳонда зоҳир айлаб кўп заройиф,  
Жаҳон аҳлин доги қилди тавойиф.  
Тавойиф чунки бўлди мухталифваш,  
Бу ердек паст, ул ўтдек тунду саркаш.

(“Хамса”)

Тиник чашмалар бор ҳаддан зиёда,  
Мовийдир Балхашнинг суви ҳам бирок.  
Бирок, қозоқ халқин қалби дунёда  
Барча чашмалардан кўра тиникроқ.

(*Абдулла Орипов*)

б) Асарнинг барча байт(банд)ларини бир-бирига занжирсимон қилиб пайвандловчи изчил мусалсаллар. Бади-

<sup>1</sup> Қаранг: *Е. Исҳоқов*. Тарди акс. Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 6-сон, 82–83-бетлар.

ий такрорлашнинг бу кўриниши, асосан, кичик лирик жанрларда учрайди. Чунончи, шоир Ферузнинг “Нечук оғат эдинг” деб бошланувчи ғазали мусалсал усулида ёзилган. Мана шу ғазалнинг икки байти:

Нечук оғат эдинг, эй сарвиқомат,  
Бошимга солди ишқинг юз киёмат.  
Киёмат шўрашин жаҳонга солдинг,  
Жаҳондин муњадам бўлди фарогат...

**Мусавият тарафайн** (араб. مساوية طرفين — икки тараф тенглиги) — шеъриятда гап қурилиши усулларидан бири. Бу усулнинг ўзига хослиги шундаки, унда шеърда ишлатилган сўзларни одатдагидай энига қараб ўқилганида қандай мисра — гап тузилиши келиб чиқса, бўйига қараб ўқилганида ҳам айнан шу мисра-гап пайдо бўлади. Масалан, шоир Огаий 4 (тўртлик) “Девон”ида қўйидаги тўртлик борки, у мусавият тарафайннинг гўзал намунасиdir:

Ул шўхки, очилди хатту рухсори,  
Очилди раёхилда юзи гулнори,  
Хатту юзи бесабри-қарори ман-ман  
Рухсори гулнори ман-ман зори.

Шу тўртликдаги мисра-гап тузилишига эътибор қилинг-а: биринчи мисрадаги тўрт сўз (“Ул шўхки, очилди хатту рухсори”) ҳар тўртала мисранинг биринчи рукни (бўйига қараб ўқинг) айнан такрорланган (“Ул шўхки, очилди хатту рухсори”); тўртликнинг сўнгти рукни (бўйига қараб ўқинг)даги мисра-гап тузилиши (“Рухсори гулнори ман-ман зори”) сўнгги мисрада (энига қараб ўқинг) айнан такрорланган (“Русхори гулнори ман-ман зори”). Шу усулда ёзилган шеър тўрт мисра бўлса мураббаъ(тўртлик) деб юритилади. Мана мусавияти тарафайн санъати! Санъатнинг бу тури шеъриятда камроқ учрайди. Адабиётшунос Нодира Афоқова “Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар” номли китобида: “...Октябрь тўнтарилишидан кейинги давр ўзбек адабиётида биз мураббаънинг ягона намунасини шоир Исройл Субҳон ижодида учратдик:

Юзинг	гоҳо	ой	мисол,
Гоҳо	мутлақ	қиёси	йўқ.
Ой	қиёси,	кун	адоси,
Мисоли	йўқ	адоси	йўқ.

...Бундай бадиий санъатларни қўллаш ўз даврида ҳам кенг тарқалмаган ва айни санъат намойиш учунгина... асарлар ёзилган”<sup>1</sup>.

Мувавият тарафайн санъати ижод жараёнини сунъий равища қийинлаштириши ва, хусусан, шаклбозликка берилиб кетиш хавфини туғдириши мумкин.

### б) Пасайтирув фигуralар

тасвир объектини ёхуд эҳтирослар оқимини ва интонацияни пасайтириш (сусайтириш)ни ифодаловчи тасвир усуллари пасайтирувчи фигуralар деб юритилади. Фигуralарнинг бу гуруҳига эллипсис, сукут (жим қолиш), сўзларни бўлиб-бўлиб айтиш кабилар мансуб.

Эллипсис (юнон. *elleipsis* — тушириб қолдириш, сўз тежаш) — асар тилида сўзларни тежаб ишлатиш усули. У ёхуд бу фикрни ифодалаш учун энг зарур сўзларнигина ишлатиш, иккинчи даражали сўзларни онгли равища тушириб қолдириш йўли билан шоирлар локанизмга эришади. Эллипсис-шу! Масалан: шоир Чўлпоннинг “Халқ” шеъри:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ олов, халқ ўчдир...

байти билан бошланадики, бу байт эллипсиснинг ажойиб намунасиdir.

Эллипсислар кўпинча диалогик нутқда, мақол, ҳикматли сўз ва фразеологияда учрайди, Шеъриятда ҳам, насрда ҳам эллипсислар ишлатилаверади. Мисол:

Баҳор ўлкасида кездик кечгача,  
Унинг томошаси севинчларга бой.  
Какку қуши сайрар ҳар ойдин кеча,  
Лолалар — апреллир, атир гуллар — май...

(Амин Умарий)

<sup>1</sup> Н. Афоқова. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. Бухоро, 1994, 12—13-бетлар.

Йўллар — ўткир,  
Одамлар нур,  
армон — хур.

Томирларда  
тебранган  
жон  
айтар:

— юр.

Карашилар — тўк...

Бу — зўр оқин,  
Бу — бир ердан учган ўқ.

(Ҳамид Олимжон)

Ойдин кечা,  
Ёнар кўклида зар.

Ўйга чўмиб дединг, гул юзим:  
“Осмон тўла сонсиз юлдузлар,  
Қайси экан менинг юлдузим”.

(Эркин Воҳидов)

Сени севдим, севаман ҳаёт!  
Сен — күёшсан, мен унда ёлқин.  
Сен — меҳнатсан, сенсан садоқат,  
Сен — дарёсан, мен сенда тўлкин.

(Барот Бойқобилов)

Остига чизилган мисраларга эътибор қилинг-а: қанчадан қанча тафсилотларни ифодаловчи сўзлар атайлаб қисқартирилиб юборилганлигини, аммо бундай қисқартириш маънога мутлақо халал бермаганини — шу тариқа локанизмга эришилганлигини осонликча пайқай оласиз. Бу — эллипсис! Эллипсисларсиз шеърий нутқ синтаксисини тасаввур қилиб бўлмайди. Бу усул мумтоз адабиётимизда “ийжоз” деб юритилган.

Сукут (жим қолиш) — бадиий нутқда сўз ёхуд сўз бирикмасининг тушиб қолиши. Одатда шоирлар нимадандир қаттиқ ҳаяжонланган инсон нутқини ифодалаш зарурати туғилган тақдирда сукут усулидан фойдаланадилар. Чунки, қаттиқ ҳаяжонланган киши ўз фикрини осойишта оҳанг билан тўла ва мантиқий изчилилк билан баён қила олмайди — бундай дамлардагина сукут усули жуда қўл келади. Сукут тасвиirlанаётган воқеа-ҳодисаларнинг ғоятда

мураккаблигини, сўз билан баён қилиш ниҳоятда мушкул-лигини ифодалайди. Шу усул билан шоир тасвир объектига ўқувчининг эътиборини қаратади.

Сукут, одатда, турли маъноларни ифодалайди. Чунончи, у қаҳрамоннинг ортиқ даражада ҳаяжонланганлигини кўрсатади. Масалан, “Зайнаб ва Омон” поэмасидаги Зайнаб ва Анорхола тўқнашувини эслаб кўрайлик. Қолоқ урф-одатларга қаттиқ берилган Анорхола Зайнабнинг Омонни севишини эшитиши биланоқ тувақиб кетади. Унинг шу пайтдаги ғазаб ва ҳаяжонини шоир сукут усули орқали жуда аниқ ифодалаган. Мана шу эпизод:

Беномус қиз, айт тўғрисини,  
Бахти қора! Эл номусини  
Орсизларча паймол этгандা,  
Заррача эс бормиди санда?  
Қайси шайтон йўлга бошлади?  
Қай ҳароми ўтга ташлади?  
Йўлдан урди қайси бир маккор?  
Очигини сўйлагил, беор!  
Сенга буни кимлар ўргатди,  
Кучоғингда қай иблис ётди?

.....

Бу парчадаги нуқталар (сукутлар) Анорхоланинг фоятда ғазабланганлигини кўрсатиб турибди. Шоир қаҳрамоннинг сўз билан ифодалаши мумкин бўлмаган ҳис-туйғуларини сукут усули билан фоятда ихчам ва бениҳоя таъсирчан қилиб ифодалай олган.

Умуман айтганда, сукут орқали қаҳрамоннинг ғазабини ҳам, саросимасини ҳам ифодалаш мумкин. Бундан ташқари, сукут фикр ёки воқеа тасвирининг тугалланмай қолганлигини, давоми борлигини ёки бўлиши мумкинлигини ҳам англатади. Масалан:

Дарё тинмай солади шовқин,  
Қиз кўзидаидай қора эди тун.  
Қиз қалбидай пок эди ҳаво,  
Қиз қалбидай севгига даво.  
Борлиқдаги шу нафис ҳолда  
Япроқлар ҳам енгил шамолда  
Шитирлашиб ўйин солдилар,

Бир-биридан бўса олдилар.  
Бутун борлиқ жон қулоғини  
Кўйиб тинглар Омоннинг сасин,  
Икки дўстнинг баҳти чоғини,  
Икки ёрнинг оташ бўсасин...

(Ҳамид Олимжон)

Сукут муаллиф тилида ҳам, персонаж нутқида ҳам қўлланилавериши мумкин.

**Қатиъ** (араб. قطع — кесиш) — бадиий нутқни кесиши усули. Проф. А.Фитрат таъкидлаганидек, инсонда шундай ҳис-туйгулар, фикр-мулоҳазалар ҳам бўладики, уларни ифодалашда ортиқча сўзлаш “фойдасиз бўлғанини сезган шоир бирдан сўзини кесадир, ўзининг сўйлашдан ожиз қолғанини англатмоқ йўли билан туйгуларининг кучини кўрсатмоқ истайдир. Бунга адабиёт тилида “кесиш” (“қатъ”) дей-илади<sup>1</sup>. Масалан, шоир Ҳамид Олимжон “Қиши кечасидан” шеърида лирик қаҳрамоннинг қиши манзарасидан олган завқ-шавқларини қатиъ усулида ўта таъсирчан ва жозабали ифодалай олган:

Йўллардан  
завқ  
билан  
келаман,  
Хар ён — жим...  
Севинчим  
ёнаркан — кўнглимда...  
еламан...  
...жилман....

Шоир Абдулла Орипов “Ўзбекистон” шеърида:

Бир ўлка бор дунёда бироқ:  
Битилмаган достондир бори:  
Фақат ожиз қаламим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

деб ёзганида ҳам қатиъ усулини маҳорат билан қўллаб (ҳатто “Фақат ожиз қаламим маним” деб) лирик қаҳрамоннинг

<sup>1</sup> A. Fitrat. Адабиёт қоидалари. С. Т., Ўздавнашр, 1926, 84-бет.

жонажон ўлкага бўлган меҳр-муҳаббати чексиз эканлигига китобхоннинг эътиборини тортган. Яна шу шоирнинг “Инсон қалби” шеърида ҳам қатиъ усули фоятда санъаткорона ишлатилган:

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,  
Унда она яшар, яшайди Ватан.  
Уни жўн нарса деб ўйламанг ҳаргиз.  
Хайҳот! Кўзғалмасин бу Қалб дафъатан!..

**в) Оҳангдош фигуралар.** Оҳангдош фигуралар — шеърда оҳангдошлиқ, мусиқийликни вужудга келтиришга ёрдам берадиган тасвир усулларидандир. Бу турга параллизм, анноминация, антанаклассис, сўз ўйини каби фигуралар киради.

**Параллизм** (юнон. *parallelos* — ёнма-ён турувчи) — халқ оғзаки поэтик ижодида, мумтоз ва ҳозирги шеъриятимизда фаол қўлланилган бадиий санъат — поэтик тасвир усулларидан бири. Бу усулда бир-бирига тенг бўлган икки ва ундан ортиқ нарса-ҳодиса ёхуд хусусият ёнма-ён қўйилиб, қиёсий таҳлил йўли билан поэтик мазмун очиласди. Параллизм асарда ягона поэтик образ яратишга хизмат қилдирилади.

Параллизм қадимда халқ қўшиқларида кенг қўлланилган<sup>1</sup>, сўнг ёзма адабиётта ўтган. Параллизм ва сажъ илк туркий қоғиянинг пайдо бўлишига замин яратган.

Шеъриятимизда параллизмларнинг ранг-баранг турлари ишлатилган. Чунончи:

1. **Мантиқий-руҳий параллизмлар** — маънавий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган икки ва ундан ортиқ бўлган нарса-ҳодиса ҳамда хусусиятларни тасвир жараёнида бир-бирига қиёслаш (ўхшатиш) орқали поэтик мақсадни ифодалаш усули. Масалан:

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Суҳбат айлайлик келинглар, жўралар, ўртоклар.

(Муқимий)

<sup>1</sup> Каранг: Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 2-сон, 81—84-бетлар.

Үтға солғил сарвиңи, ул қалди мавзұн бўлмаса,  
Ерга бергил тұнни, ул рухсор гулгүн бўлмаса.

(*Алишер Навоий*)

Бахор бўлдию майли гул қилмади қўнглум.  
Очилди ғунача лекин очилмади қўнглум.

(*Алишер Навоий*)

Бирор жойда топилса ногоҳ гавҳар донаси  
Чўнтағи тешик ҳар ким даъво қилган ҳамиша.  
Мен ҳам орзу этардим, яхши ном баҳонаси,  
Мени ҳам ёдга олса ғайри эл шухрат пеша.

(*Абдулла Орипов*)

2. Ритмик-синтактик параллелизм — икки ёки ундан ортиқ (тeng ва ўхшаш) синтактик бирликларни параллель қўйиб (қиёсий) тасвирлаш усули.

Сори қамиш тагига  
Сирғам тушди ёр-ёр.  
Сирим билмас ёт элга  
Болам тушди ёр-ёр.

(*Халқ қўшиғидан*)

Ойдинда дengиз сулув,  
Сувда ой тенгсиз сулув,  
Денгиздан ҳам, ойдан ҳам  
Ой юзли шу киз сулув.

(*Mиртемир*)

Сен билан кўзимиз  
қуёшдай порлар,  
Сен билан ёруғдир  
Юзимиз бизнинг.

(*Уйғун*)

Чангид ётган ун бозори,  
Кўқиб ётган жун бозори,  
Пичоқ бозор, қин бозори,  
Қалпоқ бозори қайсиidi?

(“Равшан” достонидан)

**Сўз ўйини** — бадиий нутқда бир сўзни турли маъноларда қўллаш усули. Сўз ўйини халқ оғзаки ижодида (хусусан, асқия жанрида) ва ёзма адабиётимизда кенг қўлланилган. Мумтоз шеъриятимиздаги туюқ ва тажнисларни сўз ўйинларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мисоллар:

Суғд ичинда ўлтурубдур ёбулар,  
Ёбуларнинг минган оти ёбулар.  
Ёбуларнинг илгидин эл тинмади,  
Ё булар турсун бу ерда, ё булар.

(Убайдий)

Бу туюқда “ёбулар” сўзи турли маъноларда қўлланилган: “Ёбулар” — уруғ номи, “Ёбулар” — от номи, “ё булар” — ё буниси, ё униси! Демак, “Ёбулар” сўз ўйини экан!

Кўп садо бергай чолинса катта занг.  
Мўл узум қилмасму бўлса катта занг.  
Лекин инсон зийнати — камтарлиги,  
Элга ёқмайдур катта занг.

(Ҳабибий)

Бу туюқда “катта занг” сўзи уч маънода қўлланилган: “катта занг” — занг чалиш, “катта занг” — токнинг узум тутадиган нардлари, “катта занг” — калондимоғлик, кериллиб (ўзини бошқалардан юқори тутиб) ўтириш. Шу сабабли шеърдаги “катта занг” сўзи — сўз ўйини ҳисобланади. Яна мисоллар:

Лаълидин жонимга ўтлар ёкилур,  
Қоши қаддимни жафодин ё килур.  
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,  
Ул вафо билманки, қилмас ё килур.

(Алишер Навоий)

Жонга солди даҳр фурбат ноирни,  
Кўз ёшим бўлди мўгулнинг норини.  
Бу ародা мен дегандек бўлмаса,  
Кўзлай Иссиқ кулу, ундан Норини

(Бобур)

Сўз ўйини туюқлардагина эмас, ғазалларда ҳам учраб турди. Чунончи, Алишер Навоий ўзининг бир ғазалида шундай сўз ўйинини ишлатган:

Эй Навоий, бевафодур ёр, бас не фойда,  
Нечаким десанг: агар ёхуд магар, ё кошки.

Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур:

Ёз бўлдию бўлди яна жаннат киби ёзи,  
Хуш ул кишиким айш ила ўтгай қишу ёзи.

г) **Зидлов фигуранлари. Антитета** (юнон. antithesis — қарама-қарши қўйиш) — асосий поэтик фигуранлардан бўлиб, у турли воқеа-ҳодисалар ёхуд алоҳида бир воқеа-ҳодиса ичидаги зиддиятни очишга қаратилган сўз бирикмасидан ташкил топади. Антонимлар, контраст картиналар, қарама-қарши образлар ва вазиятлар антитетанинг асосини ташкил қиласади. Чунки антитетада ҳодисалар бир-бираига қарама-қарши қўйилади, қиёсланади; қарама-қарши қўйиб тасвиrlаш эса объектнинг моҳиятини тушунишга қулийлик туғдиради: қиёслаш жараёнида тасвир объектининг моҳиятини конкрет ва чуқур очиш мумкин. Шу сабабли бадиий адабиётда, хусусан, шеъриятда антитета усули кенг кўлланилади. Масалан, Faфур Гулом “Сен етим эмассан” шеърида уруш даврида ота-онасидан ажralиб қолган гўдаклар ҳаёти (етимлик)ни узокроқ ўтмишдаги етимликка қарама-қарши қўяди ва шу икки хил етимликни қиёслаш жараёнида инсонпарварлик хислатини аниқ қилиб очади. Шоир уруш даврида ота-онасидан бевақт ажralиб қолган болаларга меҳрибонлик қиласидаган — Ватан ва халқ борлинини таъкид билан қайд этади, уларни қайғурmasликка чақиради:

Сен етим эмассан,  
Тинчлан, жигарим.  
Куёшдай меҳрибон  
Ватанинг — онанг.  
Заминдай вазмину  
Мехнаткаш, мушфиқ  
Истаган нарсангни тайёрлагувчи  
Халқ бор — отанг бор...

Үз уйингдасан,  
Бу ерда на гурбат на офат, на гам.  
Бунда бор: ҳарорат, мұхаббат, шавқат.  
Ва меңнат нонини құрамиз баҳам.  
Сен етим эмассан,  
Ухла, жигарим.

Шоир ўтмишдаги етимлик хор-зорлик ва азоб-уқубат-лардан иборат бўлганлигини шундай тасвирлайди:

Етимлик нимадир —  
Бизлардан сўра,  
Ўнинчىйилларнинг  
Саргардонлиги;  
Иситма аралаш  
Курқинч туш каби  
Хаёл кўзгусидан  
Ўчмайди сира.  
Мен етим ўтганман.  
Оҳ, у етимлик...  
Вой бечора жоним,  
Десам арзиди.  
Бошимни силашга  
Бир меҳрибон қўл,  
Бир оғиз ширин сўз  
Нондек арзанда.  
Мен одам эдим-ку,  
Инсон фарзанди...  
Сен етим эмассан,  
Ухла, жигарим.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам, мумтоз шеъриятимиз-да ҳам антитета усули кенг қўлланилади. Масалан, қўйидаги шеърий парчани диққат билан ўқиб чиқинг-а, антитета усули ишлатилганмикан-а:

Сурма қўймай мунча ҳам қародур қўзларинг,  
Ҳар бири жон қасдига боққан балодур қўзларинг.  
Ошно бегоналарга, бир умр хуш-хуш нигоҳ,  
Ошноларга фараз ноошнодур қўзларинг.

(Муқимий)

Антитета Шарқ мумтоз шеъриятида кенг қўлланилган тазод санъатига жуда яқин туради.

д) Ўзгартирув фігуралари. Инверсия (лот. *inversio* — ўрнини алмаштириш усули).

Маълумки, ўзбек тилида, одатда, эга гапнинг бошида, кесим эса гапнинг охирида ва иккинчи даражали бўлаклар гапнинг ичидагелади. Масалан: Пўлат Мўмин болаларнинг севимли шоиридир, деган гапни олиб кўрайлик. Бу гапда: Пўлат Мўмин — эга, шоиридир — кесим ва болаларнинг севимли — иккинчи даражали бўлак. Шеъриятда эса гап тузилишидаги бу тартибни аксарият ҳолларда сақлаб бўлмайди. Чунончи:

Ухла, кўзим, дўндиғим,  
Ухла, мана чиқди ой.  
Сени севиб-эркалаб  
Жўр бўлади менга сой.

(*Зафар Диёр*)

Бу шеърий парчада бош бўлак (эга-кесим)ларда ўрин алмашиниш ҳодисаси юз берган. Гапда сўзларнинг жойлашиш тартибининг бузилиш ҳодисаси инверсия деб юритилади. Инверсия шеър тилининг ифодалилигини таъминлайди, таъсири кучини оширади. Инверсия шеър тилидаги тасодифий усул эмас, балки шоирининг ўз гоясини биринчи планга кўйиш нияти билан боғланган қонуний усулдир.

Таъкидлаш керакки, поэзияда фақат қисм ёки эгагина инверсияга учраб қолмасдан, гапнинг иккинчи даражали бўлакларида ҳам инверсия ҳодисасига тез-тез учраб туради. Инверсия ҳодисаси жонли тилда кўп учрайди. Шеърият эса ана шу ҳаёт ҳодисасини ифода этади, қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очади, тилни индивидуаллаштиради.

**Кўчув.** Поэтик синтаксиснинг муҳим аломатларидан яна бири кўчувдир. Одатда, шеърда мисралар (нисбатан) мазмунан тутал ва мустақил бўлади. Мазмунан мустақиллик ва тугаллик баъзи шеърларда бир байтда шакланади. Баъзан эса муайян бир сўз мисра охирида қолиб, унинг давоми ҳисобланган бошқа бир неча сўз навбатдаги мисрага ўтади. Мисол:

Офтоб олган дурра, чанг этик  
Дала, күёш саховати бу!

Кўзи ўта боққан қалб етук  
Замон ўзи! Ташвиш ҳам сулув.

(Зулфия)

Бу бандда учинчи мисрадаги “етук” сўзи аслида тўртинчи мисрага қарашли, чунки у “замон” сўзининг аниқловчисидир, аммо у учинчи мисрада турса ҳам қофия бўлиб келганлиги (“этик”- “етук”) учун фикрий паришионлик сезилмайди, балки, аксинча, шоирнинг мақсади (замонанинг етуклигини таъкидлаш, шунга китобхоннинг эътиборини тортиш)ни ифодалашга хизмат қилдирилган. Шеър тилида учраб турадиган бу усул илмда “кўчув” (“перенос”) деб юритилади.

Кўчув бир банд ичидаги мисралардагина эмас, балки бандлараро ҳам юз бериши мумкин. Мисол:

Анормиди, олмамиди тўшида  
Кўз-кўз қилиб олиб юрган нарсаси?  
Ўтган ҳафта, янги ойнинг бошида  
Совгамиди менга берган нарсаси?  
Билолмадим. Билолмасдан доғдаман,  
Билолмасдан қайтиб кетдим юртимга,  
Изоҳлашга ваъда берсанг қайтаман,  
Қор ёғса ҳам, дўл ёғса ҳам ортимга!

(Шуҳрат)

Машхур рус шоири Контемирнинг таъкидлашича, шеър ритми кўчувсиз бир хил — монотонли бўлиб қолади. Ритмдаги монотонлиликни тутатиш учун кўчув усулидан фойдаланиш жоиздир. Кўчув шеърни жонли тилга яқинлаштиради, унга шижаатли интонация бағишлиайди. Умуман, инверсия ва кўчув шеърият тилини ранг-баранг ва сероҳанг қиласи, поэтик тилнинг халқчиллигини, ритмининг жўшқинлигини оширишга хизмат қиласи.

**Анаколуф** (юнон. *anacolouthos* — ноизчил, нотўғри) — бадиий нутқда гапдаги сўзларнинг грамматик жиҳатдан ноизчиллигидир. Масалан, шоир Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” достонидаги қуйидаги байтни олиб кўрайлилек:

Давлати ол Темур кетгусидур,  
Навбат ўзга кишига етгусидур.

Бу байтдаги “Давлати ол Темур” ибораси грамматика талабига мос эмас. Бу ибора адабий тилда “темурийлар сулоласи давлат тепасидан кетади”дир. Бироқ шеърда бундай жумлани қўллаш билан таъсирчанликка эришиш мушкул. Шу сабабли шоир Мұҳаммад Солих юқоридаги шоирона жумлани тузиб, лаконикликка ва таъсирчанликка эришган.

Анаколуф шоирона гап тузишнинг кенг қўлланиладиган усулларидан биридир. Одатда, жонли тилда anakoluflарга кўп йўл қўйилади. Бадиий адабиётда шоир жонли тилга хос бўлган мана шу хусусиятни ифодалаш мақсадида anakoluф усулидан фойдаланади. Анаколуфлар, одатда, у ёхуд бу персонаж нутқини индивидуаллаштиришга, унга услугубий тавсиф беришга хизмат қилдирилади. Масалан:

**Ҳамза.**

Қаердан топгансан шунча ер-мулкни?

**Ҳуррамбой.**

Мехнатдан топганман, ақча тўкканман!

**Оллоқул.**

Мозордан келган даромадлардан...

**Турдивой.**

Кетмон шамолини еғанмисиз ҳеч,  
Совуқ сув кўрганми оқ, момиқ қўллар?  
Мана бу Оллоқул сизга ким эди?

**Ҳуррамбой.**

Беватан, оч, юпун, фариб эди бу,  
Нону намак бердим, ўн уч йил боқдим.

**Ҳамза.**

Ўн уч йил йигитни қуртлек шимлим, ленг!

**Ҳуррамбой.**

Энди бу зўравон сримни олиб,  
Мени ҳам ўзидай гадо қилмоқчи!  
Капиратиф, ширкатга аъзо бўлсану  
Давлатга зиёним тегмаса сира,  
Нега тинч қўймайсиз, нега ковлайсиз?!

(“Ҳамза” драмасидан)

Бу полилогдан сезилиб турибдики, “Ҳамза” драмаси қаҳрамонларининг тили жонли тилга яқин (анаколуфларга сероб). Шу сабабли улар нутқидаги жумлаларнинг кўпти у қадар грамматик жиҳатдан изчил эмас. Демак, анако-

луфлар драма персонажларини тилига жонлилик ва ҳаётийлик багишлаган дейиш мумкин.

**Фонетик усуллар** хонда эстетик ҳис уйғотиши учун, у даставвал, әхтирос билан ёзилган бўлиши лозим. Шундагина шеърнинг таъсиричанилиги кучли бўлади. Шеърнинг эмоционаллиги эса вазн, ритм, қофия, поэтик фигуralар, бадиий санъатлар билан бирга поэтик фонетикага ҳам боғлиқ бўлади. Шеърни фонетик жиҳатдан пухта ишлаш, хусусан, арузда катта аҳамият касб этади. Чунки арузда ҳижоларнинг сифати (ҳижолардаги нутқ товушларининг ҳамоҳанглиги, қисқа-чўзиқлиги), шеър ритми ва мусиқийлигини вужудга келтиришда фоятда кучли таъсир кўрсатади. “Фонетик жиҳатдан яхши ишланган шеърда, — деб таъкидлайди йирик шеършунос олим Уммат Тўйчиев, — киши сезгисига таъсир этувчи оҳанг ва мусиқийлик кучли бўлади, аммо бу оҳанг ҳамда мусиқийлик шеър ритми ва нутқ товушлари комплексидан, маълум сўзлар бирикмаси ва нутқ бўлаклари алоқасидан келиб чиқади”<sup>1</sup>. Аммо, шуни ҳам айтиш керакки, алоҳида нутқ товушлари ёки ҳар хил фонетик усуллар ўз ҳолиҷа конкрет бир мазмунни ифодалайди. Улар бадиий нутқнинг бошқа унсурлари (ҳижо, туроқ, руқн, туркум, мисра, байт, поэтик фигуralар...) билан бир бутунликни ташкил этгандагина конкрет маъно касб этади, шеърга эмоционаллик багишлайди. Товушлар такори, фонетик усуллар ўқувчи диққатини тортади ва уни муҳим бир нарсага қаратади, поэтик нутқни ифодали қилади. Шу сабабли шоир шеърнинг товуш томонига алоҳида эътибор беради, шеър оҳангни тингловчида эмоционал ҳистойгу уйғотиши учун махсус фонетик усуллар кўллайди, шеърни “пардозлайди”. Демак, шеърни фонетик жиҳатдан ишлаш эҳтиёжи мазмунни жозибали ифодалаш заруротидан келиб чиқади.

Шеър санъатида, кўпинча, куйидаги фонетик усуллар ишлатилади:

**Аллитерация** (лот. al -га,да; littera — ҳарф) — шеърда, жумладан, бандда ва қисман насрий асарларда ҳам бир хил

<sup>1</sup> У. Тўйчиев. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. Т., Фан, 1966, 173-бет.

ундош товушларнинг такрорланиши. Аллитерация фонетик-стилистик усул сифатида бадий нутқнинг интонацион ифодавийлигини ва оҳангдорлигини кучайтиради. Масалан:

Эй Фарғона!  
Мушқул кунлар боласини тишида тишлаб,  
Ювиб,  
тараб,  
ўпид,  
кучиб,  
опичлаб.  
Эй, баҳтларни балоғатга еткизган она!

(Ҳамид Олимжон)

Бу шеърий парчада “б” ундоши бир неча марта такрорланиб, шеърга ўзига хос интонация ва оҳанг бағишиллаган. Аммо, шуни ҳам айтиш керакки, ҳар бир сўзнинг сўнгги бўғини бир хил ундош товуш билан тугашидангина аллитерация ҳодисаси бўлмайди. Аллитерация ҳар бир сўздаги биринчи бўғиннинг бир хил ундош билан бошланишидан ҳам пайдо бўлади.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов шеъриятидан олинган қуйидаги шеърда “қ” аллитерацияси қанчалик маҳорат билан ишлатилганлигига эътибор қилинг-а:

Қаро қошинг, қалам қошинг,  
Қийик қайрилма қошинг, қиз.  
Қилур қатлимга қасд қайраб –  
Қилич қотил қарошинг, қиз.  
Қафасда қалб қушин қийнаб,  
Қанот қоқмоққа қўймайсан.  
Қараб қўйғил қиё,  
Қалбимни қиздирсин қуёшинг, қиз.

Ўзбекистон қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов бир тўртлигини олиб кўрайлилек:

Офтоб ботиб кетди эгилди бошим,  
Юлдузлар сочилди кўзимда ёшим.  
Ҳажрингда бағримни ерга берурман.  
Тун бир лаҳат бўлса, ой-қабр тоши.

Шеърдаги учинчи мисрага эътибор қилинг-а: унда “р” ундоши беш марта (тўрт сўзда) ишлатилиб, алоҳида оҳангни вужудга келтирган. Бу мисрада аллитерация санъати қўлланилган. Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдула Орипов ишлатган (юқорида қайд этилган) аллитерацияларга ўхшаш алоҳида ҳарфлар тақрорига асосланган санъатни мумтоз шеъриятимизда “**тавзъи санъати**” деб юритилган.

Кўнгул жонидину жон қолди жонони жаҳондин ҳам,  
Кўнгулдин жона еттим, гам тунида балки жондин ҳам.

(*Нодира*)

Аллитерация ҳалқ оғзаки ижодида ҳам кенг қўлланилган.  
**Ассонанс** (лот. assonare — жавоб қайтараман) — фонетик-стилистик усул бўлиб, у қуйидагича икки маънода қўлланилади:

1. Мисрада, бандда, жумлада бир хил унли товушларнинг тақрорланиши ассонанс деб юритилади. Мисол:

Қаторлар-ла  
Бригадалар-ла,  
Шеренгалар-ла илгари  
Зарбдор қадамлар-ла  
Кухна қишлоқларни бузган  
Харьков трактори сингари.

(*Фафур Фулом*)

Бу бандда “а” унлиси йигирма икки марта тақрорланиб, шеърга кўтаринки руҳ, марш оҳангни баҳш этган.

Ўзбек шеъриятида “а”, “е”, “и”, “у” ассонанслари жуда кўп ишлатилган.

2. Фақат унлилар ҳамоҳанг бўлиб келган тўлиқ бўлмаган қофия ҳам ассонанс деб юритилади. Мисол:

Водийларни яёв кезганла,  
Бир ажиб ҳис бор эди менла.

(*Ҳамид Олимжон*)

Сен унугомас юрагим асдо!  
Эй, Ўрта Осиё, Ўрта Осиё!

(*Вера Инбер*)

Аслида, дунёда танҳо нима бор,  
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?  
Ёки қуёшими севгимга сабаб?  
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.

(*Абдулла Орипов*)

Англашиларлики, шеъриятда, қисман насрда унли ва  
ундош товушлар такори, фонетик-стиликтик усуулар ифо-  
давийлик ҳамда таъсирчанликни кучайтиришда муҳим  
аҳамият касб этади.

**IV БҮЛІМ**  
**АДАБИЙ ЖАРАЁН**

---

**Биринчи боб**  
**АДАБИЙ ТУРЛАР ВА ЖАНРЛАР**

**Адабий турлар ва  
жанрлар ҳақида  
тушунча**

Адабий асарлар шакл жиҳатдан бенихоя ранг-баранг бўлади. Шунинг учун уларни алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратиб ўрганиш лозим.

Адабий асарлар шаклан қуйидагича тасниф қилиниб ўрганилиши мақсадга мувофиқ: адабий асарларнинг йирик гуруҳлари адабий тур, адабий турнинг ички гуруҳлари адабий тур шакллари, адабий шаклнинг ички гуруҳлари адабий жанрлар (*фрунц. genge*) ва, ниҳоят, адабий жанрларнинг ички бўлиниши жанр хиллари. Масалан, роман — адабий жанр<sup>1</sup>). У эпик турнинг катта шаклига мансуб, айни чоқда, романнинг ўзи ҳам ҳар хил бўлади: тарихий роман, тарихий-инқилобий роман, ҳарбий роман каби. Булар роман жанри хиллари. Адабий ижодни бу хилда тасниф қилиш, албатта, шартли анъана. Аммо бу анъана ҳам адабий, жараённинг муайян босқичидаги адабий эстетик эҳтиёжлар тақозоси бўлиб, у шу давр адабий жараёнини, ундаги узлуксиз ўзгаришларни ўзида мужассамлаштира олади. Чунки (адабий турлар ва адабий жанрлар тарихий категория сифатида доимий ҳаракат, ривожланиш ва ўзгариш жараёнини бошидан кечириб туради: адабий ҳаётда қандайдир шакл сифат ўзгаришларига учрайди ёки ўз умрини тутгатади, қандайдир янги шакл тутғилади) ва ҳоказо. Абадий турлар ва адабий жанрларнинг ҳар бири тарихан таркиб топган ўзига хос қонуниятлар, нормалар ва хусусиятларга эга бўлади.

Адабиёт тарихида дастлаб ҳаётни тасвирлашнинг эпик ва лирик усуллари пайдо бўлган. Кейинроқ шу икки усулнинг қўшилиши натижасида драматик усул келиб чиқсан. Эпик усулнинг ўзига хослиги шундаки, бунда ҳаёт воқеа-

ҳодисалари, одамлар бевосита кўрсатилади. Лирик асарда эса, асосан, ҳаётнинг бевосита ўзи эмас, балки шоирнинг ҳаётдан олган таассуротлари ифодаланади. Драматик усулда ҳам ҳаёт воқеа-ҳодисалари, ҳам ички ҳис-туйгулар тасвирланади. Ҳаётни тасвирлашнинг шу усуллари — адабий турлар (эпос, лирика, драма) адабий жараённинг асосини ташкил этади.

Сўнгги давр адабиёт назариячилари адабий жараённи характерловчи асосий адабий турлар(эпос, лирика, драма)-дан ташқари, лирик-эпик асарлар, ҳажвий (сатирик ва юмористик), бадиий публицистик асарлар ҳам адабиётда салмоқли ўрин тутишини таъкидлашмоқда. Чунончи, поэма, баллада, масал жанрларида яратилган асарлар лирик-эпик асарлардир. Бу хил асарлар ўз табиатига кўра маҳсус адабий турни ташкил эта олмайди. Чунки улар, икки адабий тур(эпос ва лирик)нинг бирлашишидан пайдо бўлган ҳосила ҳодисадир. Адабиётшуносликда сатира ва юмор (ҳажвиёт) ҳамда бадиий публицистикани ҳам қоришиқ ҳодиса сифатида ўрганиш мумкин. Чунки ҳажвиёт ҳам, бадиий публицистика ҳам ҳаётни акс эттириш, образ яратиш, композиция ва услубда қатор ўзига хос хусусиятлар билан характерланади. Масалан, сатира ва юмор воқеликдаги салбий жиҳат ва ҳодисаларни кулги уйғотадиган қилиб акс эттиради. Бадиий публицистика бадиий адабиётнинг оператив ва жанговар соҳаси. Бадиий публицистиканинг фельетон, памфлет, мақола каби жанрлари мавжуд. Айни пайтда, бадиий турларнинг деярли кўпчилигига публицистик унсурлар учраб туради. Демак, адабий жараёнда эпик, лирик, драматик турлар асосий турлар сифатида қўлланилса, сатира ва юмор ҳамда бадиий публицистика қўшимча адабий ҳодиса тарзида ишлатилади. Адабиётшуносликда, асосан, эпос, лирика, драма турлари, лирик-эпик асарлар табиати, шуларга мансуб адабий жанрларнинг хислат ва қонуниятлари, ўзига хослигини ўрганилиши кўзда тутилади, холос.

### **Эпик тур ва унинг жанрлари**

Воқеаларни кенг ҳикоя қилишга асосланган адабий асарлар гурухига эпик тур ва эпос (*юнонча eros* — ривоя, ҳикоя, сўз, нутқ) деб аталади. А.С.Пушкиннинг “Дубровский”, “Капитан кизи”, Чўлпоннинг “Кеча ва кун-

дуз”, Ойбекнинг “Кутлуғ қон” каби асарлари эпосга кира-ди. Чунки, уларда маълум воқеалар тизмаси (кишилар ва уларнинг бошидан ўтган воқеалар) ҳикоя қилинади.

Эпос одамларни, уларнинг турли шароитдаги хулқ-ат-вори ва кечинмаларини, иштирок этган воқеаларни, турли ҳодиса ва кишиларга бўлган муносабатини тасвирлайди. Демак, эпос воқеликнинг ўзини акс эттирап экан.

Адабиёт характерлар ва типлар яратиш санъати бўлгани учун адабий турлар ҳам характер яратиш жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Эпоснинг характер яратиш жиҳатидан хусусияти шундаки, у воқеликни ривожланиш жараённида кўрсатиш орқали характерларни тасвирлаб беради.

Эпик тур кичик, ўрта ва катта шаклларга бўлинади. Кичик эпик шакл — ҳикоя ва очерк жанрларидан иборат. Ўрта эпик шакл — повесть ва катта эпик шакл — эпопея ва роман жанрларини ўз ичига олади.

**Эпопея** (*юнон.* еророїа — ривоятлар, қўшиқлар мажмуи) — миллат ёхуд халқ тақдири ҳал бўладиган воқеа-ҳодисаларни акс эттирувчи чуқур мазмунли ва йирик ҳажмли эпик асар. Эпопеяда халқ ҳаёти, унинг кураши ва қаҳрамонликлари кенг тасвирланади.

Эпопея ҳали жамият гармоник ҳолда бўлган пайтда (жамият бир-бирига душман синфларга кескин ажralиб кетмаган даврда) ёзувчилар умумхалқ манфаатини (қайсиdir бир синф манфаатини эмас) кўзлаб ижод этаётган даврларда ёк дастраси қадимги Юнонистонда пайдо бўлган. Миллий тарихнинг одатда афсоналар қобигига ўралган қаҳрамонлик воқеалари эпопея учун материал бўлган. Масалан, Троя уруши ҳақидаги афсона бир неча эпопея учун тасвир обьекти бўлган. Гомер мумтоз юнон эпопеясига асос солган. “Эпопеяниң мазмунини, — деб таъкидлайди В.Г.Белинский, — ўз ҳаётининг индивидуал манбалардан ҳали айрилмаган халқнинг ҳаёт моҳияти, субстанция кучлари, вазияти, турмуши ташкил қилиши керак. Шунинг учун эпик достоннинг асосий шартларидан бири унинг халқчиллигидир: шоирнинг ўзи ҳам воқеага ўз халқининг кўзи билан қарайди, воқеадан ўз шахсини айрмайди. Лекин эпопея юқори даражада миллий бўлиши билан баравар, у, айни вақтда, бадиий асар бўлиши учун, индивидуал халқ ҳаётининг формаси ўз ичига умуминсо-

ний, жақон аҳамиятига эга бўлган мазмунни олиши керак...

Эпопея учун мазмун беришга халқ ҳаётининг воқеада ифодаланиши керак. Халқнинг гўдаклик замонларида унинг ҳаёти кўпроқ ботирликда, қаҳрамонликда ифодаланади... Эпопеяда иштирок қилувчи шахслар тўла равишда миллий руҳ намояндалари бўлиши керак; лекин қаҳрамон ўз шахси билан халқ кучларини, унинг моҳиятининг, руҳининг бутун поэзиясини тўла-тўкис кўрсатиши керак”<sup>1</sup>.

Гомер эпопеяларининг асосини Троя уруши воқеалари ташкил этади. В.Г.Белинскийнинг фикрича, Гомернинг ҳарбий мавзуга, уруш конфликтларига мурожаат қилиши тамомила табиий бир ҳолдир. Чунки бу даврда ҳарбий тўқнашувларгина “гўдак халқ”нинг бутун “ички кучларини қўзғатиб, ташқарига чиқариб, унинг ҳали мифик тарихида бир давр очиш”и ва “унинг келажак ҳаётига таъсир қилиш”и мумкин эди, холос. Бироқ, ҳарбий конфликт, Белинскийнинг уқтиришича, фақат антик дунё эпопеялари учун шарт бўлган. Янги замон эпопеялари учун эса бошқа мавзулар ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Эпопея учун энг муҳими миллий характер ва жамиятнинг муҳим хусусиятларини акс эттиришдир. Шу сабабли асрлар ўтгани сари жамият тараққиёти тақозоси билан эпопеянинг ҳам мазмуни ўзгариб, янгиланиб, бойиб борган. Эпопея жанри кўп асрлик мураккаб тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Асрлар давомида не-не сўз усталари эпопея жанрида қалам тебратганлар. Бироқ уларнинг кўплари Гомерга оддий тақлиддан юқори кўтарила олмаганлар. В.Г. Белинскийнинг таъкидлашича, Европада XIV—XVI асрларда Гомер анъаналарини муваффақиятли давом эттирган сўз усталари Данте (“Илоҳий комедия”) ва Гёте (“Фауст”) бўлган. Ҳақиқатан ҳам, “Илоҳий комедия” ва “Фауст”да муаллифлар ўз замонасининг муҳим хусусиятларини чуқур акс эттира олдилар, сермазмун эпопеялар яратдилар. Рабле ва Сервантеслар ҳам қадимги юонон эпопеяларидан жiddий фарқ қиласиган эпопеялар яратди. Жамиятда ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви

<sup>1</sup> В.Г. Белинский. Танланган асарлар. Т., Ўздавнашр, 1955, 172—174-бетлар.

ва цивилизация (маданият) эришган ютуқлар янги типдаги эпопеялар яратишни тақозо қила борди. Күрғошин ва порох асри учун Ахиллес типидаги қаҳрамонларга зарурат йўқ эди. Тараққий этган феодал ва буржуа жамияти шароитида янги эпопеянинг пайдо бўлиши учун, биринчидан, миллий озодлик урушлари ва, иккинчидан, халқ оммасининг ижтимоий озодлик учун курашга отланиши мустаҳкам замин яратди. “Уруш ва тинчлик”нинг эпиклигини воқеликни кенг кўламда тасвирилашгина эмас, биринчи галда, наполеончи босқинчиларга қарши умумхалқ кураши тасвири таъминлаган. “Русияда ким яхши яшайди?” поэмасида эса етти деҳқон умумхалқ баҳти учун курашади — улар халқ руҳининг ифодачиси сифатида майдонга чиқади.

Ўзбек адабиёти тарихида ҳам эпопея элементлари мавжуд. Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврӯз”, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий”, Захириддин Бобурнинг “Бобурнома”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” каби асарларида эпик тасвир салмоқди ўрин тутади, уларда ўзбек халқи ҳаётидаги муҳим воқеалар (афсонавий ёхуд ярим афсонавий тарзда бўлса-да) ёритилган, оммавий кураш манзаралари чизилган. Бироқ, ўзбек адабиёти тарихида чинакам реалистик эпопея XX асрда яратилди. Садриддин Айнийнинг “Куллар”, Ойбекнинг “Навоий”, Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча”, Ҳамид Фуломнинг “Машъал”, Сайд Аҳмаднинг “Уфқ”, Ў. Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”, Б.Бойқобиловнинг “Навоийнома” каби романлари роман-эпопеялардир.

Эпопея фақат мутафаккир ёзувчиларгагина насиб қиласидиган қийин ва мураккаб эпик жанр бўлиб, унинг истиқболи порлоқ.

**Роман** (*фран.* roman — дастлаб роман тилларида яратилган адабий асар) — инсон хусусий ҳаётини жамият билан боғлаб, кенг тасвириловчи йирик эпик жанр. Муайян шахс тақдири, унинг ўз-ўзини англаш этиши: онгининг уйғониши, характерининг ташкил топиши ва шаклланиши роман марказида туради, шахслар тақдири воситасида ижтимоий ҳаётнинг ўхуд бу жиҳатлари ифодаланади. Повесть ва ҳикоядан фарқли ўлароқ, романда қаламга олинган воқеа-ҳодисаларда кўп персонажлар қатнашади, улар-

нинг ҳаёти ва курашлари бир-бири билан боғланади, тўқнашади.

“Замонамизнинг эпопеяси романдир, — деб ёзди В.Г.Белинский. — Эпоснинг ҳамма асоси, муҳим хусусиятлари романда бордир, фақат айирмаси шундаки, романда бошқа элементлар, бошқа манзара ҳукм суради. Бунда қаҳрамонлик ҳаётининг афсонавий ўлчовлари, қаҳрамонларнинг азамат сиймолари йўқ, бунда худолар иштирок қилмайди, романда одатдаги, прозаик ҳаётнинг ҳодисалари идеаллаштирилади, умумий тип остига олинади. Роман ўз мазмуни учун ё тарихий воқеани олиб, унинг соҳасида, эпосдаги каби, қандай бўлмасин бир хусусий воқеани кенгайтириши мумкин: фарқ бу воқеаларнинг характерида: демак, воқеани ўстириш ва кўрсатиш характеридадир; ёки роман ҳаётни мавжуд воқеликда унинг ҳақиқий ҳолатида олиши мумкин...

Бадиий асар сифатида романнинг вазифаси кундалик ҳаётдан ва тарихий воқеалардан барча тасодифий нарсаларни олиб ташлаш, уларнинг яширин қалбига, жонли идеясига кириш, ташқи, тарқоқ воқеаларни руҳ ва ақл масканни қилишдир. Роман бадиийлигининг даражаси асосий идеянинг чуқурлигига ва айrim хусусиятларда у идеяни ташкил этган кучга боғлиқдир...

Романнинг соҳаси, эпик достон соҳасига қараганда, бекиёс даражада кенгдир... Бундан ташқари, романда яна бир катта афзаллик борки, хусусий ҳаёт ҳам унга мавзу бўла олади, грек эпопеяси учун бу мавзу ҳеч вақт мазмун бўла олмасди: қадим замонда жамият, давлат, ҳалқ бўлган, лекин индивидуал шахсият сифатида одам мавжуд эмас эди, шунинг учун грекларнинг эпопеясида ва шунинг каби драмасида, фақат ҳалқ намояндалари — ярим худолар, қаҳрамонлар, подшоҳлар ўрин ола билганлар. Роман учун ҳаёт одамдадир, инсон қалбининг, инсон руҳининг мистикаси, инсон тақдирни, ҳалқ ҳаётига унинг ҳамма муносабатлари роман учун бой материалдир”<sup>1</sup>.

Агар ўтмишдаги эпосда давлат, жамият, ҳалқ вакиллари (доҳийлар, саркардалар, баҳодирлар) образлари ёхуд

<sup>1</sup> В.Г.Белинский. Таъланган асарлар, Т., Ўздавнашр. 1955, 175—177-бетлар.

бутун бир жамоанинг донолиги ва куч-қудратини ўзида мужассамлаштирувчи қаҳрамон образи диққат марказида турган бўлса, романда шахснинг индивидуал тақдири ва интилишларини ифодалайдиган қаҳрамон образлари биринчи планга чиққан. Эпоснинг асосий қаҳрамонлари иштирок этадиган ёки уларнинг ўзлари вужудга келтирадиган улкан тарихий воқеаларга (афсонавий тарзда бўлса-да) асосланса, роман (тарихий романлар ва роман-эпопеяларни мустасно қилганда) шахсий ҳаёт воқеаларига ва, кўпинча, муаллифнинг ўзи тўқиган ҳаётий воқеаларга асосланади. Шунингдек, эпосда одатда, жуда қадим замонларда бўлиб ўтган воқеалар тасвирланган бўлса, романларда (тарихий романни мустасно қилганда), кўпинча, замон воқеа-ҳодисалари ёхуд яқин ўтмиш воқеалари акс эттирилади. Эпос, биринчи навбатда, қаҳрамонлик характеристики касб этган ва юксак поэтик пафос билан йўғрилган бўлса, роман насрый жанр сифатида одатдаги кундалик жўн ҳаётни (унинг кўп қиррали жиҳатларини) кўрсатиш билан машғул бўлади. Роман эпик прозада тўла ва мукаммал шаклланган бўлиб, антик ва ўрта асрлар адабиётидаги эпосдан жиддий фарқ қиласа-да, у барибир, ўша эпоснинг қонуний меросхўридири.

Юқорида қайд этганимиздек, роман марказида шахсий тақдир ва ўй-кечинмаларга эга бўлган инсон турар экан, демак, романда характер яратиш масаласи фоятда муҳим аҳамият касб этади: роман қаҳрамони тамомила индивидуал шахс ва у, айни чоқда, жамият билан узвий боғлиқ бўлади. Шу сабабли романда индивидуал тақдир призмалари орқали ижтимоий ҳаётнинг, халқ турмушининг у ёхуд бу жиҳатлари бадиий тадқиқ қилинади. Ҳаётни эстетик ўзлаштириш эса фоятда мураккаб ижодий жараён бўлиб, турли-туман йўллар билан, кўпинча, билвосита амалга оширилади. Чинакам етук **роман халқ ҳаётининг маънавий кўзгуси ҳисобланади. Роман кенг қамровли (романбоп), ул-кан фикр маҳсули** бўлади.

Роман жанрининг бальзи хусусиятлари антик дунёning сўнгти даврлари ва ўрта асрларда яратилган айrim асарларда кўзга ташланган бўлса-да, ҳақиқий роман Уйғониш даврининг охирларида (феодализмнинг емирилиши ва капиталистик тузумнинг қарор топиши жараёнида) яратил-

ди. В.Г.Белинскийнинг айтишича, роман жанр сифатида Вальтер Скотт асарлари билан юксак бадий тараққиётга эришган. Испаниялик Мигель де Сервантеснинг “Дон Кихот”, немис ёзувчиси Гётенинг “Вертер”, америка ёзувчиси Купер романлари жаҳон адабиёти тарихида романчиликнинг илк мумтоз намуналари дидир. Янги типдаги роман реалистик тасвирикнинг кучайиши билан характерланади.

Роман жанри XIX асрда ўзининг гуллаб-яшнаш палласига қадам қўйди. Стендаль, Бальзак, Диккенс, Гончаров, Тургенев, Достоевский, Л.Толстой каби танқидий реализм санъатининг улкан намояндалари роман жанри тараққиётida катта роль ўйнадилар. Бу санъаткорлар ижодининг хусусиятлари крепостной ва буржуа тузумининг гуманизмга зид бўлган моҳиятининг фош қилиниши ва муайян ижтимоий муносабатларнинг чуқур таҳлилида кўзга яққол ташланади. Ёзувчиларнинг диққат марказида ижтимоий муҳит исканжасида бўғилган инсоннинг драматик, кўпинча, фожиавий тақдиди туради. Шу сабабли уларнинг романларида драматизм ва психологизм биринчи планга чиқкан. Шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар бу давр романлари мазмунидан катта ўрин ола бошлаган. Романда мураккаб турмуш шароити кенг қамраб олинадиган, ҳаётнинг кенг панорамаси чизиладиган бўлди.

М.Горькийнинг “Клим Самгиннинг ҳаёти”, М.Шолоховнинг “Тинч Дон”, К.Фединнинг “Ажойиб ёз”, А.Фадеевнинг “Тор-мор”, “Ёш гвардия”, А.Толстойнинг “Сарсонлик-саргардонликда”, Б. Полевойнинг “Чин инсон ҳақида қисса”, К.Симоновнинг “Ўликлар ва тириклар”, Г.Марковнинг “Сибирь”, “Ер мағзи”, С.Бородиннинг “Димитрий Донской”, М.Авезовнинг “Абай”, С.Муқоновнинг “Бўтакўз”, Б.Кербобоевнинг “Дадил қадам”, “Небитдоғ”, М.Иброҳимовнинг “Шундай кун келади” каби кўплаб мумтоз романлар янги замон романчилиги намуналари дидир.

Роман — ўзбек адабиёти тарихида янги жанр. Адабиётшунос С.Мирвалиевнинг “Ўзбек романни” монографиясида ўзбек романининг туғилиш манбалари, ўзига хос хусусиятлари тарихий тараққиёт йўли ёритилганки, бу асарни ўқиб чиқиш фойдалидир.

Ўзбек адаблари асримиз бошларида роман жанрига қўл уришган. Ҳамзанинг “Ким айбдор?”, “Янги саодат ёхуд

миллий роман”, “Учрашув” ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг “Бефарзанд Очилдибой” асарлари “роман” деб аталган. Аммо бу асарлар том маънодаги реалистик роман тушунчасига тўғри келмайди. Улар роман яратиш йўлидаги илк изланишлардир. Ўзбек адабиётида чинакам реалистик роман жанри 1920 йилларда пайдо бўлди. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” (1922—1926) ва “Мехробдан чаён”, С.Айний “Дохунда”, “Куллар”, Чўлпон “Кеча ва кундуз”, Ойбек “Кутлуг қон”, “Навоий”, “Олтин водийдан шабадалар”, “Қуёш қораймас”, “Улуғ йўл”, А. Қаҳҳор “Сароб”, “Қўшчинор чироқлари”, Ҳ. Шамс “Душман”, “Ҳукуқ”, А. Мухтор “Опа-сингиллар”, “Туғилиш”, “Давр менинг тақдиримда”, “Чинор”, “Аму”, Ҳ.Ғулом “Машъал”, “Тошкентликлар”, “Бинафша атри”, “Мангалик”, Мирмуҳсин “Умид”, “Меъмор”, “Чотқол йўлбарси”, О. Ёқубов “Эр бошига иш тушса...”, “Улуғбек хазинаси”, “Қўҳна дунё”, “Диёнат”, П.Қодиров “Уч илдиз”, “Қора кўзлар”, “Олмос камар”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, Шуҳрат “Шинелли йиллар”, “Олтин зангламас”, “Жаннат қидирганлар”, И. Раҳим “Ихлос”, “Тақдир” Сайд Аҳмад “Уфқ”, “Жимжитлик”, Ў.Ҳошимов “Нур борки, соя бор”, “Икки эшик ораси”, Ш.Холмирзаев “Сўнгги бекат”, “Қил кўприк”, “Ола бўжи”, М.М.Дўст “Лолазор”, Ж.Абдуллахонов “Борса келмас”, О. Мухтор “Эгилган бош” каби романлар яратишидки, бу асарлар ўзбек адабиётини бойитди.

Романнинг хилма-хил турлари мавжуд: тарихий роман (“Ўтган кунлар”), тарихий-инқилобий роман (“Кутлуг қон”), ҳарбий роман (“Қуёш қораймас”), замонавий роман (“Олмос камар”) саргузашт ва фантастик роман (“Сариқ девни миниб”)… Бундан ташқари адабиёт тарихида ижтимоий-фалсафий роман (“Давр менинг тақдиримда”), оиласвий-маиший роман (“Анна Каренина”), социал-психологик роман (“Сароб”)лар ҳам бор. Шунингдек, роман-эпопея (“Куллар”, “Навоий”, “Уфқ”), роман-дилогия (“Фарона тонг отгунча”, “Машъал”), роман-трилогия (“Уфқ”), роман-тетралогия (В.Катаевнинг “Қора денгиз тўлқинлари”)лар яратилди. Жаҳон адабиёти классикларидан О.Бальзак яратган “Инсон комедияси” асари эса романлар туркумини ташкил этади.

**Повесть** (рус. повествовать — ривоявий ҳикоя қилиш) — бош қаҳрамон тақдирин воситасида ҳаётнинг у ёхуд бу кирраларини ўрта эпик шаклда ривоявий усул билан акс эттирувчи асар.

В.Г. Белинский “Поэзиянинг хил ва турларга бўлинishi” мақоласида повесть жанри ҳақида тўхталиб, шундай дейди: “Повесть ҳам айни романнинг ўзгинасиdir, фақат кичик ҳажмдадир, асарнинг ҳажми мазмуннинг ҳажми ва моҳиятига қараб белгиланади”<sup>1</sup>.

Повестга берилган бу таъриф ҳамон ўз илмий қийматини сақлаб келмоқда. Фақат кейинги йилларда айрим олимлар буюк таңқидчининг бу фикрича сал аниқлик киритишга, тўғрироғи, уни бир оз тўлдиришга интилдилар. Чунончи, Л.И. Тимофеевнинг уқтиришича, повесть ўрта эпик шакл сифатида асосий қаҳрамоннинг ҳаётида юз берган бир қанча воқеаларни тасвиirlashi билан ҳикоядан фарқланади. Повестнинг ҳажми катта бўлганлиги сабабли унда бир эмас, бир неча персонажлар фаол иштирок этади. Персонажларнинг ўзаро мураккаб муносабатлари кенг тасвиirlанади. Л.В. Чернец ҳам роман билан повестнинг фарқи ҳақида тўхталиб, шундай деб ёзади: романга нисбатан повесть сюжетининг масштаби торроқ ва қурилиши жўнроқ бўлади; сюжетнинг, кўпинча, хроникал характерда бўлиши ва ҳикоячи муаллиф овозининг бутун асар давомида эшитилиб туриши — повестнинг ўзига хос хусусиятидир. Бадиий асарнинг жанр хусусиятини аниқлашда унинг ички мазмуни, асарнинг тузилиши, баён усули ва бадиий тафаккур тарзи асосий мезондир. Н. Берковский, В. Кожинов, А. Нинов, Н.А. Ҷуляев ва бошқа адабиётшунослар ҳам повестнинг жанр хусусиятларини белгилашда бадиий мазмунни ва ҳикоя қилиш оҳангини асос қилиб оладилар. Уларнинг фикрича, повесть ўзига хос хусусиятлари билан янги замон эпосларига нисбатан антик дунё эпопеяларига яқин туради. Повестнинг предмети — ҳаётнинг сокин ва эпик оқими. Бу ҳақда асарда босиқлик билан, шошмасдан ҳикоя қилиш мумкин. Повестда, одатда, ўткир

---

<sup>1</sup> Каранг: Введение в литературоведение. М., “Высшая школа”, 1976, 387-бет.

драматик ва фожиавий вазият чеклаб ўтилади: ҳаётнинг бундай вазиятлари роман учун муҳим деб ҳисобланарди. Повестнинг бундай хусусиятларини, айниқса биографик асарлар мисолида аниқ сезиш мумкин. Л.Н. Толстой, М. Горький, С. Аскаков, С. Муқонов, С. Айний, Ойбек, А. Қаҳҳор, ва бошқа сўз усталарининг автобиографик повестларида ҳаётнинг сокин ва эпик тасвирини, осойишта оҳангни пайқаш қийин эмас. Бироқ ривояда сокин ва босиқ оҳанг ҳамма повестларга ҳам хос бўлган хусусият эмас. Чунки адабиётимиз тарихида шундай повестлар ҳам борки, улар ўткир драматизм, кескин конфликт заминига курилган. Бу хил повестларда баён оҳанги ҳам вазиятга қараб тез-тез ўзгариб туради: бундай асарларни шошмасдан, ҳаяжонланмасдан ўқий олмайсан киши. Бу хил повестлар табиатан роман жанрига яқинлашиб боради. Масалан, машхур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг “Жамила”, “Сарвқомат дилбарим”, “Сомон йўли”, “Алвидо, Гулсари”, “Оқ кема” повестлари кескин драматизм заминига курилган. Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак”, Асқад Мухторнинг “Қорақалпоқ қиссаси”, Пиримкул Қодировнинг “Қадрим”, “Эрк” каби қиссалари ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

Баъзан адабий асарнинг повесть жанрига кириш-кирмаслигини аниқлашда унинг ҳажми ҳал қўлувчи роль ўйнамайди. Чунки адабиётимиз тарихида шундай повестлар ҳам борки, ҳажм жиҳатидан романдан қолишмайди (“Обид кетмон”). Аксинча, шундай повестларни ҳам учратиш мумкинки, улар каттароқ ҳажмдаги ҳикоядан ошиб кетмайди (“Эски мактаб”). Бундай пайтларда, адабий асарнинг жанр хусусиятларини ёзувчининг бадиий тафаккур тарзи ва баён усули белгилаб беради.

ХХ аср адабиётида повесть жанри салмоқли ўрин тутади. Жаҳон прогрессив ёзувчилари, шунингдек, ўзбек қаламкашлари ҳам кўплаб повестлар ёзишган. Хусусан, К. Паустовский, В. Тендряков, Ч. Айтматов ва бошқа қардош ёзувчилар яратган повестлар жаҳонга машҳур. Ўзбек адабиётида повесть жанри ўзига хос тарихга эгаки, бу ҳақда А. Аброров “Ўзбек повести” ида тўхталиб ўтган.

Ўтмиш ёзма адабиётимизда, хусусан, ҳалқ оғзаки ижодида қиссачилик ва қиссагўйлик мавжуд бўлган. Масалан,

Насриддин Рабгузийнинг “Қиссаи Рабгузий”, Юсуф Амрийнинг “Чоғир ва Бонг”, Яқинийнинг “Үқ ва ёй”, Абдулваҳобхўжа ўғли Пошшоҳӯжанинг “Мифтоҳул-адл” ва “Гулзор”, Сиддиқнинг “Чор дарвеш”, Мажлисийнинг “Қиссаи Сайфулмулук” каби асарлари ўтмиш қиссачилигининг намуналариdir. Бироқ бу асарлар том маънодаги повестлар эмас, уларда ҳаёт воқеа-ҳодисалари афсонавий тарзда акс эттирилган. Шу сабабли бу асарларнинг жанр хусусиятлари ҳам ўзига хосдир. Ўзбек адабиётида реалистик повесть жанри 20-йилларда пайдо бўлди. Бу жанрнинг илк намуналари С. Айнийнинг “Бухоро жаллодлари”, “Одина”, А. Қодирийнинг “Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан” каби асарлариdir. 30-йилларда ўзбек реалистик повести жанр сифатида шаклланди, адабиётимиз тарихидан мустаҳкам ўрин олди. Бу даврда Faфур Fулом (“Нетай”, “Ёдгор”, “Шум бола”), С. Айний, (“Эски мактаб”, “Судхўрнинг ўлими”), А. Қодирий (“Обид кетмон”), Fайратий (“Оқин ҳукми”), Ш. Ризо (“Қор ёғди, излар босилди”), М. Усмон (“Дип”) ва бошқа сўз усталари повесть жанрида ижод қилишиб. Ўзбек адабиёти тараққиётининг кейинги даврларида ўзбек повести кенг кўламда ривож топди. Ойбек, А. Қаҳдор, А. Мухтор, Р. Файзий, Мирмуҳсин, О. Ёкубов, И. Раҳим, С. Зуннунова, П. Қодиров, Ў. Умарбеков, Ў. Ҳошимов, У. Назаров, Ш. Холмирзаев ва бошқа адиллар гоявий-бадиий етук повестлар яратиб, ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшидилар.

**Ҳикоя, новелла** (*итал. novella* — янгилик) — инсон ҳаётидаги у ёхуд бу ёрқин ҳодисани, ижтимоий ёхуд психологияк конфликтни характер билан узвий боғлиқ ҳолда ривоявий усулда тасвирловчи кичик асар. Ҳикоя ёки новелла-эпик турнинг кичик жанри. Бу асар, одатда, киши ҳаётидаги гоятда муҳим воқеа тасвирига бағишлидан ва унда шу воқеага қадар ва ундан сўнг рўй берадиган воқеалар батафсил баён қилинмайди. Ҳикоя муайян вазиятдаги киши ҳаётининг бир парчаси. В. Г. Белинский ҳикоянинг хусусияти ҳақида тўхталиб, шундай дейди: “Қачондир ва қаердадир “повесть (ҳикоя — *T. B.*) бу кишилик тақдирийнинг поёнсиз поэмасидан бир эпизод” деб жуда яхши айтилган эди. Бу жуда тўғри фикр; ҳа, повесть (ҳикоя) қисмларга, минглаб бўлакларга бўлинган романдир; романдан

**олинган боблардир...** Шундай воқеалар, шундай ҳодисалар борки, улар драма учун кифоя қилмайди, улардан роман чиқмайди, дейиш мумкин; бироқ, улар ниҳоятда чуқур, асрлар давомида унтиш мумкин бўлмаган ҳаёт ҳақиқатини шундай ўзида мужассамлаштирган бўлади; повесть (ҳикоя) ана шундай воқеа ва ҳодисани танлаб олади ва ўзининг тор рамкасида ифода этади”<sup>1</sup>. “Ҳикоя, — деб таъкидлайди Жек Лондон, — бу ҳаётнинг якунланган эпизоди: **кайфият, вазият, ҳаракат бирлиги**”<sup>2</sup>. “Ҳикоя, сўзсиз, қандайдир муҳим фактнинг тасвиридан иборат, — дейди доминикан ёзувчи-си Хуан Бош. — Агар ҳикоя асосида ётган ҳодиса арзимас бир нарса бўлса, унинг ифодаси ҳикоя эмас, шунчаки бир лавҳа бўлиб, ўтган воқеанинг баёни бўлиб қолаверади”<sup>3</sup>.

Назарий адабиётларда ҳикояга хос бир қатор хусусиятлар кўрсатилган. Чунончи, Л.И. Тимофеевнинг фикрича, **ҳикоя инсон ҳаётидаги алоҳида бир воқеа асосига қурилди**, унда характер анча шаклланган бўлади, асар қаҳрамонлари кўп бўлавермайди, улар биргина воқеада иштирок этадилар. Шу сабабли ҳикоянинг ҳажми катта бўлмайди. **Сюжет асосида ётган воқеа, одатда, ўзига хос тугун, кульминация ва ечимга эга бўлади** — буларнинг бари **инсон ҳаётидаги бир эпизод рамкасида юз беради**<sup>4</sup>.

Ҳикояга хос мазкур хусусиятларнинг ҳаммасини ҳар бир ҳикоядан қидириб бўлмайди. Зоро, бунинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки олим баён қилган назарий фикрлар ҳар бир ҳикоянинг хусусиятларини эмас, балки реалистик ҳикоячиликка хос бўлган етакчи хусусиятларнига умумлаштиради, холос. А. П. Чехов, М. Горький, А. Қаҳдор, С. Антонов ва бошқа ҳикоянависларнинг асарлари юқоридаги назарий фикрларни тасдиқлайди. Аммо, адабиётимизда шундай ҳикоялар ҳам учрайдики (масалан, М. Шолоховнинг “**Инсон тақдирি**” ҳикояси), улар юқоридаги назарий фикрлар рамкасига сифмайди: бу хил ҳикояларда **характернинг бир**

<sup>1</sup> В.Г.Белинский. Собр. соч. в трёх томах, т. 1., М., ГИХЛ, 1948, 112—113-бетлар.

<sup>2</sup> “Литературная газета”, 11 января 1966 года.

<sup>3</sup> Иностранный литература, 1963, 8-сон, 233-бет.

<sup>4</sup> Қаранг: Л.И. Тимофеев. Основы теории литературы. М., Просвещение, 1971, 359-бет.

зумдаги ҳолати эмас, балки улкан инсоний тақдир-характернинг тобланиши кўрсатилади ва улар табиатан повестга яқинлашиб қолади. Умуман, реалистик ҳикоячилик шу қадар ранг-барангки, уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни умумлаштирадиган мукаммал таърифни яратиш бениҳоя қийин.

Ҳикояда ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг турли-туман масалалари кўтариб чиқилиши мумкин, аммо улар, худди роман ёки повестдагидек, кенг кўламда тасвир этилмайди. **Ҳикоя ривояннинг интенсивлиги ва қисқалиги билан характерланади.** Лаконизм — ҳикояда тасвир мезони. Ҳикояда романдагидек қистирма эпизод ҳам, чекинишлар ҳам бўлмайди, унинг рамкаси буларни кўтармайди. **Характернинг муайян вазиятдаги ҳолати воқеанинг кескин бурилиш нуқтасида, динамик сюжет, кучли драматизм, кутилмаган ечим асосида кўрсатиш — ҳикоя (новелла) учун энг характерли хусусиятдир.** Деталь ҳикояда ҳаётни типиклаштиришнинг асосий воситалардан бири бўлади. Ҳатто, бутун бошли ҳикоя бир деталь заминига қурилиши ҳам мумкин (А. Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояси).

Ҳикоя жаҳон адабиётида ўзининг бир неча асрлик тарихига эга. Жаҳон адабиёти классиклари: О. Бальзак, Мериме, Г. Мопассан, Ж. Лондон, А. С. Пушкин, А. П. Чехов, Э. Хемингуэй, Л. Тик, Г. Фон Клейст, Короленко, Салтиков-Шчедрин, М. Горький ва бошقا сўз усталари яратган ҳикоялар фойтда машҳурдир. Вс. Иванов, Н. Тихонов, М. Шолохов, Вс. Вишневский, С. Антонов каби адилар яратган ҳикоялар ҳам янги замон ҳикоячилигининг яхши намуналариdir.

Ўзбек адабиёти тарихида ҳам ҳикоя жанрининг ўзига хос тараққиёт йўли бор. Алишер Навоийнинг “Хамса”сидаги ҳикоятлар ёхуд Пошшохўжанинг “Мифтоҳул-адл” ва “Гулзор” ида келтирилган ҳикоялар, ўзбек халқ оғзаки ижодидаги эртаклар ўзбек ҳикоячилигининг ўтмишдаги намуналариdir. Октябрь ўзгаришидан сўнг ўзбек адабиёти тарихида янги типдаги ҳикоя — реализм ҳикояси пайдо бўлди. А. Қодирий, Чўлпон, Файратий, Ҳ. Шамс, Ҳ. Олимжон, F.Фулом, А. Қаҳҳор, Ойбек, Ойдин, А. Мухтор, Мирмуҳсин, С. Аҳмад, С. Зуннунова, Ҳ. Фулом, Ў. Умарбеков, Ш. Холмирзаев, О. Отахонов, Ў. Ҳошимов сингари адилар

ўзбек ҳикоячилигини бойитиша катта хизмат қилдилар. Ёзувчи Абдулла Қаҳдор ўзбек ҳикоячилигида ўзига хос мактаб яратган санъаткордир. Ўзбек реалистик ҳикоячилигининг туғилиши, манбалари, тараққиёт йўли, тенденциялари Н.В.Владимирова ва У. Норматовларнинг илмий-танқидий асарларида ёритилганки, булар ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

**Очерк** (рус. очеркать — тасвирилаш, чизиш) — ижтимоий ҳаёт воқеаларини, реал кишилар фаолиятидаги муҳим ҳодисаларни, зарур муаммоларни ривоявий усулда акс этирувчи кичик эпик асар.

Очерк ўз табиатига кўра ҳикояга яқин туради. Шунга кўра, ҳикоя билан очеркни қиёслаб кўрсангиз ҳар иккала жанр ўртасидаги муштаракликни ҳам, фарқларни ҳам осонлик билан пайқай оласиз.

“Ҳикоя қилган ишни очерк ҳам қила олади. Бироқ унинг воситалари, имкониятлари ҳикояга қараганда бошқачадир. Ҳикоянавис кўп ҳодисаларни умумлаштирувчи воқеа яратса, очеркист бир воқеанинг характерли чизикларини танлаб олиш йўли билан уни типиклаштиради.

Очеркист ўзи бевосита кўрган, мушоҳада қилган кишилар, ҳодисалар тўғрисида ёзгани учун фантазиядан... фойдаланган тақдирда ҳам маълум чегарадан нари ўтолмайди. Ҳикоянавис, масалан, ўзининг кекса қаҳрамонида ёшлик туйғуси уйғонганини айтмоқчи бўлса, унда шу ҳис уйғонгандигини кўрсатадиган бир иш қилдиради, сўзлатади. Очеркист ўз қаҳрамонида шундай туйғу уйғонгандигини айтмоқчи бўлса, унга ҳеч қандай иш қилдиrolмайди, сўз ҳам айттиrolмайди, чунки бу қаҳрамон конкрет одам... Сохта воқеа ҳикояни бир пул қилганидай, эркин фантазия очеркни бир пул қиласи. Очеркист ҳикоянависда бўлган бу имкониятлардан маҳрум бўлса, унинг бошқа имкониятлари бор. У ҳикояда ўзига ўрин тополмайдиган **муҳока-ма қилиш, хулоса чиқариш, ўз фикрини баён қилишдек имкониятларга эга...**

Ҳикоянавис кўлига қалам олмасдан бурун ўз олдига аниқ бир мақсадни кўйиб, ихтиёрида бўлган материалдан шунга қараб фойдаланади... Очеркист ҳам ўз объектига яқинлашган вақтида аниқ бир мақсад қўзлашиб керак...

Турмушни чуқур англаш, унинг ҳодисаларини таҳдил қила билиш, баъзан кундалик икир-чикирлар губори бо-сиб, юзи хиралашган ҳаёт ҳақиқатнинг жилосини кўра олиши ҳикоянависдан қанча талаб қилинса, очеркистдан ҳам шун-ча талаб қилинади.

Мана шу... хусусиятлар бу икки жанрни бир-биридан фарқ қилидиради, лекин икковининг орасига қатъий суратда бир чизиқ тортиш мумкин эмас, негаки, яхши ва ширали тил билан ёзилган, яхши умумлаштирилган, образ яратилган очерк ҳикоядир... “Воқеий” деб атаганимиз ҳикоя — очерк, типик воқеа тасвир этилган очерк — воқеий ҳикоя эмасми?

Бизнинг кунларда очерк адабий ҳаракатнинг олдинги сафида туриши керак”<sup>1</sup>.

Ҳикоянавис ва очеркист Абдулла Қаҳҳорнинг “Бадиий очерк тўғрисида” деган мақоласидан келтирилган юқоридаги парча, бизнингча, ҳикоя ва очерк жанрларига хос етакчи хусусиятларни тушуниб олишга ёрдам беради.

Очеркист ҳаётда бор бўлган одамларни ва реал воқеаларни тасвирлар экан, ижод жараёнида у ҳаётда ўз кўзи билан кўрган фактларни қуруқ баён қилиш йўлидан бормайди, аксинча типик характерларни типик шароитда ҳаққоний намоён этадиган чинакам реализм йўлидан боради. Демак, очеркда ҳам ҳаёт типиклаштирилиб тасвирланар экан. Бироқ очеркда типиклаштириш тамойили ўзига хос хусусият касб этади. Очеркда тўғридан-тўғри фантазия, хаёл воситасида эмас, балки муаллиф ўз кўзи билан кўрган (ҳақиқатан ҳам ҳаётда юз берган) воқеа ва фактлар асосида типик образ яратилади. **Конкретлилик ва аниқлик очеркнинг характерли хусусиятларидандир.** Кўпинча очерк **хужжатли асар** деб юритилади. Бу гапда жон бор — реалистик адабиёт тарихидаги очеркларнинг аксарияти “хужжатли” ва “адресли”, яъни очеркист ўз кўзи билан кўрган ҳодисаларни, реал кишилар ҳаётида юз берган муҳим воқеаларни “худди ўзидай” аниқ тасвирлайди. Тўғри, бу ўринда ҳам очеркка обьект бўлган “ҳаёт парчаси”ни тасвирлаш жараёнида очеркист айrim фактлар ўрнини алмаштиради,

---

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор. Асарлар, 6-т. Т., Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971, 249—252-бетлар.

деталлар, штрихларни бир-бирига боғлашда фантазиядан фойдаланади. Бироқ, очеркда бадий түқима, фантазияғоятда чекланган бўлади. Мана шу маънодагина очерк “хужжатли адабиёт” бўла олади. Бинобарин, “очерк – хужжатли адабиёт” дейилганда “очерк ҳаёт материалининг фотосурати, айнан нусхаси” экан, деб тушунмаслик керак, айни чоқда, адабиёт тарихида соф түқима йўли билан яратилган очерклар (аҳён-аҳёнда бўлса-да) учраб турадики, бу хил очеркларнинг хусусиятларини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Чунончи, М. Горькийнинг “Россия бўйлаб”, Г. Успенскийнинг “Ер амри” каби очеркларининг қаҳрамонлари ҳам, сюжет линиялари ҳам хаёлдан тўқиб чиқарилган. Шундай бўлса ҳам, бу очерклар муаллифларга ҳаёт ҳақиқатини очеркнамо қилиб кўрсатишга тўла имкон берган. Б. Бойқобилов ва М. Халилларнинг “Қорёғдининг мактублари” очерки ҳам фантазия маҳсулидир. Бу хил очерклар табиатан ҳикояга ўхшаб кетади, аммо ҳикоянинг айни ўзи эмас. Бундай асарларнинг жанрларини белгилашда “хужжатлилик”, “адреслилик” эмас, аксинча адиднинг тафаккур тарзи ва баён усули, тасвир объектига муносабати асос бўлиб хизмат қиласи.

Очеркнинг ҳажми ҳам қатъий чегараланган эмас: очерклар, одатда, гоятда кичик ҳажмли, лаконик шаклда бўлади (Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб” очерки); аммо шундай очерклар ҳам бўладики, уларнинг ҳажми повесть ёхуд романнинг ҳажми билан бемалол рақобат қила олади. (Карамазовнинг “Рус сайёхининг мактуби”, Радишчевнинг “Петербургдан Москвага саёҳат” каби очерклари ҳажм жиҳатидан ҳеч қандай повестдан қолишмайди. Ҳатто, француз очеркисти Мерсьенинг “Париж манзаралари” очерки бир неча томни ташкил этган. Ойбекнинг “Покистон таассуротлари” туркумли очерки ҳажм жиҳатидан повестга тенглаша олади). Шу сабабли очеркнинг жанр хусусиятларини белгилашда унинг ҳажми муҳим аҳамият касб эта олмайди.

М. Горькийнинг уқтиришича, очерк ҳикоя билан илмий тадқиқот чегарасида туради. Очеркда, биринчидан, ҳаёғдаги ҳақиқий фактлар берилади, улар таҳлил этилади, мағзи чақилади. Шу жиҳатдан очерк илмий тадқиқотга жуда яқинлашади; иккинчидан, тасвир жараёнида бадий тасвир воситалари қўлланилади ва бу хусусияти билан ҳикоя-

га яқин туради. Мазкур хусусиятлар у қадар сезилмайдын очерклар ҳам йўқ эмас. Бундай очеркларда эпиклик биринчи планга чиқади. Натижада, очеркнинг эпостга яқинлиги билинади: ҳудди эпосдагидек очеркда ҳам ҳикоячи — муаллиф образи бўлади, ҳар иккала жанрда ҳам ҳаётни объективлаштириб тасвирлашга интилиш кучли сезилиб туради. Ҳикоя(эпос)да мазмун характерлараро муомала-муносабатда, улар ўртасидаги конфликтда очилса, очеркда субъект — муаллиф образи муҳим роль ўйнайди. Очеркистнинг ўзи бутун асар давомида воқеани бошқариб боради, тасвир объектига актив муносабатини очиқ-ойдин баён этади. Проф. Н.А. Гуляев “Адабиёт назарияси” дарслигига уқтиришича, очеркни характерловчи умумий етакчи хусусиятлардан бири тасвир предметининг очеркбоплигидир. Очерк ўз қизиқиш доирасининг универсаллиги билан эпик турнинг бошқа жанрларидан ажralиб туради. Очерк ҳаётдаги ҳамма нарсага қизиқади, уларни ўз тасвир объектига тортишга интилади. Масалан, эпопеяда энг муҳими воқеа, романист ва ҳикоянавис учун энг зарур нарса инсон тақдирни бўлса, очеркист учун ҳамма нарса муҳим. Очеркист ҳаётнинг, албатта, инсоният учун, тараққиёт учун зарур бўлган турли-туман қирраларини акс эттиради. Очерклар турли-туман ҳаёт ҳодисаларини қамраб олиши билангина эмас, айни чоқда, тасвир объектига ўзига хос муносабатда бўлиши билан ҳам характерланади. Очеркист романист ва ҳикоянависдан фарқли ўлароқ, инсон тақдирини кўрсатишга у қадар қизиқиб кетмайди, уни, асосан, ижтимоий ҳаёт муаммолари қизиқтиради. Очеркда ижтимоий ҳаёт оқими ва ҳолати тадқиқ этилади, турмушнинг жўшқин ҳодисаларига фаол аралашилади, унга очиқ муносабат билдирилади. Шу туфайли очеркда тасвир объектига жўшқин публицистик муносабат ва ҳаяжонли баён келиб чиқади.

Очеркист ҳаётнинг объектив оқими, табиат ҳодисалари, ижтимоий муносабатлар билангина эмас, реал одамлар билан ҳам қизиқади. Бироқ очеркда инсон барибир тарихий жараённинг, ижтимоий тараққиётнинг бир бўлаги сифатида намоён бўлади. Очерк қаҳрамони, ҳаммадан бурун, ижтимоий онгнинг бир жиҳатини, тарихий тараққиёт тенденциясининг бир томонини ўзида мужассамлаш-

тириши билан характерланади. Шу сабабдан, аналитик таҳлил очеркда фоятда муҳим аҳамият касб этади. Жанго-варлик ва ҳозиржавоблик очеркнинг характерли хислатидир.

Очерк қуйидаги турларга бўлинади: **портрет очерк, йўл очерки, муаммо-очерк, ҳарбий очерк, илмий очерк** ва бошқалар.

Жаҳон адабиёти тарихида очерк Уйғониш даврида пайдо бўлган. У бизнинг кунларимизгача жуда мураккаб тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Реализм очерк жанрини чинакам камолотта кўтарган асосий ижодий омиллардандир.

Ўзбек адабиёти тарихида ҳам очеркнинг илдизлари узоқ даврларга бориб тақалади: мумтоз адабиётимиздаги тарихий-мемуар асарлар, саёҳатномалар, хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” каби асарларида очеркка хос қатор хусусиятлар сезилиб туради. Очерк мустақил жанр сифатида ўзбек адабиётида Октябрь ўзгаришидан сўнг шаклланди ва камол топди. А. Қодирий, Ойбек, Ф. Гулом, А. Қаҳҳор, И. Раҳим, Н. Сафаров, О. Ёқубов, С. Анорбоеев, Х. Нуъмон, Й. Шамшаров, Й. Муқимов, Ҳ. Назир ва бошқа адибларимиз гоявий-бадиий баркамол очерклар яратиб адабиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Очерк жанрида, хусусан, Назар Сафаров шуҳрат қозонди. “Карвонбоши Мелиқўзи”, “Султон бўзчининг неваралари”, “Зулайхо”, “Чўл лочини” каби очерклари китобхонларда қизиқиш уйғотди.

**Лирик тур ва унинг жанрлари**

**Лирика** (юнон. *lyricos* — лира жўрлигига кўйлаш) — бадиий адабиётнинг асосий турларидан бири бўлиб, бирор ҳаётий воқеа-ҳодиса таъсирида инсон қалбига туғилган руҳий кечинма, фикр ва туйфулар орқали воқеликни акс эттиради. В. Г. Белинский шундай дейди: “Эпосда субъект мавзу билан кўмилган бўлади; лирикада эса субъект мавзуни ўз ичига олиш, сингдириш, уни чуқур ўзлаштириш билан чекланмайди, балки мавзуга тўқнашув унинг ичидай туйфулар уйғотган бўлса, барчасини ички чуқурлигидан олиб чиқади. Лирика тилсиз сезгиларга сўз ва образ беради, уларга алоҳида ҳаёт бағишлиайди. Демак, лирик асарнинг мазмуни объектив воқеанинг тараққиёти эмас, унинг мазмуни — субъектнинг ўзи ва у

орқали ўтган ҳамма нарсадир... Дунёни ва ҳаётни ҳаракат қилдирувчи кучлар бўлган ҳамма умумий нарса, ҳамма субстанцияга оид нарса, ҳар қандай идея, ҳар қандай фикр — лирик асарнинг мазмуни бўла олади, лекин бу умумий нарса субъектнинг энг яқин, энг ички нарсасига айланиши, унинг сезгисига кириши, унинг бирон томони билан эмас, балки бутун мавжудияти билан боғланган бўлиши шарт. Кишини машғул этган, тўлқинлатган, шодлантирган, қайғуга солган, завқлантирган, тинчитган, ҳаяжонлантирган нима бўлса, қисқаси, субъектнинг маънавий ҳаётини ташкил қилган ҳамма нарса, субъект ичига нима кирса, унда нима пайдо бўлса, шуларнинг барчасини лирика, ўзининг қонуний бойлиги каби қабул қиласи. Мавзу бу ерда ўз-ўзича қимматга эга эмас, ҳаммаси субъектнинг унга берган аҳамиятига боғлиқ, ҳамма нарса хаёл ва сезги билан мавзуга кирган руҳга боғлиқ”<sup>1</sup>. Лирик турнинг ўзига хос хусусиятлари, асосан, ана шундан иборат. Шунингдек, лириканинг мөҳиятини тўғри англашимизда Ойбекнинг қуйидаги фикрлари ҳам қўл келади: “Кўп кишилар лирикани фақат туйғу, ҳисдан иборат, деб ўйлайдилар. Бу тамоман нотўғри... Чунки улар фикр ила туйғуни механик айириб қўядилар. Ҳақиқатда, фикрий мазмун ила боғланмаган “мустақил” туйғу, ҳис йўқдир. Шоир лирикага фикр ва туйғуларни шундай бириктирадики, натижада лирик юксаклик вужудга келади. Лирик юксаклик асарнинг ҳаяжон кучини оширап...

Адабий асарларнинг драма ва ривоя турларида қисмлар хронологик ва сабаб боғланиши ила бирикадилар... Лирикада... қисмлар кўпинча эмоционал ўхшашиблик ёки тазод принципига мувофиқ бирикадилар. Лирикада воқеа, ҳодисалар тасвир қилинса, улар ситуация ва фабула кескинликлари ясамайди. Мавзунинг очилиши, инкишофи, ҳаракати асосий мотивларга янги, ёрдамчи мотивлар юклиши ила вужудга келади. Лирикада шоир солиштирув, контраст, туйғу параллелизми, аллегориялар, бир-бирига қарши, ёки яқиндош картиналар, тескари алиштирув ва бошқалардан фойдаланади...

---

<sup>1</sup> В.Г.Белинский. Таъланган асарлар. Т., Ўздавнашр, 1955, 184-бет.

Лирик асарларда сўзга парвосиз қаралмайди. Лирикада сўз ритмли, оҳангдош қаторлар ташкил этади. Сўз ёлғиз мазмунни ифода қилиш воситаси эмас, балки, маълум товуш, оҳанг комплекси каби бадий элемент бўлиб хизмат қилади. Шеър лирика тилининг мусиқийлиги, сўзларнинг кўйилиши, турли сифатта молик товуш типларининг тартибланиши, уларнинг маҳсус бирикиши, умуман, товуш қонунига бўйсундириш ила вужудга келади”<sup>1</sup>.

Лирикада очиб берилган инсоннинг ички дунёси унинг ўзини ҳам, ундаги кайфиятни ҳам туғдирган ҳаёт шароитларини тасаввур қилишга имкон беради. Лириканинг ҳам қаҳрамони — инсон: кўпинча шоирнинг ўзи (умумлашма образ) бўлиб, лирик қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Воқеликни лирик қаҳрамон кечинмалари орқали акс эттириш лириканинг бош хусусиятидир. Адабиёт тарихида воқеабанд шеърлар ҳам бўладики, уларда иштирок этувчи шахслар образи кўзга ташланиб туради. Шоир шу образлар воситасида ҳаётнинг у ёхуд бу жиҳатларини бадий ифодалайди.

Лирик асар ҳажм жиҳатидан кичик бўлишига қарамай, ҳаётни бадий акс эттира олади. Лирик асарда конкрет индивидуал кечинмалар орқали типик кечинмалар ифодаланади, бу ҳолат лирик асарда бадий умумлаштиришни, типиклаштиришни вужудга келтиради. Лирикада ҳам бадий фантазия муҳим роль йўнайди; шоир воқеликни илғор ижтимоий идеаллар нури билан ёритадиган кечинмалар, фикр ва туйғуларни тараннум этади.

Лирик шеърият адабиётимиз тарихида салмоқли ўрин тутади: ўтмиш мумтоз шоирларимиз ҳам, ҳозирги замон шоирлари ҳам лирик асарлари билан шухрат қозонган. Лирик шеъриятимиз серманолилиги, фикран теранлиги, ҳистойгу ва эҳтиросларнинг самимийлиги, бойлиги, шаклан ранг-баранглиги, сербӯёқлиги, жозибадорлиги, фоятда мусиқийлиги билан китобхонларга манзур бўлган.

Лирик шеъриятимиз қуйидаги тасниф қилинади: ғазал, қасида, қўшиқ, қитъа, рубоий, туюқ, фард, мунозара, мұқаддимот, мустазод, таржиъбанд, таркиббанд, соқийнома,

---

<sup>1</sup> В.Г.Белинский. Танланган асарлар. Т., Ўздавнашр, 1955, 184-бет.

марсия, манзума, сонет, мусаммат, мадхия ва бошқалар. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, ўтмишда шеърларга ҳозиргидек мазмунга мос сарлавҳалар қўйиш одат бўлмаган, шу шеър ёзилган жанрнинг номи (газал, қасида, робоий, туюқ, таржиъбанд каби) ёхуд шу шеър қандай банд усулида ёзилган бўлса, бу банд номи (маснавий, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусамман каби) билан юритилган. Ҳар бир шеърга унинг мазмунига мос сарлавҳа қўйиш одати сўнти даврлар маҳсулидир. Энди лириканинг айрим жанрлари ва жанр шаклларини кўздан кечирайлик.

**Газал** (*араб. غزل* — газал, кўплиги *غزلیات* — газалиёт, аёллар билан ўйнаб-кулиш) — ишқ-муҳаббат ҳақида баҳс юритувчи лирик шеър Газал Шарқ ҳалқлари лирикасида кенг тарқалган жанр бўлиб, у ўз тараққиётининг дастлабки даврларида фақат ишқ-муҳаббат мавзуларида яратилган. Аммо кейинги даврларда газалнинг мавзу доираси кенгайиб борган. Шу тариқа, газал тематикаси инсоннинг соғ интим туйгулари билан бирга ижтимоий ҳаёт муаммоларини ҳам қамраб оладиган бўлган. «Газалнинг мазмуни, гоявий мундарижаси, образлар системаси, тематикаси ҳар бир даврда ўзгариб борган бўлса, унинг формал хусусиятлари: вазни, қофияланиш усули, матлаъ, мақтаъ тахаллус қўйиш одати ва бошқаларда катта ўзгаришлар рўй бермади. Бироқ, газал формаси қотиб ҳам қолмади, унинг шакллари кўпайди<sup>1</sup>. Шу тариқа «газалда ёр қиёфаси, қилиқларини баён қилиш, соғинишу фироқ, рақибдан ва тақдирдан зорланишнингина ифодаланмайди, шунингдек, газал доираси табиат манзараларини тасвирилаш, май, қадаҳ ҳақида баён қилиш билангина чекланмайди... газал тематикаси шахснинг интим кечинмалари доирасида қолмасдан, унда ижтимоий ҳаёт масалалари ҳам ифодаланади<sup>2</sup>. Лекин, барибир, газал табиатан, биринчи навбатда, ишқ-муҳаббат масалаларини ёритиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Р. Орзивеков. Ўзбек лирик поэзиясида газал ва мусаммат. Т., «Фан», 1976, 14-бет.

<sup>2</sup> А. М. Мирзаев. Рудаки и развитие газели в X—XV вв. Сталинабад, 1958, 25-бет.

<sup>3</sup> Қарант: А. Ҳайитметов. Навоий лирикаси. Т., ЎзФАН, 1961, 56-бет.

Газал формал-поэтик жиҳатдан кўйидаги хусусиятлар билан характерланади: а) икки мисрали байт усулида ёзилади; б) шеърдаги ҳар бир байт нисбий мустақилликка эга; в) қофияланиш тартиби: биринчи байт ўзаро қофияланади: қолган барча байтларнинг тоқ мисралари очиқ қолиб, жуфт мисралари биринчи байт билан қофиядош бўлиб, келади, схемаси: а-а, б-а, в-а, г-а, д-а...; г) қофиядан сўнг, кўпинча радиф келади (радифсиз газаллар ҳам учраб турди); д) газалнинг биринчи байти «матлаъ» (бошланма) ва сўнгти байти «мақтаъ» (тугалланма, хотима) деб юритилади; е) шеър мақтаъсида муаллифнинг тахаллуси ёхуд исми кўрсатилади; ё) шеър мусиқабоп вазнларда ёзилади; ж) анъанага кўра газаллар ўн байтдан ошмаслиги лозим бўлсада, амалда ўн байтдан ортиқ газаллар ҳам яратилган. Ўзбек адабиётида кўпинча 7—9 байтли газаллар яратилган. ~~Масалан~~, Алишер Навоийнинг «Хазойинул-маоний» сидаги 2600 газалнинг 1747 таси 7 байтли, 695 таси 9, 2 таси 5, қолганлари 12—13 байтлидир. Газалшуносларимизнинг аниқлашича, ўзбек газалчилиги тарихида 4 мисрадан 46 мисрагача бўлган газаллар учрайди.

Ўзбек адабиёти тарихининг олтин фондини ташкил этган юзлаб, минглаб газалларни қофияланиш тартибига кўра кўйидагича тасниф қилиб ўрганиш одат тусига кирган:

а) ўзбек адабиётида энг кўп тарқалган газал-*оддий газал-дир*. Бу хил газал а-а, б-а, в-а, г-а, д-а... тартибida қофияланиши билан характерланади;

б) **газал-хусни матлаъ**. Бу газалнинг бошқа газаллардан фарқи шундаки, унда матлаъдан кейинги байт мисралари ҳам ўзаро қофияланади. Схемаси: а-а, а-а, б-а, в-а, г-а, д-а...;

в) **газал қитъя**. Бу газалнинг қофияланиш тартиби қитъанинг қофияланиш тартиби билан бир хилдир. Схемаси: б-а, в-а, г-а, д-а...;

г) **газал-мусажжаъ**. Бу газалда одатдаги қофиялардан ташқари ички қофиялар ҳам бўлади;

д) **газал-мувашшаҳ**. Бу газалнинг тузилиши мувашшаҳнинг айни ўзини эслатади;

е) **газал-мушоира**. Бу газал икки ёки ундан ортиқ шоирнинг диалоги — мунозараси тарзида тузилади;

ё) **газал-зулқофиятайн**. Бу кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, унда ҳар бир байт ўзаро қофияланади. Схемаси: а-а, б-б, в-в, г-г...;

**ж) газал-зебқоғия.** Бу ҳам кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, унинг қофияланиш тартиби: а-а, а-а, а-а, а-а, а-а...;

**з) газал-чистон.** Бу газал-чистон — топишмоқнинг ўзи;

**и) газал-назира** (татаббуъ, тазмин). Бу шоирнинг бошқа бир шоир газалига эргашиб газал ёзиши. Чунончи, Алишер Навоий ва Мұхаммад Фузулий газалларига жуда кўплаб шоирлар назиралар боғлашган. Газал-назира ёзиш ўзига хос анъанага айланниб кетган<sup>1</sup>.

Ўзбек адабиётида газал форс-тожик газалчилиги заминида пайдо бўлиб, XIV аср ўрталаридаёқ алоҳида лирик жанр сифатида шаклланган. Алишер Навоий газални ўзбек адабиётининг етакчи жанрига айлантириди ва «газал мулкининг сultonни» бўлиб қолди. Бобур, Фузулий каби санъаткорлар газал шуҳратига шуҳрат қўшишди. Мумтоз шоирларимизнинг деярли барчаси газал жанрида қалам тебратишган. Шу сабабли, газал ўзбек мумтоз адабиётининг бош жанри бўлиб қолган.

Ўзбек мумтоз газалчилигининг намунаси сифатида Алишер Навоийнинг «Бадойи-ул-васат» девонидаги «Келмади» радифли газалини келтирайлик:

Кеча келгумдур дебон ул сарви *гулрў* келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча *уйқу* келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтуму чектим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимгаю ул шўхи *бадхў* келмади.

Оразидек ойдин эрконда гар этти эҳтиёт,  
Рўзгоримдек ҳам ўлғонда қоронғу, келмади.

Ул париваш ҳажридинким йиғладим левонавор,  
Кимса бормуким, анга кўрганда *кулгу* келмади.

Кўзларингдин неча сув келгай деб ўлтурманг мени,  
Ким бори қон эрди келган, бу кеча *су(в)* келмади.

Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам,  
Йўлғаким, аввал қадам маъшуқа *ўтру* келмади.

Эй *Навоий*, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,  
Не учунким, бода келган уйга *қайғу* келмади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Н. Шукуров, Ш. Холматов*. Адабиётшуносликка кириш. Самарқанд, 1974. 150—151-бетлар. Р. Орзивеков. Ўзбек лирик поэзиясида газал ва мусаммат. Т., Фан. 1976, 22—44-бетлар.

Ҳозирги ўзбек шоирлари ҳам, ғазал жанрида баракали ижод қилишган. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Чўлпон, Fafur Fулом, Ҳамид Олимжон, Файратий, Мақсад Шайхзода, Собир Абдулла, Миртемир, Уйғун, Ҳабибий, Чархий, Чустий, Эркин Воҳидов, А. Орипов, Ж. Камол, Туроб Тўла ва бошқа шоирлар янги воқеелик мавзууда сермазмун ғазаллар яратишган. Агар ўтмиш ғазалчилиги асосан романтик характерда бўлса, эндиликда реалистик ғазаллар яратилмоқда.

**Қасида** (*arab. قصيدة*; кўплиги — қасойид) — машҳур тарихий шахслар ва буюк воқеаларни мадҳ этувчи тантанавор услубдаги лирик жанр. Қасида худди ғазалдек қофияланади (схемаси: а-а, б-а, в-а, г-а, д-а...). Одатда, қасида кириш (насиб ёки ташбиб) билан бошланади, кейин тасвир объектига ўтилади, охирида дуо ҳамда матлабининг баёни берилади. Агар қасидада кириш бўлмаса, *маҳдуд* деб юритилган. Қасиданинг умумий ҳажми 15—20 байтдан кам бўлмайди. Ўтмишда подшолар ва ҳукмдорлар, улуғ тарихий шахслар, буюк тарихий воқеалар, табиат манзаралари, май, ишқ-муҳаббат, шоирнинг ўзи яшаган муҳитдан шикоят ёки ўз фазилатлари ҳақида қасидалар яратилган. Шунингдек, фалсафий қасидалар, ҳажвий қасидалар ёзилган. Прогрессив шоирлар ўз қасидаларида адолатли шоҳлар ва улуғ кишиларнинг фазилатларини мадҳ этишган, ўзларининг ҳаёт ҳақидаги қараашларини ифодалашга интилганлар. Аммо айрим шоирлар ҳукмдорларни кўкларга кўтариб мақтаб, уларга хушомадгўйлик қилишган. Ўзбек адабиётида ўз қасидалари билан шуҳрат қозонган шоир Саккокий (XV аср) феодал ҳукмдорлардан Халил Султонномига битта ва Мирзо Улуғбек номига тўртта қасида, нуфузли руҳонийлар, амалдорлардан Ҳожа Муҳаммад Порсога бир қасида, Арслон Ҳожа Тархонга тўрт қасида бағишилган. Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога бағишилаб ёзган «Ҳилолия» номли қасидаси ва, шунингдек, «Тұхфатул афкор» («Фикрлар совфаси») номли фалсафий қасидаси машҳур.

Саккокий «Улуғбек мадҳи» қасидасида шундай байтларни тузади:

Жаҳондин кетти ташвишу мабодийи амон келди,  
Халойиқ айш этинг бу кун, сурори жовидон келди.  
Тан эрди бу улус барча анингтек жони бор ё йўқ,  
Биҳамдиллаҳ, ўғон фазли била ул танга жон келди.

Ҳозирги ўзбек шоирлари қасидани халқимизни мадҳ этувчи, Ватанинн улуғловчи, улуғ айём кунларини таранум қилувчи жанрга айлантириллар. Мақсад Шайхзоданинг «Тошкентнома», Султон Ақбарийнинг «Менинг маҳаллам», Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим», А. Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» каби асарлари янги замон қасидачилигининг яхши намуналариридир. Янги қасидаларда анъанавий қасидаларнинг бир қатор «темир қонунлари» бузилиб, замонга мослаштирилди, тасвир имкониятлари кенгайтирилди. Шоир Абдулла Ориповнинг «Момо офтоб» шеър-қасидасидан бир парча:

Офтобим, шу мунис заминни зинҳор  
Мехру шафқатингдан этма мосуво.  
Дўстлар сафида шод тарона айтиб,  
Мен ҳам дилдан сенга қилурман хитоб,  
Ҳар ўтган зум учун шукронга айтиб,  
Сенга топинурман, эй мом офтоб.

**Қўшиқ** — қадимий лирик жанр бўлиб, куйга солиб айтишга мўлжаллаб ёзилади. Қўшиқ, одатда, икки хил бўлади: халқ қўшиқлари ва ёзма адабиёт намунаси бўлган қўшиқлар.

Халқ қўшиқлари жуда қадимий тарихга эга. У оғзаки тарзда мусиқа билан бирга яратилган. Қўшиқ, дастлаб, меҳнат жараённада пайдо бўлган. Уларда халқнинг орзу-умидлари, завқ-шавқи, кувонч ва изтироблари мужассамлашган. Халқ қўшиқлари меҳнат қўшиқлари, мавсум қўшиқлари, маросим қўшиқлари, алла, ёр-ёр, ишқий қўшиқлар, қаҳрамонлик қўшиқлари каби турларга бўлинади.

Қўшиқ ёзма адабиёт жанри сифатида ҳам машҳур. Алишер Навоий, Заҳирилдин Муҳаммад Бобур, Машраб, Оғаҳий, Муқимий, Фурқат ва бошқа шоирларнинг анчагина шеърлари қўшиққа айланиб кетган. XX аср ўзбек шоирлари ҳам қўшиқ жанрида баракали ижод қилишган. Ҳамза,Faфур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйгун, Миртемир, Аскад

Мухтор, Туроб Тўла, Ўткир Рашид, П. Мўмин, Э. Воҳидов, А. Орипов каби шоирлар бир қатор серзавқ қўшиқлар яратишиди. Бир мисол:

Гул диёrim, бор менинг,  
Гулшан диёrim бор менинг.  
Меҳнату баҳтимни кўрки,  
Пахтазорим бор менинг.

(Ўткир Рашид)

**Қитъа** (*араб.* — قبطع — парча) — қадимий лирик жанр. Қитъа шундай бир лирик жанрки, у ихчам бўлади, унда фикр лўнда ва конкрет баён қилинади, мураккаб усуллар, қочириқ-киноялар деярли учрамайди, тасвир объекти бевосита кўрсатилади, баҳоланади; воқеа-ҳодисалар аслига монанд ифодаланади<sup>1</sup>. Қитъанинг шаклий-поэтик белгилари: а) шеър ҳажм жиҳатидан кичикроқ (2 байтдан 19 байтгacha) бўлади. Ўзбек адабиётида бир байтдан ўн бир байтгacha бўлган қитъалар бор, бироқ икки байтли қитъалар кенг тарқалган; б) шеърнинг матлаъи бўлмайди; в) қофияланишида қатъий схема йўқ; амалда кўпгина қитъаларнинг жуфт мисралари қофияланиб, тоқ мисралари очиқ қолдирилади (схемаси: б-а, в-а, г-а, д-а...); г) умуман айтганда, қитъа бадиҳабоп жанр бўлгани учун унинг ҳажми, вазни, мавзуи, foявий мундарижаси қатъий чегараланмаган. Унда шартли тамойиллар, мажбурий шаклий-поэтик қолиплар «темир қонун» тусини олган эмас<sup>2</sup>.

Ўзбек адабиётида деярли жуда кўп шоирлар қитъа яратишган. Бироқ Алишер Навоийгина бу жанрни ҳар томонлама юксакликка, тўла ҳукуқли жанр даражасига кўтарган. Шоирнинг «Ҳазойинул-маоний»сида 210 та, «Девони фоний»да 72 та қитъа берилган. Булардан ташқари, «Муншасот», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Ҳамсатул-мутаҳайирин» ва бошқа асарларида бир қанча қитъалар бор. Али-

<sup>1</sup> Қаранг: *A. Абдуғафуров*. Шоир қитъалари. Ўзбекистон маданияти, 1968 йил, 20 август.

<sup>2</sup> Қаранг: *P. Орзивеков*. Лирикада кичик жанрлар. Т., F. Фуломномидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 14—15-бетлар.

шер Навоий қитъалари икки байтдан тортиб ўн бир байт-гачадир. Уларнинг аксарияти икки байтлидир:

Бу ўринда ўзбек мумтоз қитъачилигидан намуна сифатида 2 қитъани келтирайлик:

Ул менинг жони жаҳонимға салом,  
Жондин ортиқ меҳрибонимға салом,  
Бир замон холи эмасман ёдиин,  
Мунису жону равонимға салом.

(Лутфий)

Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо,  
Ки ўтлар сочар қаҳри ҳангомида.  
Анинг коми бирла тирилмак эрур,  
Маош айламак аждаҳо комида.

(Алишер Навоий)

XX аср ўзбек шоирлари ҳам қитъалар яратишган. Чунончи, шоир Мақсад Шайхзоданинг «Ўзбек пойтахтидан...», «Исмингнинг маъноси», «Самолётдан...» каби шеърлари янгича қитъа намуналаридир. Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий ва бошқа шоирлар ҳам кўплаб қитъалар яратишган.

**Рубоий** (араб. رباعي — тўртлик; кўплиги — рубои-ёт) — тўрт мисрадан иборат мустақил лирик жанр. «Араб тилидаги «арбаатун», «рубоий ятун» (тўртлик, тўрт) сўзларидан олинган рубоий термини Ажам (араб халқлари ва мамлакатларидан бошқа эллар) шоирлари орасида тўрт мисрадан иборат ва қофия тартиби  $a+a+b+a$  шаклидаги, мустақил бир мазмунни ифодалайдиган лирик асарни англатган. Одатда рубоийнинг **биринчи мисраси тезис**, яъни шоир кейин исбот этиши лозим бўлган фикрнинг даъво шаклида ўртага ташланишидир. **Иккинчи мисра антитеза**, яъни аввалгисига зид, унинг аксидек жаранглайди, бироқ дастлаб кўйилган тезиснинг исботига хизмат қиласди. **Учинчи мисра** қофиясиз бўлиб, **моддаи рубоийя** деб аталади. Шоир хулоса чиқаришга тайёрланар экан, бу гўё асосий мақсадга, хулосага олиб келувчи кўпприк бурчини ўтайди. Ниҳоят **сўнгти мисра**, мақсаднинг очиқ, равшан айтиб тутатилиши **синтездир...** Рубоий тўрт мисрага сифдирилган бутун бир

шөърият дунёси, инсоннинг фоят хилма-хил ва жуда бой фикр-хислари, «қалб диалектикаси»нинг ажойиб таржимонидир<sup>1</sup>. «Рубоий жанрининг бош хусусияти шундаки, у кўп вақт инсон ҳаётида, ички кечинмаларида юз берган энг теран ва кескин моментлардаги мулоҳаза ва фикрларни қўйма сатрларда гавдалантиради. Бунда мундарижанинг етакчилиги яққол сезилиб туради. Бунда ёзувчининг асосий мақсади, бир фикрни ҳам тасвирий образлар воситаси билан, ҳам мантиқий далиллар билан очик-равshan тасдиқлаш ёки рад этиш, бирон муҳим масалани жамоатчилик онгига етказиш... бирон воқеа ёки ҳодисанинг охирига етган нуқтасини кўрсатиш ва унга ўз муносабатини, фикрини билдиришдир. Бунда ҳамма сўз ва тасвир щу мақсадни мумкин қадар эфектли очиб беришга хизмат қиласди...»<sup>2</sup>

Рубоийнинг шаклий поэтик хусусиятлари: а) шеър ҳажм жиҳатидан, албатта, тўрт мисралик бўлади; б) композицияси тезис, антитетис, моддаи рубоийя ва синтездан ташкил топади; в) ҳазаж баҳрининг **ахрам ва ахбар вазнлари**(24 вазн)да ёзилади; г) фалсафий, ижтимоий, ахлоқий ва интим-ишқий мавзуларда ёзилади; д) қоғияланиш тартиби 2 хил: **a+a+b+a** ҳамда **a+a+a+a**; е) қоғиялари кўпинча радифли бўлади.

Олимларимизнинг аниқлашича, рубоийнинг ўзбек адабиётида пайдо бўлиши араб истилосидан аввалги даврларга бориб тақалади. Рубоий жанри ва унинг тарихий тараққиёти адабиётшунос Раҳмонкул Орзивековнинг «Лирикада кичик жанрлар» китобида муфассал ёритилганки, буни, албатта, ўқиб чиқиш керак.

Рубоий Шарқ адабиётида кенг тарқалган. Форс-тожик адабиёти мумтозлари Рудакий, Саъдий, Ҳофиз, Умар Хайём каби файласуф шоирлар рубоий жанрида жаҳонга шуҳрат тараттганлар. Ўзбек классиклари ҳам рубоий жанрида катта маданий мерос қолдиришган. Булар орасида, айниқса, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубо-

<sup>1</sup> М. Юнусов. Уммондан қатралар. Гулистон, 1975, 2-сон, 16—17-бетлар.

<sup>2</sup> А. Ҳайитметов. Навоий лирикаси. Т., ЎзФАН, 1961, 59—60-бетлар.

иyllари foявий-бадиий етуклиги, ҳикматомузлиги билан алоҳида ажралиб туради. Масалан:

Кўз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши,  
Юз бирла сўзунг яхши, дудогинг яхши.  
Энг бирла менгинг яхши, сақоқинг яхши,  
Бир-бир не дейин боштин-аёғинг яхши.

(Алишер Навоий)

Ёд этмас эмиш, кишини *ғурбатда* киши,  
Шод этмас эмиш, кўнгулни *мехнатда* киши.  
Кўнглум бу фарибликда шод ўлмади, оҳ,  
Ғурбатда севунмас эмиш, *албатта*, киши.

(Бобур)

Бу икки рубоийнинг қофияланиш тартиби қўздан ке-чириладиган бўлса, уларнинг икки хил тартибда қофияланганлигини пайқаймиз: биринчи рубоийнинг тўрталаш мисраси ҳам ўзаро қофияланган (схемаси: a+a+a+a), иккинчи рубоийнинг уч мисраси қофияланниб, бир мисраси очиқ қолган (схемаси: a+a+b+a). Рубоийнинг a+a+a+a тартибида қофияланувчи тури, одатда, **таронаи рубоий** деб юритилади. Адабиётимиз тарихида рубоийнинг a+a+a+a шаклида қофияланувчи тури камроқ учрайди, a+a+b+a шаклида қофияланувчи тури кенг тарқалган.

Ўзбек шоирларидан Сайфи Саройи, Лутфий, Мунис Хоразмий, Огаҳий каби сўз усталари рубоий жанрида бара-кали ижод этишган. Шунингдек, рубоий жанри ҳозирги ўзбек шоирларига ҳам қўл келган. Мақсад Шайхзода, Собир Абдулла, Ҳабибий, Мамарасул Бобоев, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Шукрулло ва бошқа шоирлар турли мавзуларда ажойиб рубоийлар ёзишган. Масалан:

Элга сарвар бўлай десанг *хизмат* қил,  
Дастурхоннинг холис бўлсин *ҳиммат* қил,  
Адаб қонунидан чиқма, камтар бўл.  
Одам аҳли шарафли деб *ҳурмат* қил.

(Ҳабибий.)

Булардан ташқари, лирик шеъриятимиз тарихида, аҳён-аҳёнда бўлса-да, туюқ-рубоий, муаммо-рубоий, чистон-

рубойй, мустазод-рубоийлар учраб туради. Адабиётшунос Р. Орзивековнинг аниқлашича, Бобур ва Лутфий туюқ-рубоийлар, Навоий, Фозий, Муқимийлар таърих-рубоийлар, Увайсий чистон-рубоийлар, Адо мустазод-рубоийлар ёзган. Бундай асарларда туюқ, таърих, муаммо, чистон ва мустазодга оид хусусиятлар рубоий хусусиятлари билан кўшилишиб, икки жанрга хос хусусиятлар намоён бўлади. Масалан, туюқ-рубоийларда туюққа ва рубоийга хос хусусият бўлади: бундай шеър ҳажми, а+а+б+а, баъзан а+а+а+а шаклида қофияланиши (рубоий) ва қофияларда омонимлар ишлатилганлиги жиҳатидан туюқдир. Лекин шеър рубоий вазнида эмас, балки туюқ вазнида (рамали мусаддаси мақсурда) ёзилганлиги учун ҳам туюқдир.

**Туюқ** (араб. قویق — туслаш, туймоқ) — ўзбек поэзиясида кенг кўлланилган кичик лирик жанр. Туюқнинг шаклий-поэтик хусусиятлари: а) ҳажм жиҳатидан тўрт мисради бўлади; б) арузнинг **рамали мусаддаси мақсур** (**фоилотун**, **фоилутун**, **фоилун**), баъзан маҳзуф баҳри вазнида ёзилади; в) омонимли қофия ёхуд сўз ўйини кўлланилади; г) баъзан тажнисиз (омонимлар ишлатилмаган) туюқлар ҳам учраб туради; д) мазмунан, кўпинча, ишқий характерга эга бўлади; е) куйга солиб айтишга мўлжаллаб ёзилади. Лирик жанрлар тадқиқотчиси Р. Орзивековнинг таъкидлашича, «туюқнинг кенг тарқалган турлари тўрт мисрадан иборат мустақил ва тўлиқ маънога эга бир бутун асар эканлиги, кўпроқ а+а+б+а, баъзан а+а+а+а шаклида қофияланиши, мурабба шеърлардан фарқли ўлароқ, сўнгги мисраларда шоир тахаллусининг кўрсатилмаслиги каби хусусиятлари билан рубоийларга ўхшайди. Аммо ўзига хос ягона вазн — **рамали мусаддаси мақсурда ёзилиши**, аксар ҳолларда қофияларининг **тажнисли** сўзлардан иборат бўлиши билан фарқ қиласди. Рубоийнинг туюққа нисбатан имконияти анча кенг бўлиб, у турли мавзуларда, **арузнинг ҳазараж баҳрининг йигирма тўрт тармогида ёзилиши мумкин**. Туюқда мавзу эркинлиги ҳам анча чегаралангган, ундан кўпроқ тажнис сўзлар ишлатилиши талаб қилинганлиги учун унинг мазмунини очишга мослаштириш анча қийин.

Ўзбек адабиётида яратилган туюқларнинг аксари севги, садоқат, висол умиди, ҳаёт завқи **ғояларини** ифода-

лашга бағишилган. Уларни ишқий миниатюралар олами дейиш мүмкін»<sup>1</sup>.

Ўзбек адабиёти тарихида Юсуф Амирий, Гадоий, Лутфий каби шоирлар туюқ жанрида самарали ижод қилишгандар. Алишер Навоий ва Заҳириддин Мұхаммад Бобур туюқ жанрини юксак босқичга күтаришган. Кейинги даврда Увайсий, Рожий Марғиноний, Муқимий, Мунис, Огаҳий каби шоирлар яхши туюқлар ёзишган. Алишер Навоий туюқларидан бир намуна:

Лаълидин жонимға ўтлар ёқлур,  
Қоши қаддимни жафодин ё қилур.  
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,  
Ул вафо билмонки, қилмас ё қилур.

Бу туюқдаги «ё қилур» сўзига эътибор қилинг: у биринчи мисрада севгилиниң қип-қизил лабларидан жонимга ўтлар ёқилар маъносида, иккинчи мисрада севгилиниң жафоси қадди-қоматимни ёйдай эгар ва тўргинчи мисрада севгилим ё вафо қиласи, ё вафо қилмас маъносида ишлатилган. Демак, ё қилур — сўз ўйини. Шоир сўз ўйини воситасида туюқ яратган.

Туюқ жанри ҳозирги ўзбек поэзиясида ҳам қўлланилаяпти. Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий, Хайриддин Салоҳ ва бошқа шоирларимиз сермазмун туюқлар яратишган.

**Фард** (араб. فرد — якка, ёлғиз) — бир байтли лирик жанр. Фард ўзида афористик тутал бир мазмунни ифодалайди. Фардларда икки мисранинг ўзаро қофияланishi шарт. Аммо ижодда ўзаро қофияланмаган фардлар ҳам учраб туради<sup>2</sup>.

Фард адабиётимизнинг қадимий жанрларидан бири. Хоразмий, Сайфи Саройи, Юсуф Амирий, Алишер Навоий, Бобур, Пошшохўжа, Турди, Роқим, Увайсий, Мунис, Огаҳий, Рожий, Анбар отин каби сўз усталари яраттан фардлар диққатга сазовордир. Масалан:

---

<sup>1</sup> Р. Орзивеков. Лирикада кичик жанрлар. Т., F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 92-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Р. Орзивеков. Лирикада кичик жанрлар. Т., F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1976, 119—120-бетлар.

Киши айбинг деса, дам урмайлым, ул эрур күзгү,  
Чу күзгү тийра бўлди, ўзга айбинг зохир айларму.

(Алишер Навоий)

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила...

(Алишер Навоий)

Ёр қадрин билмадим то ёрдин айрилмадим,  
Ёр қадри менга ҳам душвор экандур, билмадим.

(Бобур)


Фардлар, кўпинча, насрий асарлар, саргузашт қиссалар, тарих китоблари, мемуарлар таркибида муаллифнинг хуносаси, қиссадан ҳисса қабилида берилган. Масалан, Абдулваҳобхўжа ўғли Пошшоҳўжанинг «Гулзор» номли ҳикоятлар китобидаги бир ҳикоят охирида адиб матлаъ деб қўйидаги фардни берган:

Гар алифдек рост бўлсанг, бол ичинда тут мақом,  
Лом алифдек бўлсанг эгри бўл бало ичра мудом.

**Мустазод** (*араб. مستاذ* — орттирилган, орттирма) — мумтоз поэзиямизда кенг қўлланилган лирик жанр. Мустазод, асосан, ғазалга ўхшаш йўлда ёзилади. Мустазоднинг илк шаклий-поэтик белгиси шундаки, шеърнинг ҳар бир мисраси охирига аruz қоидаси асосида бир неча сўз орттирилади. Бу орттирилган сўзларни, шартли равишда, ним мисра деб атаемиз. Шу тариқа, шеър байтида икки тўла ва икки ним мисра бўлади. Шеъриятимизда етти байти мустазодлар кенг тарқалган. Аммо тўққиз байти мустазодлар ҳам учраб туради. Алишер Навоий «Мезон ул авзон» асарида дейди: «Ва яна ҳалқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусамман вазнидан анга байт боғлаб ҳар мисрайдан сўнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағоматига рост келтиурлар ва ани “мустазод” дерлар эрмиш»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. (ўн беш томлик). 14-том. Т., Бадиий адабиёт нашриёти, 1967.

Мустазод, одатда, қўйидаги тартибда қофияланади:  
 а) биринчи байтнинг тўла мисраси шу байтнинг иккинчи  
 тўла мисраси билан, биринчи тўла мисранинг ним мисраси  
 иккинчи тўла мисранинг ним мисраси билан ўзаро қофияланади. Қолган барча байтларнинг тоқ — тўла мисраси ва тоқ — ним мисраси очик қолади; жуфт мисралари — тўла мисраси биринчи байтнинг тўла мисраси билан, ним мисраси биринчи байтнинг ним мисраси билан қофияланади.  
 Схемаси:



Алишер Навоийнинг «Наводируш-шабоб», «Бадойиул-васат» девонларида, Ҳувайдо, Фозий ва бошқа шоирларнинг девонларида берилган мустазодлар ана шу тартибда қофияланган. Масалан:

Кўрдум тuno кун кўчада бир *моҳлиқони,*  
*ҳайрон* бўла қолдим,  
 Ҳуснидин ани кўнглум уйи топти *зиёни,*  
*раҳшон* бўла қолдим.  
 Айдим: «Эй пари, қайда борурсан жадал айлоб?»  
 Ачиғланиб айтур:  
 «Шўхим, на сўрарсан, на ишинг бор бу *замони?*»  
*фазмон* бўла қолдим.

(Ҳувайдо)

Ўзбек шеъриятида мустазоднинг юқоридагидан фарқли қофияланиш тартиби ҳам учраб туради. Масалан, шоир Бобараҳим Машраб девонидаги мустазоднинг барча байтларидаги тўла мисралар ва биринчи ним мисраларининг қофияланишида қатъий тамойилга амал қилинмагани ҳолда ҳар бир байтнинг иккинчи ним мисралари қатъий тартибда оҳангдош бўлиб келган — шу восита шеърнинг барча байтларини бир-бирига улади, унга яхлитлик тусини беради. Бу мустазод беш байтдан тузилган бўлиб, қофияланиш схемаси қўйидагича:

$$\begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \left\{ \begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \right. \begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \left\{ \begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \right. \begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \left\{ \begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \right. \begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \left\{ \begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \right. \begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array}$$
  
 1- байт; 2- байт; 3 байт;

$$\begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \left\{ \begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \right. \begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \left\{ \begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \right. \begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \left\{ \begin{array}{l} - \\ - \\ - \\ - \end{array} \right.$$
  
 4- байт; 5- байт;

1-байт	$\left\{ \begin{array}{l} \text{Айтай сенга дарду аламим, олими } \underline{\text{доно}}, \\ \text{фиқр айла } \underline{\text{ўзунто}}. \end{array} \right.$ $\left\{ \begin{array}{l} \text{Оҳим сари менга эшилиб бир } \underline{\text{бока}}, \text{ кўргил}, \\ \text{эй дилбари } \underline{\text{якто}}. \end{array} \right.$	- - a
		- - a
2-байт	$\left\{ \begin{array}{l} \text{Оламда менингдек сенга ҳайрон } \underline{\text{бўдан}} \text{ йўқтур,} \\ \text{англанг муни, дўстлар,} \end{array} \right.$ $\left\{ \begin{array}{l} \text{Девоналиғимни кўра-кўра бути } \underline{\text{рарно}}, \\ \text{мен мажнуни } \underline{\text{шайдо}}. \end{array} \right.$	- - a
		- - a

**Таржиъбанд** (*араб. ترجیح — такрор* تکریر — банд тақрори) — мумтоз поэзияда қўлланилган йирикроқ лирик жанр. Таржиъбанднинг шаклий-поэтик ҳусусияти: а) шеър бир вазнда ёзилган бир неча нисбий мустақил бандлардан таркиб топади; б) шеърнинг ҳар бир банди бир неча байтлардан тузилади; в) ҳар бир банднинг биринчи ва сўнгги байтлари маснавий усулида қофияланади (схемаси: а+а, б+б); г) ҳар бир банднинг қолган барча байтларининг тоқ мисралари очиқ қолиб, жуфт мисралари биринчи байт мисралари билан қофиядош бўлиб келади (схемаси: б+а, в+а, г+а, д+а); д) биринчи банднинг сўнгги байти қолган барча бандлар охирида айнан тақрорланади: шу восита орқали мустақил бандлар бир-бирига уланади, композицион яхлитликка эришилади (шунингдек, тема, фоя, лирик қаҳрамон, вазн воситаси ҳам шеър бандларини бир-бирига улайди); е) таржиъбандларнинг ҳажми одатда 7—8 банддан ва ҳар бир банд 8—11 байтдан ташкил топади. Масалан, Алишер Навоийнинг «Наводируш-шабоб» девонидаги таржиъбандда 8 банд ва ҳар бир бандда 11 байт бор. Демак, бу таржиъбанд 176 мисрани ўз ичига олади. Мана шу тар-

жиъбанднинг биринчи бандидаги биринчи, иккинчи ва сўнгти байти:

Жаҳон қасригадур сув узра бунёд  
Чу йўқ бунёди андин бўлмоғил шод.  
Не шод ўлғай киши бир қасридиким,  
Они тенгри яратмуш меҳнат обод.

Бақосиздур жаҳон раъноси *валлоҳ*,  
Жаҳон раъноси йўқким *мосиваллоҳ*.

Демак, биринчи банднинг биринчи байти маснавий усулида (бунёд – шод) қофияланган. Иккинчи байтнинг биринчи мисраси қофиясиз, иккинчи мисраси (обод) биринчи байт мисралари билан қофиядош (бунёд шод, обод). Учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи байтнинг тоқ мисралари қофиясиз ва жуфт мисралари (бедод, сайёд, жаллод, одамизод, пўлод, бунёд, барбод, қасамёд) биринчи байт мисралари билан қофиядош бўлиб келади (бунёд, шод обод, бедод, сайёд, жаллод, одамизод, пўлод, бунёд, барбод, қасамёд). Сўнгги ўн биринчи байт мисралари эса аввалиг байтлар мисраларидағи оҳангдош сўзлардан бутунлай фарқ қиласиган (мустақил равишда) маснавий усулида қофияланган (валлоҳ – мосиваллоҳ). Демак, биринчи банд қофиясининг схемаси: а+a, б+a, в+a, г+a, д+a, е+a... Иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи банд қофиялари ҳам шу схема асосида тузилган. Аммо шеър бандларининг ҳар бирида бошқа-бошқа оҳангдошлик топилган.

Бундан ташқари бандларнинг ҳар бирида охирги байт сифатида биринчи банднинг сўнгти байти:

Бақосиздур жаҳон раъноси *валлоҳ*,  
Жаҳон раъноси йўқким *мосиваллоҳ*

айнан такрорланиб келаверади. Бу байт, биринчидан, шеър гоясини таъкидласа, бўрттирса, иккинчидан, таржиъбанддаги саккиз бандни бир-бирига боғловчи композицион во-сита ролини бажаради. Шу йўл билан ҳам нисбий мустақилликка эга бўлган саккиз банд бирикиб, яхлит шеър – таржиъбанд пайдо бўлган.

Алишер Навоийнинг «Бадойиул-васат» девонидаги таржиъбанд, Юсуф Амирий, Огаҳий, Нодира, Табибий ва бошқа сўз усталари яратган таржиъбандларда ҳам ана шу шаклий-поэтик хусусиятлар яққол кўзга ташланиб туради. Таржиъбанд катта поэтик асар сифатида ҳаётнинг мураккаб масалаларини кўтариб чиқиши ва ёритишга имкон берадиган.

XX аср ўзбек шоирлари ҳам таржиъбанд жанридан фойдаланишмоқда. Чунончи, шоир Ҳабибий девонида:

Дилбарим бир дилбарким дилраболар дилбари  
Дилраболар дилбари дилдори, яъни сарвари

байти билан бошланувчи таржиъбанд бор. Бу таржиъбанд беш банддан тузилган, ҳар бир бандда етти байт берилган.

**Таркиб банд** (*araab ترکیب بند* — бириктириш, бирикма; таркиб банд) — мумтоз шеъриятимиз жанрларидан бири. Шаклий-поэтик жиҳатдан таркиб банднинг таржиъбандга ўхшаш ва фарқли томонлари бор. Ўхшаш томони: а) бир вазндаги бир неча нисбий мустақил бандлардан ташкил топади; б) ҳар бир банд бир неча байтни ўз ичига олади; в) ҳар бир банднинг биринчи ва сўнгги байтлари маснавий усулида, аммо алоҳида-алоҳида қофияланади; қолган байтларнинг тоқ мисралари очиқ қолиб, жуфт мисралари биринчи байт билан оҳангдош бўлади (схемаси: а+а, б+а, в+а, г+а...)

Таржиъбандда биринчи банднинг сўнгти байти бошқа барча бандларнинг охирги байти ўрнида айнан такрорланаб келса, таркиб банднинг ҳар бир бандининг охирги байти бутунлай янги ва мустақил қофиядош мисралардан тузилади. Таркиб бандда мавзуу, гоя, вазн ва лирик қаҳрамон воситасида мустақил бандлар бир-бирига бирикиб, яхлит асар пайдо бўлади.

Бу ўринда Алишер Навоийнинг «Наводируш шабоб» девонида берилган бир таркиб бандни олиб кўрайлик. Бу таркиб банд нисбий мустақил бўлган етти банддан ташкил топган. Ҳар бир бандда саккизтадан байт бор. Таркиб банднинг қофияланиш тизимини аниқлаш учун дастлаб биринчи бандни текшириб кўрайлик. Биринчи банднинг биринчи, иккинчи ва сўнгги байти:

Даҳр боғики жафо шориъдур ҳар чамани,  
Жуз вафо аҳлиға сончилмади аниң тикани.  
Кимдаким доғи вафо кўрса шаҳид, айламаса  
Лоласининг не учун қонға бўялмиш кафани.

Баҳри урфондури Сайид Ҳасан улким *афлок*,  
Етти дуржи аро бир кўрмади аңдоқ дури *пок*.

Демак, биринчи ва сўнгти байт мисралари ўзаро алоҳида-алоҳида қофияланган (чамани — тикани, афлок — пок). Қолган олти байтнинг тоқ мисралари қофиясиз ва жуфт мисралари биринчи байт мисраларидағи оҳангдош сўзлар билан қофияланган. Шу тариқа биринчи банднинг қофия тизими (чамани — тикани, кафани, дамани, самани, фани, расани, ватани, афлок — пок) келиб чиқади (схемаси: а+а, б+а, в+а, г+а, д+а, е+а, ё+а, ж+ж). Шеърнинг қолган олти банди ҳам шу схема асосида қофияланган, бироқ қофия-дош сўзлар гуруҳи ҳар бир бандда ҳар хил (чунончи 2-банд; вафо — жафо, қаро, анго, фано, бало, хато, ҳақ — мутлақ; 3-банд: рафтор — душвор, тор, намудор, изҳор, падидор, нигунсор, ийсор, кам — мотам). Шеърдаги бандларни қиёслаганда ундаги байт ёки мисраларнинг такрор ишлатилмаганини кўриш мумкин.

**Соқийнома** — мумтоз шеъриятимизда қўлланилган йирикроқ ҳажмли ижтимоий-фалсафий лирик жанр. Соқийноманинг шаклий-поэтик белгилари: а) шеър бир неча банддан таркиб топади; б) ҳар бир байти маснавий усули (схемаси: а+а, б+б, в+в, г+г, д+д...) да қофияланадиган бир неча байтдан тузилади; в) шеър бандлари бир вазнда — арузнинг мугақориб баҳридаги вазнларнинг бирида ёзилади; г) муаллиф шеърнинг ҳар бир бандида соқийга мурожаат қиласи, ҳаётнинг у ёки бу жумбоги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини у билан ўртоқлашади.

Алишер Навоийнинг “Фавоидул кибор” девонида берилган бир соқийномани олиб кўрайлик. Бу шеър олти банддан тузилган, аммо бандлардаги байтлар миқдор жиҳатидан бир хил эмас: биринчи бандда 23 байт, иккинчи бандда 13 байт, учинчи бандда 17 байт, тўртинчи бандда 19 байт, бешинчи бандда 19 байт, олтинчи бандда 19 байт бор. Соқийноманинг умумий ҳажми 110 мисрадир. Биринчи банд:

Соқиё, жомға қўй майдин сайд,  
Майи хуршеду анинг жоми Сұхайл.  
Йўқ Сұхайлики, бўяр хорони  
Улки гулранг қитулур сиймони.

Демак, банддаги ҳар бир байт маснавий усулида (сайл-Сұхайл, хорони-сиймони...; схемаси; а+а, б+б...)да қофияланаяпти. Шу тартиб сўнгги байтда ҳам тақрорланади. Хуллас биринчи банддаги 23 байт маснавий йўлида (икки мисранинг ўзаро оҳангдошлиги) қофияланади. Иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи бандларнинг худди шу тартибда қофияланганлиги яққол кўзга ташланиб туради. Шеърдаги яна бир характерли белги шундаки, шеърнинг ҳар бир бандининг биринчи мисраси соқийга мурожаатнома тарзида жаранглайди:

Соқиё, жомға қуй майдин сайд (1-банд).  
Соқиё, тут қадаҳ руҳ осо (2-банд).  
Соқиё, тут қадаҳи ойина ранг (3-банд).  
Соқиё, тут қуюбон жоми фано (4-банд).  
Соқиё, Паҳлавий ойин май тут (5-банд).  
Соқиё, айла тўла паймона (6-банд).

Ҳар бир бандда шу тариқа шоир соқийга мурожаат қилар экан, бу ўринда соқий рамзий маъно касб этиши, ўзига хос усул қўлланилаётганлиги сезилиб туради. Шу усулда шоир ўз ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашларини бадиий ифодалайди.

**Марсия** (*араб. مرثيَة*) — қалбга жуда яқин бўлган машхур кишининг вафотига бағишланиб, унинг яхши сифатлари баён қилинган ва ўлимига афсус билдирилувчи ғам-алам ва ҳасратли лирик шеър. Чунончи, Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомий, Хондамир ва Мавлоно Соҳиб Доронинг Алишер Навоий вафотига бағишлаб ёзилган шеърлари мумтоз марсия намуналариридан. Баъзи шоирлар подшолар вафотига атаб ёзган марсияларида маддоҳлик қилгандар ва пессимистик ғояларни тарғиб этганлар. Прогрессив шоирлар эса ўз марсияларида ҳаётта умид билан қарашларини ифодалаган.

Марсия рус адабиётида ҳам мавжуд. Бу ўринда М.Ю.-Лермонтовнинг А.С.Пушкин вафотига бағишланган “Шоирнинг ўлими” марсиясини эслаш кифоя.

Марсия жанри XX аср ўзбек адабиётида ҳам давом этмоқда. Бу даврда яратилган марсияларнинг характерли хусусияти шундаки, у кишиларни пессимизмга етакламайди, аксинча мархумларнинг ишини давом эттиришга чорлайди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Турсуной марсияси”, Ҳабибий ва Мақсад Шайхзоданинг Faфур Фулом вафотига бағищлаган марсиялари, Миртемирнинг “Мухтор оға мотамида”, Чархийнинг “Дўсти олижаноб қани?”, Барот Бойқобиловнинг “Марсия”, Абдулла Ориповнинг “Алвидо, устоз”, “Онахон” каби марсиялари мана шундай характердадир. Бу ўринда академик — шоир Faфур Фулом вафоти муносабати билан файласуф-шоир М.Шайхзода томонидан ёзилган “Faфурга мактуб” марсиясини эслаш жоиздир:

Оҳ, уфқлар куйчиси, сен ётган мозор,  
Қоронғу бир маскандир, эшиксиз ва тор!  
Билмам, қандай чидайсан совуққа, ўртоқ?  
Бош остида ёстифинг зил — қаттиқ тупроқ.  
Йўқ, ўртоқжон, йўқ, дўстим, шоири аъзам,  
“Чигатой”да кўмилиб кетмадинг ҳеч ҳам.  
Адресингни англадим, адресинг маълум:  
Адресинг юракларнинг айнан тўрида,  
Шеърга қўл тегизма, йўқол, эй ўлим!  
Шоирнинг соясидир ётган гўрида.  
Faфур, байтнинг зарб бўлиб миллион дилига,  
Сўзинг кўчар масалдек тиллардан тилга.

Манзума (*араб. منظوم* — тизилган, тизма) — йирикроқ воқеабанд шеър, кичикроқ достон. Манзуманинг шаклий-поэтик белгилари қаттийлаштирилмаган. Баъзан ҳажми у қадар катта бўлмаган воқеабанд шеърни ҳам, достон деб атаса бўлаверадиган шеърий асарни ҳам манзума деб юритилаверган. Шу маънода Алишер Навоийнинг бир қатор воқеабанд шеърлари, хусусан, Муқимиининг “Танобчилар” сатираси, Фурқатнинг “Суворов ҳақида” каби асарлари манзумалардир. Бу хил манзумалар, одатда, маснавий йўлида ёзилади. Масалан:

Суворовким эмиш бир катта одам,  
Баҳодирлик била машҳури олам.  
Эмиш Русияга сардори лашкар,  
Юруб амри била бисёр аскар.

(Фурқат.)

**Мусаммат** (араб. مسمت — тасмит — марварид доналарини ипга тизмоқ, тасмитламоқ) — Шарқ мумтоз шеъриятида кенг кўлланилган шеърий шакллар туркумининг умумий номи. Мусаммат шеър тузилишининг ясама шакли бўлиб, унда бир неча банд бўлади, шеърнинг ҳар бир банди ўзаро қофиялашган мисралардан ташкил топади. Мусамматларнинг ҳар бир бандида уч мисрадан тортиб ўн мисрагача бўлади. Қофияланиш тартиби қуйидагича: а+а+а+а+а, б+б+б+б+а, в+в+в+в+а...; баъзан — а+а+а+а+x, б+б+б+б+x, в+в+в+в+x... “Мусаммат бандлардаги мисралар сони, — деб ёзди таникли олим Р. Орзивеков, формал-поэтик хусусиятларига кўра мусаллас (учлик), мураббаъ (тўртлик), мухаммас (бешлик), мусаддас (олтилик), мусаббаъ (еттилик), мусамман (саккизлик), мутассасъ ёки тасниъ (тўққизлик) муашшар ёки машруъ (ўнлик) каби хилларга, тузилишига кўра эса мустақил ҳамда газал асосида яратилган мусамматларга бўлинади”<sup>1</sup>.

Илмий адабиётларда мусаммат шеърдаги барча мисралар фақат бир шоирнинг қаламига мансуб бўлса — **мусаммати “табъи худ”** (ўз табъи) ва бошқа бирор шоирнинг газали асосида яратилган мусамматлар эса **“тазмин” мусаммат** (бошқа шоир шеъридаги айрим мисраларни ўз шеъри ичига киритиш) деб юритилади. Ўзбек адабиёти тарихида мусамматнинг мураббаъ, мухаммас, мусаддас каби формалари кенг тарқалган. Айниқса, мумтоз шеъриятимизда газалдан сўнг фаол кўлланилган лирик жанр **мустақил ва тазмин** мухаммаслардир. Мухаммасчиликда Алишер Навоий, Турди Фарогий, Машраб, Роқим, Равнақ, Нишотий, Андалиб, Мужрим Обид, Мунис Хоразмий, Махмур, Ҳозик, Хиромий, Мирий, Огаҳий, Нодира, Муқимий, Фурқат каби шоирлар баракали ижод қўлган бўлса, мураббачиликда Боборахим Машраб, Огаҳий, Аваз Ўтар ўғли, Муқимий ва бошқа шоирлар қалам тебратишган. Ҳусусан, Алишер Навоий ўзбек мумтоз шеърияти тарихида мусамматчиликни юксак босқичга кўтарган. Шоирнинг “Субҳидам маҳмурлиқидир тортибон дарди сари”, “Неча, эй ой, мендин айру айлагай даврон сени”, “Ишқ ўтидин жисми зори нотавоним ўртадинг”, “Оҳқим тарки муҳаббат қилди жонон оқибат”,

---

<sup>1</sup> Р. Орзивеков. Ўзбек лирик поэзиясида газал ва мусаммат. Т., Фан, 1976, 74-бет.

“Оҳқим, вола мен ул сарви хиромондин жудо” мисралари билан бошланувчи ўз ва Лутфий ғазаллари замонида яратилган тазмин мусамматлари машхурдир.

Алишер Навоий яратган “табъи худ” мусаммат-мухаммаснинг биринчи банди:

Оҳқим, вола мен ул сарви хиромондин жудо,  
Кўзларим гирёндур ул гулбарги хандондин жудо.  
Бенаводур жондаги ул хури ризвондин жудо,  
Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,  
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Бу мусаммат-мухаммаснинг поэтик-шаклий белгилари: шеър тўрт банддан иборат бўлиб, ҳар бир бандда беш мисра бор; 1-банддаги ҳар бир мисра ўзаро қофияланган ( $a+a+a+a+a$ ), қолган барча бандларнинг ҳар биридаги дастлабки тўрт мисра ўзаро қофияланиб, бешинчи мисралари 1-банднинг сўнгти мисраси билан оҳангдош бўлади ( $b+b+b+b+a$ ,  $v+v+v+v+a\dots$ ).

Алишер Навоийнинг Лутфий ғазали асосида яратган бир мусаммат-мухаммасининг сўнгги банди:

Эйки, йўқтур ҳусн иқлимида сендеқ подишо,  
Ошиқингнинг неча тутқайсен мунунгдек бенаво,  
Нечаким бўлди эшикинга Навоидек гадо,  
Қавма Лутфини эшиктин, бер закоти ҳусн анго,  
Қайда этсун сен ғани боринда шайаллоҳни.

Бу банддаги дастлабки уч мисра Алишер Навоий, сўнгти икки мисра Лутфий қаламига мансубдир. Демак, икки шоирнинг шеърий мисралари вазн, қофия ва ритмда бирикиб, мусаммати тазмин вужудга келган.

Адабиётшунос Р. Орзивеков “Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат” номли монографиясида ўзбек адабиёти тарихидаги мусамматларни муфассал таҳлил қилиш жараённида мустақил ва тазмин мусамматлар доирасида уни яратишда бир неча бадиий усуслар — таржиъандли мусаммат, такрор қофияли мусаммат, назира, татаббӯй шаклидаги мусаммат, тазминли мусаммат кабилар вужудга келганлигини аниқлаган, уларнинг ҳар бирини алоҳида алоҳида кўздан кечирган.

Сонет (итальян. sonare — янграмоқ) — жаҳон поэзиясида кенг ёйилган лирик жанр. У дастлаб Италияда пайдо

бўлган ва сўнг жаҳонга тарқалган Италияда XIII—XIV асрларда Данте, Петrarка, кейинчалик Мекеланжелло; Англияда В.Шекспир (XVI аср), Польшада Мицкевич, Россияда А.С.Пушкин сонетлари жаҳонда шуҳрат тутган. Рус адабиёти таъсирида ўзбек поэзиясига ҳам сонет жанри кириб келди. Усмон Носир ва Барот Бойқобилов сонетлари адабиётимиз хазинасига кўшилган муносиб ҳиссадир.

Сонетнинг анъанавий-поэтик белгилари: сонет шаклига кўра 14 мисрадан ташкил топади; шеър композиция жиҳатидан икки қисмдан иборат: биринчи қисм икки тўртлик банд бўлиб, у “катрен” ва иккинчи қисм икки учлик банд бўлиб, у “терцет” деб юритилади. Катрен ва терцетлар бир-бирига боғлиқ бўлади. Сонетнинг қофияланиш тартиби: а) мумтоз сонетларнинг тўртлик бандлари а+б+б+а, а+б+б+б+а; учлик бандлар в+в+г, д+г+д тарзида қофияланиши кўпроқ учрайди; б) ўзбек шоирлари яратган сонетларнинг қофияланиш тартиби ранг-баранг. Чунончи, М. Шайхзода Вильям Шекспирнинг сонетларини а+б-а+б, в+г+в+г; д+е+д, е+ё+е схемасида ўзбек тилига таржима қилган; шоир Усмон Носир “Яна шеъримга” сонетида катрен бандларни а+б+а+б, в+г+г+в; терцет бандларни д+е+е, д+ё+ё тарзида қофиялаган.

Шоир Барот Бойқобиловнинг бир сонетини олиб кўрайли:

катрен	Одамзод келганда ёруғ <u>одамга</u> ,	- а
	Табассум армуғон <u>этганмиш</u> күёш.	- б
	Ҳаётни безаган азиз <u>одамга</u>	- а
	Табассум гулини <u>тутганмиш</u> күёш.	- б
терцет	Юзингда чақнаса қувноқ <u>табассум</u> ,	- в
	Табассум завқидан соғаяр <u>бемор</u> .	- г
	Инсонда табассум бўлмаса, <u>дўстим</u>	- в
	Сўнган ой сингари кўринар <u>рухсор</u> .	- г
	Табассум — юракка ёрқин <u>ойина</u> ,	- д
	Табассумсиз юрак юракмас, <u>ошна</u> .	- д
	Инсонлик зийнати <u>экан</u> табассум.	- е
	Улкан ҳаёт сари қўяркан <u>калам</u> .	- ё
	Қўёшдан табассум олмаган <u>одам</u> ,	- ё
	Одам қўёшга ҳам <u>берган</u> табассум.	- е

Сонетнинг қофияланиш схемаси: катрен — а-б-а-б,  
в-г-в-г; терцет: д-д-е, ё-ё-е.

\* \* \*

Ўзбек лирикаси жанр ва жанр шаклларига жуда-жуда бой. Улардан айримларинигина кўздан кечирдик, холос. Биз тўхталиб ўтган поэтик жанрларнинг кўпчилиги аруз заминида пайдо бўлган ва шаклланган. Улар мумтоз шеър риятимизда кент кўлланилган, баъзи бирлари (ғазал, рубоий, туюқ, кўшиқ, мувашшаҳ, марсия, қасида ва бошқалар) ҳозирги замон лирикасида ҳам анъанавий жанрлар сифатида ишлатилмоқда, бироқ янги замон, янги ижодий метод тақозоси билан анъанавий поэтик жанрлар ва шаклларнинг ички тузилишида, образларида, тили ва услубида жиддий ўзгаришлар юз берди. Айни чоқда, уларнинг шартли поэтик аломатлари асосан сақланиб қолди.

Лирикамиз тарихидаги бир қанча поэтик жанрлар ва уларнинг шаклларида ўхшашлик, муштараклик, синкрематик ҳолатлар мавжуд. Масалан, ғазал ва унинг заминида пайдо бўлган қитъя, таржиъбанд, таркиб банд, мусаммат кабилар ва, шунингдек, тўртлик, рубоий, туюқ, мураббабъ каби ҳажм жиҳатидан бир хил (тўрт мисрали) бўлган шеър шакллари ўртасида умумийлик, муштараклик яқъол кўзга ташланиб туради. Яна шундай шеърлар ҳам борки, улар ё тузилиши, ё қофияланиш тартиби жиҳатидан бир-бирига бениҳоя яқин туради. Ғазал билан қасида ўртасида шу ҳолат жуда аниқ сезилади. Мумтоз лирика жанрлари, асосан, байт ва банд тузилиши, ҳажми, қофияланиш тартиби, баъзилари вазнлари билан бир-бирларидан ажralиб туради. Одатда, мисралар ҳаракати, қофия ва вазн шеърнинг поэтик шакллари учун асос бўлиб хизмат қиласи. Мумтоз поэтик жанрларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар доимо бир-бирига таъсир ўtkазиб турган. Мумтоз поэзиянинг муайян бир жанрида яратилган асар ҳамиша ҳам соф бир жанр доирасида чегараланиб қолавермаган. Чунки бир жанр ичida кўпинча бошқа жанр ва шаклларнинг унсурлари мавжуд бўлган. Ғазал, қитъя, рубоий, туюқ, мустазод, мувашшаҳ, чистон каби шеърларнинг бир қанча шакл ва усулларда яратилиши шу ҳодиса (поэтик жанрларнинг бир-

бирига пайвандашиб кетиши)нинг самарасидир. Бу хил асарларнинг жанрларини белгилашда уларда қайси жанрга хос алматлар устунлик қилиши ҳисобга олинади ёхуд уларда мужассамлашган турли шаклларга хос синкетик хусусиятлардан келиб чиқиб кўшалоқ ном (ғазал-мувашшаҳ, рубойй-чистон) берилади. Шунга қарамай, мумтоз шеъриятимиздаги (арузда яратилган) лирик шеърларнинг жанр хусусиятларини аниқлаш ҳозирги замон поэзиясида (бармоқда ёзилган) лирик шеърларнинг жанр хусусиятларини аниқлашга нисбатан анча осон ва қулайроқдир. Чунки поэтик жанрлар классикада қатъий норма ва андозага эга бўлган. Аммо ҳозирги лирик шеъриятимизда, хусусан, бармоқ тизимида ёзилган шеърларда бундай поэтик қолип у қадар сезилмайди. Шунга кўра, бармоқда яратилган лирик шеърларнинг жанр хусусиятларини аниқлаш муракаброқ масаладир. Ҳозирги замон лирик поэзиясининг жанр хусусиятларини мукаммал ўрганиш — арузнинг анъанавий жанрларининг ички тузилишида юз берган ўзгаришларни аниқлаш ва бармоқда яратилаётган лирик асарларнинг жанр хусусиятларини чуқур тадқиқ қилиш — адабиётшунослигимизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Тўгри, сўнгги йилларда бу борада олимларимиз жиддий илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Масалан, проф. Н. Шукуров “Услублар ва жанрлар” китобида ҳозирги лирик поэзиямизни услубий хусусиятлари ва образли тузилишига қараб тасниф қилиш, поэтик жанрлар чегараларини аниқлашга интилган бўлса, адабиётшунос Р. Орзивеков “Лирикада кичик жанрлар”, “Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат” номли асарларида лирик шеъриятнинг жанр хусусиятларини, улардаги лирик кечинмалар, мавзу, тасвир обьектига шоир муносабати, уни ифодалашда қўлланилган поэтик усуллардан келиб чиқиб аниқлашга ҳаракат қиласди. Шоир ва адабиётшунос Жамол Камол “Лирикада жанрлар масаласи” мақоласида ҳозирги ўзбек адабиётида (бармоқ вазнларида) яратилган лирик шеърларнинг жанр хусусиятлари ҳақида тўхталиб, анча эътиборли фикр-мулоҳазаларни баён қиласди: ҳозирги ўзбек лирикасида ғазал, рубойй, қасида, мувашшаҳ, марсия, қўшиқ каби анъанавий жанрлар ҳам қўлланилаётган бўлса-да, лирикамизнинг бугунги жанрлар қиёфасини ёлғиз шуларнинг ўзларигина

белгилай олмайди. “Лирикамизнинг бугунги жанр қиёфасини кўпроқ қандайдир қоришиқ, “соф жанр” талабларидан холи, “универсал”, синтетик шеърий шакл белгиламоқда, — деб тўғри таъкидлайди Жамол Камол. — Бу шакл шеъриятимизда инсон ички дунёсини янада кенгроқ ўзлаштиришга қаратилган реалистик методнинг қарор топиши билан боғлиқ равишда рўёбга чиқаётир. Мазкур “қоришиқ жанр”нинг асосий белгилари нималардан иборат? Булар: а) лирик ифоданинг эркин парвози; б) кечинмалар доира-сига тушган энг увоқ майда-чуйдаларнинг ҳам шу ондаёқ қайд этилиши; в) бевосита нутқ — монолог билан чукур суврат — тасвирларнинг алмашиниб туриши; г) вазн ва туроқларнинг эркин қўлланилиши каби хусусиятлардир. Лирик шеъриятнинг ижтимоий ҳаётга актив аралашуви, социал тараққиётга янада кучлироқ таъсир ўтказишга интигуви ана шундай универсал бир жанрнинг юзага келишига сабаб бўлди. В.Г.Белинскийнинг “давр фоялари бўлганидек, давр шакллари ҳам бўлади” деган чукур мазмунли фикрини хотирга олсак, манзара тағин ҳам ойдинлашади. Шу маънода лирикамиздаги ҳозирги ҳукмрон қоришиқ жанрни даврнинг шеърий шакли деб тавсиф қилиш мумкин”<sup>1</sup>. Адабиётшуносларимиз Нуъмон Раҳимжонов, Б. Акрамов, И. Тўлаков, И.Faфуров ва бошқаларнинг лирик шеърият поэтикаси борасидаги тадқиқотлари ҳам фоятда эътиборлидир.

### **Лирик-эпик асарлар**

Баъзи шеърий асарлар борки, уларда шоир ҳам воқеаларни тас-вир этади, ҳам шу воқеалардан олган таассуротларини, кечинмаларини ифодалайди. Бундай асарларда эпизм билан лиризм бир-бирига пайвандлашиб кетади. Булар лирик-эпик асарлардир.

Лирик-эпик асарларни алоҳида-алоҳида гуруҳларга, яъни катта шаклга, ўрта шаклга ва кичик шаклларга ажратиб ўрганиш мумкин. Лирик-эпик асарларнинг катта шаклига шеърий романлар (А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин”, Мирмуҳсиннинг “Зиёд ва Адиба”, Ҳ. Шариповнинг

<sup>1</sup> Жамол Камол. Лирикала жанрлар масаласи. Ўзбек тили ва адабиётти журнали, 1976, 6-сон, 10—11-бетлар.

“Бир савол” каби); ўрта шаклига поэма (достон), баллада ва кичик шаклига масал, символика жанрлари киради. Куйида мана шу жанрлардан айримларинигина қўздан ке-чирамиз.

Поэма (юнон. роіема — ижод) — инсон қалб призмали-ри оша ҳаётнинг поэтик моментларини ва долзарб муам-моларини акс эттирувчи эпик, лирик, лирик-эпик ва дра-матик характердаги йирик ҳажмли шеърий асардир. “Энг янги поэзияда, — деб таъкидлайди В.Г.Белинский, — эпос-нинг маҳсус бир хили мавжуд бўлиб, бу ҳаёт прозасидан мутлақо бегона ва воқеликнинг фақат поэтик, идеал мо-ментларини олиб тасвир этади, мазмуни ҳам ҳозирги ин-сониятнинг фоят чуқур дунёқараши ва маънавий масалала-ридан иборатдир. Эпоснинг бу биргина хили “поэма” но-мини тўла оқлайди”<sup>1</sup>. Буюк танқидчи поэма ҳақидаги бундай назарий фикрларини Ж. Байрон, А.С.Пушкин ва М.Ю.Лермонтов поэмалари мисолида исботлайди. Улар-ни поэма жанрининг гўзал намуналари сифатида талқин қиласди.

Ҳаётнинг поэтик моментларини, идеал жиҳатларини асос қилиб олиб, гўзалликни, қаҳрамонликни, жасоратни куйлаш поэмачилигининг лейтмотиви бўлиб қолган. Ҳамид Олимжон “Зайнаб ва Омон” поэмасида Зайнаб, Омон, Собир, Ҳури каби янги замон ёшларининг ахлоқий гўзал-лиги ҳамда севги-муҳаббат бобида событқадам бўлишларини шарафлайди. Тарихий ва тарихий-инқилобий мавзуларда яратилган поэмаларда ҳам ўтмишдаги тарихий шахслар мисолида ота-боболаримизнинг жасорати, жанговарлиги, донолиги куйланади.

Адабиёт тарихида ҳаётнинг идеал жиҳатларини шараф-ловчи поэмалар билан бир қаторда, турмушнинг хунук жиҳатларини қораловчи сатирик поэмалар ҳам учраб ту-ради. А.С.Пушкиннинг “Граф Нулин”, М.Ю.Лермонтов-нинг “Тамбовлик ғазначи”, Н.А.Некрасовнинг “Замондош-лар” каби асарлари сатирик поэмаларнинг яхши намуна-ларидир. Муқимийнинг “Танобчилар” сатираси ҳам ана шундай асарлар жумласига киради.

<sup>1</sup> В.Г.Белинский. Полн. собр. сочинений, т. 6. М., АН СССР, 1955, 415-бет.

Поэмалар ўз табиатига кўра: лирик поэма, эпик поэма, лирик-эпик поэма ва драматик поэмага ажратиб ўрганилади. Поэманинг бундай хиллари ўртасида муштаракликлар ҳам, ўзига хос фарқлар ҳам мавжуд. Масалан, эпик поэма (Ойбекнинг “Темирчи Жўра” достони каби)да, биринчи навбатда, воқеабандлик, ривоявий усул қўзга ташланиб турса, лирик поэма (Эркин Воҳидовнинг “Нидо” достони каби)да воқеабандлик у қадар сезилмайди, бунда асарнинг лирик қаҳрамони (шоирнинг “мен”и) ҳаёт воқеа-ҳодисаларидан олган таассуротларини, кучли ҳис-туйғуларини, қайноқ қалб ҳароратини ифода этади. Лирик-эпик поэмалар (Ойбекнинг “Ҳамза” достони каби)да воқеабандлик билан қайноқ лиризм пайвандашиб кетади, драматик достон (Ойбекнинг “Маҳмуд Торобий”, Омон Матчоннинг “Паҳлавон Маҳмуд” асари каби)да ҳаёт зиддиятларини диалог усулида ифодалаш биринчи планга чиқади. Поэмаларнинг барча турлари учун муштарак бўлган хусусият уларда, албатта, қайноқ лирик ҳис-туйғулар ва эпик асоснинг мавжудлигиdir. Поэма ҳароратли туйғулар меваси. Шу жиҳатдан, ундаги воқеабандлик чуқур лиризм билан йўғрилиб кетади, қаҳрамон руҳияти қалб драмасининг мулкига ўтади. Эпик асарлардан фарқли ўлароқ поэмада воқеа, драматик асос қаҳрамоннинг қалб призмалиридан ўтади. Поэмада шоирни воқеаларнинг изчил тасвири эмас, балки шу воқеалар туфайли лирик қаҳрамон қалбида туғилган руҳий кечинмалар — драмалар, ўйлар, туйғулар тасвири қизиқтиради<sup>1</sup>. Ҳаётни акс эттириш имкониятлари жиҳатидан эпик турда роман жанри қанчалик етакчилик ролини ўйнаса, шеъриятда поэма ҳам мана шундай мавқега эга. Чунки, поэма ҳам инсоният тарихидаги улуғвор воқеа-ҳодисаларни, тарихий бурилишларни, долзарб муаммоларни кўтариб чиқади, мураккаб характерлар, гўзал инсоний хислатларни ифодалайди, қаҳрамоннинг қалб диалектикасини чуқур очади. Поэманинг материали ҳаётнинг поэтик нуқталари бўлса, унинг қаҳрамони инсондир. Шоир кўпинча одамлар ҳаётидаги фавқулодда ҳодисалар, ўта характерли хусусиятлар билан қизиқади. Аммо,

---

<sup>1</sup> Қаранг. Умарали Норматов. Жанр имкониятлари. Т., Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970, 13—17-бетлар.

айни чоқда, фавқулодда шахслар ҳам, оддий одамлар ҳаёти-даги поэтик моментлар ҳам поэманинг тасвир объекти эканини сира ёддан чиқармаслик керак. Поэмада мураккаб инсоний тақдирлар кўрсатилар экан, шу орқали ҳаёт ҳақиқати, замон муаммолари таҳдил этилади, гўзаллик, қаҳрамонлик, олижаноблик каби хислатлар шарафланади ва хунуклик, пасткашлик, тубанлик каби маразлар қаттиқ қораланади<sup>1</sup>.

Поэма, одатда, шеърий йўл билан ёзилади, аммо настрий поэмалар ҳам учраб туради. Масалан, Н.В.Гоголнинг “Ўлик жонлар”, Максим Горькийнинг “Бўронкуш ҳақида қўшиқ”, “Лочин қўшиғи”, Шароф Рашидовнинг “Кашмир қўшиғи” ва Омон Матчоннинг “Тўтон” асарлари ҳам настрий достонларнинг гўзал намуналари бўла олади.

Ўзбек поэмачилиги узоқ тарихга эга. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодидаги анъанавий эпик достонлар (“Алпомиш”, “Ширин ва Шакар”, “Кунтуғмиш”, “Орзигул” каби) ва, хусусан, мумтоз адабиётимиздаги достончилик (“Муҳаббатнома”, “Гул ва Наврӯз”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Шайбонийнома” каби)лар ҳозирги замон ўзбек поэмачилигининг аждодларидир. Ҳозирги ўзбек поэмаси ҳаётдаги қаҳрамонликни куйлаш, қаҳрамонларнинг фазилатларини шарафлаш, турмушни кенг кўламда қамраб олишга интилиш, юксак бадиийлик ва тасвирда кўтаринки руҳ каби анъаналарни ўтмишдаги достончиликдан мерос қилиб олган. Шу билан бирга, ҳозирги воқеликнинг илҳомбахш руҳидан ва жаҳон адабиёти, биринчи галда, рус поэмачилиги ортирган бой тажрибалардан олинган сабоқ ўзбек поэмачилиги тарихида катта роль ўйнади. Ўзбек достончилигига сифат ўзгариши юз берди: унинг қаҳрамони, мавзуи, гоявий йўналиши, услуби, тил ва бадиий тасвир воситалари янгиланди, сюжети ихчамлашди. Поэма замон қўшиғи бўлиб қолди. Ўзбек адабиёти тарихида янги типдаги достон — поэма 30-йилларда туғилди. “Кўкан” (Фафур Фулом), “Жонтемир” (Уйғун), “Зайнаб ва Омон” (Ҳамид Олимжон), “Тупроқ ва ҳақ” (Мақсуд Шайхзода), “Донгдор паҳтакор”, “Қобил” (Ҳасан Пўлат), “Номус”

<sup>1</sup> Қаранг: Н. Раҳимжонов. Ўзбек совет адабиётида поэма. Т., Фан, 1986.

(Миртемир), “Дилбар — давр қизи” (Ойбек), “Норбўта”, “Нахшон” (Усмон Носир), “Онамга ҳат” (Файратий) каби поэтик асарлар илк ўзбек поэмачилиги намуналаридир. Урушдан кейинги йилларда ўзбек поэмачилиги гуркираб ўсиш палласига қадам қўйди. “Қизлар”, “Зафар ва Заҳро”, “Даврим жароҳати”, “Гули ва Навоий”, (Ойбек), “Катта йўлда”, “Пўлат қуювчи”, (Асқад Мухтор), “Уста Фиёс” (Мирмуҳсин), “Тошкентнома” (Мақсад Шайхзода), “Оби-ҳаёт” (Рамз Бобоҷон), “Лола кўл” (Ҳамид Ғулом), “Күёшли қалам” (Зулфия), “Сурат билан сұхбат” (Саида Зуннунова), “Нидо”, “Буюк ҳаёт тонги” (Э. Воҳидов), “Күёш фарзанди” (Б. Бойқобилов), “Күёшга ошиқман” (Ҳ. Шарипов) “Ҳаким ва ажал”, “Жаннатга йўл”, “Ранжком” (А. Орипов), “Истанбул фожиаси”, “Руҳлар исёни” (Э. Воҳидов) каби ғоявий-бадиий жиҳатдан баркамол поэмалар яратилди.

**Баллада** (франц. ballade — латин. ballo — рақсга тушаман) — инсон ҳаётининг драматик моментлари ва поэтик нуқталарини кўтаринки руҳда ифодаловчи ривоявий (ихчам) шеърий асар, қалб тутёни. Баллада услубида романтика ёрқин уфуриб туради. Баллада, одатда, ўткир драматик воқеа заминига қурилади, унда ҳаёт драмаси қаҳрамоннинг қалб призмаларидан ўтказилиб таҳлил этилади, турмушдаги ғоятда муҳим муаммолар ёритилади, кескин вазиятда лирик қаҳрамон қалбida туғилган ҳис-туйғулар, қайноқ қалб ҳарорати лирик-романтиқ бўёқларда ифодаланади.

Балладаларнинг тематик доираси ниҳоятда кенг. Балладачилигимиз тарихида қаҳрамонлик характеристидаги бирор воқеани ифодаловчи (Ҳамид Олимжоннинг “Жангчи Турсун”, Мақсад Шайхзоданинг “Капитан Гастелло”, Уйғуннинг “Қасос”), афсонавий воқеалар заминига қурилган (Уйғуннинг “Чилдухтарон”, Мақсад Шайхзоданинг “Хоразмда қиши бўлмас экан”, Шуҳратнинг “Уч қиз афсонаси”, Хайридин Салоҳнинг “Наъматак”), ишқ-муҳаббат муаммоларига бағишланган (Уйғуннинг “Гуласал”, Хайридин Салоҳнинг “Вафо”), халқаро мавзуда (Ҳамид Ғуломнинг “Эвакуация кўпрги”, “Хиросима”, “Ватаннинг тақдири”), юмористик (Асқад Мухторнинг “Чолу кампирлар”, Миртемирнинг “Ўқимишли”), фожиавий (Жумани-

ёз Жабборовнинг “Шоир”, Мақсуд Шайхзоданинг “Кўр куйчи балладаси”), кишиларнинг ҳис-туйгулари, гуманизми, олижаноблигини кўрсатувчи (Ҳамид Олимжоннинг “Роксананинг кўз ёшлари”, Ойбекнинг “Раиса”), тарихий шахслар тўғрисидаги балладалар мавжуд.

Балладалар ўз табиатига кўра эпик (М. Шайхзоданинг “Ўртоқ Навоий”), лирик (Ҳамид Фуломнинг “Эвакуация кўприги”) ва лирик-эпик (Ҳамид Олимжоннинг “Жангчи Турсун”) хилларга бўлинади.

Баллада — жаҳон адабиётининг кўхна жанрларидан.

Ўзбек балладаси 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларида туғилди. Янги воқелик, ўзбек халқ поэтик ижоди ва мумтоз поэзиямиз анъаналари, жаҳон адабиёти, хусусан, рус адабиётининг баллада жанри соҳасида тўплаган бой тажрибалари — ўзбек балладачилигининг бош манбалари бўлди.

Урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида, хусусан, адабиётимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида баллада жанри кенг миқёсда ривож топди. Ойбек, М. Шайхзода, Ф.Фулом, М. Бобоев, Р.Бобојон, Миртемир, Т.Фаттоҳ, Шуҳрат, Мирмуҳсин, Э. Воҳидов, Х. Салоҳ, Усмон Азим ва бошқа шоирлар баллада жанрида баракали ижод қилишди<sup>1</sup>. Ҳозирги кун ўзбек балладачилигида, хусусан, ёш шоирларнинг хизмати катта. Мана шундай истеъодд соҳибларидан бири Усмон Азимов. Бу шоир балладаларининг ўзига хослиги ҳақида шоир Абдулла Шер “Виждан ҳақида баллада” деган мақоласида шундай деган: “Ҳозирги замон балладасида конкрет воқеа, воқеабандлик биринчи пландан иккинчи планга ўтди, сюжет фалсафийлик касб этди, моҳияттан воқеа эмас, воқеанинг холосалари сюжет тарзида китобхонга тадқим этила бошланди, фақат романтика эмас, рамзийлик ҳам бу жанрнинг етакчи хусусиятлари бўлиб қолди...

...Ҳажман достондан сал кичикроқ афсона ёки манзумалар баллада деб аталаверди, яъни жанрнинг белгиловчи хусусияти сифатида ҳануз ҳажм тушунилар эди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *M. Иброҳимов. Ўзбек балладаси.* Т., “Фан”, 1974.

Усмон Азим ана шу эски, нотўгри тасаввурни бузди. Унинг “Дашт ҳақида баллада”, “Эллигинчи йиллар — балладаси”, “Қишики ҳикоя”, “Энг сўнгти оху ҳақида баллада” каби асарлари шундай (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1988 йил, 27 май).

**Масал** (*араб.* مثل — намуна) — таълимий-ахлоқий, дидактик, киноявий характердаги кичик ҳажмли шеърий ёхуд насрый асар. Масалда, одатда, одамларнинг айрим нуқсонлари, ижтимоий муносабатлардаги нобопликлар аллегорик образлар (ҳайвонлар, паррандалар, күшлар, жониворлар, табиат ҳодисалари) воситасида танқид қилинади, панд-насиҳат, ахлоқий ўйтитлар тарғиб этилади. Аллегорик образларни қўллашда ҳар бир ҳалқнинг ўзига хос рамзи анъаналарига амал қилинади. Масалан, кўпгина ҳалқларда шер — ҳокимлик, тулки — айёрлик, эшак — гўллик, мол — фаросатсизлик, айик — укувсизлик рамзидир. Аммо шундай ҳайвонлар ҳам борки, улар турли ҳалқларда турли маънени билдиради. Чунончи, қўй русларда фаросатсизлик рамзи ҳисобланса, ўзбекларда ювошлик аломатидир. Масал қайси ҳалқ ҳаётидан олиб ёзилаётган бўлса, ўша ҳалқнинг мана шундай миilliй-рамзий анъаналари, албатта, ҳисобга олинади. Масалда воқеликнинг у ёхуд бу жиҳатлари аллегорик тарзда киноявий, мажозий йўл билан тасвирланади. “Масал жанрининг аллегория, мажоз, киноя каби хусусиятлари ёзувчиларнинг фақат яширин фикрини айтишга интилиши натижаси эмас, балки ўз фикрини образли қилиб айтишга, китобхонга бадиий эстетик завқ беришга интилиши натижасида пайдо бўлгандир”<sup>1</sup>.

Масалнинг яна бир хусусияти қиссадан ҳисса чиқарилиши ва шу орқали ахлоқ-одоб ўргатиш, дидактик таълим беришни кўзда тутишдир. Қиссадан ҳисса, одатда, муаллиф тилидан ёхуд ҳикоячи нутқидан берилади.

Яна шундай масаллар ҳам бўладики, уларда қиссадан ҳисса чиқариш китобхоннинг зиммасига юклатилади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам масалнинг сюjetи ихчам ва foятда қизиқарли бўлади. Ўзбек масалларининг аксариятида қиссадан ҳисса масал охирида берилади. Масалан,

<sup>1</sup> X. Дониёров, С. Мирзаев. Масал жанри ҳақида мулоҳазалар. Ўзбек адабиёти масалалари. Т., Ўззабабийнашр, 1959, 190-бет.

Ҳамзанинг “Тошбақа билан чаён” масалини эслайлик. Бу масалда тошбақа билан чаённинг дўстлашуви ва биргаликда сафарга чиқиши, йўлда анҳорга дуч келиши ва сувдан ўтишда чаённинг дўстликка хиёнат қилиши, оқибатда сувга гарқ этилиши ҳикоя қилинар экан, масал охирида шоир воқеадан шундай ибратли холоса чиқаради:

Ҳисса: кими ғайрни улфат этар,  
Ўз-ўзича бошига кулфат етар.

Масалнинг тили — (Фарбда “Эзоп йили” ва Шарқда “усули таъриз”) — рамзий, ифодавий, образли, ширали тил бўлади: у жонли халқ тилига қўшилишиб-чатишиб кетади.

Масалда эпик тасвир лиризм билан чукур йўғрилган бўлади — тасвир жараёнида шоирнинг воқеага фаол муносабати сезилиб туради.

Масалнинг мавзу доираси кенг. Унда панд-насиҳат, ахлоқ нормалари тарғиб қилинади, сиёсий муаммолар қаламга олинади... Ўз табиатига кўра масаллар ранг-баранг: масал-ҳикоя (“Тошбақа билан чаён”), масал-эртак (“Зарбулмасал”), масал-эпиграмма (“Ойна ва Маймун”), масал-памфлет (“Ёлғончи тўти”) ва бошқалар<sup>1</sup>.

Масал — сўз санъатининг қадимий жанрларидан бири. У мустақил адабий жанр сифатида эрамиздан аввалги VI—V асрларда пайдо бўлган. Қадимги Юнонистон, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Масал жанрининг асосчиси Эзопdir. Француз адаби Лафонтен (1621—1695) жаҳон адабиётida масалнинг шуҳратини оширди. Рус адаби И.А.Крилов (1769—1844) эса уни чўққига кўтарди. Шунингдек, Гольберг (XVIII аср), Лессинг (XIX аср) ва бошқа сўз усталари ҳам масал жанрининг ривожига катта улуш қўшган.

Ўзбек адабиёт тарихида Юсуф Амирий (“Банг ва Чоғир мунозараси”), Яқиний (“Ўқ ва Ёй мунозараси”), Аҳмадий (“Созлар мунозараси”), Пошшохўжа (“Мифтахул адл”, “Гулзор”даги масаллар), Сайдо Насафий (“Баҳориёт”),

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ш. Холматов. Масал жанри. Совет мактаби. 1966, 3-сон, 21—25-бетлар.

Гулханий (“Зарбулмасал”), Нишотий каби сўз санъаткорлари масал жанрида баракали ижод қилишган. Булардан, хусусан, Мұҳаммадшариф Гулханий ва Сайдо Насафийларнинг масаллари фоятда машҳур. А. Саъдий, А. Жомий, А. Навоийлар — Шарқ адабиёти тарихида ўзбек масалчилигига донг чиқаришган.

Масал — мумтоз адабиётининг ҳам эътиборли жанри. Шоир Демьян Бедний (1883—1945) масал жанрида ижод қилиб, бу жанрнинг тасвир имкониятларини кенгайтируди, мазмунини янгилади, янги замон руҳини ифода этди. С. Михалков, О. Вишни, С. Смирнов, Б. Тимофеев, А. Малин, С. Олейник, Н. Годованц, Э. Волосевич каби шоирлар масални сатиранинг муҳим жанрига айлантирилар. Ўзбек шоирларидан Ҳамза (“Тошбақа билан чаён”), С. Абдуқаҳор (“Раҳбар Хўрозд”), М. Бобоев (“Оқтомуқ билан юмшоқ”), Ш. Саъдулла (“Санъаткор Курка”), Э. Вожидов (“Ошқовоқ ҳақида масал”), П. Мўмин (“Курбақа билан Чумоли”), Ю.Шомансур (Тўриқ ва Жийрон”), Я. Курбон (“Чумоли ва Увоқ”), М. Худойқулов (“Жин, Шайтон ва Инсон”), Қ. Мұҳаммадий (“Кўнғиз бикач билан Сичқонбой тўйи”), Файратий (“Ола Буқа билан Тарғилой тўйи”) ва бошқа шоирлар масал жанрида ижод қилишган<sup>1</sup>.

### **Драматик тур ва унинг жанрлари**

Бадиий адабиётнинг учинчи тури — драматик турдир. В.Г. Белинский драматик поэзиянинг хусусиятлари ҳақида тўхталиб, дейди: драмада эпос билан лирика “бир бутун бўлиб бирлашади: ички ҳодиса ўз ичида қолишдан тўхтайди ва ташқарига чиқади, амалда ўзини кўрсатади: ички идеал (субъектив) ҳодиса ташки, реал (объектив) ҳодиса бўлиб қолади. Эпик поэзияда бўлгани сингари, бунда ҳам турли субъектив ва объектив кучлардан чиқиб келувчи белгили, реал ҳаракат тараққий этади: лекин бу ҳаракат энди соф ташки характерга эга бўлмайди. Бунда хатти-ҳаракат, воқеа бизга бирданига ва тайёр ҳолда кўринмайди, биздан яширинган ишлаб чиқариш кучларидан чиқсан, ўз ичида эркин бир доира чизган ва

<sup>1</sup> Яна қаранг: Ш.К.Холматов. Ўрта Осиё ҳалқлари адабиётларида масал жанри. Самарқанд, 1989.

кейин ўз ичида таскин топган воқеа сифатида кўринмайди... Иккинчидан, бу характерлар ўз ичларида бекиниб қолмайди, балки узлуксиз равища ошкор бўлади ва ўз руҳининг ички мазмунини амалий манфаатда очади. Бу, поэзиянинг юқори даражаси ва санъатнинг гулдастасидир, бу драматик поэзиядир”<sup>1</sup>.

Драматик тур ўзига хос қатор хусусиятларга эга. Чунончи, драматик асарлар диалогларга асосланади. Роман, повесть, ҳикоя, очерк муаллифлари асарда тасвирланган воқеаларнинг ўрни, кишиларнинг характеристи ва қилмишлари ҳақида ҳикоя қилиб бериш билан бирга, уларни ўзаро муносабатта киритади, сўзлатади. Драмада эса муаллифнинг ҳикоя қилиши ҳам персонажларнинг сўзлари орқали юзага чиқади. Лирик асарларда эса кишининг ички кечинмалари, фикри, хис-туйғуси ифода этилади. Драматик асар ўз қаҳрамонларининг лирик кайфиятларини ҳам уларничг нутқи ва хатти-ҳаракати орқали ифодалайди. Драматик асар асосан театрга, саҳнага мўлжаллаб ёзилади.

Драматик тур ўрта ва кичик шаклларга бўлиб ўрганилади. Ўрта шакл — трагедия, комедия, драма жанрларидан ташкил топса, кичик шакл — интермедия, бир пардали пьеса, кичик инсценировка, монодрама ва диалог жанрларини ўз ичига олади. Куйида драматик турнинг ўрта шакли жанрларинигина кўздан кечирамиз, холос.

**Трагедия** (*юнон.* *tragos* — эчки, така, *odo* — кўшиқ; *tragoidia* — така ҳақида кўшиқ) — қаҳрамонларнинг руҳий коллизиясига асосланадиган, гоятда жўшқин, эҳтиросли, таъсирили ва оқибати фожиа билан тугайдиган драматик жанр. Трагедия муросасиз кураш, гоятда ўтқир зиддият, фавқулодда кескин конфликт заминига қурилади. Унда характерлар ва эҳтиросларнинг ҳаёт-мамот кураши ифодаланади. Трагедиянинг ижтимоий-сиёсий, гоявий ёки руҳий конфликтдида кўплаб кишилар қисмати кўрсатилади. Конфликтлар миллый ҳодисаларгина бўлиб қолмасдан, балки умумбашарийлик характеристига ҳам эга бўлади. Бундай асарларда, одатда, йирик тарихий фожиалар, даврлар-

<sup>1</sup> В.Г.Белинский. Танланган асарлар, Т., Ўздавнашр, 1955, 134—135-бетлар.

нинг алмашинуви каби улкан ҳодисалар тасвирланади. Трагедияда кўпинча ҳақиқат ва адолат учун курашган буюк инсонларнинг фожиаси берилади. Трагедиянинг қаҳрамонлари, одатда, улуғвор, фавқулодда характерли одамлардир. Трагедияда инсон қалбининг ранг-баранг томонлари, ҳаётнинг нурли ва фожиали ҳодисалари ғоятда ёрқин очиб берилади. У ҳаётдаги шиддатли, қайгули, мунгли воқеаларни акс эттиради. Трагедия доимо ҳаётдаги энг муҳим, долзарб, “сўнгги” ҳаёт-мамот масалаларини кўтариб чиқади. Тарихий тараққиёт тақозо этган зарурат талаби билан уни амалда ҳал қилиш мумкин бўлмай қолган пайтда чинакам трагик коллизия юз беради. Бундай коллизия трагедиянинг қалбидир. Трагедияда кўпинча воқеалар куюқлаштирилган, зиддиятлар кескинлаштирилган шаклда ифодаланади.

Трагедия кишиларни ўз кучига ишонмасликка ва умидсизликка етаклайдиган пессимиристик, қайгули асар эмас. Гарчи ечими фожиа билан, олижаноб кишиларнинг ҳалокати билан якунланса-да, трагедия кўпинча чуқур оптимизм билан сугорилган бўлади, у инсоннинг ёвуз кучлар устидан ғалаба қилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қиласди. Аристотелнинг уқтиришича, трагедияда воқеалар кўтаринки руҳда тасвирланади, шу орқали инсоннинг маънавий гўзаллиги, ақл ва ҳиссиётининг кучи, ҳаёт ҳақиқати очилади. Трагедиянинг моҳияти, деб таъкидлайди у, томошабинларда қаҳрамонларнинг фожиасига чуқур ачиниш, қайфуриш ҳислари ни уйғотади, инсон ҳиссиётини тозалайди, тарбиялайди, олижаноблаштиради. Эсхил, Софокл, Эврипид, В. Шекспир каби классиклар ижоди бу фикрни тўла тасдиқлайди.

Трагедия драманинг қадими жанрларидан бири бўлиб, Юнонистонда эрамизгача бўлган V асрда ўз ривожининг камолот босқичига кўтарилган. Эсхил «Эронийлар», «Фиванинг етти душмани», «Орестея» (трилогия), “Занжирбанд Прометей” (трилогия) каби трагедияларини яратиб, классик “трагедиянинг отаси” бўлиб қолди. Софокл “Шоҳ Эдип”, “Эдип Колонда”, “Антигона”, Эврипид “Алкестида”, “Медея”, “Ипполит”, “Ифигения Авлидада”, “Электра”, “Геракл”, “Ион” каби трагедиялари билан юон трагедиясининг шуҳратини жаҳонга ёйди.

Уйғониш даври ва ундан кейинги асарларда трагедия жанри ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Ан-

тик дунё ва ўрта асрлар трагедиялари га нисбатан кейинги давр трагедиялари янгича характер касб этади. Испан драматурглари Лопе де Вега, Кальдерон, улуф инглиз ёзувчиси В. Шекспир, француз классицизми намояндалари Корнель ва Расини, немис драматурглари Гёте, Шиллер ва рус классик шоири А.С.Пушкин каби санъаткорлар трагедиянинг янги намуналарини яратдиларки, бу драматургларнинг асарлари ўз foялари ва эстетик тамойилларининг ранг-баранглиги билан бир-биридан ажралиб туради.

Ўзбек адабиётига трагедия жанрининг кириб келиши А. Фитрат номи билан боғлиқ. Абдурауф Фитратнинг “Абулфайзхон” асари — биринчи ўзбек реалистик трагедияси (1926)дир. М. Шайхзоданинг “Жалолидин Мангуберди” асарини ўзбек мумтоз трагедияси деса бўлади. Сарвар Азимовнинг “Қонли сароб” асари (гарчи бу асар драма деб юритилаётган бўлса-да)ни янги типдаги ўзбек трагедияси дейиш мумкин.

XX асрда трагедиянинг бир қатор асосий хусусиятлари сақланиб қолган ҳолда трагик конфликтнинг моҳияти ва характеристи ўзгарди. Антик дунё даврида юнонлар учун ҳиссият билан бурч ўртасидаги зиддият ноиложлик, бартараф қилиб бўлмайдиган, фожиали конфликт бўлиб туюлган ва улар ўз трагедияларини шу асосда яратганлар. Бизнинг давримизда эса бундай конфликт фожиавийлик характеристерини йўқотди. XVIII–XX аср драматурглари ўз трагедияларида ҳаётдаги кескин курашга асосландилар. Бироқ бу зиддият ҳам бизнинг замонамиз учун ҳал қилиб бўлмайдиган хусусиятини йўқотди. Шунга кўра, замонамиз трагедияларига асос бўладиган зиддиятлар ўз табиати билан (гарчи шу конфликт натижасида қаҳрамонлар ҳаракатга учрасалар-да) бартараф қилиб бўлмайдиган конфликтлар эмас. Бу давр трагедиялари қаҳрамонларининг ўлими ҳам, кураш фожиалири ҳам оптимистик руҳ касб этади. Всеивод Вишневский “Оптимистик трагедия” номли асарида гражданлар уруши давридаги шафқатсиз воқеаларни кўрсатади, ҳалқ эрки ва бахти йўлида қаҳрамонона курашиб ҳалок бўлган жасур кишиларни тасвирлайди. Агар масалага тор, индивидуалистик нуқтаи назардан қараладиган бўлса, унда шахсни ҳало-катга олиб келадиган конфликт ноилож, бартараф қилиб бўлмайдиган зиддият ифодаси бўлиб туюлади. Бироқ шахс

умумхалқ иши учун онгли равища курашаётган бўлса, ўз ўлими билан фалабага йўл очганини тушунса, жисман ҳалок бўлса-да, маънавий жиҳатдан фалабага эришганлигини сезади. Бу оптимистик туйфу бўлиб қаҳрамонни пессимизмдан сақлаб қолади. Замонамиз трагедиялари фоятда кўтаринки руҳи, романтик пафоси, оптимистик кучи билан миллион-миллион томошабинларни, китобхонларни эстетик руҳда тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Комедия** (юнон. *comodia; comos* — хушчақчақ оломон ва *oide* — кўшиқ) — ижтимоий ҳаётнинг айрим жиҳатларини ва кишилар ҳаётидаги, характеристидаги нуқсонларни, эскилил сарқитлари, қолоқлик ва бошқаларни масхара қилиш, улар устидан хушчақчақ кулиш руҳи билан йўғрилган пьеса. Комедияда кулги янгиликнинг эскилил қарши қуролидир. Комедиядаги коллизия, ҳаракат ва характеристлар кулгили комик руҳ билан чуқур суборилади. Комедия — ҳаётнинг эскирган шакллари устидан янгиликнинг фолибона қаҳқаҳаси, масхара қилиб кулиши. Ҳаётда ўз ижтимоий мавқеини сақлаб қолиш учун курашаётган, аммо аслида умри тугаб бораётган қарашлар ва маънавий-ахлоқий ақидалар билан истиқболи порлоқ янгича нуқтаи назарлар ва маънавий-ахлоқий тушунчалар ўртасидаги ҳаётий зиддият комедиянинг конфликтини ташкил этади.

Комедия даставвал юнон ва итальян адабиётида пайдо бўлган.

Қадимги римлик Плавт ва Теренцийлар, англиялик В.Шекспир, Р. Шеридан, испаниялик Лопе де Вега, франциялик Ж. Мольер, П. Бомарше, италиялик К. Гольдони, россиялик А.С.Грибоедов, Н.В.Гоголь, А.Н.Островскийлар яратган комедиялар жаҳонга машҳур.

XX аср адабиётида ҳам комедия жанри ривож топди. Бу даврда комедиянинг табииатида жиддий ўзгаришлар юз берди, унинг янги турлари ва шакллари кашф этилди. Бу давр комедиялари бюрократизм, мансабпарастлик, фийбатчилик, лаганбардорлик, алдамчилик, порахўрлик каби эскилил сарқитларини фош қилишга бағишиланди.

Ўзбек адабиётида комедия жанри 1917 йилдан сўнг пайдо бўлди. Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг “Туҳматчилар жазоси”, “Ким тўғри”, “Бурунги қозилар ёхуд Майсарапанинг иши”, “Бурунги сайловлар” каби пьесалари ўзбек комедияларининг

илк намуналаридир. А. Қаҳдор, Уйғун, Б. Раҳмонов, Ҳ. Ғулом, Р. Бобожон, С. Аҳмад, Э. Воҳидов каби адиблар яратган комедиялар ўзбек адабиётининг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Улар, асосан, сатирик комедиялар (“Оғриқ тишлар”, “Сўнгги нусхалар”, “Юрак сирлари”, “Сурмахон”) ва юмористик комедиялар (“Шоҳи сўзана”, “Аяжонларим”, “Тоға-жиянлар”, “Олтин кўл”, “Олтин девор”, “Келинлар кўзголони”, “Тошболта ошиқ”)га ажралади. Уларда кишилар онги ва турмушида сақланиб қолган ўтмишнинг сарқитлари устидан кулинади.

**Драма** (юнон. drama — амалиёт, ҳаракат) — инсон характеристери ва тақдирини драматик вазиятда кўрсатувчи, ҳаётнинг мураккаб дамларини қаҳрамонларнинг амалиёти — ҳаракатлари воситасида ифодаловчи саҳна асари. (“Драма” атамаси умуман икки маънода ишлатилади: бири адабий тур ва иккинчisi драматик жанр. Бу ўринда “драма” атамасининг иккинчи — тор маъноси ишлатилади).

Драма — комик ва трагик хусусиятларнинг қўшилувидан ҳосил бўлган жанр. Драма сюжети заминида соф трагик ва соф комик руҳда бўлмаган ҳаётий конфликтлар ётади. Драма трагедияга нисбатан ҳаёт ҳодисаларини фожиавий ҳолда эмас, драматик тарзда, комедиядан эса ҳаётий ҳодисаларни кулги орқали эмас, балки жиддий тасвирлаши билан ажralиб туради.

Драманинг туғилиши ёзувчиларнинг замонавий ижтимоий мавзуларда қалам тебратиши билан узвий боғлиқ. Анъянага кўра, трагедия тарихий материал асосида яратилади. Ундаги бош қаҳрамон йирик тарихий шахс бўлиб, у ўзи учун ғоятда ноқулай шароитда тенгсиз кураш олиб боради. Драма эса замонавий ижтимоий ҳаёт драматизми ни чуқур англаш натижасидир, унинг қаҳрамони буюк тарихий шахслар эмас, балки ҳаётдаги оддий одамлардир. Замонавийлик, оддий одамларнинг хусусий ҳаёти воқеалари, муайян одамлар қисмати билан узвий боғлиқлик ҳамда бартараф этиш мумкин бўлган конфликтларга асосланадиган драматик вазият драманинг асосини ташкил этади. Трагик қаҳрамон ўзи йўл қўйган хатолар оқибатида эмас, балки ўз хоҳишидан ташқари мураккаб трагик вазиятга тушиб қолади ва пировардида ҳалокатга учрайди. Агар драманинг ҳам қаҳрамони ҳалок бўлар экан, бу ўлим тра-

гик — ноилож ҳолат оқибати сифатида эмас, балки қаҳрамоннинг ўз “хоҳиши”, иродаси натижасида воқе бўлади. Драманинг диапазони кенг. Драматург реал одамларнинг кундалик турмуши воқеа-ҳодисаларини тасвирлайди, кишилараро ранг-баранг муомала-муносабатларни, тўқнашувларни акс эттиради.

Трагедия ва комедия, асосан, антик адабиётда пайдо бўлган бўлса, драма санъат тараққиётининг кейинги босқичларида вужудга келган. Маърифатпарварлик даврида Европа санъатида драма жанр сифатида тўла шаклланган. Аммо бу жанрнинг илк намуналари антик адабиётдаёқ яратилган. XVIII асрда Францияда драма жанр сифатида кенг тарқалган. XIX асрда танқидий реализм қарор топиши билан гуллаб-яшнади. Россияда драманинг пайдо бўлиши ва шаклланиши А.С.Пушкин, Д.И.Фонвизин, А.С.Грибоедов, М.Ю.Лермонтовларнинг номлари билан узвий боғлиқдир.

Умуман айтганда, Буюк Британияда Лилло ва Мур, Францияда Вольтер, Дидро, Ж.Б.Мольер, П.Бомарше; Олмонияда Г.Э.Лессинг, Ф.Шиллер, Ф.Миллер, И.Гёте; Россияда А.Н.Островский, Н.В.Гоголь, А.П.Чехов, А.М.Горькийлар драма жанрини юксак поғонага кўтардилар. Драма XIX—XX асрлар реалистик адабиётининг етакчи жанрларидан бўлиб қолди.

Ўзбек адабиёти тарихида драма жанри XX асрнинг бошлирида пайдо бўлган. Тўгри, бу жанрнинг илдизлари ўзбек адабиёти тарихининг узоқ даврларига бориб қадалади: ўзбек халқ оғзаки драмалари, лапарлар, ёр-ёрлар, ёзма адабиётдаги драматик вазиятлар (масалан, “Хамса”даги вазиятлар, диалог ва монологлар)... Бироқ, Оврупадагидек чинакам драма XX аср бошларида пайдо бўлган. Драма жанрини яратишга интилиш жадид адабиёти вакиллари (чунончи, Нусратулло Қурдатуллонинг “Тўй”, А.Бадрийнинг “Жувонмард”, А.Қодирийнинг “Бахтсиз күёв” каби) ижодларида юз берган. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” (1911 йил) асари — биринчи ўзбек драмаси ҳисобланади. Ҳамзанинг “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари”, “Илм ҳидояти”, “Лошмон фожиалари”, Абдулла Авлонийнинг “Пинак”, “Адвокатлик осонми”, “Биз ва сиз” каби пьесалари — ўзбек драмаларининг илк намуналариdir. Чўлпон,

А. Фитрат, Зиё Сайд, К. Яшин, Хуршид, Фулом Зафарий, Н. Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Уйғун, Собир Абдулла, Туйғун, Умаржон Исмоилий, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Иззат Султон, Амин Умарий, Абдулла Қаҳҳор, Б. Раҳмонов, Асқад Мухтор, О. Ёқубов, Сарвар Азимов, Ўлмас Умарбеков, М. Карим, Туроб Тўла, Шукур Сайдулла, Эркин Воҳидов, Ш. Бошбеков, А. Иброҳимов ва бошқа адиллар ўзбек адабиётида драма жанрининг шаклланиши ва камолотига муносаб ҳисса қўшганлар.

\* \* \*

Биз юқорида адабий турлар ва жанрлар хусусида тўхтабиб ўтдик. Бу ўринда шу нарсани таъкидлаш жоизки, бадиий адабиёт, шартли равишда, шу хилда тасниф қилиб ўрганилади, холос. Аслида адабий турлар ва жанрлар бирбирига узвий боғлиқdir: улар кўпинча бир-бирига киришиб, кўшилишиб, чатишиб кетади. Масалан, романда драма, комедия, лирика унсурлари тез-тез учраб турса, драмада трагедия ва комедия унсурлари қўшилишиб кетади. Шунингдек, трагедияда комик манзаралар учраб туради...

Адабий турлар ва жанрлар — бадиий шакл ҳодисасидир. Бадиий шакл ранг-баранглиги — адабиётнинг эстетик бойлигидир.

*Иккинчи боб*  
**ИЖОДИЙ МЕТОД, АДАБИЙ ОҚИМ  
ВА ИНДИВИДУАЛ УСЛУБ**

**Ижодий метод  
ҳақида тушунча**

ва баҳолашнинг умумий тамойиллари. Буларнинг энг муҳимлари: метод — “воқеликни акс эттирувчи усул”, “ҳаётни типиклаштириш тамойиллари”, “асар гоясини ташувчи образларни қиёслаш ва ривожини кўрсатиш тамойили”, “образли вазиятни ҳал этиш тамойили”, “ёзувчининг ҳаёт ҳодисаларини танлаш ва баҳолаш тамойили”, “санъатнинг воқеликка ижодий муносабати (қайта яратиш)нинг

Метод (юнон. *methodos* — тадқиқ қилиш усули) — ҳаётни эстетик ўзлаштириш, уни бадиий ифодалаш

умумий тамойиллари” ва ҳоказо. Бу белгилар, бизнингча, бир-бирини тўлдиради ва метод ҳақидаги умумий тасаввур ҳосил қилишимизга кўмак беради. Хуллас, метод ёзувчиларга асар яратиш учун зарур бўлган эстетик тамойилларни аниқлаб беради. Бусиз бадиий ижодни тасаввур қилиб бўлмайди. Академик И.О.Султонов айтганидек, ижодий метод масаласи, даставвал, санъаткорнинг ҳаётта, воқеликка муносабати масаласидир. Шунга кўра, у ёки бу давр адабиёти методини ўрганишда шу давр сўз санъаткорларининг замон ҳодисаларига қандай муносабатда бўлғанлиги ни кузатиш керак.

Яна бир масала: адабиётшуносликда “метод”, “бадиий метод” ва “ижодий метод” атамалари ишлатиладики, булар, асосан, бир-бирининг синоними эканлигини инобатга олмоқ керак. Аммо адабиётшуносликда кўлланилаётган “ёзувчининг бадиий методи” (“Ойбек реализми”, “Абдулла Қодирий реализми”...) ва “ёзувчиларнинг муайян гуруҳини бирлаштирувчи бадиий метод” тушунчалари бир-бирининг синоними эмас. Бу ўринда бадиий тафаккур тараққиётининг муайян босқичида ёзувчиларни бир гуруҳга ўюштириб турадиган ижодий метод ҳақида фикр юритмоқдамиз.

Ижодий метод дунёқараш, эстетик идеал, бадиий маҳорат каби масалалар билан узвий алоқада бўлади. (Мазкур дарсликнинг бадиий адабиётда типиклаштириш ва foявийлик масалаларига бағишлиланган бобида метод, истеъдод ва дунёқарашнинг ўзаро муносабати ҳақида, қисқароқ бўлса-да, тўхталиб ўтганмизки, ўша фикрларни бу ўринда яна бир карра эслаш фойдалидир). Бадиий методни ўрганиш жараёнида методни услуб билан қиёслаш усулидан фойдаланиш мумкин. Чунки, бу усул бадиий методни ҳам, индивидуал услубни ҳам аниқроқ ва осонроқ тушуниб олишга қулайлик туғдиради. Метод ва услуб, биринчидан, бир-бирига узвий боғлиқ, иккинчидан, улар айнан бир нарса ҳам эмас. Проф. Л.И.Тимофеев ёзади: “Методда энг аввало, ёзувчини бошқа, ўзига яқин ёзувчилар билан боғлайдиган умумий нарсалар кўзга ташланади, услубда эса уларни бир-биридан ажратиб турадиган томонлар: унинг шахсий тажрибаси, истеъоди, нутқ оҳангидан ҳоказолар

кўзга ташланади”<sup>1</sup>. “Метод услугуга нисбатан умумий характерга эга, — деб ёзишган Н. Шукуров ва Ш. Холматовлар, — методни образли маънода саҳна деб фараз қиласидиган бўлсак, услугуб шу саҳнада қўйиладиган спектаклдир. Спектакллар бир-бирига ҳеч қачон ўхшамаганидек, услугулар ҳам ҳеч вакт бир-бирига ўхшамайди”<sup>2</sup>.

Ҳақиқатан ҳам “услуб” деганда ҳар бир ёзувчи ижодининг фақат ўзигагина хос, такрорланмас фоявий-бадиий хусусиятларини тушунсак, метод деганда эса, аксинча, дастлаб, ҳаёт воқеа-ҳодисаларини саралаб олиш, тасвирилаш ва баҳолашда ёзувчилар асосланадиган эстетик тамойилларининг умумийлигини, муштараклигини англаймиз. Проф. Л.Г. Абрамович айтганидек, агар метод ёзувчининг ҳаёт ҳақидағи концепциялари бўлса, услугуб унинг конкрет бадиий инфодаси. Л.И. Тимофеев методни компасга ўхшатади: кема учун компас йўл кўрсатувчи юлдуз бўлса, адабий жараёнда метод ёзувчи ижодининг бош йўналишини белгилаб беради. Бирорқ, бундай йўналиш фоятда рельефли бўлиб, ундан қай тарзда ва қандай ўтиш ижодкорнинг истеъоди, маҳорати, маданий савиясига боғлиқ — шу жараёнда ёзувчининг индивидуал услуги пайдо бўлади. Шу важдан кўтгичлик ёзувчилар учун метод ягона бўлса-да, услугулар фоятда ранг-барангдир. Агар ёзувчи илгор дунёқараш, катта истеъодод, юксак маҳорат соҳиби бўлса ва, айни чоқда, ижодий метод билан куролланса, ҳаётни чуқур билса, албатта, чинакам санъат асари яратишга муяссар бўла олади.

*Бадиий метод — тарихий-эстетик категория.* У жамият тарихининг муайян босқичида шу даврнинг ижтимоий-эстетик талаблари тақозоси билан туғилади, ривожланади ва бошқа бир шароитда ўз ўрнини янги ижодий методга бўшатиб беришга мажбур бўлади. Бирор янги методнинг адабиётда пайдо бўлиши учун даставвал ижтимоий ҳаётнинг ўзида реал замин ва асос мавжуд бўлади: янги метод ана шу муҳитнинг маҳсули ўлароқ вужудга келади. Ижодий методларнинг бу хилда ўрин алмашиниб туриши адабиёт тараққиётининг қонуниятларидан биридир. Зоро, ҳаёт,

<sup>1</sup> Л. И. Тимофеев. Основы теории литературы. М., Просвещение, 1971, 411-бет.

<sup>2</sup> Н. Шукуров, Ш. Холматов. Адабиётшуносликка кириш. Самарканд, 1974.

жамият тараққиёти тенденциялари адабиёт тараққиёти тенденцияларини белгилаб беради. Бадий адабиёт тарихидан романтизм ва реализм методлари кенг тарқалган.

## Романтизм

Романтизм (*франц. romantisme*) —

— роман тилида ёзилган асар) —

Оврупо ва Америка мамлакатларида XVIII аср охири ва XIX аср бошларида ижодий метод сифатида шаклланган. Сентиментализм асосида яратилган романтизм бу даврдаги инқилобий силжишларнинг маҳсули, унинг бадий тафаккурдаги инъикоси сифатида пайдо бўлган.

В.Г.Белинский айтганидек, романтизмнинг илдизлари қадим замонлар (антик адабиёт)га бориб тақалади. Ҳаётни тасвирилашнинг романтик ва реалистик усуллари, ибтидой тарзда бўлса-да, Аристотелга ҳам маълум эди. Бироқ қадимги романтизм метод ҳолида эмас, балки унсур, тенденция тарзидаги романтизм (тўғрироғи романтика) бўлган. Бадий адабиётдаги романтика неча-неча асрлик тарихга эга. Романтизм Оврупо ва Америка мамлакатлари адабиётларидагина эмас, балки рус адабиётида, Шарқ халқлари адабиётларида, шу жумладан ўзбек адабиётида ҳам чуқур илдиз отган. Ўзбек мумтоз адабиётининг асосий ижодий методи, олимларимиз аниқлаганларидек, романтизмдир. Бироқ бу фикрдан ўтмиш адабиётимизда реалистик унсурлар бутунлай йўқ экан-да деган янглиш хулоса келиб чиқмаслиги керак.

Романтизм санъати хазинасига жаҳоннинг кўпгина халқлари ўз ҳиссаларини қўшган экан, бундан унинг, биринчидан, ҳаётйлиги, бадий тафаккур тарихидан ўйналан ижобий роли сезилса, иккинчидан, табиатан фоятда мураккаблиги, ўзига хослиги, зиддиятлилиги ҳам англашилади. Ҳар бир халқ адабиётидаги романтизм конкрет ижтимоий-тарихий муҳит тақозосига кўра, ўзига хос миллий хусусиятларга эга бўлади ва, айни чоқда, барча халқлар адабиётларидаги романтизмни характерловчи муштарак хислатлар ҳам мавжуддир. Чунончи:

1. *Романтизм, даставвал шу билан тавсифланадики, бу ҳаётни бадий тадқиқ этганда, уни социал тарихий конкретлиги билан кўрсатишга нисбатан ҳаёт ҳақидаги концепцияларга таяниб иш тутади.* Романтик ёзувчи қандай-

дир гўзал ва мукаммал ҳаётни орзу қиласи, аммо ўз орзу-сигаги турмуш тарзини мавжуд воқеликдан топа олмайди. Ўз атрофидаги муҳитдан норози бўлади, уни тасвирлашдан кўра хаёлидаги гўзал ҳаётни акс эттиришни афзал деб билади. Романтизмнинг йирик вакилларидан бири Жорж Санд реалист ёзувчи О. Бальзак билан қилган сұхбатида шундай деган: “Сиз инсонни ҳаётда қандай кўрсангиз шундай, айнан тасвирлайсиз. Мен бўлсан инсонни қандай кўришни хоҳласам шу тахлитда тасвирлайман”<sup>1</sup>. Романтизм ва реализмнинг асосий фарқи — ана шунда!

Демак, романтизмда инсон қандай бўлса шундайлиги-ча эмас, аксинча, қандай бўлиши керак бўлса (ижодкор назарида) ўшандай кўрсатилар экан. Масалан, Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида Искандар Зулқарнайн образи (прототипи Александр Македонский, мил. авв. 356—323-йиллар)ни яратар экан, уни тарихда қандай бўлса (Александр Македонский Болқон ярим оролидаги кулдорлик монархияси — милод. ав. 356—323 йилларда Македонияга подшолик қилиб, жаҳоннинг бир неча мамлакатларини, жумладан Турон ўлкасини забт қилган — юз минглаб одамларни қиличдан ўтказган — золимлик ва қонхўрликда ҳеч бир подшодан қолишмаган) шундайлигича эмас, балки бутунлай бошқача — адолатли, маърифатпарвар шоҳ сифатида тасвирлайди. Бундан романтик қаҳрамонлар социал-тариҳий муҳитдан бутунлай узилиб қолади, деган хуоса келиб чиқмаслиги керак. Чунки, бу хил образлар муайян даврнинг эстетик идеалларини акс эттиради. Чунончи, Навоий Искандар Зулқарнайн образи орқали, биринчидан, ўз замонасининг марказлашган давлат тузиш, адолатли ва маърифатпарвар шоҳ ҳақидаги орзуарини ифодалаган бўлса, иккинчидан, ўз давридаги подшолар (Хусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари)га Искандар Зулқарнайнни намуна қилиб кўрсатади. Шу тариқа романтик идеал образлар муайян социал-тариҳий шароитнинг эҳтиёжларига (у ёхуд бу даражада) жавоб беради, ҳаёт билан бевосита эмас, билвосита боғланади: ҳаётни гўзалроқ қилишга хизмат этади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Адабиётшунослик терминлари лугати. Т., Ўқитувчи, 1967. 187-бет.

Романтизм методи орзуни, хаёлни акс эттиришга кўпроқ эътибор берганлиги сабабли ижобий образларнинг аксарияти идеаллаштирилади. Масалан, “Фарҳод ва Ширин” достонида шоир Фарҳодни идеаллаштириб кўрсатади: у шаҳзода бўлишига қарамай хунар эгаллайди, илм-фанни чукур ўзлаштиради, оддий одамлардек меҳнат қиласи; болалик чоғиданоқ мўъжизакор куч-кувватга эга бўлади, ҳар қандай бало-қазоларни енгади, унинг тешаси арман тоги тошларини худди пичоқ сариёгни кесгандай кесиб, канал қазади (минг-минглаб одамлар эплай олмаган ишни бир ўзи бажаради), чўлларга сув чиқариб, боғу бўстонлар яратади; душман бостириб келганда, бир ўзи Хусравнинг минг-минглаб қўшини кўнглига фулгула солади. Достондаги Ширин, Мехинбону каби аёллар образлари гўзалликда, ақли-идрокда, севги ва садоқатда мукаммал. Демак, достоннинг асосий қаҳрамонлари ўша муҳитдаги реал одамларнинг худди ўзи эмас, улар орзудаги қаҳрамонлар, идеал образлардир. Бироқ бу образлар ҳам XV аср шароити билан қаттиқ боғланади: шоир шу даврнинг бир қатор муаммолари ни (шахс камолоти, турли ҳалқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик, мамлакат мудофааси, чўл ва саҳроларни ўзлаштириш, адолатли шоҳ учун кураш, севги ва садоқатни) ифодалайди, ўз даври шаҳзодаларини худди Фарҳоддек бўлишга даъват этади.

Романтизм учун ҳаётни тарихий жиҳатдан конкрет тасвирлаш тамойили бутунлай бегона эмас. Чунончи, романтик сатирада персонаж-образлар ўз муҳитида конкрет тасвирланади. Бироқ романтизм учун, бари бир, мавжуд воқеликни таҳлил этиш, уни тарихий жиҳатдан конкрет ифодалаш у қадар муҳим эмас. Романтик ёзувчани кўпроқ бошқа нарса (замондошларининг гўзалликка шиддат билан интилиши, уларнинг ҳам, ўзининг ҳам эстетик идеалини ифодалаш, жамиятга субъектив муносабатини билдириш) қизиқтиради.

2. *Инсон руҳининг жўшқинлиги ва шиддатини тасвирлаш — романтизмнинг асосий хусусияти.* Романтик ёзувчи асарида бевосита ўз тилида ёхуд қаҳрамонлари тилидан ўз ташвиши ва қайғусини, нафрати ва қувончини баён қиласи экан, ҳалқнинг ўй-хаёлларини, кечинма ва умидларини, порлоқ келажак ҳақидаги орзуларини ҳам ифодалайди.

“Лайли ва Мажнун” достонида Алишер Навоий Мажнун (Қайс) ва Лайлининг севги-муҳаббатини шарафлар экан, уларнинг ўша нобоп феодал жамиятда муҳаббат йўлида беҳад азоб-уқубатлар чекканини, висол дамидаги шоду хуррамлиги-ю, ҳижрон ўқидан бағри яраланиши, беҳад қайғу-изтиробларга мубтало бўлишини — улар қалбининг түғени ва шиддатини юксак маҳорат билан ифодалаш орқали ўша даврдаги жамиятнинг шахс эрки, оила, муҳаббат, тенглик, адолат учун кураш ҳақидаги орзу-истакларини мужассамлаштиради; эзгу орзуларнинг ушалишига имкон бермайдиган муҳитдан норозилигини, унга нафратини билдиради. Шунингдек, “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий”, “Гул ва Наврӯз” достонларида ҳам муаллифларнинг қаҳрамонлар қалб түғёнларини, унинг шиддатли дамларини акс эттиришга алоҳида эътибор қилганликларини сезиш қийин эмас. Хусусан, Алишер Навоий ғазалларида лирик қаҳрамоннинг маънавий гўзал олами, кескин руҳий кечинмаларини foятда санъаткорона акс эттирган. Инсон қалбининг шиддатли тўлқинлари воситасида мутафаккир шоир ўз замонасининг муҳим масалаларини кўтариб чиққан, халқнинг гўзаллик ҳақидаги орзуларини ва бу орзуларга интилишини ифодалаган.

3. *Романтик асарларда, одатда, афсоналар ва мифларга тез-тез мурожаат қилиб туриласди*: романтик қаҳрамонлар афсонавий куч-кувватга эга бўлади, гайри табиий, мўъжизали ҳодисалар кўпроқ кўрсатилади. Бу ўринда “Садди Искандарий” достонидаги “ойнаи жаҳон”, “Фарҳод ва Ширин” достонидаги “Искандар тилсими” каби мўъжизаларни ва достон қаҳрамонларининг афсонавий куч-кувватга эга эканликларини эслаш кифоя.

4. *Романтик ёзувчи ўз асари воқеа-ҳодисалари ва қаҳрамонларини бошқа тарихий давр ва бошқа мамлакатларга кўчириб тасвирлайди*. Аслида эса уларни муаллифнинг ўз муҳити ва замондошлари етиштирган бўлади. Масалан, “Фарҳод ва Ширин” достонида воқеа-ҳодисалар аввал Чин (Хитой) мамлакатида, сўнг арман ўлкасида (қадим замонда) юз беради. Қаҳрамонлар: Фарҳод, Баҳром — чинлик, Меҳинбону, Ширин — арман, Шопур, Хусрав, Шеруя — эронлик ва ҳоказо. Юзаки қарагандга, бу асарда ўзбек халқ ҳаётига оид ҳеч нарса йўқдек туюлади. Аслида эса дос-

тондаги воқеа-ҳодисалар ҳам, қаҳрамонлар ҳам ўз табиати ва руҳи билан ўзбекларга тегишилдири. Шунингдек, асардаги воқеалар қадим замонларда бўлиб ўтгандек тасвир этилади. Аслида эса шоирнинг ўз замонаси муаммолари маҳсулидир.

5. *Романтизм учун ҳаётни кўтаринки руҳда, ҳиссиеётга, бўёқларга бой равишда тасвирлаш характерлидир.* Ўзбек мумтоз шеърятига, хусусан, интим лирикага назар ташланган киши бу фикрни тасдиқловчи кўплаб мисолларни топа олади. Ўзбек шоирлари лирик қаҳрамон қалб туғёнини шу қадар ранго-ранг, сержило бўёқларда кўтаринки руҳда тасвирлайдики, бундай нуктадонлик ўқувчи қалбини ларзага солади, унга беҳад завқ-шавқ бағишлийди.

6. Романтизм ҳақида фикр юритганда романтизм ва романтика атамаларининг моҳиятига тушуниб олмоқ керак. Чунки, “романтика” ва “романтизм” айни бир нарса эмас: романтизм — ижодий метод, романтика — тенденция: юксак интилиш кўтаринки кайфиятларни тасвирлаш усулидир<sup>1</sup>.

Романтика ёхуд романтик тенденция қадим замонлардан тортиб бизнинг кунларимизгача давом этиб келмоқда. У доим ёзувчининг илҳомига қанот, ижодига парвоз баҳш этиб келди. Романтиканинг манбаи реал ҳаётнинг ўзида. Ҳаётда кишига завқ-шавқ бағишилайдиган ёхуд киши қалбини тугёнга келтирадиган нарса ва ҳодисалар (мехнат завқи, висол дами, ҳижрон азоби каби) жуда кўпки, шуларнинг ўзи турмуш романтикасидир. Турмуш романтикаси ёзувчи қалбига ижод уруғини сенади, унинг илҳомини жўш урдиради. Шу тариқа, романтика адабиётнинг доимий йўлдоши бўлиб қолади. Аммо романтизм ижодий метод сифатида бадиий тафаккур тарихининг муайян босқичида пайдо бўлади ва ўз функциясини ўтаб бўлгач, ўрнини бошқа методга бўшатиб беради. Бу — объектив қонуният тақозоси. Чунончи, ўзбек адабиёти тарихида романтизм, тахминан, дунёвий адабиётда, хусусан, XIV—XV аср адабиётида

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Проблемы реализма в литературах народов советского Востока. Баку, 1974; Инқилоб ва ижод. Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

шаклланган<sup>1</sup>. Жамият тараққиётининг кейинги босқичларида романтизм методи ўринда реализм вужудга келган.

7. Бадиий ижодда субъектив факторларга алоҳида эътибор бериш романтизмнинг муҳим хусусиятларидан бирики, бу борада ижодкор шахси, унинг дунёқараши катта роль ййнашини унумаслик керак.

Агар ёзувчининг субъектив қарашлари тарихий тараққиёт тенденцияларига зид бўлса, шубҳасиз, воқеликни бузиб кўрсатувчи асар яратишга олиб келади. Ёзувчи илфорғоявий позицияда турса, унинг субъективлиги ҳаёт ҳақиқатини кўрсатишга халал бермайди, аксинча, ҳақоний, завқ-шавқли ва қўтаринки руҳдаги асарлар яратишга олиб келади. Романтизм методи асосида яратилган асарлар кишига битмас-туганмас завқ-шавқ бағишлиайди. Ўзбек адабиётида худди шу ҳол яққол кўзга ташланиб туради.

Ўзбек ёзувчилари асарларида ҳам романтизм тенденциялари сезилиб туради. Масалан, Ойбекнинг “Ўч”, “Бахтигул ва Соғиндиқ”, Ҳамид Олимжоннинг “Семурғ, Паризод ёки Бунёд”, “Ойгул билан Бахтиёр”, “Зайнаб ва Омон”, Шароф Рашидовнинг “Кашмир қўшиғи”, Асқад Мухторнинг “Қорақалпоқ қиссаси” сингари асарларида романтик бўёқ кучлидир.

8. Прогрессив романтизм ҳеч қачон реализмга зид эмас. Улар жуда кўп ҳолларда бир-бири билан пайвандлашиб кетади. Ҳатто бир ёзувчи ўз ижодида ҳар иккала методдан фойдаланган пайтлар ҳам бўлган. Бу ўринда М. Горькийнинг қўйидаги сўзларини эслаш зарур:

“...Бальзак, Тургенев, Толстой, Гоголь,.. Чехов сингари классик ёзувчилар ҳақида гапирганда, уларнинг романти ёки реалистлигини аниқ айтиш қийин. **Йирик ёзувчилар ижодида реализм ва романтизм ҳамиша бирга кўшилгандай.** Бальзак — реалист ёзувчидир, лекин у “Шавронтери” асари каби реализмдан жуда узоқ бўлган романларни ҳам ёзди. Гоголдан тортиб Чехов ва Бунингача бўлган ҳамма йирик ёзувчиларимиз сингари Тургенев ҳам роман-

---

<sup>1</sup> Қаранг: А.Ҳайитметов. Навоийнинг ижодий методи масалалири. Т., ЎзФАН, 1963.

А. Ҳайитметов. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Т., Фан, 1970.

тик руҳдаги асарлар яратди. Романтизм ва реализмнинг бундай қўшилиши бизнинг улкан адабиётимиз учун айниқса характерлидир ва бу ҳол ...адабиётимизга оригиналлик ва куч бағишлади”<sup>1</sup>.

Бу фикрлар ўтмиш улуг шоирларининг ижодий методларини ўрганишимида методологик аҳамият касб этади. Масалага шу нуқтаи назардан қараганимизда, улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодий методини қандай тушунмоқ керак? Хўш, шоирнинг ижодий методи романтизмни ёхуд реализмни? Баъзи олимларимиз масалани шу тахлитда қўйиб, “Навоий методи — реализмдир” деган фикрни олга сурганиларки<sup>2</sup>, бу фикр мунозаралидир. Бизнингча, бу масалада проф. А. Ҳайитметовнинг илмий холосалари ҳақиқатга яқин: олим шоирнинг асосий ижодий методи романтизм эканини исботлайди ва, айни чоқда, унинг Сайд Ҳасан Ардашерга атаб ёзган шеърий мактуби, сатирик ғазаллари, қитъалари, “Лисонут-тайр” достонидаги бир қатор ҳикоятлар, “Маҳбуул-қуулуб” каби асарлари реалистик характердалигини уқтиради<sup>3</sup>.

“Реализмнинг муҳим принципларидан бўлган жамият ҳаётини ва одамлар характерини ўзаро мураккаб муносабатларда ўрганиш ҳамда чуқур тасвирлаб беришга келганда шуни айтиш керакки, — деб таъкидлайди филология фанлари доктори М. Юнусов, — Навоий уларни бевосита эмас, билвосита кўрсатди. Шоирнинг тутган йўли рамзий йўл эди...

Навоий ижоди синкетик хусусиятга эга бўлиб, унда реалистик, нореалистик ва романтик мотивлар ўзаро бирикиб кетган. Шоирнинг ижтимоий идеали ҳали реал заминга қўчмаган эди. Унинг барча эзгу ниятлари амалда бўлиши орзу қилинган имконият бўлиб, ҳали у воқеаликка айланмаган эди”<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> М. Горький. Адабиёт ҳақида, Т., Ўззадабийнашр, 1962. 73-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Инқилоб ва ижод. Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 94—115-бетлар

<sup>3</sup> Қаранг: А. Ҳайитметов. Навоийнинг ижодий методи. Т., 118—124-бетлар.

<sup>4</sup> М. Юнусов. Танқидий тафаккур самаралари. Шарқ юлдузи, 1977. 11-сон, 232-бет.

Баъзи олимларимиз ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётидаги етакчи ижодий метод романтизм эмас, балки реализмдир деган фикрни ҳам айтмоқдаларки, бу фикр ҳам мунозаралидир. Чунки, ўзбек адабиёти тарихида романтизм методи жуда катта даврни ташкил этади. Реализм эса фақат кейинги даврларда метод сифатида шаклланган, холос.

9. *Романтизм жаҳон адабиёти тарихида, жумладан ўзбек адабиёти тарихида катта роль ўйнаганилиги шубҳасиздир.* Бироқ, айни чоқда, романтизмнинг метод сифатидаги заиф томонлари ҳам мавжуд: ижод жараёнида субъективликка катта эътибор берилгани ҳолда объективликка етарли амал қилинмади. Натижада бирмунча романтик асарларда юксак идеаллар билан объектив ҳақиқат ўртасида маълум даражада узилиш юз берди...

**Реализм** *Реализм (латин. realis — моддий, ҳақиқий) — воқеликни ҳаққоний, объектив ва “худди ўзига ўҳшатиб” ифодалашни тақозо этувчи ижобий метод.* М. Горький сўзлари билан айтганда, “одамлар ва уларнинг турмуш шароитини ҳаққоният билан, бўямай тасвирлаш реализм номи билан юритилади”<sup>1</sup>. Ёзувчи фотограф эмас, бинобарин, у ҳаётдан нусха кўчирмайди, аксинча, ҳаётни бадиий тадқиқ этади. Ёзувчи ҳаётни типиклаштирган, бадиий тўқима билан бойитган ва илгор эстетик идеал нури билан йўғирган тақдирдагина тасвирда ҳаққонийликка, объективликка эришади. М. Горький жаҳон адабиётидаги Фауст, Ҳамлет, Дон-Кихот, Платон, Каракаев, Карамазов, Обломов каби етук бадиий образлар хусусида тўхталиб, шундай дейди: “Мана шу санаб ўтилган одамлар турмушда бўлган эмас: аммо уларга ўхашаш кишилар ҳаётда бўлган ва шу борлари ҳам анча майда бўлиб, у қадар мукаммал бўлмаганлар, айрим гишталардан минона... ясалгани каби, мана шу майда, чақана кишилардан сўз санъаткорлари умумлашма “типлар”ни, турдош типларни яратгандар, “тўқиганлар”. Шундай “тўқима” натижасида биз энди ҳар бир ёлғончини Хлестаков, хушомад-

<sup>1</sup> M. Горький. Адабиёт ҳақида, Т., Ўззадабийнашр, 1962: 72-бет.

гўйни Молчалин, иккииузламачини Тартюф, рашк қилувчини Отелло ва ҳоказо деб атаймиз”.

Реализм ҳаётий воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур очишни, воқеликни кенг қамраб олишни, уни бутун мурракаблиги, қарама-қаршилиги билан кўрсатишни тақозо этади. Реализм инсоннинг ўз социал муҳити билан узвий алоқасини, ижтимоий шарт-шароитнинг алоҳида шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва синфлар тақдирига ўтказган таъсирини, ижтимоий шароитнинг кишилар ахлоқи ва маънавий дунёсига берган реакциясини, инсоннинг яратувчилик куч-кудратини акс эттиришни талаб қиласди. Воқеликни тараққиёт жараённида тасвирлаш — реализмнинг муҳим таймали.

“Реализм” атамаси XIX асрдан бошлиб қўлланиладиган бўлган. Ҳозирги пайтда “реализм” атамаси икки маънода, яъни кенг ва маҳсус маъноларда ишлатилмоқда:

1. *Реализм (кенг маънода) — воқеликни ҳаққоний тасвир этишга ва кишилик жамияти тараққиёти учун муҳим бўлган ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқиб, ҳал этишга интилиши.*

Маълумки, ҳар қандай бадиий асар ҳам ҳаёт олға сурган ижтимоий масалалар (ахлоқий, фалсафий ва бошқалар)-ни бадиий ифодалайди. Адабий асар ҳар қандай ҳолда ҳам ижтимоий фикрнинг бадиий инъикосидир. Шу маънодаги реализм ҳаёт ҳақиқати тушунчасига монанд келади. Асар ҳаётга қанчалик яқин бўлса, ундаги реализм ҳам шу қадар изчил, шу қадар кучли бўлади.

Туркий халқлар адабиётининг энг қадимги намуналари — Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадфу билиг”, Маҳмуд Кошварийнинг “Девону луготит-турк”, Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибат-ул ҳақойиқ” каби асарларида ҳам муайян даврнинг ижтимоий муаммолари (ахлоқ-одоб, тил муомаласи, давлатни адолат билан бошқариш, подшо ва халқ муносабати кабилар) ифодаланган ва муаллифларнинг ўз муҳитига субъектив муносабати акс эттирилган. XIII—XVI асрларда ривож топган ўзбек дунёвий адабиёти (Қутб, Хоразмий, Сайфи Саройи, Саккокий, Атойи, Лутфий, Навоий, Бобир)да ҳаётга яқинлик кучайган, ижтимоий масалаларни бадиий ифодалаш, уларга муносабат билдириш, энг муҳими, инсон қалбини, унинг ички дунёсини бадиий таҳлил

этиш ҳар қачонгидан ҳам ошган. Айниқса, Алишер Навоий ижодида ижтимоий мотивлар кучли жаранглайди, тасвирда психологизм фоятда кучаяди. Демократик тенденциядаги адабиёт (Машраб, Гулханий, Турди, Махмур)да бадиий асарнинг халқчиллиги, замонавийлиги янгича оҳанг, янгича маъно касб этади.

Ўзбек демократик адабиёти (XIX асрнинг иккинчи ярми) (Муқимий, Фурқат, Аваз, Завқий)да реализм чукурлашади, метод сифатида шаклланади. Бу давр реализмини айрим олимларимиз “маърифатпарварлик реализми” деб аташни тавсия этса, бошқалари “танқидий реализм”, ҳатто учинчи бир гуруҳ олимларимиз “танқидий реализм методи тўла шакланишга ултурмаган эди” дейишади. Умуман, бу давр реализми (қандай номланишидан қатъи назар) ўзбек адабиётида ижодий метод сифатида илдиз отғанлиги шубҳасиздир. Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, С. Айний, А. Қодирий, Сўғизода, F.Фулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А. Қаҳҳор, Яшин, Ўйун, М. Шайхзода каби санъаткорлар ижодида реализм љиги кўриниши методи қарор топди.

2. *Реализм (маҳсус маънода) воқеаликни реалистик тасвирлашнинг эстетик тамойиллари мажмуи (ижодий метод)*. Реализмда ҳаётни ҳаққоний деталлар, типик характерларни типик шароитда ростгўйлик билан акс этириш усули қўлланилади. Бу усул реализмнинг бош йўли. (Дарсликнинг “Ҳаёт ва адабиёт”, “Бадиий образ”, “Бадиий адабиётда типиклаштириш”, “Бадиий адабиётда фоявийлик” бобларида реализмни тавсифловчи эстетик тамойиллар кўздан кечирилганки уларни бу ўринда эслаш жоиздир).

“Ижтимоий таҳлил, — деб уқтиради Б. Сучков, — инсоннинг ижтимоий тажрибаларини тадқиқ этиш ва тасвирлаш, одамларнинг ўзаро муносабатларини, жамият ва шахснинг ўзаро алоқаларини, шу аснода жамият тузумининг ўзини ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганиш ва акс этириш — реалистик методнинг моҳиятини, унинг жони ва қалбини ташкил этади”<sup>1</sup>. “Реализм шундай бадиий методки, — деб ёзади С.М.Петров, — унинг асосини реал

<sup>1</sup> Б. Сучков. Исторические судьбы реализма. М., Сов. писатель, 1970, 26-бет.

воқеликни санъаткор томонидан объектив равищда идрок этиш ташкил этади”<sup>1</sup>.

Кейинги йилларда реализмнинг типологик хусусиятларини ўрганишга катта эътибор берилди. Проф. F.K. Ка-римов, реализмнинг энг муҳим типологик белгиси адабиётнинг асосий объекти ҳисобланган инсонни, инсон фао-лиятини тасвир қилишда кўллайдиган ўзига хос усулдир, деб ёзган. Бу усулга кўра, инсон тарихийлик принципи асосида, конкрет ижтимоий муҳитда, маълум тарихий ша-роит маҳсули сифатида тасвир этилиши талаб қилинади. Бу, санъаткор инсон характерини яратишга киришганда, бир томондан, уни ташки борлиқ, ижтимоий муҳит билан боғлиқ ҳолда, яъни **социал детерминизм** принципи асоси-да, иккинчи томондан, унинг ички маъчавий дунёсидаги мантиқий-тадрижий, айни замонда, табиий эволюцияни кўрсатиши, яъни **психологик детерминизм** принципи асо-сида иш кўриши керак бўлади.

Адабиётшуносликда “етук реализм” дейилганда мана шу маънодаги реализм — ижодий метод назарда туттилади.

Реализм ижодий методи бадиий тафаккур тарихида бирданига ва осонликча қарор топмади. Жаҳон прогрес-сив адабиётининг узоқ асрли изланишлари — реалистик тенденцияларнинг тинимсиз ривожланиши натижасида пайдо бўлди. Реализм методи дастлаб XIX асрда илғор Овропа адабиётида вужудга келди ва кейинчалик бошқа халқлар адабиётларида ҳам кенг тарқалди.

А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Л. Н. Толстой, Н. В. Гоголь, М. Е. Салтиков-Шчедрин, А. П. Чехов, Н. А. Некрасов, Н. Г. Чернишевский, Ф. Достоевский, А. Остро-вский каби сўз усталари ижодида реализм рус адабиётида чуқур илдиз отибгина қолмади, айни чоқда, юксак пого-нага кўтарилди.

Ўзбек мумтоз адабиётида реализм метод сифатида қачон шаклланган?

Адабиётшунослигимизда бу масалада икки хил қараш пайдо бўлган: проф. И. О. Султоновнинг айтишича, XVII—XIX асрларда... Шарқнинг бир қанча халқлари адабиётла-

---

<sup>1</sup> С.М.Петров. Основные вопросы теории реализма, М., Просвещение, 1975, 19-бет.

рида реализм тараққий этади, жумладан, ўзбек адабиётида Турди, Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқа кўп ёзувчилар ижодида реализм кучаяди. Аммо... Ўрта Осиё халқлари адабиётларида реализм Овропа халқлари, жумладан, рус халқи адабиётида эришилган етук танқидий реализм дара-жасига кўтарила олмайди. · Танқидий реализм, масалан, ўзбек адабиётида ривожланмаган шаклда, шу методнинг туфилга бошлаган элементлари сифатида майдонга келади, холос; проф. F. K. Каримовнинг фикрича ўзбек классик адабиёти тараққиётида етакчи ижодий метод — реализм методидир. Ўзбек классик адабиётида реализмнинг пайдо бўлиш тарихи хусусида тўхталар экан, реализм катта тарихий ва адабий ҳаёт заминида ўзбек адабиётида XV асрда туғилиб, XVII—XVIII асрларда Турди, Махмур, Гулханий орқали юксалиб, XIX—XX асрларда Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтарлар даври реализмга — реализмнинг янги тараққиёт босқичига кириб келганлигини айтган.

Хуллас, ўзбек классик адабиётининг асосий ижодий методи ва ўзбек адабиётида реализм методи қачон пайдо бўлган деган масалада олимларимиз ҳанузгача ягона хуносага келишган эмас. Бу масалага узил-кесил аниқлик киритилиши учун ўзбек реализми тарихи, унинг ўзига хос хусусиятлари чуқур ва атрофлича тадқиқ этилиши зарур.

**Танқидий реализм** — реализм тараққиётининг янги босқичи — XIX аср жаҳон илфор адабиётининг етакчи ижодий методи.

XIX аср ўрталарида Овропада, жумладан Россияда, феодалистик муносабатларнинг инқирози ва капиталистик муносабатларнинг манфаатпарастлиги туғдирган жабрзулмдан, эрксизликдан, қабоҳатдан, фирибгарлик ва айёрликдан, жаҳолат ва адолатсизликдан, хору зорликдан, қашшоқликдан халқ оммасининг сабр косаси тўлиб-тошади. Ижтимоий турмушдаги муайян тарихий вазият бадиий тафаккур тараққиётини юқори поғонага — танқидий реализм босқичига кўтаради. Давр илфор адабиёт вакиллари олдига феодал ҳукмонлигининг жирканчилигини ҳам, буржуазиянинг олчоқлигини ҳам кескин очиб ташлаш, — муайян ижтимоий муносабатларнинг маразларини қаттиқ танқид қилиш вазифасини қўяди. Шу тариқа бу давр илфор ада-

биётида мавжуд ижтимоий тузумни кескин танқид қилиш поэтик пафос даражасига күтарилади. Бу давр реалистик адабиёти ижодий методининг танқидий реализм деб аталишининг боиси ана шунда.

Танқидий реализм, умуман, аввалги реалистик методнинг янада такомиллашган күриниши, холос. Шу билан бирга, танқидий реализм методи бальзи ўзига хос хусусиятлари билан ҳам тавсифланади. Адабиётшунос З.С.Кедрина айтганидек, танқидий реализмнинг асосий хусусияти “мавжуд социал системани танқид қилиш, уни гуманизм принципларига, инсоннинг иқтисодий ва ахлоқий эҳтиёжларига зид нарса сифатида фош этишдир”. Ҳаётдаги маразларни танқид қилиш ва инкор этиш йўли билан гўзалликни тасдиқлаш танқидий реализмнинг характерли белгиларидандир. Айни пайтда, танқидий реализм методи аввалги реализмнинг эстетик тамойилларини ва илгор ань-аналарини ўз ичига қамраб олади. Чунончи, ҳаётни характерлар, шароитлар ва деталлар воситасида типиклаштириб ҳаққоний кўрсатиш усули реализмнинг, хусусан, танқидий реализмнинг қалби, бош тасвир усулидир.

Танқидий реализм методи ўзининг тасвир имкониятининг кенглиги ва эстетик тамойилларининг мукаммалиги билан бошқа ижодий методлардан ажralиб туради. Романтизмга нисбатан танқидий реализм санъат доирасини сезиларли даражада кентайтирган. Агар романтизм методида яратилган асарларда инсоннинг маънавий интилишларига диққат қаратилган бўлса, танқидий реализмда инсон ҳаётининг барча томонлари тасвир объекти қилиб олиниди. Танқидий реализмда инсон ҳаётининг маънавий ва идеал жиҳатларигина эмас, кишилар ҳаётининг барча конкрет жиҳатлари (хизмат, оила, ижтимоий ва интим ҳаётдаги фаолиятлари) акс этирилади. Кундалик майший турмуш тасвири реалистик адабиётнинг доимий йўлдошидир. Бу даврда адабиётнинг қаҳрамони янгиланди – юксак маънавий ва ахлоқий оламда парвоз этадиган одатдан ташқари романтик қаҳрамонлар ўрнига реал ҳаётдаги одамлар кириб келди. Кундалик оддий ҳаёт унсурларининг адабиётта кириб келиши танқидий реализмни романтизмдан ажратиб турадиган асосий фарқлардан биридир.

Романтик ёзувчилар ўз асрининг нуқсонларини айтган, бироқ унинг келиб чиқиши сабабларини, манбаларини таҳлил этишмаган. Танқидий реалистлар эса, бадиий таҳлил методидан фойдаланиб, ижтимоий зулмнинг илдизларини чукур очишга интилдилар. Уларнинг баъзилари бу ишни онгли равища амалга оширган бўлса, бошқалари ўзлари сезмаган ҳолда сиёсий эътиқодларига зид ишлар қилишган. О. Бальзак, Ч. Диккенс, Л.Н.Толстой каби реалистлар ўз асарларида ҳётни шу қадар чукур бадиий таҳлил этишганки, натижада ўзлари севган синф ёхуд табақанинг “сирасорлари”ни очиб ташлашган, уларни беаёв фош қилишган, шу тариқа ҳаёт ҳақиқатини бадиий кашф этишган.

Танқидий реалистик асарларда аналитик бадиий таҳлил жараёнида замонавий воқеаликнинг моҳияти чукур очилган ва шу орқали халқ оммаси онгининг уйғонишига туртки берилган.

Танқидий реалистлар ҳаётнинг бадиий таҳлилига алоҳида эътибор беришган. Улар жамиятни объектив жараён деб билишган, уни ўрганган, таҳлил этган, келажакнинг ёрқин куртакларини қидирган.

Психологиянинг социология билан узвий бирлиги — танқидий реализмнинг характерли хусусияти. Романтик ёзувчилар, психологик ва ижтимоий жиҳатларни бир-бираидан ажратиб кўйган эди. Танқидий реалистлар эса ҳаётнинг ҳар иккала жиҳати (психологик ва ижтимоий томонлари) тасвирини қўшиб олиб борган. Шунинг учун уларнинг асарларидаги қаҳрамонлар фоятда ҳаётний, ҳаққоний ва жонли бўлиб чиқсан. Ўз персонажларининг ички дунёсига чукур кириб бориш реалистларга оддий одамларнинг ахлоқий гўзаллигини, маънавий юксаклигини кўрсатишга имкон берган бўлса, айни чоқда, шу усул салбий типларнинг юзидағи ниқобини йиртиб ташлашга, уларнинг ифлос башараларини кескин фош этишга ҳам қулагилик туғдирган. Мавжуд воқеаликни танқид қиласар экан, реалистлар бадиий сўз воситаси билан инсониятнинг порлоқ келажаги учун тинимсиз курашган.

XIX аср илгор адабиётининг ижодий методи бўлмиш танқидий реализм, хусусан, рус адабиёти тарихида ўзининг камолотига кўтарилди. Рус мумтоз ёзувчилари А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь, И.С.Тургенев, М.Е.Салтиков-Шчедрин,

Л.Н.Толстой, Ф. Достоевский, А.П.Чехов, Н.А.Некрасов ва бошқалар рус танқидий реализмининг йирик вакиллариридир.

Танқидий реализм XX асрда ҳам гуллаб яшнамоқда. Жаҳон адабиётининг улкан намояндаларидан А.Франс, Р.Роллан, Р.М.Дю Гара, Г. Мани, Т.Мани, Д. Голсуорси, Б.Шоу, Ж.Лондон, Т.Драйзер, С.Льюис, И.Вазов, И.А.Бунин, А.И.Куприн ва бошқалар танқидий реализм методида ижод этиб, ҳаётдаги ижтимоий иллатларни кескин танқид этдилар.

Ўзбек адабиёти тарихида танқидий реализм метод сифатида шаклланганми? Бу масала ҳам адабиётшунослигимизда узоқ йиллардан бери мунозарали бўлиб қолмоқда. Биз юқорида ўзбек демократик адабиёти ижодий методи реализм эканини ва уни номлаш борасида (“маърифатпарварлик реализми” ёхуд “танқидий реализм”) эса олимларимиз узил-кесил бир фикрга келиша олмаётганликларини қайд этган эдик. Бундан ташқари, асримизнинг 20-йилларида социалистик реализм методи билан бир қаторда танқидий реализм методининг ҳам қўлланилганлиги ёхуд қўлланилмаганлиги ҳақида қизғин баҳслашувлар давом этаяпти. Бир гурӯҳ олимларимиз (чунончи, Ҳ. Ёкубов, Н. Раҳимов, Ҳ.Абдулсаматов, А. Кулжонов ва бошқалар) 20-йиллар адабиётида социалистик реализм методи билан бир қаторда, танқидий реализм методи ҳам ишлатилганлигини таъкидлаб, Садриддин Айний ва Абдулла Қодирийларнинг баъзи асарларини мисол қилиб келтирадилар. Бошқа бир гурӯҳ олимларимиз, хусусан, проф. И.О.Султонов бу фикрларга кескин қарши чиқиб, бу даврда ягона социалистик реализм методи қўлланилганлигини айтади: Бир қанча адабиётшунослар, — деб таъкидлайди И.О.Султонов, — 20-йиллар адабиётида, жумладан, Ўрта Осиё халқлари адабиётида, социалистик реализм методи билан бир қаторда танқидий реализм мавжуд эди, демоқчи бўладилар... Бизнингча, 20-йиллар адабиётида ягона социалистик реализм методи шаклдана боргани ва танқидий “элемент” шу методнинг фақат бир ажралмас қисми шаклидагина (яъни, алоҳида, ёнма-ён борувчи метод сифатида эмас) мавжуд экани ҳақидаги фикр

ҳақиқатта мосдир”<sup>1</sup>. Атоқли олимимиз ўзбек адабиётининг ижодий методи борасидаги узоқ йиллик кузатишларидан келиб чиқиб, ўзбек адабиёти тарихида (ўзбек демократик адабиётида ҳам, 20-йиллар ўзбек совет адабиётида ҳам) том маънодаги танқидий реализм методи қўлланилмаганлиги (XIX асрнинг II ярмида ўлкамиз адабий ҳаракатчилигига реализм ижодий метод сифатида тўла шаклланганини, аммо у том маънодаги танқидий реализм даражасига ўсиб ета ол-маганлиги)ни кўрсатади.

**Социалистик реализм** — XX аср бошларида, дастлаб, рус адабиётида, Октябрь ўзгаришидан сўнг собиқ СССР худудидаги халқлар адабиётларида пайдо бўлган ва шаклланган янги ижодий метод — бадиий реализмнинг ўзига хос кўриниши (тури). Бу метод бошқа халқлар адабиётига ҳам ёйилган ва, ҳатто, хорижий мамлакатларнинг бир гурӯҳ илғор ёзувчилари (француз адабиётида А.Барбюс ва Луи Арагон, немис адабиётида И.Бехер, ва А.Зегерс, турк адабиётида Н.Ҳикмат ва А.Несин, Дания адабиётида М. Андерсен — Нексе ижодида қўлланилган; Р.Роллон, Б. Шоу, Т.Драйзер каби дунёга машҳур ёзувчилар) ижодларига муайян таъсир ўтказган.

Хуллас, шўро даври адабиёти — социалистик реализм адабиёти. Бу гап ўзбек адабиётига ҳам тўла таалуклидир. Демоқнимизки, чораккам бир асрлик ўзбек адабиёти социалистик реализм методида яратилган. Шу важдан, ўзбек адабиёти тарихини соцреализм адабиётисиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Аммо бу давр ўзбек адабиёти тарихини ўрганишнинг ўзига хос мураккабликлари — қийинчиликлари бор. Ўзбек адабиёти тарихининг шўролар даврини ўрганишни, даставвал, соцреализм методи назариясини билиб олишдан бошлаш лозим. Негаки, ўзбек соцреализм адабиёти тарихида юз берган ижобий ва салбий жиҳатларни, пастлик-баландликларни, мураккаб-зиддиятли жараёнларнинг илдизларини ижодий метод — соцреализм назариясидан, унинг эстетик тамойилларидан, хукмрон комфириқа мафкурасидан — давр адабий сиёсатидан қидирмоқ лозим.

---

<sup>1</sup> Инқилоб ва адабиёт, Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 120-бет.

“Социалистик реализм совет бадиий адабиёти ва адабий танқидчилерининг асосий методи бўлиб, санъаткордан воқеликни революцион тараққиётда, тўғри, тарихий жиҳатдан аниқ тасвир этишни талаб қиласди — деб таъкидланган шўро ёзувчилари Уставида. — Шу билан бирга, воқеликни ҳаққоний ва тарихий жиҳатдан аниқ қилиб бадиий ифодалаш меҳнаткашларни социализм руҳида тарбиялаш вазифалари билан қўшиб олиб борилиши керак”.

Социалистик реализм методи: а) воқеликни ҳаққоний, тарихан конкрет ва революцион тараққиёт жараёнида кўрсатиш билан меҳнаткашларни социализм ва коммунизм foяляри руҳида тарбиялаш вазифасини қўшиб олиб бориш, б) коммунистик партиявийлик ва халқчиллик, в) коммунистик foявийлик каби эстетик тамойиллар билан тавсифланган. Агар шу эстетик тамойилларнинг мағзи чақиб кўриладиган бўлса, шўро даври ўзбек адабиётидаги пастлик-бандликларнинг сабаби аён бўлиб қолади, хусусан, коммунистик партиявийлик ва foявийлик ижод эркинлиги билан чиқиша олмайди. Ваҳоланки, ижод қалб амри билан бажарилади — қалб эса ҳамиша эркинликка ташна! КПСС МК ва шўролар ҳукумати юргизган адабий сиёsat — ижод ишига худа-беҳуда аралашавериш — ижодни бир қолипга солишга интилишга олиб келди. Шу вождан, адабиётимизда бир-бирига ўхшаб кетадиган асарлар, қаҳрамонлар кўпайиб кетди — ранг-баранг ижодий изланишлар суръати бўшашди. Адабиётда “доҳийлар”, ком фирмқа арбобларига мадҳия-бозлиқ, коммунистлар образларини идеаллаштириш, рус кишилари образларини ўта бўрттириш — бир қолипдаги образларни яратиш авж олиб кетди; ўтмишга тош отиш, замонавий воқеа-ҳодисаларни мақташ ва, хусусан, уни ривожланган мамлакатлар халқлари ҳаётига зид қўйиб тасвирлаш адабий анъанага айланиб кетди — бу ҳаракат совет кишилари турмуш тарзини жаҳон цивилизациясидан узилиб қолишига (муайян даражада) сабаб бўлди. Бу масалада адабий танқидчилик ва адабиётшунослик ҳам қўл қовуштириб турмади — ком фирмқа сиёsatини зўр бериб тарғиб этди ва, ҳатто социалистик реализм методи бадиий тафаккур тараққиётининг чўққиси ва совет адабиёти дунёдаги энг илфор, энг прогрессив адабиёт деб жар солинди. ...Замон мана шуну тақозо этди. Аммо, касални яширсанг иситмаси ошкора

қылар деганлариңек, СССР пароканда бўлгач, иситма ошкор бўлди — бу сиёсатнинг ҳам, адабиётнинг ҳам заиф жиҳатлари билиниб қолди. Бу гаплардан шўро даври адабиёти ўлимга маҳкум эди, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Йўқ, асло! Негаки, биринчидан, соцреализм методи пойдеворини бадиий реализм қонуниятлари ташкил этган бўлса, иккинчидан, ҳалқ оммаси ҳаёти ва эҳтиёжлари бадиий адабиётни тинимсиз ривожлантиришни тақозо қилди (Эл яшар экан — адабиёт яшар!). Шу важдан, бўлса керак, соцреализм адабиёти классиклари (ҳар қанча тазийқ бўлишига қарамай) ҳалқ ҳаётини бутун мураккабликлар ва зиддиятлари билан акс эттирувчи, инсон табиатини чукур бадиий кашф этувчи асарлар яратишга ҳам мувваффақ бўлдилар. Бу ўринда, дунёга машхур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг бадиий тафаккур жабҳасидаги буюк жасоратини эслаш кифоя: у ўзининг “Жамила”, “Сарвқомат дилбарим”, “Алвидо, Гулсари!”, “Сомон йўли”, “Оқ кема”, “Биринчи муаллим”, “Бойдамтол соҳилларида”, “Эрта қайтган турналар”, “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат” каби бадиий кашфиётлари билан дунё адабиётининг олдинги сафларига чиқиб олди — ўз бадиий олами билан жаҳон китобхонларини лол қолдирди. М.Шолохов, В.Распутин, Е. Евтушенко, Б. Кербо боев, М. Турсунзода, М. Иброҳимов, Расул Ҳамзатов, Давид Кучилтинов, Мухтор Авезов, Н. Думбадзе, В. Лацис, Э. Межелайтус сингари сўз усталари ҳақида ҳам худди шу гапларни такрорлаш мумкин. Ахир, бу ёзувчилар ҳам соцреализмда қалам тебратганларку?!

Ўзбек соцреализм адабиётида ҳам умри боқе асарлар пайдо бўлган. А. Фитратнинг “Абулфайзхон”, “Чин севиш”, Чўлпоннинг “Ёрқиной”, “Замона хотини”, “Кечава қундуз”, Ҳамзанинг “Бурунги қозилар ёки Майсаранинг иши”, “Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллачилар иши”, А.Қодирийнинг тарихий романлари, С.Айний насли, Ойбекнинг “Навоий”, Усмон Носир лирикаси, F.Фуломнинг “Сен етим эмассан”, “Софиниш”, “Вақт”, “Сарҳисоб”, “Шум бола”, Ҳамид Олимжоннинг лирик тароналари, “Муқанна”, Уйғун ва И.Султонларнинг “Алишер Навоий”, К.Яшиннинг “Нурхон”, М. Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек”, Зулфиянинг “Мушоира”, А. Мухторнинг “Чинор”, Р.Файзийнинг “Ҳазрати инсон”, М. Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча”, Ҳ.Фуломнинг

“Машъал”, “Мангулик”, Саид Аҳмаднинг “Уфқ”, Ў. Усмоновнинг “Гирдоб”, Ў. Умарбековнинг “Одам бўлиш қийин, Мирмуҳсиннинг “Умид”, “Темир Малик”, О. Ёкубовнинг “Улубек хазинаси”, “Диёнат”, П. Қодировнинг “Қора кўзлар”, “Юлдузли тунлар”, Э. Воҳидов ва А. Ориповларнинг лирик шеърлари... мана шундай асарлар жумласига киради. Бу асарлар — соцреализмнинг сара асарлари. Айни чоқда, замонасозлик руҳида ёзилган, умри қисқа асарлар ҳам кўп. Чунончи, “Жаҳон сармоясининг охирги кунлари”, “Мухторият ёки автономия”, “Башар қуёшига”, “Сосо”, “Нима бизга Америка”, “Иосиф Сталин”, “Икки шарқ”, “Бахтлар водийси”, “Россия”, “Назир отанинг газаби”, “Киров тирик”, “Коммунизм гулбоғларига”, “Коммунизм асли”, “Халқлар отасига”, “Саодатнинг америкалик хонимга жавоби”, “Мангуликка даҳлдор”, “Ленин ва Ражаб бобо”, “Лениннинг жилмайиши”, “Йўлчи юлдуз”, “1924 йил 22 январида Самарқанд”, “Она”, “Асримизнинг етакчиси, пўлат партия”, “Ленин — офтоб”, “Партия бизники, биз партияники!”, “Яшасин коммунизм”, “Октябрь шарафи” ва бошқалар ана шундай асарлар жумласига киради. Умуман айтганда, бу давр ёзувчилари ижодларига комфирқа ва шўро сиёсатининг таъсири бўлганлиги табиий бир ҳолдир. Адабиётимизда юз берган мана шундай пастлик-баландликлари ни синчковлик билан ўрганишимиз керак.

Сўнгги ўн йил давомида соцреализм методи борасида баҳс-мунозара давом этиб келмоқда. Бу борада, адабиётчиларимиз икки гуруҳга ажралади: биринчи гуруҳдаги адабиётчилар соцреализмни бутунлай қоралаш йўлига ўтиб олганларки, буларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди, иккинчи гуруҳдаги адабиётчилар соцреализмнинг пастлик-баландликларини инобатта олиб, бу давр адабиётини ўрганишга чорламоқдаларки, буларнинг фикрига қўшилиш жоиз. Биз Шўро даври ўзбек адабиётини эҳтиёткорлик ва синчковлик билан кўздан кечиришимиз зарур.

Қайта қуриш ва, хусусан, миллий истиқбол даври ўзбек адабиёти, бизнингча, етук реализм босқичига қадам кўйди...

*(Адабий оқим — адабий жараённинг муайян босқичида бир гурух ёзувчиларнинг эстетик дастури — ҳаётни идрок қилиш ва бадиий ифодалаши тамойилларининг умумийлиги, муштараклиги. Муайян бир адабий оқимга мансуб бўлган ёзувчилар ҳаётдан мавзу танлаш ва уни акс эттиришда, сюжет ва композицияда, характер яратиш ва бадиий тил маҳоратида, услугуб ва дунёқаришида бир-бирларига яқин турадилар. Чунки, улар бир маслак йўлида хизмат қиласидилар. Адабиёт тарихида бир адабий оқимнинг бошқаси билан ўрин алмаштириб туриши — адабиёт тараққиётининг объектив қонуниятларидан биридир. Жаҳон адабиёти тарихида бир қанча адабий оқимлар мавжуд бўлган. Классицизм, сентиментализм, натурализм, модернизм ва бошқалар шулар жумласидандир.)*

**Классицизм** (латин. *classicus* — намунавий) — турмушга тақлид этишини, ақл-идрокка мувофиқ ҳаракат қилишини, антик адабиёт ва санъат асарларини намуна қилиб олиб, унинг анъанавий қоидаларига таянишини тақозо қиласидиган адабий оқим. Классицизм вакиллари асосан реал турмуш ва реал одамларни тасвирлаш — адабиёт ва санъатнинг асоси деб ҳисоблаганлар.

Классицизм Францияда XVII аср бошларида пайдо бўлиб, кейинчалик Овропа мамлакатларида, XVIII асрга келиб Россияда тарқалган. Француз шоири ва олим Н. Буало “Шеърий санъат” номли шеърий рисоласида классицизмнинг қонун-қоидаларини ишлаб чиқсан.

Классицизм қуйидаги белгилари билан тавсифланади:

- 1) Ҳамма нарсада (ижод жараённида) антик адабиётта тақлид қилиш. Классицизм атамаси ҳам аниқ, яъни классик (мумтоз) адабиётта мурожаат қилишдан келиб чиқсан. 2) Адабий асарни конкрет қоидалар асосида ёзиш. Масалан, драма ёзишда “уч бирлик қонуни”га амал қилинган: а) замон бирлиги (асарда тасвирланадиган воқеа-ҳодисалар қисқа муддатда, яъни бир кунда юз бериши лозим); б) макон бирлиги (асардаги воқеа-ҳодисалар, албатта, бир жойда бўлиб ўтиши керак); в) ҳодиса ва ҳаракат бирлиги (драматик асарда яхлит бир воқеа бўлиши шарт). 3) Асар учун қаҳрамон танлаш тартиби: эпос, драма ва трагедияларда фақат буюк тарихий шахслар, подшолар, баҳодирлар образи яратилса, комедияда оддий халқ вакиллари образи берилади.

Классицизм асарларида воқеалар мълум тарихий шароитда юз бермасди, қаҳрамонлар деярли индивидуал белгилардан маҳрум эди. Классицизм вакиллари адабий тур ва жанрлар баробар қимматга эга әмас, деб ҳисоблаган. Феодал ҳукмдорлар таъсирида бўлган классицизм ёзувчилари кўпинча ҳаёт ҳақиқатини бузиб тасвирлар, шартли ва уйдирма образлар яратар, халиқа тушунилиши қийин бўлган тил ва услубда ижод этардилар. Классицизмни характерловчи бундай схоластик хусусиятлар, яъни догматизм адабиёт тараққиётига анча-мунча зарар келтирди. Аммо классицизм шундай схоластик белгилар билан тавсифланиб қолмайди. Классицизм фоят мураккаб, зиддиятли адабий оқим. Бу оқимнинг илгор вакиллари классицизмнинг “темир қонунлари”ни ёриб ўтиб, ўз даври муаммоларини, илфор қарашларини, ҳаёт ҳақиқатини, оддий одамлар ҳаётини кўрсатишга уринган. Бундай ёзувчилар ўзлари яшаган муҳитнинг иллатларини фош этишга интилган. Масалан, Д.И.Фонвизин “Думбул бойвачча” (“Недоросль”) комедиясида дворянларнинг қолоқлиги устидан кулган бўлса, А.П.Сумароков “Ҳомий” (“Опекун”) асарида дворянларнинг очкўзлигини очиб ташлаган, Ж.Мольер “Тартюф” комедиясида дин аҳдларининг риёкорликларини фош этган ва ҳоказо. Бундай хатти-ҳаракатлар, табиий равища, адабий жараёнига ижобий таъсир кўрсатган. Шунга кўра, классицизм жаҳон санъати тарихида ижобий ҳодиса ҳисобланади.

Классицизмнинг йирик вакиллари П.Корнель, Ж. Рассин, Ж.Мольер, Ж.Лафонтен, А.Д.Кантемир, А.П.Сумароков. М.В.Ломоносов, Д.И.Фонвизин ва бошқаларнинг асарлари XIX асрда реализмнинг пайдо бўлишига замин тайёрлади. Классицизм XIX асрга келиб даврнинг ижтимоий эҳтиёжларига жавоб бера олмай, ўз ўрнини сентиментализмга бўшатиб берди. Ўзбек адабиётида классицизм оқим сифатида воқе бўлмаган.

**Сентиментализм** (франц. *sentimentalisme* — ҳис қилмоқ) — ақл-идрокдан ҳис-туйғуни устун қўйиш асосида инсон шахсини, унинг ички дунёсини таҳлил этишга асосланадиган адабий оқим. Сентиментализм XVIII асрда Фарбда феодализмнинг емирила бориши ва капиталистик муноса-батларнинг қарор топиши даврида классицизмнинг дого-

матик қонун-қоидаларига қарши кураш жараёнида қарор топади.

Сентиментализмнинг классицизмдан ажратиб турадиган бир қатор хусусиятлари бор. Чунончи, агар классицизм адабиётнинг “олий жанрлари”да юқори табақа вакиллари образини яратишга интилган бўлса, сентименталистлар адабиётда, асосан, оддий одамларни ўз турмуш шароитида кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Натижада адабиётда подшолар, баҳодирлар, саркардалар образлари ўрнида буржуа-мешчан табақасидан чиқсан “ўртача одамлар”-нинг образлари пайдо бўлди. Классицизмда тасвири марказида фавқулодда тарихий воқеа-ҳодисалар турган бўлса, эндиликда оддий одамларнинг шахсий ҳаёти тасвирига эътибор бериладиган бўлди. Классицизмда оддий одамларнинг ҳис-туйғулари оламига ва руҳий кечинмаларига етарли эътибор берилмаган бўлса, сентиментализмда асосий эътибор оддий одамнинг ички дунёсини очишга қаратилди. Классицистлар, асосан, меҳнаткаш халқ оммасига тушунилиши қийин бўлган мураккаб тил ва услубда ижод қилган бўлса, сентименталистлар адабий асар тили ва услубини демократлаштиришга, жонли сўзлашув тилига яқинлаштиришга интилдилар. Сентименталистлар кўллаган тамойиллар адабиёт тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Бироқ сентиментализмнинг ҳам ожиз томонлари мавжуд эди: сентименталистлар инсон ақл-идрокига етарли баҳо бермай, кўпинча ҳис-туйғулар дунёсига ўта маҳлиё бўлиб кетдилар. Уларнинг асарларида хўрланган, жабр-жафолар чекаётган йиғлоқи кишилар образи тез-тез учраб турарди. Бундан ташқари, кўпгина асарларда капиталистик муносабатлар ўзгартириш киритган шаҳар инсоннинг табиийлигини бузувчи, ҳис-туйғулар мусаффолигини чекловчи куч сифатида тасвирланди, қишлоқ ҳаёти идеаллаштирилиб, шаҳар ҳаётига қарши қўйилди.

Француз маърифатпарварлари сентиментализми романтизм ва реализм тараққиётига бевосита замин тайёрлаган бўлса, рус сентиментализми асосан В.А.Жуковский романтизмини вужудга келтирди.

Ўзбек адабиётида сентиментализм мустақил оқим сифатида шаклланмаган. Бироқ, айрим олимларимизнинг кўрсатишича, 1905—1917 йилларда инсон характерини ҳар

томонлама чуқур тасвирилаш санъатини эгаллаш соҳасида изланган айрим ўзбек ёзувчилари ижодида сентиментализмга мойиллик сезилади (Ҳамзанинг “Янги саодат”, “Заҳарли ҳаёт”, А. Қодирийнинг “Бахтсиз күёв” каби асарларида). Уларда қаҳрамонлар nocturne, бахтсиз ва нажотсиз ҳолда кўрсатилиб, китобхонда уларга нисбатан раҳм-шафқат, ачиниш ҳислари уйғотилади.

**Натурализм** (латин. *natura* — табиий) — ҳаётни ва инсонни “объектив” (ҳаётда қандай бўлса, шундай) кўрсатишга уринувчи мураккаб, зиддиятли абадий оқим. Натурализм тарафдорлари тасвир объектига танқидий муносабатда бўлишни инкор этади; ҳаётни ҳис-туйғусиз ифодалашга, тўғрироғи, нусхакашликка, ҳаётдаги мухим нарсаларни номуҳимларидан, табиийларини нотабиийларидан, қонунийларини ноқонунийларидан ажратмасдан, икир-чикирлари билан айнан “объектив” кўрсатишга уринади. Улар учун воқеа-ҳодисаларнинг ички моҳияти, мағзи эмас, аксинча, ташқи жиҳатлари мухимдир. Натуралистлар инсон характерини илмий (экспериментал) ўрганишни асосий мақсад қилиб кўяди, бадий асарни “инсон ҳужжати” сифатида талқин этади, инсон ҳаётини тасвирилаш жараённада кўпроқ унинг физиологик жиҳатлари, хусусан, эротик вазиятларини очиқдан-очиқ (пардасиз) яланғоч ифодалашга катта эътибор беради. Айни чоқда, натурализмда ҳаёт ҳақиқатини кўрсатишга интилиш ҳам борки, бу ижобий ҳадиса. Бу методнинг асосчиси машҳур француз адаби Эмиль Золядир. У “Экспериментал роман”(1880)ида натурализмни ижодий метод сифатида асослаб берди. Тез орада Эмиль Золя атрофида натуралистик мактаб вужудга келди. Г. Мопассан, П. Алексис, А. Доде, Г. Ибсен, Г. Флобер, Ж. Шанфлёри, Л. Э. Дюранти, aka-ука Э. Ж. Гонкурлар, П. Амп, А. Хольц каби адилар натурализм тамойилларини шакллантиришда, унинг тасвир имкониятларини кенгайтиришда, санъатни демократлаширишда, ҳаётни ҳаққоний акс эттиришда, турли табақадаги кишилар турмушини ифодалашда анча фойдали ишлар қилдилар. Э. Золя, Ги де Мопассан ва бошқалар натурализмнинг қобигини ёриб чиқиб, ўзлари яшаб турган даврдаги аристократларнинг маънавий бузуқлиги, буржуа корчалонларининг разилликларини очиб ташладилар.

Рус адабиёти ва санъати тарихида натурализм оқим сифатида шаклланмаган. Аммо Д.Н.Мамин-Сибиряк, Н. Успенский, П.Д.Бобрикин, Вас. Немирович-Данченко ва бошқаларнинг асарларида, қисман бўлса-да, натурализмнинг таъсири сезилиб туради. М.Е.Салтиков-Шчедрин, М. Горький, Г. Успенский, В.Г.Короленко ва бошқалар натурализмнинг рус санъатига ўтказаётган таъсирига қарши чиққанлар. Ўзбек адабиёти тарихида эса натурализм оқими йўқ. Бироқ ўзбек адабиётида, гарчи аҳён-аҳёнда бўлса-да, ҳаётни ҳис-туйғулариз ифодалаш, аҳамиятсиз воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш, нотипик характерлар яратиш, тасодифий ҳодисалар ва майда-чуйда майший штрихларга берилиб кетиш, персонажлар нутқини типиклаштираслик каби нуқсонлар учраб турадики, булар ҳам адабиётшунослигимизда “натурализм” ёхуд “натуралистик тасвир” деб юритилади. Бу ўриндаги “натурализм” атамаси Фарбдагидек ижодий метод ёхуд адабий оқим маъносини ифодаламайди, аксинча, у ёки бу ёзувчи маҳорати етишмаслигини, ижод жараёнида йўл кўйилган хатоларни ифодалайди, холос.

**Модернизм** (франц. moderne — замонавий) — XX аср санъати ва адабиётида қўлланилаётган *турли-туман нореалистик йўналиш, оқим ва услубларнинг умумий шартли номи*. Модернист ёзувчилар ижодда анъанавий услуг ва бадиий шакллардан воз кечиб, янги, замонавий услуг, шакллар топиш борасида изланадилар ва кўп ҳолларда реализмга зид, шаклбозлиқдан иборат асарлар яратадилар. Ҳозирги замон жаҳон адабиёти ва санъати тарихида *авангардизм, импрессионизм, фрейдизм, конструктивизм, футуризм, символизм, кубизм, сюрреализм, экспрессионизм, неоимпрессионизм, экзистенциализм, абстракционизм, акмеизм, имажинизм, “абсурб театри”, “янги роман”, “кинетик санъат”, “понарт”, “онг оқими”* каби жуда кўплаб нореалистик оқим ва гуруҳлар мавжудки, буларнинг бари модернизм доирасига киради. Модернистик оқим ва гуруҳларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга ва, айни чоқда, уларнинг ҳаммаси муштарак бир белги (ҳаётнинг тасвирлашда нореалистик метод тамойилларига амал қилишилик) бирлаштириб туради. Модернизм ўта зиддиятли, ўта мураккаб адабий йўналиш. Модернистик оқимларнинг баъзи бирлари бадиий

ижод жараёнида маълум даражада илгор позицияда туришга интилаётган бўлса, бошқалари реакцион позицияда турмокда... Чунончи, авангардизм, импрессионизм, “онг оқими” конструктивизм оқимларининг баъзи намояндалари ижодий метод ва тасвир воситаларини бойитишга, услубларни такомиллаштиришга муносаб ҳисса қўшган бўлса, футуризм, символизм, кубизм, абстракционизм каби оқимларнинг вакиллари ўз асарларида ҳаётни бузиб акс эттирганлар, шаклбозликка, мантиқсизликка берилиб кетганлар, умидсизлик, тушкунлик фояларини тарғиб этганлар. 60-70-йилларда Америкада ва Овропада шуҳрат топган *концептуал санъат* оқими ҳам жаҳон санъати тарихида салбий ҳодиса бўлиб қолган. Чунки бу оқим, умуман, санъаткорнинг ижодий меҳнатини инкор этган, яъни санъаткор бирор нарса яратмасдан, фақат “фикр юритиши” керак эмиш. Модернистлар адабиётнинг қалби бўлган адабий қаҳрамонни рад этадилар. Уларнинг асарларидағи персонажлар оила, давлат, жамият, касб-кордан маҳрум бўлган “кичик одам”лар. Модернист адид ўз асарида инсон фожиасини кўрсатади, персонажлар муайян бир тарихий шароитда яшамайди...<sup>1</sup>

Модернистлар ҳаётни ўзгармайдиган ҳодиса сифатида талқин этадилар. Уларнинг фикрича, ҳаёт ҳозир қандай бўлса, бундан сўнг ҳам худди шундайлигича қолади: дунёни ўзгартириб бўлмайди...

Айни чоқда, бошқа бир гуруҳ модернист санъаткорлар воқеликни объектив тасвирлаш йўли билан реализм равнақига ҳисса қўшдилар. Масалан, немис экспрессионистларидан Э.Толлер, В.Газенклевер, И.Бехер ва бошқалар (асримизнинг 10—20-йилларида) дунёни қайта қуришга даъват этиш фояларини олға сурган. Машхур рассом ва шоир П.Пикассо ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида (кубизм, сюрреализм ва қисман абстракционизм каби модернистик оқимлар таъсирида бўлса-да), бадиий ижодда улкан ютуқларга эришди: у ўз ижодида доимо замонанинг илгор фояларига таянади. П.Элюар, Б.Брехт, П.Неруда каби

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўз СЭ, 7-том, Т., 1976, 311-бет.

улкан санъаткорлар ҳам ўз ижодларининг модернизм бос-қицидан ўтган. Ҳатто, танқидий реализмнинг улкан намояндалари Э. Хемингуэй, У. Фолкнер, Ф. Мориака, А. Миллер, Г. Белля, Марсел Пруст, Жеймс Жойс, Франц Кафка ва бошқа санъаткорлар ижодига ҳам модернистик оқимларнинг таъсири бўлганилиги шубҳасизdir.

Ўзбек адабиёти тараққиётининг ҳозирги босқичида, хусусан, Габриэл Маркес, Жеймс Жойс сингари сўз усталирининг таъсири кучли бўлди. Бадиий ижод жараёнида дадил изланишлар олиб бораётган ёш қаламкашлар миллий адабий анъаналар заминида мустаҳкам туриб, жаҳон модерн адабиёти намояндалари, чунончи, япон Я. Кавабата, австрияли Ф. Кафка, аргентинали Х. Кортасар, америкали Т. Вулф, француз А. Камю, мексикали Л. Борхес, К. Фуэнтас сингари ёзувчилар тажрибаларига тез-тез мурожаат қилимоқдалар. Шу тариқа, жаҳон модерн адабиёти адабиётимиз тараққиётига ўз таъсирини ўтказмоқда. Оқибатда адабий жараёнда янги ёшлар тўлқини пайдо бўлди, янги янги оқимлар ниш ура бошлади...

Дарвоқе, адабий жараёнда қалам тебратаетган ҳар бир қаламкаш миллий адабий анъаналарни ҳам, жаҳон илфор адабиёти тажрибаларини ҳам, кўхна Шарқ фалсафасини ҳам, ислом ақидаларини ҳам, инсон руҳиятини ҳам билиши, хусусан, ҳаёт тараққиётининг ички оқимларини хис қила олиши ва бу омиллардан ўз ўрнида маҳорат билан фойдалана олишлари лозим. Ана шундагина чинакам бадиий кашфиётлар яратишга қодир бўладилар.

**Ўзбекистон адабиёти тарихидаги оқимлар.** Ўзбек адабиётининг тарихига назар ташлаган одам унда ранг-баранг оқимлар бўлганилигини сезади. Чунончи: “**Дидактик адабиёт**” (Юсуф Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий), “**дунёвий адабиёт**” (Кутб, Хоразмий, Сайфи Саройи, Саккокий, Атойи, Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур), “**демократик тенденциядаги адабиёт**” (Машраб, Гулханий, Турди, Махмур) ва “**ўзбек демократик адабиёти**” (Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар ўғли), **тасаввуф** ёхуд сўфизм (Аҳмад Яссавий, Сўфи Аллоҳ ёр, Сулаймон Боқирғоний) **ўзбек жадид адабиёти** (М. Беҳбудий, Ажзий) ва бошқа оқимлар ана шу жумладандир.

Шўролар даври (1917—1985) ўзбек адабиёти ягона ижодий метод — социалистик реализм методи тамойилларига амал қилган. Ана шу ижодий метод бағрида ҳам бир неча адабий оқимлар бўлган. Тўғри, социалистик реализм адабиётидаги оқимлар ёхуд гуруҳлар ўтмиш адабиётидаги оқим ва гуруҳлардан ўз характер эътибори билан принципial фарқ қиласди. Адабиётдаги оқимлар адабий жараёнда бир-бирига ижодий таъсири ўтказади, бир-бирини бойитади.

Шундай оқимлардан бири *ҳаётни объектив бадиий ифодаловчи, уни худди ўз шаклида (худди ўзига ўхшатиб) кўрсатувчи оқим*. Тасвириларнинг бундай усули воқеаларни конкрет, тарихан ишонарли ва эпик тўлақониликда ифодалашга катта йўл очади. Шу усулда ижод қилган ёзувчиларнинг асарларини ўқиган китобхон ҳаёт муаммоларининг моҳиятига чуқур тушунади, тасвириланаётган воқеа-ҳодисаларнинг қаҳрамонлари ўз хатти-ҳаракатлари, мураккаб руҳий кечинмалари, кўп қиррали фаолияти, орзу-истаклари, қилиқ-одатлари билан китобхон қалбини ларзага солади. Шу тариқа, адабий қаҳрамон китобхонга ҳаёт жумбоқларидан сабоқ беради, маънавий жиҳатдан уни бойитади. М.Шолохов, Г.Марков, К.Федин, А.Фадеев, Б. Полевой, К.Симонов, М.Ибрагимов, Б.Кербобоев, М.Авезов, С.Муқонов, Ч.Айтматов, Ойбек, А.Қаҳдор ва бошқа жуда кўплаб ёзувчиларимиз ҳаётни ана шу усулда акс эттирган.

Бу давр адабий оқимларидан яна бири — *ҳаётни шартли-метафорик акс эттирувчи оқим*. Бу усулнинг ўзига хос томони шундаки, унда ижод жараёнида, кўпинча, тасвириларнинг худди ҳаётдагига ўхшашиб ўлишига эътибор қилинмайди, ҳаёт вазияти воқеалари муболагали кўринишларда тасвириланади, образнинг кўп маъноли бўлишига аҳамият берилади. Ҳаётнинг бундай усулдаги тасвирини баъзи ёзувчилар асарларида учратамиз. Чунончи, В.В.Маяковский кўпгина асарларини шу оқим таъсирида яратган. Шунингдек, Бертолть Брехт, Нозим Ҳикмат, Поль Элюар ва бошқа сўз усталари ўз ижодларида бадиий тасвириларнинг мана шу ўйлидан борган. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Fafur Fu-

лом, Ҳамид Олимжон каби шоирларимизнинг айрим асарларида ҳаётнинг *шартли-метафорик тасвирини* учратамиз.

Адабиётда кенг қўлланилаётган бадий тасвир усулларидан бошқа бири — *романтик тенденциядаги оқимдир*. Романтик оқимнинг характерли белгиси шундаки, у тасвир объектига лирик-патетик муносабатда бўлади, уни кўтариинки руҳда поэтиклаштиради. Бу оқим учун ҳам бадий тасвир худди ҳаётдагига ўхшаш шаклда бўлиши шарт эмас. Ҳаётий воқеа ва ҳодисаларни катта бадий умумлашма йўли билан акс эттириш романтик оқимнинг асосий тамойили. Сергей Есенин, Чаренц, Ю.И.Яновский, К.Г.Паустовский, Артем Весёлий ва И.Э. Бабеллар романтик тенденциядаги оқимнинг йирик вакиллари дид. Ҳаётни романтик усулда тасвирлашга интилиш айрим ўзбек ёзувчилари ижодида ҳам учраб туради. Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Fafur Fулом, Maқсуд Шайхзода ва бошқа шоирларнинг баъзи асарларида, Аскад Мухторнинг “Қорақалпоқ қиссаси”, Шароф Рашидовнинг “Кашмир қўшифи”, Сарвар Азимовнинг “Оппоқ тонг қўшифи” сингари асарларида романтик тасвир усули яққол сезилиб туради.

Ҳаёт тасвирининг бундай ранг-баранг усуллари — адабий оқимлар бир-бирига узлуксиз ижобий таъсир этади, кўп ҳолларда бир-бирига ўтиб туради, ҳатто, қўшилиб-чатишиб кетади.

**Услуб** — *адабий асар* (мазмунига монанд бўлган шакл)даги образли — экспрессив деталларнинг эстетик бирлиги, бадий тасвир воситаларининг қўлланилишида намоён бўладиган ёзувчининг ўзига хослиги, ўзлиги. Услуб, адабиётшунос С.Мамажонов айтганидек, “идрок қилиш” ва “ифода қилиш”нинг бирлигига кўринадиган ёзувчининг индивидуаллигидир. “...Индивидуал услуб, — деб ёзади адабиётшунос Н.Шукуров, —...ижодкорнинг воқеликни ўзича идрок этиши, воқеа-ҳодисаларни ўзига хос образлар ва ифода-тасвир воситалари билан акс эттириши...”<sup>1</sup>. Аммо услуб асардаги бадий тасвир воситаларининг куруқ арифметик йигиндиси

<sup>1</sup> Н.Шукуров. Услублар ва жанрлар. Т., F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 7-бет.

эмас, балки уларнинг яхлит бир тизимга уюшуви, фояни ифодалашга, қаҳрамон характерини очишга хизмат қилишида ёзувчи қўллаган усулдир. Индивидуал услугб — ёзувчининг поэтик фикрлаши ва ҳайётни ифодалашда сезиладиган хусусиятлар мажмую. Француз табиатшуноси Бюффон Жорж-Луи-Леклеркнинг айтишича: “**услуб — одам демакдир**”. Услубни белгиловчи хусусиятлар адабий асарнинг шаклидан тортиб мазмунигача (мавзу, фоя, сюжет, конфликт, композиция, бадиий тил, маҳсус бадиий тасвир воситалари, поэтик синтаксис, ритмик-интонацион унсурлар ва бошқалар) чуқур сингиб кетади. Услуб дунёқараш, ижодий метод, эстетик тамойиллар фоявий ният, фантазия, истеъодод салоҳияти, типиклаштириш манераси, ҳайёт материалини қалб призмасидан ўтказиши, эстетик идеал ва уни асар бадиий тўқимасига сингдириши, адабий жанр ва унинг имкониятларидан фойдалана олиш, сўз танлаш санъати, ифода усулида намоён бўладиган ёзувчининг ўзлиги. Услуб ёзувчининг ўз даври воқеа-ҳодисаларига фаол муносабатининг маҳсулни бўлиб, ижодкорнинг оригиналгини, унинг бошқа ёзувчилардан фарқини кўрсатувчи бош омилдир. Ёзувчи қанчалик истеъододли бўлса, унинг услуби ҳам шу қадар ёрқин намоён бўлади. Ўз услубига эга бўлган муаллифгина чинакам санъаткор ёзувчи бўла олади. Ҳар бир чолғу асбоби ўз “төвушки” — оҳангни билан ансамблда жўр бўла олганидек, ҳар бир ёзувчи фақат ўз услуби — ўзига хос ижодий қиёфаси, ўз овози билан адабиётнинг умумий хазинасига ҳисса қўша олади. Дарҳакиқат, машҳур рус ёзувчиси А.Блок айтганидек, “шоирлар ўз ижодларидағи муштаракликлар билан эмас, балки бир-бирларидан фарқ қилиб турувчи хусусиятлари билан қизиқарлидир”<sup>1</sup>.

Ёзувчининг индивидуал услубини аниқлаш ва тушуниш учун икки ёзувчининг ижодини бир-бирига қиёслаш усулидан фойдаланиш мумкин. Бундай қиёслаш жараёнида ҳар иккала ёзувчи ижодидаги муштарак жиҳатлар ҳам, фарқли хусусиятлар ҳам борлиги яққол кўриниб қолади. Ижод-

---

<sup>1</sup> А.Блок. О литературе. М., Федерация, 1931, 88-бет.

даги муштарак белгилар ҳар иккала ёзувчи ҳам ягона ижодий методга асосланғанligини англатса, ёзувчиларни бир-биридан ажратиб турадиган хислатлар ҳар иккала ёзувчидинг ҳам оригинал услуг соҳиби эканликларидан гувохлик беради. Бу фарқ фикрни баён қилиш, воқеаларни тасвирлаш жүсіни, қаҳрамонларни тавсифлаш, сюжет ва композиция, конфликт ва қаралттар яратып, пейзаж, вазият, портрет чизиш, қаҳрамонлар руҳияти тасвири кабиларда сезилиб туради. Услуби тұла шаклланған ёзувчи асарини үкій бошлаш билан оқып да асар фалончиники деб янглишмасдан муаллифини айтты берса бўлади. Масалан, “Абулфайзхон” билан “Ёрқиной”ни үкій бошлаган киши бу асарлар икки буюк ёзувчи асари эканини дарҳол пайқаб олади. Буни шу асарларнинг ёзилиш услубига қараб тошиш мумкин. Бу иккала асар мавзуи мазмуни, образларида бирмунча үхшашликлар бор бўлса-да, улар бир-биридан бутунлай ажратиб туради. Бу ўринда, масала фақат жанрда (бери — драма, трагедия) гина эмас, балки муаллифларнинг воқееликни идрок қилишлари, уни бадий ифодалашда қўлланған усууллар ва позицияларнинг, ёзиш манераларининг ҳам ўзгачалигидар. Бундай ўзгачаликлар ёзувчиларнинг индивидуал услубини белгилайди. Агар бу ўринда бир даврда яшаб ижод қилган икки санъаткор — Ойбек билан Абдулла Қаҳдор ижоди қиёслаб кўриладиган бўлса, улар ўргасидаги муштаракликлар борлиги сезилади. Ойбек ижоди ҳам, А. Қаҳдор ижоди ҳам ўзига хослиги билан бир-биридан ажратиб туради: уларнинг ҳаётни идрок қилишлари, эстетик тамойиллари, бадий тасвир усууллари, поэтик фикрлаш тарзи ўзгачадир.

Адабиётшунос М.Күшжонов айтганидек, Ойбек асарларида күпроқ романтик ва жозибали тасвирга мойиллик сезилиб туради. Ёзувчи ҳар нарсадан поэзия излашга интилади, тасвирда эпик кенглика, муфассалликка ва сербүёклика ҳаракат қиласынан да көрсетеди. Абдулла Қаҳхорда эса күпроқ ҳаётдаги фожиали ва сатирик нарсаларни қаламга олишга мойиллик сезилади. Ҳар иккала санъаткор услубидаги бундай характерли хусусияттарни улар яшаган шароит тақозо эттегандырып, үз-үзидан англашиларлыдир. Ривоя санъатида ҳам ҳар иккала ёзувчининг үзлиги аниқ сезилиб туради: А. Қаҳ-

ҳор ривояларыда қаҳрамон нұқтаи назарига алоҳида эъти-  
бор берилади, воқеа қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинаёттанды  
(тасвир объектига муносабат борасыда) муаллиф нұқтаи  
назари қаҳрамон позицияси билан құшилишиб-бирлашиб  
кетади (“Синчалак”, “Минг бир жон”). Ойбек сал бош-  
қаcharоқ йүл тутади — у тасвирда эпик күламдорликка ин-  
тилади, ривояни баъзан лирик, баъзан романтик руҳда олиб  
боради. Ойбек ривояс�다 қаҳрамонға нисбатан муаллиф  
нутқи устунроқдай — ривоя персонаж тилидан олиб бори-  
ладиган дамларда ҳам муаллиф ўз нұқтаи назарини билди-  
ради... Ҳар иккала ёзувчи тематикасида ҳам ўзига хослик-  
лар күзга ташланиб туради: Ойбек узоқ ўтмиш мавзуи (“На-  
войй”, “Маҳмуд Таробий”, “Бобур”, “Гули ва Навойй”)  
ҳам, яқин ўтмиш мавзуи (“Қутлуғ қон”, “Улуғ йүл”, “Бо-  
лалик”) ҳам, замонавий мавзу (“Олтин водийдан шабада-  
лар”, “Қуёш қораймас”) ҳам, халқаро мавзу (“Нур қиди-  
риб”, “Зафар ва Захро”, “Даврим жароҳати”) ҳам ўрин олган  
бўлса, А. Қаҳҳор ижодида яқин ўтмиш мавзуи (“Үгри”,  
“Бемор”, “Анор”, “Даҳшат”, “Ўтмишдан эртаклар”) ва,  
асосан, замонавий воқелик (“Синчалак”, “Шоҳи сўзана”,  
“Оғриқ тишлар”, “Тобутдан товуш”, “Аяжонларим”, “Му-  
ҳаббат”...) салмоқли ўрин тутади. А. Қаҳҳор ҳажвиётда ҳам  
машхур. Демак, А. Қаҳҳор ижодида узоқ ўтмиш мавзуи ҳам,  
халқаро мавзу ҳам деярли ўрин тутмайди. Ойбек ижоди  
учун ҳажвиёт хос эмас. Ҳар иккала ёзувчининг адабий тур-  
лар ва жанрларга муносабати ҳам ўзгача: Ойбек — лирик  
шоир, моҳир носир. А. Қаҳҳор — носир ва драматург. Яна  
шу нарса эътиборлики, Ойбек, асосан, роман жанрида  
шухрат қозонган бўлса, А. Қаҳҳор ҳикоянависликда машҳ-  
ур. Ҳар иккала ёзувчининг бадиий тил хусусиятлари қиёс-  
ланадиган бўлса, бундай ўзига хосликлар янада ёрқинроқ  
сезилади: Ойбек асарлари тилида фалсафий мушоҳадалар,  
мантикий босиқлик, чуқур лиризм ва романтик бўёқдор-  
лик күзга ташланиб турса, А. Қаҳҳор асарлари тилида, би-  
ринчи галда, мантикий лаконизм, киноя, пичинг, ҳазил-  
мутойиба, истехзо сезилиб туради. Ойбек ўз қаҳрамонлари  
портретини муфассал чизишни севса, А. Қаҳҳор қаҳрамон-  
лари портретига оид белгилар (штирхлар)ни бериш билан  
кифояланади. Ойбек асарларида пейзаж, табиий мұхит,

шарт-шароит, предметлар тасвирини эпик планда беришга интилса, А. Қаҳхор пейзаж ва қаҳрамонларининг яшаш шарт-шароитларини “чеховона” чизади. Ойбек ўз асарлари сюжетини қўпинча экспозициядан бошлишни севса, А. Қаҳхор ўз сюжетларини асосан тугундан бошлайди. Агар А. Қаҳхорнинг баъзи сюжетларида эпилог учраб турса, бу ҳодиса Ойбек сюжетларида учрамайди. Ойбек яратган қаҳрамонларнинг кўпи лирик ёки романтик характерга эга бўлса, А. Қаҳхор қаҳрамонлари характерида асосан юмор ва комизм кучлироқ. Шу каби ўзига хосликларни истаганча келтира бериш мумкинки, булар ҳар иккала ёзувчи ҳам ўз оригинал услубига эга бўлган санъаткор эканлигидан гувоҳлик беради.

Демак, бир ёзувчи бошқа бир ёзувчидан ўз услуби билан ажралиб турар экан.

Ёзувчининг индивидуал услубини ўрганишда масаланинг яна бир томонини унутмаслик керак. Бу — асардан асарга ўтган сари ёзувчи услубининг камалакдай тобланиб бориши масаласидир. Чунончи, “Кутлуг қон”, “Навоий”, “Олтин водийдан шабадалар”, “Қуёш қораймас”, “Нур қидириб”, “Даврим жароҳати” каби асарлар биргина ёзувчи қаламига мансуб бўлса-да, улар ранг-баранг услубларда ёзилгандир. Тасвир объекти, ижодий ният, жанр... тақозосига кўра бир ёзувчи ижодида услубнинг тобланиб туриши табиий бир ҳолдир. Айни чоқда, асардан асарга ўтаверадиган шундай белгилар ҳам бўладики, булар ёзувчи ижодидаги услубий йўналишни белгилашда муҳим роль йўнайди. Айни пайтда, асардан асарга ўтган сари янгиланиб борадиган аломатлар ҳам ёзувчининг индивидуал услубини белгилашга хизмат қиласди. Шу сабабли, ёзувчининг биргина асаридан келиб чиқиб, унинг индивидуал услубини аниқлаш амримаҳолдир. Ёзувчининг индивидуал услуби унинг бутун ижодини таҳлилдан ўтказиш жараёнидагина тўғри белгиланади. Услуб — мана шундай мураккаб ижодий жараён.

Худди шунингдек, Ҳамид Олимжон ва Уйғун, М. Шайхзода ва Миртемир, Зулфия ва Ойдин, Мирмуҳсин ва Ҳамид Фулом, Рамз Бобоҷон ва Шукрулло, О. Ёқубов ва П. Қодиров, Э. Воҳидов ва А. Орипов... услублари қиёсий

ўрганилса, булардан жуда катта назарий умумлашмалар келиб чиқади. Хуллас, адабиётимизда қанча күп катта ёзувчи бўлса, шунча кўп индивидуал услуб мавжуд бўлади. Услублар ранг-баранглиги — адабиётимизнинг эстетик бойлиги. Ўзбек мумтоз адабиёти ва XX аср ўзбек адабиёти мана шундай истеъодларга — раңг-баранг услубларга бой...

# МУТОЛАА УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

## 1-бўлим

1. *И.А. Каримов.* Истиқлол ва маънавият. — Т., Ўзбекистон, 1994.
2. *Аристотель.* Поэтика. — Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
3. *В.Г. Белинский.* Танланган асарлар. — Т., Ўздавнашр, 1955.
4. *В.Г. Белинский.* Адабий орзулар. — Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
5. *Н.Буало.* Шеърий санъат. — Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
6. *Гегель Г.В.Ф.* Эстетика (в 4-х томах). М., Искусство, т. 1, 1968; т.2, 1969; т. 3, 1971; т.4, 1973.
7. *Абу Наср Форобий.* Шеър санъати. — Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
8. *Абу Али ибн Сино.* Шеър санъати. Саломон ва Ибсол. — Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
9. *Н.Г. Чернишевский.* Танланган адабий-танқидий мақолалар. — Т., Ўздавнашр, 1956.
10. *Н.А. Добролюбов.* Адабий-танқидий мақолалар. — Т., Бадиий адабиёт, 1959.
11. *Бахтин М.М.* Эстетика словесного творчества. М., Искусство, 1986.
12. *Верли М.* Общее литературоведение. М., Худ. литература, 1957.

## 2-бўлим

1. Бадиий изход ҳақида. — Т., Ўзгадабийнашр, 1960.
2. *А.Қодирий.* Ўқиш ва ўрганиш. Кичик асарлар. — Т., Бадиий адабиёт, 1969.
3. *Э. Воҳидов.* Шоиру шеъру шуур. — Т., Ёш гвардия, 1987.
4. *Асқад Мухтор.* Ёш дўстларимга. — Т., Ёш гвардия, 1971.
5. *У.Норматов.* Талант тарбияси. — Т., Ёш гвардия, 1980.
6. *А.Орипов.* Эҳтиёж фарзанди. — Т., Ёш гвардия, 1988.

7. Чўлпон. Адабиёт надир. — Т., Чўлпон, 1994.
8. Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан сұхбат. — Т., Ёш гвардия, 1968.
9. П.Қодиров. Ўйлар, бадиалар. — Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.
10. Шукрулло. Жавоҳирот сандиги. — Т., Ёш гвардия, 1983.
11. Ў.Ҳошимов. Нотаниш орол. — Т., Ёш гвардия, 1990.
12. Ойбек. Адабиёт тўғрисида. — Т., Фан, 1985.

### 3-бўлим

1. А. Фитрат. Адабиёт қоидалари. — Т., Ўқитувчи, 1995.
2. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. — Т., Ўқитувчи, 1980. (1986).
3. Узлек Р. Уоррен. О. Теория литературы. М., 1978.
4. Адабиётшуносликка кириш (проф. Н.Шукуров ва бошқалар), дарслик (иккинчи нашри). — Т., Ўқитувчи, 1984.
5. Т.Бобоев. Адабиётшуносликка кириш курси бўйича ўқув-методик қўлланма. — Т., Ўқитувчи, 1979.
6. Т.Бобоев., З.Бобоева. Адабиётшуносликка кириш курси бўйича ўқув-методик ва кўргазмали қўлланма (икки китобча). — Т., РЎММ, 1992.
7. Т.Бобоев. Адабиётшуносликка кириш. Амалиёт (икки китобча). — Т., РЎММ, 1993.
8. Т.Бобоев. Шеър илми таълими. — Т., Ўқитувчи, 1996.
9. Т.Бобоев. Адабиёт назарияси асослари (дастур). — Т., ТДПУ, 1999.
10. Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. — Т., Ўқитувчи, 1979.
11. Адабиётшунослик терминлари лугати (Ҳ.Ҳомидий ва бошқалар). — Т., Ўқитувчи, 1970.
12. Э.Худойбердиев. Адабиётшуносликка кириш. — Т., Ўқитувчи, 1995.
13. Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари (дастур). — Т., ТДПУ, 2000.
14. Кўшжонов М. Бадиият қонуниятлари. Сайланма (икки томлик), 2-том. — Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 136—286-бет.
15. Н.Шукуров. Услублар ва жанрлар. — Т., F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
16. А.Ҳожсаҳмединов. Мумтоз бадиият малоҳати. — Т., Шарқ, 1999.

## **МУНДАРИЖА**

1. Муаллифдан .....	3
2. Муқаддима. Адабиётшунослик фанлари .....	6

### **I бўлим АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ**

<i>Биринчи боб. Ҳаёт ва адабиёт .....</i>	27
<i>Иккинчи боб. Бадиий образ .....</i>	41
<i>Учинчи боб. Бадиий адабиётда типиклаштириш .....</i>	62
<i>Тўртинчи боб. Дунёқарашиб ўзига оид маданий тарзлар .....</i>	77

### **II бўлим БАДИЙ АСАР**

<i>Биринчи боб. Мазмун ва шакл, мавзу ва фоя. ....</i>	92
<i>Иккинчи боб. Бадиий сюжет .....</i>	108
<i>Учинчи боб. Адабий асар композицияси .....</i>	136
<i>Тўртинчи боб. Бадиий асар тили .....</i>	156

### **III бўлим ШЕЪР ИЛМИ ТАЪЛИМИ**

<i>Биринчи боб. Бармоқ тизими .....</i>	193
<i>Иккинчи боб. Аруз тизими .....</i>	233
<i>Учинчи боб. Қоғия сабоқлари .....</i>	264
<i>Тўртинчи боб. Поэтик кўчимлар .....</i>	323

<i>Бешинчи боб. Бадиий санъатлар</i> .....	354
<i>Олтинчи боб. Поэтик синтаксис</i> .....	422

**IV бўлим**  
**АДАБИЙ ЖАРАЁН**

<i>Биринчи боб. Адабий турлар ва жанрлар</i> .....	459
<i>Иккинчи боб. Ижодий метод, адабий оқим ва индивидуал услуб</i> .....	519
<i>Мутолаа учун тавсия этилган адабиётлар</i> .....	555

**Тўхта Бобоев**

**АДАБИЁТШУНОСЛИК АСОСЛАРИ**

*Ўзбек тилида*

“Ўзбекистон” нашриёти — 2001. Тошкент, 700129,  
Навоий кўчаси, 30.

Бадиий мұҳаррир *Х. Мөҳмонаов*  
Техник мұҳаррир *У.Ким*  
Мусаҳид *С. Абдувалиев*  
Компьютерда тайёрловчи *Э. Ким*

Теришга берилди 1.03.2001. Босишга руҳсат этилди 18.04.2002.  
Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. “Таймс” гарнитура оғсет усулида босилди.  
Шартли бос.т. 29,4. Нашр т. 29,35. 2000 нусхада чоп этилди.  
Буюртма №87

“Ўзбекистон” нашриёти, 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.  
Нашр № 44-2001.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қумитаси 1-босмахонасида  
босилди. 700002. Тошкент, Соғбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.

**Бобоев Тўхта.**

Адабиётшунослик асослари. Олий ўқув юртларининг филология (ўзбек тили ва адабиёти) факультетлари талабалари (бакалаврият босқичи) учун дарслари. Масъул мурҳарир: С. Мамажонов. 2-нашр, қайта ишланган ва тўлдирилган. — Т.: “Ўзбекистон”, 2001. — 560 б.

**ББК 83.3(5У)**

№231-2001

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат кутубхонаси